И. СТАЛИН

АСАРЛАР

10

БУТУНИТТИФОҚ
КОММУНИСТ (БОЛЬШЕВИҚ)ЛАР
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ
ҚАРОРИГА МУВОФИҚ
БОСИЛДИ

Пролетарии всех стран, соединяйтесь!

ИНСТИТУТ МАРКСА — ЭНГЕЛЬСА — ЛЕНИНА
при ЦК ВКП(б)

И.В.СТАЛИН

СОЧИНЕНИЯ

★

ГОСУДАРСТВЕННОЕ ИЗДАТЕЛЬСТВО ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ
Москва · 1949

Бутун дун'ё пролетарлари, бирлашингиз!

ВКП(б) МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
МАРКС — ЭНГЕЛЬС — ЛЕНИН ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН ФИЛИАЛИ

И.В.СТАЛИН

АСАРЛАР

★

ЎзССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
Тошкент · 1950

И.В.СТАЛИН

ТОМ
10

1927

АВГУСТ – ДЕКАБРЬ

Таржимани
ЎзК(б)П Марказий Комитети
тасдиқлаган

СЎЗБОШИ

И. В. Сталин Асарларининг ўнинчи томига 1927 йилнинг августидан декабригача ёзилган асарлар кирган.

Мамлакатни социалистик индустриялаш сиёсати соҳасида 1927 йил охирларида ҳал қилучи ютуқларга эришилди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаш йўлига ўтиш большевиклар партияси блан совет халқи олдида турган ғоят муҳим вазифа бўлиб қолди.

ВКП(б) XV с'ездига Марказий Комитетнинг сиёсий ҳисоботида И. В. Сталин Совет Иттифоқининг халқаро аҳволини, капиталистик мамлакатлардаги ҳол-аҳволни, бутун дун'ёдаги революцион ҳаракатнинг қандай аҳволда эканлигини анализ қилиб берди; СССРдаги социалистик қурилишнинг капиталистик қуршов шароитида эришган ютуқларини кўрсатиб берди; халқ хўжалигининг ҳал қилучи муҳим социалистик соҳаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда халқ хўжалигидаги капиталистик элементларни тугатиш вазифаларини белгилаб берди. И. В. Сталин қишлоқ хўжалигини коллективлашга ўтиш йўлини асослаб берди, с'езд бу йўлни ма'қуллади ва қабул қилди.

ВКП(б) XV с'ездида қилган ҳисобот доклади ва охирги сўзида, «Рус оппозициясининг сиёсий қиёфаси», «Троцкийчи оппозиция аввал ва ҳозир», «Партия ва оппозиция» деган нутқлари ва бошқа асарларида

И. В. Сталин троцкизмни ғоявий жиҳатдан то охиригача тор-мор қилиб ташлади ва партия олдига троцкийчи-зиновьевчи антисовет блокни ташкилий жиҳатдан батамом тор-мор қилиш ва тугатиш вазифасини қўйди, большевиклар партияси қаторларида бирлик ва темирдек мустаҳкам интизом учун тинмай кураш олиб бориш зарурлигини алоҳида уқдириб ўтди.

И. В. Сталиннинг «Октябрь революциясининг халқаро характери», «Четэл ишчиларининг делегациялари блан суҳбат», «Халқаро аҳвол ва СССР мудофааси» деган асарлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг оламшумул-тарихий аҳамиятини очиб берди, бу революция инсоният тарихида капитализмдан коммунизмга тубдан бурилиш эканини, марксизм-ленинизмнинг социал-демократизм устидан ғалаба қилиши эканини очиб берди. И. В. Сталин СССРнинг бутун дун'ёдаги революцион ҳаракат базаси сифатидаги аҳамиятини ва Совет Иттифоқини империализмнинг ҳужумидан ҳимоя қилиш зарурлигини алоҳида уқдириб кўрсатди.

«Биринчи Америка ишчи делегацияси блан суҳбат»да И. В. Сталин марксизм блан ленинизмнинг узилмас бирлигини кўрсатиб берди ва Лениннинг Маркс — Энгельс та'лимотини янги даврга — империализм ва пролетар революциялари даврига мувофиқ суратда тараққий қилдириб, марксизмнинг умумий хазинасига қўшган янги гавҳарларини очиб берди.

«Ўртоқ М. И. Ульяновага. Ўртоқ Л. Михельсонга жавоб» деган мактуб ва ««Октябрь революциясининг халқаро характери» мақоласининг конспекти» ўнинчи томда биринчи мартаба босилади.

ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Маркс — Энгельс — Ленин институти

1927

АВГУСТ – ДЕКАБРЬ

ВКП(б) МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА МАРКАЗИЙ КОНТРОЛЬ КОМИССИЯСИ ҚЎШМА ПЛЕНУМИ[1]

1927 йил 29 июль — 9 август

И. Сталин. Оппозиция тўғрисида.
1921—1927 йиллардаги мақола ва нутқлар,
М.—Л., 1928

ХАЛҚАРО АҲВОЛ ВА СССР МУДОФААСИ

1 августда сўзланган нутқ

I

КОМИНТЕРН СЕКЦИЯЛАРИГА ОППОЗИЦИЯНИНГ ҚИЛГАН ҲУЖУМЛАРИ

Ўртоқлар! Мен энг аввал Каменев, Зиновьев ва Троцкийнинг Коминтерн секцияларига қарши, Коминтерннинг Польша секциясига қарши, Австрия, Англия, Хитой секцияларига қарши қилган ҳужумлари масаласига тўхталиб ўтмоқчиман. Мен бу масалага шу сабабдан тўхталиб ўтмоқчиманки, улар, оппозициячилар, қардош партиялар ҳақида бу ерда сув лойқатдилар, кўзга чанг пуркидилар, ҳолбуки бизга бу ерда оппозициячиларнинг бемаза сафсатаси эмас, балки очиқ-ойдинлик керак.

Польша партияси тўғрисидаги масала. Зиновьев бу ерда жуда ботирланиб, агар Варский у ерда, Польша партиясида, ўнг оғмачилик қилган экан, бунга Коммунистлар Интернационали айбли, Коминтерннинг ҳозирги раҳбарлари айбли, деган гапни айтди. У, агар Варский бир вақтлар Пилсудский қўшинларини қувватлаш нуқтаи назарида турган экан — Варский чиндан ҳам шундай нуқтаи назарда турган эди — бунга Коминтерн айбли, дейди.

Бу мутлақо нотўғри. Мен фактларга, Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссиясининг ўтган йили июль ойида бўлиб ўтган пленуми стенограммасининг ўзингизга ма'лум жойларига мурожаат қилмоқчиман, ўртоқ Дзержинскийдек одамнинг айтган гапларига мурожаат қилмоқчи ва гувоҳ қилиб келтирмоқчиман, ўша вақтда ўртоқ Дзержинский, агар Польша партиясида ўнг оғмачилик бўлган экан, уни ўрнатган бошқа бир киши эмас, Зиновьев бўлди, деган эди.

Бу Пилсудский ис'ёни[2] деб аталган ис'ён кунларида бўлган эди. У вақтда биз, Коммунистлар Интернационали Ижроия Комитети Польша комиссиясининг ва партиямиз Марказий Комитетининг Дзержинский, Уншлихт, мен, Зиновьев ва бошқалардан иборат а'золари Польша коммунистлар партияси учун қарор тайёрлаган эдик. Зиновьев, Коминтерннинг раиси сифатида, ўша вақтда ўз таклифлари лойиҳасини киритиб, бу лойиҳада у, жумладан, ҳозирги пайтда Польшада Пилсудскийни ёқлаётган кучлар блан Польшанинг Витос ҳукуматини ёқлаётган кучлар ўртасидаги кураш авж олиб кетаётган бир вақтда, ана шундай бир пайтда коммунистлар партиясининг бетарафлик сиёсатини тутмоғи мутлақо мумкин эмас, **ва ҳозирча Пилсудскийга қарши ҳаддан ташқари қаттиқ сўз айтмасдан туриш керак,** деган эди.

Биз, бирнеча киши, шу жумладан Дзержинский, ўша вақтда бунга қарши э'тироз билдириб, бу директива нотўғри, бу директива фақат Польша коммунистлар партиясини гангитиб қўяди, холос, дедик. Бетарафлик сиёсатини тутиш мутлақо мумкин эмас дебгина қолмай, балки Пилсудскийни қувватлаш сиёсати ҳам

ҳечбир йўл қўйиб бўлмайдиган бир иш деб айтмоқ керак, дедик. Ба'зибир э'тирозлардан кейин, бу директива биз киритган тузатишлар блан қабул қилинган эди.

Мен бу блан шуни айтмоқчиманки, ўша вақтда хато қилган ва бу қилган хатоси учун хўб яхшилаб койиш эшитган Варскийга қарши гапириш унчалик катта ботирлик кўрсатиш эмас, аммо ўз айбини бошқалар устига ағдариш, Польша партиясида ўнг оғмачиликни ўрнатишдаги ўз айбини, Зиновьевнинг айбини, Коминтернга, Коминтерннинг ҳозирги раҳбарларига тўнкаш Коминтернга қарши жиноят қилиш демакдир.

Сиз буни майда-чуйда гап, дерсиз ва мени бу блан бекорга овора бўлиб ўтирибди, дерсиз. Йўқ, ўртоқлар, бу майда-чуйда гап эмас. Польша партиясида ўнг оғмачиликка қарши кураш давом қилмоқда ва ҳали яна давом этади. Зиновьев шу даражага бориб етдики, қандай қилиб юмшоқроқ қилиб айтсак экан,— уялмайпетмай ўнг оғмачиликни Коминтерннинг ҳозирги раҳбарлари қувватламоқдалар, деб да'во қилди. Аммо фактлар бунинг аксини кўрсатади. Фактлар Зиновьевнинг, ўз айбини бошқалар устига ағдариб, Коминтернга туҳмат қилаётганини кўрсатади. Бу унга, Зиновьевга одат бўлиб қолган иш, бу унинг эски қилиғи, бунда ҳечқандай янги бир нарса йўқ. Лекин бизнинг бурчимиз унинг бу туҳматчилик қилиғини ҳар сафар фош қилишдир.

Австрия хусусида. Зиновьев бу ерда, Австрия коммунистлар партияси заиф, у яқинда Венада бўлиб ўтган қўзғолиб чиқишга[3] раҳбарлик қилишни ўз устига ололмади, деб да'во қилди. Бу тўғри ҳам ва нотўғри ҳам. Австрия компартиясининг заифлиги рост. Аммо унинг

тўғри ҳаракат қилганлигини инкор этиш унга туҳмат қилиш демакдир. Рост, ҳали у заиф, аммо у, жумладан, шу сабабдан заифки, ҳали капитализмнинг чуқур революцион кризиси, оммани революционлаштирадиган, социал-демократиянинг тўс-тўполонини чиқарадиган ва коммунизм имкониятларини тез кўпайтирадиган чуқур революцион кризис йўқ, шу сабабдан заифки, у ҳали ёш, шу сабабданки, Австрияда «сўл» социал-демократлар[4] аллақачонлардан буён ҳукмрон бўлиб келмоқдалар, улар, сўл иборалар пардаси остига яшириниб, ўнглик, оппортунистлик ишларини олиб боришга уста, шу сабабданки, социал-демократияни бир зарба блан синдириб бўлмайди. Лекин, аслини айтганда, Зиновьев гапни қаёққа олиб бормоқда? У, агар Австрия компартияси заиф экан, бунга Коминтерн айбли, деган мазмунда ишора қилиб гапирди, лекин буни очиб айтишга жур'ат қилаолмади. Равшанки, у шундай демоқчи бўлади. Аммо бу зўри беҳуда бир ҳаракатдир. Бу туҳмат. Аксинча, Зиновьев Коминтерн раислигидан кетгандан кейин, айни шундан кейин, Австрия компартияси ҳа деб безовта қилинаберишлардан, унинг ички ишига унар-унмасга аралашаберишларидан қутилди ва шундай қилиб, олға қараб бориш, ўсиш имкониятига эга бўлди. Унинг Вена воқиаларида жуда актив суратда қатнашаолганлиги, ўзига ишчилар оммасининг ҳайрихоҳлигини қозонаолганлиги факт эмасми,— ажабо бу нарса Австрия компартиясининг ўсаётганини, оммавий партияга айланаётганини кўрсатмайдими? Бу очиқ-равшан фактларни қандай инкор қилиб бўлади?

Англия компартиясига қилинган ҳужум. Зиновьев, Англия компартияси умумий ишташлаш ва кўмир-

чилар ишташлашидан[5] ҳеч нарса ютмади, курашдан у гўё ҳатто анча кучсизланиб чиқди, деб да'во қилди. Бу нотўғри. Шу сабабдан нотўғрики, Англия коммунистлар партиясининг салмоғи кундан кунга ўсиб бормоқда, буни фақат кўрларгина инкор қилаолади. Бу, ҳеч бўлмаганда шундан ҳам кўриниб турибдики, агар илгари Англия компартиясига Англия буржуазияси жиддий э'тибор бермаган бўлса, энди у, аксинча, Англия компартиясини жони-жаҳди блан та'қиб қилмоқда, шу блан фақат буржуазиянинг бир ўзигина та'қиб қилиб қолаётгани йўқ, балки Генсовет[6] ҳам, Англия лейбористлар партияси ҳам жон-жаҳди блан «ўз» коммунистларига қарши юриш уюштирмоқдалар. Нима сабабдан то бу дамгача Англия коммунистларига озми-кўпми йўл қўйиб келган эдилар? Шу сабабданки, Англия коммунистлари заиф эдилар, уларнинг омма ўртасидаги та'сири кучсиз эди. Нима сабабдан энди уларга йўл қўймай қўйдилар, нима сабабдан уларга жон-жаҳдлари блан ҳужум қилабошладилар? Шу сабабданки, улар компартияни қудратли куч деб билиб, ундан қўрқадилар, шу сабабданки, Англия лейбористлар партияси блан Генсовет лидерлари компартияни ўзларининг гўрковлари деб билиб, ундан қўрқадилар. Зиновьев буни эсидан чиқаради.

Мен умуман Коминтерннинг ғарбий секциялари ҳали озми-кўпми заиф эканлигини инкор қилмайман. Буни инкор қилиб бўлмайди. Лекин бунинг сабаблари нимада? Бу сабаблардан энг муҳимлари:

биринчидан, шуки, чуқур революцион кризис, оммани революционлаштирадиган, уларни оёққа қўзғолтирадиган ва уларни коммунизм томонига кескин бурибюборадиган чуқур революцион кризис йўқ;

иккинчидан, шу ҳолки, ҳамма Ғарбий Европа мамлакатларида ишчилар орасида ҳозирча устун турган куч социал-демократлар партияларидир, булар компартияларга қараганда анча эскидир, компартиялар эса яқинда пайдо бўлган ва улардан социал-демократлар партияларини бир зарба блан тор-мор қилишларини талаб қилиб бўлмайди.

Лекин ана шу аҳволларга қарамай Ғарбда компартияларнинг ўсаётганлиги, ишчилар оммаси ўртасида уларнинг обрўси ортиб бораётганлиги, улардан бир хиллари аллақачоноқ пролетариатнинг чинакам оммавий партиясига айланганлиги, бошқа бирлари ҳозир шундай оммавий партияга айланиб бораётгани факт эмасми, ахир?

Аммо Ғарбдаги компартияларнинг тез ўсишига халақит бериб турган яна битта сабаб бор. Бу — оппозициянинг, шу ерда, мана шу залда ўтирган оппозициянинг нифоқчилик ҳаракатидир. Компартияларнинг тез сур'ат блан ўсмоғи учун нима талаб қилинади? Коминтернда темирдек мустаҳкам бирлик бўлмоғи, унинг секцияларида нифоқ бўлмаслиги талаб қилинади. Хўш, оппозиция нима қилмоқда? У, Германияда иккинчи партия тузди, Маслов ва Рут Фишер партиясини тузди. Оппозиция Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам ана шундай нифоқчи группалар тузишга ҳаракат қилмоқда. У, биздаги оппозиция, Германияда ўз марказий комитетига, ўз марказий органига, парламентда ўз фракциясига эга бўлган иккинчи партия тузди, оппозиция Коминтернда нифоқ уюштирди, бу ҳолда нифоқнинг компартияларнинг ўсишига тўсқинлик қилмаслиги мумкин эмаслигини яхши билатуриб нифоқ уюштирди,— энди келиб яна ўзи Коминтернга ишора

қилиб, Ғарбда компартиялар секин ўсмоқда, деб шовқин кўтаради! Бу энди чиндан ҳам ўтакетган сурбетликдир...

Хитой коммунистлар партияси хусусида. Оппозициячилар унда, Хитой коммунистлар партиясида, аслда — унинг раҳбарларида социал-демократлик, меньшевиклик хатолари бор, деб шовқин кўтарадилар. Бу тўғри. Бунга Коминтерн раҳбарларини айбдор қилиб кўрсатадилар. Буниси энди сра ҳам тўғри эмас. Аксинча, Хитой коммунистлар партияси раҳбарларининг хатоларини Коминтерн доимо тузатиб келмоқда. Буни фақат кўрларгина инкор қилаолади. Буни сиз матбуотдан, «Правда»дан, «Коммунистический Интернационал»[7]дан ўзингиз яхши биласиз, буни сиз Коминтернинг қарорларидан ўзингиз яхши биласиз. Коминтернинг Хитой коммунистлар партияси Марказий Комитетида меньшевиклик оғмачилиги туғилувига сабаб бўлаоладиган бирор директиваси, бирор резолюцияси қачон эса-да бўлганлигини оппозиция айтиб бермади ва оппозиция буни айтиб бераолмайди, чунки бундай директивалар табиатда йўқ. Агар бирор ердаги компартияда ёки унинг Марказий Комитетида меньшевиклик оғмачилиги пайдо бўлган экан, бунга албатта Коминтерн айбдор деб ўйлаш тентакликдир.

Каменев, Хитой коммунистлар партиясида меньшевиклик хатолари қаердан келиб чиқди,— деб савол беради ва бунга, бу хатолар фақат Коминтерннинг нотўғри раҳбарлиги орқасида келиб чиқди, деб жавоб беради. Мен бунга шундай савол бераман: хўш, 1923 йилги революция вақтида Германия компартиясида меньшевиклик хатолари қаердан келиб чиқди? Брандлерчилик[8] қаердан келиб чиқди? Ким уни қувватлаган

эди? Германия партияси Марказий Комитетининг меньшевиклик хатоларини оппозициянинг ҳозирги лидери Троцкий қувватлаганлиги факт эмасми ахир? Каменев нега у вақтда, брандлерчиликнинг туғилишига Коминтернинг нотўғри раҳбарлик қилганлиги сабаб бўлди, демаган эди? Каменев блан Троцкий пролетариатнинг революцион ҳаракати сабоқларини эсларидан чиқарганлар. Революция юксалган вақтда компартияларда ўнг ва сўл оғмачилик албатта пайдо бўлиши лозимлигини, бу оғмачиликлардан биринчисининг ўтмишдан ажралгуси келмаслигини, иккинчисининг ҳозир блан ҳисоблашгуси келмаслигини улар эсларидан чиқариб қўйганлар. Бу оғмачиликлардан холи революцияларнинг бўлмаслигини улар эсларидан чиқариб қўйганлар.

Хўш, 1917 йил Октябрида бизда нима бўлган эди, бизнинг партиямизда у вақтда ўнг оғмачилик блан сўл оғмачилик бўлмаганмиди? Ажабо, Каменев блан Зиновьев буни унутиб қўйибдиларми? Каменев блан Зиновьевнинг Октябрьдаги меньшевиклик хатолари тарихи хотирингиздами, ўртоқлар? Бу хатолар у вақтда қаердан келиб чиққан эди? Бу хатоларнинг айбдори ким эди? Ажабо, бу хатолар учун Ленин ёки Ленин партиясининг Марказий Комитетини айблаб бўлармиди? Оппозиция бундай ва шу сингари фактларни қандай қилиб «эсидан чиқара» олди? Ҳарқачон революция юксалган вақтда партия ичида марксизмдан ўнг ва сўлга оғишлар пайдо бўлишини оппозиция қандай қилиб «эсидан чиқара» олибди? Хўш, бунда марксистларнинг вазифаси, ленинчиларнинг вазифаси нимадан иборат? Сўл оғмачиларни ҳам, ўнг оғмачиларни ҳам калтаклашдан иборатдир.

Мени Троцкийнинг манманлиги ҳайрон қолдиради; қарангки, у киши Ғарбдаги ёки Шарқдаги компартияларда кичкинагина ҳам хато бўлишига сира тоқат қилаолмас эмишлар. Қарангки, у киши Хитойда, ҳали партияси ёш бўлган, бу партиянинг яшаб келаётганига атиги икки йилга етар-етмас вақт ўтган ерда, у ерда меньшевиклик хатолари пайдо бўлганлигига ҳайрон бўлаётган эмишлар. Хўш, Троцкийнинг ўзи меньшевиклар орасида неча йил адашиб юрди? Буни у унутиб қўйдими? Ахир у меньшевиклар орасида 1903 йилдан тортиб то 1917 йилгача роса 14 йил адашиб юрган эди-ку. Нега у ҳархил антиленинчи «оқимларга» кириб-чиқиб адашиб юриб, сўнгра большевикларга яқин келиши учун ўзига 14 йил муддат берди-ю, ёш Хитой коммунистларига лоақал 4 йиллик муддат ҳам бергуси келмайди? Нега у ўз хатоларини эсидан чиқариб, бошқаларга келганда бунча манманлик қилади? Нега? Хўш, шу ҳам «адолат» бўлиптими?

II

ХИТОЙ ТЎҒРИСИДА

Хитой тўғрисидаги масалага ўтайлик.

Мен оппозициянинг Хитой революциясининг характери ва истиқболи масаласидаги хатолари ҳақида кўп гапириб ўтирмайман. Кўп гапириб ўтирмайман, чунки бу тўғрида етарли даражада кўп ва етарли далил-исботлар блан гапирилган, шу сабабдан бу ерда такрорлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Хитой революцияси ўзининг ҳозирги босқичида гўё таможна автономияси учун бўлган революциядир (Троцкий), деган муҳокама тўғрисида кўп гапириб ўтирмайман. Хитойда

феодализм қолдиқлари гўё йўқ, агар бундай қолдиқлар бор бўлса ҳам улар ҳечқандай жиддий аҳамиятга эга эмас, аҳвол шундай экан, демак Хитойда аграр революция деган гап мутлақо тушуниб бўлмайдиган бир нарса бўлиб қолади (Троцкий ва Радек), деган муҳокамалар тўғрисида ҳам кўп гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Оппозициянинг Хитой масаласидаги бу ва шу сингари хатолари сизга партия матбуотимиздан илгарироқдан ҳам ма'лум бўлса керак.

Ленинизмнинг мустамлака ва қарам мамлакатлардаги революция масалаларини ҳал қилишда асосий нуқтаи назари нимадан иборатлиги масаласига ўтайлик.

Коминтерннинг ва умуман коммунистлар партияларининг мустамлака ва қарам мамлакатлардаги революцион ҳаракат масалаларини ҳал қилишдаги асосий нуқтаи назари нимадан иборат?

У, империалистик мамлакатлардаги, бошқа халқларни эзучи мамлакатлардаги революция блан мустамлака ва қарам мамлакатлардаги, бошқа империалистик давлатлар зулми остида қолган мамлакатлардаги революция ўртасида бўлган тафовутни бир-биридан қаттиқ **фарқ қилишдан** иборатдир. Империалистик мамлакатлардаги революция — бир бошқа, у ердаги буржуазия бошқа халқларни эзучидир, буржуазия у ерда революциянинг ҳамма босқичларида контрреволюциондир, у ерда озодлик курашининг миллий томони йўқ. Мустамлака ва қарам мамлакатлардаги революция — қандайдир бир бошқа, у ерда бошқа давлатлар империализмининг зулми революция факторларидан биридир, у ерда бу зулм миллий буржуазияга ҳам тегмаслиги мумкин эмас, у ерда миллий

буржуазия ўз мамлакатининг империализмга қарши революцион ҳаракатини ма'лум бир босқичда ва ма'лум бир муддатда қўллаб-қўлтиқлай олади, у ерда озодлик учун курашнинг миллий томони революция факторидир.

Бу тафовутнинг фарқига бормаслик, бу тафовутни тушунмаслик, империалистик мамлакатлардаги революцияни мустамлака мамлакатлардаги революция блан тенглаштириш марксизм йўлидан, ленинизм йўлидан тойиш демакдир, II Интернационал тарафдорлари йўлига кириш демакдир.

Ленин Коминтерннинг II конгрессида миллий ва мустамлака масалалари тўғрисида қилган докладида бу ҳақда мана бундай деган эди:

«Бизнинг тезисларимизнинг **энг муҳим, асосий** идеяси нима? **Эзилган** халқлар блан **эзучи** халқлар орасидаги **фарқдир.** Биз, II Интернационал ва буржуа демократиясига қарама-қарши суратда, бу фарқни алоҳида уқдириб ўтамиз»* (XXV том, 351 бет).

Оппозициянинг асосий хатоси шундаки, у бир типдаги революция блан бошқа бир типдаги революция орасидаги бу фарқни тушунмайди ва бу фарқни иқрор қилмайди.

Оппозициянинг асосий хатоси шундаки, у бошқа халқларни эзган, империалистик мамлакат бўлмиш Россиядаги 1905 йил революциясини эзилган, ярим мустамлака бўлган, бошқа давлатларнинг империалистик зулмига қарши курашга мажбур бўлган мамлакат бўлмиш Хитойдаги революция блан **тенглаштиради.**

Бизда, Россияда, 1905 йилда, революция буржуа-демократик революция бўлганига қарамай, буржуа-

* Курсив меники. **И. Ст.**

зияга қарши, либерал буржуазияга қарши революция эди. Нима сабабдан? Шу сабабданки, **империалистик** мамлакатнинг либерал буржуазияси контрреволюцион бўлмай қололмайди. Худди мана шу сабабдан большевиклар у вақтда либерал буржуазия блан вақтинча блок ва битим тузиш тўғрисида сўз юритмаган эдилар ва юритишлари ҳам мумкин эмас эди. Оппозиция мана шунга асосланиб, Хитойда ҳам революцион ҳаракатнинг ҳамма босқичларида шу йўл тутилмоғи лозим, Хитойда миллий буржуазия блан вақтинча битим ва блок тузишга ҳечқачон ва ҳечқандай шароитда ҳечбир йўл қўйиб бўлмайди, деб да'во қилади. Лекин оппозиция фақат эзилган мамлакатлардаги революция блан эзучи мамлакатлардаги революция орасидаги фарқни тушунмайдиган ва бу фарқни иқрор қилмайдиган кишиларгина шундай деб гапириши мумкин эканлигини, ленинизм блан алоқани узучи ва II Интернационал тарафдорлари сафига ўтучи кишиларгина шундай деб гапириши мумкин эканлигини эсидан чиқаради.

Ленин мустамлака мамлакатлардаги **буржуа**-озодлик ҳаракати блан вақтинча битим ва блок тузиш жоизлиги тўғрисида мана бундай дейди:

«Коммунистлар Интернационали мустамлака ва қолоқ мамлакатларнинг буржуа демократияси блан **вақтинча иттифоқда*** бўлиши керак, аммо унинг блан қўшилишиб кетмаслиги ва пролетар ҳаракатининг ҳатто энг куртак формасида ҳам мустақиллигини албатта сақлаб қолмоғи лозим» (XXV том, 290 бет)... «биз, коммунист бўлишимиз сифатида, мустамлака мамлакатлардаги **буржуа озодлик*** ҳаракатларини, агар бу ҳаракатлар ҳақиқатан революцион ҳаракат бўлса, агар бу ҳаракатларнинг намояндалари деҳ-

* Курсив меники. **И. Ст.**

қонларни ва эксплуатация қилинучи кенг оммани революцион руҳда тарбиялашимиз ва уюштиришимизга тўсиқлик қилмасалар, фақат шу ҳоллардагина **қўлламоғимиз керак ва қўллаймиз***» (XXV том, 353 бет).

Россияда буржуазия блан битим қилишга қарши қаттиқ ғазабланиб гапирган Лениннинг **Хитойда** бундай битим ва блокнинг жоизлигини иқрор қилганлигининг «боиси» нима? Эҳтимол, Ленин янглишган чиқар? Эҳтимол, у революцион тактикадан оппортунистик тактикага бурилган чиқар? Йўқ, албатта! Бунинг «боиси» шуки, Ленин эзилган мамлакатлардаги революция блан эзучи мамлакатдаги революция орасидаги фарқни тушунар эди. Бунинг «боиси» шуки, Ленин мустамлака ва қарам мамлакатлардаги миллий буржуазиянинг ўз мамлакатининг империализмга қарши революцион ҳаракатини ўз тараққиётининг ма'лум босқичида қўллаб-қўлтиқлай олишини тушунар эди. Оппозиция мана шу нарсани тушунишни истамайди, оппозиция бу нарсани шу сабабдан тушунишни истамайдики, у Лениннинг революцион тактикаси блан алоқани узади, ленинизмнинг революцион тактикаси блан алоқани узади.

Оппозиция лидерларининг ўз нутқларида Лениннинг бу кўрсатмаларини тилга олишдан қўрқиб, уларни зўр бериб четлаб ўтганликларига диққат қилдингизми? Хўш, улар Лениннинг мустамлака ва қарам мамлакатлар учун берган ҳаммага ма'лум бу кўрсатмаларини нима сабабдан четлаб ўтмоқдалар? Улар бу кўрсатмалардан нима сабабдан қўрқадилар? Шу сабабданки, улар ростини айтишдан қўрқадилар. Шу сабабданки,

* Курсив меники. **И. Ст**

Ленининг берган тактика кўрсатмалари Хитой революцияси масалаларида троцкизмнинг бутун ғоявий-сиёсий дастурларини остин-устин қилиб ташлайди.

Хитой революциясининг даврлари тўғрисида. Оппозиция шу даражага чалкашиб қолдики, у энди Хитой революциясининг тараққиётида қандай бўлмасин бирон бир давр борлигини инкор этади. Лекин ўз тараққиётида ма'лум бир даврлари бўлмаган революция ҳам бўладими? Ажабо, биздаги революциянинг ўз тараққиёт даврлари бўлмаганмиди? Ленининг Апрель тезисларини[9] олиб кўрсангиз, Ленининг биздаги революцияда икки давр бор деб билганини кўрасиз: биринчи давр — аграр ҳаракат асосий ўрин тутган буржуа-демократик революция; иккинчи давр — пролетариатнинг ҳокимиятни қўлга олиши асосий ўрин тутган Октябрь революцияси.

Хитой революциясининг даврлари қандай?

Улар, менимча, учта бўлиши керак:

биринчи давр — умуммиллий **бирлашган** фронт революцияси, Кантон даври, бу вақтда революция ўз зарбасини асосан четэл империализмига қарши қаратган эди, миллий буржуазия эса революцион ҳаракатни қўллаб-қўлтиқлаган эди;

иккинчи давр — миллий қўшинлар Янцзи дар'ёсига чиққанидан кейин буржуа-демократик революция, бунда миллий буржуазия революциядан четлашди, аграр ҳаракат эса ўсиб, ўн миллионлаб деҳқонларнинг ниҳоят кучли революциясига айланди (ҳозир Хитой революцияси ўз тараққиётининг иккинчи даврида турибди);

учинчи давр — совет революцияси, ҳали бу революция бўлаётгани йўқ, аммо бу революция бўлади.

Кимки революциянинг ўз тараққиётида ма'лум даврлари бўлишлигини тушунмаса, кимки Хитой революциясининг ўз тараққиётида учта даври борлигини тушунмаса, ундай одам марксизмдан тамоман бехабар, Хитой масаласида ҳечнарса тушунмаган бўлади.

Хитой революцияси биринчи даврининг характерли хусусияти нимадан иборат?

Хитой революцияси биринчи даврининг характерли хусусияти **шундан иборатки,— биринчидан,—** у, умуммиллий бирлашган фронт революцияси эди ва,— иккинчидан,— у, асосан, ташқи империалистик зулмга қарши қаратилган эди (Гонконг забастовкаси[10] ва бошқалар). Ўша вақтда Кантон Хитойда революцион ҳаракатнинг маркази, плацдарми эдими-йўқми? Албатта, маркази, плацдарми эди. Энди буни фақат кўрларгина инкор қилмоғи мумкин.

Мустамлакалардаги революциянинг биринчи даври айни шундай характерда бўлиши тўғрими? Мен тўғри деб ўйлайман. Коминтерн II конгрессининг Хитой блан Ҳиндистондаги революция тўғрисида сўз юритилган «Қўшимча тезисларида» тўппа-тўғри мана бу гаплар айтилади: бу мамлакатларда «четэл зулми ижтимоий турмушнинг эркин суратда тараққий қилмоғига ҳамиша тўсқин бўлиб келади», «шу сабабдан мустамлакалардаги революциянинг **биринчи қадами*** четэл капитализмини ағдариш бўлиши керак» дейилади (Коминтерн II конгресси стенограмма ҳисоботи, 605 бетга қаралсин).

Хитой революциясининг характерли хусусияти шу фактдан иборатки, у революция мазкур «биринчи

* Курсив меники. **И. Ст.**

қадамни», ўз тараққиётининг биринчи даврини ўтди, умуммиллий бирлашган фронт революцияси даврини ўтди ва ўз тараққиётининг иккинчи даврига, аграр революция даврига кирди.

Масалан, турклар революциясининг (Камолчилар) характерли хусусияти, аксинча, шу фактдан иборатки, у революция «биринчи қадамда», ўз тараққиётининг биринчи даврида, буржуа-озодлик ҳаракати даврида тўхтаб қолди, ўз тараққиётининг иккинчи даврига, аграр революция даврига ўтишга ҳатто ҳаракат ҳам қилмади.

Гоминдан[11] блан унинг ҳукумати революциянинг биринчи даврида, Кантон даврида қандай ҳукумат эди? Улар у вақтда ишчилар, деҳқонлар, буржуа интеллигентлари ва миллий буржуазиянинг блокидан иборат эди. У вақтда Кантон революцион ҳаракатнинг маркази, революциянинг плацдарми эдими ё йўқми? У вақтда Кантон Гоминданини империализмга қарши озодлик кураши ҳукумати сифатида қўллаб-қўлтиқлаш сиёсати тўғримиди-йўқми? Биз Хитойда Кантонга ва, айтайлик, Туркияда Анқарага, Кантон блан Анқара империализмга қарши кураш олиб борган вақтда ёрдам кўрсатиб тўғри қилганмидик? Ҳа, тўғри қилган эдик. Биз тўғри қилган эдик ва у вақтда биз Ленин йўлидан борган эдик, чунки Кантон блан Анқаранинг империализмга қарши кураши империализмнинг кучларини сочиб юборган, империализмни кучсизлантирган ва бутун кирдикорларини очиб ташлаган ва шу блан жаҳон революцияси ўчоғини тараққий қилдириш ишини, СССРни тараққий қилдириш ишини осонлаштирган эди. Биздаги оппозициянинг ҳозирги лидерларининг у вақтда биз блан бирга Кантонни ҳам, Анқа-

рани ҳам қўллаганликлари, уларга ма'лум ёрдам кўрсатганликлари ростми-йўқми? Ҳа, рост. Қани ким бўлса ҳам буни рад қилиб кўрсин.

Лекин мустамлакалардаги революциянинг биринчи даврида миллий буржуазия блан бирлик фронтини қандай тушунмоқ керак? Бунинг ма'носи, коммунистлар ишчилар блан деҳқонларнинг помешчикларга ва миллий буржуазияга қарши курашини ўткирлаштирмасликлари керак, пролетариат, гарчи салгина бўлса ҳам, гарчи бир минутга бўлса ҳам, ўз мустақиллигининг баҳридан ўтиши керак демакми? Йўқ, бундай демак эмас. Бирлик фронт агар у компартияга ўзининг мустақил сиёсий ва ташкилий ишларини олиб боришига, пролетариатни мустақил сиёсий куч қилиб уюштиришига, деҳқонларни помешчикларга қарши кўтаришига, ишчилар блан деҳқонлар революциясини ошкора ташкил қилишига ва шундай қилиб, пролетариат гегемонлиги учун шароит тайёрлашига тўсқинлик қилмаса,— фақат шу ҳолда ва фақат шу шароитдагина революцион аҳамиятга эга бўлади. Мен ўйлайманки, докладчи ҳаммага ма'лум ҳужжатларга асосланиб, Коминтерн бирлик фронтни Хитой компартиясига худди ана шу ма'нода тушунмоқ керак деб уқдириб келганлигини тўла исбот қилди.

Каменев блан Зиновьев бу ерда, 1926 йилнинг октябрида Шанхайга юборилган ва ҳозирча, то Шанхай олингунича, аграр ҳаракат кучайтирмай турилсин, дейилган ягона бир телеграммани далил қилиб келтирдилар. Мен бу телеграммани сра ҳам тўғри деб ҳисоблаш фикрида эмасман. Мен ҳечқачон Коминтернни бегуноҳ деб ҳисоблаган эмасман ва ҳисобламайман. Айрим хатолар бўлади, ва бу телеграмма ҳам, ҳеч

шубҳасиз хато телеграммадир. Аммо, биринчидан, бу телеграммани бир неча ҳафтадан кейин (1926 йил ноябрида), оппозиция томонидан ҳечқандай баёнот ёки огоҳлантириш бўлмай турибоқ, **Коминтернниng ўзи бекор қилган эди.** Иккинчидан, нега оппозиция бу вақтгача бу тўғрида индамай келди, нега оппозиция бу телеграммани фақат **орадан тўққиз ой** ўтиб кетгандан кейин эсга олди ва нега оппозиция бу телеграммани Коминтерннинг бундан **тўққиз ой** олдин бекор қилганлигини партиядан яширди? Шу сабабдан, уни, бу телеграммани, бизнинг раҳбарлигимизнинг тутган йўлини ифода қилар эди деб ўйлаш қасддан туҳмат қилиш бўлар эди. Ҳақиқатда эса бу телеграмма Коминтерн тутган йўл, бизнинг раҳбарлигимиз тутган йўл учун мутлақо характерли бўлмаган, айрим бир тасодифий телеграмма эди. Бунинг шундайлиги, такрор айтаман, ҳеч бўлмаганда шундан ҳам кўриниб турибдики, бу телеграмма бир неча ҳафтадан кейин бирқанча ҳужжатлар блан, йўл чизиб берадиган ва бизнинг раҳбарлигимиз учун мутлақо характерли бўлган бирқанча ҳужжатлар блан бекор қилинган эди.

Ана шу ҳужжатларга мурожаат қилишга рухсат этинг.

Мана, масалан, Коминтерннинг **1926 йил ноябрида,** я'ни юқорида айтиб ўтилган телеграммадан бир ой ўтгандан кейин бўлган VII пленуми резолюциясидан парча:

«Ҳозирги аҳволнинг алоҳида хусусияти унинг ўткинчи характеридир, бу чоқда пролетариат ё буржуазиянинг кўпчилик табақаси блан блок перспективасини ё ўзининг деҳқонлар блан бўлган иттифоқини янада мустаҳкамлаш перспективасини танлаб олмоғи лозим. **Агар пролетариат радикал аграр программани илгари сур-**

маса у деҳқонларни революцион курашга торта олмайди ва миллий-озодлик ҳаракатида гегемонликни қўлдан бериб қўяди»*.

Сўнгра яна:

«Токи миллий озодлик иши **аграр революция блан тенглаштирилмас*** экан, Кантон халқ ҳукумати революцияда ҳокимият тепасида туриб қолаолмайди, четэл империализми ва маҳаллий реакция устидан тўла ғалаба қозонаолмайди» (Коммунистлар Интернационали Ижроия Комитетининг кенгайтирилган VII пленуми резолюциясига қаралсин).

Коминтерн раҳбарлигининг тутган йўлини ҳақиқатан ифодалаб берадиган ҳужжатлар мана шу ҳужжатлардир.

Оппозиция лидерларининг Коминтерннинг ҳаммага ма'лум бу ҳужжатларини индамай четлаб ўтганликлари кишини ҳайратда қолдиради.

Агар мен Коминтерннинг Хитой комиссиясида **ўша 1926 йил ноябрида** сўзлаган нутқимга мурожаат қилсам камтарликка терс иш қилган бўлмасам керак, бу комиссия кенгайтирилган VII пленумнинг Хитой масаласи юзасидан чиқарган резолюциясини тайёрлаган бўлиб, бунда, албатта, мен ҳам иштирок қилган эдим. Уша нутқ, кейин «Хитойдаги революциянинг истиқболи ҳақида» деган сарлавҳа блан айрим брошюра бўлиб чиққан эди. Шу нутқдан ба'зи бир жойлари мана бу:

«Мен, гоминданчилар орасида ва ҳатто хитой коммунистлари орасида ҳам, деҳқонлар революцияга тортилса, империализмга қарши бирлашган фронт бузилади, деб қўрқиб, қишлоқда революцияни авж олдириб юборишни мумкин эмас деб ҳисоблайдиган кишилар борлигини биламан. **Бу жуда катта хатодир**, ўртоқлар. **Хитой деҳқонлари революцияга қанча тезроқ ва пухтароқ жалб қилинса,**

* Курсив меники. И. Ст.

империализмга қарши бирлашган фронтнинг кучи ва қудрати шунча зўрроқ бўлади».

Сўнгра яна:

«Мен, Хитой коммунистлари орасида ишчиларнинг ўз моддий ва ҳуқуқий аҳволларини яхшилаш учун ишташлашларини номатлуб деб ҳисобловчи ва ишчиларни ишташлашдан қайтаручи ўртоқлар борлигини биламан. (Жойдан: «Кантон ва Шанхайда шундай бўлган эди» деган овоз эшитилади.) Бу катта хатодир, ўртоқлар. Бу — Хитой пролетариатининг роли ва салмоғига чинакам етарли баҳо бермасликдир. Бу ҳол тезисларда, мутлақо ярамас бир ҳодиса, деб қайд қилинмоғи лозим. Агарда Хитой коммунистлари ишчиларга ўз моддий ва ҳуқуқий аҳволларини лоақал ишташлашлар йўли блан бўлса ҳам яхшилашларига ёрдам бериш учун ҳозирги қулай шароитдан фойдаланмасалар катта хато бўлар эди. У вақтда Хитойда революция қилишдан мақсад нима?» **(Сталин,** «Хитойдаги революциянинг истиқболи ҳақида»[12] деган брошюрага қаралсин.)

Мана, 1926 йилнинг декабрида, Хитойнинг ҳамма шаҳарларидан Коминтернга тиқилинч қилиб, ишчиларнинг курашини кенгайтириш кризисга, ишсизликка, фабрика ва заводларнинг ёпилишига олиб боради, деб да'во қилинган бир чоқда берилган учинчи ҳужжат:

«Шаҳарларда чекиниш ва ишчиларнинг ўз аҳволларини яхшилаш учун курашларини торайтириш умумий сиёсати **нотўғри.** Қишлоқларда курашни кенгайтирмоқ керак, лекин шу блан бирга ишчиларнинг моддий ва ҳуқуқий аҳволларини яхшилаш учун қулай шароитлардан фойдаланмоқ лозим, ишчиларнинг кураши ташкилий суратда бормоғи учун ҳамма чораларни кўрмоқ керак, бунда ҳаддан ошиб кетмаслик ва жуда ҳам шошқолоқлик қилмаслик керак. Курашнинг шаҳарларда буржуазиянинг йирик табақаларига ва ҳаммадан олдин империалистларга қарши қаратилмоғига айниқса диққат қилмоқ керак, токи майда ва ўрта хитой буржуазияси умумий душманга қарши бирлик фронти рамкасида мумкин қадар тутиб туриладиган бўлсин. Битиштириш хонаси,

ҳакамлар суди ва ҳоказо системасини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, токи бу муассасаларда ишчилар манфаатини кўзлайдиган тўғри сиёсат юритилмоғи та'мин этиладиган бўлсин. Шу блан бирга стачка, ишчилар мажлислари ва ҳоказолар эркинлигига қарши декретларга мутлақо йўл қўйилмаслигини огоҳлантириб ўтишни зарур ҳисоблаймиз».

Чан Кай-ши ўзгаришидан[13] бир ярим ой олдин берилган тўртинчи ҳужжат:

«Гоминдан ва коммунистлар партиясининг армиядаги ячейкаларининг ишларини кучайтирмоқ зарур. Гоминдан ва коммунистлар ячейкалари бўлмаган ва уларни ташкил қилиш мумкин бўлган жойларда шундай ячейкаларни ташкил қилмоқ керак; коммунистлар партияси ячейкалари ташкил қилиш мумкин бўлмаган жойларда эса яширин ишлайдиган коммунистлар воситаси блан ишга зўр бермоқ зарур.

Ишчилар блан деҳқонларни қуроллантириш, жойлардаги деҳқонлар комитетларини қурол блан ўз-ўзини мудофаа қиладиган амалий ҳокимият органига айлантириш ва ҳоказолар йўлини тутмоқ зарур.

Компартиянинг ҳамма ерда ва ҳамма жойда компартия сифатида мустақил майдонга чиқмоғи зарур, ўз билгича ярим легаллик блан иш кўриш сиёсатига йўл қўйилмаслиги лозим; **компартиянинг** оммавий ҳаракатга тўсқинлик қилиши мумкин эмас; **компартия ўнг гоминданчиларнинг хоинлик ва реакцион сиёсатини яширмаслиги лозим; уларни фош қилиш асосида оммани Гоминдан ва Хитой коммунистлар партияси тевараги га сафарбар қилмоқ зарур.**

Революцияга содиқ бўлган ҳамма ходимларнинг диққатини Хитой революциясининг ҳозирги вақтда, синфий кучларнинг қайта гуруҳларга тақсимланиши ва империалистлар армияларининг тўпланиши муносабати блан жуда нозик аҳволда турганлигига ва унинг бундан кейинги ғалабаси фақат оммавий ҳаракатни қат'ий суратда ўстириш йўли блангина мумкин бўлишига жалб қилмоқ зарур. Акс ҳолда революция жуда катта хавф остида қолади. Шу сабабдан директиваларни турмушга ошириш ҳамма вақтдагидан ҳам кўра айниқса **зарурдир».**

Бундан ҳам олдин, **1926 йилнинг апрелидаёқ**, ўнг гоминданчилар ва Чан Кай-ши ўзгаришидан бир йил бурун, Коминтерн Хитой коммунистлар партиясини огоҳлантириб, унга «ишни ўнгларнинг Гоминдандан кетишига ёки чиқарилишига қарата олиб бормоқ керак» деб дастур берган эди.

Мустамлакалардаги революциянинг биринчи даврида империализмга қарши бирлик фронти тактикасини Коминтерн мана шундай тушунган эди ва ҳозир ҳам шундай тушунади.

Бу раҳбар ҳужжатлардан оппозиция хабардорми? Албатта, хабардор. Нима сабабдан оппозиция бу раҳбар ҳужжатларни тилга олмайди? Шу сабабданки, унинг муддаоси ростига кўчиш эмас, балки иғвогарликдир.

Бир вақтлар бор эдики, у чоқларда оппозициянинг ҳозирги лидерлари, айниқса Зиновьев блан Каменев, ленинизмни озми-кўпми тушунар эдилар ва Хитой революцион ҳаракатида Коминтерн амалга ошириб келган ва ўртоқ Ленин ўз тезисларида[14] бизга чизиб берган ўша сиёсатни асосан ҳимоя қилган эдилар. Мен Коммунистлар Интернационалининг **1926 йил февраль — мартида** бўлган VI пленумини назарда тутаман. У вақтда Коминтернниинг раиси Зиновьев эди. У вақтда у ҳали ленинчи эди ва ҳали Троцкий лагерига кўчиб ўтганча йўқ эди. Мен Коммунистлар Интернационалининг VI пленумини шу сабабдан айтаётибманки, бу пленумнинг Хитой революцияси тўғрисида 1926 йилнинг февраль — мартида бир оғиздан қабул қилинган резолюцияси[15] бор, Хитой революциясининг биринчи даврига, Кантон Гоминдани ва Кантон ҳукуматига Коминтерн блан ВКП(б) қандай баҳо бераётган бўлса

бу резолюцияда ҳам тахминан шундай баҳо берилган бўлиб, ҳозир оппозиция ўша баҳодан тониб ўтирибди. Мен бу резолюцияни шу сабабдан айтаётибманки, Зиновьев у вақтда бу резолюцияни ёқлаб овоз берган эди ва Марказий Комитет а'золаридан биронтаси, шу жумладан Троцкий, Каменев ва ҳозирги оппозициянинг қолган бошқа лидерлари ҳам бу резолюцияга қаршилик билдирган эмас эди.

Шу резолюциядан ба'зи бир жойларини келтиришга рухсат этинг.

Бу резолюцияда **Гоминдан тўғрисида** мана бундай дейилади:

«Хитой ишчиларининг Шанхай ва Гонконгда (1925 йил июнь — сентябрьда) бўлган сиёсий ишташлаши хитой халқининг четэл империалистларига қарши олиб борган озодлик курашида кескин бурилиш ясади... Пролетариатнинг сиёсий чиқиши мамлакатдаги барча революцион-демократик ташкилотларнинг ва биринчи навбатда революцион халқ партияси бўлган Гоминданнинг ҳамда Кантондаги революцион ҳукуматнинг бундан кейин янада ўсиши ва мустаҳкамланишига жуда катта мадад берди. Асосий мояси хитой коммунистлари блан иттифоқ бўлиб майдонга чиққан Гоминдан партияси **ишчи, деҳқон интеллигенция ва шаҳар демократиясининг революцион блокидан*** иборат бўлиб, бу блок четэл империалистларига ва мамлакат ҳаётининг бутун ҳарбий-феодал укладига қарши мамлакатнинг мустақиллиги ва ягона революцион-демократик ҳокимият учун курашда мазкур табақалар синфий манфаатларининг умумийлиги заминидаги блокдир» (Коммунистлар Интернационали Ижроия Комитетининг VI пленуми резолюциясига қаралсин).

Демак, Кантон Гоминдани тўртта «синфнинг» иттифоқидан иборат экан, ўзингиз кўриб турибсизки,— бу салкам «мартиновчиликдир»[16], буни бошқа ҳечким

* Курсив меники. И. Ст.

эмас, балки Коминтерннинг ўша вақтдаги раиси Зиновьев кўкларга кўтариб улуғлаган эди.

Кантон Гоминдан ҳукумати тўғрисида:

«Гоминдан партияси Кантонда тузган революцион ҳукумат* ишчилар, деҳқонлар ва шаҳар демократияси жуда кенг оммаси блан ҳозироқ алоқа боғлаб олди ва шуларга таяниб у, империалистлар ёрдам қилаётган контрреволюцион шайкани тор-мор келтирди (ва Гуандун ўлкасининг бутун сиёсий ҳаётини радикал суратда демократлаштириш ишларини олиб бормоқда). Шундай қилиб, хитой халқининг мустақиллик учун олиб бораётган курашида авангард бўлган **Кантон ҳукумати мамлакатда келажакда бўладиган революцион-демократик тузум учун намунадир»*** (ўша ердан қаралсин).

Демак, тўртта «синфнинг» блокидан иборат бўлган Кантон Гоминдан ҳукумати **революцион** ҳукумат эди, фақат революцион ҳукуматгина эмас, балки ҳатто Хитойда келажакда бўладиган революцион-демократик ҳукумат учун **намуна** эди.

Ишчилар, деҳқонлар ва буржуазиянинг бирлик фронти тўғрисида:

«Янги хавфларни назарда тутиб, Хитой компартияси ва Гоминдан сиёсий ишларни ниҳоят кенг суратда кучайтирмоқлари лозим, халқ армияси олиб бораётган курашга ёрдам бермоқ учун оммавий чиқишлар ташкил қилмоқлари керак, империалистлар лагеридаги ўзаро ички зиддиятлардан фойдаланмоқлари ва империалистлар лагери зиддига **аҳолининг жуда кенг табақалари** (ишчилар, деҳқонлар, **буржуазия**)нинг революцион-демократик ташкилотлар раҳбарлиги остидаги **бирлашган миллий-революцион фронтини** қарши қўймоқлари лозим»* (ўша ердан қаралсин).

Демак, мустамлака революциясининг ма'лум даврларида мустамлака мамлакатлардаги **буржуазия** блан вақтинча блок ва битишув жоиз бўлибгина қолмай, балки жуда ҳам зарурдир.

* Курсив меники. **И. Ст.**

Бунинг Ленин мустамлака ва қарам мамлакатлардаги коммунистларнинг тактикаси ҳақида ўз тезисларида берган кўрсатмаларида бизга айтган сўзларига жуда ҳам ўхшашлиги рост эмасми. Лекин афсуски, буни Зиновьев аллақачоноқ эсдан чиқариб қўйибди.

Гоминдандан чиқиш масаласи:

«Йирик Хитой буржуазияси ичидан Гоминдан партияси атрофида вақтинча тўпланган айрим табақалари кейинги йилда Гоминдан партиясидан узоқлашдилар, бунинг натижасида Гоминданнинг ўнг қанотида кичик бир группа тузилди, бу группа меҳнаткашлар оммаси блан Гоминданнинг маҳкам иттифоқ бўлишига ошкора қарши чиқди, коммунистларни Гоминдандан чиқаришни талаб қилди ва Кантон ҳукуматининг революцион сиёсатига қарши чиқди. **Бу ўнг қанотнинг Гоминданнинг II конгрессида** (1926 йил январь) **қораланиши ва Гоминданнинг коммунистлар блан жанговар иттифоқи зарурлигининг та'кидланиши — Гоминданнинг ва Кантон ҳукуматининг фаолияти революцион йўлдан давом этишини мустаҳкамлайди ва пролетариатнинг Гоминданни революцион йўлда қўллаб-қўлтиқлашни та'минлайди»*** (ўша ердан қаралсин).

Демак, Хитой революциясининг биринчи даврида коммунистларнинг Гоминдандан чиқиши жиддий хато бўлган бўлур эди. Лекин афсуски, бу резолюцияни ёқлаб овоз берган Зиновьев орадан бир ойга яқин вақт ўтар-ўтмас буни эсидан чиқариб қўйибди. Чунки 1926 йил апрелидаёқ (бир ойдан кейиноқ) Зиновьев коммунистларнинг Гоминдандан дарҳол чиқишини талаб қилди.

Хитой компартиясидаги оғмачиликлар тўғрисида ва революциянинг гоминдан фазасини сакраб ўтиш ярамаслиги ҳақида:

---

* Курсив меники. **И. Ст.**

«Хитой коммунистларининг сиёсий жиҳатдан ўз-ўзини мустақил идора қилиш қобилияти баббаравар бир хилда зарарли бўлган икки оғмачиликка қарши курашда ўсиб боради: я'ни хитой пролетариатининг ўзига мустақил синфий вазифаларини назар э'тиборга олмайдиган ва умумдемократик миллий ҳаракат блан бир шакл олмаган тарзда қўшилиб кетишга олиб борадиган ўнг тугатучилик оғмачилигига қарши курашда ва **ҳаракатнинг революцион-демократик даврини ҳатлаб ўтиб** тўппа-тўғри пролетар диктатураси ва Совет ҳокимиятини амалга оширишга ҳаракат қиладиган, Хитой миллий-озодлик ҳаракатининг асосий ва ҳал қилучи фактори бўлган **деҳқонларни эсидан чиқариб қўядиган** ўтасўллик кайфиятларига қарши курашда ўсиб боради»* (ўша ердан қаралсин).

Ўзингиз кўриб турибсизки, бу резолюцияда энди оппозициянинг Хитойда тараққиётнинг гоминдан фазасини сакраб ўтаётганлигини ҳам, деҳқонлар ҳаракатига етарли баҳо бермаётганлигини ҳам, Советлар томон шошқолоқлик қилаётганлигини ҳам яққол кўрсатиб берадиган ҳамма нарса бор. Кўрга ҳассаман деб турибди.

Бу резолюция Зиновьев, Каменев, Троцкийга ма'лумми?

Албатта, ма'лум бўлса керак. Ҳар ҳолда, бу резолюциянинг Зиновьевга ма'лум бўлмаслиги мумкин эмас, бу резолюция Коминтерннинг VI пленумида шу Зиновьевнинг раислиги остида чиқарилган ва унинг ўзи бу резолюцияни ёқлаб овоз берган эди. Энди нега оппозициянинг лидерлари жаҳон коммунистик ҳаракатининг олий идорасининг бу резолюциясини четлаб ўтмоқдалар? Нега улар бу резолюцияни тилга олмайдилар? Чунки, бу резолюция Хитой революциясининг

---

* Курсив меники. **И. Ст**

ҳамма масаласида уларга зиддир. Чунки, у оппозициянинг ҳозирги бутун троцкийчилик дастурларини остин-устин қилиб ташлайди. Чунки, улар Коминтерндан узоқлашдилар, ленинизмдан узоқлашдилар, шунинг учун улар энди ўз ўтмишларидан қўрқиб, ўз сояларидан қўрқиб, Коминтернинг VI пленуми резолюциясини қўрқоқларча четлаб ўтишга мажбурдирлар.

Хитой революциясининг биринчи даври устидаги гап мана шундай.

Энди Хитой революциясининг иккинчи даврига ўтайлик.

Агар биринчи даврнинг алоҳида хусусияти революциянинг тиғи асосан четэл империализмига қарши қаратилганлиги бўлса, иккинчи даврнинг характерли хусусияти шу фактдан иборатки, революция ўз тиғини асосан ички душманларга қарши ва ҳаммадан олдин феодалларга қарши, феодал режимга қарши қаратади.

Биринчи давр ўз зиммасидаги вазифани — четэл империализмини ағдариш вазифасини ҳал қилдими? Йўқ, ҳал қилмади. Бу вазифани амалга оширишни у Хитой революциясининг иккинчи даврига мерос қилиб ўтказди. Бу биринчи давр революцион оммани империализмга қарши фақат дастлабки ҳаракатга келтирди ва шу блан ўзининг маррасига бориб етди ва бу ишни давом этдиришни иккинчи даврга топширди.

Афтидан, революциянинг иккинчи даври ҳам империалистларни ҳайдаб чиқариш вазифасини тўла ҳал қилаолмас. Бу иккинчи давр хитой ишчи ва деҳқонларининг кенг оммасини империализмга қарши янада кўпроқ ҳаракатга келтиради, лекин ҳаракатга келтирганида ҳам, бу ишни тамомига етказишни у Хитой

революциясининг бундан кейинги даврига, совет революцияси даврига топширади.

Бинобарин, бунда ҳечбир ажабланурлик нарса йўқ. Бизнинг революциямиз тарихида шунга ўхшаш фактлар бўлганлиги, гарчи бошқа вазият ва бошқа шароитларда бўлган бўлса ҳам, шундай фактлар бўлганлиги ма'лум эмасми, ахир? Бизнинг революциямизнинг биринчи даври аграр революцияни тамомига етказиш вазифасини тўла ҳал қилмаганлиги, балки бу вазифани революциянинг кейинги даврига, Октябрь революциясига, я'ни феодализм қолдиқларини тугатиш вазифасини батамом ва тўла ҳал қилган шу Октябрь революциясига топширганлиги ма'лум эмасми, ахир. Шунинг учун, агар Хитой революциясининг иккинчи даврида аграр революцияни тўла суратда тамомига етказиш муяссар бўлмас экан ва агар революциянинг иккинчи даври, миллион-миллион деҳқонлар оммасини ҳаракатга келтириб ҳамда уларни феодализм қолдиқларига қарши бош кўтартириб, аграр революцияни охирига етказиш ишини революциянинг кейинги даврига, совет даврига топширар экан, бу ҳечбир ажабланурлик бўлмайди. Бу эса Хитойда бўладиган совет революцияси учун фақат фойда, холос.

Хитойдаги революциянинг иккинчи даврида, революцион ҳаракат маркази очиқ-ойдин суратда Кантондан Уханга кўчган ва Ухандаги революцион марказ блан бир қаторда Нанкинда контрреволюцион марказ барпо бўлган вақтда, коммунистларнинг вазифаси нимадан иборат эди?

Партиянинг очиқ ташкилотлари, пролетариатнинг очиқ ташкилотлари (касаба союзларини), деҳқонларнинг очиқ ташкилотлари (деҳқонлар союзларини), уму-

ман революциянинг очиқ ташкилотлари имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланишдан иборат эди.

Ухан гоминданчиларини сўлга, аграр революция томонига йўллашдан иборат эди.

Ухан Гоминданини котрреволюцияга қарши кураш марказига ва пролетариат блан деҳқонларнинг бўладиган революцион-демократик диктатураси моясига айлантиришдан иборат эди.

Бу сиёсат тўғри эдими?

Фактлар кўрсатдики, бу сиёсат кенг ишчи ва деҳқонлар оммасини революцияни янада юксалтириш руҳида тарбиялашга қодир бўлган ягона тўғри сиёсат эди.

Оппозиция у вақтда дарҳол ишчи ва деҳқонлар депутатлари Советлари тузилмоғини талаб қилган эди. Лекин бу авантюризм, авантюристларча ҳовлиқиш эди, чунки дарҳол Советлар тузилса, у ҳолда тараққиётнинг сўл гоминдан фазасини сакраб ўтиш бўлур эди.

Нима учун?

Шунинг учунки, Ухандаги Гоминдан коммунистлар блан иттифоқда эди, ҳали ўзини кенг ишчи ва деҳқонлар оммаси кўз ўнгида обрўсизлантиргунича ва фош қилгунича йўқ эди, у, буржуа-революцион ташкилот сифатида ҳали ўз ниҳоясига етганича йўқ эди.

Шунинг учунки, бунда Советлар тузиш ва Ухан ҳукуматини ағдариш ишларини илгари суриш, ҳали омма бу ҳукуматнинг яроқсизлигига, уни ағдариш зарурлигига ўз тажрибаси асосида кўриб ишонч ҳосил қилмаган бир пайтда бундай шиорни илгари суриш,— ҳовлиқиб оммадан олдин кетиб қолиш бўлур эди, оммадан узилиб қолиш, ўзини омманинг ёрдамидан маҳрум этиш, шундай қилиб, бошлаган ишни бузиб қўйиш бўлур эди.

Оппозиция агар ўзи Ухандаги Гоминданга ишониб бўлмаслигини, унинг мустаҳкам эмаслигини, етарлик революцион эмаслигини англаган экан (буни эса сиёсий тажрибаси бор ҳар қандай ходим ҳам осонгина англай олади), бас буларнинг ҳаммасини омма ҳам англай олади, бас Гоминдан ўрнига Советлар ўрнатиш ва оммани эргаштириб олиб бориш мумкин, деб ўйлайди. Аммо бу ўз онги ва тушунишини миллион-миллион ишчи ва деҳқонлар оммасининг онги ва тушуниши деб биладиган оппозициянинг одатдаги «ўтасўллик» хатосидир.

Оппозициянинг, партия олға қараб бормоғи керак, деган гапи тўғри. Бу одатдаги марксистик қоида бўлиб, бунга риоя қилинмас экан, чинакам компартия бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Лекин бу ҳақиқатнинг фақат бир қисмигина. Ҳақиқатнинг ҳаммаси шундан иборатки, партия ёлғиз ўзи олға қараб боришгина қолмай, балки миллион-миллион оммани **ўз кетидан эргаштириб** бормоғи ҳам лозим. Миллион-миллион оммани ўз кетидан элтмай олға қараб бориш — амалда ҳаракатдан узилиб қолиш демакдир. Арьергарддан узилган ҳолда, арьергардни ўз орқасидан элтабилмай, олға қараб бориш — ҳовлиқиб олдинга кетиб қолиш демакдир, бу ҳовлиқиш эса омманинг олға қараб боришини ма'лум вақтга бузиб қўймоғи мумкин. Ленинча раҳбарлик ҳам, аслини айтганда шундаки, авангард арьергардни **ўз кетидан элтабилсин,** авангард оммадан **узилиб қолмай** олға қараб борсин. Аммо авангарднинг оммадан узилиб қолмаслиги учун, авангард миллион-миллион оммани ҳақиқатан ҳам ўз кетидан элтмоғи учун, бунинг учун ҳал қилучи бир шарт, **авангарднинг кўрсатма, директива, шиорларининг тўғрилигига омма-**

нинг ўзи ўз тажрибасида қаноат ҳосил қилмоғи талаб этилади.

Оппозициянинг шўри ҳам айни шундаки, у миллион-миллион оммага раҳбарлик қилишнинг бу ленинча оддий қоидасини э'тироф қилмайди, партиянинг ёлғиз бир ўзигина, илғор группанинг ёлғиз бир ўзигина, миллион-миллион оммадан ёрдам олмай туриб, революцияни амалга ошира олмаслигини, революцияни провард ҳисобда миллион-миллион омма «қилишини» тушунмайди.

Биз большевиклар, 1917 йилнинг апрелида, гарчи яқин кунларда Муваққат ҳукуматни ағдариш ва Совет ҳокимияти барпо қилиш зарурияти олдида қолишлигимизга амин бўлсак ҳам, нега Россияда Муваққат ҳукуматни ағдаришни ва Совет ҳокимияти барпо қилишни амалий шиор қилиб майдонга қўймадик?

Шунинг учунки, фронт орқасидаги кенг меҳнаткашлар оммаси ҳам, шунингдек фронтдаги кенг меҳнаткашлар оммаси ҳам, ниҳоят, Советларнинг ўзлари ҳам, бундай шиорни уқиб олишга ҳали тайёр эмас эдилар, Муваққат ҳукуматни ҳали революцион деб ишонар эдилар.

Шунинг учунки, Муваққат ҳукумат контрреволюцияни фронт орқасида ва фронтда қўллаб-қувватлаб ўз сирини очгунича ва ўзини обрўсизлантиргунича йўқ эди.

Ленин 1917 йилнинг апрелида Петроградда, Муваққат ҳукумат дарҳол ағдариб ташлансин ва Совет ҳокимияти барпо қилинсин, деган шиорни илгари сурган Багдатьев группасини нима учун ла'натлаган эди?

Шунинг учунки, Багдатьевнинг ҳаракати жуда хатарли ҳовлиқиш, большевиклар партиясининг миллион-

миллион ишчи ва деҳқонлар оммасидан узилиб қолиши хавфини туғдирадиган ҳовлиқиш бўлур эди.

Сиёсатда авантюризм, Хитой революцияси масалаларида багдатьевчилик,— биздаги троцкийчи оппозициянинг ҳозир бошига етаётган нарса мана шу.

Зиновьев мени, багдатьевчилик тўғрисида сўз юритиб, ҳозирги Хитой революциясини Октябрь революцияси блан тенглаштираётибди, дейди. Бу, албатта, бўлмағур гап. Биринчидан, менинг ўзим «Ҳозирги замон темаларида» мақолаларимда писанда қилиб, «бу ердаги ўхшатиш шартли суратда олинган ўхшатишдир», «мен бу ўхшатишни фақат бир қанча писандалар блан оламан, агар ҳозирги кунги Хитойдаги вазият блан 1917 йилги Россияда бўлган вазият ўртасида фарқ борлигини назарга олсак бундай писандалар зарурдир» деганман[17]. Иккинчидан, ма'лум бир мамлакатдаги революцияда бўлган бирон бир оқимни, бирон бир хатони та'рифлашда бошқа мамлакатлардаги революциялардан ўхшатиш келтириш умуман мумкин эмас деб да'во қилиш тентаклик бўлур эди. Ажабо, бир мамлакатдаги революция бошқа мамлакатлардаги революциядан, улар ҳатто бир хилдаги революциялар бўлмаган тақдирда ҳам, сабоқ олмайдими? Йўқ эса революция тўғрисидаги илм деганимиз нима, ахир?

Зиновьев, аслини айтганда, революция тўғрисида илм бўлиши мумкинлигини инкор этади. Ленин Октябрь революциясидан сал олдинги даврда Чхеидзе, Церетели, Стеклов ва бошқаларни 1848 йилги француз революциясининг «луибланчилиги»да айблаганлиги факт эмасми, ахир?

Лениннинг «Луибланчилик»[18] деган мақоласини олиб кўрсангиз, у ҳолда сиз Лениннинг ма'лум бир

ходимларнинг Октябрь олдидан қилган хатоларини та'рифлаганида 1848 йилги француз революциясидан жуда кўп ўхшатишлар олганлигини тушунасиз, ҳолбуки Ленин 1848 йилги француз революцияси блан бизнинг Октябрь революциямиз бир хилдаги революциялар эмаслигини яхши билар эди. Хўш, агар Чхеидзе ва Церетелининг Октябрь революциясидан сал олдинги даврдаги «луибланчилиги» тўғрисида гапириш мумкин экан, нега Зиновьев блан Троцкийнинг Хитойдаги аграр революция даврида «багдатьевчилиги» тўғрисида гапириб бўлмасин?

Оппозиция, Ухан революцион ҳаракат маркази эмас эди, деб да'во қилади. Ундай бўлса, Зиновьев нима учун Уханни хитой Қавеньякларига қарши кураш марказига айлантирмоқ учун Ухан Гоминданига «ҳамма чоралар блан ёрдам бермоқ зарур» деб да'во қилган эди? Нима учун аграр ҳаракат ниҳоят даражада авж олган марказ бошқа бир ўлка эмас, балки Ухан ўлкаси бўлди? Ажабо, худди шу Ухан ўлкаси (Хунань, Хубэй) шу йилнинг бошида аграр ҳаракат ниҳоят даражада авж олган марказ бўлганлиги факт эмасми? Нега энди Кантонни, у ерда оммавий аграр ҳаракат бўлмаса ҳам, «революция плацдарми» (Троцкий) деб аташ мумкин бўлган экан-ку, тупроғида аграр революция бошланган ва авж олган Уханга келганда уни революцион ҳаракат маркази, «плацдарми» деб бўлмас экан? Ундай бўлса, оппозициянинг компартияни Ухан Гоминдани ва Ухан ҳукумати составида қолдиришни талаб қилганлигининг сабаби нима? Ажабо, оппозиция 1927 йил апрелида «контрреволюцион» Ухан Гоминдани блан блок тарафида турганмикин? Оппозициянинг бундай «унутучанлиги» ва паришонлигининг боиси нима?

Ухан Гоминдани блан блокнинг умри калта бўлиб чиққанлигига оппозиция қора юраклик блан ич-ичидан суюнмоқда, шу блан бирга у, Коминтерн Хитой коммунистларини Ухан Гоминданининг муваффақиятсизликка учраш эҳтимоли борлигидан огоҳлантириб қўймади, деб да'во қилади. Оппозициянинг бундай қора юраклик қилиши унинг сиёсий банкрот бўлганлигини кўрсатади, холос, буни исбот қилиб туриш даркор бўлмаса керак. Оппозиция, афтидан, мустамлака мамлакатлардаги миллий буржуазия блан блок умрбод давом этиши лозим деб ўйласа керак. Лекин ўзларида ленинизмдан асар ҳам қолмаган кишиларнинггина шундай деб ўйлаши мумкин. Агар Хитойдаги феодаллар ва империализм ҳозирги босқичда революцияга қараганда кучлироқ бўлиб чиққан экан, агар бу душман кучларнинг тазийқи Ухан Гоминданининг ўнгга бурилишига ва Хитой революциясининг вақтинча мағлубиятига олиб келган экан, бу ҳолга фақат таслимчилик касалига мубтало бўлган одамларнинггина қора юраклик блан ич-ичидан суюниши мумкин. Оппозициянинг, Коминтерн Хитой компартиясини Ухан Гоминданининг муваффақиятсизликка учраш эҳтимоли борлигидан огоҳлантирмади, деган да'восига келсак, бу да'во оппозициянинг ғийбатларидан бири бўлиб, ҳозир оппозиция арсеналида бундай ғийбатлар жуда мўлдир.

Оппозициянинг ғийбатларини рад қилиб ташлайдиган бирнеча ҳужжатлар келтиришга ижозат беринг.

1927 йил майидаги ёзилган биринчи ҳужжат:

«Ҳозир Гоминданнинг ички сиёсатидаги энг муҳим нарса — ҳамма вилоятларда, шу жумладан ва айниқса Гуандунда, «Бутун ҳокимият қишлоқдаги деҳқонлар союзлари ва комитетларга» деган

шиор остида аграр революцияни муттасил авж олдириб юборишдир. **Революциянинг ва Гоминданнинг муваффақиятларга эришувининг асоси мана шунда.** Хитойда империализмга ва унинг агентларига қарши кенг ва қудратли сиёсий ва ҳарбий армия тузишликнинг асоси мана шунда. Аграр ҳаракат ниҳоятда кучайган вилоятларда, Хунан, Гуандун ва бошқа шундай вилоятларда, ерларни мусодара қилиш шиори амалий жиҳатдан жуда вақти келган шиордир. **Бусиз аграр революцияни авж олдириб бўлмайди***...

Революцион деҳқонлар блан ишчилардан саккиз ёки ўн дивизия тузишга дарҳол киришмоқ, буларни мутлақо ишончли комсостав блан та'мин қилмоқ керак. Бу Уханнинг гвардияси бўлади, у фронтлардаги ҳам, шунингдек фронт орқасидаги ҳам ишониб бўлмайдиган қисмларни қуролсизлантириш учун хизмат қилади. Буни кечиктириб бўлмайди.

Чан Кай-шининг фронт орқасида ва қисмларида пароканда-лик тугдириш учун ишни кучайтириш ва шу блан Гуандундаги деҳқонлар қўзғолонига ёрдам кўрсатиш керак, Гуандунда помешчиклар ҳукмронлиги айниқса даҳшатлидир».

1927 йил майидаги ёзилган иккинчи ҳужжат:

«Аграр революциясиз ғалабага эришиб бўлмайди. **Унингсиз Гоминдан Марказий Комитети ишониб бўлмайдиган генералларнинг нотовон қўғирчоғи бўлиб қолади.** Ҳаддидан ошиб кетишларга қарши курашмоқ керак, лекин қўшинлар блан эмас, деҳқонлар союзлари воситаси блан курашмоқ керак. Биз ернинг амалда пастдан туриб олинмоғини қат'ий суратда ёқлаймиз. Тан Пин-сяннинг боришида хатар бор деб хавфсиралганлигига ба'зи бир асос бор. Ишчи-деҳқонлар ҳаракатидан узилиб қолмаслик керак, балки бу ҳаракатга ҳамма чоралар блан ёрдам бериш лозим. **Акс ҳолда ишни барбод қиласиз.**

Гоминдан Марказий Комитетининг ба'зи бир эски лидерлари воқиалардан қўрқмоқдалар, иккиланмоқдалар, муросасозлик қилмоқдалар. Пастдан деҳқон ва ишчилар орасидан чиққан янги лидерларни Гоминдан Марказий Комитетига кўпроқ жалб қилиш

* Курсив меники. И. Ст.

лозим. **Уларнинг дадил гапиришлари кексаларни жасоратга мундиради, ё бўлмаса уларни сафдан чиқариб ташлайди.** Гоминданнинг ҳозирги тузилишини ўзгартириш керак. Гоминдан тепасида турганларни албатта янгилаш керак ва аграр революцияда етишиб чиққан янги лидерлар блан тўлдириш лозим, маҳаллий бўлимларини эса ишчи-деҳқонлар союзлари ичидан миллионлар ҳисобига кенгайтириш лозим. **Бундай қилмаганда, Гоминдан турмушдан узилиб қолиш ва ҳарқандай обрўйдан маҳрум бўлиш хавфи олдида қолади.**

Ишониб бўлмайдиган генералларга қарамликка хотима бермоқ лозим. Коммунистлардан йигирма мингини сафарбар қилингиз, бунга Хунань-Хубэйдан революцион ишчи ва деҳқонлар ичидан эллик минг кишини қўшингиз, бир неча янги корпуслар тузингиз, комсоставни мактаб курсантларидан олингиз ва **вақтни ўтказмай ўз ишончли армиянгизни ташкил қилингиз. Буни қилмай туриб ҳалокатдан амин бўлиб бўлмайди.** Бу қийин иш, лекин бошқа йўл йўқ.

Гоминданчиларнинг коммунист бўлмаган машҳур кишилари бошчилик қиладиган ҳарбий революцион трибунал ташкил қилингиз. **Чан Кай-ши блан алоқа қилучи, ёки солдатларни халққа, ишчи ва деҳқонларга қарши отлантируччи офицерларни жазолангиз.** Фақат насиҳат блан машғул бўлиш ярамайди. Энди амалий ишга киришмоқ керак. **Аблаҳларни жазоламоқ лозим. Агар гоминданчилар революцион якобинчилар бўлишни ўрганиб олмасалар, улар халқ учун ҳам, революция учун ҳам бефойда ўлик бир нарса бўлиб қоладилар»*.**

Ўзингиз кўриб турибсизки, Коминтерн воқиаларнинг қандай бўлишини олдиндан уқдириб ўтган. У, хавфхатарларни ўз вақтида кўрсатиб ўтган ва Хитой коммунистларини, агар гоминданчилар революцион якобинчилар бўлиб олмасалар Ухан Гоминдани ҳалок бўлиши тўғрисида огоҳлантирган.

Каменев, Хитой революциясининг енгилганлигига Коминтерн тутган сиёсат айбдор, биз «Хитойда Ка-

---

* Курсив меники. И. Ст.

веньяклар ўстириб етказдик» деди. Ўртоқлар, партияга қарши жиноят қилишдан ҳам қайтмайдиган одамнинггина партиямиз тўғрисида шундай гапларни гапириши мумкин. 1917 йил июлида бўлган енгилиш даврида, саҳнада рус Қавеньяклари пайдо бўлган вақтларда меньшевиклар большевиклар тўғрисида шундай гапларни гапирган эдилар. Ленин ўзининг «Шиорларга доир»[19] деган мақоласида, июльдаги енгилишни «Қавеньяклар ғалабаси»дир, деб ёзган эди. Меньшевиклар ўша вақтда қораюраклик блан шовқин кўтариб, рус Қавеньяклари пайдо бўлганлигига Ленин тутган сиёсат айбдор, деб да'во қилган эдилар. Каменев, 1917 йил июлида бўлган енгилиш даврида рус Қавеньяклари пайдо бўлганлигига бошқа бирон нарса эмас, балки Ленин тутган сиёсат, бизнинг партиямиз тутган сиёсат айбли эди, деб ўйлайдими? Каменевнинг бу ўринда жаноб меньшевикларга тақлид қилиши ярашадиган бир ишми? (Кулги.) Мен оппозициячи ўртоқлар бунчалик пасткашлашиб кетар деб ўйламаган эдим...

Ма'лумки, 1905 йилги революция мағлубиятга учради, шу блан бирга бу мағлубият Хитой революциясининг ҳозирдаги мағлубиятидан кўп даражада чуқур мағлубият эди. Меньшевиклар ўша вақтда, 1905 йилги революциянинг мағлубиятига большевикларнинг ўта революцион тактикаси айбдор, деган эдилар. Меньшевиклар бизнинг революциямиз тарихини қандай талқин қилган бўлсалар, Каменев бу ерда ҳам шуни намуна қилиб олиш ва большевикларга тош отиш ўйидамикин?

Хўш, Бавария Совет Республикасининг енгилишига нима сабаб бўлган эди? Синфий кучларнинг нисбати сабаб бўлмай, Ленин тутган сиёсат сабаб бўлганмиди?

Венгрия Совет Республикасининг енгилишига нима сабаб бўлган эди? Синфий кучларнинг нисбати сабаб бўлмай, Коминтерн тутган сиёсат сабаб бўлганмиди?

Қандай қилиб бирор партиянинг тактикаси кучлар нисбатини бекор қила ёки тамомила ўзгартириб юбораолади деб да'во қилиб бўлади? Бизнинг 1905 йилда тутган сиёсатимиз тўғри эдими ёки йўқми? Биз у вақтда нима сабабдан мағлубиятга учраган эдик? Агар оппозициянинг сиёсатига амал қилинганида Хитойдаги революция амалда бўлганидан кўра кўп даража тезроқ мағлубиятга учраган бўлмасмиди ва буни фактлар кўрсатиб тураётгани йўқми, ахир? Революция вақтидаги синфий кучларнинг нисбатини эсидан чиқариб қўядиган ҳамда ҳамма ва бутун нарсага фақат бирор партия тактикасининг ёлғиз бир ўзинигина сабаб қилиб кўрсатишга уринадиган кишиларни нима деб атамоқ керак? Бундай одамлар тўғрисида фақат бир нарсагина дейиш,— улар марксизм блан алоқани уздилар дейиш мумкин.

Хулосалар. Оппозициянинг энг асосий хатолари:

1) Оппозиция Хитой революциясининг характери ва истиқболини тушунмайди.

2) Оппозиция Хитойдаги революция блан Россиядаги революция ўртасидаги, мустамлака мамлакатлардаги революция блан империалистик мамлакатлардаги революция ўртасидаги фарқни кўрмайди.

3) Оппозиция мустамлака мамлакатлардаги революциянинг биринчи даврида миллий буржуазияга муносабат масаласида ленинча тактика блан алоқани узади.

4) Оппозиция коммунистларнинг Гоминданда иштирок қилиш тўғрисидаги масалани тушунмайди.

5) Оппозиция авангард (партия) блан арьергард (миллион-миллион меҳнаткашлар оммаси) ўртасидаги нисбат масаласида ленинча тактика асосларини бузади.

6) Оппозиция Коммунистлар Интернационали Ижроия Комитети VI ва VII пленумларининг резолюциялари блан алоқани узади.

Оппозиция Хитой масаласидаги ўз сиёсатини қуруқ шовқин-сурон кўтариб мақтаб, агар бу сиёсатга амал қилинганда ҳозир Хитойда аҳвол яхши бўлган бўлур эди, деб да'во қилади. Хитой компартияси, агар оппозициянинг қилган жуда қўпол хатолари устига яна шу оппозициянинг антиленинча, авантюристлик сиёсатига амал қилса, Хитой компартияси ўзини боши берк кўчага олиб кириб қўйган бўлур эди, буни исбот қилиб ўтириш лозим бўлмаса керак.

Агар Хитойдаги коммунистлар партияси оз бир муддат ичида 5—6 минг кишилик кичик бир группадан 60 минг а'зога эга оммавий партия бўлиб ўсган экан; агар Хитой компартияси шу муддат ичида 3 миллионга яқин пролетарларни касаба союзларига уюштираолган экан; агар Хитой коммунистлар партияси кўп миллионли деҳқонларни ғафлат уйқусидан уйғота ва ўн миллионлаб деҳқонларни революцион деҳқонлар союзларига жалб қилаолган экан; агар Хитой компартияси шу муддат ичида миллий қўшинлар составидан бутун-бутун полк ва дивизияларни ўз тарафига оғдириб олаолган экан; агар Хитой компартияси шу муддат ичида пролетариат гегемонлиги идеясини орзудан ҳақиқатга айлантираолган экан,— агар Хитой компартияси қисқа бир муддат ичида барча мана шу ғалабаларга эриша олган экан, бас бунинг сабаби, жумладан, шундаки, у

Ленин чизиб берган йўлдан, Коминтерн кўрсатган йўлдан борди.

Оппозициянинг сиёсати блан, унинг хатолари блан, унинг мустамлака революцияси масалаларидаги антиленинча йўли блан борилганда, Хитой революцияси ё бу ғалабаларга сра эришмаган бўлур эди ёки арзимаган ғалабалар блан чекланиб қолган бўлур эди. Бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ.

Агар бунга шубҳаланадиганлар бўлса, фақат «ўтасўл» ренегатлар ва авантюристларгина шубҳа қилмоғи мумкин.

III

ИНГЛИЗ-СОВЕТ БИРЛИК КОМИТЕТИ ТЎҒРИСИДА[20]

Инглиз-Совет комитети тўғрисидаги масала. Оппозиция да'во қиладики, биз гўё Инглиз-Совет комитетига таянган эканмишмиз. Бу нотўғри гап, ўртоқлар. Бу гап банкрот бўлган оппозиция жуда тез-тез дастмоя қилиб турадиган ўша ғийбатлардан биридир. Бутун дун'ёга ма'лум ва демак оппозицияга ҳам ма'лум бўлса керакки, биз Инглиз-Совет комитетига эмас, балки жаҳон революцион ҳаракатига ва социалистик қурилишимизнинг муваффақиятларига таянамиз. Партиямиз Инглиз-Совет комитетига таянган эди ёки таянаётибди, деган гапи блан оппозиция партияни алдамоқда.

Хўш, бўлмаса Инглиз-Совет комитети нимадан иборат? Инглиз-Совет комитети бизнинг касаба союзларимизнинг реформистик касаба союзлари бўлган, реакциячи касаба союзлари бўлган инглиз касаба союзлари блан алоқа тутиш формаларидан биридир. Европадаги

ишчилар синфини революционлаштириш соҳасидаги ишларимизни биз ҳозирги вақтда уч восита блан олиб бормоқдамиз:

а) Коминтерн воситаси блан, коммунистлар секциялари орқали олиб бормоқдамиз, буларнинг энг яқин вақтдаги вазифаси — ишчилар ҳаракатидаги реформистик сиёсий раҳбарликни йўқотишдир;

б) Профинтерн воситаси блан, касаба союзларининг революцион озчилиги орқали олиб бормоқдамиз, буларнинг энг яқин вақтдаги вазифаси — касаба союзларидаги реакциячи ишчи аристократиясини бартараф қилишдир;

в) Инглиз-Совет бирлик комитети орқали олиб бормоқдамиз, бу комитет касаба союзларидаги ишчи аристократиясини яккалаб қўйиш соҳасида Профинтернинг ва унинг секцияларининг олиб бораётган курашини енгиллатиши мумкин бўлган воситалардан биридир.

Бу воситалардан аввалги иккитаси, ҳали синфлар ва синфий жамият мавжуд экан, асосий ва доимий, коммунистлар учун зарур воситадир. Учинчи восита фақат вақтинча, ёрдамчи, ўткинчи бир воситадир, ва шу сабабдан у номустаҳкам, ҳамиша ҳам ишониб бўла бермайдиган, ба'зан эса мутлақо ишончсиз бир йўлдир. Учинчи воситани аввалги икки восита блан бир қаторга қўйиш — ишчилар синфи манфаатларига қарши, коммунизмга қарши ҳаракат қилиш демакдир. Бас шундай бўлгач, қандай қилиб, биз Инглиз-Совет комитетига таянган эдик, деган сафсата гапни гапириб бўлади?

Инглиз-Совет комитетини ташкил этишга қарор берганимизда бизнинг муродимиз—Англиянинг касаба

союзларига уюшган ишчилар оммаси блан ошкора алоқа тутишни йўлга қўйишга эришишдан иборат эди.

Нима учун?

Биринчидан, ишчиларнинг капиталга қарши бирлик фронтини тузишни осонлаштириш, ёки ҳеч бўлмаганда, касабачилик ҳаракатининг реакциячи лидерларининг бундай фронт барпо қилинмоғига қарши курашини қийинлаштириш учун.

Иккинчидан, умуман империалистик уруш хавфига қарши, хусусан интервенция хавфига қарши ишчиларнинг бирлик фронтини тузишни осонлаштириш ёки, ҳеч бўлмаганда, касаба союзлари реакциячи лидерларининг бундай фронт барпо қилинмоғига қарши курашини қийинлаштириш учун.

Коммунистларнинг реакциячи касаба союзларида ишлаши умуман жоизми-йўқми?

Фақат жоизгина бўлиб қолмай, балки ба'зан жуда ҳам зарурдир, чунки реакциячи касаба союзларида миллионлаб ишчилар бор. Коммунистларнинг эса бу касаба союзларига киришдан, омма блан боғланиш йўлини топишдан ва уларни коммунизм томонига ўтказиб олишдан бош тортишга ҳаққи йўқ.

Лениннинг «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали»[21] номли китобини олиб қарасангиз, сиз ленинча тактиканинг коммунистларга реакциячи касаба союзларида иш олиб боришдан бош тортмасликни юклашини кўрасиз.

Реакциячи касаба союзлари блан вақтинча келишиш касаба союзлари йўли блан, ёки снёсий йўл блан келишиш умуман жоизми-йўқми?

Фақат жоизгина бўлиб қолмай, балки ба'зан жуда ҳам зарурдир. Ғарбдаги касаба союзларининг кўпчилиги

реакциячи союзлар эканлиги ҳаммага ма'лум бир нарса. Лекин гап асло бунда эмас. Гап шундаки, бу союзлар **оммавий** союзлардир. Гап шундаки, бу союзлар орқали омма орасига киришга йўл топиш мумкин. Масала шундаки, бундай келишишлар коммунистларнинг эркин суратда революцион агитация ва пропаганда олиб боришига халал бермаслиги, уни чеклаб қўймаслиги керак, бундай келишишлар реформистлар орасида парокандалик туғдиришни ва ҳозирча реакциячи лидерлар кетидан эргашиб бораётган ишчилар оммасини революционлаштиришни осонлаштирмоғи керак. Бундай шартлар бўлган тақдирда реакциячи оммавий касаба союзлари блан вақтинча келишиш фақат жоизгина бўлиб қолмай, балки ба'зан жуда ҳам зарурдир.

Ленин бу тўғрида мана бундай дейди:

«Агарда «соф» пролетариат теварагида пролетардан ярим пролетарга (тирикчилик воситаларининг ярмини ўз иш кучини сотиб топучига), ярим пролетардан майда деҳқонга (майда ҳунармандга, косибга, умуман майда хўжайинга ҳам), майда деҳқондан ўрта деҳқонга ва ҳоказолар а ўтиб турадиган ниҳоятда қурама кишилардан иборат омма бўлмаганда эди,— агарда пролетариатнинг ўз ичида онги кўпроқ ва камроқ табақаларга бўлиниш, ҳамшаҳарчиликка, касабачиликка, ба'зан дин-мазҳабларга ва шу кабиларга бўлиниш бўлмаганда эди, капитализм капитализм бўлмас эди. **Ана шуларнинг ҳаммасидан пролетариат авангарди учун, унинг онгли қисми бўлган коммунистлар партияси учун ҳархил йўллар блан усталик ишлатиш, пролетарларнинг турли группалари блан, ишчилар ва майда хўжайинларнинг турли партиялари блан келишиш, муроса-мадора қилиш зарурлиги — албатта зарурлиги мутлақо равишда келиб чиқади***. Бутун гап шундаки, бу тактикани пролетариатнинг **умумий**

* Курсив меники. **И. Ст.**

онг-билим даражасини, революционлик даражасини, кураш ва ғалаба қилиш қобилиятини пасайтириш учун эмас, балки **кўтариш** учун ишлата **билмоқ** керак» (XXV том, 213 бетга қаралсин).

Ва яна:

«Гендерсонлар, Клайнслар, Макдональдлар, Сноуденларнинг тузалмас реакцион эканлиги тўғри. Уларнинг (зотан, буржуазия блан коалиция бўлишни афзал кўриб) ҳокимиятни ўз қўлларига олишни исташлари, уларнинг энг қадимги буржуа қоидалари блан «идора қилишни» исташлари, улар ҳокимият тепасига чиқиб олгандан кейин албатта худди Шейдеман ва Носкелар сингари кирдикорларни қилишлари ҳам тўғри. Буларнинг ҳаммаси шубҳасиз. **Лекин бундан, уларни қўллаш революцияга хиёнат қилишдир, деган хулоса асло чиқмайди, балки бундан, ишчилар синфининг революционерлари революция манфаатларини кўзлаб, бу жанобларни парламентда ма'лум даражада қувватлашлари керак, деган хулоса чиқади»*** (ўша том, 218—219 бетлар).

Оппозициянинг шўри ҳам шундаки, у Ленининг шу кўрсатмаларини англамайди ва э'тироф қилмайди, ленинча сиёсат ўрнига касаба союзларининг реакционлиги тўғрисида «ўтасўл» қуруқ сафсата сотишни афзал кўради.

Инглиз-Совет комитети бизнинг агитация ва пропагандамизга халал бераётибдими, бунга у халал бера оладими? Йўқ, халал беролмайди. Инглиз ишчилар ҳаракати лидерларининг реакционлигини биз ҳамиша танқид қилиб келдик ва бундан кейин ҳам танқид қиламиз, бу лидерларнинг хоинлиги ва хиёнатини Англия ишчилар оммасига очиб берамиз. Генсоветнинг реакциячилик ишларини биз ҳамиша ошкора, аямай

---

* Курсив меники. И. Ст.

қаттиқ танқид қилиб келганлигимизни оппозиция рад қилиб кўрсин-чи.

Бизга э'тироз билдириб, бу танқид, оқибат натижада, Инглиз-Совет комитетини инглизларнинг бузиб ташлашларига олиб бориши мумкин, дейдилар. Майли, бузсалар бузиб ташлай қолсинлар. Асло гап ора узилиш ёки узилмаслигида эмас. Гап шундаки, ора узилиши қандай масала устида бўлади, бу ора узилиши қандай идеяни намойиш қилиб кўрсатади. Ҳозир гап умуман уруш хавфи, хусусан — интервенция хавфи устида боради. Агар инглизлар орани узсалар, инглиз ишчилар ҳаракати лидерларининг ўз империалистик ҳукуматларига урушни ташкил қилиш ишида **қаршилик кўрсатишни истамаганларидан** орани узганликларини ишчилар синфи билиб олади. Мана шундай бир шароитда инглизлар орани узадиган бўлсалар, бу ҳол коммунистларнинг Генсоветни шарманда-шармисор қилиш ишларини осонлаштиришига шубҳа қилиб бўлмаса керак, чунки уруш тўғрисидаги масала ҳозир замонамизнинг асосий масаласидир.

Жуда мумкинки, улар орани узишга ботинаолмаслар ҳам. Хўш, бу нима демак? Бунинг ма'носи инглиз ишчилар ҳаракати реакциячи лидерларининг хоинлигини ва социал-империализмини кенг омма орасида фош қилиб, биз у лидерларни эркин танқид қилиш, танқид қилишни эркин суратда давом этдириш ҳуқуқимизни ўз қўлимизда мустаҳкам сақлаб қолдик, демакдир. Хўш, бу ҳол ишчилар ҳаракати учун яхши бўладими? Мен ўйлайманки, ёмон бўлмайди.

Инглиз-Совет комитети масаласига бизнинг муносабатимиз мана шундай, ўртоқлар.

IV

УРУШ ТАҲДИДИ ВА СССР МУДОФААСИ ТЎҒРИСИДА

Уруш тўғрисидаги масала. Мен энг аввало, Зиновьев блан Троцкийнинг менинг тўғримда айтган мутлақо нотўғри, ҳақиқат ҳолга ҳечбир тўғри келмайдиган гапини рад қилишим керак, уларнинг гапига қараганда, гўё мен партиямизнинг VIII с'ездида «ҳарбий оппозиция» деб аталадиган «оппозиция» жумласига кирган эканмишман. Бу мутлақо ёлғон, ўртоқлар. Бу Зиновьев блан Троцкийнинг бекорчиликдан тўқиб чиқарган ғийбатидир. Менинг қўлимда стенограмма бор, бу стенограммадан менинг ўша вақтда ҳалиги «ҳарбий оппозиция» деб аталадиган «оппозиция»га Ленин блан бирликда қарши чиқиб гапирганлигим аниқ-равшан. Ниҳоят, бу ерда партия VIII с'ездида иштирок қилган кишилар бор, улар менинг ўша вақтда, VIII с'ездда, «ҳарбий оппозиция» га қарши чиқиб гапирганлигимни тасдиқлайдилар. Мен у вақтда «ҳарбий оппозиция»га қарши чиқиб гапирганимда, эҳтимол, Троцкийнинг муддаосидагидек қаттиқ душманлик блан гапирмаган бўлсам, бунинг боиси шу эдики, мен ҳарбий оппозициячилар орасида жуда яхши ходимлар бор, фронтда буларсиз иш кўриб бўлмайди деб ҳисоблаган эдим, аммо менинг ҳарбий оппозициячиларга мутлақо қарши чиқиб сўзлаганлигим ва қарши курашганлигим — бу нарса **фактдир,** агар бу фактга қарши мунозара қиладиганлар бўлса, фақат Зиновьев блан Троцкийдек тузалмас одамларгина мунозара қилаолади.

Ўша вақтда VIII с'ездда бўлган мунозара нима тўғрида борган эди? Ихтиёрийчилик ва партизанчилик-

ка барҳам бериш зарурлиги тўғрисида, темирдек мустаҳкам интизомли, чинакам мунтазам ишчи-деҳқон армияси тузиш зарурлиги тўғрисида, ҳарбий мутахассисларни бу ишга жалб қилиш зарурлиги тўғрисида мунозара бўлган эди.

Мунтазам армия ва темирдек мустаҳкам интизом тарафдорлари бир резолюция лойиҳаси тақдим этган эдилар. Уни Ленин, Сокольников, Сталин ва бошқалар ҳимоя қилган эдилар. Армияда партизанчилик элементларини сақлаб қолиш тарафдорлари иккинчи бир лойиҳа, В. Смирнов лойиҳасини тақдим этган эдилар. Уни В. Смирнов, Сафаров, Ворошилов, Пятаков ва ҳоказолар ҳимоя қилган эдилар.

Мана менинг нутқимдан парчалар:

«Бу ерда муҳокама қилинган масаланинг ҳаммаси битта нарсадан иборат: Россияда қаттиқ интизомли мунтазам армия бўлиши керакми ё йўқми деган масаладир.

Бундан ярим йил олдин, эски чор армияси бузилиб кетгандан сўнг, бизнинг янги армиямиз бор эди — у, ихтиёрийчиликка асосланган, ёмон уюшган армия бўлиб, уни коллектив бошқарар эди ва у ҳамавақт ҳам буйруқларга итоат қилабермас эди. Бу, Антантанинг ҳужуми бошланган бир давр эди. Армиянинг составн, бутунлай демаганда ҳам, асосан ишчилардан иборат эди. Бу ихтиёрийчиликка асосланган армияда интизом йўқлигидан, буйруқлар ҳамавақт ҳам бажарилабермаганлигидан, армияни бошқариш иши бузилиб кетганлигидан биз мағлубиятларга учрадик, душманга Қозонни бериб қўйдик, жанубдан эса Краснов муваффақият блан ҳужум қилмоқда эди... Фактлар шуни кўрсатадики, ихтиёрийчиликка асосланган армия танқидга ҳам арзимайди, агарда бошқа армия, интизом руҳи блан суғорилган, сиёсий бўлими яхши йўлга қўйилган, биринчи чақириқ бланоқ қўзголаладиган ҳамда душманга қарши бораоладиган мунтазам армия тузмасак республикамизни мудофаа қилаолмаймиз.

Мен шуни айтишим керакки, армиямизнинг кўпчилигини ташкил этган элементлар, я'ни ишчилар бўлмаган элементлар —

деҳқонлар ўз ихтиёрлари блан соціализм учун урушмайдилар. Бир қатор фактлар шуни кўрсатади. Мамлакат ичкарисидаги, фронтдаги бир қатор ғалаёнлар, фронтлардаги бир қатор тартибсизликлар шуни кўрсатадики, армиямизнинг кўпчилигини ташкил этган, пролетар бўлмаган элементлар ўз ихтиёрлари блан коммунизм учун урушмоқни истамайдилар. Демак, бизнинг вазифамиз — бу элементларни темир интизом руҳида қайтадан тарбиялаш, уларни мамлакат ичидагина эмас, фронтларда ҳам пролетарлар орқасидан олиб бориш, бизнинг умумий соціалистик ишимиз учун урушмоққа мажбур этиш ва урушнинг боришида мамлакатни мудофаа қилишга қобил бўлган бирдан-бир чинакам мунтазам армия тузишни тугаллашдан иборатдир.

Масала ана шу хилда турибди.

... Ё қаттиқ интизомли мунтазам, чинакам ишчи-деҳқон армияси тузамиз ва Республикани сақлаб қоламиз, ёки биз буни қилмаймиз ва у ҳолда ишимиз хароб бўлади.

... Смирнов тақдим этган лойиҳа ярамайди, чунки у армия интизомини бузади холос ва мунтазам армия тузишга имкон бермайди»[22].

Фактлар мана шундай, ўртоқлар.

Зиновьев блан Троцкийнинг яна туҳмат тўқиб ўтирганлигини ўзингиз кўриб турибсиз.

Сўнгра. Каменев бу ерда, биз кейинги даврларда, шу икки йил мобайнида, ўзимизнинг дун'ё халқлари орасидаги илгариги ма'навий э'тиборимизни бой бериб қўйдик, деб да'во қилди. Бу гап тўғрими? Албатта, нотўғри! Мутлақо нотўғри!

Каменев аҳолининг қайси табақаларини назарда тутаётганини, биз Шарқ ва Ғарб халқларининг қайси табақалари орасида ўз та'сиримизни қўлдан берганлигимиз ёки та'сир қозонганлигимизни айтмади,— Каменев буни айтмади. Ҳолбуки биз учун, биз марксистлар учун ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлган нарса худди шу масаладир. Масалан, Хитойни олай-

лик. Биз Хитой ишчи ва деҳқонлари орасида ўз э'тиборимизни йўқотиб қўйдик, деб бўладими? Равшанки, бундай деб бўлмайди. Хитойнинг миллионлаб ишчи ва деҳқон оммаси бизни то сўнгги вақтларгача камдан-кам билар эди. СССР то сўнгги вақтларгача атиги Хитой жамияти юқори доираларининг бир ўзи орасидагина, Гоминдан либерал интеллигенциясининг бир ўзи орасидагина, Фин Юй-сян, Қантон генераллари ва шулар сингари арбоблар орасидагина таниғлик эди. Энди бу тубдан ўзгарди. Ҳозир СССР Хитойнинг миллионлаб ишчи ва деҳқонлар оммаси назарида шундай бир обрўга эгаки, дун'ёдаги ҳарқандай кучнинг, ҳарқандай сиёсий партиянинг бунга ҳаваси келса бўлади. Аммо СССРнинг Хитой ишчи-деҳқонлар оммаси орасида обрўси ўсган бўлса, Хитойнинг либерал интеллигенцияси, ҳар қанақанги генераллар ва шу сингарилар СССРнинг обрўсини анча назарга илмай бошладилар, бу кейингиларнинг ичида кўплари эса СССРга қарши ҳатто кураш олиб бора бошламоқдалар. Хўш, бунинг ажабланадиган нимаси бор ва бунинг нимаси ёмон бўлипти? Ажабо, СССРдан, Совет ҳокимиятидан, бизнинг партиямиздан бизнинг мамлакатимиз Хитой жамиятининг **ҳамма табақалари орасида** ма'навий э'тиборга **эга** бўлишини талаб қилиб бўладими? Партиямиздан, Совет ҳокимиятидан буни енгилтак либераллардан бошқа ким талаб қила олсин? Биз учун қайси бири яхши: Хитойнинг либерал интеллигенцияси ва ҳар қанақа тескаричи генераллари орасида э'тиборга эга бўлиш яхшими ёки Хитойнинг миллионлаб ишчи ва деҳқонлар оммаси орасида э'тиборга эга бўлиш яхшими? Бизнинг халқаро аҳволимиз нуқтаи назаридан,

революциянинг бутун дун'ёда ривожланиши нуқтаи назаридан қайси нарса ҳал қилучи аҳамиятга эга: Хитойнинг миллион-миллион меҳнаткашлар оммаси орасида СССРнинг обрўси ўсиб, **Хитой жамиятининг либерал-реакцион доиралари орасида СССРнинг обрўси муқаррар суратда назарга илинмай қўйилиши** ҳал қилучи аҳамиятга эгами, ёки бу кейинги либерал-реакцион доиралар орасида обрўга эга бўлиб, **кенг аҳоли оммаси орасида ма'навий э'тиборнинг тушиб кетиши** ҳал қилучи аҳамиятга эгами? Каменевнинг гапи... ҳавойи бир гап эканлигини тушуниб олиш учун бу саволни қўйишнинг бир ўзиёқ кифоя қилади.

Ғарбда-чи? Ғарбнинг пролетар қатламлари орасида ма'навий э'тиборимизни бой бериб қўйдик, дейиш мумкинми? Равшанки, мумкин эмас. Масалан, Вена пролетариатининг яқинда бўлиб ўтган чиқиши, Англиядаги умумий ишташлаш блан кўмирчилар ишташлаши, Германия, Франция ишчиларининг СССРни ҳимоя қилиб кўп минг ишчи иштироки блан ўтказган намойишлари нимадан далолат беради? Бу намойишлар пролетариат диктатурасининг ма'навий обрўси ишчилар синфининг кўп миллионли оммаси назарида тушиб кетганлигидан далолат берадими? Йўқ, албатта! Аксинча, бу намойишлар СССРнинг ма'навий обрўси Ғарб ишчилари орасида ошиб бораётганлигидан ва мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради, Ғарб ишчиларининг ўз буржуазияларига қарши «русчасига» уруша бошлаётганликларидан далолат беради.

Ҳеч шубҳасизки, пацифист ва либерал-реакцион буржуазиянинг ма'лум қатламлари орасида, айниқса 20 та «му'табар» террористлар ва ўт қўючиларнинг[23] отиб ўлдирилиши муносабати блан, СССРга қарши

душманлик кучаймоқда. Хўш, Каменев учун Ғарбнинг кўп миллионли пролетар оммаси фикридан кўра либерал-реакцион пацифист буржуазия доираларининг фикри қийматликми бўлмаса? 20 та «му'табар»ларнинг отиб ўлдирилишини бизда СССРда ҳам, шунингдек Ғарбда ҳам миллион-миллион ишчилар оммасининг сидқи-дил блан ма'қуллаганлигини ким инкор қилаолади? «Хўб яхши бўлибди, аблаҳларнинг жазоси шу!» — ишчи кварталлари 20 та «му'табар»ларнинг отиб ўлдирилиши тўғрисида ана шундай дедилар.

Мен биламанки, бизда ма'лум бир тоифа кишилар бор, улар, биз ўзимизни қанча ёввош тутсак ўзимиз учун шунча яхши, деб да'во қиладилар. Улар, бу кишилар, бизга: «Англия биз блан орани узган вақтда СССРнинг иши яхши эди; Войковни ўлдирган вақтларида СССРнинг иши яна ҳам яхшиланди; броқ биз ҳам олишишга қодир эканимизни кўрсатиб, Войковнинг ўлдирилишига жавобан, 20 та «му'табар» контрреволюционерларни отиб ўлдирганимиздан кейин, СССРнинг ишлари ёмонлашиб кетди; 20 лар отиб ўлдирилмасдан илгари Европада бизга шафқат блан қарар ва бизга хайрихоҳлик кўрсатар эдилар; отиб ўлдирилгандан кейин, аксинча, хайрихоҳлик битди, шундай қилиб, бизни сиз Европа жамоатчилик фикри умид боғлагандек мўмин-қобил болалар эмас экансиз, деб айблай бошладилар» дейдилар.

Бу реакцион либерал фалсафа тўғрисида нима деса бўлади? Бу фалсафа тўғрисида фақат, унинг авторлари СССРнинг душманлар олдида сажда қилаберадиган, уларга таслим бўлаберадиган, нотовон, ўз-ўзини мудофаа қилолмайдиган бўлиб қолишини истайдилар,

дейишгина мумкин. Бир вақтлар «қонга буланган» Бельгия бор эди, папирос қутичаларида шу «қонга буланган» Бельгия тасвир қилинган расм жуда тез-тез учраб турар эди. СССР ҳам «қонга буланса» нима қилибди,— у ҳолда ҳамма унга хайрихоҳлик кўрсатган бўлур эди, у ҳолда ҳамма унга шафқат қилади, дейдилар. Йўқ, қўйинг ўртоқлар! Бизга бунақаси керак эмас. Яхшиси бундай либерал пацифист файласуфларнинг ҳаммаси жаҳаннамга кетаберсин, уларнинг СССРга «хайрихоҳлиги» ўзига. Бизга кўп миллионли меҳнаткашлар оммасининг хайрихоҳлиги бўлса бўлгани,— қолгани бўлиб кетаберади. Агар бирон-тасининг «қонга буланиши» жуда керак бўладиган бўлса, биз СССР эмас, балки бирон-бир буржуа мамлакат қон-қора қақшатилган ва «қонга буланган» бўлишига бутун кучимиз блан ҳаракат қиламиз.

Урушнинг муқаррарлиги тўғрисидаги масала. Зиновьев бу ерда шовқин-сурон солиб, Бухариннинг тезисларида урушнинг мутлақо муқаррарлиги тўғрисида эмас, балки «аниқлиги» ва «муқаррарлиги» тўғрисида гапирилади, деб да'во қилди. У, бундай та'риф партияни чалкаштириб қўйиши мумкин, деб ишонтирмоқчи бўлди. Мен Зиновьевнинг «Бўладиган уруш контурлари» деган мақоласини олиб қараб чиқдим. Хўш, нима ма'лум бўлди? Шу нарса ма'лум бўлдики, Зиновьевнинг мақоласида, уруш муқаррар **бўлиб** қолди, дейилган бир оғиз ҳам, мутлақо бир оғиз ҳам сўз тополмадим. Зиновьевнинг мақоласида янги уруш чиқиши **мумкинлиги** тўғрисида гапирилади. Бу мақолада уруш чиқиши **мумкинлигини** исбот қилишга бағишланган бутун бир боб бор. Бу боб: «Ана шу сабабларга биноан, ленинчи-большевиклар учун ҳозир-

ги вақтда янги уруш мумкинлиги тўғрисида фикр юритиш қонуний ва зарурдир» деган ибора блан тамом бўлади. (Ҳ а м м а к у л а д и.) Э'тибор беринг, ўртоқлар, янги уруш **мумкинлиги** тўғрисида **«фикр юритиш»,** Зиновьев мақоласининг бир ерида уруш муқаррар **«бўлиб бормоқда»** деган гап бор, аммо уруш ҳозироқ муқаррар **бўлиб қолди,** деган бир оғиз ҳам, мутлақо бир оғиз ҳам сўз йўқ. Ана шундай гапларни айтиб ўтирган бу одам яна тағин — қандай қилиб юмшоқроқ қилиб айтсак экан — уялмай-нетмай, Бухариннинг уруш аниқ ва муқаррар бўлиб қолди дейилган тезисларига айб тақишга жур'ат қилади.

Ҳозирги пайтда, уруш бўлиши «мумкин» дейиш нима демак бўлади? Бундай дейиш бизни, кам деганда, етти йил орқага қараб қайтариш демак бўлади, чунки Ленин бундан етти йил муқаддам СССР блан капиталистик дун'ё ўртасида уруш бўлиши мумкин, деган эди. Зиновьевнинг ўзининг орқага қараб қайтишини янги сўз деб кўрсатиб, ҳаммага ма'лум гапларни чайнаб ўтиришнинг нима зарурлиги бор эди?

Ҳозирги пайтда, уруш муқаррар **бўлиб бормоқда,** дейиш нима демак бўлади? Бундай дейиш бизни, кам деганда, тўрт йил орқага қайтариш демак бўлади, чунки биз Керзон ультиматуми[24] давридаёқ, уруш муқаррар бўлиб бормоқда, деган эдик.

Хўш, уруш тўғрисида кечагина ана шундай чалкаш ва ҳечбир ақлга сиғмайдиган мақола ёзган, мақоласида уруш муқаррар бўлиб қолди, деган бир оғиз ҳам сўз йўқ бўлган Зиновьев, ана шу киши, энди келиб нега — Бухариннинг уруш муқаррарлиги тўғрисидаги аниқ ва равшан тезисларига ҳужум қилишга жур'ат қилади? Бу шунинг учунки, Зиновьев кеча ўзи

нима тўғрисида ёзганлигини унутиб қўйган. Гап шундаки, Зиновьев бугун ёзган нарсани эртасига унутиб қўйиш учун ёзадиган бахтли одамлар тоифасидандир. (Кулги.)

Зиновьев бу ерда, Бухариннинг ўз тезисларини, уруш аниқ ва муқаррар, деган руҳда ёзишига ўртоқ Чичерин «мажбур этди» деб да'во қилди. Мен савол бераман: Зиновьевни уруш ҳозирнинг ўзидаёқ муқаррар бўлиб қолган бир вақтда, шундай бир вақтда уруш **бўлиши мумкин,** деган мақола ёзишга ким «мажбур этди?» (Кулги.)

Капитализм стабилизацияси тўғрисидаги масала. Зиновьев бу ерда, Бухариннинг тезисларига ҳужум қилиб тезислар капитализмнинг стабилизацияси масаласида Коминтерн позициясидан четга кетади, деб да'во қилди. Бу албатта, бема'ни гап. Зиновьев бунинг блан ўзининг стабилизация тўғрисидаги масалада, жаҳон капитализми тўғрисидаги масалада фақат нодонлигини кўрсатди, холос. Зиновьев, модомики стабилизация мавжуд экан, демак, революция иши хароб бўлди, деб ўйлайди. Капитализм кризиси ва капитализм ҳалокатининг етишуви стабилизациядан ўсиб чиқишини у англамайди. Ажабо, капитализмнинг сўнгги вақтларда ўз техникасини такомиллаштириб ва рационаллаштириб, беҳад кўп товар чиқаргани, бу товарларни реализация қилиш ҳечбир мумкин бўлмай қолгани факт эмасми? Ажабо, капиталистик ҳукуматларнинг тобора кўпроқ фашистлашиб бораётганлиги, ишчилар синфига ҳужум қилаётгани ва ўз позициясини вақтинча мустаҳкамлаб олаётгани факт эмасми? Бу фактлардан, стабилизация мустаҳкам бўлиб қолди, деган хулоса чиқадими? Йўқ, албатта! Аксинча,

айни шу фактлар жаҳон капитализми кризисининг шундай бир кескинлашиб кетишига олиб бормоқдаки, у кризис кейинги империалистик уруш олдида бўлган кризисга қараганда беқиёс чуқур кризисдир.

Капиталистик ҳукуматларнинг айни шу фашистлашиши факти, айни шу факт капиталистик мамлакатларда ички аҳволнинг кескинлашиб кетишига ва ишчиларнинг революцион чиқишларига сабаб бўлмоқда (Вена, Англия).

Капитализмнинг ўз техникасини айни шу рационализация қилиши ва беҳад кўп товар чиқариши, бу товарларни бозорнинг кўтараолмаётганлиги факти, айни шу факт империалистлар лагерида мол сотиш бозори учун, капитал чиқариш бозори учун курашнинг кескинлашиб кетишига, янги уруш чиқиши учун, дун'ёни янгидан қайта тақсим қилиш учун шароит туғилишига сабаб бўлмоқда.

Ажабо, жаҳон бозори муайян суратда чекланган ва «та'сир доиралари» муайян суратда стабил бўлган бир шароитда капитализмнинг ишлабчиқариш имкониятларининг ниҳоят даражада ўсиши бозор учун курашни кучайтириб юборишини ва капитализм кризисини чуқурлатишини англаб олиш қийинми?

Капитализм, агар у ишчиларнинг иш ҳақини бир неча баравар ошираолса эди, агар у деҳқонларнинг моддий аҳволини жиддий суратда яхшилай олса эди, агар у, шундай қилиб, миллионлаб меҳнаткашларнинг харидорлик қобилиятини жиддий суратда кўтара олса ва ички бозор кўламини кенгайтира олса эди, у ҳолда бу кризисни бирёқлик қилаолар эди. Аммо унда капитализм капитализм бўлмай қолар эди. Капитализм кризисни бирёқлик қилаолмаслиги сабабидан,

капитализм ўз «даромад»ларини меҳнаткашлар кўпчилигининг фаровонлигини оширишга эмас, балки уларни эксплуатация қилишни кучайтиришга ва янада кўпроқ «даромад» олиш учун ўз капиталини анча кам тараққий қилган мамлакатларга чиқаришга харж қилганлиги сабабидан,— айни шу сабабдан мол сотиш бозори учун кураш, капитал чиқариш бозори учун кураш — дун'ёни ва та'сир доираларини янгидан қайта тақсим қилиш учун жуда қаттиқ курашни туғдиради, бу кураш янги империалистик урушни ҳозирнинг ўзидаёқ муқаррар қилиб қўйди.

Нега ма'лум империалистик доиралар СССРга кўз олайтирмоқда, СССРга қарши бирлик фронт уюштирмоқда? Шунинг учунки, СССР мол сотиш ва капитал чиқариш учун жуда ҳам бой бир бозордир. Нега ўша империалистик доиралар Хитойга босиб кирмоқдалар? Шунинг учунки, Хитой мол сотиш ва капитал чиқариш учун жуда бой бир бозордир. Ва ҳоказо ва шу кабилар.

Янги уруш муқаррарлигининг асоси ва манба'и,— бу уруш, айрим империалистик коалициялар ўртасида чиқадими, ёки СССРга қарши олиб бориладими, барибир, мана шунда.

Оппозициянинг шўри шундаки, оппозиция бу оддий, элементар нарсаларни англамайди.

Мамлакатимизнинг мудофааси тўғрисидаги масала. Хўш, энди сўнгги масалага, биздаги оппозициянинг СССРни қандай мудофаа қилмоқчи эканлиги тўғрисидаги масалага тўхталиб ўтишга ижозат беринг.

Ўртоқлар! Бирон-бир группа, бирон-бир оқим, бирон-бир партиянинг революционлиги уларнинг қандай баёнот ёки декларациялар э'лон қилиши блан текши-

рилмайди. Бирон-бир группа, бирон-бир оқим, бирон-бир партиянинг революционлиги уларнинг иши блан, амалиёти блан, амалий планлари блан текширилади. Кишиларнинг баёнот ва декларациялари нақадар дабдабали бўлмасин, агар улар амалда тасдиқ этилмаса ва турмушга оширилмаса, бундай баёнот ва декларацияларга ишониб бўлмайди.

Ҳаммайики хил группалар, оқимлар, партияларнинг қандай йўл олишини кўрсатадиган ва уларнинг революционлиги ёки антиреволюционлигини текширадиган битта масала бор. Ҳозир бу масала СССРнинг мудофааси тўғрисидаги масаладир, СССРни империализм ҳужумидан бешарти-писанда, ҳеч сўзсиз ҳимоя қилиш тўғрисидаги масаладир.

Кимки СССРни бешарти-писанда, ҳеч сўзсиз, ошкора ва ҳалоллик блан, яширин ҳарбий кенгашлар қурмай ҳимоя этишга, мудофаа қилишга тайёр турса ўша **революционердир,** чунки, СССР бутун дун'ёда пролетариатнинг социализм қураётган ягона революцион давлатидир. Кимки СССРни ҳеч сўзсиз, иккиланмай, бешарти-писанда ҳимоя қилишга тайёр турса ўша **интернационалистдир,** шунинг учунки, СССР жаҳон революцион ҳаракатининг базасидир, СССРни ҳимоя қилмай туриб бу революцион ҳаракатни илгарига элтиб ва ҳимоя қилиб бўлмайди. Чунки кимки жаҳон революцион ҳаракатини СССРдан бўлак ва СССРга қарши бўлиб ҳимоя қилиш ўйида бўлса бундай одам революцияга қарши боради, бундай одам албатта революция душманлари лагерига ўтиб кетади.

Уруш таҳдиди олдида ҳозир икки лагерь ва шу муносабат блан икки позиция пайдо бўлди: СССРни

ҳеч сўзсиз ҳимоя қилиш позицияси ва СССРга қарши кураш позицияси. Бунда иккидан бирини танлаб олиш керак, чунки учинчи позиция йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу ишда бетарафлик кўрсатиш, иккиланиш, писандалар қўйиш, учинчи бир позиция ахтариш — мас'улиятдан қочишга уриниш, СССРни ҳимоя қилиш учун ҳеч сўзсиз курашдан ўзини четга тортиш, СССР мудофаасининг энг мас'улиятли пайтида бир чекада қочиб юриш демакдир. Мас'улиятдан қочиш нима демак? Бу секингина СССР душманлари лагерига оғиб кетиш демакдир.

Ҳозир масала ана шу хилда турипти.

Хўш, СССРни мудофаа, ҳимоя қилиш масалалари тўғрисида оппозиция қандай фикрда?

Энди, даркор бўлиб қолган экан, Троцкийнинг Марказий Контроль Комиссиясига ёзган ма'лум мактубини далил қилиб келтиришга ижозат беринг, бундан муродим Троцкийнинг СССРга қарши уруш бўлиб қолган тақдирда қўлланмоқчи бўлган, ҳозир бисотида сақлаб турган мудофаа «назариясини», мудофаа шиорини сизга намойиш қилиб кўрсатишдир. Ўртоқ Молотов ўз нутқида бу мактубдан цитата келтириб ўтиб эди, лекин у цитатанинг ҳаммасини келтирмаган эди. Мазкур цитатани бутунича келтиришга ижозат беринг.

Троцкий таслимчилик блан мудофаачиликни мана бундай тушунади:

«Таслимчилик нима? Душман синф қўлида бўлган «ўз» давлатининг мағлуб бўлмоғига ёрдамлашишга қарата тутилган сиёсатдир. Таслимчиликни бундан бошқа ма'нода тушуниш ва та'рифлашнинг ҳарқандайи сохталаштириш бўлади. Масалан, агар бир одам, нодон ва виждонсиз шпаргалькачиларнинг тутган сиё-

сий йўли, айни ишчилар давлатининг ғалаба қилиши манфаатлари юзасидан, кераксиз хору хас сифатида супурилиб ташланмоғи керак, деяр экан, у бунинг блан сра ҳам «таслимчи» бўлиб қолган бўлмайди. Аксинча, мавжуд конкрет шароитда худди шу одам чинакам революцион мудофаачиликни ифода қилучидир, гоявий хору хас ғалабага олиб боролмайди!

Бунинг мисолларини, шунда ҳам жуда ибратли мисолларини бошқа синфлар тарихида топиш мумкин бўлур эди. Бу ерда фақат битта мисол келтирамиз. Империалистик уруш бошида Франция буржуазияси тепасида аниқ йўл ва мақсади йўқ ҳукумат турар эди. Клемансо группаси бу ҳукуматга қарши опозицияда эди. Уруш бўлиб турганлигига ва ҳарбий цензура бўлишига қарамай, ҳатто немисларнинг Париждан 80 километр ерда турганлигига қарамай (Клемансо, немисларнинг «худди Париждан 80 километр ерда турганлиги сабабидан» деган эди), у, майда буржуача бўшанглик ва қат'иятсизликка қарши қаттиқ кураш олиб борди — империалистларча шафқатсизлик ва бераҳмлик қилишни ёқлади. Клемансо ўз синфига, буржуазияга хиёнат қилмади, аксинча, у буржуазияга Вивиани, Пенлеве ва шерикларига қараганда кўп даража тўғри, мустаҳкам, қат'ият, ақл блан хизмат қилди. Шундан кейинги воқиалар буни исбот қилди. Клемансо группаси ҳокимият тепасига чиқди ва кўп даража қаттиқ, ваҳшиёна империалистик сиёсат юргизиб, француз буржуазиясининг ғалаба қозонишини та'минлади. Клемансо группасини таслимчилар деб атаган француз газетчилари бўлганмиди? Бўлган бўлса керак: ҳамма синфларнинг ҳам кейинда судралиб юрадиган аҳмоқ ва туҳматчи кишилари бўлади. Аммо улар ҳамма вақт ҳам бир хилда муҳим роль ўйнай бермайдилар» (Троцкийнинг 1927 йил 11 июльда ўртоқ Оржоникидзега ёзган мактубидан).

СССРни мудофаа қилиш масаласида Троцкий таклиф қилаётган, тилга олишга ҳам арзимайдиган «назария» мана шундай.

«Майда буржуача бўшанглик ва қат'иятсизлик» қилаётганлар — қарангки, партиямизнинг кўпчилиги, Марказий Комитетимизнинг кўпчилиги, ҳукуматимиз-

нинг кўпчилиги эмиш. Клемансо эса Троцкий блан унинг группаси эмиш. (Кулги.) Агар душман Кремль деворларидан 80 километр масофалик жойга яқин келиб қолса, у ҳолда бу янги чиққан Клемансо, бу қўғирчоқ Клемансо, қарангки, аввал ҳозирги кўпчиликни душман худди Кремль деворидан 80 километр масофалик жойга яқин келиб қолганлиги сабабидан ағдаришга ҳаракат қилар эмиш, сўнгра мудофаага киришар эмиш. Агар борди-ю, бизнинг қўғирчоқ Клемансомизга буни қилиш муяссар бўлса, у ҳолда унинг бу иши, қарангки, СССРни чинакам ва ҳеч сўзсиз мудофаа қилганлик бўлар эмиш.

Бу ишни қилиш учун эса у, Троцкий, я'ни Клемансо, даставвал, бу «хору хас»ни «ишчилар давлатининг ғалаба қилиши манфаатлари юзасидан» «супуриб» ташлашга ҳаракат қилар эмиш. Хўш, бу «хору хас» дегани нима? Бу, қарангки, партиянинг кўпчилиги, Марказий Комитетнинг кўпчилиги, ҳукуматнинг кўпчилиги эмиш.

Мана, қарангки, гап ана шунақа экан, душман Кремльдан 80 километр масофалик жойга яқин келган пайтда, бу қўғирчоқ Клемансо СССРни мудофаа қилиш блан эмас, балки партиянинг ҳозирги кўпчилигини ағдариш блан машғул бўлар экан. Тағин буни у мудофаа деб атайди!

Албатта, бу Донкихот қабилидан бўлган кичкинагина группанинг, тўрт ой мобайнида ўзига аранг мингтага етар-етмас овоз тўплаган ана шундай кичкинагина бир группанинг сафида миллионлаб а'зоси бўлган партияга: «мен сени супуриб ташлайман» деб дўқ уриши бир мунча кулгили гап. Модомики Троцкийнинг группаси тўрт ой мобайнида қора терга ту-

шиб ишлаб, аранг мингтага етар-етмас имзо тўплаган экан, у группанинг аҳволи нақадар пачава эканлиги ҳақида ўзингиз ҳукм қилаоласиз. Мен ўйлайманки, оппозициячиларнинг истаган бир группаси ҳам, агар у группа ишлай олабилса, бирнеча минг имзо тўплай олар эди. Такрор айтаман: бу кичкинагина группанинг, армиясидан кўра лидерлари кўп бўлган (кулги), бутун бир тўрт ой мобайнида тер тўкиб ишлаб аранг бир мингга етар-етмас овоз тўплаган ана шундай бир группанинг сафида миллионлаб а'зоси бўлган партияга: «мен сени супуриб ташлайман» деб дўқ уриши кулгили гап. (Кулги.)

Хўш, кичкинагина фракциячи группанинг, сафида миллионлаб а'зоси бўлган партияни «супуриб ташлай» олмоғи учун нима қилиши керак бўлади? Оппозициячи ўртоқлар партиянинг ҳозирги кўпчилиги, Марказий Комитет кўпчилиги тасодифий бир нарса, бу кўпчиликнинг партия ичида илдизи йўқ, бу кўпчиликнинг ишчилар синфи ичида илдизи йўқ, бу кўпчилик ўзини қўғирчоқ Клемансонинг «супуриб ташлаши»га лом-мим демай йўл қўйиб беради, деб ўйлайдимикин? Йўқ, бу кўпчилик тасодифий бир нарса эмас. Бу кўпчилик партиямизнинг тараққий қилиб боришида йилдан-йилга йиғналиб борган кўпчиликдир, бу кўпчилик Октябрь даврида, Октябрьдан кейинги даврда, гражданлар уруши вақтида, социализм қурилиши даврида кураш оловида синалган кўпчиликдир.

Бундай кўпчиликни «супуриб ташлаш» учун, партия ичида гражданлар уруши бошламоқ керак бўлади. Мана шундай қилиб, Троцкий, агар душман Кремльдан 80 километр масофалик ерда турадиган бўлиб қолгудай бўлса, партия ичида гражданлар уруши

очиш ўйида юрипти. Бундан ҳам расвороқ гап бўлмаса керак...

Хўш, оппозициянинг ҳозирги лидерлари-чи? Ажабо, улар синаб кўрилган эмасми? Ажабо, бир вақтлар бизнинг партиямизда энг муҳим вазифаларда ўтирган бу кишиларнинг кейин муртад одамлар бўлиб қолганликлари тасодифий бир нарсами? Ажабо, бу ҳолнинг тасодифий бир нарса эмас эканлигини яна исбот этиб ўтириш ҳам керакми? Мана шундай қилиб, Троцкий, душман Кремльдан 80 километр масофалик ерда турадиган бўлғудек бўлса, партиямиз тарихининг чархини оппозиция платформасига қўл қўйган кичкинагина группа ёрдами блан орқага қараб буриб юбормоқчи бўлади. Шу блан бирга шундай гап ҳам бор, бир қисм ўртоқлар оппозиция платформаси тагига шунинг учун имзо чекибдирларки, улар агар имзо чексанг урушга олмас эмишлар, деб ўйлабдилар. (Кулги.)

Йўқ, **муҳтарам** Троцкий, сиз «хору хасни супуриб ташлаш»дан гапирмасангиз яхшироқ бўлур эди. Сиз бу тўғрида гапирмасангиз яхшироқ бўлур эди, чунки бундай сўзлар дарров юқадиган сўзлардир. Агар кўпчилик сиздан хору хасни супуриб ташлаш методини «юқтирса», мен билмадим, бу нарса оппозиция учун яхши бўлурмикин. Ахир, бундай методларнинг Марказий Комитет кўпчилигига «юқиши» ва ба'зи бировларни «супуриб ташлаши» эҳтимолдан узоқ эмас-ку.

Бундай супуриб ташлаш деган гаплар ҳамма вақт ҳам матлуб ва бехатар бўла бермайди, бундай сўзларнинг Марказий Комитетимиз кўпчилигига «юқиши» ва уни ба'зи бировларни «супуриб ташлаш»га мажбур қилиши мумкин. Бинобарин, агар Троцкий партияга ва унинг кўпчилигига қарши супурги қўлланиш

ўйида бўлса, партия бу супургини орқага буриб ва уни оппозицияга қарши қаратса, бунинг ажабланадиган нимаси бор?

Оппозициянинг СССРни қандай мудофаа қилиш ўйида эканлиги энди бизга ма'лум бўлди. Троцкийнинг Клемансо тўғрисидаги назарияси, асли ҳақиқатда таслимчиликдан иборат бўлган, бутун оппозиция ёқлаган бу назарияси, бизга буни жуда етарли аниқ-равшан кўрсатиб турибди.

Демак, шундай қилиб СССР мудофаасини та'мин этиш учун, ҳамма нарсадан олдин, Клемансо қилгани сингари иш қилмоқ зарур экан.

Мана, оппозициянинг СССРни «ҳеч сўзсиз» мудофаа қилиш йўлидаги биринчи қадами ана шундай.

СССРни мудофаа қилиш йўлидаги иккинчи қадам, қарангки, бизнинг партиямизни центрист деб э'лон қилишдан иборат экан. Партиямизнинг коммунизмдан сўлга оғишларга ҳам (Троцкий—Зиновьев), шунингдек, коммунизмдан ўнгга оғишларга ҳам (Смирнов—Сапронов) қарши кураш олиб бораётганлиги фактини, бу фактни қарангки, биздаги ўтакетган нодон оппозиция центризм деб ҳисоблар экан.

Биз ҳар икки оғмачиликка қарши кураш олиб бориш **блан фақат Ленин васиятларинигина** амалга ошираётганлигимизни бу тентаклар, қарангки, унутиб қўйибдирлар. Ленин «сўл доктринёрлик»ка ҳам, шунингдек, «ўнг оппортунизм»га ҳам қарши кескин кураш олиб боришни мутлақо қаттиқ туриб талаб қилган эди.

Оппозиция лидерлари Ленин васиятларини **тамом** эсларидан чиқариб, ленинизм блан алоқани **уздилар.** Оппозиция лидерлари ўзларининг блоки, оппозицион

блок, коммунизмдан ўнгга оққанлар блан сўлга оққанларнинг блоки эканлигини э'тироф қилишни истамайдилар. Улар ўзларининг ҳозирги блоки Троцкийнинг машҳур, расвойи жаҳон бўлган Август блокини янги асосда қайтадан тиклаш эканлигини э'тироф қилишни истамайдилар. Улар худди шу блок замирида айниб кетиш хавфи яшириниб ётганлигини англашни истамайдилар. Улар Маслов ва Рут Фишер сингари муттаҳам ва контрреволюционер «ўтасўллар» блан грузин миллатчи-оғмачиларининг бир лагерь бўлиб бирлашиши ликвидаторликдан иборат бўлган Август блокининг энг ёмон нусхаси эканлигини э'тироф қилишни истамайдилар.

Шундай қилиб, мудофаани йўлга қўймоқ учун, қарангки, бизнинг партиямизни центрист деб э'лон қилиш ва партияни ишчилар назаридаги обрў ва ҳурматдан маҳрум этишга уруниш лозим экан.

Мана, оппозициянинг СССРни «ҳеч сўзсиз» мудофаа қилиш йўлидаги иккинчи қадами ана шундай.

СССРни мудофаа қилиш йўлидаги учинчи қадам, қарангки, бизнинг партиямизни йўқ деб э'лон қилиш ва уни «Сталин фракцияси» қилиб кўрсатишдан иборат экан. Оппозициячилар бунинг блан нима демоқчи бўладилар? Улар бунинг блан, партия йўқ, балки «Сталин фракцияси» бор демоқчи бўладилар. Улар бунинг блан, партиянинг қарорлари биз учун мажбурий эмас ва биз бу қарорларни ҳамавақт ва ҳарқандай шароитда бузаберамиз, демоқчи бўладилар. Улар бунинг блан ўзларининг партиямизга қарши курашларини осонлаштирмоқчи бўладилар. Рост, улар бу қуролни меньшевикларнинг «Социалистический Вестник»[25] журнали блан буржуазиянинг «Руль»[26] газетаси

арсеналидан олдилар. Рост, меньшевиклар блан буржуа контрреволюционерлардан қурол олиш коммунистлар учун ноқулай бир иш. Аммо уларнинг бунинг блан нима ишлари бўлсин? Оппозиция учун ҳар қандай восита ҳам ярайберади, ишқилиб партияга қарши кураш юришиб бора берса бўлгани.

Шундай қилиб, СССР мудофаасини тайёрламоқ учун, қарангки, партияни, унингсиз ҳеч қандай мудофаа бўлиши мумкин бўлмайдиган шу партияни йўқ деб э'лон қилиш лозим экан.

Мана, оппозициянинг СССРни «ҳеч сўзсиз» мудофаа қилиш йўлидаги учинчи қадами ана шундай.

СССРни мудофаа қилиш йўлидаги тўртинчи қадам, қарангки, Коминтернни бўлиб юбориш, Германияда янги партия тузиш, муттаҳам ва контрреволюционерлар бўлган Рут Фишер блан Маслов раҳбарлик қиладиган янги партия тузиш, ва шунинг блан СССРнинг Ғарбий Европа пролетариати томонидан қўллаб-қўлтиқланишини қийинлаштиришдан иборат экан.

Шундай қилиб, СССР мудофаасини тайёрламоқ учун, қарангки, Коминтернни бўлиб юбориш лозим экан.

Мана, оппозициянинг СССРни «ҳеч сўзсиз» мудофаа қилиш йўлидаги тўртинчи қадами ана шундай.

СССРни мудофаа қилиш йўлидаги бешинчи қадам, қарангки, бизнинг партиямиз устига термидорчилик тенденцияси туҳматини ортиш, уни бўлиб юбориш ва янги партия туза бошлашдан иборат экан. Чунки агар бизда партия йўқ бўладиган бўлса, агар фақат «Сталин фракцияси»гина бўладиган бўлса, унинг қарорлари партия а'золари учун мажбурий эмас бўладиган бўлса, агар бу фракция,— гарчи бизнинг

партиямизни термидорчи дейиш аҳмоқлик ва нодонлик бўлишига қарамай,— термидорчи фракция бўладиган бўлса,— хўш, у вақтда нима қолади?

Шундай қилиб, СССР мудофаасини йўлга қўймоқ учун, қарангки, бизнинг партиямизни бўлиб юбориш ва янги партия тузишга киришиш лозим экан.

Мана, оппозициянинг СССРни «ҳеч сўзсиз» мудофаа қилиш йўлидаги бешинчи қадами ана шундай.

Мана, оппозициянинг СССР мудофааси учун таклиф қилаётган бешта энг муҳим тадбирлари ана шундай.

Оппозиция таклиф қилаётган бу барча тадбирларнинг мамлакатимиз мудофааси блан, жаҳон революцияси ўчоғини мудофаа қилиш блан ҳеч қандай алоқаси йўқ эканлигини яна исбот қилиб ҳам ўтиришнинг ҳожати борми?

Мана шундай одамлар тағин биздан уларнинг таслимчиликдан, ярим меньшевикликдан иборат мақолаларини партия матбуотимизда босиб чиқаришимизни талаб қилиб ўтирибдилар! Улар бизни ким деб ўйлаяптилар? Ажабо, «анархистлардан тортиб монархистларгача» ҳамма учун бизда матбуот «эркинлиги» ҳам чиқиб қолибдими? Бундай эркинлик йўқ ва бўлмайди. Меньшевикларнинг мақолаларини биз нега босмаймиз? Шунинг учунки, бизда «анархистлардан тортиб монархистларгача» антиленинчи, антисовет оқимлар учун матбуот эркинлиги йўқ.

Оппозициячилар ўзларининг ярим меньшевикликдан, таслимчиликдан иборат мақолаларининг босилишини талаб қилишлари блан нимани истайдилар? Улар бунинг блан буржуача матбуот «эркинлиги»га туйнук очиб беришни истайдилар, шу блан бирга улар бундай

қилишлари ила антисовет элементларни жонлантиришларини, пролетариат диктатурасига қарши уларнинг ҳужумини кучайтиришларини ва буржуа «демократияси» учун йўл очиб беришларини сезмайдилар. Бир эшикни дукурлатиб, иккинчи эшикни очиб қўймоқдалар.

Мана, Дан жаноблари оппозиция тўғрисида нималар ёзаётибди:

«Рус социал-демократлари оппозициянинг бундай легаллашувини, гарчи оппозициянинг ижобий программаси блан рус социал-демократларининг ҳечқандай алоқалари йўқ бўлса да, қизғин табриклар эдилар. Улар сиёсий курашнинг легал бўлишини, диктатуранинг ўз-ўзидан ошкора битиб кетишини ва янги сиёсий формаларга ўтишни табрик қилган бўлур эдилар, бу янги формаларда ишчилар ҳаракати учун кенг майдон очиларди» («Социалистический Вестник» № 13, 1927 йил июль).

«Диктатуранинг ўз-ўзидан ошкора битиб кетиши»,— СССРнинг душманлари сиздан мана шуни кутадилар ва сизнинг сиёсатингиз мана шу ёққа қараб элтади, оппозициячи ўртоқлар.

Ўртоқлар! Бизнинг олдимизда иккита хавф бор: уруш хавфи, бу хавф уруш таҳдидига айланди ва партиямизнинг ба'зи бир бўғинларининг айниб ўзгариб кетиш хавфи. Мудофаага тайёрланишга кириша туриб, биз партиямизда темирдек мустаҳкам интизом барпо қилмоғимиз лозим. Бундай интизом бўлмай туриб мудофаа бўлиши мумкин эмас. Биз партия интизомини мустаҳкамламоғимиз лозим, биз партиямизда тартибсизлик туғдирадиган одамларнинг ҳаммасини нўхталаб қўйишимиз лозим. Биз Ғарб ва Шарқдаги биродар партияларимизни бўлиб юборадиган одамларнинг ҳаммасини нўхталаб қўймоғимиз лозим. (Қ а р с а к л а р.)

Биз Ғарбдаги биродар партияларимизни муттаҳам Суварин, Рут Фишер, Масловлар, чалғитучи Трэн ёрдамида бўлиб юборадиган одамларнинг ҳаммасини нўхталаб қўймоғимиз лозим.

Биз фақат шундагина, фақат шу йўл блангина урушни батамом қуролланган ҳолда қарши олмоғимиз мумкин, шу блан бирга урушни кейинга суриш, вақтдан ютиш учун, капитализмнинг оғзига бир нарса уриб туриш учун ба'зибир моддий қурбонлар беришга рози бўлишимиз мумкин.

Биз буни қилмоғимиз лозим ва биз буни қиламиз.

Иккинчи хавф — бу айниб ўзгариб кетиш хавфидир.

Бу хавф қай томондан келмоқда? Мана бу томондан (оппозицияни кўрсатади). Бу хавфни йўқотмоқ лозим. (Давомли қарсаклар.)

5 АВГУСТДАГИ НУТҚ

Ўртоқлар! Зиновьев ўз нутқида халқаро аҳвол тўғрисидаги ҳал қилиниб бўлган масалага янгидан қайтиб, ушбу пленумга нисбатан жуда беорлик қилди.

Ҳозир биз кун тартибининг 4-нчи моддасини, «Троцкий блан Зиновьевнинг партия интизомини бузганлиги тўғрисидаги» моддани муҳокама қилаётибмиз. Ҳолбуки, Зиновьев муҳокама қилинаётган моддани четлаб ўтиб, халқаро аҳвол тўғрисидаги масалага янгидан қайтмоқда ва ҳал қилиниб бўлган масалани яна қайта муҳокама қилишга уринмоқда. Шу блан бирга у ўз нутқида зўр бериб Сталинга қарши масала кўтариб ўтирибди, биз бу ерда Сталин тўғрисидаги масалани эмас, балки Зиновьев блан Троцкийнинг партия интизомини **бузганлиги тўғрисидаги** масалани муҳокама қилаётганлигимизни эсидан чиқаради.

Шу сабабдан мен ўз нутқимда илгари ҳал қилиб бўлинган масаланинг ба'зибир томонларига яна қайтишга мажбурман, бундан муродим Зиновьевнинг бу ерда чиқиб айтган гаплари асоссиз эканлигини кўрсатиб беришдир.

Кечирасиз, ўртоқлар, лекин менга Зиновьевнинг Сталинга қарши қилган ҳужумлари тўғрисида ҳам

бир-икки оғиз сўз айтишга тўғри келади. (Овозлар: «Сўраймиз!».)

Биринчидан. Зиновьев нима учундир ўз нутқида Сталиннинг 1917 йил мартидаги иккиланишини эсга олди,— шу блан бирга бу тўғрида у бир талай ёлғонлашиқ гапларни **айтди.** Мен ўзимнинг 1917 йил мартида бир қадар иккиланганлигимни, мендаги бу иккиланишнинг атиги бир-икки ҳафтагина бўлиб турганлигини, мендаги бу иккиланишнинг 1917 йил апрелида, Ленин келиши бланоқ йўқолиб кетганлигини ва 1917 йил Апрель конференциясида мен ўртоқ Ленин блан бир сафда туриб Каменевга ва унинг оппозицион группасига қарши турганлигимни ҳечқачон инкор қилган эмасман. Мен буларнинг ҳаммасини партия матбуотимизда бир неча бор айтиб ўтганман («Октябрьга бориш йўлларида», «Троцкизмми ёки ленинизмми?» ва ҳоказоларга қаралсин).

Мен ҳечвақт ўзимни бегуноҳман деб ҳисоблаган эмасман ва шундай деб ҳисобламайман. Мен ўз хатоларимнигина эмас, балки бир лаҳзалик иккиланишларимни ҳам ҳечқачон яширган эмасман. Лекин менинг ўз хатоларимда ҳечқачон қаттиқ туриб олмаганлигимни ва бир лаҳзалик иккиланишларимни платформага, алоҳида группа ва ҳоказоларга айлантирмаганлигимни ҳам яшириб бўлмайди.

Броқ бу масаланинг муҳокама қилинаётган масалага, я'ни Зиновьев блан Троцкийнинг партия интизомини бузганлиги тўғрисидаги масалага нима алоқаси бор? Нега Зиновьев муҳокама қилинаётган масалани четлаб ўтиб, 1917 йил март хотираларига қайтади? Ажабо, у ўзининг 1917 йилнинг августи, сентябри, октябри, ноябридаги хатоларини, ўзининг Ленинга

қарши курашганини ва Ленин партиясига қарши ўзининг алоҳида платформасини эсидан чиқариб қўйибдимикин? Ёки бўлмаса Зиновьев ўтмишдаги нарсаларни эсга олиш йўли блан ҳозир муҳокама қилинаётган масалани, Зиновьев блан Троцкийнинг партия интизомини бузганлиги тўғрисидаги масалани кейинги ўринга суриб қўйиш ўйидамикан? Йўқ, Зиновьев бу найрангини ўтказаолмайди.

Иккинчидан. Зиновьев, сўнгра, менинг 1923 йил ёзида, 1923 йилги герман революциясидан бир неча ой олдин унга ёзган мактубимдан цитата келтирди. Бу мактубнинг тарихи қандай бўлганлиги эсимда йўқ. Қўлимда бу мактубнинг копияси ҳам йўқ ва шу сабабдан мен Зиновьев бу мактубни тўғри нақл қилди деб ишонч блан айтаолмайман. Мен бу мактубни, назаримча, 1923 йилнинг июлида ёки август бошларида ёзган бўлсам керак. Лекин мен шуни айтишим керакки, бу мактуб бошдан-оёқ мутлақо тўғри бир мактубдир. Зиновьев, бу мактубни далил қилиб келтириш блан, афтидан, мени, 1923 йилги герман революциясига умуман умидсизлик блан қаради, демоқчи бўлса керак. Бу, албатта, бема'ни гап.

Мактубда ҳамма нарсадан аввал тегиб ўтилган масала коммунистларнинг ҳокимиятни дарҳол қўлга олиш-олмасликлари тўғрисидаги масала эди. 1923 йилнинг июлида ёки августи бошларида Германияда чуқур революцион кризис, миллионлаб оммани оёққа отлантирадиган, социал-демократларнинг муросачилигини очиб ташлайдиган, ниҳоят буржуазияни издан чиқарадиган ва коммунистларнинг ҳокимиятни дарҳол қўлга олиш масаласини майдонга қўядиган чуқур революцион кризис ҳали йўқ эди. Табиийки, Германияда июль —

августдаги шароитда коммунистларнинг ҳокимиятни **дарҳол** қўлга олиши тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас эди, бунинг устига-устак коммунистлар ишчилар синфи сафида **озчилик** эди.

Бундай позиция тўғрими? Мен ўйлайманки, тўғри. Сиёсий бюро ҳам ўша вақтда шу позицияда турган эди.

Мактубда тегиб ўтилган иккинчи масала коммунизм тарафдори бўлган ишчиларнинг намойиш қилишқилмасликлари тўғрисидаги масала бўлиб, қуролланган фашистлар бу вақтда иғво қилиш йўли блан коммунистларни вақтидан илгари бош кўтариб чиқартиришга урунаётган эдилар. Мен у вақтда коммунистлар иғвога учмасликлари керак, деган эдим. Ёлғиз менгина эмас, балки бутун Сиёсий бюро ҳам шу позицияга қўшилган эди.

Лекин икки ойдан кейин Германиядаги вазият революцион кризиснинг ўткирлашиб кетишига томон кескин суратда ўзгариб кетди. Пуанкарэ Германияга қарши ҳарбий ҳужум бошлади; Германиядаги молия кризиси ҳалокатли бир характерни олди; герман ҳукумати ичида тўс-тўполон кўтарила ва министрлар тезтез алмашабошлади; революция тўлқини кўтарилиб, социал-демократияни ичдан қўпориб ташлади; ишчилар социал-демократлардан айниб, кўплаб коммунистлар томонига ўтабошладилар; коммунистларнинг ҳокимиятни қўлга олиши масаласи кун тартибида турган масала бўлиб қолди. Мана шундай бир вазиятда мен Коминтерн комиссиясининг қолган бошқа а'золари сингари, коммунистларнинг ҳокимиятни дарҳол қўлга олишларини қат'ий суратда ва албатта ёқлаган эдим.

Ма'лумки, Коминтернинг Зиновьев, Бухарин, Сталин, Радек ва бир неча немис ўртоқлардан иборат

ўша вақтда тузилган герман комиссияси германияли ўртоқларга ҳокимиятни қўлга олиш ишида бевосита ёрдам бериш тўғрисида бирқанча конкрет қарор қабул қилган эди.

Бу комиссиянинг а'золари ўша вақтда ҳамма масалада ўзаро бир фикрда эдиларми? Йўқ, бир фикрда эмас эдилар. У вақтда Германияда Советлар тузиш масаласи устида ихтилоф чиққан эди. Мен блан Бухарин, фабрика-завод комитетлари Советлар ўрнини боса олмайди, деб да'во қилган ва Германияда дарҳол пролетар Советлари тузилмоғини таклиф қилган эдик, Троцкий блан Радек, шунингдек германияли бирнеча ўртоқлар Советлар тузишга қарши турган эдилар, фабрика-завод комитетлари ҳокимиятни қўлга олиш учун кифоя қилади, деб ҳисоблаган эдилар. Зиновьев бу икки группа орасида иккиланиб турган эди.

Э'тибор беринг, ўртоқлар, у вақтда сўз ҳаммаси бўлиб фақат бир неча миллионгина пролетариатга эга бўлган Хитой тўғрисида эмас, балки саноати юксак, у вақтда 15 миллионга яқин пролетариатга эга бўлган Германия устида борар эди.

Бу ихтилоф ўша вақтда нима блан тамом бўлди? Шу блан тамом бўлдики, Зиновьев айниб Троцкий блан Радек томонига **ўтиб кетди** ва шундай қилиб Советлар тўғрисидаги масала қабул қилинмади.

Дуруст, Зиновьев кейинчалик ўзининг бу гуноҳларига пушаймон қилди. Аммо бу нарса Зиновьевнинг ўша вақтда герман революциясининг асосий масалаларидан бирида ўнг сафда, оппортунистик сафда, Бухарин блан Сталиннинг эса революцион, коммунистик сафда турганлиги фактини йўққа чиқараолмайди.

Зиновьев бу тўғрида кейин мана бундай деган эди:

«Советлар масаласида (Германияда. **И. Ст.**) биз Троцкий ва Радек блан муросага бориб хато қилдик. Ҳар сафар бу масалаларда муросага борилганда хато қилаётганлигингга ишонч ҳосил қиласан, киши. У вақтда Ишчилар Советлари тузиш мумкин эмас эди, аммо шунга қарамай бундай Советлар тузиш масаласи тутилган йўлнинг социал-демократлар йўлими ёки коммунистлар йўлими эканлигини намоён қилиш учун бир имтиҳон эди. Биз бу масалада муросага бормаслигимиз керак эди. Муросага бориб биз хато қилган эдик. Гап ана шундай, ўртоқлар» (Коммунистлар Интернационали Ижроия Комитети Президиумининг 1924 йил 19 январьда Германия компартияси вакиллари иштироки блан бўлган 5-нчи мажлиси стенограммаси, 70 бет).

Зиновьев бу цитатада, «биз хато қилдик», дейди. Бу «биз» дегани ким? У вақтда ҳечқандай «биз» деган гап йўқ эди ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Асли ҳақиқатда айниб хато қилган Зиновьев эди, у айниб Троцкий блан Радек томонига ўтиб кетган ва уларнинг хато позициясига ўтиб олган эди.

Фактлар ана шундай.

Зиновьев 1923 йилги герман революциясини эсга олмаса ва ўзини пленум олдида шарманда қилмаса яхшироқ бўлур эди, бунинг сабаби яна шуки, герман революцияси тўғрисида у қўзғатаётган масала, ўзингиз ҳам кўриб турганингиздек, кун тартибининг биз муҳокама қилаётган тўртинчи моддаси блан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Хитой тўғрисидаги масала. Зиновьевнинг сўзидан шундай ма'но чиқадики, Сталин партиянинг XIV с'ездидаги докладида Хитойни гўё Америка блан тенглаштирган эмиш. Бу, албатта, аҳмоқона гап. Менинг докладимда Хитойни Америка блан ҳечбир қандай тенг-

лаштириш тўғрисида сўз бўлган эмас ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Асли ҳақиқатда, менинг докладимда, хитой халқининг миллий жиҳатдан бирлашувига ва четэл зулмидан миллий озодликка бўлган ҳуқуқи тўғрисидагина сўз юритилган эди. Масалани империалистлар матбуотига қарши кескинлаштириб, мен ўз докладимда, агар сиз, империалист жаноблар, Италияда, Америкада, Германияда бирлашиш ва четэл зулмидан озод бўлиш учун олиб борилган миллий урушларни тўғри ҳисоблар экансиз, оғизда бўлса ҳам тўғри ҳисоблар экансиз, хўш, Хитойнинг бу мамлакатлардан нима камлиги бор ва хитой халқининг нега ўз миллий бирлашувига ва миллий озодлигига ҳақи бўлмас экан, деган эдим.

Мен ўз докладимда мана шу гапни айтган эдим. Хитой революциясининг коммунизм нуқтаи назаридан истиқболи ва вазифалари масаласига асло тақилмаган эдим.

Буржуа матбуотига қарши масаланинг шу йўсинда қўйилиши қонуниймми-йўқми? Равшанки, қонуний. Зиновьев бу оддий нарсани англамайди, лекин унинг бундай англамаслигига бошқа бирон нарса эмас, балки ўзининг бефаҳмлиги айбдор.

Ухан Гоминдани ҳали революцион экан вақтларида уни пролетариат блан деҳқонларнинг бўладиган революцион-демократик диктатураси моясига айлантириш сиёсатини, қарангки, Зиновьев нотўғри сиёсат деб ҳисоблар экан. Хўш, бунинг нимаси нотўғри? Ажабо, Ухан Гоминдани шу йилнинг бошида революцион эмасмиди, бу факт эмасми? Агар Ухан Гоминдани революцион бўлмаган бўлса нега Зиновьев Ухан Гоминданига «ҳамма чоралар блан ёрдам бериш» тўғрисида

жар солиб юрган эди? Агар Ухан Гоминдани у вақтда революцион бўлмаган бўлса нега оппозиция, компартияни Ухан Гоминдани составида қолдириш томонидамиз, деб онт ичган эди? Коммунистлар Ухан Гоминдани составига кирганлари ҳолда ва унда та'сирлари бўлгани ҳолда, гоминданчи ҳамроҳларни ўз кетларидан эргаштириб боришга ҳаракат қилиб кўрмасалар ва Ухан Гоминданини бўладиган революцион-демократик диктатура моясига айлантиришга уриниб кўрмасалар бундай коммунистларнинг қадри-қиймати нимага арзиган бўлур эди? Мен, бундай коммунистлар сариқ чақага ҳам арзимаган бўлур эди, деяр эдим.

Дуруст, бу ҳаракат амалга ошмай қолди, чунки империалистлар ва Хитой феодаллари мазкур босқичда революцияга қараганда кучлироқ бўлиб чиқдилар, ва Хитой революцияси шу муносабат блан вақтинча мағлубиятга учради. Аммо бундан, компартиянинг сиёсати нотўғри эди, деган хулоса чиқадими, ажабо?

1905 йилда рус коммунистлари ҳам ўша вақтда мавжуд бўлган Советларни пролетариат блан деҳқонларнинг бўладиган революцион-демократик диктатураси моясига айлантиришга ҳаракат қилган эдилар. Лекин бу ҳаракат ҳам ўша вақтда, синфий кучларнинг нисбати ноқулай бўлганлиги ва чоризм блан феодаллар революцияга қараганда кучлироқ бўлиб чиққанлиги орқасида амалга ошмай қолган эди. Бундан, большевикларнинг сиёсати нотўғри эди, деган хулоса чиқадими? Равшанки, бундай хулоса чиқмайди.

Зиновьев яна, Ленин Хитойда дарҳол **ишчи** депутатлари Советлари ташкил қилиш томонида турган эди, деб да'во қилди. Бунда Зиновьев Лениннинг Коминтерн II конгрессида мустамлака мамлакатлар

масаласи юзасидан қабул қилинган тезисларини далил қилиб келтирди. Аммо Зиновьев бунда ёлғон гап блан партияни адаштиради, холос.

Матбуотда бир неча бор айтиб ўтилди ва бу ерда ҳам такрорлашга тўғри келадики, Ленининг тезисларида Хитойда **ишчи** депутатлари Советлари тузиш тўғрисида бир оғиз ҳам сўз йўқ.

Матбуотда бир неча бор айтиб ўтилди ва бу ерда ҳам яна такрорлашга тўғри келадики, Ленин ўз тезисларида **ишчи** депутатлари Советларини эмас, балки «деҳқонлар Советлари», «халқ Советлари», «меҳнаткашлар Советлари»ни назарда тутган, шу блан бирга у, бу ерда сўз **«саноат пролетариати бўлмаган** ёки **йўқ деярлик даражада бўлган»** мамлакатлар устида боради, деб махсус суратда писанда қилиб ўтган.

Хитойни «саноат пролетариати бўлмаган ёки йўқ деярлик даражада бўлган» мамлакатлар жумласига қўшиб бўладими? Равшанки, қўшиб бўлмайди. Хитойда **аввало ишчилар синфининг** синфий Советларини барпо қилмай туриб деҳқонлар Советлари, меҳнаткашлар Советлари, халқ Советлари барпо қилиб бўладими? Равшанки, барпо қилиб бўлмайди. Оппозиция нега Ленининг тезисларини далил келтириб партияни алдаб ўтирибди?

Танаффус тўғрисидаги масала. Ленин 1921 йилда, гражданлар уруши тамом бўлгандан кейин, энди биз урушдан қутилиб, қандайдир бир танаффусга эга бўлдик, социализм қуриш учун энди бу танаффусдан фойдаланмоқ керак, деган эди. Ҳозир Зиновьев тирноқ орасидан кир излаб Сталинга ёпишиб ўтирибди, бу танаффусни Сталин бутун бир танаффус даврига айлантириб юборди, бу нарса СССР блан

империалистлар ўртасида уруш таҳдиди бор деган тезисга зиддир, деб да'во қилади.

Зиновьевнинг бу ерда тирноқ орасидан кир излаб ўтирганлиги аҳмоқона ва кулгили бир иш эканлигини гапириб туришнинг ҳожати ҳам йўқ. Хўш, империалистлар блан СССР ўртасида мана энди етти йилдан буён ҳарбий тўқиниш бўлмай келаётганлиги факт эмасми, ахир? Бу етти йиллик даврни танаффус **даври** деб аташ мумкинми-йўқми? Равшанки, шундай деб аташ мумкин ва аташ лозим. Ленин Брест сулҳи **даври** тўғрисида кўп марта гапирган эди. Лекин ҳаммага ма'лумки, бу давр бир йилдан нарига ўтмаган эди. Нега бир йилдан нари ўтмаган Брест сулҳи даврини давр деб аташ мумкин экан-у, етти йиллик танаффус даврини танаффус даври деб бўлмас экан? Мана бундай аҳмоқона ва кулгили бир иш бўлган тирноқ орасидан кир излаш блан овора бўлиб, Марказий Комитет ва Марказий Контроль Комиссияси қўшма пленумининг бекорга вақтини олиш ярашадиган бир ишми?

Партия диктатураси тўғрисида. Зиновьев пролетариат диктатурасини партия диктатураси блан тенглаштириб, Ленин тушунган ма'нодаги партия «диктатураси» тушунчасини бузиб кўрсатаётганлиги бизнинг партия матбуотимизда бирнеча бор айтиб ўтилган. Партия «диктатураси»ни Ленин партиянинг **ишчилар синфига** раҳбарлиги ма'носида тушунганлигини, я'ни партиянинг ишчилар синфига зўрлик қилиши эмас, балки ишчилар синфини ишонтириш йўли блан, сиёсий тарбия бериш йўли блан раҳбарлик қилиш ма'носида, я'ни бу раҳбарликни бошқа партиялар блан ўртада бўлишмайдиган ва бўлишишни истамайдиган ягона

партиянинг раҳбарлиги ма'носида тушунганлигини бизнинг партия матбуотимизда бирнеча бор айтиб ўтилган.

Зиновьев буни англамайди, Ленин тушунган ма'нони бузиб кўрсатади. Ленин тушунган ма'нодаги партия «диктатураси» тушунчасини бузиб Зиновьев бу қилмиши блан, эҳтимол ўзи ҳам сезмай, партияда «аракчеевчилик» ўрнатиш учун йўл очиб беради, Каутскийнинг Ленинга таққан туҳматини, Ленин гўё «ишчилар синфи устидан партия диктатурасини жорий қилмоқда» деган туҳматини оқлаш учун йўл очиб беради. Бу яхши ишми? Равшанки, бу яхши иш эмас. Агар Зиновьев бу оддий нарсаларнинг фаҳмига етмас экан, бунга ким айбли?

Миллий маданият тўғрисида. Зиновьев СССР даги халқлар миллий маданиятининг совет асосида равнақ топишига душман эканлигини, Зиновьев амалда мустамлакачилик тарафдори эканлигини партия ҳамиша эсига тушириб турсин учун унинг миллий маданият тўғрисида бу ерда оғзига келганни қайтармай вайсаганларини осори-атиқа қилиб қолдирса бўлур эди.

Буржуазия ҳукмрон бўлган даврда кўп миллатли давлатда миллий маданият шиорини биз буржуа шиори деб ҳисоблаб келган эдик ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблаймиз. Нима учун? Шунинг учунки, буржуазия ҳукмрон бўлган даврда бундай давлатда миллий маданият шиори шу давлатдаги ҳамма миллат меҳнаткашлар оммасининг буржуазия раҳбарлигига, унинг ҳукмронлигига, унинг диктатурасига ма'навий тоби' бўлиб қолиши демакдир.

Пролетариат ҳокимиятни ўз қўлига олгандан кейин биз СССРдаги халқларнинг миллий маданиятини **Советлар асосида** юксалтириш шиорини майдонга

ташладик. Бу нима демак? Бу — биз СССР халқлари ўртасида миллий маданият тараққийсини социализм манфаатлари ва талабларига, пролетариат диктатураси манфаатлари ва талабларига, СССРдаги барча миллатлар меҳнаткашларининг манфаати ва талабларига мувофиқлаштирамиз демакдир.

Бундан, энди биз умуман миллий маданиятга қаршимиз, деган ма'но чиқадими? Йўқ, бундай ма'но чиқмайди. Бундан, энди биз СССР халқларининг миллий маданияти, миллий тили, мактаби, матбуоти ва ҳоказоларини **Советлар асосида** юксалтириш тарафдоримиз, деган ма'ногина чиқади. Хўш, «Советлар асосида» деган писанданинг ма'носи нима? Бунинг ма'носи СССР халқларининг Совет ҳокимияти томонидан юксалтирилаётган маданияти **мазмун жиҳатидан** барча меҳнаткашлар учун умумий, социалистик маданият бўлмоғи лозим, **форма** жиҳатидан эса у СССР халқларининг ҳаммаси учун бир хилда бўлмаган ва ҳали бир хилда бўлмайдиган маданиятдир, миллий маданиятдир, СССР халқларининг тилидаги ва миллий хусусиятларидаги айирмага қараб турлича бўлган маданиятдир. Мен бундан уч йил бурун Шарқ Меҳнаткашлари Коммунистик Университетида сўзлаган нутқимда худди шу гапни айтган эдим[27]. Бизнинг партиямиз ҳам ҳамиша худди шу руҳда иш кўриб, **миллий** совет мактаблари, **миллий** совет матбуоти ва бошқа маданий муассасаларнинг ривожланишига, партия аппаратини **«миллийлаштириш»**га, Совет аппаратини **«миллийлаштириш»** ҳоказо ва шу сингариларга ҳамма чоралар блан ёрдам бериб келди.

Айни шу сабабдан, Ленин миллий областьлар ва республикаларда ишлаётган ўртоқларга ёзган мактуб-

бида уларни бу область ва республикаларнинг миллий маданиятини Советлар асосида юксалтиришга да'ват қилди.

Пролетариат ҳокимиятни ўз қўлига олганидан кейин биз ҳамиша ана шу йўлдан борганлигимиз туфайли, айни шу туфайли биз дун'ёда мисли кўрилмаган, Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи деб аталадиган интернационал бинони қуришга муяссар бўлдик.

Энди келиб Зиновьев миллий маданиятга қарши уруш э'лон қилиб, буларнинг ҳаммасини остин-устун қилиш, ўчириб ташлаш, гўрга кўмиш ўйида юрипти Яна тағин у миллий масала тўғрисида нуқул мустамлакачиликдан иборат алжирашларини ленинизм деб ўтирибди! Бу кулгили бир гап эмасми, ўртоқлар!

Бир мамлакатда социализм қуриш тўғрисида. Зиновьев ва умуман оппозиция (Троцкий, Каменев), бу масалада бир неча бор қаттиқ енгилганликларига қарамай, пленумнинг вақтини бекорга банд қилиб яна шу масалага қайта ва қайта ёпишиб олмоқдалар. Улар аҳволни шундай тасвирламоқчи бўладиларки, СССРда социализм ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги тезис гўё Ленин назарияси бўлмай, балки Сталин «назарияси» эмиш.

Оппозициянинг бундай да'воси оппозициянинг партияни алдашга ҳаракат қилиши эканлигини исбот этиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бир мамлакатда социализм ғалаба қилиши мумкин деган гапни 1915 йилдаёқ айтган бошқа бир киши эмас, айни Ленин эканлиги факт эмасми, ажабо[28]? **Ўша вақтдаёқ** Ленинга қарши э'тироз қилиб чиққан, Ленининг бу айтган гапини «миллий доирада чекланиб қолиш» деб атаган бошқа бир киши эмас, айни Троцкий эканлиги факт

эмасми, ажабо? Хўш, Сталин «назарияси» бу ерда кима қилиб юрипти?

1925 йилда Троцкий кетидан эргашиб кетган ва Ленининг бир мамлакатда социализм ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги назариясини «миллий доирада чекланиб қолиш» деб айтган бошқа бир киши эмас, айни Каменев блан Зиновьев эканлиги факт эмасми, ажабо? Бизнинг партиямиз, унинг номидан XIV конференция, Троцкийнинг ярим меньшевиклик назариясига зидма-зид равишда, СССРда социализмни ғолибона суратда қуриш мумкинлиги тўғрисида махсус резолюция қабул қилганлиги[29] факт эмасми, ажабо?

Нега Троцкий, Зиновьев ва Каменев XIV конференциянинг бу резолюциясини четлаб ўтади?

Бизнинг партиямиз, унинг номидан XIV с'езд XIV конференция қарорини тасдиқ қилганлиги, с'езд бу қарорни Каменев блан Зиновьев қаршисига бутун э'тиборни қаттиқ жалб қилиб тасдиқлаганлиги[30] факт эмасми, ажабо?

Партиямизнинг XV конференцияси СССРда социализм ғалаба қилиши мумкинлигини батафсил суратда асослаб берилган қарор қабул қилганлиги[31], бу қарорда оппозицион блок ва унинг бошлиғи Троцкий қаршисига бутун э'тиборни қаттиқ жалб этганлиги факт эмасми, ажабо?

XV конференциянинг бу резолюциясини Коммунистлар Интернационали Ижроия Комитетининг кенгайтирилган VII пленуми тасдиқ қилганлиги, бунда Троцкий, Зиновьев ва Каменевларнинг социал-демократик оғмачилигини уларнинг бўйнига қўйганлиги факт эмасми, ажабо[32]?

Хўш, шундай экан, бу ерда Сталин «назарияси» нима қилиб юрипти?

Ажабо, Сталин оппозициядан партиямиз блан Коминтернинг юқори ташкилотларининг мана шу қарорларини тўғри деб иқрор қилишдан бошқа бирор нарсани қачон бўлса ҳам талаб қилганмиди?

Агар оппозиция лидерларининг кўнглида кири бўлмаса нега оппозиция лидерлари бу фактларнинг ҳаммасини четлаб ўтади? Уларнинг муддаоси нима? Партияни алдашми? Броқ большевиклар партияси бўлган бизнинг партиямизни ҳечким ҳам алдай олмаслигини англаб олиш, ажабо, қийин ишми?

Троцкий блан Зиновьевнинг партия интизомини бузганлиги тўғрисида ҳозир муҳокама қилинаётган моддага, аслини айтганда, ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, лекин шунга қарамай Зиновьев кўзга чанг пуркаш ва шу блан муҳокама қилинаётган масалани шуваб кетиш учун атайин яна қайта кўтариб чиққан масалалар ана шу, ўртоқлар.

Шу масалаларни таҳлил қилиш блан шуғулланиб сизнинг анча вақтингизни олганим учун сиздан яна бир марта узр сўрайман. Аммо менинг бошқа иложим йўқ эди, чунки биздаги оппозициячиларнинг партияни алдашга бўлган ишқибозлигига барҳам бериш учун бундан бошқа йўл йўқ.

Хўш, энди «мудофаа» дан ҳужумга ўтишга ижозат беринг, ўртоқлар.

Оппозициянинг бошига битган асосий бало шундан иборатки, ўзининг нима учун «шундай кунга тушиб қолганлигини» у то ҳозиргача ҳам англаб ололмайди.

Дарвоқи' нима учун ҳали кечагина партия лидерлари жумласидан бўлмиш оппозиция лидерлари

«тўсатдан» муртадлар бўлиб қолдилар? Бунинг боиси нима? Оппозициянинг ўзи бу фактнинг боисини шахсий характердаги сабабларда деб тушунтиришга мойил: Сталин «ёрдам бермади», Бухарин «ишни бузиб қўйди», Риков «суямади», Троцкий «вақтни қўлдан бериб қўйди», Зиновьев «овсарлик қилди» ва ҳоказолар. Броқ сариқ чақага ҳам арзимайдиган бундай «тушунтиришлар»да ҳатто заррача ҳам тушунтириш асари йўқ. Оппозиция ҳозирги лидерларининг партиядан ажралиб яккаланиб қолишлари факти унча-мунча кичкина факт эмас. Бу фактни тасодифий деб асло айтиб бўлмайди. Оппозиция ҳозирги лидерларининг партиядан узилиб қолишлари фактининг жуда чуқур сабаблари бор. Равшанки, Зиновьев, Троцкий, Каменев нимададир йўлдан озганлар, нимададир жиддий гуноҳ қилиб қўйганлар,— бўлмаса партия уларни муртадлар деб улардан юз ўгирмаган бўлур эди. Бинобарин, масала мана бунда: ҳозирги оппозиция лидерлари нимада йўлдан оздилар, нима сабабдан улар «шундай кунга тушиб қолдилар»?

Биринчи асосий масала ленинизм тўғрисидаги масала, партиямизнинг ленинча идеологияси тўғрисидаги масала бўлиб, улар шу масалада йўлдан оздилар. Улар шу блан йўлдан оздиларки, ленинизмни троцкизм блан **тўлдиришга,** аслини айтганда ленинизмни троцкизм блан **алмаштиришга** уриниб кўрдилар ва ҳозир ҳам уринмоқдалар. Лекин бу нарса, ўртоқлар, оппозиция лидерлари томонидан қилинган жуда оғир бир жиноятдир, бу жиноятни партиянинг кечириши мумкин эмас эди ва уни партия кечира олмайди. Равшанки, партия уларнинг ленинизмдан троцкизмга томон бурилишдан иборат бўлган бу уринишида улар

кетидан бораолмас эди, бинобарин, оппозиция лидерлари мана шу сабабга кўра партиядан яккаланиб ажралиб қолдилар.

Троцкийчиларнинг оппозиция жумласидан бўлган собиқ ленинчилар блан ҳозирги блоки нима? Уларнинг ҳозирги блоки ленинизмни троцкизм блан тўлдиришга уринишнинг моддий ифодасидир. «Троцкизм» деган иборани мен тўқиб чиқарган эмасман. Бу иборани даставвал ўртоқ Ленин ишлатган, ленинизмга қарамақарши бир ибора сифатида ишлатган.

Троцкизмнинг асосий жинояти нимадан иборат? Троцкизмнинг асосий жинояти шундан иборатки, троцкизм СССР пролетариатининг пролетариат ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашида ҳам, шунингдек ва айниқса мамлакатимизда социалистик қурилиш ғалабаси учун курашида ҳам деҳқонларни, деҳқонлар асосий оммасини ўз кетидан эргаштириб бориш кучига ва бунга қодир эканлигига ишонмайди.

Троцкизмнинг асосий жинояти шундан иборатки, троцкизм пролетариат диктатурасини қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш ишида, айрим мамлакатларда социалистик жамият қуриш ишида Ленининг пролетариат (деҳқонларга нисбатан) гегемон эканлиги ҳақидаги идеясини тушунмайди ва аслини айтганда бу идеяни инкор қилади.

Троцкизмнинг суяк-суягига сингиб кетган бу нуқсонларини собиқ ленинчилар — Зиновьев блан Каменев билар эдими? Ҳа, билар эди. Улар ҳали кечагина қаерда қараманг шу ерда ленинизм бир гап-у, троцкизм бошқа бир гап, деб жар солиб юрган эдилар. Улар ҳали кечагина ленинизм блан троцкизмни бирга сиғиштириб бўлмайди деб жар солиб юрган эдилар. Улар партия

блан терс бўлиб қолган ва озчилик бўлиб қолган ҳамоно дарров буларнинг ҳаммасини унутиб қўйдилар ва Ленин партиясига қарши, унинг идеологиясига қарши, ленинизмга қарши биргалашиб курашмоқ учун троцкизмга юз ўгирдилар.

XIV с'ездда биз блан оппозиция ўртасида бўлган тортишувлар эсингизда бўлса керак. Биз «янги оппозиция» деб аталадиган оппозиция блан ўша вақтда нима тўғрида мунозара қилган эдик? Ўрта деҳқонларнинг роли ва аҳамияти тўғрисида, деҳқонлар асосий оммасининг роли ва аҳамияти тўғрисида, пролетариатнинг мамлакатимиз техника жиҳатидан қолоқ бўлишига қарамай, мамлакатимизда социализм қуриш ишларида деҳқонлар асосий оммасини ўз кетидан эргаштириб бора олиши мумкинлиги тўғрисида мунозара қилган эдик.

Бошқача қилиб айтганда: партия троцкизм блан аллақачондан буён нима тўғрида мунозара қилиб келаётган бўлса бу «янги оппозиция» блан ҳам шу тўғрида мунозара қилган эдик. XIV с'ездда бўлган мунозаранинг оқибати натижада «янги оппозиция» учун ёмон бўлиб чиққанлиги ўзингизга ма'лум. Бу мунозаралар натижасида «янги оппозиция»нинг асосий масалада, я'ни пролетариат революцияси даврида пролетариат гегемонлиги ҳақидаги Ленин идеяси масаласида троцкизм лагерига кўчиб ўтганлиги ўзингизга ма'лум. Троцкийчиларнинг оппозиция жумласидан бўлган собиқ ленинчилар блан оппозицион блоки деб аталадиган блоки ҳам мана шу заминда туғилди.

Коминтерннинг V конгресси троцкизмни **майда буржуачилик оғмачилиги** деб та'рифлаганлигини «янги оппозиция» билармиди[33]? Албатта, билар эди. Бугина

эмас, балки унинг ўзи Коминтернниг V конгрессида бу тўғрида тегишли резолюцияни ўтказган эди. Ленинизм блан майда буржуачилик оғмачилигини бирга сиғиштириб бўлмаслигини «янги оппозиция» билармиди? Албатта билар эди. Бугина эмас, балки у қаерда қараманг шу ерда жар солиб, бу тўғрида бутун партия кўз олдида бақириб-чақириб юрар эди.

Энди ўзингиз ҳукм қилинг: партия мана шундай лидерлардан кечагина нимани муқаддас билиб эҳтиром қилган бўлса, бугун шуни куйдириб ташлаётган, кечагина довруқ кўтариб партияни нимага да'ват қилган бўлса, бугун шуни инкор қилаётган, ленинизмни троцкизм блан тўлдиришга бўлган уринишларни ҳали кечагина ленинизмга хиёнат деб атаган бўлишига қарамай, энди ўзлари ленинизмни троцкизм блан тўлдиришга уринаётган мана шундай лидерлардан юз ўгирмай қолаолармиди? Равшанки, партия бундай лидерлардан юз ўгириши лозим эди.

Оппозиция бутун нарсани остин-устин қилиб ташлашга зўр бериб уринишда ҳатто шу даражагача бориб етдики, Октябрь революциясигача ўтган даврда Троцкийнинг меньшевиклар жумласидан бўлганлигини инкор қилмоқда. Ажабланмангиз, ўртоқлар, оппозиция барала, Троцкий 1904 йилдан бошлаб ҳечқачон меньшевик бўлган эмас, дейди. Бу ҳақиқатан шундайми? Ленинга мурожаат қилайлик.

Ленин 1914 йилда, Октябрь революциясидан уч ярим йил олдин, Троцкий тўғрисида мана бундай деган эди:

«Россиядаги марксистик ҳаракатнинг эски иштирокчилари Троцкийнинг қандай бир зот эканлигини яхши биладилар ва уларга бу тўғрида гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Броқ,

ёш бўғин ишчилар бу зотни билмайдилар, шунинг учун гапиришга тўғри келади, чунки у — четэлдаги бешта группачанинг ҳаммасига жуда ҳам ўхшайдиган бир зот бўлиб, четэлдаги ҳалиги бешта группача ҳам амалда худди шу зотга ўхшаб ликвидаторлар блан партия ўртасида иккиланиб юради.

Гоҳ «экономистлар» томонига, гоҳ «искрачилар» томонига ўтиб иккиланиб юрган бу кишиларга эски «Искра» (1901—1903) замонида «Тушино учарлари» деб лақаб қўйилган эди (Россияда Ола-ғовур даврида гоҳ бир томонга, гоҳ иккинчи томонга ўтиб юрган аскарларни шундай деб атар эдилар)...

«Тушино учарлари» фақат бир нарсага, бугун бир фракциянинг, эртага эса бошқа бир фракциянинг идеясига «тақлид» қилиб юрганликларига асосланиб ўзларини фракциядан юқори туручилар деб да'во қиладилар. Троцкий 1901—1903 йилларда ғирт «искрачи» эди, шунинг учун ҳам Рязанов унинг 1903 йилда бўлган с'езддаги ролини «Ленин қўлида таёқ»лик хизматини бажаручи роль деб атаган эди. **1903 йил охирида Троцкий ғирт меньшевик эди***, я'ни искрачилардан айниб «экономистлар» томонига ўтиб кетган эди, у «эски «Искра» блан янги «Искра» ўртасида чуқур фарқ бор» деб шовқин солиб юрди. 1904—1905 йилда у меньшевиклардан ажралди ва гоҳ Мартинов («экономист») блан ҳамкорлик қилиб, гоҳ бўлмағур сўлликдан иборат бўлган «перманент революция» назариясини майдонга ташлаб юрди. 1906—1907 йилда эса большевикларга ёндошди ва 1907 йил баҳорида, Роза Люксембург блан бир фикрдаман, деди.

Тушкунлик даврида Троцкий «фракцион бўлмаган» узоқ иккиланишдан кейин **яна ўнгга қараб оғди ва 1912 йил августида ликвидаторлар блан блок тузди. Энди яна улардан чиқаётипти, броқ ҳақиқатда яна ўшаларнинг идеяларини такрорлаётипти***.

Бундай тоифа одамлар ўтиб кетган тарихий тузумлар ва формацияларнинг қолдиқлари сифатида машҳурдирларки, у замонларда Россияда ишчилар ҳаракати ҳали ғафлатда эди ва ҳарқандай кичкина группанинг ҳам ўзини бир оқим, группа, фракция,— хуллас бошқалар блан бирлашиш тўғрисида гап сотадиган бир «давлат» қилиб кўрсатиши «бемалол» мумкин эди.

---

* Курсив меники. **И. Ст.**

1908 йилдан бошлаб ликвидаторларга муносабат қандай бўлиши кераклигини аниқлаб ва белгилаб берган партия қарорлари блан **ҳам,** Россиядаги ҳозирги замон ишчилар ҳаракатининг кўпчиликни ушбу қарорларни тўла равишда э'тироф қилиш асосида амалда **бирлаштирган** тажрибаси блан **ҳам** ҳисоблашишни мутлақо хоҳлам**ай**диган кишилар ақлга сиғмайдиган да'волар қилиб чиқаётган бир вақтда ёш бўғин ишчилар бундай зотнинг ким эканини яхши билмоқлари керак» (XVII том, 393—394 бетларга қаралсин).

Демак, шундай қилиб, Троцкий 1903 йилдан кейинги вақтларда гоҳ меньшевиклар лагерига ўтиб, гоҳ улардан кетиб, лекин ҳеч қачон ҳам большевикларга қўшилмай, ҳамма вақт большевиклар лагеридан ташқарида юрган, 1912 йилдан бошлаб эса, у меньшевиклар блан бир лагерьда туриб, Ленинга ва унинг партиясига қарши меньшевик ликвидаторлар блан блок тузган.

Хўш, агар бизнинг большевиклар партиямиз бундай «зот»га ишонаолмас экан, бунинг ажабланадиган нимаси бор?

Хўш, мана шу «зот» бошлиқ бўлган оппозицион блок партиядан яккаланиб қолган ва четга чиқариб ташланган экан, бунинг ажабланадиган нимаси бор?

Иккинчи асосий масала империализм даврида бир мамлакатда социализм ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги масала бўлиб, оппозиция лидерлари мана шу масалада йўлдан оздилар. Оппозициянинг хатоси шундан иборатки, у Ленинниинг бир мамлакатда социализм ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги та'лимотини секингина йўқ қилишга уринди.

Шу факт энди ҳеч кимга ҳам сир эмаски, Ленин 1915 йилдаёқ, Октябрь революциясидан икки йил олдин, иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг империализм

шароитида нотекис бўлиши қонунига асосланиб «бошда бир неча ёки ҳатто алоҳида бир капиталистик мамлакатда ҳам социализм ғалаба қилиши мумкин» деган тезисни майдонга ташлади. (**Ленин,** XVIII том, 232 бет).

Шу факт энди ҳеч кимга ҳам сир эмаски, Ленинниг шу тезисига ўша 1915 йилдаёқ матбуотда **қарши** чиққан, айрим мамлакатларда социализм ғалаба қилиши мумкин деб ҳисоблаш «социал-ватанпарварликнинг моҳиятини ташкил этган **ўша миллий доирада чекланиб қолиш*** домига гирифтор бўлиш демак бўлур эди» деган одам бошқа бир киши эмас, айни Троцкий эди (Троцкий, «1917», III том, 1 қисм, 89—90 бетлар).

Шунингдек ҳаммага ма'лум шу факт ҳам сир эмаски, Ленин блан Троцкий ўртасида бўлган бу мунозара ҳақиқатда кейин ҳам давом этиб, то Ленинниг «Кооперация тўғрисида»[34] деган 1923 йилда босилган охирги брошюраси чиққунча ҳам тўхтамади, Ленин бу брошюрасида мамлакатимизда «тўла социалистик жамият» қуриш мумкинлигини қайта ва қайта айтиб ўтган эди.

Ленин вафотидан кейин партиямиз тарихида бу масала муносабати блан қандай ўзгаришлар воқи' бўлди? Партиямизнинг 1925 йилда бўлган XIV конференциясида Каменев блан Зиновьев, бир қанча иккиланишлардан кейин, Ленинниг бир мамлакатда социализм ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги та'лимотини иқрор қилдилар ва бу масалада партия блан бир бўлиб троцкизмдан юз ўгирдилар. Шундан кейин орадан бир неча ой ўтгач, XIV с'езд арафасида,

* Курсив меники. **И Ст.**

улар партияга қарши курашларида озчилик бўлиб чиққач ва Троцкий блан блок тузишга мажбур бўлиб қолгач,— улар «тўсатдан» троцкизм томонига буриладилар, партиямизнинг XIV конференцияси қарори блан алоқаларини узадилар ва Ленининг бир мамлакатда социализм ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги та'лимотидан узоқлашадилар. Натижа шу бўлдики, Ленин та'лимотини миллий доирада чекланиб қолишдир, деган Троцкийнинг ярим меньшевикликдан иборат алжирашлари энди оппозиция қўлида бир пардалик хизматини қилмоқда, улар социалистик қурилиш масаласида ленинизмни тугатиш йўлидаги ўз ишларини ана шу парда блан яширишга уринмоқдалар.

Бундай бир савол туғилади: хўш, агар партия, ленинизм руҳида тарбияланган ва чиниқтирилган партия мана шу ҳолларнинг ҳаммасидан кейин ана шундай ликвидаторлардан юз ўгиришни лозим топган экан, оппозиция лидерлари эса партиядан яккаланиб қолган экан, бунинг ажабланадиган нимаси бор?

Учинчи асосий масала партиямиз тўғрисидаги масала, унинг монолитлиги тўғрисидаги масала, унинг темирдек мустаҳкам бирлиги тўғрисидаги масала бўлиб, оппозиция лидерлари ана шу масалада йўлдан оздилар.

Ленинизм, пролетариат партияси фракциялар бўлмайдиган, фракцион марказ бўлмайдиган, партия маркази битта, иродаси битта, бир бутун ва монолит партия бўлмоғи лозим, деб та'лим беради. Ленинизм, пролетар партиясининг манфаатлари партия сиёсати масалаларини онгли суратда муҳокама қилишни, партия оммасининг партия раҳбарлигига онгли муносабатда бўлишини, партия нуқсонларини танқид қилишни,

унинг хатоларини танқид қилишни талаб қилади, деб та'лим беради. Лекин шу блан бирга ленинизм партия қарорларини, улар партиянинг раҳбар органлари томонидан қабул қилинган ва ма'қулланган қарорлар бўлганидан, барча партия а'золарининг ҳеч сўзсиз амалга оширишини талаб қилади.

Троцкизм масалага бошқача қарайди. Троцкизм партияни ҳар қайсисининг ўз фракцион маркази бўладиган қандайдир фракцион группалар федерацияси деб билади. Троцкизм партияда пролетар интизоми бўлишини асло ёқтирмайди. Троцкизм партияда пролетар режими бўлишини сра ёқтирмайди. Партияда темирдек интизом бўлмай туриб пролетариат диктатурасини амалга ошириб бўлмаслигини троцкизм тушунмайди.

Троцкизмнинг суяк-суякларига сингиб кетган бу нуқсонларини оппозиция жумласидан бўлган собиқ ленинчилар билар эдими? Албатта, билар эди. Бугина эмас, балки улар қаерда қараманг шу ерда жар солиб, троцкизмнинг «ташкилий схемалари»ни ленинизмнинг ташкилий принциплари блан бирга сиғиштириб бўлмайди, деб бақириб юрган эдилар. Оппозициянинг 1926 йил 16 октябрьдаги аризасида партияни группалар федерацияси деб билиш тушунчасидан воз кечганлиги факти,— бу факт оппозициянинг бу масалада иккала оёғи блан оқсаганлигини ва ҳозир ҳам оқсаётганлигини яна бир карра исбот қиладиган бир нарсадир. Аммо бу воз кечиш оғзаки, ёлғон воз кечиш эди. Троцкийчилар амалда бизнинг партиямизга троцкийчиликнинг ташкилий йўлини зўрма-зўраки тақишга уринишларидан ҳеч қачон воз кечган эмаслар, Зиновьев блан Каменев эса бу ифлос ишда троцкийчиларга

ёрдам бермоқда. Зиновьев блан Каменев партиямизга қарши ўзларининг курашларида озчилик бўлиб қолган ҳамоно, дарров Троцкийнинг троцкийчилик, ярим меньшевикликдан иборат бўлган ташкилий планига бурилдилар ва троцкийчилар блан бир бўлиб олиб партияда пролетар режими бўлишига қарши кураш очдилар, буни шу куннинг шиори қилиб олдилар.

Хўш, агар бизнинг партиямиз ленинизмнинг ташкилий принципларини гўрга кўмишни мумкин эмас деб топган ва оппозициянинг ҳозирги лидерларини ўзидан четга ирғитиб ташлаган экан, бунинг ажабланадиган нимаси бор?

Оппозициянинг ҳозирги лидерлари ленинизм блан алоқани узиб йўлдан озган уч асосий масала мана шулар, ўртоқлар.

Бас шундай бўлгач, Ленин партиясининг ўз навбатида бу лидерлар блан алоқани узганлигига ажабланиб бўладими?

Аммо, таассуфки, оппозициянинг тубанлашиб кетиши шунинг блан кифояланиб қолмади. Оппозиция бундан ҳам баттарроқ тубанлашиб кетиб, шу даражага бориб етдики, партиядан ташқарида қолишдан қўрқмаган тақдирдагина бундан нари бориш мумкин.

Ўзингиз ҳукм қилинг.

То бу кунгача, оппозиция нақадар тубанлашиб кетган бўлмасин, у мамлакатимизни ҳеч сўзсиз мудофаа қилиш масаласида иккиланар, деб гумон қилиш қийин эди. Энди эса, оппозициянинг ҳозирги лидерларининг позицияси таслимчилик позициясидир деб гумон қилишгагина эмас, балки шундай деб тасдиқ қилишга ҳам тўғри келади. Агар шундай бўлмаса Троцкийнинг СССРга қарши уруш бўлиб қолгундай бўлса Клемансо

қилганидек тадбирлар кўриш тўғрисидаги аҳмоқона ва бема'ни тезисларини нима деб тушуниш керак? Бу ҳол оппозициянинг бундан ҳам баттарроқ пастлашиб кетиш аломати эканига шубҳаланиб бўладими, ажабо?

То бу кунгача, оппозиция қачон бўлса-да бизнинг партиямизни термидорчиликда айблашдек аҳмоқона ва бема'ни туҳмат тақар, деб гумон қилиш қийин эди. 1925 йилда, Залуцкий бизнинг партиямизга туҳмат тақиб, партиямизда термидорчилик тенденцияси бор деб биринчи бор гап кўтарганида, оппозициянинг ҳозирги лидерлари ундан қат'ий суратда юз ўгирган эдилар. Энди эса оппозиция шу даража тубанлашиб кетдики, у Залуцкийдан ҳам ошириб юбориб, партияни термидорчиликда айбламоқда. Мен фақат шу нарсани сра тушуна олмайманки, партия термидорчи партия бўлиб қолди, деб да'во қилаётган кишиларнинг қандай қилиб партиямизда қолиши мумкин.

Оппозиция то бу кунгача Коминтерн секцияларида «фақат» айрим фракцион группалар ташкил қилишгагина ҳаракат қилиб келган эди. Энди эса у шу даражага бориб етдики, ҳамманинг кўз олдида Германияда янги партия тузди, у ердаги герман коммунистлар партиясига қарама-қарши суратда муттаҳам контрреволюционерлар бўлган Маслов блан Рут Фишер партиясини тузди. Бу, Коминтернни ошкора бўлиб ташлаш позицияси-ку, ахир. Коминтерннинг секцияларида фракцион группалар тузишдан бошлаб Коминтернни бўлиб ташлашга бориб етиш, — оппозиция лидерларининг тубанлашиб кетиш йўли ана шундай.

Шу нарса характерлики, Зиновьев Германияда бўлиниш факти мавжудлигини ўз нутқида инкор қилмади. Унинг, бу антикоммунистик партиянинг биздаги

оппозиция томонидан ташкил қилинганлиги лоақал шундан ҳам кўриниб турибдики, биздаги оппозиция лидерларининг партияга қарши мақола ва нутқларини Маслов блан Рут Фишер босиб чиқармоқда ва айрим брошюра қилиб тарқатмоқда. (О в о з: «Расвогарчилик!».)

Хўш, Германиядаги бу Маслов — Рут Фишер партияси бўлган иккинчи партияни бизнинг матбуотимизда сиёсий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун оппозицион блокнинг Вуйовични майдонга чиқарганлигининг ма'носи нима? Бунинг ма'носи биздаги оппозиция Маслов блан Рут Фишерни **ошкора** қўллаб-қўлтиқламоқда, Коминтернга **қарши** қўллаб-қўлтиқламоқда, унинг пролетар секцияларига қарши қўллаб-қўлтиқламоқда демакдир. Аммо, бу анчайин фракциячиликкина эмас, ўртоқлар. Бу, Коминтернни **ошкора бўлиб юбориш** сиёсатидир. (О в о з л а р: «Тўғри!».)

Аввал оппозиция партиямизда фракцион группалар эркинлигини талаб қилиб келган эди. Энди бу ҳам унга камлик қилиб қолибди. Энди у СССРда ўз Марказий Комитетига, ўз маҳаллий ташкилотларига эга бўлган янги партия тузиб, **ошкора ажралиш** йўлига ўтмоқда. Фракциячилик сиёсатидан ошкора ажратучилик сиёсатига, янги партия тузиш сиёсатига, «оссовскийчилик»[35] сиёсатига ўтиш,— биздаги оппозиция лидерлари ана шу даража юз тубан кетдилар.

Оппозициянинг тобора тубанлашиб партия ва Коминтерндан четлашиб кетишига, Коминтерн ва ВКП(б) да ажралиш сиёсатини юритишига олиб келган йўлининг асосий даврлари ана шундай.

Бундан буён бундай аҳволга йўл қўйиб бўладими? Равшанки, йўл қўйиб бўлмайди. Коминтернда ҳам,

ВКП(б)да ҳам ажралиш сиёсатига йўл қўйиб бўлмайди. Агар партия ва Коминтерн манфаатлари биз учун қийматли бўладиган бўлса, агар партия ва Коминтернда бирлик манфаатлари биз учун қийматли бўладиган бўлса бу балони дарҳол илдизидан юлиб ташламоқ керак.

Марказий Комитетни Троцкий блан Зиновьевни Марказий Комитет составидан чиқариш масаласини қўйишга мажбур қилган аҳволлар ана шундай.

Чораси нима? деб сўрарсиз.

Оппозиция ўзини боши берк кўчага киритиб қўйди. Вазифа шундан иборатки, **энг охирги мартаба** ҳаракат қилиб кўриш ва оппозицияга шу боши берк кўчадан чиқиб олишга ёрдамлашишдир. Ўртоқ Оржоникидзе бу ерда Марказий Контроль Комиссияси номидан таклиф қилган чора партияда сулҳ ишини осонлаштирмоқ учун партия рози бўлиши мумкин бўлган усул ва максимум ён беришдир.

Биринчидан, оппозиция «термидорчилик» деган алжирашларидан ва Клемансо тажрибалари тўғрисидаги бема'ни шиоридан қат'ий суратда ва ҳамишаликка воз кечмоғи лозим. Оппозиция ана шундай қарашлар ва ана шундай тенденциялар блан бизнинг мамлакатимизни, босиб келаётган уруш таҳдиди олдида мудофаа қилиб бўлмаслигини тушуниб олмоғи керак. Оппозиция ана шундай қарашлар ва ана шундай тенденциялар блан партиямизнинг Марказий Комитетида бундан буён ҳам қолиш мумкин эмаслигини тушуниб олмоғи лозим. (О в о з л а р: «Тўғри!».)

Иккинчидан, оппозиция Германиядаги Маслов — Рут Фишернинг антиленинчи нифоқчи группасини ошкора ва тўғридан-тўғри қораламоғи, унинг блан ҳар-

қандай алоқани узмоғи лозим. Коминтернда ажралиш сиёсатига бундан буён йўл қўйиб бўлмайди. (О в о з л а р: «Тўғри!».)

Коминтернда ажралишга ёрдам бериб ва Коминтерн секцияларини издан чиқариб туриб СССРни мудофаа қилиб бўлмайди.

Учинчидан, оппозиция ҳарқандай фракциябозликдан ва ВКП(б)да янги партия тузишга олиб борадиган ҳарқандай йўллардан қат'ий суратда ва ҳамишаликка воз кечмоғи лозим. Партиямизда ажралиш сиёсатига партиямиз с'ездидан хоҳ икки ой олдин бўлсин, хоҳ икки соат олдин бўлсин йўл қўйиш мумкин эмас. (О в о з л а р: «Тўғри!».)

Ўртоқлар, қўйилаётган уч асосий шарт ана шулар бўлиб, Троцкий блан Зиновьев бу шартларни қабул қилмаса биз уларнинг партиямиз Марказий Комитетида бундан буён ҳам бўлишларига йўл қўяолмаймиз.

Бу жазо беришдир, дерлар. Ҳа, бу жазо беришдир. Жазо бериш партиямиз арсеналидан ҳечқачон ҳисобдан чиқариб қўйилган эмас. Биз бунда партиямиз X с'ездининг ма'лум резолюциясига, ўртоқ Ленин ёзган ва X с'ездда ўтказган резолюцияга[36] асосланиб иш кўраётибмиз. Бу резолюциянинг 6 ва 7 моддалари мана бу:

6-нчи модда: «С'езд, қандай бўлмасин бирон бир платформа блан тузилган группаларнинг беистисно ҳаммасини дарҳол тарқатиб юборишни таклиф қилади ва барча ташкилотларга ҳеч қандай фракциячилик чиқишларига йўл қўйилмаслигини қаттиқ назорат қилиб боришни топширади. С'езднинг бу қарорини бажармаганлар ҳеч сўзсиз ва дарҳол партиядан ўчирилмоғи лозим».

7-нчи модда: «Партия ичида ва бутун совет ишларида қаттиқ интизом ўрнатиш учун ва ҳарқандай фракциячиликни

йўлдан олиб ташлашда жуда мустаҳкам бирликка эришмоқ учун, с'езд Марказий Қомитетга, интизом бузилган ёки фракциячилик пайдо бўлган ва унга йўл қўйилган ҳолларда, ҳатто партиядан чиқаришдан ҳам қайтмасдан, ҳамма партия жазоси чораларини кўриш, Марказий Комитет а'золарига нисбатан эса, уларни кандидатликка ўтказиш ва ҳатто, энг сўнгги чора тариқасида, партиядан чиқариш жазоларини ҳам кўриш ваколатини беради. Бундай энг сўнгги чорани (Марказий Комитет а'золарига, Марказий Комитет кандидатларига ва Контроль Комиссияси а'золарига нисбатан) қўлланишда Марказий Комитет пленумини чақириш ва унга Марказий Комитетнинг ҳамма кандидатлари ва Контроль Комиссиясининг ҳамма а'золарини чақириш шарт қилиб қўйилиши лозим. Агар партиянинг энг мас'ул раҳбарларининг бундай умумий йиғилиши учдан икки овоз блан Марказий Комитет а'зосини кандидатликка ўтказишни ёки уни партиядан чиқаришни зарур деб топса, тезлик блан шундай чора амалга оширилмоғи лозим».

Овозлар. Буни дарҳол амалга оширмоқ керак.

Сталин. Сабр қилинг, ўртоқлар, шошилманг. Буни Ленин ёзган ва бизга васият қилиб қолдирган, чунки у партияда темирдек қаттиқ интизомнинг нима эканлигини, пролетариат диктатураси нима эканлигини билар эди. Чунки у пролетариат диктатурасининг партия орқали ўтказилишини, бир бутун ва монолит партия бўлмаса пролетариат диктатураси бўлиши мумкин эмаслигини билар эди.

Қўйилаётган шартлар ана шулар бўлиб, Троцкий блан Зиновьевнинг бу шартларни қабул қилмай туриб партиямиз Марказий Комитетида бундан буён қолиши мумкин эмас. Оппозиция бу шартларни қабул қилар экан — яхши. Қабул қилмас экан — ўзига қийин. (Қарсаклар.)

ОППОЗИЦИЯНИНГ 1927 ЙИЛ 8 АВГУСТДАГИ «АРИЗА»СИ ТЎҒРИСИДА

9 августда сўзланган нутқ

Ўртоқлар! Оппозиция бизга таклиф қилаётган нарсани партия ичида сулҳ ўрнатиш деб бўлмайди. Хомхаёлга берилмаслик керак. Оппозиция бизга таклиф қилаётган нарса вақтинча ярашишдан ўзга бир нарса эмас. (О в о з: «Ҳатто вақтинча ҳам эмас!».) Бу вақтинча ярашишдир, бу ярашиш ма'лум шароитда бир қадар илгарига қараб қўйилган қадам бўлаолиши мумкин, аммо бўлаолмаслиги ҳам мумкин. Буни ҳамиша эсда тутмоқ керак. Агар оппозиция бундан буён яна ён берган тақдирда ҳам ва агар оппозиция бундан буён яна ён бермаган тақдирда ҳам, буни эсда тутмоқ керак.

Партия учун шу нарса илгарига қараб қўйилган қадамдирки, оппозиция бизнинг томонимиздан қўйилган учта масаланинг ҳаммасида ма'лум даражада чекинди. Аммо ма'лум бир даражадагина, лекин шундай писандалар блан чекиндики, бу писандалар кейинчалик янада қаттиқроқ кураш бўлиши учун замин туғдирмоғи мумкин. (О в о з л а р: «Тўғри!». «Тўғри, бу жуда рост гап!».)

СССРни мудофаа қилиш масаласи — уруш таҳдиди туғилиб қолганлиги муносабати блан, биз учун асосий масаладир. Оппозиция ўз аризасида, ҳа, биз

СССРни ҳеч сўзсиз ва шарти-писандасиз мудофаа қилиш тарафдоримиз, деб қат'ий тарзда гапирди, аммо у Троцкийнинг Клемансо тўғрисидаги ма'лум формуласини, ма'лум шиорини қоралашдан бош тортди. Троцкий мардлик қилиб рўй-ростини айтиши керак.

Мен ўйлайманки, Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссиясининг бутун пленуми, мамлакатимизни оғиздагина эмас, балки чин юракдан, амалда мудофаа қилиш ўйида бўлган одам, Троцкийнинг Марказий Контроль Комиссиясига ўртоқ Оржоникидзе номига ёзган хатида ёзганларидек гапларни ёзмас эди, деган фикрда якдилдир.

Мен ўйлайман, Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссиясининг бутун пленуми шунга қаттиқ ишонадики, Троцкийнинг Клемансо тўғрисида берган бу шиори, бу формуласи Троцкийнинг СССРни мудофаа қилиш ниятининг ростлигини шубҳа остига қўяди. Бугина эмас,— бу формула, Троцкий мамлакатимизни ҳеч сўзсиз мудофаа қилиш масаласига терс қарайди, деган таассурот туғдиради. (Овозлар: «Тўғри, мутлақо тўғри!».)

Мен ўйлайман, Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссиясининг бутун пленуми шунга қаттиқ ишонадики, Троцкий Клемансо тўғрисидаги бу шиорни, бу формулани бериш блан СССРни мудофаа қилишни бизнинг партиямизда раҳбарликни ва Совет ҳокимияти раҳбарларини алмаштиришни шарт қилиб қўйган ма'лум модда блан боғлаб қўйган. Фақат кўрларгина буни англай олмаслиги мумкин. Агар Троцкий ўз хатосини иқрор қилишга мардлик қилаолмаса, оддийгина мардлик кўрсатаолмаса, у ҳолда ўз айби ўзида бўлади.

Модомики оппозиция ўз ҳужжатида Троцкийнинг бу хатосини қораламаган экан, демак у мамлакатни мудофаа қилиш соҳасида, партия олиб бораётган йўл соҳасида партияга кейинчалик ҳужум қилиш учун ўз қўлида запас қурол сақлаб қолишни истайди. Демак, оппозиция кейин ишга солиш учун ўз қўлида ма'лум запас қурол сақлаб қолади.

Мана шу сабабдан оппозиция бу асосий модда устида сулҳга келишга эмас, балки писандалар блан вақтинча ярашишга рози, бу писандалар эса кейинчалик курашни янада кескинлаштирмоғи мумкин. (Овоз: «Биз вақтинча ярашишни эмас, сулҳ бўлишини истаймиз».)

Йўқ, ўртоқлар, бизга вақтинча ярашнинг ҳам кераги бор, сиз бу ўринда янглишаётибсиз. Агар намуна олиш керак бўлса, Гоголь асаридаги Осипдан ўрнак олиш яхши бўлар эди, Осип бундай деган эди: «арқон дейсизми?— қани буёққа беринг, арқон ҳам кунга яраб қолади». Гоголь Осипи қандай қилган бўлса, шундай қилган яхшироқ. Биз арқонни назарга илмайдиган даражада кучлик ва ресурсга бой эмасмиз. Ҳатто арқонни ҳам менсимай қўймаслигимиз керак. Яхшилаб фикр қилиб кўрингиз, у ҳолда сиз арсеналимизда арқон ҳам бўлиши кераклигини англаб оласиз.

Иккинчи масалада, термидорчилик деган масалада, шубҳасиз, оппозиция чекинди, бу тўғрида аввалгига қараганда бир қадар чекинди, чунки бундай чекинишдан кейин (лозункага амал қилинадиган бўлса, албатта), оппозициянинг ба'зи а'золари томонидан ва айниқса унинг ба'зи ярим меньшевик а'золари томонидан юритилган агитациянинг, партия «айниб

термидорчилик йўлига кириб кетди» деган аҳмоқона агитациянинг бундан буён бўлиши мумкин эмас.

Лекин оппозиция бу ён бериш блан бирга шундай писандаларни қўядики, бу писандалар кейинчалик ҳарқандай вақтинча ярашиш ва ҳарқандай сулҳга келишга ҳечқандай имкон қолдирмаслиги мумкин. Улар, мамлакатдаги ба'зи бир элементларда эскини тиклаш тенденцияси, термидорчилик тенденцияси бор, дейдилар. Лекин буни ҳечким ҳечқачон инкор қилган эмас. Модомики антагонистик синфлар бор экан, модомики синфлар йўқотилмаган экан, бас эски тартибларни тиклашга уриниш, албатта, ҳарвақт бўлади. Лекин биздаги мунозара бу тўғрида бораётгани йўқ. Мунозара оппозициянинг ўз ҳужжатларида Марказий Комитетни ва демакки партияни термидорчиликда айблаб ҳужум қилиши устида боради. Марказий Комитетни партиядан айириб қўйиб бўлмайди. Айириб қўйиб бўлмайди. Бу тентакликдир. Ленин яратган ташкилий тузилишнинг асосий ва энг оддий негизларини англамаган, партияга қарши одамлар, фақат шундай одамларгина Марказий Комитетни, яна бизнинг Марказий Комитетимиздек Марказий Комитетни партиядан айириб қўйиш мумкин, деб ўйлайолади.

Лекин оппозиция ён беришлар блан бирга мен юқорида айтиб ўтган писандаларни қўяди. Бундай писандалар эса оппозиция қўлига ба'зи бир запас қурол беради, бу қуролни у вақти келганда партияга янгидан ҳужум қилиш учун ишга солади.

Албатта, Марказий Комитетни термидорчиликда айблаш кулгили бир нарсадир. Бундан ҳам каттароғини айтай: бу аҳмоқликдир. Мен бу аҳмоқона гапга оппозициянинг ўзи ҳам ишонмайди деб ўйлайман.

Лекин бу гап унга қўрқитиш учун керак. Чунки, оппозиция бу ишга ишонган бўлса эди, у ҳолда оппозиция, албатта, партиямизга ва Марказий Комитетимизга қарши тўппа-тўғри уруш э'лон қилиши керак эди. Ҳолбуки, у партияда сулҳ бўлишини истаймиз, деб иноитирмоқчи бўлади.

Кўриб турибсизки, оппозиция қўлида кейинчалик Марказий Комитетга янгидан ҳужум қилиш учун иккинчи модда устида ҳам запас қурол қолади. Буни ҳам, ўртоқлар, ҳар қандай шароитда эсда тутмоқ керак. Оппозиция лидерларини биз Марказий Комитетдан чиқарамизми ёки чиқармаймизми, барибир, термидорчилик тўғрисидаги асосий масалада бу запас қурол уларнинг қўлида қолади, бинобарин, агар оппозиция бу антипартиявий қуролга янгидан ёпишгудек бўладиган бўлса уни дарҳол йўқ қилмоқ учун партия ҳозирданоқ ҳамма чораларни кўриб қўймоғи лозим.

Учинчи масала — Германия компартиясидаги ажралиш тўғрисидаги, Рут Фишер блан Масловнинг антиленинчи ва ажратучилик группаси тўғрисидаги масала.

Кеча комиссияда бизнинг ўртамизда ажойиб бир суҳбат бўлди. Оппозициячилар катта қийинлик блан, — жуда қийинлик блан,— бир қанча гаплардан кейин, ўзларининг Коминтерн қарорига итоат қилиб,— инонганлик орқасида эмас, балки Коминтерн қарорига итоат қилиб,— бу антипартиявий группа блан ташкилий алоқада бўлиш йўл қўйиб бўлмайдиган бир иш деб иқрор қилишга рози эканликларини айтишга аранг ботирлик қилдилар. Мен: «бу группа блан ташкилий алоқада бўлиш ва ёрдам кўрсатиш» дедим. Троцкий: «бундай дейиш керак эмас, биз буни қабул қилолмай-

миз; уларни чиқарган вақтларида Коминтерннинг қарори нотўғри бўлган эди; мен уларни,— ўша Рут Фишер блан Масловни яна партияга олишларига ҳаракат қиламан» деди.

Бу нима деган гап? Ўзингиз ҳукм қилинг. Партиявийлик ҳақидаги оддий тушунча одамларнинг мияларидан нақадар учиб кетибдир!

Айтайлик, ўзининг антипартиявийлиги блан ҳаммангизга ма'лум бўлган Мясниковни ВКП(б) бугун партиядан ўчирди. Эртасига Троцкий келади-да: «мен Мясниковни қўллашдан воз кечаолмайман, чунки Марказий Комитетнинг қарори нотўғри, аммо мен, сизнинг буйруғингизга кўра, унинг блан ташкилий алоқани узишга тайёрман» дейди.

Эртасига «ишчи ҳақиқати»[37] группаси, ўзининг антипартиявийлиги блан ҳаммангизга ма'лум бўлган шу «ишчи ҳақиқати» группаси ўчирилади. Эртасига Троцкий келади-да: «мен бу антипартиявий группани қўллашдан воз кечаолмайман, чунки сиз уни нотўғри ўчирдингиз» дейди.

Индинга Марказий Комитет Оссовскийни партиядан ўчиради, чунки у партиянинг душмани,— бу сизга яхши ма'лум. Троцкий бизга, бу ўчириш нотўғри, шунинг учун мен Оссовскийни қўллашдан воз кечаолмайман, дейди.

Аммо агар партия, агар Коминтерн ма'лум кишилар тўғрисидаги, жумладан Рут Фишер блан Маслов тўғрисидаги масалани батафсил муҳокама қилиб чиқса, агар пролетариатнинг бу олий муассасалари бундай кишиларни ўчириш керак деган қарорга келса, Троцкий эса ўчирилганларни шундан кейин ҳам қўллашдан воз кечмаса,— шундай бўлса бунинг оқибати

нима бўлади? Бизда партия, Коминтерн қаёқда қолади? Бизда улар борми? Троцкийнинг фикрича, партия ҳам йўқ, Коминтерн ҳам йўқ экан,— ёлғиз Троцкийнинг шахсий фикригина бор экан-да.

Хўш, агар борди-ю фақат Троцкийгина эмас, балки партиянинг бошқа а'золари ҳам Троцкийдек ҳаракат қилишни истаб қолсалар нима бўлади? Равшанки, бу партизанчилик, бу атаманчилик партиявийликни йўқ қилишгагина олиб боради. У ҳолда партия бўлмайди. Фақат айрим атаманларнинг шахсий фикри бўлади. Троцкий мана шу нарсани англашни истамайди.

Нима учун оппозиция Маслов — Рут Фишернинг антикоммунистик группасини қўллашдан воз кечишга рози бўлмади? Нима учун оппозиция лидерлари бизнинг бу тўғрида киритган тузатишимизни қабул қилишга рози бўлмади? Шунинг учунки, улар Коминтернга қарши ҳужум қилиш учун қўлларида учинчи бир запас қурол сақлаб қолишни истайдилар. Буни ҳам эсда тутмоқ керак.

Биз улар блан битимга келишамизми ёки келишмаймизми, улар Марказий Комитетдан чиқариладиларми ёки йўқми, барибир, кейинчалик Коминтернга ҳужум қилиш учун бу запас қурол улар қўлида қолади.

Тўринчи масала — фракцияларни тарқатиш масаласи. Биз: «фракция ҳеч сўзсиз тарқатилади» деб ҳалол туриб ва тўппа-тўғри айтишни таклиф қиламиз. Оппозиция лидерлари бундай дейишдан бош тортадилар. Бунинг ўрнига улар: «фракциячилик элементларини йўқ қилиш» дейдилар, аммо: «партия ичидаги режим асосида таркиб топган фракциячилик элементларини» деган сўзларни қўшиб қўядилар.

Кўриб турибсизки, бу тўртинчи писандадир. Бу ҳам партиямизга ва унинг бирлигига қарши запас қуролдир.

Оппозициячилар ўзларининг фракциясини, бу ерда, Москвада яқин орада ўзининг яширин конференциясини чақириш ҳаракатида юрган шу фракцияни дарҳол тарқатиб юбориш таклиф қилинган иборани қабул қилишга рози бўлмаганликлари блан нима демоқчи бўлган эдилар? Бунинг ма'носи шуки, улар бундан буён ҳам вокзалда намойиш қилиш имконига эга бўлиб қолишни истайдилар,— мана, режим айбли, биз яна бир марта намойиш қилишга мажбур бўлдик, демоқчи бўладилар. Бунинг ма'носи шуки, улар бундан буён ҳам партияга ҳужум қилиш имконига эга бўлиб қолишни истайдилар,— мана, режим ҳужум қилишга мажбур қилади, демоқчи бўладилар. Кўриб турибсизки, бу ҳам улар қўлларида сақлаб қолаётган яна бир запас қуролдир.

Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссиясининг қўшма пленуми буларнинг ҳаммасини билиши ва эсида тутиши керак.

БИРИНЧИ АМЕРИКА ИШЧИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БЛАН СУҲБАТ

1927 йил 9 сентябрь

I

ДЕЛЕГАЦИЯНИНГ САВОЛЛАРИ ВА ЎРТОҚ СТАЛИННИНГ ЖАВОБЛАРИ

1-нчи САВОЛ. Ленин ва компартия томонидан марксизмга амалий жиҳатдан қандай янги принциплар қўшилган? Ленин «ижодий революцияга» ишонар эди, ҳолбуки Маркс иқтисодий кучларнинг энг юксак даражада ривожланишини кутиб туришга мойилроқ эди, деб айтиш тўғри бўладими?

ЖАВОБ. Мен ўйлайманки, Ленин марксизмга ҳеч қандай «янги принциплар» «қўшган» эмас, худди шунингдек Ленин марксизмнинг «эски» принципларидан ҳечбирини бекор ҳам қилган эмас. Ленин марксизм принципларига тамомила ва бутунлай суянган ҳолда Маркс блан Энгельснинг энг содиқ ва собит қадам шогирди эди ва шундай бўлиб қолади.

Броқ, Ленин Маркс — Энгельс та'лимотини фақат бажаручигина эмас эди. У, шу блан бирга Маркс ва Энгельс та'лимотини давом этдиручи ҳам эди.

Бунинг ма'носи нима?

Бунинг ма'носи шуки, у Маркс — Энгельс та'лимотини тараққиётнинг янги шароитларига татбиқ қилиб,

капитализмнинг янги босқичига татбиқ қилиб, империализмга татбиқ қилиб яна ривожлантирди. Бунинг ма'носи шуки, Ленин синфий курашнинг янги шароитида Маркс та'лимотини яна ривожлантириб, Маркс ва Энгельс яратганга нисбатан, империализмдан бурунги капитализм даврида яратилиши мумкин бўлган нарсага нисбатан марксизмнинг умумий хазинасига янги бир нарса қўшди, шу блан бирга Ленин томонидан марксизм хазинасига киритилган бу янги нарса Маркс ва Энгельс вужудга келтирган принципларга тамомила ва бутунлай асосланади.

Бизда худди шу ма'нода, ленинизм — империализм ва пролетар революциялари даврининг марксизмидир, дейилади.

Ленин Марксниng та'лимотини яна ривожлантириб, янги нарса киритган бирқанча масалалар қуйидагилардир.

Биринчидан, капитализмнинг янги босқичи бўлган монополистик капитализм, империализм ҳақидаги масала.

Маркс ва Энгельс «Капитал»да капитализм асосларини анализ қилиб бердилар. Аммо Маркс ва Энгельс монополистик босқичга етмаган капитализм ҳукмронлик қилган даврда, капитализм равон эволюция қилиб борган ва бутун ер юзига «тинч йўл блан» ёйилаётган даврда яшаган эдилар.

Бу эски босқич XIX асрнинг охирида ва XX асрнинг бошида тамом бўлди, бу вақтда Маркс ва Энгельс барҳаёт эмас эдилар. Ма'лумки, Маркс ва Энгельс капитализм тараққиётининг янги шароитида нима бўлишини фақатгина фараз қилаолар эдилар, бу шароитлар капитализмнинг эски босқичи ўрнига кел-

ган янги босқичи муносабати блан, тараққиёт империалистик, монополистик босқичга ўтиши муносабати блан пайдо бўлди, бу вақтда капитализмнинг равон эволюция қилиш даври тамом бўлиб, капитализмнинг сакраб-сакраб ҳалокатли тараққиёт даври бошланади, бу даврда, тараққиётнинг нотекислиги ва капитализмнинг зиддиятлари жуда яққол бўлиб кўринди, бу даврда тараққиётнинг ўтакетган нотекислиги шароитида мол сотиш ва капитал чиқариш бозорлари учун кураш — дун'ёни ва та'сир доираларини вақт-бавақт қайтадан тақсимлаб туриш йўлида империалистик урушларнинг вақт-бавақт бўлиб туришини муқаррар қилиб қўйди.

Лениннинг хизмати ва, демак, Лениндаги янги нарса шундан иборатки, у, «Капитал»нинг асосий қоидаларига суянган ҳолда, капитализмнинг сўнгги босқичи бўлган империализмни марксистик асосда далиллар блан пухта анализ қилиб берди, империализмнинг маразларини ва унинг муқаррар равишда ҳалок бўлиш шароитларини очиб ташлади. Шу анализ асосида Лениннинг, империализм шароитида айрим мамлакатларда, айрим ҳолда олинган капиталистик мамлакатларда социализм ғалаба қозониши мумкин, деган машҳур қоидаси майдонга чиқди.

Иккинчидан, пролетариат диктатураси ҳақидаги масала.

Пролетариатнинг сиёсий ҳукмронлигидан иборат бўлган ва капитал ҳокимиятини зўрлик блан йиқитиш методи бўлган пролетариат диктатураси тўғрисидаги асосий идеяни Маркс блан Энгельс баён қилган эдилар.

Бу соҳада Лениндаги янги нарса шундан иборатки:

а) у пролетариат диктатурасининг энг яхши давлат формаси бўлган Совет ҳокимиятини кашф этди, бунинг учун Париж Коммунаси ва рус революцияси тажрибасидан фойдаланди;

б) у пролетариатнинг иттифоқдошлари ҳақидаги проблема нуқтаи назаридан пролетариат диктатураси ҳақидаги формуланинг ма'носини ечди, пролетариат диктатурасини раҳбарлик қилучи пролетариатнинг раҳбарлик қилинучи пролетар бўлмаган синфлардан иборат эксплуатация қилинучи омма (деҳқонлар ва бошқалар) блан синфий иттифоқининг алоҳида формаси деб аниқлаб берди;

в) у пролетариат диктатураси синфий жамиятда демократиянинг энг юқори типи эканлигини, озчилик (эксплуатация қилучилар) манфаатини ифодаловчи **капиталистик** демократияга қарама-қарши равишда, кўпчилик (эксплуатация қилинучилар) манфаатини ифодаловчи **пролетар** демократиясининг формаси эканлигини қаттиқ та'кидлаб кўрсатди.

Учинчидан, пролетариат диктатураси даврида, капитализмдан социализмга ўтиш даврида, капиталистик давлатлар блан қуршалган мамлакатда социализмни муваффақият блан қуриш формалари ва усуллари ҳақидаги масала.

Маркс ва Энгельс пролетариат диктатураси даврига, революцион жанглар ва граждан урушлари блан тўла бўлган, озми-кўпми бир қадар узоққа чўзиладиган давр деб қараб, шу давр ичида пролетариат ҳокимият тепасида туриб, эски капиталистик жамият ўрнига янги социалистик жамият, синфсиз жамият, давлатсиз жамият вужудга келтириш учун зарур бўлган иқтисодий, сиёсий, маданий ва ташкилий тадбир-

ларни кўради, деган фикрда эдилар. Ленин бутунлай ва тамомила Маркс ва Энгельснинг шу асосий фикрлари заминида турарди.

Бу соҳада Лениндаги янги нарса шундан иборатки:

а) у, империалистик давлатлар блан қуршалган пролетариат диктатураси мамлакатида, башарти бу мамлакатни қуршаб турган капиталистик давлатлар ҳарбий куч блан бостириб кириб уни бўғиб ташламасалар, тўла социалистик жамиятни қуриб тугаллаш мумкинлигини исбот қилди;

б) у, иқтисодий сиёсатнинг аниқ йўлларини («янги иқтисодий сиёсатни») белгилади, пролетариат шу йўллар ёрдами блан, ҳал қилучи муҳим иқтисодий соҳаларни (саноатни, ерни, транспортни, банкларни ва бошқаларни) ўз қўлида тутган ҳолда, социалистиклаштирилган индустрия блан қишлоқ хўжалигини бириктиради («индустрия блан деҳқон хўжалиги орасидаги жипслашиш») ва, шундай қилиб, бутун халқ хўжалигини социализмга олиб боради;

в) у, майда деҳқон хўжалигини қайтадан тузиш ва асосий деҳқонлар оммасини социализм руҳида қайтадан тарбиялашда пролетариат диктатураси қўлида энг катта восита бўлган кооперация орқали асосий деҳқонлар оммасини аста-секин социалистик қурилиш йўлига яқинлаштириш ва бу йўлга тортишнинг аниқ тадбирларини белгилади.

Тўртинчидан, революцияда, ҳарқандай халқ революциясида, чоризмга қарши революцияда ҳам, капитализмга қарши революцияда ҳам пролетариатнинг гегемонлиги ҳақидаги масала.

Маркс блан Энгельс пролетариат гегемонияси идеяси ҳақидаги асосий фикрларни баён қилиб берган

эдилар. Бунда Лениндаги янги нарса шундан иборатки, Ленин бу фикрларни кенгайтириб, пролетариат гегемонияси ҳақида мунтазам система яратди, фақат чоризм ва капитализмни йиқитиш ишидагина эмас, балки пролетариат диктатураси вақтида социалистик қурилиш ишида ҳам пролетариатнинг шаҳар ва қишлоқ меҳнаткаш оммасига қиладиган раҳбарлигининг мунтазам системасини яратди.

Ма'лумки, Ленин ва унинг партияси пролетариат гегемонияси идеясини Россияда усталик блан татбиқ этди. Россиядаги революция натижасида пролетариат ҳокимияти барпо бўлганлигининг сабаби ҳам, жумладан, шудир.

Илгарилари одатда иш бундай бўлар эди: революция вақтида ишчилар баррикадаларда урушар эдилар, қон тўкар эдилар, эскини йиқитар эдилар, ҳокимият эса буржуазия қўлига ўтиб қолар эди, буржуалар кейин ишчиларни эзар ва эксплуатация қилар эдилар. Англияда ва Францияда шундай бўлган эди. Германияда ҳам шундай бўлган эди. Бизда, Россияда иш бошқача тус олди. Биздаги ишчилар революциянинг фақат зарбдор кучигина бўлиб қолмадилар. Революциянинг зарбдор кучи бўлган рус пролетариати шу блан бирга шаҳар ва қишлоқдаги барча эксплуатация қилинучи оммани ўз атрофига жипслаштириб, уни буржуазиядан айириб олиб, буржуазияни сиёсий жиҳатдан яккалаб қўйиб, шу оммага сиёсий раҳбар ва гегемон бўлишга ҳаракат қилди. Эксплуатация қилинучи омманинг гегемони бўлган рус пролетариати ҳокимиятни ўз қўлига олиш учун, ундан ўз манфаатлари йўлида буржуазияга қарши, капитализмга қарши фойдаланиш учун курашиб келди. Россияда 1905 йилнинг

октябрида бўлган зўр революцион ҳаракат ҳам ва 1917 йилнинг февралида бўлган зўр революцион ҳаракат ҳам ҳар сафар ишчи депутатлари Советларини майдонга чиқарганлигининг сабаби ҳам аслда шудир. Бу Советлар буржуазияни бостирадиган янги ҳокимият аппаратининг куртаги эди, у эски ҳокимият аппарати бўлган ҳамда пролетариатни бостириш учун тузилган буржуазия парламентининг тамомила тескариси эди.

Бизда буржуазия икки марта: 1917 йилнинг сентябрида, Предпарламент вақтида, большевиклар ҳокимиятни қўлга олишларидан бурун, ва 1918 йилнинг январида, Та'сис мажлиси вақтида, пролетариат ҳокимиятни қўлга олгандан кейин, буржуазия парламентини тиклашга ва Советларни йўқ қилишга уриниб кўрди ва ҳар сафар мағлубиятга учради. Нима учун? Шунинг учунки, буржуазия бу вақтда сиёсий жиҳатдан яккаланиб қўйилган эди, миллионларча меҳнаткашлар оммаси пролетариатни революциянинг ягона йўлбошчиси деб таниган эди, Советларни эса омма ўзининг ишчи ҳокимияти сифатида текшириб кўрган ва синаган эдики, бу ҳокимиятни буржуа парламентига алмаштириш пролетариат учун ўз-ўзини ҳалок қилиш бўлар эди. Шунинг учун буржуа парламентаризмининг бизда илдиз ёяолмаганлиги таажжубланарли эмас. Революция натижасида Россияда пролетариат ҳокимияти барпо бўлганлигининг сабаби ҳам шу.

Революцияда пролетариат гегемонияси тўғрисидаги ленинча системанинг амалга оширилишидан келиб чиққан натижалар ана шулардир.

Бешинчидан, миллий-мустамлака масаласи.

Маркс блан Энгельс ўз вақтида Ирландияда, Ҳиндистонда, Хитойда, Марказий Европа мамлакатлари —

Польшада ва Венгрияда бўлган воқиаларни анализ қилиб, миллий-мустамлака масаласи тўғрисида асосий идеяларини баён қилиб берган эдилар. Ленин ўз асарларида шу идеяларга суянди.

Бу соҳада Лениндаги янги нарса шундан иборатки:

а) Ленин бу идеяларни бир бутун қилиб тўплаб, империализм давридаги миллий-мустамлака революциялари тўғрисидаги қарашларнинг мунтазам бир системасига солди;

б) миллий-мустамлака масаласини империализмни ағдариш масаласи блан боғлади;

в) миллий-мустамлака масаласини халқаро пролетар революцияси тўғрисидаги умумий масаланинг таркибий қисми деб э'лон қилди.

Ниҳоят, пролетариат партияси ҳақидаги масала.

Маркс блан Энгельс пролетариатнинг илғор отряди бўлган партия ҳақида асосий фикрларни баён қилиб берган эдилар, пролетариат бусиз (партиясиз) ҳокимиятни қўлга олиш ма'носида ҳам, капиталистик жамиятни ўзгартиб қайтадан қуриш ма'носида ҳам ўзини озод қилишга эришаолмайди.

Бу соҳада Лениндаги янги нарса шундан иборатки, у империализм даврида пролетариат курашининг янги шароитига мувофиқ равишда бу фикрларни янада ривожлантириб, қуйидагиларни кўрсатди:

а) партия пролетариатнинг бошқа ташкилот формаларига (касаба союзлари, кооперация, давлат ташкилотига) қараганда пролетариат синфий ташкилотининг олий формасидир, партия бу ташкилотларнинг ишларини умумлаштириб ва йўлга солиб туриши лозим;

б) пролетариат диктатураси ўз ҳукмронлигини ўзининг йўл кўрсатучи кучи бўлган партия орқалигина амалга ошираолади;

в) пролетариат диктатурасига фақат бир партия, коммунистлар партияси раҳбарлик қилгандагина, мукаммал диктатура бўлаолади, бу партия раҳбарликка бошқа партияларни шерик қилмайди ва шерик қилмаслиги лозим;

г) партияда темир интизом бўлмаса, пролетариат диктатурасининг эксплуататорларни бостириш ва синфий жамиятни социалистик жамият қилиб бошқатдан қуриш йўлидаги вазифаларини амалга ошириб бўлмайди.

Ленин ўз асарларида Маркс та'лимотини империализм даврида пролетариат курашининг янги шароитларига мувофиқ равишда конкретлаштириб ва янада ривожлантириб берган янги нарсалар асосан ана шулардан иборат.

Шунинг учун ҳам бизда, ленинизм — империализм ва пролетариат революциялари даврининг марксизмидир, дейдилар.

Бундан кўриниб турибдики, ленинизмни марксизмдан ажратиш ҳам, айниқса уни марксизмга қарши қўйиш ҳам мумкин эмас.

Делегациянинг саволида яна:

«Ленин «ижодий революцияга» ишонар эди, ҳолбуки Маркс иқтисодий кучларнинг энг юксак даражада ривожланишини кутиб туришга мойилроқ эди, деб айтиш тўғри бўладими?» дейилган.

Мен ўйлайманки, шундай дейилса бутунлай нотўғри бўлади. Мен ўйлайманки, ҳарқандай халқ революцияси, агар у чинакам халқ революцияси бўлса,

ижодий революциядир, чунки у эски тузумни бузади ва янгисини яратади, тузади.

Албатта, ба'зибир қолоқ мамлакатларда ба'зан бўладиган бир қабиланинг иккинчи қабилага қарши ўйинчоқ «қўзғолонлари» сингари «революцияларда»,— агар буларни революция деб бўлса,— ҳечқандай ижод бўлиши мумкин эмас. Аммо бундай ўйинчоқ «қўзғолонларни» марксистлар ҳечвақт революция деб ҳисоблаган эмаслар. Равшанки, сўз бундай «қўзғолонлар» тўғрисида эмас, балки эзилган синфларни эзучи синфларга қарши кўтаручи оммавий халқ революцияси тўғрисида бораётир. Бундай революция эса ижодий революция бўлмай қололмайди. Маркс ва Ленин худди ана шундай ва фақат шундай революция тарафдори эдилар. Шу блан бирга ма'лумки, бундай революция ҳарқандай шароитда бўлабермайди, у фақат муайян ва қулай иқтисодий ва сиёсий шароитлардагина бошланиши мумкин.

2-нчи САВОЛ. Компартия ҳукуматни контроль қилади деб айтиш мумкинми?

ЖАВОБ. Ҳамма гап контрольни қандай тушунишда. Капиталистик мамлакатларда контроль бирмунча бошқачароқ тушунилади. Мен «демократик» парламентларнинг борлигига қарамасдан, бир қанча капиталистик ҳукуматларни энг йирик банклар контроль қилишларини биламан. Парламентлар, ҳукуматни ўзимиз контроль қиламиз, деб зўр бериб гапирадилар. Амалда эса шундай бўладики, ҳукуматларнинг составлари энг йирик финанс консорциумлари томонидан олдиндан белгиланиб қўйилади ва уларнинг ишлари шулар томонидан контроль қилинади. Капи-

талистик «давлатлар»нинг ҳечбирида энг йирик финанс зўровонларнинг иродасига қарши ҳукумат тузилаолмаслиги кимга ма'лум эмас: молия жиҳатидан сиқиққа олинса бас, министрлар эс-ҳушларидан айрилиб ўз мансабларидан тушиб қолганларини ҳам билмай қоладилар. Бу — парламентларнинг номига контроль қилишларига зид равишда, ҳукуматлар устидан банкларнинг чинакам контролидир.

Агарда сўз шундай контроль тўғрисида борса, у ҳолда мен айтишим керакки, бизда ҳамёни катталарнинг ҳукумат устидан контрольлик қилиши ақл бовар қилмайдиган ва асло мумкин бўлмайдиган нарсадир, бу ҳеч бўлмаганда шунинг учун ҳам мумкин эмаски, бизда банклар аллақачонлар национализация қилинган, ҳамёни катталар эса СССРдан ҳайдаб чиқарилган.

Эҳтимол делегация контроль тўғрисида эмас, балки ҳукуматга партиянинг раҳбарлиги тўғрисида сўрамоқчи бўлгандир? Агар делегация шу тўғрида сўрамоқчи бўлган бўлса, мен жавоб бераман: ҳа, бизда партия ҳукуматга раҳбарлик қилади. Бу раҳбарликнинг муваффақиятига сабаб шуки, бизда партия ишчилар ва умуман меҳнаткашлар кўпчилигининг ишончини қозонган ва шу сабабдан у шу кўпчилик номидан ҳукумат органларига раҳбарлик қилишга ҳақлидир.

СССР ишчилар партияси, СССР коммунистлар партияси томонидан ҳукуматга қилинадиган раҳбарлик нимадан иборат?

Энг олдин шундан иборатки, компартия, мамлакатимиздаги давлат ишининг асосий ўринларига, Советлар ва уларнинг с'ездлари орқали, пролетариат ишига берилган ва пролетариатга чин кўнгилдан ва садоқат

блан хизмат қилишга тайёр турган ўз номзодларини, ўзининг энг яхши ходимларини ўтказишга тиришади. Жуда кўп ҳолларда компартия буни амалга оширишга муваффақ бўлади ҳам, чунки ишчи ва деҳқонлар партияга ишонадилар. Бизда ҳокимият органлари раҳбарларининг коммунистлардан бўлиши, буларнинг, бу раҳбарларнинг мамлакатда зўр обрўга эга эканликлари тасодифий эмас.

Иккинчидан, шундан иборатки, партия бошқарув органларининг ишини, ҳокимият органларининг ишини текшириб туради, уларнинг хато ва камчиликларини тузатадики, бундай хато ва камчиликлар бўлмай иложи йўқ, ҳукумат қарорларини амалга оширишда уларга ёрдам қилади ва омманинг уларни қўллаб-қувватлашига ҳаракат қилади, шу блан бирга улар, партиянинг тегишли кўрсатмалари бўлмай туриб, ҳеч-бир муҳим қарор қабул қилмайдилар.

Учинчидан, шундан иборатки, ҳокимият органлари саноат ва қишлоқ хўжалик йўли бланми, ёки савдо ва маданий қурилиш йўли бланми, иш плани тузаётганида партия мазкур органларнинг ушбу план амалга ошириладиган давр давомидаги ишларининг характерини ва йўналишини белгилайдиган умумий раҳбарлик кўрсатмалар беради.

Кўпинча буржуа матбуоти партиянинг давлат ишларига бу хилда «аралашувидан» «таажжубда» қолади. Аммо бу «таажжуб» бошдан-оёқ қалбакидир. Ма'лумки, капиталистик мамлакатларда буржуа партиялари давлат ишларига худди шунингдай «аралашади» ва ҳукуматларга раҳбарлик қилади, бунинг устига у ердаги раҳбарлик йирик банкларга бирон йўл блан боғланган ва, шунга биноан, ўз ролини аҳолидан

яширишга тиришган тор доирадаги кишилар қўлида тўпланган бўлади.

Англияда ёки бошқа капиталистик мамлакатларда ҳарбир буржуа партиясининг раҳбарликни ўз қўлларига тўплаб олган тор доирадаги кишилардан иборат ўз маҳфий кабинети борлиги кимга ма'лум эмас? Ҳеч бўлмаганда, Ллойд-Жоржнинг либераллар партиясининг «кўланка» кабинети тўғрисидаги ма'лум нутқини эслангиз. Бу жиҳатдан Советлар Мамлакати блан капиталистик мамлакатлар орасидаги фарқ шундан иборат:

а) капитализм мамлакатларида буржуа партиялари давлатга раҳбарлик қилганларида пролетариатга қарши буржуазиянинг манфаатларини кўзлаб раҳбарлик қиладилар, СССРда эса компартия давлатга раҳбарлик қилганда буржуазияга қарши пролетариатнинг манфаатини кўзлаб раҳбарлик қилади;

б) буржуа партиялари, шубҳали маҳфий кабинетлар ёрдамига суяниб, ўзларининг раҳбарлик рольларини халқдан яширадилар, ҳолбуки СССРда компартия ҳечқандай маҳфий кабинетларга муҳтож эмас, у маҳфий кабинетлар сиёсати ва практикасини қаттиқ қоралайди, ва давлатга раҳбарлик қилиш мас'улиятини ўз устига олганлигини бутун мамлакат олдида очиқ айтади.

Делегатлардан бири. Партия касаба союзларига ҳам худди шу асосда раҳбарлик қиладими?

Сталин. Ҳа, асосан шундай. Расмий жиҳатдан олганда, партия касаба союзларига ҳечқандай директива бера олмайди. Аммо партия касаба союзларида ишловчи коммунистларга директивалар беради. Ма'лумки, Советларда, кооперацияда ва шунинг сингариларда

бўлганидай, касаба союзларида ҳам коммунистлар фракцияси бор. Бу коммунистик фракцияларнинг вазифаси касаба союз, Совет, кооперация органлари ва бошқа органларда ишонтирув йўли блан партия директиваларига мувофиқ келадиган қарорлар чиқартириш учун ҳаракат қилишдан иборатдир. Жуда кўп ҳолларда улар буни амалга оширишга муваффақ бўладилар ҳам, чунки партиянинг оммага та'сири жуда катта ва партия омма орасида зўр ишончга эга. Пролетариатнинг турли-туман ташкилотларининг ишидаги бирлик шу йўл блан рўёбга чиқади. Бундай бўлмаганда бизда ишчилар синфининг шу ташкилотларининг ишида парокандалик ва тарқоқлик вужудга келган бўлур эди.

3-нчи САВОЛ. Модомики Россияда фақат биттагина партия легал партия экан, омманинг коммунизмга хайрихоҳлигини Сиз қайдан биласиз?

ЖАВОБ. СССРда легал буржуа партияларнинг йўқлиги, унда фақат биттагина партиянинг, ишчилар партияси, коммунистлар партиясининг легал эканлиги тўғри. Броқ, ишчилар кўпчилигининг, меҳнаткаш омма кўпчилигининг коммунистларга хайрихоҳ эканлигига ишонтирадиган йўллар ҳам воситалар бизда борми? Албатта, сўз янги буржуазия тўғрисида, пролетариат томонидан тор-мор қилиниб ташланган илгариги эксплуататор синфларнинг қолган-қутганлари тўғрисида бораётгани йўқ, балки сўз ишчи ва деҳқонлар оммаси тўғрисида бораётир. Ҳа, бизда ишчи ва деҳқонлар оммасининг коммунистларга хайрихоҳми ёки йўқлигини билиш имконияти бор, бизда буни билиш йўли ва воситалари бор.

Мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим пайтларни олайлик-да, омманинг коммунистларга чинакам хайрихоҳ эканлигини тасдиқлайдиган асос бор-йўқлигини кўрайлик.

Ҳаммадан олдин, 1917 йилдаги Октябрь ўзгариши даврини, я'ни коммунистлар партияси, партия сифатида, ишчи ва деҳқонларни буржуазия ҳокимиятини ағдаришга очиқдан-очиқ чақирган ва бу партия ишчилар, солдатлар ҳамда деҳқонларнинг жуда кўпчилигидан ёрдам олган давр сингари муҳим бир пайтни олайлик.

Ўша вақтда вазият қандай эди? Ҳокимият тепасида буржуазия блан блок тузиб олган социал-революционерлар (эсерлар) ва социал-демократлар (меньшевиклар) турар эдилар. Ҳокимиятнинг марказдаги ва маҳаллардаги аппарати ва шунингдек ўникки миллионли армиянинг қўмондонлик аппарати ҳам шу партиялар қўлида, ҳукумат қўлида эди. Коммунистлар партияси ярим легал аҳволда эди. Барча мамлакатлардаги буржуалар, большевиклар партияси муқаррар равишда мағлубиятга учрайди, деб фолбинлик қилар эдилар. Антанта тамомила ва бутунлай Керенский ҳукумати тарафида эди. Шундай бўлса ҳам коммунистлар партияси, большевиклар партияси пролетариатни шу ҳукуматни йиқитишга ва пролетариат диктатурасини ўрнатишга тинмай чақирар эди. Хўш, натижа нима бўлди? Меҳнаткашлар оммасининг фронт орқасидаги ва фронтдаги зўр кўпчилиги жуда қат'ият блан большевиклар партиясини қувватлади, оқибатда Керенский ҳукумати ағдариб ташланди, пролетариат ҳокимияти ўрнатилди.

Нима бўлдики, большевиклар партиясининг ҳалокати тўғрисида барча мамлакатлардаги буржуаларнинг

ёмон ният блан фолбинлик қилишларига қарамасдан, большевиклар ўша вақтда ғолиб бўлиб чиқдилар? Бу нарса кенг меҳнаткашлар оммасининг большевиклар партиясига хайриҳоҳ эканлигини исбот қилмайдими? Мен исбот қилади деб ўйлайман.

Мана сизга коммунистлар партиясининг кенг халқ оммаси орасидаги обрў ва та'сирини кўрсатадиган биринчи синов.

Иккинчи даврни, интервенция даврини, гражданлар уруши даврини, инглиз капиталистлари Россиянинг шимолини, Архангельск ва Мурманск районини босиб олган чоқдаги даврни, америка, инглиз, япон ва француз капиталистлари Колчакни илгари суриб, Сибирьни босиб олган чоқдаги даврни, француз ва инглиз капиталистлари, Деникин ва Врангельни қалқон қилиб, «Россиянинг жанубини» босиб олишга киришган чоғидаги даврни олайлик.

Бу, Антантанинг ва Россиянинг контрреволюцион генералларининг Москвадаги коммунистик ҳукуматга, революциямизнинг Октябрьда қозонган ғалабаларига қарши уруши эди. Бу давр коммунистлар партиясининг кенг ишчи ва деҳқонлар оммаси ичидаги кучини ва барқарорлигини жуда зўр синовдан ўтказиш даври эди.

Хўш, натижа нима бўлди? Ахир, оккупантлар гражданлар уруши натижасида Россиядан улоқтириб ташланганлиги, контрреволюцион генераллар эса Қизил Армия томонидан тор-мор қилиниб ташланганлиги ма'лум-ку.

Урушнинг тақдирини, провардида, техника эмас (СССРнинг душманлари Колчак ва Деникинни техника блан мўл-кўл та'минлаган эдилар), балки тўғри

сиёсат, миллион-миллион халқ оммасининг хайрихоҳлиги ва қўллаб-қувватлаши ҳал қилиши худди мана шунда ма'лум бўлди.

Большевиклар партиясининг ўша вақтда ғолиб бўлиб чиқиши тасодифий эдими? Албатта, тасодифий эмас эди. Бу ҳол коммунистлар партияси бизда кенг меҳнаткашлар оммасининг хайрихоҳлигига сазовор эканини кўрсатмайдими? Мен кўрсатади деб ўйлайман.

Мана сизга СССРда коммунистлар партиясининг кучи ва барқарорлигини кўрсатадиган иккинчи синов. Навбатда тинч қурилиш масалалари турган, хўжалик вайронлиги замони ўтиб, индустрияни тиклаш замони келган, ниҳоят, бутун халқ хўжалигимизни янги техника негизида қайтадан қуриш замони келган ҳозирги даврга, урушдан кейинги даврга ўтайлик. Ҳозир бизда коммунистлар партиясининг кучини ва барқарорлигини текширишдан ўтказадиган, кенг меҳнаткашлар оммасининг бу партияга хайрихоҳлик даражасини белгилайдиган йўллар ва воситалар борми? Мен бор деб ўйлайман.

Даставвал 10 миллионга яқин пролетариатни бирлаштируви Совет Иттифоқининг касаба союзларини олайлик, касаба союзларимиз раҳбар органларининг составини кўздан кечирайлик. Бу органларнинг бошида коммунистлар турганлиги тасодифийми? Албатта, тасодифий эмас. СССР ишчилари касаба союзларининг раҳбар органлари составига бепарво қарайдилар деб ўйланса аҳмоқчик бўлар эди. СССР ишчилари уч революциянинг бўронида ўсдилар ва тарбия топдилар. Улар ўз раҳбарларини текшириб туришга, агар раҳбарлар пролетариат манфаатини кўзлаб иш тутмасалар, уларни улоқтириб ташлашга ҳаммадан ҳам яхши

ўрганиб олганлар. Бир вақтлари бизнинг партиямизда энг машҳур одам Плеханов эди. Аммо Плехановнинг пролетар йўлидан четга чиққанлигига ишчилар қаноат ҳосил қилганларидан кейин, уни қат'ий равишда яккалаб қўйишдан тортиниб турмадилар. Бинобарин, шундай ишчилар коммунистларни касаба союзларидаги мас'ул ўринларга кўтариб, уларга тўла ишончларини билдирар эканлар, бу коммунистлар партиясининг СССР ишчилари ўртасидаги кучи ва барқарорлиги жуда зўр эканлигини яққол кўрсатадиган далилдир.

Мана сизга кенг ишчилар оммасининг коммунистлар партиясига мутлақо хайрихоҳ эканлигининг синови.

Советларга бўлган сўнгги сайловларни олайлик. Бизда, жинс ва миллат фарқига қарамасдан, 18 ёшдан бошлаб СССРнинг барча аҳолиси Советларга сайлов ҳуқуқидан фойдаланади, бошқаларнинг меҳнатини эксплуатация қилучи ва сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган буржуа элементлар бундан мустасно. Сайловчиларнинг сони қарийб 60 миллионни ташкил этади. Булардан жуда кўпчилиги, албатта, деҳқонлар. Бу 60 миллион сайловчидан 51 процентга яқини, я'ни 30 миллиондан кўпроғи сайловга қатнашди. Энди марказда ва маҳаллардаги Советларимизнинг раҳбар органлари составига назар солинг. Сайланиб қўйилган раҳбар элементларнинг жуда кўпчилигини коммунистлар ташкил этганлигини тасодифий бир факт деб айтиб бўладими? Равшанки, буни тасодифий деб айтиб бўлмайди. Бу факт коммунистлар партиясининг миллион-миллион деҳқонлар оммасининг ишончига сазовор эканлигини кўрсатмайдими? Мен, кўрсатади, деб ўйлайман.

Мана сизга коммунистлар партиясининг кучи ва барқарорлигининг яна бир синови.

2 миллионга яқин ишчи ва деҳқон ёшларини бирлаштирган комсомолни (Коммунист ёшлар союзини) олайлик. Комсомолда сайланиб қўйилган раҳбар элементларнинг жуда кўпчилиги коммунистлар эканини тасодифий бир факт деб айтиб бўладими? Мен ўйлайманки, буни тасодифий деб айтиб бўлмайди.

Мана сизга коммунистлар партиясининг куч ва обрўсининг яна бир синови.

Ниҳоят, СССР составига киручи ҳамма ва ҳарқандай миллатларнинг миллион-миллион меҳнаткаш эркак ва хотин-қизларининг, эркак ва хотин-қиз ишчиларининг, эркак ва хотин-қиз деҳқонларининг сон-саноқсиз конференциялари, кенгашлари, делегатлар мажлислари ва бошқаларни олайлик. Ғарбда ба'зан руслар умуман гапиришни яхши кўрадилар, деб бу кенгашлар ва конференциялар тўғрисида пичинг отишади. Ҳолбуки, омманинг кайфиятини текшириб туриш ма'носида ҳам, хатоларимизни очиш ҳамда бу хатоларни бартараф қилиш усулларини белгилаш ма'носида ҳам бу кенгаш ва конференциялар биз учун жуда катта аҳамиятга эгадир, чунки бизда хатолар оз эмас ва биз хатоларни очиш ҳамда уларни самимийлик блан тузатиш — мамлакатга раҳбарликни яхшилашнинг энг яхши усули деб билиб, бу хатоларни яширмаймиз. Бундай конференциялар ва кенгашлардаги нотиқларнинг сўзларини қараб чиқинг, ишчи ва деҳқонлардан чиққан бу «оддий кишилар»нинг ишчанлик ва очиқ кўнгиллик блан қилган мулоҳазаларига бир қаранг, уларнинг чиқарган қарорларига кўз солинг — сиз коммунистлар партиясининг та'сири ва обрўси қанчалик

катта эканлигини кўрасиз, ер юзидаги ҳарқандай партиянинг ҳам бунга ҳаваси келишини кўрасиз.

Мана сизга коммунистлар партияси барқарорлигининг яна бир синови.

Коммунистлар партиясининг халқ оммаси орасидаги кучи ва та'сирини синаб кўришга имкон беручи йўллар ва усуллар ана шулардир.

СССРдаги кенг ишчи ва деҳқонлар оммасининг коммунистлар партиясига хайрихоҳ эканлиги менга мана шундан ма'лум.

4-нчи САВОЛ. Агарда партиясиз группа фракция ташкил этса ва сайловларда Совет ҳукуматини қувватловчи платформада турадиган ўз кандидатларини кўрсатса, аммо шу блан бирга ташқи савдо монополиясининг бекор қилинишини талаб қилса, бу ҳолда бу группа қўлида ўз воситалари бўлиши ва актив сиёсий кампания олиб бориши мумкин бўлармиди?

ЖАВОБ. Мен ўйлайманки, бу саволнинг ўзида бир-бири блан келишмайдиган зиддият бор. Ўзи Совет ҳукуматини қувватлайдиган платформада тургани ҳолда, шу блан бирга ташқи савдо монополиясининг бекор қилинишини талаб қиладиган группани тасаввур қилиш мумкин эмас. Нега? Чунки ташқи савдо монополияси Совет ҳукумати платформасининг тебранмас негизларидан биридир. Чунки ташқи савдо монополиясининг бекор қилинишини талаб қилучи группа Совет ҳукуматини қувватлаш тарафдори бўлаолмайди. Чунки бундай группа бутун совет тузумига ашадди душман группагина бўлиши мумкин.

СССРда ташқи савдо монополиясининг бекор қилинишини талаб қилучи элементлар, албатта, бор.

Булар — нэпманлар, қулоқлар, тор-мор қилинган эксплуататор синфларнинг қолдиқлари ва шунга ўхшашлардир. Лекин бу элементлар халқнинг жуда ҳам озчилигини ташкил қиладилар. Мен ўйлайманки, делегация ўз саволида бу элементларни кўзда тутмаган бўлса керак. Агар сўз ишчилар ва меҳнаткаш деҳқонлар оммаси устида борадиган бўлса, у ҳолда айтишим керакки, ташқи савдо монополиясини бекор қилиш талаби уларнинг қаттиқ кулгисига, ғазаб ва нафратига сабаб бўлар эди.

Дарҳақиқат, ташқи савдо монополиясининг бекор қилиниши ишчилар учун нима демак бўлур эди? Бу улар учун мамлакатни индустриялашдан, янги завод ва фабрикалар қуришдан, эски завод ва фабрикаларни кенгайтиришдан воз кечиш демак бўлур эди. Бу улар учун СССРни капиталистик мамлакатлардан келган товарларга ғарқ қилиб юбориш, индустриямиз нисбатан заиф бўлгани учун уни қисқартириб қўйиш, ишсизлар сонини кўпайтириш, ишчилар синфининг моддий аҳволини ёмонлаштириш, унинг иқтисодий ва сиёсий позицияларини бўшаштириш демак бўлур эди. Бу, провардида, нэпманни ва умуман янги буржуазияни кучайтириш демак бўлур эди. СССР пролетариати ўзига-ўзи бундай ханжар уришга рози бўла оладими? Равшанки, рози бўла олмайди.

Ташқи савдо монополиясининг бекор қилиниши меҳнаткаш деҳқонлар оммаси учун нима демак? Бу мамлакатимизнинг мустақил мамлакатликдан ярим мустамлака мамлакатга айланиши ва деҳқонлар оммасининг қашшоқланиши демакдир. Ташқи савдо монополиясини бекор қилиш Колчак ва Деникин даврида ҳукм сурган «эркин савдо» тартибига қайтиш,

контрреволюцион генераллар ва «иттифоқчиларнинг» бирлашган кучларининг кўп миллионли деҳқонларни талаши ва шилиши учун кенг имконият туғдирадиган «эркин савдо» тартибига қайтиш демакдир. Бу, провардида, қишлоқда қулоқларнинг ва бошқа эксплуататор элементларнинг кучайиб кетиши демакдир. Деҳқонлар Украинада ва Шимолий Кавказда, Волгада ва Сибирьда бу тартибнинг мазасини хўб татиб кўрганлар. Улар яна шу сиртмоққа тушмоқни хоҳлайдилар, дейишга қандай асос бор? Ахир, меҳнаткаш деҳқонлар оммасининг ташқи савдо монополиясини бекор қилиш тарафдори бўла олмаслиги равшан эмасми?

Делегатлардан бири. Делегация ташқи савдо монополиясига доир масалани, унинг бекор қилиниши тўғрисидаги масалани, агарда СССРда ёлғиз бир партия монополияси бўлмаган, легалликка монополия бўлмаган тақдирдагина бу масала атрофида аҳолининг бутун бир группаси уюша олган бўлар эди, деб ўртага қўйган эди.

Сталин. Делегация, шундай қилиб, СССРда бирдан-бир легал партия бўлган коммунистик партиянинг монополиясига доир масалага яна тўхталади. Миллион-миллион ишчи ва деҳқонларнинг коммунистик партияга хайрихоҳлигини синаш йўллари ва усуллари тўғрисида боя гапирганимда, мен бунга қисқача жавоб берган эдим.

Халқнинг бошқа табақаларига, қулоқлар, нэпманлар, тор-мор қилинган илгариги эксплуататор синфларнинг қолдиқларига келганда, улар бизда, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлганлари сингари, ўз сиёсий ташкилотларига эга бўлиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинганлар. Пролетариат буржуазиядан фақат фабрика ва

заводларни, банклар ва темирйўлларни, ер ва конларнигина тортиб олиб қўя қолмади. Пролетариат буржуазиядан яна ўз сиёсий партиясига эга бўлиш ҳуқуқини ҳам тортиб олди, чунки пролетариат буржуазия ҳокимиятининг тикланишини истамайди. Делегация СССР пролетариатининг буржуазиядан ва помешчиклардан фабрика ва заводларни, ер ва темирйўлларни, банклар ва конларни тортиб олганига қарши бўлмаса керак. (К у л г и.)

Аммо, менимча, пролетариат фақат бу блан чекланмасдан, буржуазиядан сиёсий ҳуқуқларни ҳам тортиб олиб яна ҳам олдинроқ кетганига делегация унча тушунолмай ҳайрон бўлаётганга ўхшайди. Бундай ҳайрон бўлиш, менимча, унча мантиқий эмас ёки яна тўғрироғи, асло мантиқий эмас. Нимага асосланиб пролетариатдан буржуазияга нисбатан раҳмдил бўлишни талаб қиладилар? Ахир, Ғарбдаги буржуазия, ҳокимият бошида тургани ҳолда, ишчилар синфига лоақал жиндак раҳмдиллик кўрсатаётиптими? Ахир, у ишчилар синфининг чинакам революцион партияларини яширин ҳолда ишлашга мажбур қилмаяптими? Нимага асосланиб СССР пролетариатидан ўз синфий душманига раҳмдил бўлишни талаб қиладилар? Мен ўйлайманки, мантиқ бундай дейди: кимки буржуазиянинг сиёсий ҳуқуқларини яна ўзига қайтариб беришни мумкин деб ўйлар экан, у агар мантиқий муҳокама юритаман деса, яна ҳам илгари кетиши ва буржуазияга фабрика ва заводларни, темир йўлларни ва банкларни қайтариб бериш масаласини ҳам қўйиши керак.

Делегатлардан бири. Делегациянинг вазифаси ишчилар синфи ва деҳқонлар компартия фикридан фарқ

қилган фикрларини қандай қилиб ошкора айта олишларини билиб олмоқ эди. Делегация буржуазияга сиёсий ҳуқуқлар бериш масаласига, буржуазия ўз фикрларини қандай қилиб ошкора айта олади деган масалага қизиқади деб тушуниш нотўғри бўлар эди. Сўз худди ишчилар синфи ва деҳқонлар компартия фикрларидан фарқ қилган фикрларини қандай қилиб ошкора айта олишлари устидагина боради.

Бошқа бир делегат. Бу фарқ қилучи фикрлар ишчилар синфининг оммавий ташкилотларида, касаба союзларида ва бошқаларда баён қилиниши мумкиндир.

Сталин. Жуда соз. Бундан чиқадики, сўз буржуазиянинг сиёсий ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида эмас, балки ишчилар синфи ва деҳқонлар ичида фикрлар кураши тўғрисида бораётир.

Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқида ишчилар ва меҳнаткаш деҳқонлар оммаси ўртасида фикрлар кураши борми? Шубҳасиз, бор. Миллионлаб ишчи ва деҳқонларнинг ҳамма амалий масалаларда бутун майда-чуйдаларигача бирхил фикрда бўлиши мумкин эмас. Ҳаётда бундай бўлмайди. Биринчидан, ишчилар блан деҳқонларнинг иқтисодий аҳволларида ҳам, ва ҳарбир айрим масалага қарашларида ҳам уларнинг ораларида катта фарқ бор. Иккинчидан, ишчилар синфининг ўз ичида ҳам қарашларда ба'зибир фарқлар, тарбияда, ёшда, темпераментда фарқ бор, туб ишчилар блан қишлоқдан келган ишчилар орасида ҳам, шунингдек бошқа масалаларда ҳам фарқ бор. Булар ҳаммаси ишчилар ва меҳнаткаш деҳқонлар оммаси ўртасида фикрлар курашига сабаб бўлади, бу кураш мажлисларда, касаба союзларида, кооперацияда, Советларга сайловлар вақтида ва бошқаларда ошкора баён қилинади.

Лекин пролетар диктатураси шароитидаги фикрлар кураши блан ўтмишдаги, Октябрь революциясидан илгариги фикрлар кураши орасида тубдан фарқ бор. У вақтда, ўтмишда, ишчилар ва меҳнаткаш деҳқонлар ўртасидаги фикрлар кураши асосан помешчикларни, цоризмни, буржуазияни йиқитиш, буржуа тартибларини синдириш устида бўлар эди. Ҳозир, пролетариат диктатураси шароитида, фикрлар кураши Совет ҳокимиятини йиқитиш-йиқитмаслик масаласи, совет тартибларини синдириш-синдирмаслик масаласи теварагида эмас, балки Совет ҳокимияти органларини яхшилаш ҳақидаги, уларнинг ишларини яхшилаш тўғрисидаги масалалар теварагида боради. Бунда тубдан фарқ бор.

Мавжуд тартибларни революцион йўл блан синдириш масаласи теварагидаги фикрлар курашининг ўтмишда ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлар оммаси ичида ўзаро рақобат қилишучи бирқанча партияларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлганлиги ҳечбир ажабланарлик эмас. Бу партиялар: большевиклар партияси, меньшевиклар партияси, эсерлар партияси эди. Иккинчи тарафдан, ҳозир, пролетариат диктатураси вақтида, мавжуд совет тартибларини синдиришни эмас, балки уларни яхшилаш ва мустаҳкамлашни мақсад қилиб олган фикрлар кураши ишчилар ва қишлоқ меҳнаткаш оммаси ўртасида бирнеча партияларнинг яшамоғи учун озиқ бермаслигини тушуниш ҳам унча қийин эмас.

Мана шунинг учун фақат бир партиянинг, коммунистлар партиясининггина легаллиги, бу партиянинггина монополияси ишчилар ва меҳнаткаш деҳқонлар ўртасида норозилик уёқда турсин, балки, аксинча, зарур ва айни муддао бир иш деб қабул қилинади.

Мамлакатимизда яккаю-ягона легал партия бўлган бизнинг партиямизнинг вазияти (компартия монополияси) аллақандай сун'ий ва жўрттага ўйлаб чиқарилган бир нарса эмас. Бундай вазиятни сун'ий йўл блан, ма'мурий ҳийлалар ишлатиш йўли блан ва шунинг кабилар блан юзага келтириб бўлмайди. Партиямизнинг монополияси ҳақиқий ҳаётдан келиб чиққан, эсерлар ҳам меньшевиклар партияларининг тамоман банкрот бўлиши ва ҳақиқий турмушимиз шароитида саҳнадан сурилиши натижасида тарихан таркиб топган.

Эсер ва меньшевиклар партиялари ўтмишда қандай партиялар эди? Пролетариатга буржуазия та'сирини ўтказучи партиялар эди. 1917 йил октябригача бу партияларнинг мавжудлигининг ва қўллаб-қувватланишининг боиси нимада эди? Буржуазия синфининг борлиги, ниҳоят, буржуазия ҳокимиятининг борлигида эди. Буржуазия йиқитилиши блан бу партияларнинг яшаши учун ҳечбир асос қолмаслиги равшан эмасми?

1917 йил октябридан кейин бу партиялар қандай партияга айландилар? Улар капитализмни тиклаш ва пролетариат ҳокимиятини йиқитиш партияларига айландилар. Бу партияларнинг ҳарқандай заминдан маҳрум бўлишлари ҳамда уларнинг ишчилар ва деҳқонларнинг меҳнаткаш табақалари ўртасида ҳечқандай та'сирлари қолмаслиги равшан эмасми?

Коммунистлар партияси блан эсерлар ва меньшевиклар партиялари ўртасида ишчилар синфини ўз та'сирига олиш учун кураш кечаги кундан бошланган эмас. Бу курашнинг бошланиши Россияда оммавий революцион ҳаракатнинг биринчи белгилари кўринган даврга, 1905 йилдан ҳам илгариги даврга тўғри ке-

лади. 1903 йилдан 1917 йил октябригача бўлган давр мамлакатимиздаги ишчилар синфи ичидаги фикрларнинг шиддатли кураш давридир, ишчилар синфини ўз та'сирига олиш учун большевиклар, меньшевиклар ва эсерлар ўртасидаги кураш давридир. Бу давр ичида СССР ишчилар синфи уч революциядан ўтди. Ишчилар синфи бу революцияларнинг олови ичида шу партияларни, уларнинг пролетар революцияси иши учун яроқлилигини, уларнинг пролетарларча революционлигини синади ва текширди. Ниҳоят, 1917 йил Октябрь кунларига келиб, тарих бутун ўтмиш революцион курашга якун ясаган чоқда, тарих ишчилар синфи ичида курашиб келган партияларнинг салмоғини ўз тарозисида тортиб кўрган чоқда, СССР ишчилар синфи, ниҳоят, ягона пролетар партияси бўлган коммунистик партияни узил-кесил танлаб олди.

Ишчилар синфининг коммунистик партияни танлаб олганлигининг сабаби нима? Петроград Советида большевикларнинг, масалан, 1917 йил апрелида жуда озчиликни ташкил қилганликлари факт эмасми? Эсерлар ва меньшевикларнинг ўша вақтда Советларда жуда кўпчиликни ташкил қилганликлари факт эмасми? Октябрь кунлари арафасида бутун ҳокимият аппарати ва бутун зўрлик воситалари буржуазия блан иттифоқ тузиб олган эсерлар ва меньшевиклар партиялари қўлида бўлганлиги факт эмасми?

Бунинг сабаби шуки, компартия ўша вақтда урушни тугатиш, дарҳол демократик сулҳ қилиш тарафида эди, ҳолбуки эсерлар ва меньшевиклар партиялари «урушни ғалаба қозонгунча» давом қилдирмоқни, империалистик урушни давом этдирмоқни зўр бериб ҳимоя қилдилар.

Бунинг сабаби шуки, компартия ўша вақтда Керенский ҳукуматини йиқитиш, буржуа ҳокимиятини йиқитиш, фабрика ва заводларни, банклар ва темир йўлларни национализация қилиш тарафида эди, ҳолбуки меньшевиклар ва эсерлар партиялари Керенский ҳукумати учун курашдилар ва буржуазиянинг фабрика ва заводларга, банклар ва темир йўлларга эгалик қилиш ҳуқуқларини зўр бериб ҳимоя қилдилар.

Бунинг сабаби шуки, коммунистлар партияси ўша вақтда помешчикларнинг ерларини деҳқонлар фойдасига тезлик блан мусодара қилиш тарафида эди, ҳолбуки эсерлар ва меньшевиклар партиялари бу масалани Та'сис мажлисига ҳавола қилиб кечиктириб келган эдилар, бу мажлиснинг чақирилишини ҳам, ўз галида нома'лум вақтгача кечиктирдилар.

Агар ишчилар ва камбағал деҳқонлар, ниҳоят, коммунистлар партиясини танлаб олган эканлар, бунинг нимаси ажабланарлик?

Агар эсерлар ва меньшевиклар партиялари шунча тезлик блан юз тубан бўлиб кетган эканлар, бунинг нимаси ажабланарлик?

Компартия монополиясининг манбаи ана шу, коммунистлар партиясининг ҳокимият тепасига келганлигининг сабаби ана шу.

Бундан кейинги давр, 1917 йилнинг октябридан кейинги давр, гражданлар уруши даври меньшевиклар ва эсерлар партияларининг тамомила ҳалокатга йўлиққан даври, большевиклар партиясининг тамомила тантана қилган даври бўлди. Бу даврда компартиянинг тантанасини меньшевиклар блан эсерларнинг ўзлари осонлаштирдилар. Октябрь ўзгариши вақтида тор-мор қилинган ва шармандаси чиқарилган меньше-

виклар ва эсерлар партияларининг қолдиқлари қулоқларнинг контрреволюцион қўзғолонлари блан алоқа боғлай бошладилар, колчакчилар ва деникинчилар блан блок туздилар, Антантага хизмат қила бошладилар ва шундай қилиб ишчи ва деҳқонлар назарида обрўйларини бир пул қилиб ўзларини гўрга тиқдилар. Шундай бир манзара ҳосил бўлди: большевиклар партияси жонли ва революцион бўлганларнинг барчасини ўз теварагида бирлаштириб, ишчи ва деҳқонларнинг янгидан-янги отрядларини социалистик ватан учун курашга, Антантага қарши курашга отлантирган бир вақтда, буржуа революционерларидан буржуа контрреволюционерларига айланган эсерлар ва меньшевиклар янги, Совет Россиясини бўғиш учун Антантага ёрдам бериб турдилар.

Бу даврда коммунистларнинг енгиб чиқиши эсерлар ва меньшевикларнинг батамом енгилишига сабаб бўлиши керак эди ва ҳақиқатан сабаб бўлди ҳам, бу табиий бир нарса. Компартия шундай воқиалардан кейин ишчилар синфи ва камбағал деҳқонларнинг бирдан-бир партияси бўлиб қолган экан, бунинг нимаси ажабланарлик?

Мамлакатда ягона легал партия бўлган компартиянинг монополияси бизда ана шу равишда таркиб топди.

Сизлар ҳозирда, пролетар диктатураси шароитида, ишчи ва деҳқонлар ўртасидаги фикрлар кураши тўғрисида гапирасиз. Мен айтиб ўтдимки, фикрлар кураши бор ва бундан кейин ҳам бўлади, бусиз илгарига қараб ҳаракат қилиш мумкин эмас. Броқ, ҳозирги шароитда ишчилар орасидаги фикрлар кураши совет тартибларини йиқитиш-йиқитмаслик каби принципиал

масала теварагида эмас, балки Советларни яхшилаш, совет органларининг хатоларини тузатиш, демак — Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш тўғрисидаги амалий масалалар теварагида боради. Бундай фикрлар кураши коммунистлар партиясини фақат мустаҳкамлайди ва камолатга етказади, бу турган гап. Бундай фикрлар кураши компартия монополиясини фақат мустаҳкамлайди, бу турган гап. Бундай фикрлар кураши ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлар ичида бошқа партияларнинг тузилишига озиқ бера олмайди, бу турган гап.

5-нчи САВОЛ. Сиз блан Троцкий орасидаги асосий келишмовчиликларни бизга қисқача айтиб бера оласизми?

ЖАВОБ. Энг олдин шуни айтишим керакки, Троцкий блан бўлган келишмовчиликлар шахсий келишмовчиликлар эмас. Агар келишмовчиликлар шахсий характерда бўлса эди, партия бу иш блан бир соат ҳам машғул бўлмас эди, чунки партия айрим шахсларнинг ўзларини айрим қилиб кўзга кўрсатишларини севмайди.

Сўз партия ичидаги келишмовчиликлар тўғрисида бораётган бўлса керак. Мен бу саволни шундай англадим. Ҳа, партия ичида бу келишмовчиликлар бор. Бу келишмовчиликларнинг характери тўғрисида яқинда Риков Москвада, Бухарин Ленинградда ўз докладларида жуда муфассал сўзладилар. Бу докладлар э'лон қилинган. Бу докладларда келишмовчиликлар тўғрисида айтилганларга менинг ҳеч қўшадиганим йўқ. Агар сизларда бу ҳужжатлар бўлмаса, мен сизларга топиб бера оламан. (Делегатлар ўзла-

рида бу ҳужжатларнинг борлигини билдирадилар.)

Делегатлардан бири. Ўз жойларимизга қайтиб борганимиздан кейин биздан бу келишмовчиликлар тўғрисида сўрайдилар, лекин бизда ҳамма ҳужжатлар йўқ. Масалан, бизда «83 лар платформаси» йўқ.

Сталин. Мен бу «платформага» қўл қўйган эмасман. Бошқаларнинг ҳужжатларига хўжайинлик қилишга ҳаққим йўқ. (Кулги.)

6-нчи САВОЛ. Капиталистик мамлакатларда ишлабчиқаришни ривожлантиришга қизиқтирадиган асосий нарса фойда олишни мақсад қилиб қўйишдир. Албатта, нисбатан айтганда, бундай мақсад СССРда йўқ. Бунинг ўрнига нима мақсад қилиб қўйилади, ва Сизнинг фикрингизча, бу мақсад қанчалик самарали бўла олади? Бу мақсад ҳамиша қизиқтириб турадиган асосий нарса бўлиб қола оладими?

ЖАВОБ. Капиталистик хўжаликни ҳаракатлантирувчи асосий куч фойда олишдан иборат эканлиги тўғри. Фойда олиш социалистик саноатимизнинг мақсади эмаслиги ҳам, уни ҳаракатлантирувчи куч эмаслиги ҳам тўғри. Шундай экан, бизнинг индустриямизни ҳаракатлантирувчи куч нимадан иборат?

Даставвал, шу ҳолки, бизда фабрика ва заводлар капиталистларники эмас, бутун халқникидир. Фабрика ва заводларни капиталистлар қўйган кишилар эмас, ишчилар синфининг вакиллари бошқаради. Ишчиларнинг капиталистга эмас, ўз давлатига, ўз синфига ишлаганлигини англаб ҳис этиши,— мана шу онг саноатимизни ривожлантириш ва такомиллаштиришда жуда зўр ҳаракатлантирувчи кучдир.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, бизда фабрика ва заводлардаги директорларнинг жуда кўпчилиги ишчилардан иборат, буларни касаба союзлари блан келишиб Халқ Хўжалиги Олий Совети тайин қилади, шу блан бирга, ишчилар ёки тегишли касаба союзлари хоҳламаса ҳечбир директор ўз ўрнида туриб қола олмайди.

Яна шуни та'кидлаш керакки, ҳарбир завод ёки фабрикада завод ёки фабрика комитети бўлиб, булар ишчилар томонидан сайланади ва корхона ма'муриятининг ишларини контроль қилиб туради.

Ниҳоят, шуни та'кидлаш керакки, ҳарбир саноат корхонасида ишчиларнинг ишлабчиқариш кенгашлари бор, буларга шу корхонанинг барча ишчилари киради-лар ва унда корхона директорининг бутун ишини текширадилар, завод ма'муриятининг иш планини муҳокама қиладилар, хато ва камчиликларни кўрсатадилар ва шундай қилиб касаба союзлари орқали, партия орқали, Совет ҳокимияти органлари орқали бу камчиликларни тузатиш имкониятига эга бўладилар.

Бу ҳолларнинг ҳаммаси, ҳам ишчиларнинг аҳволини, ҳам корхоналардаги тартибни тамомила ўзгартишини англаш қийин эмас. Агар капитализм вақтида ишчи фабрикага ўзига ёт бўлган бегонанинг мулки, ва ҳатто турма деб қараса, совет тартиблари вақтида ишчи фабрикага турма деб эмас, ўзининг севган ва жонажон иши деб қарайди, ишчи бу корхонанинг ўсиши ва ишининг яхшиланишидан бажонудил манфаатдордир.

Ишчиларнинг заводга, корхонага бундай янгича муносабатлари, ишчиларнинг корхонага ўзларини бундай яқин ҳис қилишлари бутун саноатимизни ҳара-

катлантируччи жуда катта куч эканлигини исбот қилиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Ишлабчиқариш техникаси соҳасида ишчилардан чиққан ихтиро'чилар ва саноатнинг ишчилардан чиққан ташкилотчилари сонининг кундан-кунга ортиб бораётганлигининг сабаби ҳам ана шудир.

Иккинчидан, шу ҳолки, бизда саноатдан келган даромадлар айрим кишиларнинг бойиши учун сарф бўлмайди, балки саноатни янада кенгайтириш, ишчилар синфининг моддий ва маданий аҳволини яхшилаш, ҳам ишчиларга, ҳам деҳқонларга зарур бўлган саноат товарларини арзон қилиш учун, я'ни яна меҳнаткаш омманинг моддий аҳволини яхшилаш учун кетади.

Капиталист ўз даромадларини ишчилар синфининг аҳволини яхшилашга сарф қила олмайди. У фойда деб яшайди. Акс ҳолда у капиталист бўлмаган бўлар эди. У фойдани йиғиб қўшимча капитал вужудга келтирмоқ учун ва яна каттароқ фойда олмоқ ниятида камроқ ривожланган мамлакатларга капитал чиқармоқ учун фойда олади. Шимолий Америкадан Хитойга, Индонезияга, Жанубий Америкага, Европага, Франциядан — француз мустамлакаларига, Англиядан — инглиз мустамлакаларига капитал ана шу равишда оқиб кела беради.

Бизда иш бошқача, чунки биз мустамлакачилик сиёсати юргизмаймиз ва уни э'тироф қилмаймиз. Бизда саноатдан келган даромадлар индустрияни янада кенгайтириш учун, ишчиларнинг аҳволини яхшилаш учун, саноат товарларини арзон қилиш орқали ички бозорларнинг, шу жумладан деҳқон бозорининг ҳам ҳажмини кенгайтириш учун мамлакатнинг ўзида

қолади. Бизда саноатдан келган фойданинг тахминан 10 проценти ишчилар синфининг турмушини яхшилашга кетади. Ишчиларнинг пул блан оладиган иш ҳақларининг 13 процентига баравар маблағ ишчилар синфини давлат ҳисобидан страхования қилишга кетади. Даромадларнинг ма'лум бир қисми (қанчаси эканлигини мен ҳозир айтаолмайман) маданий эҳтиёжларга, фабрика-завод шогирдлигига ва ишчиларнинг отпускасига кетади. Бу даромадларнинг анчагина қисми (бунинг ҳам қанчаси эканлигини ҳозир мен айта олмайман) ишчиларнинг пул блан оладиган иш ҳақларини оширишга кетади. Саноатдан келган даромадларнинг қолган қисми саноатни янада кенгайтиришга, эски заводларни ремонт қилишга, янги заводлар солишга, ниҳоят, саноат товарларини арзон қилишга кетади.

Бу ҳолларнинг бизнинг ҳамма саноатимиз учун зўр аҳамияти шундан иборатки:

а) бу ҳоллар қишлоқ хўжалигининг индустрия блан яқинлашувини ва шаҳар блан қишлоқ орасидаги қарама-қаршиликнинг йўқолишини осонлаштиради;

б) бу ҳоллар ички бозорнинг, ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ бозорининг ҳажмини кенгайтиришга ёрдам қилиб, шу блан индустриянинг янада ривожланиши учун доим ўсиб боручи база вужудга келтиради.

Учинчидан, шу ҳолки, саноатнинг национализация қилинганлиги бутун саноат хўжалигининг ҳаммасини план асосида олиб боришини осонлаштиради.

Саноатимизнинг бу стимуллари ва ҳаракатлантиручи кучлари доимий факторларми? Улар доим амал қилиб турадиган факторлар бўлиб қола оладиларми? Ҳа, **улар шубҳасиз доим амал қилиб турадиган сти-**

муллар ва ҳаракатлантируччи кучлар бўлиб қоладилар. Бинобарин, бизнинг индустриямиз қанча кўп ривожланса, бу факторларнинг куч ва аҳамияти ҳам шунча кўп ортиб боради.

7-нчи САВОЛ. СССР бошқа мамлакатлардаги капиталистик саноат блан қай даражада ҳамкорлик қилаолади?

Бундай ҳамкорликнинг аниқ бир чегараси борми, ёки бу қайси соҳада қандай ҳамкорлик қилиш мумкинлигини ва қайси соҳада ҳамкорлик қилиш мумкин эмаслигини билиб олиш учун қилинган бир тажрибагинами?

ЖАВОБ. Сўз саноат соҳасида, савдо соҳасида ва, балки, дипломатия муносабатлари соҳасида капиталистик давлатлар блан вақтинча битимлар тузиш тўғрисида борса керак.

Мен ўйлайманки, бир-бирига зид бўлган икки системанинг — капиталистик система блан социалистик системанинг — борлиги бундай битимларнинг бўлиши мумкинлигини истисно қилмайди. Мен ўйлайманки, тинч юксалиш вазиятида бундай битимларнинг бўлиши мумкин ва мақсадга мувофиқдир.

Экспорт ва импорт бундай битимлар учун энг боп заминдир. Бизга ускуна, хоммол (масалан пахта), ярим фабрикатлар (металл ва бошқалардан қилинган ярим фабрикатлар) керак, капиталистлар эса бундай товарларни сотишга муҳтождирлар. Мана сизга битимлар учун замин. Капиталистларга нефть, ёғоч, галла маҳсулоти керак, бизга эса бу товарларни сотиш зарур. Мана сизга битимлар учун яна бир замин.

Биз қарз олишимиз зарур, капиталистлар эса қарз бериб кўп процент олишни хоҳлайдилар. Мана сизга кредит масаласида битимлар тузиш учун яна бир замин; шу блан бирга ма'лумки, совет органлари қарзларни ҳаммадан ҳам кўра ўз вақтида тўлаб турадилар.

Дипломатия соҳасига келганда ҳам худди шуни айтиш мумкин. Биз тинчлик сиёсати юргизамиз ва биз ўзаро ҳужум қилишмаслик тўғрисида буржуа давлатлари блан аҳднома тузишга тайёрмиз. Биз тинчлик сиёсати юргизамиз ва биз доимий армияни бутунлай йўқ қилишга довур қуролсизланиш тўғрисида битим қилишга тайёрмизки, бу тўғрида биз Генуя конференциясидаёқ[38] бутун дун'ё олдида айтганмиз. Мана сизга дипломатия йўли блан битим қилиш учун замин.

Бу битимларнинг чегараси борми? Бу чегара ўзаро мусобақалашиб ва курашиб турган икки системанинг қарама-қаршилиги блан белгиланади. Бу икки система йўл берган рамкада, фақат шу рамка ичидагина бемалол битимлар тузиш мумкин. Германия, Италия, Япония ва бошқа мамлакатлар блан битим тузиш тажрибаси бунинг тўғрилигини кўрсатади.

Бу битимлар шундай бир тажрибагинами ёки улар бир қадар узоқ муддат давом этиши мумкинми? Бу фақат бизгагина боғлиқ эмас, бу яна биз блан битим тузганларга ҳам боғлиқ. Бу умумий вазиятга ҳам боғлиқ. Уруш ҳамма ва ҳарқандай битимларни остинустин қилиб ташлаши мумкин. Бу, ниҳоят, битимларнинг шартларига боғлиқ. Биз ўтакетган оғир шартларни қабул қилаолмаймиз. Биз Грузиядаги марганец конларини ишга солаётган Гарриман блан битим тузганмиз. Битим 20 йилга тузилган. Кўриб турибсизки, муддат унча қисқа эмас. Биз Сибирьда олтин қазиб

олучи Лена-Гольдфильдс ширкати блан ҳам битим қилганмиз. Битим 30 йилга тузилган,— муддат янада узунроқ. Ниҳоят, Сахалиндаги нефть ва кўмир конларини ишга солиш тўғрисида Япония блан битим тузилган.

Биз бу битимларнинг бир қадар мустаҳкам бўлишини истар эдик. Аммо бу, албатта, фақат бизгагина боғлиқ эмас, балки биз блан битим тузганларга ҳам боғлиқ.

8-нчи САВОЛ. Россиянинг майда миллатларга нисбатан тутган сиёсатининг капиталистик давлатларнинг бу масаладаги сиёсатидан асосий фарқи қандай?

ЖАВОБ. Сўз илгариги вақтда чоризм ва рус эксплуататор синфлари томонидан эзилган ва ўз давлатига эга бўлмаган СССР миллатлари тўғрисида борса керак.

Асосий фарқ шундан иборатки, капиталистик давлатларда миллий зулм ва миллий қуллик ҳукм суради, бизда, СССРда эса ҳар иккиси ҳам таги-туги блан битирилган.

Унда, капиталистик давлатларда, биринчи даражадаги миллатлар, имтиёзли миллатлар, «давлат эгаси» бўлган миллатлар блан бир қаторда иккинчи даражадаги миллатлар, «давлат эгаси бўлмаган» миллатлар, ҳуқуқ жиҳатдан тенг бўлмаган миллатлар, бир қанча ҳуқуқлардан, дастлаб, давлатни идора қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган миллатлар бор. Бизда, СССРда, аксинча, миллий тенгсизлик ва миллий зулмнинг бу каби ҳамма хиллари битирилган. Бизда ҳамма миллатлар тенг ҳуқуқли ва мустақилдирлар, чунки илгари

ҳукм сурган великорус миллатининг миллий ва давлат имтиёзлари битирилган.

Гап, албатта, миллатларнинг тенг ҳуқуқлиги тўғрисида декларациялар э'лон қилишда эмас. Миллатларнинг тенг ҳуқуқлиги тўғрисидаги декларациялар ҳарқандай буржуа ва социал-демократия партияларида оз эмас. Турмушга оширилмаган декларацияларнинг нима қиммати бор? Гап миллий зулм келтиручи, бу зулмни бун'ёд қилиб амалга оширучи синфларни йўқ қилишда. Бизда помешчиклар, капиталистлар шундай синфлар эдилар. Биз бу синфларни ағдардик ва шунинг блан миллий зулм имкониятини битирдик. Худди шу синфларни ағдарганимиз учун ҳам, бизда миллатларнинг чинакам тенг ҳуқуқлиги мумкин бўлиб қолди.

Мана шунинг ўзи бизда миллатларнинг то ажралиб чиқишгача ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилашлари тўғрисидаги идеянинг амалга оширилиши деб аталади. Биз ана шу миллатларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилашни амалга оширганимиз учун, худди мана шунинг учун СССРдаги турли миллатларнинг меҳнаткашлар оммаси ўртасидаги ўзаро ишончсизликни йўқ қилаолдик ва ихтиёрийлик асосида миллатларни бир иттифоқ давлатига бирлаштира олдик. Ҳозирги Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи миллий сиёсатимизнинг самарасидир ва СССРдаги миллатларнинг ихтиёрий равишда бир иттифоқ давлатга уюшганлигининг ифодасидир.

Капиталистик мамлакатларда миллий масалада бундай сиёсатнинг бўлиши асло мумкин эмаслигини исбот қилишнинг ҳожати бўлмаса керак, чунки уларда миллий зулм сиёсатини вужудга келтирган ва

амалга оширучи бўлган капиталистлар ҳали ҳам ҳокимият тепасидалар.

Масалан, шу фактни кўрсатмай ўтиб бўлмайди: СССРнинг энг юқори ҳокимият органи бўлган Советлар Марказий Ижроия Комитетининг бошида руснинг раис бўлиб ўтириши шарт эмас, унда СССРга бирлашган олти иттифоқдош республиканинг сонига мувофиқ олти раис туради, улардан бири рус (Калинин), иккинчиси — украин (Петровский), учинчиси — белорус (Червяков); тўртинчиси — озарбайжонли (Мусабеков), бешинчиси — туркман (Айтақов), олтинчиси— ўзбек (Файзулла Хўжаев). Бу факт миллий сиёсатимизнинг ёрқин далилларидан биридир. Энг уччига чиққан буржуа демократик республикаларининг ҳеч биттаси ҳам бундай қила олмаслиги тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Ҳолбуки бу — миллатларнинг тенг ҳуқуқлигидан иборат бутун сиёсатимиздан ўз-ўзидан келиб чиқадиган ҳаммага аён бир фактдир.

9-нчи САВОЛ. Америка ишчи йўлбошчилари ўзларининг коммунистларга қарши курашларини икки нарса блан оқламоқчи бўладилар:

1) Коммунистлар союзлар ичида фракцион кураш олиб бориш блан ва касаба союзларининг радикал бўлмаган мансабдорларига ҳужум қилишлари блан ишчилар ҳаракатини бузадилар;

2) Америка коммунистлари Москвадан буйруқлар оладилар ва шунинг учун улар яхши касаба союз ходими бўлаолмайдилар, чунки улар ўз союзларига қараганда кўпроқ четэл ташкилотига хайрихоҳдирлар.

Америка коммунистлари америка ишчилар ҳаракатининг бошқа ячейкалари блан бирликда иш олиб

борсинлар учун, бу қийинчиликни қандай бартараф қилиш мумкин?

ЖАВОБ. Мен ўйлайманки, америка ишчи лидерларининг коммунистларга қарши курашларини оқлашга уринишлари ҳарқандай танқиддан тубандир. Коммунистларнинг ишчилар ҳаракатини бузаётганликларини ҳали ҳечким исбот қилгани йўқ ва исбот ҳам қила олмайди. Лекин, коммунистларнинг бутун дун'ёда, шу жумладан Америкада ҳам ишчилар ҳаракатининг энг содиқ ва энг ботир курашчилари эканликларини тамомила исбот қилинган деб ҳисоблаш керак.

Ахир, ишчиларнинг забастовкалари ва намойишлари вақтида, ишчиларнинг реформист лидерлари капиталистлар паноҳига сиғинган чоқда коммунистларнинг ишчилар синфининг биринчи сафларида туриб, капиталистларнинг биринчи зарбаларига ўз кўкракларини қалқон қилганликлари факт эмасми? Коммунистлар реформист ишчи лидерларининг қўрқоқлиги ва тескаричилигини нега энди танқид қилмасинлар? Ахир, бундай танқид ишчилар ҳаракатини фақат жонлантириши ва мустаҳкамлаши равшан-ку?

Рост, бундай танқид ишчиларнинг реакцион лидерларининг обрўсини тўкади. Хўш, шундай бўлса нима бўпти? Ишчиларнинг реакцион лидерлари коммунистларни касаба союзларидан суриб чиқариш йўли блан эмас, балки танқидга қарши танқид йўли блан жавоб берсинлар-да.

Мен ўйлайманки, Америка ишчилар ҳаракати агар яшаш ва кучайишни истаса, касаба союзлари ичида фикр ва оқимларнинг курашисиз иш кўра олмайди. Мен ўйлайманки, касаба союзлари ичидаги фикр ва

оқимлар кураши, реакцион лидерларнинг танқид қилиниши ва шунинг кабилар, ишчиларнинг реформист лидерлари бунга ҳарқанча қаршилик кўрсатсалар-да, борган сайин кучая беради. Америка ишчилар синфининг турли оқимлар орасидан бирини танлаб олиши учун ва, ниҳоят, Америка жамияти ичида мустақил уюшган куч бўлиб ўзини белгилаб олиши учун унга бундай фикрлар кураши ва бундай танқидлар мутлақо зарур.

Америка реформист лидерларининг коммунистлар устидан қилган шикоятлари фақат шуни кўрсатадики, улар ўзларининг ҳақ эканликларига ишонмайдилар, ўз мавқи'ларининг маҳкам эмаслигини сезадилар. Худди мана шунинг учун ҳам улар танқиддан вабодан қўрққандай қўрқадилар. Шуниси диққатга сазоворки, америка ишчи лидерлари, худди шу Америкадаги кўп буржуаларга қарағанда ҳам, энг оддий демократиянинг қаттиқроқ душманлари экан.

Америка коммунистлари «Москвадан олинган буйруқлар»га асосан иш қиладилар деган да'во бутунлай нотўғри. Ўз э'тиқодларига, ўз иродаларига қарши, вазият талабларига қарши равишда, ташқаридан келадиган «буйруқлар» блан иш қилишга рози бўлган коммунистларни сиз дун'ёда топа олмайсиз. Агар бирон жойда шундай коммунистлар бўлсалар, бундай коммунистлар сариқ чақага ҳам арзимаган бўлар эдилар.

Коммунистлар энг ботир, энг фидокор одамлардир, улар сон-саноқсиз душманларга қарши кураш олиб борадилар. Коммунистларнинг қиммати, жумладан, шундаки, улар ўз э'тиқодларида қаттиқ тура биладилар. Шунинг учун америка коммунистларини ўзларининг

э'тиқодлари йўқ ва ташқаридан келган «буйруқлар» асосидагина ишлай оладиган кишилар деб айтиш ғалати гап.

Ишчи лидерларининг да'воларида фақат бир нарса тўғри, у ҳам шуки, америка коммунистлари халқаро коммунистлар ташкилоти составига киradилар ва айрим масалалар тўғрисида вақт-бавақт бу ташкилотнинг маркази блан кенгашадилар. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Америка ишчи лидерлари халқаро ишчилар марказининг ташкил бўлишига қаршимилар? Рост, улар Амстердам[39] составига кирмайдилар. Лекин улар халқаро ишчилар марказига қарши бўлганларидан эмас, балки Амстердамни жуда ҳам сўл ташкилот деб билганларидан унга кирмайдилар. (Кулги.)

Нима учун капиталистлар халқаро миқ'ёсда уюша оладилар-у, ишчилар синфи ёки ишчилар синфининг бир қисми ўз халқаро ташкилотига эга бўлмаслиги лозим?

Грин ва унинг Америка меҳнат федерациясидаги[40] дўстлари капиталистларнинг «Москва буйруқлари» тўғрисидаги афсоналарини қулларча такрорлаб, америка коммунистларига туҳмат қилаётганликлари равшан эмасми?

Шундай одамлар борки, улар Москвадаги Коммунистлар Интернационали а'золари фақат ўтириб олиб ҳамма мамлакатлар учун директивалар ёзишдан бошқа иш қилмайдилар деб ўйлайдилар. Коминтерн составига 60 дан ортиқ мамлакат кирган экан, Коминтерн а'золарининг аҳволини тасаввур қилинг, улар на ухлайдилар, на овқат ейдилар ва фақат кеча-кундуз ўтириб олиб, ҳамма мамлакатлар учун директива ёзганлари ёзган экан-да. (Кулги.) Америка ишчи лидерлари

шу ғалати афсона блан ўзларининг коммунистлар олдида даҳшатга тушаётганликларини яширмоқчи ва коммунистларнинг Америка ишчилар синфининг энг ботир ва энг содиқ ходимлари эканликларининг устини хаспўшлаб кетмоқчи бўладилар!

Делегация бундай аҳволдан чиқиш йўлини сўрайди. Мен ўйлайманки, бунда ёлғиз бир йўл бор. Америка касаба союзлари ичида фикр ва оқимлар курашига йўл қўйиш, коммунистларни касаба союзидан суриб чиқариш каби реакцион сиёсатни улоқтириб ташлаш ва Америка ишчилар синфига бу оқимлар орасидан бирини ўз ихтиёри блан танлаб олишга имкон беришдир, чунки Америкада ҳали ўз Октябрь революцияси бўлган эмас ва унда ишчилар ҳали касаба союзларидаги турли оқимлар орасидан бирини қат'ий равишда танлаб олиш имкониятига эга бўлган эмаслар.

10-нчи САВОЛ. Америка компартиясига ёки коммунистлар газетаси «Дейли Уоркер»га ёрдам учун ҳозирги вақтда Америкага пул юбориб туриладими? Агар юборилмаса, америка коммунистлари йиллик а'золик бадаллари тариқасида III Интернационалга қанча пул берадилар?

ЖАВОБ. Агар гап Америка компартияси блан III Интернационал орасидаги ўзаро муносабат тўғрисида бораётган бўлса, бу ҳолда айтишим керакки, Коммунистлар Интернационалининг бир қисми бўлган Америка компартияси Коминтернга а'золик бадаллари тўлаб туради, албатта, шунингдек, халқаро коммунистик ҳаракатнинг маркази бўлган Коминтерн ҳам, зарур

топган чоқда, Америка компартиясига қўлидан келганича ёрдам қилади, бу турган гап. Мен ўйлайманки, бунда ҳечқандай таажжубланадиган ва қуюшқондан ошадиган ҳечнарса йўқ.

Агар гап Америка компартияси блан СССР компартияси орасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисида бораётган бўлса, бу ҳолда айтишим керакки, мен Америка компартияси вакилларининг СССР компартиясига ёрдам сўраб бирон мартаба мурожаат қилганликларини билмайман. Сизга бу ғалати бўлиб туйилиши мумкин, лекин бу америка коммунистларининг ортиқ даражада тортинчоқ эканликларини кўрсатадиган фактдир.

Хўш, Америка компартияси СССР компартиясига ёрдам сўраб мурожаат қилса, нима бўлар эди? Мен ўйлайманки, СССР компартияси қўлидан келган қадар ёрдам қилган бўлар эди. Дарҳақиқат, бир компартия, яна бунинг устига ҳокимият бошида турган компартия капитализм зулми остидаги бошқа мамлакат компартиясига қўлидан келганича ёрдам беришдан бўйин товласа, ундай компартиянинг нима қиммати қолар эди? Мен, бундай компартия сариқ чақага ҳам арзимайди, дердим.

Борди-ю, Америка ишчилар синфи ўз буржуазиясини йиқитиб, ҳокимиятни ўз қўлига олди; борди-ю, капитализмга қарши улуғ курашда енгиб чиққан Америка ишчилар синфига бошқа мамлакат ишчилар синфи қўлидан келганча моддий ёрдам беришни сўраб мурожаат қилди,— шу ҳолда Америка ишчилар синфи бундай ёрдам беришдан бош тортаолармиди? Мен ўйлайманки, агар ёрдам кўрсатишда иккиланса, у ўзини бутунлай шарманда қилган бўлар эди.

11-нчи САВОЛ. Биз биламизки, ба'зибир яхши коммунистлар ҳозирги вақтда реакцион руҳонийлар бостирилганлиги сабабидан, компартиянинг барча янги а'золари атеист бўлишлари керак деган талабига унча ҳам рози эмаслар. Компартия бутун илм-фанни қўллайдиган ва коммунизмга қарши бўлмайдиган динга келажакда бетараф бўла олармиди?

Агар диний э'тиқодлар партияга содиқликка хилоф келмаса, сизлар келажакда партия а'золарига диний э'тиқодларга риоя қилишга рухсат эта олармидингиз?

ЖАВОБ. Бу саволнинг бирмунча нотўғри жойлари бор.

Биринчидан, бу ерда делегатлар қандақа «яхши коммунистлар» тўғрисида гапиришаётибди, мен буни билмадим. Умуман бундай коммунистларнинг ўзи дун'ёда бўлмаса керак.

Иккинчидан, мен шуни айтишим керакки, расмий жиҳатдан қараганда, бизда партияга а'зо қабул қилишда партия а'золигига кандидат бўлган кишидан албатта атеист бўлишни талаб қиладиган шартлар йўқ. Партияга қабул қилиш шартларимиз шулар: партия программаси ва уставини таниш, партия ва унинг органларининг қарорларига албатта итоат қилиш, а'золик бадаллари тўлаш, партия ташкилотларидан бирига кириш.

Делегатлардан бири. Худога ишонганликлари учун партиядан чиқарилганлар тўғрисида мен жуда кўп хабар ўқиб тураман.

Сталин. Мен партияга қабул қилиш шартлари тўғрисида айтган сўзларимни такрорлай оламан, холос. Бизда бошқа шартлар йўқ.

Бундан партия динга нисбатан бетарафдир, деган ма'но келиб чиқадими? Йўқ, бундай ма'но келиб чиқмайди. Биз диний таассубларга қарши пропаганда олиб бормоқдамиз ва бундан кейин ҳам олиб борамиз. Мамлакатимизнинг қонуни шундайки, ҳарбир граждан ўзи истаган динга ишона олади. Бу ҳаркимнинг ўз виждонига боғлиқ. Худди мана шунинг учун ҳам биз черковни давлатдан айирганмиз. Броқ, биз черковни давлатдан айириш ва диний э'тиқод эркинлигини э'лон қилиш блан бирга, ҳарбир гражданга ишонтириш йўли блан, пропаганда ва агитация йўли блан бирон айрим динга қарши, ҳарқандай динга қарши курашиш ҳуқуқини берганмиз. Партия динга нисбатан бетараф бўлаолмайди ва у ҳарбир ва ҳарқандай диний таассубларга ва динга қарши пропаганда олиб боради, чунки партия илм-фан тарафдоридир, диний таассублар эса илм-фанга душмандирлар, чунки ҳарқандай дин илм-фанга зид бир нарсадир. Яқинда Америкада дарвинистларнинг[41] қораланганлиги каби ҳодисалар бизда бўлиши мумкин эмас, чунки партия илм-фанни ҳамма чоралар блан ҳимоя қилиш сиёсатини олиб боради.

Партия диний таассубларга нисбатан бетараф бўла олмайди ва бу таассубларга қарши пропаганда олиб боради, чунки бу пропаганда эксплуататор синфларни қувватловчи ва бу синфларга итоат қилишни тарғиб қилучи реакцион руҳонийларнинг та'сирига путур етказадиган энг яхши воситаларнинг биридир.

Партия диний таассубларни ташиб юручи кишиларга, меҳнаткаш омманинг онгини заҳарловчи реакцион руҳонийларга нисбатан бетараф бўла олмайди.

Биз реакцион руҳонийларни янчиб ташладикми? Ҳа, янчиб ташладик. Лекин гап шундаки, ҳали улар

батамом тугатилган эмаслар. Динга қарши пропаганда шундай воситаки, у реакцион руҳонийларни тугатиш ишини охиригача олиб бориши лозим. Шундай ҳоллар бўладики, партия а'золаридан ба'зи бировлари динга қарши пропагандани ҳартарафлама кучайтиришга халақит берадилар. Агарда бундай партия а'золарини партиядан чиқарсалар, бу жуда яхши, чунки бундай «коммунистларга» партиямиз қаторида ўрин йўқ.

12-нчи САВОЛ. Коммунизм барпо қилинмоқчи бўлган келгуси жамиятни қисқача тавсифлаб бераоласизми?

ЖАВОБ. Маркс, Энгельс ва Ленин асарларида коммунистик жамият умумий равишда тавсифлаб берилган.

Коммунистик жамиятнинг анатомияси қисқача баён қилиб берилса, у мана бундай бир жамият бўлади: а) бу жамиятда ишлабчиқариш қуроллари ва воситалари хусусий мулк бўлмайди, балки жамоат мулки, коллектив мулк бўлади; б) унда синфлар ва давлат ҳокимияти бўлмайди, балки меҳнаткашларнинг эркин иттифоқлари сифатида ўзларини иқтисодий жиҳатдан идора қиладиган индустрия ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бўлади; в) унда план блан ташкил қилинган халқ хўжалиги индустрия соҳасида ҳам, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам юксак техникага асосланади; г) унда шаҳар блан қишлоқ ўртасида, индустрия блан қишлоқ хўжалиги ўртасида қарама-қаршилик бўлмайди; д) унда маҳсулот эски француз коммунистларининг «ҳаркимдан қобилиятига яраша, ҳаркимга эҳтиёжига қараб» деган принципига мувофиқ тақсим қилинади;

е) унда фан ва сан'ат етарли даражада қулай шароитлардан фойдаланиб тўла равнақ топади; ж) унда бир бурда нон тўғрисида ғам ейишдан ва «дун'ё зўровонларига» хушомадгўйлик қилиш заруриятидан озод бўлган шахс чинакам озод бўлади.

Ва ҳоказо ва ҳоказо.

Равшанки, бизнинг бундай жамиятга етишимизга ҳали кўп вақт бор.

Коммунистик жамиятнинг тўла ғалаба қилиши учун зарур бўлган халқаро шароитлар хусусига келсак, капиталистик мамлакатларда революцион кризислар ва ишчилар синфининг революцион ҳаракатлари ўсган сари бу шароитлар вужудга келиб ўсаборади.

Бир ёки бирнеча мамлакатнинг ишчилар синфи социализмга ва айниқса коммунизмга бораберадилар-у, бошқа мамлакатларнинг капиталистлари эса бунга бепарво қараб, қўл қовуштириб ўтираберадилар, деб ўйлаш ўринсиздир. Капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфи бирон мамлакатда социализмнинг ғолибона ривожланишига оддий тамошабин бўлиб қараб тураберади, деб ўйлаш ҳеч мумкин эмас. Ҳақиқатда эса капиталистлар бундай мамлакатларни бўғиб ташлаш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўрадилар. Ҳақиқатда эса бирон мамлакатда социализм сари ва айниқса коммунизм сари қўйилган ҳарбир жиддий қадам муқаррар равишда капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфининг шу мамлакатларда ҳокимиятни қўлга олиш ва социализмга эришиш учун жуда зўр бериб ҳаракат қилишлари блан бирга боради.

Шундай қилиб, халқаро революциянинг ва халқаро реакциянинг бундан кейинги ривожланаборишида дун'ё

миқ'ёсида икки марказ: социализмга интилаётган мамлакатларни ўзига жазб этучи социалистик марказ ҳамда капитализмга мойил бўлган мамлакатларни ўзига жазб этучи капиталистик марказ вужудга келади. Бу икки лагерьнинг кураши бутун дун'ёда капитализм ва социализмнинг тақдирини ҳал қилади.

II

ЎРТОҚ СТАЛИННИНГ САВОЛЛАРИ ВА ДЕЛЕГАТЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Сталин. Агар делегация унча чарчамаган бўлса, мен ўз навбатимда унга бирнеча саволлар беришга рухсат сўрар эдим. (Делегация розилик билдиради.)

1-нчи САВОЛ. Америкада ишчиларнинг касаба йўли блан оз процент уюшганлигига сабаб нима?

Сизларда 17 миллионга яқин индустриал ишчилар бўлса керак. (Делегатлар 18 дан 19 миллионгача индустриал ишчилар бор, деб ма'лумот бердилар.) Шундан 3 миллионга яқини уюшган бўлса керак. (Делегатлар Америка Меҳнат Федерациясида тахминан 3 миллион уюшган ишчи борлигини, бундан ташқари, бошқа союзларда ярим миллион уюшган ишчи борлигини, шундай қилиб жам'и $3^1/_2$ миллион ишчи борлигини билдирадилар.) Шахсан мен буни касаба союзларига уюшган ишчилар сонининг жуда оз процентидир деб ҳисоблайман. Бизда, СССРда мамлакатдаги ҳамма пролетарларнинг 90 проценти касаба союзларига уюшган. Мен делегациядан сўрайман,

ишчиларнинг касаба союзларига нисбатан бунчалик оз уюшганлигини делегация ижобий бир факт деб ҳисоблайдими. **Делегация бу факт Америка пролетариатининг кучсизлигини, унинг иқтисодий соҳада капиталистларга қарши курашдаги қуролининг кучсизлигини кўрсатучи факт деб ҳисоблайдими?**

Брофи. Касаба союзларида а'золарнинг камлигига касаба ташкилотлари тутган тактиканинг ёмон тактика эканлиги эмас, балки мамлакатдаги умумий иқтисодий шароитлар сабабдирки, бу шароитлар ишчилар оммасининг ҳаммасида ҳам ташкилотга интилиш туғдирабермайди, ва шу иқтисодий шароитларнинг қулайлиги ишчилар синфининг капиталистлар блан кураш заруриятини камайтиради. Албатта бу шароитлар ўзгаради ва бу шароитлар ўзгариши блан бирга касаба союзлари ҳам ўсади ва бутун касаба ҳаракати бошқа йўл блан кетади.

Дуглас. Мендан олдин сўзлаган нотиқнинг айтганига қўшиламан. Мен унга қўшиб айтмоқчиманки, биринчидан, Америка Қўшма Штатларида сўнгги вақтда капиталистларнинг ўзлари ишҳақини жуда ошираборганлигини кўзда тутиш керак. Бу ишҳақини ошириш ҳодисаси 1917 йилда, 1919 йилда ва ундан кейин ҳам бўлди. Агар ҳозирги вақтдаги реал ишҳақи блан 1911 йилдаги ишҳақини солиштирсак, ҳозирги ишҳақининг анча ошганлиги кўринади.

Касаба ҳаракати ўз тараққиёти давомида дастлаб цехларга қараб, касбларга қараб тузилган эди ва ҳозир ҳам шундай тузилмоқда ва касаба союзлари кўпинча малакали ишчилар учун тузилиб келган. Бу союзларнинг бошида ма'лум йўлбошчилар туриб, улар биқиқ бир ташкилотнинг намояндалари эдилар ва ўз

а'золарига яхши шароит туғдириш учун курашар эдилар. Уларда касаба союзларининг доирасини кенгайтиришга ва касаба союзларига малакасиз ишчиларни уюштиришга да'ват этадиган сабаб йўқ эди.

Бундан ташқари, Америка касаба ҳаракати жуда яхши уюшган капитализм блан ҳисоблашишга мажбурдир, бу капитализм барча ишчиларнинг касаба союзларига уюшишига тўсқинлик қилмоқ учун ҳамма воситаларга эгадир. Айтайлик, агарда трестлашган ишлабчиқариш ўз корхоналаридан бирида касаба союзининг жуда кучли қаршилигига учраса, у ҳатто бу корхонани ёпиб, ишларни ўзининг бошқа корхонасига ўтказиб юбориш чорасини кўришдан ҳам тоймайди. Шу йўл блан касаба союзининг қаршилиги синдирилади.

Америка капитализми ишчиларнинг ишҳақини ўзи оширади, аммо иқтисодий соҳада ишчиларга ҳечқандай ҳокимлик бермайди. Уларга ўз турмушларини яхшилаш учун курашмоққа имконият бериб қўймайди.

Америкадаги иккинчи жуда муҳим ҳолат шундан иборатки, капиталистлар ҳархил миллатларнинг ишчилари орасига низо' солиб турадилар. Малакасиз ишчилар кўпинча Европадан келган ишчилардир, ёки сўнгги вақтларда негр ишчилардир. Капиталистлар ҳархил миллатларнинг ишчилари орасига низо' солишга тиришадилар. Бу миллатларга қараб айириш малакали ва малакасизлигига қараб ҳам қилинади. Капиталистлар ҳархил миллат ишчилари орасига, уларнинг малакали ва малакасиз бўлишларидан қат'ий назар доимо душманлик уруғи сочиб туради.

Сўнгги ўн йил мобайнида Америка капитализми компания союзлари деб аталган касаба союзлари тузиб, шу ма'нода бироз ма'рифатпарварроқ сиёсат олиб

бормоқда. У ишчиларни ўз корхонасида ишлашга жалб қилмоқда, ишчиларни бу корхонанинг фойда олишига қизиқтирмоқда ва бошқа чоралар кўрмоқда. Америка капитализмида горизонтал бўлинишни вертикал бўлиниш блан алмаштириш тенденцияси, я'ни ишчилар синфини капитализм манфаатлари йўлида хизмат қилдириб ва шунга қизиқтириб, унинг қаторларини бўлиб юбориш тенденцияси бор.

Койль. Мен масалага назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан қарайман. Тўғри, ҳаммадан яхшиси ишчиларни яхши вақтларда уюштириш керак, лекин гап шундаки, Америка меҳнат федерацияси а'золари сонидаги ўзгаришлар шуни кўрсатадики, малакасиз ишчилар аста-секин Америка меҳнат федерациясидан чиқиб кетмоқда ва федерация ўз составида малакали ишчилар сонини кўпайтирмоқда. Шундай қилиб, Америка меҳнат федерацияси ўз составида, асосан, малакали ишчилар бўлган ташкилот бўлишни истайди ва аста-секин шундай ташкилот бўлиб бормоқда.

Америкада касаба ҳаракати малакасиз ишчиларни ўз ичига олмайди деярлик.

Саноатнинг йирик тармоқларида ишловчилар касаба союзларига тортилмаган. Бу йирик саноат тармоқларидан фақат кўмир ва темир йўл саноатининг ишчиларигина бир қадар уюшганлар, шунда ҳам кўмир саноатида 65 процент уюшмаган ишчилар ишлайди. Пўлат қуйиш саноати, каучук, автомобиль саноати каби саноат тармоқлари касаба йўли блан бутунлай деярлик уюшмаганлар. Малакасиз ишчилар касаба союзларига уюшмаганлар деб айтиш мумкин.

Америка меҳнат федерациясидан бўлак, малакасиз ва малакаси оз ишчиларни уюштиришга тиришадиган

бир қанча касаба союзлари бор. Америка меҳнат федерацияси етакчиларининг позициясига келганда, масалан, шу етакчилардан бири — металлистлар касаба союзларининг раиси ўз союзига малакасиз ишчиларни тортишни ҳоҳламаганлигини очиқдан-очиқ айтди. Касаба союз етакчиларига келганда аҳвол шундайки, йилига 10 минг долларлаб ва бундан ҳам ортиқ катта-катта пул олиб турадиган бир неча ўн кишидан иборат етакчилар тоифаси пайдо бўлиб қолган, буларга яқин йўлаш ҳаддан ташқари қийин.

Дунн. Ўртоқ Сталин томонидан берилган савол адолат блан берилган савол эмас, чунки агар унинг мамлакатида ишчиларнинг 90 проценти касаба союзларига уюшган бўлса, бунда ҳокимият ишчилар синфи қўлида, ҳолбуки капиталистик мамлакатларда ишчилар эзилган синфдирлар ва буржуазия ишчиларнинг касаба союзларига уюшувига имкон бермаслик учун ҳамма чораларни кўради.

Бундан ташқари, унда тепасида реакцион етакчилар турадиган реакцион касаба союзлари бор. Америкадаги мавжуд шароитда касаба союзлари идеясининг ўзини ишчиларнинг миясига сингдириш жуда қийин. Америкада касаба союзларининг бунчалик кам қулоч ёйганлигига сабаб шу.

Сталин. Энг сўнг гапирган нотиқ Америка ишчилар ҳаракатининг ба'зи лидерлари касаба ҳаракатини торайтиришга ўзлари уринаётганлари ҳақида сўзлаган олдинги нотиққа қўшиладими?

Дунн. Қўшиламан.

Сталин. Мен ҳечкимни ранжитмоқни истамадим. Мен фақат Америка блан СССРдаги аҳвол орасида бўлган фарқни билиб олмоқни истадим. Агарда мен

бирон кишини ранжитган бўлсам, кечиришини сўрайман. (Делегатлар куладилар.)

Дунн. Мен асло ранжимадим.

Сталин. Америкада ишчилар учун давлат страхования системаси борми?

Делегатлардан бири. Ишчилар учун давлат страхования системаси Америкада йўқ.

Койль. Штатларнинг кўпида иш вақтида фалокатга йўлиққанларга компенсация берилади, аммо компенсация йўқотилган меҳнат лаёқатининг энг кўп деганда 30 проценти миқдорига тўланади. Бу, штатларнинг кўпида бор. Бу компенсация меҳнат лаёқати қайси корхонада йўқотилган бўлса шу корхона эгаси бўлган хусусий фирмалар томонидан тўланади, чунки бундай ҳақ тўлашни қонун талаб қилади.

Сталин. Америкада давлат ҳисобига ишсизларни страхования қилиш борми?

Делегатлардан бири. Йўқ. Ишсизларни страхования қилиш учун тузилган фонд бутун штатлар бўйича 30 мингдан тортиб 100 минггача ишсизга етади, холос.

Койль. Индустриядаги бахтсиз ҳодисалар учун, я'ни ишлабчиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар учун (давлат страхованияси бўлмаган) страхования бор. Аммо касаллик ёки кексалик орқасида юз берган инвалидлик ҳечбир страхования қилинмайди. Страхования фонди ишчилар тўлаган взнослардан тузилади. Ишнинг асли шундан иборатки, бу страхования фондининг жам'ини ишчиларнинг ўзлари тўлайдилар, чунки, агар ишчилар бу фондни тузмаган бўлсалар, кўпроқ устама ҳақ олган бўлар эдилар, бу фондни тузишда ишчилар блан корхона эгалари орасида келишиш бўлгани сабабидан, ишчилар кам устама ҳақ олади-

лар. Бу — фонднинг жам'и суммасини ташкил этади, деса бўлади. Корхона эгалари ҳақиқатда бу фонднинг жуда оз қисмини, тахминан 10 процентини тўлайдилар.

Сталин. Агар мен СССРда ишчиларни страховация қилиш учун давлат ҳисобидан ҳар йили 800 миллион сўмдан ошиқроқ пул сарф қилинишини айтсам, ўртоқларни бу қизиқтирар деб ўйлайман.

Яна сизга шуни билдириш ҳам ортиқча бўлмас: бизда ишчилар саноатнинг ҳамма тармоқлари бўйича одатда пул блан оладиган ишҳақларидан ташқари страхования учун, турмуш-маишатларини яхшилаш учун, маданий эҳтиёжлар учун ва бошқалар учун ишҳақининг учдан бири миқдорида яна қўшимча ҳақ оладилар.

2-нчи САВОЛ. Шимолий Америка Қўшма Штатларида махсус оммавий ишчи партиясининг йўқлигига сабаб нима?

Америкада буржуазиянинг бир эмас, икки партияси — республикачилар ва демократлар партияси бор, аммо Америка ишчиларининг ўзларининг оммавий сиёсий партиялари йўқ. Ўртоқлар ишчилар синфининг лоақал Англиядаги (Лейбор парти) каби ўз оммавий ишчи партияси йўқлиги унинг капиталистларга қарши сиёсий курашида кучини бўшаштиради деб ҳисобламайдиларми?

Яна савол: **нима учун Америка ишчилар ҳаракатининг лидерлари, Грин ва бошқалар, Америкада мустақил ишчилар партияси тузишга қат'ий суратда қарши чиқадилар?**

Брофи. Ҳа, лидерларнинг бундай партияни тузиш зарурати йўқ деган қарорлари бўлган эди. Броқ,

бундай партияни тузиш зарур деючи озчилик ҳам бор. Ҳозир Америкада об'ектив шароит шундайки, юқорида айтилганча, Қўшма Штатларда касаба ҳаракати жуда заиф, касаба ҳаракатининг заифлигига сабаб шуки, ишчилар синфининг ҳозирча уюшишга ва капиталистларга қарши курашишга зарурати йўқ, чунки ишчиларнинг ишҳақини капиталистларнинг ўзлари оширадилар, уларни моддий жиҳатдан қаноатланадиган қилиб та'мин этадилар.

Сталин. Умуман агар та'мин қилинади дейдиган бўлсак, асосан, малакали ишчилар та'мин қилинадилар-ку. Бунда қандайдир зиддият бор. Бир томондан, шундай бўлиб чиқадики, ишчилар та'мин этилганликлари сабабидан уюшиш зарурати йўқ экан; иккинчи томондан, касаба союзларида худди ўша энг кўп та'мин бўлган, я'ни малакали ишчилар уюшган дейдилар; учинчи томондан, шундай бўлиб чиқадики, касаба союзларига худди энг оз та'мин бўлганлар, я'ни малакасиз ишчилар уюшмаганлар, ҳолбуки шулар уюшишга энг кўп муҳтождирлар. Мен шуни ҳеч тушунаолмайман.

Брофи. Ҳа, бунда зиддият бор, аммо сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан Америкадаги аҳвол ҳам худди шундай зиддиятдан иборат.

Бребнер. Малакасиз ишчилар союзларга уюшмаган бўлсалар-да, овоз беришда сиёсий ҳуқуққа эгадир. Шундай қилиб, агар норозилик ҳоллари бўлар экан, малакасиз ишчилар, ўзларининг овоз беришдан иборат сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланиб, бу норозиликларни изҳор қиладилар. Иккинчи томондан, касаба союзларига уюшган ишчилар жуда оғир аҳволга тушиб қолган вақтларида союздан эмас, ўзларининг овоз бериш-

дан иборат сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Шундай қилиб, овоз беришдан иборат сиёсий ҳуқуқ касаба союзига уюшмаганликнинг ўрнини қоплайди.

Израэльс. Асосий қийинчиликлардан бири Қўшма Штатлардаги системанинг, сайлов системасининг ўзидир. У ерда президент сайловларида бутун мамлакатнинг ёки ҳатто қандай бўлса-да, бирор синфнинг кўпчилик овозини олган киши сайланмайди. Унда ҳарбир штатда сайлов коллегиялари бор, ҳарбир штат президент сайловларида қатнашучи муайян миқдордаги овозга эга. Президент бўлиб сайланмоқ учун барча овозларнинг 51% ини олиш керак. Агарда 3—4 та партия бўлса, у ҳолда шундай аҳвол юз берадики, ҳечким сайланмай қолади ва сайлов конгрессга кўчирилиши керак бўлади. Учинчи партияни тузишга қарши қўйилган далил мана шу. Учинчи партияни тузишга қарши бўлганлар ўз далилларини шундай баён қиладилар: учинчи номзод кўрсатманглар, бундай қилсангизлар либерал партиянинг овозларини бўлиб юборган бўласизлар ва либерал партия номзодининг сайланишига имкон бермай қўясизлар.

Сталин. Шунга қарамай сенатор Лафоллет бир вақтда учинчи буржуа партиясини тузабошлаган эдику. Шундай бўлиб чиқадики, агар учинчи партия буржуа партияси бўлса, овозларни бўлиб юбормас экан-у, агар у ишчилар партияси бўлса овозни бўлиб юборар экан-да.

Дэвис. Мен ўзимдан олдин гапирган нотиқнинг далилини асосли далил деб ҳисобламайман. Менимча, асосий далил мана бу. Мен мисол қилиб ўзим яшаб турган шаҳарни оламан. Сайлов кампанияси вақтида бирон партиянинг вакили келади ва касаба

ташкилотининг бошлиғига қандайдир бир мас'ул вазифа таклиф қилади, сайлов кампанияси муносабати блан касаба ташкилотининг бошлиғига ма'лум миқдорда маблағ беради, бу маблағ шу бошлиқнинг фойдасига кетади, у мас'ул вазифага ўтириб олгандан кейин ма'лум даражада обрў қозонади. Шундай аҳвол туғиладики, касаба ҳаракати лидерларининг ўзлари бирон буржуа партиясининг тарафдори бўлиб чиқадилар. Шунинг учун табиийдирки, учинчи партия — ишчилар партияси тузиш тўғрисида гап чиқиб қолса, касаба ҳаракатининг бу лидерлари бундай партия тузиш йўлида ҳечбир ҳаракат қилгулари келмайди. Бунда, улар, агар учинчи партия тузилса, касаба союзларида ажралиш пайдо бўлади, деган важни ҳам кўрсатадилар.

Дуглас. Касаба союзларида фақат малакали ишчиларнинг уюшганлигига асосий сабаб шуки, касаба союзига уюшмоқ учун ма'лум фонд ва ма'лум маблағ керак, чунки а'золик бадаллари жуда катта бўлганлигидан малакасиз ишчиларнинг союзга кириш учун бундай кўп ҳақ тўлашга қурблари етмайди.

Бундан ташқари, малакасиз ишчилар доимо хавфда бўладилар, чунки агар улар уюшишга урунсалар, корхона эгаси уларни ишдан ҳайдаб юборади, фақат малакали ишчилар актив ёрдам берсаларгина малакасиз ишчилар уюшаоладилар. Кўп вақтда уларга бундай ёрдам берилмайди. Мана бу аҳвол малакасиз ишчиларнинг касаба союзларига уюшишларига йўл қўймайдиган асосий тўсқинликлардан биридир.

Ишчилар оммаси ўз ҳуқуқларини асосан сиёсий йўл блан ҳимоя қилади. Малакасиз ишчининг ташкилоти йўқлигига асосий сабаб шу деб ҳисоблайман.

Мен Америка сайлов системасининг бир хусусиятини кўрсатиб ўтишим керак, бу сайловларнинг тўппа-тўғри эканидир, бунда истаган ҳарбир киши сайлов мажлисига кираолади, ўзини демократ деб ёки республикачи деб э'лон қила олади ва овоз бера олади. Мен қаттиқ ишонаманки, агар Гомперснинг шундай тўппа-тўғри сайлов каби қуроли бўлмаса эди, у ишчиларни сиёсий бўлмаган программада тутиб тура олмас эди. Гомперс ишчиларга ҳамма вақт: агар ишчилар сиёсий йўл блан ҳаракат қилишни истасалар, улар мавжуд икки сиёсий партияга бориб киришлари ва унда бирон вазифани эгаллашлари, унда обрў қозонишлари мумкин деб айтиб келди. Мана шу қурол воситаси блан Гомперс ишчиларни ишчилар синфининг уюшиши идеясидан ва ишчилар партияси тузиш идеясидан қайтариб туришга муваффақ бўлиб келди.

3-нчи САВОЛ. СССРни таниш масаласида Америка меҳнат федерацияси лидерларининг буржуаларнинг кўпидан кўра реакционроқ эканликларига сабаб нима?

Бора жаноблари ва бошқалар сингари буржуалар СССРни танишни ёқлаб гапираётганлари ҳолда Америка ишчилар ҳаракатининг лидерлари, Гомперсдан тортиб Грингача, биринчи ишчилар республикасини танишга қарши, СССРни танишга қарши энг реакцион пропаганда юргизганликларининг ва юргизаётганликларининг сабаби нима?

Ҳатто Американинг собиқ президенти реакционер Вудро Вильсон Совет Россиясини «табрик қилишни» мумкин деб ҳисоблагани бир чоқда, Грин ва Америка меҳнат федерациясининг бошқа лидерлари реакцион-

ликда капиталистлардан ҳам ўтиб тушишни хоҳлаганликларига сабаб нима?

Германия кайзерининг аскарлари Совет Петроградига ҳужум қилган вақтда, 1918 йилнинг мартида, Вудро Вильсоннинг Россия Советлар с'езди номига юборган «табриги»нинг тексти мана бу:

«Советлар с'ездидан фойдаланиб, Қўшма Штатлар халқлари номидан, айниқса ҳозир, рус халқининг озодлик йўлидаги курашига халал бериш, озодлик натижасида эришилган барча ютуқларни йўқ қилиш, Германиянинг ғараз ниятларини амалга ошириш ва рус халқини қул қилиш ниятида Германия ўз қуролли кучларини мамлакатингиз ичкарисига юборган чоқда, рус халқига самимий хайрихоҳлик билдирмоқ истар эдим. Гарчи Қўшма Штатлар ҳукумати ҳозир, таассуфки, Россияга беришни истаган ёрдамини бевосита бера олмаса-да, мен шу с'езд орқали рус халқини ишонтирмоқ истайманки, Қўшма Штатлар ҳукумати Россиянинг ички ишларида илгаригидек тўла суверенитетга эга бўлиши ва тўла мустақил бўлиб олиши учун ҳамда унинг Европа ҳаётида ва ҳозирги инсоният ҳаётида ўйнаган буюк ролини батамом тиклаш учун бутун имкониятлардан фойдаланажак. Қўшма Штатлар халқи рус халқининг самодержавиедан абадий қутилиш ва ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш учун интилганлигига чин кўнгилдан хайрихоҳлик билдиради» (1918 йил 16 мартда чиққан 50-нчи сон «Правда»ни қаранг).

Америка меҳнат федерацияси лидерларининг реакцион Вильсондан кўра ҳам реакционроқ бўлмоқни истаганликларини нормал бир ҳол деб бўладими?

Брофи. Бунинг сабабларини аниқ айтиб бера олмайман, аммо Америка меҳнат федерацияси Амстердам интернационалига қандай сабаблар блан кирмаган бўлса, Америка меҳнат федерацияси лидерларининг Совет Россиясини танимаслик нуқтаи назарида туришларига ҳам сабаб шудир, деб ҳисоблайман. Фарқ

Америка ишчиларининг ўзига хос фикр қилишларида ва Америка ишчилари блан Европа ишчиларининг иқтисодий ҳаётидаги айирмададир.

Сталин. Аммо менга ма'лум бўлганига қараганда, Америка меҳнат федерациясининг лидерлари фашистлар ҳукм суриб турган Италия ёки Польшанинг танилишига қарши эмаслар.

Брофи. Сиз фашистлар ҳукумати мавжуд бўлган Польша ва Италияни мисол қилиб кўрсатиш блан, СССРнинг Америка томонидан танимаслик сабабини кўрсатиб бераяпсиз. СССРга бундай ёмон кўз блан қарашнинг сабаби Америка касаба ҳаракатининг лидерлари блан ундаги коммунистлар ўртасида бўлган хунук муносабатлардир.

Дунн. Мендан олдинги нотиқ кўрсатган далил,— улар ундаги коммунистлар блан чиқишмай туриб қандай қилиб СССРни танисинлар деган далил ишониб бўладиган далил эмас, чунки улар СССРни танимаслик тўғрисида Америка компартияси тузилмасдан буруноқ тарғибот юргизар эдилар.

Асосий сабаб шундан иборатки, Америка меҳнат федерациясининг лидерлари социализм деган нарсанинг отини атагулари ҳам келмайди. Бу масалада эса капиталистлар уларни қайрайди, бу капиталистларнинг «Миллий граждан уюшмаси» деб аталадиган ташкилоти бўлиб, бу ташкилот ҳамма чоралар блан Америка жамоатчилигини социализмнинг ҳарқандайига қарши қайрашга ҳаракат қилади. Бу ташкилот СССР блан Америка ўртасида савдо алоқасини кенгайтириш тарафдори бўлиб чиққан Айви Ли позициясига қарши чиқди. Бу ташкилотнинг етакчилари: либераллар шундай гап юргиза бошлар эканлар, биз қандай қилиб

ишчи синфимиз ичидаги тартибга кўз-қулоқ бўлиб тура оламиз, деб айтадилар. «Миллий граждан уюшмаси» капиталистларнинг бир группасининг ташкилоти бўлиб, улар бу ташкилотга катта пул солганлар ва унга раҳбарлик қиладилар. Шуни айтиб ўтиш керакки, Америка меҳнат федерацияси раисининг ўринбосари Матью Волл бу реакцион уюшма президентининг ўринбосаридир.

Брофи. Қасаба союзи етакчиларининг реакционлигини асосий сабаб қилиб кўрсатиш тўғри эмас. Бу масалага чуқурроқ қараш керак. Америка делегациясининг СССРга келиши Америка ишчиларидан бир қисмининг Совет Иттифоқига хайрихоҳлик блан қарашини кўрсатадиган энг яхши далил ва белгидир. Мен Америка меҳнат федерацияси етакчиларининг СССР ҳақидаги фикри Америка ишчилар синфи кўпчилигининг фикридан фарқ қилмайди деб ҳисоблайман. Ишчилар синфи кўпчилигининг СССРга муносабат масаласидаги позицияси СССРнинг йироқлигидандир. Америка ишчилар синфи интернационал ишларнинг ҳарқандайидан ҳам манфаатдор эмас, Америка ишчилар синфининг СССРга муносабати масаласида эса буржуазиянинг та'сири кучлидир.

„Правда" № 210,
1927 йил 15 сентябрь

ЎРТОҚ М. И. УЛЬЯНОВАГА

ЎРТОҚ Л. МИХЕЛЬСОНГА ЖАВОБ

Яқинда Сиздан ўртоқ Михельсоннинг миллий масала тўғрисида ёзган мактубининг копиясини олдим. Бир-икки оғиз сўз блан жавоб бераман.

1) Бурят ўртоқлар мендан: «Айрим автоном республикаларимиз доираларида ривожланиб бораётган миллий маданиятлар орқали ягона умуминсоният маданиятига қай тарзда **ўтилади?»** деб сўраган эдилар (Сталин, «Ленинизм масалалари», 259 бетга қаралсин[42]). Мен уларга, бу ўтиш «социализм даврида ҳамма тиллар йўқолиб бориб, битта умуминсоният тили вужудга келиши»[43] орқали эмас, балки миллатларнинг **мазмунан** пролетар маданияти бўлган умуминсоният маданиятига мазкур миллатларнинг тилига ва турмушига мувофиқ келадиган **формаларда** қўшилиши орқали бўлади, деб жавоб берган эдим («Ленинизм масалалари»га қаралсин). Тушунтиришларимда мен революциямизнинг илгарилар четга суриб қўйилган миллатлар ва уларнинг маданиятининг яшнаши ва юксалишига олиб келган тараққийси соҳасидан бир қанча фактлар келтирган эдим. Мунозара шу тўғрида бўлган эди.

Ўртоқ Михельсон мунозаранинг моҳиятини тушунмапти.

2) Ўртоқ Михельсон менинг: «Социализм даврида» деган сўзимга (юқорида айтилганларга қаралсин) ва менинг, баъзибир миллатларнинг ассимиляцияланиш процесси умуман миллатнинг йўқ бўлиши демак эмас, деган гапимга ўринсиз ёпишиб олди, Сталиннинг баъзи бир иборалари бу ибораларни миллий масалада «ленинизмни ревизия қилиш» маъносида талқин қилишга сабаб бўлиши мумкин, деб даъво қилади. Бунда у Лениннинг: «социализмнинг мақсади инсоният оламининг майда-майда давлатларга бўлиниб кетганлигини ва миллатларнинг ҳарқандай ўзига айримлигини йўқ қилишгина, миллатларни бир-бирига яқинлаштиришгина бўлмай, балки уларни бирга қўшиш ҳамдир»[44] деган сўзларини келтиради.

Мен ўйлайманки, биринчидан, ўртоқ Михельсон масаланинг бурят ўртоқлар хатида талқин қилинган ва Сталин Шарқ Меҳнаткашлари Коммунистик Университетида сўзлаган нутқида фақат шу тўғрида гап юритиш блан чекланмай иложи бўлмаган доирада қўйилишидан четга чиқади. Бурятлар хатида гап худди миллий маданиятлар орқали умуминсоният маданиятига **ўтиш** устида юритилган эди, шу блан бирга бурят ўртоқлар, равшанки, **аввал** миллий маданиятлар бўлади, **кейин эса** умуминсоният маданияти бўлади, деб ўйлаганлар. Сталин бунга жавобан эътироз билдириб, бу **ўтиш** бурятлар ўйлаган тартибда содир бўлмайди, балки СССРдаги миллатларнинг (шаклан) миллий маданиятининг **ҳам** ва (мазмунан) умуминсоният маданиятининг **ҳам бирвақтда** юксалиб бориши тартибида содир бўлади, бу **ўтишнинг** фақат шу тартибида-

гина миллатларнинг умуминсоният маданиятига қўшилуви мумкин бўлади, деган эди («Ленинизм масалалари»га қаралсин).

Сўнгра, мен ўйлайманки, ўртоқ Михельсон менинг жавобимнинг ма'носини тушунмапти. Биздаги «социализм даври» тўғрисида гапирганимда мен социализмнинг «провард» ғалабасини, социализм **барча мамлакатларда** ёки **бирнеча муҳим мамлакатларда** ғалаба қозонган тақдирда, бутун дун'ё миқ'ёсидагина эришиши мумкин бўладиган шундай ғалабани эмас, балки **бизнинг мамлакатимиздаги** социалистик қурилиш даврини назарда тутган эдим. Бу нарса масаланинг Шарқ Меҳнаткашлари Коммунистик Университетида сўзлаган нутқимда қўйганимдан батамом равшан кўриниб туради. Мамлакатимиздаги социалистик қурилиш даври («социализм даври») ичида, я'ни социализм бошқа мамлакатларда ғалаба қилмагунича, бизда миллатлар албатта тугаб, битта умумий тил блан битта миллат бўлиб қўшилиб кетади, деб бўладими? Мен ўйлайманки, бундай деб бўлмайди. Бугина эмас, пролетариат диктатураси ҳатто **бутун дун'ё миқ'ёсида** ғалаба қилганидан кейин ҳам, ҳатто шундан кейин ҳам миллий ва давлат тафовутлари ҳали узоқ вақт сақланиб туради.

Лениннинг қуйидаги гаплари мутлақо ҳақ гап эди: «халқлар ва мамлакатлар ўртасида бўлган миллий ва давлат тафовутлари... пролетариат диктатураси ҳатто бутун дун'ё миқ'ёсида амалга ошганидан кейин ҳам ҳали узоқ ва жуда узоқ вақтгача сақланиб қолади» (XXV том, 227 бетга қаралсин).

Бас шундай экан, ўртоқ Михельсоннинг Лениндан келтирган, социализмнинг мақсади провард ҳисобда

миллатларни бирга қўшишдан иборат, деган цитатани қандай ма'нода тушунмоқ керак? Мен ўйлайманки, у цитатани ўртоқ Михельсон тушунган ма'нода тушунмаслик керак. Чунки юқорида айтилгандан кўриниб турибдики, бу цитатада Ленин миллатларнинг бирга қўшилувини социализмнинг провард вазифаси деб, бу вазифа социализм **барча мамлакатларда** ғалаба қилиши натижасида, «пролетариат диктатураси бутун дун'ё миқ'ёсида амалга ошганидан кейин» орадан «узоқ ва жуда узоқ» вақт ўтгач амалга ошириладиган вазифа деб ҳисоблаган.

Демак, ўртоқ Михельсон Ленинни тушунмаган.

3) Менинг назаримча, Сталин «иборалари» «аниқлашлар»га муҳтож эмас. Партия с'езди вақтида очиқ мунозарада оппозиция юрак бетлаб миллий масаланинг принципиал томони тўғрисида сўз очиб қолса кошкийди, деб сабрсизлик блан кутмоқдаман. У юрак бетлай олмаса керак деб қўрқаман, чунки, Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссиясининг пленумида Зиновьевнинг чиқиши муваффақиятсизликка учраганидан кейин, оппозиция ўзининг яқиндаги «платформаси»да миллий маданият тўғрисидаги масалани мутлақо тилга олмай ўтишни афзал кўрди. Агар мабодо оппозициячилар ҳарқалай юрак бетлаб қолгудай бўлсалар,— у ҳолда партия учун яна яхши, чунки партия бундан фақат ютади.

И. Сталин

1927 йил 16 сентябрь.

Биринчи марта босилди

РУС ОППОЗИЦИЯСИНИНГ СИЁСИЙ ҚИЁФАСИ

Коминтерн Иҗроия Комитети Президиуми блан Интернационал Контроль Комиссияси қўшма мажлисида сўзланган нутқдан
1927 йил 27 сентябрь

Ўртоқлар! Нотиқлар бу ерда хўп яхши ва хўп ба-ма'ни гапирдиларки, менга айтадиган кам гап қолади.

Мен Вуйовичнинг нутқини эшитолмадим, чунки бу кезда мен залда эмас эдим ва унинг нутқи охирлаганидагина кириб қолдим. Шу нутқнинг охиридан мен унинг ВКП(б)ни оппортунизмда айблаётганлигини, ўзини эса большевик деб ҳисоблаётганлигини ва ВКП(б)га ленинизмдан та'лим бермоқчи бўлаётганлигини пайқадим.

Бунга нима деса бўлади? Бизда, партияда, афсус, бир неча одамлар борки, улар ўзларини большевиклармиз деб атайдилар, аммо ҳақиқатда улар ленинизм блан ҳеч қандай алоқалари йўқ одамлардир. Мен ўйлайманки, Вуйович ҳам шундай одамлар жумласидандир. Ана шундай одамлар ВКП(б)га ленинизмдан та'лим бермоқчи бўлар эканлар, бундан нима чиқишини билиб олиш қийин эмас. Мен ўйлайманки, Вуйовичнинг танқиди жавоб бериб ўтиришга арзимайди.

Немис шоири Гейне блан бўлган кичкина бир воқиа ёдимга тушди. Ижозат беринг, сизга шу воқиани

айтиб берайин. Матбуот саҳифаларида Гейнега қарши танқид блан чиққан ҳархил танқидчилар ичида Ауфенберг деган жуда ҳам ношуд ва кўп нодон бир адабий танқидчи бўлган. Бу ёзучининг асосий хислати шу бўлганки, у Гейнени ҳадеб «танқид» қилаберган ва матбуот саҳифаларидаги танқиди блан Гейнени ҳечбир ҳаё қилмай сра жон-ҳолига қўймаган. Гейне, чамаси, бу «танқидга» э'тибор беришни кераксиз топган бўлса керак, бинобарин у ҳечбир индамай юра берган. Бу ҳол Гейненинг дўстларини ҳайратда қолдирган, бинобарин улар Гейнега хат блан мурожаат қилганлар: бу қанақа гап ахир, ёзучи Ауфенберг Гейнега қарши аллақанча танқидий мақола ёзди, Гейне эса жавоб ёзишни лозим кўрмайди, деганлар. Гейне охири жавоб ёзишга мажбур бўлган. Хўш, Гейне ўз дўстларининг мурожаатига жавобан нима деган? Гейне матбуотда икки оғиз сўз блан жавоб берган: «Ауфенберг деган **ёзучини** мен танимайман; у Дарленкурга ўхшаш бир одам бўлса керак, лекин мен Дарленкурни ҳам танимайман» деган.

Вуйовичнинг танқидий машқлари ҳақида рус большевиклари ҳам Гейненинг сўзларини бошқа иборалар блан айтиб: «Вуйович деган **большевикни** биз танимаймиз, у Али-бобога ўхшаш бир одам бўлса керак, лекин биз Али-бобони ҳам танимаймиз» десалар жуда бўлади.

Троцкий ва оппозиция тўғрисида. Оппозициянинг асосий бахтсизлиги шундаки, бу ерда у нима тўғрисида алжираган бўлса, у шу нарсаларнинг нималигини тушунмайди. Троцкий ўз нутқида **Хитойдаги** сиёсат тўғрисида гапирди. Аммо у Хитой масаласида оппозициянинг ҳечқандай тутган йўли, ҳечқандай сиёсати

бўлмаганлигини иқрор қилишни истамайди. Оппозиция бу масалада у ёқдан бу ёққа чайқалган эди, ҳадеб бир ерда айланиб қолган, бир ёқдан иккинчи ёққа сандирақлаган эди, аммо оппозициянинг ҳечқандай тутган йўли йўқ эди. Хитой тўғрисида бизда уч масала юзасидан: коммунистларнинг Гоминданда иштироки масаласи юзасидан, Советлар масаласи юзасидан ва Хитой революциясининг характери масаласи юзасидан мунозара бўлган эди. Оппозиция бу масалаларнинг ҳаммасида ҳам банкрот бўлиб қолди, чунки унинг ҳеч қандай тутган йўли йўқ эди.

Гоминданда иштирок қилиш тўғрисидаги масала. Оппозиция 1926 йил апрелида, я'ни Коминтерн Ижроия Комитетининг коммунистлар Гоминданда иштирок қилмоғини **ёқлаб** қарор қабул қилинган VI пленумидан бир ой ўтгандан кейин, оппозиция коммунистлар дарҳол Гоминдандан **кетсин,** деб талаб қилди. Сабаби нима? Сабаби шуки, оппозиция Чан Кай-шининг дастлабки ҳужумиданоқ (1926 йил март) қути учиб кетиб, аслини айтганда, Чан Кай-шига мослашмоқни талаб қилди. Коммунистларни Хитойдаги революцион кучларнинг ма'рака майдонидан чиқариб қўйиш фикрида бўлди.

Лекин оппозиция ўзининг, коммунистлар Гоминдандан кетсин, деган талабини исботлаш учун, расмий жиҳатдан, коммунистларнинг **буржуа**-революцион ташкилотларда иштирок қилиши мумкин эмас, Гоминданнинг эса шундай ташкилот деб ҳисобланмаслиги мумкин эмас, деган гапни далил келтирди. Шундан кейин орадан бир йил ўтгач, 1927 йилнинг апрелида, оппозиция энди, коммунистлар Ухан Гоминданида **иштирок қилсин,** деб талаб қила бошлади. Нега? Қандай

асосга таяниб? Ажабо, Гоминдан 1927 йилга келиб **буржуа** ташкилотликдан чиқиб қолдими? Хўш, бу ерда тутган йўл, ҳатто тутган йўлдан асар ҳам борми?

Советлар масаласи. Оппозициянинг бу масалада ҳам аниқ бир тутган йўли йўқ эди. Оппозициянинг бир қисми 1927 йилда Ухан Гоминданини **ағдармоқ** учун Хитойда дарҳол Советлар ташкил этишни талаб қилди (Троцкий). Шу блан бир қаторда оппозициянинг бошқа бир қисми ҳам дарҳол Советлар ташкил этишни талаб қилди, аммо энди у Ухан Гоминданини ағдариш учун эмас, балки уни **қувватлаш** учун Советлар ташкил этишни талаб қилди (Зиновьев). Қарангки, бу ҳам уларча тутилган йўл эмиш! Тағин буёғи ҳам борки, оппозициянинг ҳар икки қисми, Троцкий ҳам, Зиновьев ҳам, Советлар ташкил этишни талаб қилиш блан бирга коммунистларнинг Гоминданда **иштирок этишини,** коммунистларнинг идора қилиб турган партияда иштирок этишини ҳам талаб қилдилар. Уддаласанг тушуниб ол! Советлар барпо этиш ва шу блан бирга коммунистларнинг идора қилиб турган партияда, я'ни Гоминданда иштирок этишини талаб қилиш,— бу бориб турган аҳмоқлик, ҳамманинг ҳам қўлидан келабермайдиган бир аҳмоқликдир. Қарангки, бу ҳам тутилган йўл эмиш!

Хитой революциясининг характери тўғрисидаги масала. Коминтерн Хитойдаги революциянинг ҳозирги давридаги негизи аграр-деҳқон революцияси деб ҳисоблаб келди ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблайди. Хўш, оппозициянинг бу тўғридаги фикри қандай? Унинг бу тўғрида умуман ҳеч қачон аниқ бир фикри бўлган эмас. Гоҳ у, Хитойда аграр революция бўлиши мумкин

эмас, чунки у ерда феодализм умуман йўқ, деб да'во қилиб келди; гоҳ у, Хитойда аграр революция бўлиши мумкин ва бўлиши зарур, дейди-ю ва лекин, Хитойда феодализм қолдиқлари муҳим аҳамиятга эга эмас, деб ҳисоблайди, буёғини ўйламайдики, агар шундай бўладиган бўлса, у ҳолда аграр революция қаёқдан келиб чиқар экан; гоҳ у, Хитой революциясидаги асосий нарса аграр революция эмас, балки таможна автономияси йўлидаги революциядир, деб да'во қилади. Уддаласанг тушуниб ол!

Хитой революциясининг мунозара чиққан масалалари устида оппозициянинг агар «йўл» деб бўлса тутган «йўли» ана шундай.

Бу тутилган йўл эмас, бир ерда айланиб юришдир, чалкаштиришдир, мутлақо ҳечқандай тутилган йўл йўқлигидир.

Қарангки, яна шундай одамлар Коминтерннинг тутган ленинча йўлини танқид қилмоқчи бўладилар! Бу кулгили бир гап эмасми ахир, ўртоқлар?

Троцкий бу ерда Гуандундаги революцион ҳаракат тўғрисида, Хо Лун блан Е Тин қўшинлари тўғрисида гапирди, у бизни, сиз бу ерда шу ҳаракатга бошчилик қиладиган янги Гоминдан тузмоқдасиз, деб айбситди. Мен Троцкий томонидан тўқиб чиқарилган бу туҳматни рад қилиб ўтирмайман. Мен фақат шуни айтмоқчиманки, жанубдаги революцион ҳаракат соҳасидаги бу ҳамма ишлар, Е Тин блан Хо Лун қўшинларининг Ухандан қўзғолиши, уларнинг Гуандунга жилиши, уларнинг деҳқонлар революцион ҳаракати блан бирга қўшилиши ва ҳоказолар,— бу ишларнинг ҳаммаси Хитой компартиясининг ташаббуси блан бошланган, мен шуни айтишни истайман. Троцкий бу нарсадан

хабардорми? Агар у умуман бирон бир нарса биладиган бўлса, бу нарсадан хабардор бўлиши керак.

Агар бу ҳаракат муваффақият қозонса, агар Хитойда революциянинг янгидан юксалиши факт бўлиб қолса, бу ҳаракатга ким бошчилик қилади? Албатта, Советлар бошчилик қилади. Агар илгари, Гоминдан гуллаган даврларда, дарҳол Советлар барпо қилиш учун қулай шароит бўлмаган бўлса, эндиликда, гоминданчилар контрреволюция блан алоқа боғлаб, шу блан ўз сирларини фош қилган ва ўз обрўларини йўқотиб қўйган бир кезда,— ҳаракат муваффақият қозонгудек бўлса, энди Советлар ўз атрофига Хитой ишчи ва деҳқонларини тўплайдиган асосий куч бўлаолади ва ҳақиқатан шундай куч бўлади. Хўш, Советларга ким бошчилик қилади? Албатта, коммунистлар бошчилик қилади. Аммо коммунистлар, агар революцион Гоминдан яна тағин саҳнага чиққудек бўлса, бундай тасодифда энди Гоминданда иштирок этмайдилар. Фақат нодонларгина Советлар борида коммунистларнинг Гоминдан партиясига кириши мумкин дея ва буни бирга сиғиштира олади. Бу бир-бири блан сиғиштириб бўлмайдиган икки хил нарсани бирга сиғиштираман дейиш — Советларнинг табиати ва вазифасини тушунмаслик демакдир.

Инглиз-Рус комитети масаласида ҳам худди шуни айтмоқ керак. Биз бу масалада ҳам оппозициянинг ҳалигидек беқарорлигини ва ҳечқандай тутган йўли йўқлигини кўрамиз. Оппозиция дастлаб Инглиз-Рус комитетига жуда ихлос қўйган эди. У ҳатто, Инглиз-Рус комитети «Европадаги реформизмни безарар қилиб қўядиган» (Зиновьев) чорадир, деб да'во қилган, афтидан, Инглиз-Рус комитетининг инглизлардан бўл-

ган ярмиси айни реформистлардан иборат эканлигини унутиб қўйган эди.

Шундан кейин, оппозиция охири бориб Персель ва унинг дўстларининг реформистлар эканлигини кўриб билиб олгач, оппозиция ҳавсаласи пир бўлиб ихлосидан қайтди, бугина эмас,— бетоқатликка тушди ва Генсоветни қулатиш тадбири сифатида дарҳол ора узишни талаб қилди, Москвадан туриб Генсоветни қулатиб бўлмаслигини тушунмади. Бир аҳмоқчилик устига яна бир аҳмоқчилик,— Инглиз-Рус комитети масаласида оппозициянинг агар «йўл» деб бўлса тутган «йўли» ана шундан иборат бўлди.

Орани узиш учун лозим бўлган нарса пишиб етишган чоқда, асосий масала ора узишнинг ўзи эмас, балки орани узишга сабаб бўлган масала эканлигини, ора узишнинг қандай идеяни намойиш қилиб кўрсатиши эканлигини Троцкий тушунолмайди. Эндиликда воқи' бўлган ора узилиши блан қандай идея намойиш қилиб кўрсатилмоқда? Уруш таҳдиди идеяси, уруш хавфига қарши курашмоқ зарурлиги идеяси намойиш қилиб кўрсатилмоқда. Ҳозир бутун Европанинг бу кунги ҳаётидаги асосий масала айни шу идея эканлигини ким инкор қила олади? Бундан шу хулоса чиқадики, айни шу жуда муҳим масалада ишчилар оммасини Генсоветнинг хоинлик қилганлиги блан бетма-бет келтириш лозим эди, биз худди ана шундай қилдик. Янги уруш таҳдиди туғилиб қолган бир вақтда Генсоветнинг ора узиш ташаббуси ва иснодини ўз устига олишга мажбур бўлганлиги факти,— бу факт Генсоветнинг уруш тўғрисидаги асосий масалада хиёнат қилганлигини ва унинг социал-империалистик «табиати»ни ишчилар кўз ўнгида ҳамма нарсадан кўра яхшироқ фош қилиб

беради. Ҳолбуки оппозиция, ора узиш ташаббуси ва иснодини биз ўз устимизга олсак яхшироқ бўлур эди, деб иноитирмоқчи бўлиб ўтирибди!

Қарангки, бу ҳам уларча тутилган йўл эмиш! Қарангки, ана шундай чалкашиб қолган одамлар яна тағин Коминтернниинг ленинча позициясини танқид қилмоқчи бўлиб ўтирибдилар! Бу кулгили эмасми ахир, ўртоқлар?

Бизнинг **партиямиз** тўғрисидаги масалада, ВКП(б) тўғрисидаги масалада оппозициянинг тутган иши бундан ҳам баттар. Троцкий бизнинг партиямизнинг нималигини билмайди. Бизнинг партиямиз ҳақидаги унинг тасаввури нотўғри тасаввур. Дворян қора халққа қандай қараса ёки бюрократ ўз қўл остидаги одамларга қандай қараса Троцкий ҳам бизнинг партиямизга худди шундай қарайди. Бўлмаса у сафида миллионлаб а'зоси бор партияда, ВКП(б)да, айрим шахслар, айрим раҳбарлар гўё ҳокимликни «эгаллаб олган», ҳокимликни «босиб олган» деб да'во қилиб ўтирмас эди. Троцкий шу даражага бориб етадики, сафида миллионлаб а'зоси бўлган, уч революцияни ўз қўли блан қилган ва ҳозир жаҳон империализмининг асосларини ларзага солган партияда ҳокимлик «эгаллаб олинган» деб аҳмоқона гапларни айтиб ўтирибди!

Беҳади-ҳисоб революцион традицияларга эга, сафида миллионлаб а'зоси бўлган бир партияда умуман ҳокимликни «эгаллаб олиш» мумкинми? Агар мумкин бўладиган бўлса нега Троцкий партияда ҳокимликни «эгаллаб» ололмади, партияда раҳбарликка эришолмади? Бунинг сабаби нимада? Ажабо, Троцкийда раҳбарликка интилиш ҳаваси, истаги йўқми? Троцкийнинг партияда раҳбарликни қўлга киритиш учун большевиклар

блан йигирма йилдан ошиқроқ вақтдан буён курашиб келаётганлиги факт эмасми, ахир? Нега унга партияда ҳокимликни «эгаллаб олиш» муяссар бўлмади? Ажабо, унинг нотиқликда партиямизнинг ҳозирги лидерларидан камлиги борми? Нотиқликка келганда Троцкийни партиямизнинг ҳозирги лидерларининг кўпидан юқори қўйиш тўғрироқ бўлмайдими? Хўш, шундай бўлгани ҳолда, Троцкийнинг нотиқлик сан'атига қарамай, ўзининг раҳбарликка бўлган интилиши, истагига қарамай, ўзининг қобилиятларига қарамай унинг ВКП(б) деб аталадиган улуғ партияда раҳбарликдан бир чекага улоқтириб ташланганлигининг сабаби нимада? Троцкий бунинг сабабини шундай деб изоҳлашга мойилки, бизнинг партиямиз, унинг фикрича, партия Марказий Комитети кетидан бир гала қўй сингари кўр-кўрона эргашиб овоз бериб бораберадиган бир нарса экан. Лекин партиямизга нафрат кўзи блан қарайдиган ва уни қора халқ деб ҳисоблайдиган одамларгина бизнинг партиямиз тўғрисида шундай деб гапираолади. Партияга бу тариқа бир гала қўй сингари овоз бериб бораберадиган нарса деб қарши партиядаги миси чиққан аристократнинг қарашидир. Бу ҳол Троцкийнинг партиявийлик сезгисини йўқотиб қўйганлигининг, оппозицияга партия ишонмай қўйганлигининг ҳақиқий сабабларини англаб олиш қобилиятини йўқотиб қўйганлигининг аломатидир.

Дарҳақиқат, ВКП(б)нинг оппозицияга мутлақо ишонмай қўйганлигининг сабаби нимада? Бунинг сабаби шундаки, оппозиция ленинизмни троцкизм блан **алмаштирмоқчи**, ленинизмни троцкизм блан **тўлдирмоқчи**, ленинизмни троцкизм блан **«яхшиламоқчи»** бўлди. Партия эса партиядаги миси чиққан

аристократларнинг ҳамма ва ҳарқандай найрангларига қарамай, ленинизмга содиқ қолишни истайди. Уч революцияни ўз қўли блан қилган партиянинг Троцкийдан ва умуман оппозициядан юз ўгиришни лозим топганлигининг илдизи мана шунда.

Бинобарин, партия ленинизмни троцкизм блан ёки оппортунизмнинг қандайдир бошқа хили блан **бўямоқчи** бўлган ҳарқандай «лидерлар» ва «раҳбарлар»га нисбатан ҳам худди шундай муомала қилади.

Бизнинг партиямизни бир гала қўй сингари овоз бераверадиган нарса деб кўрсатиши блан Троцкий ВКП(б)даги партия оммасига нафрат кўзи блан қарашини кўрсатади. Хўш, агар партия ҳам ўз навбатида, бунга жавобан, Троцкийга нафрат блан қараган ва унга мутлақо ишонмай қўйган экан, бунинг ажабланадиган нимаси бор?

Партиямиздаги режим масаласида ҳам оппозициянинг тутган иши бундан баттар. Троцкий аҳволни шундай қилиб кўрсатадики, партиядаги ҳозирги режимни, бутун оппозициянинг тинкасига теккан бу режимни, Ленин бор вақтларда партияда ўрнатилган режимга қараганда қандайдир мутлақо бошқача режимдир, демоқчи бўлади. У аҳволни шундай қилиб кўрсатмоқчи бўладики, Ленин томонидан X с'езддан кейин ўрнатилган режимга у гўё қарши эмас эмиш, у фақат, аслини айтганда, партиядаги ҳозирги режимга қарши курашаётган эмиш, бу режим, унинг фикрича, Ленин томонидан ўрнатилган режим блан ҳечқандай алоқаси йўқ бир режим эмиш.

Мен қат'ий айтаманки, Троцкий бу ерда қипқизил ёлғон гап гапиради.

Мен қат'ий айтаманки, партиядаги ҳозирги режим Ленин бор вақтида партиямизнинг X ва XI с'ездлари вақтида партияда ўрнатилган ўша режимнинг айни ўзидир.

Мен қат'ий айтаманки, Троцкий партиядаги ленинча режимга, Ленин бор вақтда ва Ленин йўлбошчилигида ўрнатилган режимга қарши кураш олиб бормоқда.

Мен қат'ий айтаманки, троцкийчиларнинг партиядаги ленинча режимга қарши кураши Ленин бор вақтлардаёқ бошланган эди, троцкийчиларнинг партиядаги режимга қарши ҳозирги кураши улар Ленин бор вақтда бу соҳада олиб борган курашнинг давомидир.

Бу режимнинг асослари нимада? Бу режимнинг асослари шундаки, партия ичида демократияга амал қилиш, партиянинг камчилик ва хатоларини амалий иш юзасидан танқид қилинишига йўл қўйиш блан бирга, ҳечбир қандай фракциячиликка йўл қўймаслик ва партиядан чиқариш жазосини беришга қадар чора қўлланиб ҳарқандай фракциячиликни йўқотишдир.

Партияда бундай режим қачон ўрнатилган эди? Партиямизнинг X ва XI с'ездларида, я'ни Ленин бор вақтда ўрнатилган эди.

Мен қат'ий айтаманки, Троцкий ва оппозиция партиямиздаги айни шу режимга қарши кураш олиб бормоқдалар.

Қўлимизда шундай бир ҳужжат, «46 лар аризаси» деб аталган, Пятаков, Преображенский, Серебряков, Альский ва бошқа шу каби троцкийчилар имзо қилган бир ҳужжат бор, бу ҳужжатда тўппа-тўғри, X с'езддан кейин партияда ўрнатилган режим энди

замони ўтиб, яроқсиз ва партиянинг тоқатини тоқ қиладиган режим бўлиб қолди, дейилади.

Бу одамлар нимани талаб қилган эдилар? Улар партияда фракцион группабозликлар бўлишига йўл қўйиб берилишини ва X с'езднинг бу тўғридаги тегишли қарорини бекор қилишни талаб қилган эдилар. Бу 1923 йилда бўлган эди. Мен қат'ий айтаманки, Троцкий партияда X с'езддан кейин ўрнатилган режимга қарши кураш олиб бориб, «46 лар»нинг позициясига тўла ва батамом қўшилган эди. Троцкийчиларнинг партиядаги ленинча режимга қарши кураши мана қаердан бошланган. (Троцкий: «Мен X с'езд тўғрисида гапирганим йўқ, Сиз ўзингиз ўйлаб чиқараётибсиз».) Менинг буни ҳужжатлар асосида тасдиқлай олишимни Троцкийнинг билмаслиги мумкин эмас. Бу ҳужжатлар тўла сақланиб қолган, мен уларни ўртоқлар қўлига бераман ва унда қайси биримизнинг ёлғон гапираётганимиз равшан бўлади*.

---

* **«К. И.» редакциясининг изоҳи.** Ўртоқ Сталин Коминтерн Ижроия Комитети Президиуми блан Интернационал Контроль Комиссиясининг қўшма мажлиси протоколларига илова тариқасида 3 октябрьда Коминтерн Ижроия Комитетининг Сиёсий секретариатига ўз нутқида далил қилиб келтирган ҳужжатларни топширди, чунончи:

1) Пятаков, Преображенский, Серебряков, Альский ва бошқалар имзо қилган «46 лар аризаси» (1923 йил 15 октябрь)дан парча, унда қуйидаги гаплар айтилган:

«Партия ичида ўрнатилган режим мутлақо чидаб бўлмайдиган режимдир. Бу режим партия ўрнига танланиб олинган чиновниклардан иборат аппаратни қўйиб, партиянинг мустақиллигини ўлдиради, бу чиновниклардан иборат аппарат нормал вақтларда бақусур ишлаб туради, аммо у аҳвол танг бўлган вақтларда муқаррар оқсаб қолади ва яқинлашиб келаётган жиддий воқиа-

Мен қат'ий айтаманки, «46 лар аризаси»га имзо қилган троцкийчилар партиядаги ленинча режимга Ленин бор вақтларда ҳам қарши курашган эдилар.

Мен қат'ий айтаманки, ленинча режимга қарши бу курашни Троцкий, оппозицияни руҳлантириб ва олдинга қараб суриб, ҳамиша қўллаб-қўлтиқлаб келди.

Мен қат'ий айтаманки, Троцкийнинг партиямиздаги режимга қарши ҳозирги кураши Ленинга қарши олиб борилган, мен ҳозиргина айтиб ўтган ўша курашнинг давомидир.

Троцкийчиларнинг партияга қарши яширин босмахонаси масаласи. Троцкий ўзининг ёзган нутқини шу тариқа тузганки, у яширин босмахона устида ҳатто тузуккина тўхталиб ҳам ўтмади, чамаси, у ўзини троцкийчиларнинг партияга қарши яширин босмахонасидек «майда» нарсаларга тўхталиб ўтишга мажбур эмас деб

лар олдида у мутлақо яроқсиз бўлиб қолиши жуда мумкин. **Воқи' бўлган бу аҳволнинг сабаби шундаки, X с'езддан кейин партия ичида об'ектив суратда ўрнашиб қолган фракцион диктатура режими эскириб ўзи-ўзини яроқсиз қилиб қўйди».**

2) Троцкийнинг Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссиясига берган аризасидан (1923 йил 8 октябрь) парча, унда қуйидаги гаплар айтилган:

«Асосан XII с'езддан олдиноқ ўрнашган, ундан кейин эса тўла мустаҳкамланган ва расмийлаштирилган **режим ҳарбий коммунизмнинг энг қаттиқ даврларидаги режимдан кўра ҳам ишчи демократиясидан кўп даража йироқ бир режимдир».**

Бу парчаларга изоҳ тариқасида шуни айтиб ўтиш зарурки, бизда XII с'ездгача XI с'езд (1922 йил баҳорида) ва X с'езд (1921 йил баҳорида)лар бўлган, бу с'ездларнинг ишларига Ленин раҳбарлик қилган ва партиядаги ҳалиги айтилган режим, «46 лар аризаси» (троцкийчилар) ҳам, шунингдек Троцкийнинг юқорида айтилган аризаси ҳам қарши чиқаётган ўша режим шу с'ездларнинг резолюцияларида расмийлаштирилган эди.

ҳисобласа керак. Бу — айбдорнинг нутқи эмас, балки Коминтерн блан ВКП(б)га қарши айб тақиб чиқаётган оппозициянинг декларацияси эди. Ҳолбуки, троцкийчиларнинг партияга қарши яширин босмахонаси масаласи Троцкий ҳам, унинг оппозиция жумласидан бўлган тарафдорлари ҳам партиявийликнинг душмани эканини, пролетар ишини изидан чиқаручи нифоқчилар эканини тўла ва батамом фош қилиб ташлаётганлиги равшан бир нарса.

Ҳақиқатда Троцкий: оппозиция ҳақ,— **шунинг учун** унинг ўз яширин босмахоналарини тузишга ҳақи бор, деб ҳисоблайди.

Аммо ВКП(б)да Троцкий группасидан ташқари яна бошқа оппозицион группалар: «ишчи оппозицияси», сапроновчилар ва ҳоказо группалар бор. Бу майда группаларнинг ҳар бири ўзини ҳақли деб ҳисоблайди. Агар Троцкий йўлидан бориладиган бўлса, у ҳолда бу группаларнинг ҳар бирининг ўз яширин босмахоналарини тузишга ҳақли бўлишига йўл қўйиб бериш керак бўлади. Хўш, бундай группалар чиндан ҳам ўз яширин босмахоналарини тузабошладилар, партия эса бу зарарли ишга қарши кураш олиб бормади, деб фараз қилайлик,— унда партиядан нима қолади?

Партияда ҳамма ва ҳарқандай группаларнинг яширин босмахонаси бўлишига йўл қўйиш нима демак? Бу — партияда бирнеча марказ бўлишига, ўз «программаси», ўз «платформаси», ўзига алоҳида «тутган йўли» бўлган бирнеча марказ бўлишига йўл қўйиш демакдир. Хўш, бундай бўлган тақдирда партиямизда темирдек мустаҳкам интизомдан, Ленин пролетариат диктатурасининг негизи деб ҳисоблаган бу темирдек

мустаҳкам интизомдан нима қолади? Бир бутун ва ягона раҳбар марказ бўлмаганда бундай интизомнинг бўлаолиши мумкинми? Троцкий оппозицион группаларнинг партияга қарши яширин босмахона тузишига ҳуқуқ берилсин деб ҳимоя қилиши блан ўзининг қандай ботқоқликка тушиб қолаётганлигини тушунармикин?

Бонапартизм масаласи. Оппозиция бу масалада батамом нодон эканлигини кўрсатди. Троцкий партиямизнинг жуда катта кўпчилигини бонапартизм ўрнатишга ҳаракат қилишда айблаб, шу блан бонапартизм илдизларини ўзининг мутлақо англамаслигини ва батамом нодонлигини кўрсатиб берди.

Бонапартизм нима? Бонапартизм озчиликнинг кўпчиликни ўз иродасига зўрлик йўли блан бўйсунишга мажбур қилиши демакдир. Бонапартизм озчиликнинг кўпчиликка зўрлик ишлатиши йўли блан партияда ёки мамлакатда ҳокимликни босиб олиши демакдир. Аммо лекин ВКП(б) Марказий Комитетининг тутган йўлини ёқловчилар партияда ҳам, Советларда ҳам жуда кўпчиликни ташкил этар экан, бас қандай қилиб, кўпчилик ўз иродасига ўзи ўзини зўрлик йўли блан бўйсунишга мажбур этмоқчи, деган аҳмоқона гапни гапириб бўлади? Кўпчиликнинг ўз иродасига ўзи ўзини зўрлик йўли блан мажбур қилиши тарихда ҳечбир кўрилганми? Бундай ҳечбир ақлга сиғмайдиган нарсанинг бўлиши мумкинлигига ақлдан озган кишилардан бошқа ким ишонаолади?

Ажабо, ВКП(б) Марказий Комитетининг тутган йўлини ёқловчилар партияда ҳам, мамлакатда ҳам жуда кўпчиликни ташкил этиши факт эмасми, ахир? Ажабо, оппозициянинг арзимаган бир тўданигина ташкил этиши факт эмасми, ахир? Партиямиз

кўпчилигининг озчиликни, я'ни оппозицияни ўз иродасига бўйсунишга мажбур этишини тасаввур қилиш мумкин. Бу сўзни партиявий ма'нода олганда бундай бўлиши жуда қонуний ҳам. Аммо кўпчиликнинг ўзи ўзини ўз иродасига бўйсунишга мажбур этишини, яна тағин зўрлик йўли блан бўйсунишга мажбур этишини қандай қилиб тасаввур этиб бўлади? Бу ерда қандай бонапартизм тўғрисида сўз бўлиши мумкин бўлсин? Озчилик орасида, я'ни оппозиция орасида кўпчиликни озчиликнинг иродасига бўйсунишга мажбур этиш тенденцияси туғилиб қолиши мумкин деб айтиш тўғрироқ бўлмасмикин? Агар бундай тенденция туғилиб қоладиган бўлса, унинг ҳечбир ажабланадиган ўрни бўлмас эди, чунки озчиликнинг, я'ни троцкийчи оппозициянинг ихтиёрида раҳбарликка эришмоқ учун кўпчиликка нисбатан зўрлик ишлатишдан бўлак имкон йўқ. Аҳвол шундай экан, агар бонапартизм тўғрисида гапириладиган бўлса, Троцкий ўз группаси орасидан Бонапартликка номзодлар ахтараберсин.

Айнамачилик ва термидорчилик деган гаплар тўғрисида икки оғиз сўзлаб ўтаман. Мен бу ерда оппозициячиларнинг ба'зан партиямизни айниб кетишда ва термидорчиликда айблаши каби аҳмоқона ва ҳаддан ташқари нодонликдан иборат бўлган туҳматларини анализ қилиб ўтирмайман. Мен бу иш блан шуғулланиб турмайман, чунки бундай гаплар анализ қилиб ўтиришга арзимайди. Мен масалани соф амалий нуқтаи назардан қўйишни истар эдим.

Бир минутга бундай фараз қилайлик, троцкийчи оппозиция социал-демократчилик оғмачилиги эмас, балки чиндан ҳам революцион сиёсат тутишдир, деб фараз қилайлик,— хўш, ундай бўлса барча айниб кет-

ган ва партия блан Коминтерндан қувилган оппортунист элементларнинг троцкийчи оппозиция теварагида тўпланиши, уларнинг шу ерда ўзларига бошпана топиши ва ҳимоя қилинишининг сабаби нима?

Рут Фишер блан Маслов, Шолем блан Урбанснинг, айниган ва ренегат бир элементлар сифатида Коминтерн блан Германия компартиясидан қувилган бу одамларнинг худди троцкийчи оппозиция томонидан ҳимоя қилиниши ва қучоқ очиб қабул қилинишининг сабаби нима?

Франциядаги Суварин блан Росмер, СССРдаги Оссовский блан Дашковскийдек оппортунист ва чиндан ҳам айниган элементларни худди троцкийчи оппозициянинг ўз пинжига олишининг сабаби нима?

Коминтерн блан ВКП(б) ана шу айниган ва чиндан ҳам термидорчилик кайфиятида бўлган одамларни ўз сафларидан чиқараётган бир пайтда, Троцкий блан Зиновьев эса уларни қучоқ очиб қарши олмоқда, уларни ўз пинжига олмоқда ва ҳимоя қилмоқда, хўш, бу фактни тасодифий бир ҳол деб бўладими?

Хўш, бу фактлар троцкийчи оппозициянинг «революцион» иборалари фақат қуруқ ибораларгина бўлиб, амалда эса оппозиция айниган элементларнинг тўпланган жойи эканлигини кўрсатмайдими?

Буларнинг ҳаммаси троцкийчи оппозициянинг айнамачилик ва термидорчилик уяси ва макони эканлигини кўрсатмайдими?

Ҳар ҳолда, бизда, ВКП(б)да, ўз атрофига ҳамма ва ҳарқандай муттаҳамларни, Маслов блан Рут Фишер сингари, Суварин блан Оссовский сингари муттаҳамларни тўплайдиган ёлғиз биргина группа бор. Бу группа Троцкий группасидир.

Оппозициянинг сиёсий қиёфаси, хуллас, мана шундай, ўртоқлар.

Хулоса нима, деб сўрарсиз?

Хулоса битта. Оппозиция шу даражага чалкашиб қолди, ўзини шундай бир тариқа боши берк кўчага киритиб қўйдики, энди у иккидан бирини танлаб олиш мажбурияти олдида қолди: ё Коминтерн блан ВҚП(б)-ни дейди, ёки бўлмаса Маслов, Рут Фишерни ва партияга қарши яширин босмахонадаги ренегатларни дейди.

Умр бўйи шу икки лагерь ўртасида сандирақлаб юра бериш мумкин эмас. Ниҳоят иккидан бирини танлаб олиш керак. Ё Коминтерн ва ВҚП(б) блан бирга бўлиш, бу ҳолда — Маслов блан Рут Фишерга қарши, ҳамма ва ҳарқандай ренегатларга қарши уруш очиш. Ё бўлмаса ВҚП(б) ва Коминтернга қарши бориш, бу ҳолда — Маслов блан Рут Фишер группасига, ҳамма ренегатлар ва айниганлар, ҳарқандай Шербаковлар ва бошқа ифлосларга бориб қўшилиш учун ана катта кўча. (Қ а р с а к л а р.)

„Коммунистический Интернационал"
журнали № 41,
1927 йил 14 октябрь

„ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ХАЛҚАРО ХАРАКТЕРИ“ МАҚОЛАСИНИНГ КОНСПЕКТИ

Октябрь революцияси фақат «миллий рамкалардаги» революциягина бўлмай, балки, аввало, у интернационал миқ'ёсда, жаҳон миқ'ёсида аҳамиятга эга бўлган революциядир, чунки у инсониятнинг бутун дун'ё тарихида эскидан янгига тубдан бурилиш демакдир.

Ўтмишда революциялар одатда ҳокимият тепасидаги бир группа эксплуататорлар ўрнига бошқа бир группа эксплуататорларнинг келиши блан тамомланар эди. Эксплуататорлар алмашинар эди, эксплуатация қолаберар эди. Қуллар революциялари вақтида, крепостнойлар революциялари вақтида, савдо-саноат буржуазияси революциялари вақтида шундай бўлган эди. Октябрь революцияси бу революциялардан принципиал равишда фарқ қилади. Октябрь революцияси эксплуатациянинг бир формасини эксплуатациянинг бошқа бир формаси блан, бир группа эксплуататорларни бошқа бир группа эксплуататорлар блан алмаштиришни эмас, балки одам одамни эксплуатация қилишининг ҳарқандайини йўқ қилиш, ҳамма ва ҳарқандай эксплуататорлар группаларини ағдариб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Эксплуата́ция қилинучи ҳамма синфлар ичидан энг революцион ва энг уюшган синф бўлган пролетариат синфининг диктатурасини ўрнатиш.

Худди шунинг учун Октябрь революциясининг ғалабаси экономика ва сиёсатда, бутун дун'ёдаги эксплуатация қилинучи омманинг ҳаёти ва турмуш-маишатида, урф-одат ва традицияларида, маданияти ва бутун ма'навий қиёфасида тубдан бурилиш демакдир.

Ҳамма мамлакатларнинг эзилган синфлари, Октябрь революциясини ўзларининг озодликка чиқишлари учун гаров деб билиб, унга зўр муҳаббат қўйишларининг илдизи ҳам шунда.

Тўрт асосий хусусият.

1) **Империализм марказлари** («метрополия»). Октябрь, илғор мамлакатларда капитализм ҳукмронлигидан коммунизмга қараб бурилишдир. Бизда кўпинча, Октябрь революцияси жаҳон империализми фронтининг ёриб ўтилишидир, деб гапирадилар. Хўш, бу нима демак? Бунинг ма'носи — Октябрь революцияси пролетар революциялари ва пролетар диктатураси даврини **бошлаб** берди, демакдир.

Илгари XVIII асрдаги француз революциясидан ўрнак олар, унинг традицияларига амал қилар ва унинг тартибларини ўрнатар эдилар.

Энди Октябрь революциясидан ўрнак оладилар.

Илгари Франция.

Энди эса СССР.

Илгари ҳамма буржуазияни «якобинчи» даҳшатга солар эди.

Энди буржуазияни болшевик даҳшатга солади.

Пролетариат фақат зарба урадиган кучгина бўлиб, революциянинг самараларидан эса эксплуататорлар

фойдаланадиган «оддий» буржуа революциялари даври **ўтиб кетди.**

Капиталистик мамлакатларда пролетар революциялари даври **келди.**

2) **Империализмнинг четки ўлкалари**. Октябрь мустамлака ва қарам мамлакатларда озодлик революциялари даврини бошлаб берди.

Империализм томонидан эзилган халқларни озод қилмай туриб, пролетариат ўзини озод қилаолмайди. Метрополиялардаги пролетар революциялари блан қарам мамлакатлардаги мустамлака революцияларининг бирлик фронти.

Мустамлака ва қарам мамлакатларни бемалол эксплуатация қилиш даври **ўтиб кетди.**

Мустамлакаларда озодлик революциялари даври, бу мамлакатлардаги пролетариатнинг уйғониш даври, унинг гегемон бўлиш даври **келди.**

3) **Марказлар блан четки ўлкаларнинг бирлашиши**. Мана шу бирлашиш орқасида Октябрь жаҳон империализмини ўласи қилиб ярадор қилди, жаҳон империализми энди ҳечвақт бу ярадан тузалаолмайди.

Империализм Октябрьдан илгариги «мувозанати» ва «барқарорлиги»ни энди ҳечвақт қайта ўрнига қўяолмайди.

Капитализмнинг «барқарорлик» даври **ўтиб кетди.**

Капитализмнинг инқироз даври **келди.**

4) Октябрь идеология соҳасида коммунизмнинг социал-демократизм устидан ғалаба қилиши, марксизмнинг реформизм устидан ғалаба қилиши демакдир.

Илгарилари, СССРда пролетариат диктатураси ғалаба қилмасдан бурун, социал-демократлар блан

реформистлар марксизм байроғини рўкач қилиб мақтаниб юраолар эди, Маркс блан Энгельсга тилёғламалик блан хушомад қилиб юраолар эди ва ҳоказо, чунки бу буржуазия учун хавфли эмас эди, ва марксизмнинг ғалаба қилиши оқибати нима бўлишини одамлар ҳали пайқамас эдилар.

Энди, СССРда пролетариат диктатураси ғалаба қилгандан кейин, марксизмнинг қаёққа олиб бораётганлигини ва марксизмнинг ғалабаси нимадан иборат эканлигини ҳамма пайқаб олгач, социал-демократлар блан реформистлар марксизмни бундай рўкач қилиб мақтаниб юриш ва тилёғламалик блан марксизмга хушомад қилиб юришнинг буржуазия учун хавфли эканлигини сезиб, энди марксизмдан ажраб кетишни афзал кўрди.

Бундан буён марксизмнинг бирдан-бир паноҳи ва таянчи коммунизм бўлиб қолди.

Бундан буён марксизм руҳи социал-демократия блан алоқани узди, чунки социал-демократия марксизм блан аллақачоноқ алоқани узган эди.

Октябрь революцияси ғалаба қилган вақтдан бошлаб, бутун дун'ёда биринчи бўлган пролетар диктатурасини қат'ий ва фидойилик блан қўллаб-қўлтиқлайдиган кишигина чинакам марксист бўлаолади.

Бутун дун'ёда биринчи бўлган пролетариат диктатурасини қўллаб-қўлтиқлаш нима демак? Бу — ўз буржуазиясига бевосита қарши кураш йўлини тутиш демакдир. Броқ, социал-демократия ўз буржуазиясига қарши курашишни истамаслиги, балки ўз буржуазиясига мослашишни афзал кўришлиги сабабли, табиий, улар бутун дун'ёда биринчи бўлган пролетариат диктатурасига қарши кураш йўлини, СССРда капитализм-

ни тиклаш йўлини тутадилар. Бу — социал-демократиянинг ҳалокатга юз тутиши демакдир.

Октябрь жаҳон коммунизмининг ғалаба қилиши даврини бошлаб берди, бу давр социал-демократиянинг ҳалокатга юз тутиши ва унинг тўппа-тўғри буржуазия лагерига ўтиши давридир.

Октябрь марксизмнинг идеология соҳасида ғалаба қилишидир.

1927 йил октябрь.

Биринчи марта босилди

ТРОЦКИЙЧИ ОППОЗИЦИЯ АВВАЛ ВА ҲОЗИР

***ВКП(б) Марказий Комитети блан Марказий Контроль Комиссиясининг қўшма пленуми мажлисида сўзланган нутқ*[45]**

1927 йил 23 октябрь

I

БА'ЗИБИР МАЙДА МАСАЛАЛАР

Ўртоқлар! Менинг вақтим оз, шунинг учун мен айрим масалалар тўғрисида гапираман.

Энг аввало гапнинг шахсий томонига тўхталиб ўтаман. Сиз бу ерда оппозициячиларнинг бутун кучлари блан зўр бериб Сталинни ёмонлаганликларини эшитдингиз. Бу мени ажаблантирмайди, ўртоқлар. Асосий ҳужумларнинг Сталинга қарши қаратилаётганлигининг сабаби,— бу фактнинг сабаби шуки, оппозициянинг барча найрангларини Сталин, эҳтимол, ба'зибир ўртоқлардан кўра яхшироқ билади, уни алдаш, ҳар қалай, унча осон бўлмаса керак, бинобарин улар зарбани ҳаммадан бурун Сталинга қарши қаратадилар. Майли, ёмонласалар ёмонлай берсинлар.

Сталинни қўяберинг, Сталин кичкина одам. Ленинни олинг. Август блоки вақтида, оппозициянинг Троцкий бошчилигида Ленинга қарши бундан ҳам баттарроқ безориларча фисқи-фасод тарқатиб юрганлигини ким билмайди. Масалан, Троцкийнинг мана бу гапларини эшитинг:

«Фитна чиқаришга уста, рус ишчилар ҳаракатида нимайики қолоқлик бўлса шунинг ҳаммасидан фойдаланиб қолишни ўзига касб қилиб олган Ленин доимо қўзғотиб турадиган ярамас фитна қандайдир бема'ни маш'ум бир нарсага ўхшаш қилиқдир» (1913 йил апрелида «Троцкийнинг Чхеидзега ёзган хати»га қаралсин).

Тилим бор деб оғзига келганини вайсаганига диққат қилинг, ўртоқлар. Бу гапни Троцкий ёзади, яна бу гапни у Ленин тўғрисида ёзади.

Улуғ Ленин тўғрисида шу қадар ҳаёсизлик блан фисқи-фасод қилган, унинг босган изига ҳам арзимайдиган Троцкийнинг энди Лениннинг кўп шогирдларидан бирини — ўртоқ Сталинни бекордан-бекорга ҳа деб ёмонлаб юришига ажабланиб бўладими.

Бугина эмас, оппозиция ўзининг бутун кек-аламларини Сталинга қаратаётган экан, мен буни ўзим учун шараф деб биламан. Бунинг шундай бўлиши керак ҳам. Мен ўйлайманки, агар партияни бузишга уринаётган оппозиция партиявийликнинг ленинча асосларини ҳимоя қилаётган Сталинни мақтайдиган бўлса, бу ҳол ғалати ва хафа қиладиган бир иш бўлур эди.

Энди Ленин «васияти» масаласига келайлик. Оппозициячилар бу ерда, партия Марказий Комитети Ленин «васияти»ни «яширди», деб шовқин кўтарди,— сиз буни эшитдингиз. Бу масала бизда Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссияси пленумида бир неча бор муҳокама қилинди, бу сизга ма'лум. (О в о з: «Ўн мартабалаб муҳокама қилинган».) Ҳечкимнинг ҳеч нарсани яширмаганлиги, Ленин «васияти»нинг партия XIII с'езди номига ёзилганлиги, унинг бу «васияти»нинг с'ездда ўқиб эшитдирилганлиги (о в о з л а р: «Тўғри!»), с'езднинг уни э'лон қилмасликка **бир**

оғиздан қарор қилганлиги, чунки, жумладан, Ленинниng ўзи уни э'лон этилишини истамаганлиги ва талаб қилмаганлиги исбот этилган ва қайта-қайта исбот этилган эди. Буларнинг барчасидан оппозиция ҳаммамиздан камроқ хабардор эмас. Шундай бўла туриб, оппозиция уялмай-нетмай, Марказий Комитет «васият»ни «яширмоқда» деб да'во қилади.

Ленин «васияти» масаласи бизда — агар янглишмасам — 1924 йилдаёқ қўйилган эди. Аввал коммунист бўлиб, кейин партиядан ҳайдалган собиқ америкали коммунист, Истмен деган бир зот бор. Бу жаноб, Москвада троцкийчилар орасида аралашиб юриб, Ленин «васияти» тўғрисида ба'зи бир миш-миш ва иғво гапларни йиғиб-териб олиб, четэлга жўнаб кетган ва у ерга бориб: «Ленин вафотидан кейин» деган номда бир китоб бостириб чиқарган, бу одам шу китобда партияни, Марказий Комитетни ва Совет ҳокимиятини қора қилиб кўрсатиш учун ҳечбир сиёҳни аямайди ва у ўз китобида бутун гапини шу тариқада юритадики, бизнинг партиямизнинг Марказий Комитети Ленин «васияти»ни гўё «яширган» эмиш. Бу Истмен деган зот бир вақтлар Троцкий блан алоқада бўлиб келганлигидан, биз, Сиёсий бюро а'золари, Троцкийга Истмен блан ора узишни таклиф қилиб мурожаат қилдик, бу Истмен Троцкийга ёпишиб олиб ва оппозицияни шафи' келтириб, шу блан «васият» тўғрисида партиямиз устига тўнкалган туҳмат учун Троцкийни жавобгар қилиб қўйган эди. Масаланинг очиқ-равшанлигини кўргач, Троцкий бу тўғрида матбуотда тегишли ариза блан чиқди. Истмен блан ҳақиқатан ҳам орани узди. Бу баёнот 1925 йил сентябрида «Большевик» журналининг 16-нчи сонида босилиб чиқди.

Троцкий мақоласининг партия блан унинг Марказий Комитети Ленин «васияти»ни яширганми ёки яширмаганми эканини кўрсатадиган ерларини ўқиб беришга ижозат беринг. Троцкий мақоласидан цитата келтираман:

«Истмен китобининг бирнеча ерида, Ленин ўз ҳаётининг сўнгги даврларида ёзган бир қанча ниҳоят даража муҳим ҳужжатларни (гап миллий масала тўғрисида ёзилган хатлар устида, «васият» деб аталган нарса ва шу кабилар устида боради) Марказий Комитет партиядан «яширди», дейди; **буни бизнинг партиямизнинг Марказий Комитетига тақилган туҳматдан бошқа бир нарса эмас демай бўлмайди***. Истменнинг гапидан, Владимир Ильич, бу, ички-ташкилий ишларга оид маслаҳатлар характерида бўлган хатларини гўё матбуот учун атаб ёзган, деган хулоса чиқариш мумкин. Ҳақиқатда эса бу мутлақо нотўғри. Владимир Ильич касал бўлиб қолган вақтидан бошлаб, партиянинг раҳбар идораларига ва унинг с'ездларига кўп мартаба таклиф, хатлар ва ҳоказолар блан мурожаат қилган. Бу хатлар ва таклифларнинг ҳаммаси, ўз-ўзидан ма'лумки, аталган эгаларига ҳамиша етказиб турилди, партиянинг XII ва XIII с'ездлари делегатларига ма'лум қилиниб турилди, шундай қилиб улар, албатта, партиянинг қарорларига ҳамавақт тегишли та'сир қилиб турди, аммо агар бу хатларнинг ҳаммаси ҳам босиб чиқарилабермаган экан, бу шунинг учунки, бу хатларни автор матбуот учун атаб ёзмаган эди. Владимир Ильич ҳечқандай «васият» қолдирган эмас, унинг партияга бўлган қарашининг характери жиҳатидан ҳам, шунингдек, партиянинг ўз характери жиҳатидан ҳам, бундай «васият»нинг бўлиши мумкин эмас. Владимир Ильичнинг хатлари ичидан ташкилий масалаларга оид маслаҳатлар тариқасида ёзилган бир хатини эмигрантлар ва четэл буржуа ва меньшевиклар матбуотида одатда, «васият» деб (шунда ҳам ҳечбир таниб бўлмайдиган бир даражада бузиб) кўрсатилади. Партиянинг XIII с'езди Владимир Ильичнинг бошқа ҳамма хатлари сингари бу хатига ҳам зўр э'тибор блан қаради, шу тариқа бу хатдан

* Курсив меники. **И. Ст.**

мавжуд шароит ва вазиятга мувофиқ суратда хулосалар чиқарди. **«Васият» яширилди ёки бузилди деган гапларнинг ҳарқандайи қасддан тўқиб чиқарилган туҳматдир ва бутунлай Владимир Ильичнинг асл истагига** ва у тузган партиянинг манфаатлари **зиддига қаратилган бир гапдир»*** (Троцкийнинг «Истменнинг «Ленин вафотидан кейин» номли китоби тўғрисида» деган мақоласига қаралсин, «Большевик» № 16, 1925 йил 1 сентябрь, 68 бет).

Равшан бўлса керак? Буни бошқа бир киши эмас, Троцкий ёзади. Хўш, шундай бўлгач, энди Троцкий, Зиновьев ва Каменевнинг оғзига нима келса шуни вайсаб, партия ва унинг Марказий Комитети Ленин «васияти»ни «яширмоқда» деб да'во қилишга қандай асоси бор? Оғизга нима келса шуни вайсайбериш «мумкин», лекин эпи блан-да, ахир.

Ўртоқ Ленин бу «васияти»да с'ездга шуни таклиф қилганки, Сталин «дағал» бўлганлигидан, бош секретарьлик вазифасига Сталин ўрнига бошқа бир ўртоқни қўйиш масаласини ўйлаб кўрмоқ керак деган, дейдилар. Бу мутлақо тўғри. Ҳа, шундай, ўртоқлар, мен партияни қўпол равишда ва маккорлик қилиб бузадиган ва партияга нифоқ соладиган кишиларга нисбатан дағалман. Мен буни яширган эмасман ва яширмайман. Эҳтимол, бу ерда нифоқчиларга нисбатан бирқадар юмшоқлик кўрсатиш талаб қилинар. Броқ мен бунга қобил эмасман. Мен Марказий Комитетнинг XIII с'езддан кейинги пленумининг биринчи мажлисидаёқ Марказий Комитетнинг пленумидан мени бош секретарьлик вазифасидан озод қилишни сўраган эдим. Бу масалани с'езднинг ўзи муҳокама қилди. Бу масалани

* Курсив меники. **И. Ст.**

ҳарбир делегация муҳокама қилди, шундай қилиб ҳамма делегация, шу жумладан Троцкий, Каменев, Зиновьев ҳам Сталинга ўз вазифасида қолиш **мажбуриятини юкладилар.**

Хўш, мен нима қилаолар эдим? Вазифамни ташлаб кетишим керакмиди? Менинг бундақангги одатим йўқ, мен ҳечқандай вазифани ҳечқачон ташлаб кетган эмасман ва ташлаб кетишга ҳаққим ҳам йўқ, чунки бу дезертирлик бўлур эди. Мен, бундан аввал ҳам гапириб ўтганимдек, ўз билги ўзида бўлган одам эмасман, бинобарин, партия менга мажбурият юклар экан, мен итоат қилишим лозим.

Шундан бир йил ўтгандан кейин, мен пленумга мени озод қилиш тўғрисида яна ариза бердим. Лекин менга бу гал ҳам ўз вазифамда қолиш мажбуриятини юкладилар.

Хўш, мен энди яна нима қилаолар эдим?

«Васият»ни э'лон қилиш масаласига келганда эса, с'езд уни э'лон этмасликка қарор қилди, чунки у с'езд номига ёзилган бўлиб, матбуот учун аталган эмас эди.

Бизнинг ихтиёримизда Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссиясининг 1926 йилда бўлган пленумининг бу ҳужжатни босиб чиқаришга XV с'езддан рухсат сўраш тўғрисида қабул қилган қарори бор. Бизнинг ихтиёримизда Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссияси ўша пленумининг Ленинниng бошқа хатларини босиб чиқариш тўғрисида қабул қилган қарори ҳам бор, Ленин бу хатларида Каменев блан Зиновьевнинг Октябрь қўзғолони арафасидаги хатоларини қайд қилган ва уларнинг партиядан ўчирилишини талаб қилган эди[46].

Равшанки, партия бу ҳужжатларни яширмоқда, деган гаплар ифлос бир туҳматдир. Ленининг Зиновьев блан Каменевни партиядан ўчириш зарурлиги тўғрисидаги хатлари ҳам шундай ҳужжатлар жумласидандир. Большевиклар партияси, большевиклар партиясининг Марказий Комитети ҳечқачон ҳақиқатдан қўрққан эмас. Большевиклар партиясининг кучи ҳам шундаки, у ҳақиқатдан қўрқмайди ва ҳақиқатга тўппа-тўғри бетлаб қарайди.

Оппозиция Ленин «васияти»ни пеш қилишга урунади. Броқ улар пеш қилаоладиган ҳечнарса йўқ эканлигини тушуниб олмоқ учун, бу «васият»ни ўқиб чиқишнинг ўзиёқ кифоя қилади. Аксинча, Ленин «васияти» оппозициянинг ҳозирги лидерларини тириклайин ўлдиради.

Дарҳақиқат шу нарса фактки, Ленин ўзининг «васият»ида Троцкийни «большевизмга терслик»да айблайди, Каменев ва Зиновьевнинг Октябрь вақтидаги хатосини эса, бу хато «тасодифий бир нарса» эмас, дейди. Бу нима демак? Бунинг ма'носи, «большевизмга терс» бўлган Троцкийга ҳам, қилган хатолари «тасодифий бир нарса» бўлмаган, бу хатолари такрорланиши мумкин ва такрорланиши аниқ бўлган Каменев блан Зиновьевга ҳам **сиёсий жиҳатдан** ишониш мумкин эмас, демакдир.

Шу нарса характерлики, «васият»да, Сталин хато қилган эди, деган бир оғиз сўз, бирон ишора йўқ. У ерда фақат Сталиннинг дағаллиги тўғрисида гапирилади, холос. Аммо дағаллиқ Сталин тутган **сиёсий** йўлнинг ёки позициянинг камчилиги эмасдир ва камчилиги бўлаолмайди.

«Васият»нинг тегишли ери мана бу:

«Мен Марказий Комитет бошқа а'золарининг шахсига оид хусусиятларини ортиқ та'рифлаб ўтирмайман. Фақат шуни эслатиб ўтаманки, Зиновьев блан Каменевнинг Октябрьдаги қилмиши, албатта, тасодифий бир нарса эмас эди, лекин Троцкийнинг большевизмга терслиги унинг шахсий хусусиятига қанчалик кам оид айби бўлса, Зиновьев блан Каменевнинг бу қилмиши ҳам уларнинг шахсий хусусиятига шунчалик кам оид айбидир».

Равшан бўлса керак.

II

ОППОЗИЦИЯНИНГ «ПЛАТФОРМАСИ» ТЎҒРИСИДА

Энди мана бу масала. Оппозициянинг ма'лум «платформа»сини Марказий Комитет нима учун босиб чиқармади? Зиновьев блан Троцкийнинг гапига қараганда, Марказий Комитет ва партия ҳақиқатдан «қўрқади», эмиш. Бу тўғрими? Тўғри эмас, албатта. Бугина эмас, партияни ёки Марказий Комитетни ҳақиқатдан қўрқади дейиш аҳмоқликдир. Бизнинг ихтиёримизда Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссияси пленумларининг стенограммалари бор. Бу стенограммалар бирнеча минг нусҳа босилиб, партия а'золарига тарқатилади. Бу стенограммаларда партия йўли вакилларининг нутқлари блан бирга оппозициячиларнинг ҳам нутқлари бор. Буларни ўн ва юз минглаб партия а'золари ўқийдилар. (Овозлар: «Тўғри!».) Агар биз ҳақиқатдан қўрқадиган бўлсак, биз бу ҳужжатларни тарқатмаган бўлур эдик. Бу ҳужжатлар, аслини айтганда, шунинг блан яхшики, бу ҳужжатлар партия а'золарининг Марказий Комитет тутган позиция блан оппозициянинг қарашларини таққослаб кўришларига ва ўз ҳукмларини чиқаришларига

имкон беради. Хўш, шу ҳақиқатдан қўрққанлик бўладими?

Оппозиция лидерлари 1926 йил октябрида ҳам худди ҳозирги вақтда қилаётганларидек гердайиб, Марказий Комитет ҳақиқатдан қўрқади, оппозициянинг «платформа»сини бекитади, уни партиядан яширади, деган ва ҳоказо да'воларни қилган эди. Худди шу сабабдан улар ўша вақтда Москва бўйлаб ячейкаларга («Авиаприбор»ни эсга олинг), Ленинград бўйлаб ячейкаларга («Путилов»ни эсга олинг) суқилиб кўрдилар ва ҳоказо. Хўш, натижа нима бўлди? Натижа шу бўлдики, ишчи-коммунарлар бизнинг оппозициячиларимизнинг саззасини бердилар, шундай хўп боплаб саззасини бердиларки, оппозиция лидерлари кураш майдонидан қочиб қолишга мажбур бўлдилар. Хўш, оппозиция лидерлари ўша вақтда нима учун яна барча ячейкаларга боришга ва кимнинг ҳақиқатдан қўрқишини — оппозициячиларнингми ёки Марказий Комитетнингми ҳақиқатдан қўрқишини текшириб кўришга жур'ат қилаолмади? Бу шунинг учунки, улар чин ҳақиқатдан (ёлғон ҳақиқатдан эмас) қўрқиб қутлари учиб кетган эди.

Хўш, ҳозир-чи? Ажабо, ҳозир бизда, чинига кўчиб айтганда, ячейкаларда мунозара бўлаётгани йўқми? Агар орасида гарчи биттагина бўлса-да оппозициячи бўлса кейинги 3—4 ой ичида бўлган мажлисларнинг биронтасида ҳам оппозициячи чиқиб сўзламаган, бу мажлислари мунозарасиз ўтган лоақал биронта ячейкани кўрсатиб беринг-чи. Ажабо, оппозициянинг кейинги 3—4 ой ичида, қаердаки уддасидан чиқаолса ўша ячейкаларда ўзининг қарши резолюциялари блан чиқаётганлиги факт эмасми, ахир. (Овозлар: «Жуда

тўғри!».) Хўш, нима учун Троцкий блан Зиновьев ячейкаларга бориб ўз қарашларини баён қилишга ҳаракат қилиб кўрмайди?

Характерли бир факт. Шу йилнинг августида, Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссиясининг пленумидан кейин, Троцкий блан Зиновьев, агар Марказий Комитет қаршилик билдирмаса, Москва активи мажлисида сўзга чиқишни истар эдик, деган мазмунда ариза юборган эдилар. Марказий Комитет бунга, Марказий Комитет Троцкий блан Зиновьевнинг сўзга чиқишига қаршилик қилмайди, лекин шу шарт бланки, улар Марказий Комитет а'золари бўлишлари сифати блан Марказий Комитет қарорларига қарши сўзламасликлари лозим, деб жавоб берди (ва бу жавоб маҳаллий ташкилотларга тарқатилган эди). Хўш, натижа нима бўлди? Улар сўзга чиқишдан воз кечдилар. (Ҳаммакулади.)

Рост, ўртоқлар, орамиздан кимдир чиндан ҳам ҳақиқатдан қўрқади, аммо ҳақиқатдан қўрқаётган Марказий Комитет ва айниқса партия эмас, балки ҳақиқатдан қўрқаётган биздаги оппозициянинг лидерларидир.

Бас шундай экан, нега бўлмаса Марказий Комитет оппозициянинг «платформа»сини босиб чиқармади?

Бунинг сабаби энг аввало шуки, Марказий Комитет Троцкийнинг фракциясини қонунлаштиришни, умуман фракцион группабозликни қонунлаштиришни истамади ва бундай қилишга ҳаққи ҳам йўқ эди. Ленин X с'езднинг «Бирлик тўғрисида» чиқарган резолюциясида, «платформанинг» бўлиши фракциячиликнинг асосий аломатларидан биридир, деган эди. Шунга қарамасдан, оппозиция «платформа» тузди ва уни босиб

чиқаришни талаб қилди, шу блан у X с'езд қарорини бузди. Хўш, агар Марказий Комитет оппозициянинг «платформа»сини босиб чиқарса нима бўлган бўлар эди? Унда бу — Марказий Комитет X с'езднинг қарорини оппозициянинг фракциячилик қилиб бузиш ишида иштирок этишга рози бўлганлиги демак бўлар эди. Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссияси бунга рози бўлаолармиди? Равшанки, ўз қадриқимматини яхши биладиган бирорта Марказий Комитет ҳам бундай фракциячилик ишига рози бўлаолмас эди. (О в о з л а р: «Тўғри!».)

Сўнгра, X с'езднинг «Бирлик тўғрисида» чиқарган, Ленин қўли блан ёзилган ўша резолюциясида, «с'езд қандай бўлмасин бирон бир платформа блан тузилган группаларнинг беистисно ҳаммасини дарҳол **тарқатиб юборишни** таклиф қилади», «с'езднинг бу қарорини бажармаганлар ҳеч сўзсиз ва дарҳол партиядан ўчирилмоғи лозим» дейилади. Директива аниқ ва равшан директива. Хўш, агар Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссияси оппозициянинг «платформа»сини босиб чиқарса нима бўлган бўлар эди? Буни қандай бўлмасин бирон бир «платформа» блан тузилган группаларнинг беистисно ҳаммасини дарҳол тарқатиб юбориш деб бўлармиди? Равшанки, бундай деб бўлмас эди. Аксинча, бу — Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссиясининг ўзи группалар ва фракцияларни тарқатиб юборишга эмас, балки оппозициянинг «платформа»си асосида группалар ва фракциялар тузишга ёрдам бериш йўлига кирди демак бўлар эди. Хўш, Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссияси бундай нифоқчилик ишига рози бўлаолармиди? Равшанки, рози бўлаолмас эди.

Ниҳоят, оппозициянинг «платформа»сида партияга шундай туҳматлар тақилганки, агар улар э'лон қилинган тақдирда партиямизга ва давлатимизга тузатиб бўлмайдиган қаттиқ зарар етган бўлар эди.

Чиндан ҳам, оппозициянинг «платформа»сида бизнинг партиямизни гўё ташқи савдо монополиясини йўқ қилишга ва ҳамма қарзларни тўлашга, демак, уруш қарзларини ҳам тўлашга бажонидил рози, дейилади. Ҳаммага ҳам ма'лумки, бу бизнинг партиямизга, бизнинг ишчилар синфимизга, бизнинг давлатимизга тақилган ифлос бир туҳматдир. Партияга ва давлатга ана шундай туҳмат қилинган «платформа»ни босиб чиқардик деб фараз қилайлик. Хўш, бунинг оқибати нима бўлар эди? Бунинг оқибати шу бўлар эдики, халқаро буржуазия биздан ҳечбир рози бўлаолмайдиган нарсаларга кўнишимизни (масалан, ташқи савдо монополиясини йўқ қилишни, уруш қарзларини тўлашимизни ва ҳоказоларни) талаб қилиб ва бизга қарши уруш очамиз деб таҳдид қилиб, бизни яна кўпроқ қисабошлар эди.

Агар Марказий Комитетнинг Троцкий блан Зиновьев сингари а'золари бизнинг партиямиз устидан барча мамлакатлар империалистларига шундай уйдирма гаплар блан чақимчилик қилар эканлар, бизни ҳатто ташқи савдо монополиясини ҳам йўқ қилишга қадар энг кўп ён беришга бажонидил рози деб, бунга империалистларни инонтирмоқчи бўлар эканлар, бас, бунинг фақат мана бундайгина ма'носи бўлиши мумкин: буржуа жаноблар, сиз большевиклар партиясини яна қисталанг қилиб қисаберинг, уларга уруш очамиз, деб таҳдид қилаберинг, агар сиз қисталанг қилаберсангиз, улар, большевиклар, ҳамма ва ҳарқандай ён беришга бажонидил рози бўлади, дейиш демакдир.

Оппозициянинг «платформа»си,— ташқи сиёсат соҳасидаги қийинчиликларимизни чуқурлаштириш учун Троцкий блан Зиновьевнинг бизнинг партиямиз устидан жаноб империалистларга **ёлғон гаплар блан чақимчилик** қилишдан иборат бўлиб чиқди.

Бу кимга зиён етказади? Равшанки, СССР пролетариатига, СССР компартиясига, бутун бизнинг давлатимизга зиён етказади.

Бу кимга фойда етказади? Ҳамма мамлакатлар империалистларига фойда етказади.

Энди мен сиздан сўрайман — хўш, Марказий Комитет бундай ифлос гапларни бизнинг матбуотимизда босишга рози бўлаолармиди? Равшанки, рози бўлаолмас эди.

Марказий Комитетни оппозициянинг «платформа»сини босиб чиқаришдан бош тортишга мана шу мулоҳазалар мажбур этган эди.

III

ЛЕНИН МУНОЗАРА ВА УМУМАН ОППОЗИЦИЯ ТЎҒРИСИДА

Энди мана бу масала. Зиновьев бу ерда шовқин кўтариб, Ленин гўё ҳамиша ва ҳарқандай вақтда ҳам мунозарага тарафдор эди, деб исбот қилишга уринди, бунда у X с'езд олдидан ва с'езднинг ўзида платформалар юзасидан мунозара бўлганлиги фактини далил қилиб келтирди. Аммо у, X с'езд олдидан бўлган мунозарани Ленин хато деб ҳисоблаганлигини эслатиб ўтишни «унутиб қўйди». У X с'езднинг «Партиянинг бирлиги тўғрисида» чиқарган, Ленин қўли блан ёзилган ва партиямизнинг тараққийси учун **директивадан**

иборат бўлган резолюциясида, «платформалар» юзасидан мунозара қилишни эмас, балки қандай бўлмасин бирон бир «платформа» блан тузилган ҳамма ва ҳарқандай группаларни тарқатиб юбориш таклиф этилганлигини айтишни «унутиб қўйди». У Лениннинг X с'ездда, бундан буён партияда ҳечбир қандай оппозиция бўлишига «йўл қўйилмасин» деб шуни ёқлаб сўзлаганлигини айтишни «унутиб қўйди». У, Лениннинг бизнинг партиямизни «мунозара клуби»га айлантиришни мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган бир иш деб ҳисоблаганлигини айтишни «унутиб қўйди».

Ленин, масалан, X с'езд олдидан бўлган мунозарани мана бундай баҳолаган эди:

«Мен бугун бу тўғрида бундан олдин ҳам гапириб ўтган эдим ва, албатта, фақат бир қадар эҳтиётлик блан айтаолган эдим, сизларнинг кўпингиз бу мунозарани жуда ҳам ортиқча хашамат деб ҳисобласангиз керак, деган эдим. Шахсан менга келганда эса мен бунга ўзимдан шу нарсани қўшмай қололмайманки, менинг назаримча, бу хашамат ҳақиқатан ҳам мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ортиқча бир нарса эди, бундай мунозарага йўл қўйиб, биз, ҳеч шубҳасиз, хато қилган эдик» (X с'езд протоколларига қаралсин, 16 бет[47]).

X с'езддан кейин бўлиши мумкин бўлган ҳарқандай оппозиция тўғрисида Ленин X с'ездда мана бундай деган эди:

«Ҳозирги аҳволдан чиқадиган сиёсий хулоса,— партиянинг қаттиқ бирикуви, партияда оппозицияга йўл қўймасликдир...» «Эндиликда оппозициянинг кераги йўқ, ўртоқлар! Бинобарин, мен партия с'ездининг шундай хулоса чиқариши лозим бўлар деб ўйлайман, с'езд, энди оппозициянинг йўқ бўлиш вақти келди, энди бас, эндиликда биз оппозициядан тўйдик! деган хулоса чиқариши лозим бўлар деб ўйлайман» (ўша ердан қаралсин, 61 ва 63 бетлар[48]).

Мунозара ва умуман оппозиция масаласига Ленин мана шундай қарар эди.

IV
ОППОЗИЦИЯ ВА «УЧИНЧИ КУЧ»

Энди мана бу масала. Ўртоқ Менжинскийнинг оқгвардиячилар тўғрисида, троцкийчиларнинг партияга қарши яширин босмахонаси «ходимлари»дан бир қисми алоқа боғлаган шу оқгвардиячилар тўғрисида ахборот беришига сабаб нима?

Биринчидан, сабаб шуки, оппозициянинг бу масала тўғрисида ўзининг антипартиявий варақаларида тарқатган ёлғон-яшиқ гаплари ва туҳматларини йўқ қилиш зарур. Оппозициянинг Шербаков, Тверской ва яна бошқа шу каби иттифоқчилари блан ма'лум бир тариқада алоқадор бўлган оқгвардиячилар тўғрисидаги ишни оппозиция ҳамма ва ҳаркимга,— бу иш оппозицияни ёмон отли қилиш учун атайин кўтариб чиқилган уйдирма, ёлғон нарса, деб гап уқдириб юрибди. Ўртоқ Менжинскийнинг қамоққа олинганлар сўроқ вақтида айтганларини далил келтириб берган ахбороти троцкийчиларнинг партияга қарши яширин босмахонаси «ходимлари»дан бир қисмининг оқгвардиячилар жумласидан бўлган контрреволюцион элементлар блан алоқадор эканлигига, ҳеч шубҳасиз алоқадор эканлигига ҳечқандай гумон қолдирмайди. Оппозиция бу факт ва ҳужжатларни қани рад қилиб кўрсин.

Иккинчидан, сабаб шуки, Масловнинг Берлиндаги органи («Фане дес Коммунизмус», я'ни «Коммунизм Байроғи») ҳозирги кунда тарқатиб юрган ёлғон-яшиқ гапларни фош қилиб ташлаш зарур. СССРга туҳмат тақиш ва СССРнинг давлат сирларини буржу-

азияга очиб беришни ўзига касб қилиб олган ренегат Масловнинг бу ифлос варақасининг кейинги сонини биз янгигина олдик. Қамоққа олинган оқгвардиячиларни ва уларнинг партияга қарши яширин босмахонадаги иттифоқчиларини сўроқ қилинган вақтда олинган ма'лумотлар бу матбуот органида, албатта, бошидан-оёқ бузиб ҳаммага э'лон қилинган. (Овозлар: «Буни қаранг-а!».) Хўш, бу ма'лумотларни Маслов қаердан олаолган? Бу ма'лумотлар махфий тутилган ма'лумотлардир, чунки Пилсудский фитнаси хилидан бўлган фитнани ташкил этиш ишига қатнашган оқгвардиячилар тўгарагига мансуб бўлганларнинг ҳали ҳаммаси қидириб топилиб қамоққа олиниб бўлгани йўқ. Троцкий, Зиновьев, Смилга ва бошқа оппозиячилар қамоққа олинганларни сўроқ қилинган вақтда олинган бу ма'лумотлар блан Марказий Контроль Комиссиясида танишиб чиққан эдилар. Уларга, ҳозирча, бу ма'лумотлардан копия кўчириб олиш ман' қилинган эди. Броқ улар, чамаси, шунга қарамай бу ма'лумотлардан копия кўчириб олган ва Масловга юборишга ошиққан бўлсалар керак. Хўш, бу ма'лумотларни э'лон қилиш учун Масловга топшириш нима демак? Бу — ҳали қидириб топилмаган ва қамоққа олинмаган оқгвардиячиларни огоҳлантириб қўйиш демакдир, уларни, большевиклар сизни қамоққа олмоқчилар, деб огоҳлантириб қўйиш демакдир.

Бу яхши ишми, коммунистларга ярашадиган бир ишми? Равшанки, сра ярашмайдиган бир иш.

Масловнинг органидаги мақолага дабдабали сарлавҳа қўйилган: «Сталин ВКП(б)ни иккига бўлиб ташламоқда. Оқгвардиячилар фитнаси. СССРдан хат» (Овозлар: «Аблаҳлар!».) Хўш, биз мана

шуларнинг ҳаммасидан кейин, я'ни қамоққа олинганлар сўроқ қилинган вақтда олинган ма'лумотларни Маслов Троцкий блан Зиновьев ёрдами орқасида ҳаммага бошдан-оёқ бузиб э'лон қилганидан кейин,— мана шуларнинг ҳаммасидан кейин, биз иғво, фисқи-фасодларга чинакам фактларни ва қамоққа олинганлар сўроқ қилинганда олинган чинакам ма'лумотларни қарама-қарши қўйиб, Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссияси пленуми олдида ҳисоб бермаслигимиз мумкинмиди?

Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссиясининг ўртоқ Менжинскийга фактлар тўғрисида ахборот беришни таклиф қилишни лозим топганлигининг сабаби ана шу.

Қамоққа олинганларни сўроқ қилинган вақтда олинган бу ма'лумотлардан, ўртоқ Менжинскийнинг бу тўғридаги ахборотидан нима келиб чиқади? Хўш, бизнинг бирор-бир вақт ёки ҳозир оппозицияни ҳарбий фитна уюштиришда айблаганимиз борми? Йўқ, албатта. Бизнинг бирор-бир вақт ёки ҳозир оппозицияни шундай фитнада иштирок этишда айблаганимиз борми? Йўқ, албатта. (Муралов: «Ўтган сафарги пленумда айблаган эдилар».) Тўғри эмас, Муралов, бизнинг қўлимизда партияга қарши яширин босмахона тўғрисида ва бу босмахона блан алоқада бўлган партиясиз интеллигентлар тўғрисида Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссиясининг иккита ма'лумотномаси бор. Сиз бу ҳужжатлардан бизнинг оппозицияни ҳарбий фитнага қатнашган деб айблаганлигимизни кўрсатадиган бирорта ҳам ибора, бирорта ҳам сўз топаолмайсиз. Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссияси бу ҳужжатларда фақат, оппо-

зиция яширин босмахона ташкил қилиши орқасида буржуа интеллигентлари блан алоқа боғлади, бу интеллигентларнинг бир қисми эса, ўз навбатида, оқгвардиячилар блан, ҳарбий фитна ниятида юрган оқгвардиячилар блан алоқа боғлаган экан, деганлар холос. Мен Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси блан Марказий Контроль Комиссиясининг Президиуми нашр қилган ҳужжатлардан Мураловнинг ўзи ҳалиги гапига доир жойларни кўрсатиб беришини сўрар эдим. Муралов кўрсатиб бераолмайди, чунки бундай жойлар ўрни-тагида йўқ.

Хўш, бўлмаса биз оппозицияни нимада айблаган эдик ва ҳозир ҳам айблашда давом этамиз?

Биринчидан, шунда айблаймизки, оппозиция нифоқчилик сиёсатини юргизиб, партияга қарши яширин босмахона ташкил қилди.

Иккинчидан, шунда айблаймизки, оппозиция босмахонани ташкил қилиш учун буржуа интеллигентлар блан блок тузди, бу буржуа интеллигентларнинг бир қисми контрреволюцион фитначилар блан бевосита алоқа боғлаган бўлиб чиқди.

Учинчидан, шунда айблаймизки, буржуа интеллигентларни ўзига жалб қилиб ва улар блан бирга партияга қарши яширин иш олиб бориб, оппозиция беихтиёр, ўзи истасин-истамасин, «учинчи куч» деб аталадиган «куч» гирдобига ўралиб қолди.

Оппозициянинг ўзи мансуб бўлган партиядан кўра ана шу буржуа интеллигентларга ишончи анча зўрроқ эканлиги ма'лум бўлди. Бўлмаса оппозиция яширин босмахона масаласи блан «қамоққа олинганларнинг ҳаммаси»ни, контрреволюцион элементлар блан алоқада бўлиб чиққан Шербаков, Тверской, Большаков

ва бошқа шу кабиларгача ҳаммасининг дарҳол қамоқдан бўшатилишини талаб қилмас эди.

Оппозиция партияга қарши яширин босмахонага эга бўлишни хоҳлаган эди; у бунинг учун буржуа интеллигентлар ёрдамига мурожаат қилди; бу буржуа интеллигентлардан бир қисми эса яққол контрреволюционерлар блан алоқадор кишилар бўлиб чиқди,— ана шунақа улашиб кетган ҳалқа ҳосил бўлди, ўртоқлар. Оппозицияни, унинг ихтиёридан қат'ий назар, унинг исташ-истамаслигидан қат'ий назар, антисовет элементлар ҳар тарафдан чулғаб олди, оппозициянинг нифоқчилик ишларидан ўзларининг мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга ҳаракат қилучи антисовет элементлар ҳар тарафдан чулғаб олди.

Шундай қилиб, Ленин партиямизнинг X с'ездида олдиндан огоҳлантириб айтган гаплари (X с'езднинг «Партия бирлиги тўғрисида» чиқарган резолюциясига қаралсин) тўғри чиқди, Ленин бу с'ездда, бизнинг партиямиз ичидаги курашга «учинчи куч», я'ни буржуазия албатта илашиб олишга ҳаракат қилмай қолмайди, оппозициянинг ишидан ўзининг синфий мақсадлари йўлида фойдаланиш учун ана шу тариқа илашиб олади, деган эди.

Контрреволюцион элементларнинг оппозиция блан ҳечбир қандай алоқада бўлмаёқ ба'зан совет органларига ҳам, масалан фронтларда, кириб олган ҳоллари бор, дейдилар. Бу рост. Аммо бундай ҳолларда совет органлари уларни қамоққа олади ва отиб ўлдиради. Хўш, оппозиция қандай ҳаракат қилди? У яширин босмахона блан қўлга тушиб қамоққа олинган, контрреволюцион элементлар блан алоқа боғлаган буржуа интеллигентларни **қамоқдан бўшатишни** талаб

қилди. Ҳамма бало мана шунда, ўртоқлар. Оппозициянинг нифоқчилик иши мана шундай натижага олиб келади. Биздаги оппозициячилар барча мана шундай хавф-хатарлар тўғрисида ўйлаб кўриш ўрнига, ўзларини ўзлари қандай жарликка элтаётганликларини ўйлаб кўриш ўрнига, бунинг ўрнига, улар партияга туҳмат тақишни уччига чиқармоқдалар ва бутун кучлари блан бизнинг партиямизни издан чиқаришга, партиямизни бўлиб юборишга ҳаракат қилмоқдалар.

Контрреволюцион ташкилотларни очиш ишида ОГПУга хизмат қилаётган собиқ врангельчи офицер тўғрисида гап кўтармоқдалар. Оппозициянинг иттифоқчилари, я'ни ҳамма ўша Шербаковлар ва Тверскойлар мурожаат қилган собиқ врангельчи офицернинг ОГПУ агенти бўлиб чиққанлиги муносабати блан оппозиция харала-тарала кўтариб, учиб-қўнмоқда. Хўш, агар ана ўша собиқ врангельчи офицер контрреволюцион фитначиларни очиш ишида Совет ҳокимиятига ёрдам қилаётган бўлса, бунинг нимаси ёмон бўлипти? Совет ҳокимиятининг контрреволюцион ташкилотларни очиш ишида фойдаланиш учун собиқ офицерларни ўз томонига тортишга ҳақи бор эканлигини ким инкор қилаолади?

Шербаков ва Тверской бу собиқ врангельчи офицерга мурожаат қилганда уни ОГПУ агенти деб эмас, балки собиқ врангельчи офицер деб, ундан партияга **қарши** ва Совет ҳокимиятига **қарши** фойдаланиш учун мурожаат қилган. Гап ана шунда ва бизнинг оппозициямизнинг балоси ҳам ана шунда. Шундай қилиб ОГПУ, ана шу из кетидан тушиб борганида, ўзи учун мутлақо кутилмаган бир суратда, троцкийчиларнинг партияга қарши яширин босмахонасига дуч келиб

қолади, шу тариқа, жаноб Шербаковлар, Тверскойлар ва Большаковлар оппозиция блан алоқани йўлга қўйган вақтларида улар контрреволюционерлар блан, Костров ва Новиков сингари собиқ колчакчи офицерлар блан аллақачоноқ блок тузган эканликлари ма'лум бўлади, бу тўғрида ўртоқ Менжинский бугун ахборот бериб ўтди.

Гап ана шунда, ўртоқлар, биздаги оппозициянинг балоси ҳам ана шунда.

Оппозициянинг нифоқчилик иши уни буржуа интеллигентлар блан иноқлашувга олиб боради, буржуа интеллигентлар блан иноқлашув эса оппозицияни турли-туман контрреволюцион элементларнинг ҳар тарафдан чулғаб олишини осонлаштиради,— аччиқ ҳақиқат ана шундай.

V

ОППОЗИЦИЯ С'ЕЗДГА ҚАНДАЙ «ТАЙЁРЛИК КЎРМОҚДА»

Эндиги масала: с'ездни тайёрлаш масаласи. Зиновьев блан Троцкий бу ерда, с'ездни жазо чоралари кўриш йўли блан тайёрлаётибсиз, деб дод-вой солди. Жуда ғалатики, улар «жазо чоралари»дан бўлак ҳеч-бир нарсани кўрмайдилар. Хўш, Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссияси пленумининг с'езддан бир ойдан ҳам ортиқроқ вақт илгари мунозара ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги-чи,— хўш, сизнингча бу нима,— с'ездни тайёрлашми ёки йўқми? Хўш, партиянинг ячейкаларида ва бошқа ташкилотларида тўхтовсиз бўлаётган, мана энди уч-тўрт ой мобайнида давом этиб келаётган мунозаралар-чи? Хўш, ички ва ташқи сиёсатнинг ҳамма масалалари юзасидан пленум стенограммалари ва қабул қилган

қарорларини сўнгги ярим йил мобайнида, айниқса кейинги уч-тўрт ой мобайнида муҳокама қилиниб келинганлиги-чи? Мана буларнинг ҳаммасини партия оммаси активлигининг ошуви, партия оммасининг сиёсатимизнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилишга тортилиши, партия оммасини с'ездга тайёрлаш демасдан нима деб бўлади?

Хўш, агар бунда партия ташкилотлари оппозицияни қувватламас экан, бунга ким айбли? Равшанки, бунга оппозиция айбли, тутган йўли батамом банкротлик йўли бўлган, тутган сиёсати ренегат Маслов ва Суваринидан тортиб ҳаммайики партияга қарши элементлар блан чиқишиб, партия ва Коминтернга қарши блок тузиш сиёсати бўлган оппозиция айбли.

Зиновьев блан Троцкий, с'ездни партияга қарши яширин босмахоналар ташкил қилиш йўли блан, партияга қарши яширин мажлислар ташкил қилиш йўли блан, бизнинг партиямиз устидан бутун дун'ё империалистларига ёлғон гаплар блан чақимчилик қилиш йўли блан, партиямизни издан чиқариш ва бўлиб юбориш йўли блан тайёрлаш керак деб ўйласалар керак. Шунга қўшилмоғингиз керакки, бу нарса партия с'ездини тайёрлаш деган гапни жуда ҳам ғалати бир хил тушунишдир. Шундай қилиб, партия бузғунлик солучилар ва нифоқчиларга қарши ҳатто партиядан ўчиришгача кескин чора кўрса, оппозиция жазо чоралари қўлланилмоқда, деб шовқин кўтаради.

Ҳа, партия бузғунлик солучилар ва нифоқчиларга қарши жазо чоралари қўллаётир ва бундан кейин ҳам қўллайди, чунки партияни ҳечбир қандай шароитда, с'езд олдидан ҳам, с'ездда ҳам бўлиб ташлаш мумкин эмас. Чунки, агар партия ҳаддан ошиб кетган

нифоқчиларга, ўша турли-туман Шербаковларнинг иттифоқчиларига, энди с'ездгача ихтиёримизда фақат бир ойгина вақт қолгани учун, партиямизни вайрон қилишга йўл қўйиб берса, у ҳолда партия ўзини ўзи ўз қўли билан ҳалок қилган бўлар эди.

Ўртоқ Ленин масалага бошқача қарар эди. Ўзингизга ма'лумки, Ленин 1921 йилда Шляпниковни партияга қарши босмахона ташкил қилганлик учун эмас ва буржуа интеллигентлар блан иттифоқ тузганлик учун ҳам эмас, балки Шляпников фақат партия ячейкасида Халқ Хўжалиги Олий Советининг қарорини танқид қилиб чиқишга жур'ат этгани учунгина уни Марказий Комитетдан чиқаришни таклиф қилган эди. Энди сиз Ленинниинг бу ҳатти-ҳаракатини партиянинг ҳозир оппозицияга нисбатан нима қилаётгани блан таққослаб кўринг, унда сиз бизнинг бузғунчилик солучилар ва нифоқчиларни нечоғлик ўз майлига қўйиб қўйганлигимизни тушуниб оласиз.

1917 йилда, Октябрь қўзғолони арафасида, Ленинниинг Каменев блан Зиновьевни улар фақат, партиянинг э'лон қилинмаган қарорини ярим социалистик, ярим буржуа газета бўлган «Новая Жизнь»[49] газетасида танқид қилганликлари учунгина уларни партиядан ўчиришни бирнеча бор таклиф қилганлигини сиз билмаслигингиз мумкин эмас. Хўш, биздаги оппозиция ҳозир Масловнинг Берлиндаги газетаси саҳифаларида, буржуа, антисовет, контрреволюцион газета бўлган бу газета саҳифаларида, Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссиясининг қанчадан-қанча маҳфий қарорларини э'лон қилмаётибди дейсиз! Биз эса буларнинг ҳаммасига чидаб қараб ўтирибмиз, бениҳоят чидаб қараб ўтирибмиз, шу блан оппозицияга мансуб

бўлган нифоқчиларга партиямизни вайрон қилмоққа имкон бериб ўтирибмиз. Оппозиция бизни ана шундай шармандагарчиликкача элтиб етказди! Лекин бизнинг тоқатимизнинг ҳам чегараси бор, ўртоқлар. (Овозлар: «Тўғри!». Қарсаклар.)

Партиядан ўчирилган, антисовет иш олиб бораётган бузғунчиларнинг қамоққа олинганлигини гап қилмоқдалар. Ҳа, биз уларни қамоққа олдик, агар улар партия ва Совет ҳокимиятининг тагига болта уришларини тўхтатмасалар биз уларни бундан кейин ҳам қамайберамиз. (Овозлар: «Тўғри! Тўғри!».)

Бизнинг партиямиз тарихида ҳечвақт бундай усуллар қўлланилмаган эди, дейдилар. Бу нотўғри гап. Хўш, Мясников группаси-чи[50]? «Ишчи ҳақиқати» группаси-чи? Бу группаларнинг а'золари қамоққа олинганда Зиновьев, Троцкий ва Каменевларнинг тўппа-тўғри ма'қуллашлари блан қамоққа олинганлигини ким билмайди? Партиядан ўчирилган бузғунчиларни нега, бундан ўч-тўрт йил муқаддам қамоққа олиш мумкин экан-у, энди мумкин эмас экан, троцкийчи оппозициянинг ба'зибир собиқ а'золари контрреволюционерлар блан тўппа-тўғри иноқлашиб олишгача бориб етган шундай бир вақтда қамоққа олиш мумкин эмас экан?

Сиз ўртоқ Менжинскийнинг ахборотини эшитдингиз. Бу ахборотда, партия а'зоси, оппозиция тарафдори Степанов деган бир (ҳарбий) одамнинг контрреволюционерлар блан, Новиков, Костров ва бошқалар блан бевосита алоқада бўлганлиги айтилади, сўроқ қилинган вақтда буни Степановнинг ўзи ҳам инкор қилмади. Хўш, то шу дамгача оппозициячи бўлган бу зотни нима қилишга буюрасиз? Уни қучиб-ўпиш керакми ёки қамаш керакми? Хўш, агар ОГПУ бундай

зотларни қамоққа олар экан, бунинг ажабланадиган нимаси бор? (Жойлардан овозлар: «Тўғри, жуда тўғри!». Қарсаклар.)

Ленин, агар бузғунлик солучилар ва нифоқчиларга кенгчилик бериб қўйилаберадиган бўлса, у ҳолда иш партиянинг батамом вайрон бўлиб кетишигача бориб етмоғи мумкин, деган эди. Бу мутлақо тўғри. Худди шу сабабдан ҳам, мен ўйлайманки, энди биз оппозиция лидерларига кенгчилик бериб қўйишдан воз кечишимиз ва Троцкий блан Зиновьевни партиямизнинг Марказий Комитетидан чиқариш лозим деган хулосага келишимиз керак. (Овозлар: «Тўғри!».) Бу — партиямизни бузғунлик солучиларнинг нифоқчилик ишларидан сақлаб қолиш учун қилиниши лозим бўлган оддий хулоса ва кўрилмоғи лозим бўлган энг минимал оддий чорадир.

Марказий Комитет блан Марказий Контроль Комиссиясининг аввалги, ушбу йил август ойида бўлиб ўтган пленумида пленумнинг ба'зи а'золари мен Троцкий блан Зиновьевга нисбатан юмшоқлик кўрсатганим, мен Троцкий блан Зиновьевни Марказий Комитетдан дарҳол чиқаришдан пленумни қайтарганим учун мени койиган эдилар. (Жойлардан овозлар: «Тўғри, ҳозир ҳам койиймиз».) Эҳтимол, мен у вақтда Троцкий блан Зиновьевга нисбатан анча юмшоқроқ йўл тутишни таклиф қилиб, юмшоқлик кўрсатган ва хато қилгандирман. (Овозлар: «Тўғри!», ўртоқ Петровский: «Тўғри, чирик «арқон» учун ҳамавақт койиймиз!».) Аммо энди, ўртоқлар, шу ўтган уч ой мобайнида биз бошимиздан кечирган ҳамма воқиалардан кейин, оппозиция ўзининг 8 августда ёзган махсус **«ариза»сида ўз фракциясини тугатиш тўғрисида ўзи**

берган ва'дасига вафо қилмай, уни бузиб партияни яна бир марта алдагандан кейин,— мана буларнинг ҳаммасидан кейин, юмшоқлик кўрсатишга энди ҳечбир ўрин қолмайди. Энди биз Троцкий блан Зиновьевнинг Марказий Комитетдан чиқарилишини талаб қилаётган ўртоқларнинг олдинги сафида туришимиз лозим. (Гулдурос қарсаклар. Овозлар: «Тўғри! Тўғри!». Жойлардан овозлар: «Троцкийни партиядан ўчириш керак».) Бу масалани с'езд ҳал қилсин, ўртоқлар.

Троцкий блан Зиновьевни Марказий Комитетдан чиқариш блан бирга, биз оппозициянинг нифоқчилик иши тўғрисида қўлимизда йиғналган ҳамма материалларни XV с'езд қарамоғига топширишимиз керак, с'езд бу материаллар асосида тегишли қарор қабул қилиш имконига эга бўлади.

VI

ЛЕНИНИЗМДАН ТРОЦКИЗМГА

Энди мана бу масала. Зиновьев ўз нутқида, кейинги икки йил ичида партия тутган йўлнинг «хатолиги» ва оппозиция тутган йўлнинг «тўғрилиги» деган қизиқ бир масалани қўзғади. Мен бунга кейинги икки йил ичида оппозиция тутган йўлнинг **банкротлиги** ва партиямиз тутган йўлнинг **тўғрилиги** масаласини аниқлаб бериш орқали икки оғиз сўз блан жавоб беришни истар эдим. Лекин мен сизнинг вақтингизни ҳаддан ташқари кўп олиб қўяётибман, ўртоқлар. (Овозлар: «Сўраймиз, сўзлай беришингизни сўраймиз!», Раис: «Қаршилик йўқми?». Овозлар: «Сўраймиз, сўраймиз!».)

Оппозициянинг асосий гуноҳи, оппозициячилар тутган сиёсатнинг банкрот бўлишига сабаб бўлган асосий гуноҳи нимадан иборат? Оппозициянинг асосий гуноҳи шундан иборатки, у ленинизмни троцкизм блан бўяшга ва ленинизмни троцкизм блан **алмаштиришга** уринди, уринмоқда ва яна уринади. Бир вақтлар бор эдики, Каменев блан Зиновьев ленинизмни Троцкийнинг тажовузидан ҳимоя қилган эди. У вақтларда Троцкий ҳам унча юзсиз эмас эди. Бу — бир йўл эди. Аммо кейин Зиновьев блан Каменев, туғилиб қолган янги қийинчиликлардан қути учиб, Троцкий томонига ўтиб олдилар, Троцкий блан бирлашиб олиб, аввалги Август блокидан ҳам ёмонроқ қандайдир бир блок туздилар ва шундай қилиб, улар троцкизм тузоғига илиндилар. Лениннинг олдиндан айтиб қўйган гаплари, я'ни Зиновьев блан Каменевнинг Октябрьдаги хатоси «тасодифий бир нарса» эмас, деган гаплари бу ўринда ҳам тўғри чиқди. Зиновьев блан Каменев ленинизм учун курашдан қайтиб, троцкизм учун кураш йўлига ўтди. Бу энди тамом бошқача бир йўл. Троцкийнинг энди жуда ҳам юзсиз бўлиб олганлигининг сабаби ҳам, аслида, мана шунда.

Троцкий бошчилик қилаётган ҳозирги бирлашган блокнинг ўз олдига қўйган асосий мақсади нимадан иборат? Шундан иборатки, партияни ленинча йўлдан аста-секингина троцкизм йўлига солиб юборишдир. Оппозициянинг асосий гуноҳи мана шунда. Партия эса Ленин партияси бўлиб қолишни истайди. Партиянинг ленинизм байроғини тобора юқори кўтариб, оппозициядан юз ўгирганлиги жуда табиий бир нарса. Партиянинг кечаги лидерларининг энди муртадлар бўлиб қолганлигининг сабаби ана шунда.

Оппозиция ўзининг мағлуб бўлганлигига, шахслар «сабаб» бўлди, Сталиннинг дағаллиги, Бухарин блан Риковнинг ўжарлиги ва ҳоказолар «сабаб» бўлди, демоқчи бўлади. Сариқ чақага ҳам арзимайдиган сабаб кўрсатиш! Бу сабаб кўрсатиш эмас, фолбинликдир. Троцкий ленинизмга қарши 1904 йилдан бери курашиб келмоқда. Троцкий 1904 йилдан бошлаб то 1917 йил февраль революциясигача ўтган давр давомида ҳамавақт меньшевиклар тевараги да ўралишиб, Ленин партиясига қарши қаттиқ курашиб келди. Шу давр ичида Троцкий Ленин партиясидан кўп мартаба енгилди. Нима сабабдан шундай бўлди? Ёки, бунга Сталиннинг дағаллиги айблимикан? Лекин Сталин у вақтда ҳали Марказий Комитет секретари эмас эди, Сталин у вақтларда четэллардан йироқ ерларда юрган, подпольеда, чоризмга қарши кураш олиб бораётган эди, Троцкий блан Ленин ўртасидаги шиддатли кураш эса четэлда бўлаётган эди,— бас, бунга Сталин дағаллигининг нима алоқаси бор?

Октябрь революциясидан бошлаб 1922 йилгача ўтган давр ичида Троцкий энди большевиклар партияси сафида бўлиб, Ленинга қарши ва унинг партиясига қарши ҳаш-паш демай иккита «ғоят катта» хуруж қилди: 1918 йилда — Брест сулҳи масаласида ва 1921 йилда касаба союзлари масаласида хуруж қилди. Троцкийнинг бу иккала хуружи ҳам унинг мағлубияти блан тамом бўлди. Нима сабабдан шундай бўлди? Ёки бунга Сталиннинг дағаллиги айблимикан? Лекин Сталин у вақтда ҳали Марказий Комитет секретари эмас эди, у вақтда секретарьлик вазифаларида ўтирган одамлар ўша ҳаммага машҳур троцкийчилар эди,— бас, бунга Сталин дағаллигининг нима алоқаси бор?

Бундан кейинги даврларда ҳам Троцкий томонидан партияга қарши бир неча қатор янги хуружлар қилинди (1923 йил, 1924 йил, 1926 йил, 1927 йил), шу блан бирга Троцкийнинг ҳарбир хуружи ҳар гал яна унинг мағлубияти блан тамом бўлди.

Мана буларнинг ҳаммасидан Ленин партиясига Троцкийнинг қарши олиб борган кураши ма'лум бир мақсадни кўзлаб олиб борилган чуқур тарихий илдизга эга кураш эканлиги равшан эмасми, ахир? Партиянинг троцкизмга қарши олиб бораётган ҳозирги кураши партия Ленин бошчилигида 1904 йилдан бери олиб келган курашнинг давоми эканлиги ана шундан равшан эмасми, ахир?

Мана буларнинг ҳаммасидан троцкийчиларнинг ленинизмни троцкизм блан алмаштиришга уринганликлари оппозициянинг тутган ҳамма йўлининг муваффақиятсизликка учрашига ва банкрот бўлишга асосий сабаб бўлганлиги равшан эмасми, ахир?

Бизнинг партиямиз қайнаб турган революцион жангларда туғилди ва вояга етди. Бизнинг партиямиз тинч тараққиёт даврида ўсган партия эмас. Худди шу сабабдан у беҳад-ҳисоб революцион традицияларга эгадир ва ўз лидерларига сажда қилишдан холидир. Плеханов бир замонларда партияда обрўси жуда катта одам эди. Бугина эмас, у партияга асос солган одам эди, яна буёғи ҳам борки Плехановнинг обрўси олдида Троцкийнинг ёки Зиновьевнинг обрўси ҳеч нимага арзимайди. Шундай бўла туриб, бунга қарамай, Плеханов марксизмдан четлашиб оппортунизмга томон қараб кетабошлаган ҳамоноқ, партия Плехановдан юз ўгирди. Хўш, Троцкий блан Зиновьев сингари унчалик **«буюк» эмас одамлар ленинизмдан четлашабошлаган-**

ларидан кейин улар партиянинг думида бўлиб қолган эканлар, бунинг ажабланадиган нимаси бор?

Аммо лекин оппозициянинг айниб оппортунистлик йўлига кириб кетганлигининг энг яққол ифодаси, оппозициянинг банкротлик ва разолатга тушганлигининг энг яққол аломати ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети Манифестига оппозициянинг қарши овоз беришидир. Оппозиция етти соатлик иш кунига ўтилишига қарши! Оппозиция ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитетининг Манифестига қарши! СССРнинг бутун ишчилар синфи, барча мамлакатлар пролетарларининг бутун илғор қисми Манифестни зўр қувонч блан қутламоқдалар, етти соатлик иш кунига ўтиш идеясини якдиллик блан олқишламоқдалар,— оппозиция эса Манифестга қарши овоз бермоқда, буржуа ва меньшевик «танқидчилар»нинг умумий хорига жўр бўлмоқда, «Форвертс»[51]даги бўҳтончиларга жўр бўлмоқда.

Мен оппозиция бунчалик разолатга тушар деб ўйламаган эдим.

VII

ПАРТИЯНИНГ КЕЙИНГИ ЙИЛЛАР ИЧИДА ОЛИБ БОРГАН СИЁСАТИНИНГ БА'ЗИБИР ЭНГ МУҲИМ ЯҚУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Энди партиямизнинг кейинги икки йил ичида тутган йўли, бу йўлни текшириб кўриш, бу йўлга баҳо бериш масаласига ўтайлик.

Зиновьев блан Троцкий партиямизнинг тутган йўлини, нотўғри бўлиб чиқди, деди. Фактларга мурожаат қилайлик. Сиёсатимизнинг тўртта асосий масаласини

олиб, партиямизнинг ана шу масалалар нуқтаи назаридан кейинги икки йил ичида тутган йўлини текшириб кўрайлик. Мен бунда деҳқонлар масаласи, саноат ва уни қайта ускуналаш масаласи, тинчлик масаласи, ва ниҳоят, бутун дун'ёда коммунистик элементларнинг ўсиши масаласидек ҳал қилучи масалаларни назарда тутаман.

Деҳқонлар масаласи. Бундан икки-уч йил аввал бизда аҳвол қандай эди? Ўзингизга ма'лумки, у вақтда бизда қишлоқдаги аҳвол жуда оғир эди. Бизнинг волость ижроия комитетлари раисларимизни ва умуман қишлоқдаги ходимларимизни ҳамавақт ҳам тан олабермас ва уларни кўпинча террор қилиб турар эдилар. Қишлоқ мухбирларини кесма милтиқ блан қарши олар эдилар. Ба'зибир ерларда, айниқса чекка ўлкаларда бандитлик хуружлари ҳам бўлган эди. Грузиядек бир мамлакатда ҳатто ис'ён[52] ҳам бўлган эди. Табиийки, бундай шароитда қулоқ куч олган, ўрта деҳқонлар қулоқ атрофига тўпланган, камбағаллар эса бўлиниб-бўлиниб кетган эди. Мамлакатнинг аҳволига қишлоқнинг ишлабчиқариш кучлари жуда ҳам секинлик блан ўсганлиги, экин ерларининг бир қисми мутлақо экиқсиз қолиб кетганлиги, экин майдони урушдан бурунги экин майдонининг атиги 70—75% ини ташкил қилганлиги факти айниқса оғир та'сир қилган эди. Партиямизнинг XIV конференциясидан олдинги даврда аҳвол шундай эди.

XIV конференцияда партия деҳқон хўжалигини кўп даража тезроқ сур'ат блан илгарига қараб элтиш, қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат ва хоммол ишлабчиқаришини ошириш, ўрта деҳқонлар блан мустаҳкам иттифоқ ўрнатиш ва қулоқларни яккалаб қўйиш иши-

ни кучайтириб юборишни назарда тутиб, ўрта деҳқонлар фойдасига ба'зибир ён беришлар тарзида бирқанча тадбирлар кўрди. Партиямизнинг XIV с'ездида оппозиция, Зиновьев блан Каменев бошчилигида, партиянинг бу сиёсатини барбод қилишга уриниб кўрди, бу сиёсатни, аслини айтганда, қулоқларни тугатиш сиёсати блан, камбағаллар комитетларини қайта тиклаш сиёсати блан алмаштиришни таклиф қилди. Бу, аслини айтганда, қишлоқда гражданлар урушини қайтадан бошлаш сиёсати эди. Партия оппозициянинг бу хуружини даф' қилди, XIV конференциянинг қарорини тасдиқлади, қишлоқларда Советларни жонлантириш сиёсатини ма'қуллади ва социалистик қурилишнинг асосий шиори сифатида индустриялаш шиорини майдонга ташлади. Партия ўрта деҳқонлар блан мустаҳкам иттифоқ ва қулоқларни яккалаш йўлида маҳкам турди.

Партия бунинг натижасида нималарга эришди?

Партия булар натижасида қишлоқда осойишталик ўрнатилувига, деҳқонлар асосий оммаси блан муносабатнинг яхшиланувига, камбағалларнинг мустақил сиёсий куч бўлиб уюшмоғи, қулоқларнинг янада яккаланиб қўйилмоғи ва миллион-миллион деҳқонларнинг якка хўжаликларини давлат органлари блан кооператив органларининг аста-секин ўз қучоқларига олмоқлари учун шароит яратилувига эришди.

Хўш, қишлоқда осойишталик ўрнатилуви нима демак? Бу — социализм қуриш учун асосий шартлардан биридир. Деҳқонлар ўртасида бандитлик хуружлари ва ис'ёнлар бўлган шароитда социализм қуриб бўлмайди. Энди ҳозир биз кўриб турибмизки, экин майдони урушдан олдинги даражага етди (95%),

қишлоқда осойишталик барпо бўлди, ўрта деҳқонлар блан иттифоқ ўрнатилди, камбағаллар оздир-кўпдир уюшди, қишлоқда Советлар мустаҳкам бўлиб олди, пролетариат ва унинг партиясининг қишлоқда обрўси ошди.

Шундай қилиб, биз энди қишлоқдаги капиталистик элементларга қарши ҳужумни янада кучайтиришга ва мамлакатимизда социализм қуришни бундан буён янада муваффақият блан давом этдиришга имкон берадиган шароит яратдик.

Партиямизнинг қишлоқда кейинги икки йил ичида олиб борган сиёсатининг натижалари ана шундай.

Шундай қилиб, партиямизнинг пролетариат блан деҳқонларнинг ўзаро муносабати масаласида тутган сиёсати тўғри бўлиб чиқди.

Саноат масаласи. Тарихдан ма'лумки, ҳали дун'ёда бironта ҳам ёш давлат ташқаридан ёрдам олмай, ташқаридан қарз олмай ёки бошқа мамлакатларни, мустамлакаларни таламай ва ҳоказоларсиз ўз саноатини, айниқса оғир саноатини йўлга қўяолган эмас. Бу — капиталистик индустриялашнинг одат бўлиб қолган йўлидир. Англия ўз саноатини ўтмишда шу блан йўлга қўйдики, у юз йиллаб барча мамлакатлар, барча мустамлакаларнинг сиқиб сувини олиб, ҳамма талаб олган нарсаларни ўз саноатига харж қилиб борди. Германия кейинги вақтларда Америкадан бирнеча миллиард сўм қарз олганлиги туфайли кўтарилабошлади.

Аммо биз бу йўлларнинг ҳечқайси биридан боролмаймиз. Бизнинг тутган бутун сиёсатимизда мустамлакаларни талашнинг бўлиши сра мумкин эмас. Қарз масаласига келганда эса, бизга қарз бермайдилар.

Бизнинг ихтиёримизда фақат бирдан-бир йўл, Ленин кўрсатган йўл қолган, у ҳам бўлса: ўз саноатимизни йўлга қўйишни, ўз саноатимизни қайта ускуналашни мамлакатимизнинг ўз ички жамғармалари блан бажариш эди. Оппозиция ҳамиша бадниятлик қилиб, саноатимизни қайта ускуналаш учун ички жамғармалар етмайди, деб келди. Марказий Комитетнинг 1926 йил апрелида бўлган пленумидаёқ оппозиция саноатни қайта ускуналаш ишини илгарига қараб элтиш учун ўзимизнинг ички жамғармаларимиз етмайди, деб да'во қилган эди. Оппозиция ўша вақтда, устма-уст муваффақиятсизликларга учрай берилиши аниқ, деб фолбинлик қилган эди. Ҳолбуки, ҳақиқат ҳолни олиб текшириб кўриш шуни кўрсатдики, биз шу икки йил ичида саноатимизни қайта ускуналаш ишини илгарига қараб элтишга эришганлигимиз ма'лум бўлди. Биз икки йил ичида саноатимизга икки миллиард сўмдан ошиқроқ маблағ сарф қилдик, бу фактдир. Шу сарф қилган маблағларимизнинг ўзиёқ саноатимизни қайта ускуналаш ва мамлакатимизни индустриялаш ишини илгарига қараб элтиш учун кифоя қилди, бу фактдир. Биз дун'ёда ҳали бironта ҳам давлат қўлидан келаолмаган ишни қилдик: биз ўз мамлакатимизнинг ўз ички жамғармалари блан ўз саноатимизни йўлга қўяолдик, биз бу саноатни қайта ускуналай бошладик, биз бу ишни олға қараб элтдик.

Мана, саноатимизни қайта ускуналаш масаласида бизнинг тутган сиёсатимизнинг натижалари ана шундай.

Партиямизнинг бу соҳада тутган сиёсатининг тўғри бўлиб чиққанлиги фактини фақат кўрларгина инкор қилаолади.

Ташқи сиёсат масаласи. Агар буржуа давлатлар блан дипломатик муносабат назарда тутиладиган бўлса, бизнинг ташқи сиёсатимизнинг мақсади тинчликни сақлашдир. Хўш, биз бу соҳада нимага эришдик? Биз шунга эришдикки, **тинчликни** сақлаб қолдик,— яхшими, ёмонми,— ҳарҳолда, тинчликни сақлаб қолдик. Биз шунга эришдикки, капиталистик қуршовда эканлигимизга қарамай, капиталистик ҳукуматларнинг олиб борган душманлик ишларига қарамай, Пекиндаги[53], Лондондаги[54], Париждаги[55] иғвогарлик ҳаракатларига қарамай,— буларнинг ҳаммасига қарамай биз иғволарга учмадик ва тинчликни сақлаб қолаолдик.

Зиновьев ва бошқаларнинг кўп мартаба биз блан уруш бўлиши аниқ, деб фолбинлик қилишларига қарамай, **биз урушдан холимиз**,— бу асосий факт бўлиб, биздаги оппозициянинг бу тўғридаги ҳарқандай валжирашлари беҳуда гаплардир. Бу эса биз учун ниҳоятда муҳимдир, чунки фақат тинчлик шароитидагина биз мамлакатимизда социализм қуриш ишини кўнгилдагидек тез сур'ат блан янада илгарига қараб элтаоламиз. Уруш бўлиши аниқ, деган фолбинликни биз озмунча эшитмаган эдикми! Зиновьев, шу йилнинг кўкламида биз блан уруш бўлади, деб фолбинлик қилган эди. Кейин у, уруш, албатта, шу йилнинг кузида бошланса керак, деб валжирайбошлади. Ҳолбуки, биз мана энди қиш олдида турибмиз, ҳали уруш йўқ.

Мана, бизнинг тинчлик сиёсатимизнинг натижалари ана **шундай.**

Бу натижаларни фақат кўрларгина кўрмасликлари мумкин.

Ниҳоят, тўртинчи масала,— бутун дун'ёда коммунистик кучларнинг ҳолати масаласи. Хитойдан тортиб

то Америкагача, Англиядан тортиб то Германиягача, бутун дун'ёда компартияларнинг ўсаётганлигини фақат кўрларгина инкор қилаолади. Капитализм кризиси элементлари камаймай, балки ўсиб бораётганлигини фақат кўрларгина инкор қилаолади. Мамлакатимизда социалистик қурилишнинг ўсиши, бизнинг мамлакатимиз ичкарисидаги тутган сиёсатимизнинг муваффақиятлари коммунистик ҳаракатнинг бутун дун'ёда ўсишининг асосий сабабларидан бири эканлигини фақат кўрларгина инкор қилаолади. Коммунистлар Интернационалининг та'сири ва обрўси бутун дун'ёда тўхтовсиз ўсиб бораётганлигини фақат кўрларгина инкор қилаолади.

Партиямизнинг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги тўртта асосий масалада кейинги икки йил ичида тутган сиёсатининг натижалари ана шундай.

Хўш, партиямиз тутган сиёсатнинг тўғрилиги нимани кўрсатади? Бу, бошқаларини буёққа қўйиб турайлик, фақат бир нарсани: биздаги оппозиция тутган йўлнинг батамом банкрот бўлганлигини кўрсатади.

VIII

АКСЕЛЬРОД ТОМОН ОРҚАГА ҚАЙТИШ

Буларнинг ҳаммаси жуда соз,— дейишлари мумкин бизга. Оппозиция тутган йўл нотўғри ва партияга қарши йўл. Оппозициянинг ҳатти-ҳаракатини нифоқчилик демай бошқача деб бўлмайди. Бинобарин, Зиновьев блан Троцкийнинг чиқарилиши туғилган аҳволдан халос бўлишнинг табиий йўлидир. Буларнинг ҳаммаси тўғри.

Аммо бизнинг ҳаммамиз, оппозиция лидерларини Марказий Комитетда сақлаш керак, уларни шартта чиқариб ташлаш керак эмас, деган вақтларимиз бор эди-ку, ахир. Энди нега шунчалик ўзгариш, бу ўзгариш нимадан? Бундай бурилишнинг сабаби нимада? Бу ерда умуман бурилиш борми?

Ҳа, бор. Бу бурилишнинг сабаби нимада? Бунинг сабаби оппозиция лидерларининг принципиал йўли ва ташкилий «схема»сининг тубдан ўзгарганлигидадир. Оппозиция лидерлари ўзгариб кетди ва энг аввало Троцкий ўзгариб кетди, улар ёмон томонга қараб ўзгариб кетдилар. Табиийки, бу оппозициячиларга муносабат масаласида партиянинг сиёсати ҳам ўзгармоғи лозим эди.

Масалан, мана бу муҳим **принципиал** масалани, бизнинг партиямиз айниб ўзгариб кетди, дейилган масалани олиб қарайлик. Бизнинг партиямизни айниб ўзгариб кетди дейиш нима демак? Бундай дейиш — СССРда пролетариат диктатураси мавжудлигини инкор қилиш демакдир. Хўш, Троцкий бу соҳада, айтайлик, бундан уч йил илгари қандай позицияда турган эди? Ўзингизга ма'лумки, либераллар блан меньшевиклар, сменовеховчилар[56] ва турли-туман ренегатлар ўша вақтда бизнинг партиямизни, албатта айниб ўзгариб кетади, деб жаврашган эдилар. Ўзингизга ма'лумки, ўша вақтда улар француз революцияси соҳасидан мисоллар келтириб, ўз замонида якобинчилар Францияда қандай ҳалокатга йўлиққан бўлса, большевиклар ҳам худди шундай ҳалокатга йўлиқади, деб да'во қилган эдилар. Ўзингизга ма'лумки, ўша вақтда ҳамма ва ҳарқандай меньшевиклар ва сменовеховчилар француз революцияси блан тарихий таққослашларни

(якобинчиларнинг ҳалокатга йўлиқишини) пролетариат диктатурасининг сақланишига қарши ва бизнинг мамлакатимизда социализм қурилиши мумкинлигига қарши асосий далил қилиб келтирган эдилар ва ҳозир ҳам шундай қилишда давом этмоқдалар.

Троцкий бу ишга бундан уч йил илгари қандай қараган эди? Ўша вақтда у бундай таққослашларни, ҳеч шубҳасизки, мутлақо нотўғри деб қараган эди. Ўша вақтда у ўзининг «Янги йўл» (1924 йил) деган брошюрасида мана бундай деб ёзган эди:

«Либерализм блан меньшевизм умид боғлаётган ва ўзини юпатаётган таққослашлар, я'ни улар улуғ француз революцияси блан қилаётган тарихий таққослашлар (якобинчиларнинг ҳалокатга йўлиқиши!) юзаки ва асоссиз* таққослашлардир» («Янги йўл», 33 бетга қаралсин).

Аниқ ва қат'ий айтилган гап! Бундан ҳам қат'ийроқ ва аниқроқ қилиб айтиш қийин бўлса керак. Француз революцияси блан тарихий таққослашлар, турли-туман сменовеховчилар ва меньшевиклар зўр бериб дастак қилиб келган бундай таққослашлар тўғрисида Троцкийнинг айтган ҳалиги гапи тўғрими? Ҳеч шубҳасизки, тўғри.

Хўш, ҳозир-чи? Троцкий ҳозир ҳам шу позицияда турибдими? Афсуски, йўқ. Ҳатто бунинг аксича. Шу ўтган уч йил ичида Троцкий ўзгариб бориб, энди «меньшевизм» блан «либерализм» йўлига тушиб олди. Энди унинг ўзи, француз революцияси блан тарихий таққослашлар меньшевизм аломати эмас, балки «чинакам» «ҳақиқий» «ленинизм» аломатидир, деб да'во қилади. Сизлар Марказий Контроль Комиссияси

* Курсив меники. **И. Ст.**

Президиумининг шу йил июль ойида бўлган мажлиси стенограммасини ўқидингизми? Агар ўқиган бўлсаларингиз, у ҳолда, Троцкийнинг энди партиямизга қарши олиб бораётган ўз курашида меньшевикларнинг бизнинг партиямизни, француз революцияси даврида якобинчилар ҳалокатга йўлиққан тарзда айниб кетади, деган назариясига таянаётганлигини тушуниб олиш қийин эмас. Энди «термидор» деган алжирашлар Троцкийнинг энг яхши кўрган гапи бўлиб қолди.

Айниб ўзгариб кетиш деган асосий масалада троцкизмдан «меньшевизм» ва «либерализм»га ўтиш,— троцкийчиларнинг кейинги уч йил ичидаги босиб ўтган йўли ана шундай.

Троцкийчилар ўзгариб кетдилар. Троцкийчиларга муносабат масаласида партиянинг сиёсати ҳам ўзгармоғи лозим эди.

Энди аҳамияти бундан кам бўлмаган мана бу масалани, **ташкилий** масалани, партия интизоми, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши, партияда темирдек мустаҳкам интизом бўлишининг пролетариат диктатурасини мустаҳкамлаш ишидаги роли масаласини олайлик. Ҳаммага ма'лумки, бизнинг партиямизда темирдек мустаҳкам интизом бўлиши пролетариат диктатурасини сақлаб қолиш ва мамлакатимизда муваффақият блан социализм қуришнинг асосий шартларидан биридир. Ҳаммага ма'лумки, барча мамлакатларнинг меньшевиклари, ҳамма нарсадан бурун, партиямизнинг темирдек мустаҳкам интизомига болта уришга ҳаракат қиладилар. Бир вақтлар бор эдики, Троцкий партиямизда темирдек мустаҳкам интизом бўлишини яхши тушунар ва қадр-қимматига етар эди. Партиямизнинг Троцкий блан келишмасликлари, асли-

ни айтганда, ҳеч тўхтаган эмас. Аммо шундай эса-да, Троцкий ва троцкийчилар партиямизнинг қарорларига бўйсуна билган эдилар. Троцкийнинг, бизнинг партиямиз қандайгина бўлмасин, агар партия буюрадиган бўлса мен «қулоқ қоқмай бажариш»га ҳозирман деб неча топқир гапиргани ҳаммага ма'лум. Бунисини ҳам айтиб ўтмоқ керакки, троцкийчилар партия ва унинг раҳбар органлари блан муроса-мадора қилишнинг анчагина марта уддасидан чиқаолган эдилар.

Хўш, ҳозир-чи? Троцкийчилар, ҳозирги оппозиция, партиянинг қарорларига бўйсунишга, партиянинг деганини қулоқ қоқмай бажариш ва ҳоказоларга ҳозир деб бўладими? Йўқ, энди ҳозир бундай деб айтишга ўрин йўқ. Улар партиянинг қарорларига бўйсуниш тўғрисида ўзлари берган ва'даларини икки марта бузганларидан кейин, партияни икки марта алдаганларидан кейин, буржуа интеллигентлар блан чиқишиб олиб яширин босмахона ташкил қилганларидан кейин, Зиновьев блан Троцкий мана шу минбардан туриб кўп мартаба партиямизнинг интизомини ўзларининг бузаберишлари ва бундан кейин ҳам бузишдан тўхтамасликларини ошкора айтиб келганларидан кейин,— мана шуларнинг ҳаммасидан кейин, оппозиция лидерларининг партиямиз айтганларини қулоқ қоқмай бажаришга тайёр туришларига ишонишга юрак бетлай оладиган одам партиямизда битта ҳам топилмаса керак. Энди оппозиция янги бир йўлга, партияни бўлиб юбориш йўлига, янги партия тузиш йўлига ўтди. Энди оппозициячилар ўртасида энг му'табар брошюра Ленининг «Бир қадам олға, икки қадам орқага»[57] деган большевистик брошюраси бўлмай, балки Троцкийнинг эски, «Бизнинг сиёсий вазифаларимиз» деган (1904

йилда нашр қилинган), ленинизмнинг ташкилий принципларига, Лениннинг «Бир қадам олға, икки қадам орқага» номли брошюрасига қарши қаратилган меньшевистик брошюраси энг му'табар брошюра бўлиб қолди.

Троцкийнинг бу эски брошюрасининг асосий мазмуни Ленин тушунган ма'нодаги партия ва партия интизомини инкор қилишдан иборат эканлиги ўзингизга ма'лум. Бу брошюрасида Троцкий Ленинни «Максимилиан Ленин» деб атамай бошқача атай олмайди, бунинг блан у, Ленин бир ўзи диктаторлик қилишга ҳавас қўйган Максимилиан Робеспьернинг такрорланишидир, демоқчи бўлади. Троцкий ўзининг бу брошюрасида тўппа-тўғри, партия қарорлари партияга бўйсуниши лозим бўлган кишиларнинг истак ва қарашларига зид келмас экан, бас фақат шу тақдирда партия интизомига бўйсуниш лозим, дейди. Бу — уччига чиққан меньшевистик ташкилий принципдир. Бу брошюра, жумладан, шу блан ажойибки, Троцкий у брошюрани меньшевик П. Аксельродга бағишлайди. Унда худди шундай дейилган: «Қийматли устоз Павел Борисович Аксельродга бағишланади» дейилган. (Кулги. Овозлар: «Бориб турган меньшевик!».)

Партия блан муросаи-мадора қилишдан партияда нифоқ солиш сиёсатига, Лениннинг «Бир қадам олға, икки қадам орқага» брошюрасидан Троцкийнинг «Бизнинг сиёсий вазифаларимиз» брошюрасига, Лениндан Аксельродга,— биздаги оппозициянинг ташкилий йўли ана шундай.

Троцкийчилар ўзгариб кетдилар. Партиянинг троцкийчи оппозицияга муносабат масаласида ташкилий сиёсати ҳам ўзгариши лозим эди.

Хўп, жуда соз,—«қийматли устоз Павел Борисович Аксельродга» томон йўл ана катта очиқ! Йўл ана катта очиқ! Лекин, муҳтарам Троцкий, тезроқ ҳаракат қилинг, чунки «Павел Борисович» жуда ҳам шарти кетиб парти қолганлигидан бугун эмас, эрта ўлиб қолиши мумкин, сиз эса «устоз» дийдорини кўролмай қолишингиз мумкин. (У з о қ қ а р с а к л а р.)

„Правда“ № 251,
1927 йил 2 ноябрь

ЧЕТЭЛ ИШЧИЛАРИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ БЛАН СУҲБАТ

1927 йил 5 ноябрь

Германия, Франция, Австрия, Чехословакия, Жанубий Америка, Хитой, Бельгия, Финляндия, Дания ва Эстониядан 80 делегат ҳозир бўлди.— Суҳбат 6 соатга чўзилди.

Сталин. Ўртоқлар, кеча менга немис тилида ёзилган имзосиз саволлар рўйхатини келтириб берган эдилар. Бугун эрталаб яна тағин иккита рўйхат олдим: бири француз делегациясидан, яна бири — Дания делегациясидан. Гарчи қайси делегациядан эканлиги нома'лум бўлса ҳам, биринчи рўйхатдаги саволлардан бошласак дейман. Сўнгра кейинги икки рўйхатга ўтамиз. Агар қарши бўлмасангиз, бошлайберамиз. (Делегатлар розилик билдирадилар.)

1-нчи САВОЛ. Нима учун СССР Миллатлар иттифоқида иштирок этмайди?

ЖАВОБ. Совет Иттифоқининг Миллатлар иттифоқида иштирок этмаганининг сабаблари тўғрисида матбуотимизда кўп мартаба гапирилган. Мен ана шу сабаблардан ба'зиларини кўрсатиб ўтишим мумкин.

Совет Иттифоқининг Миллатлар иттифоқига а'зо бўлмаганлиги ва Миллатлар иттифоқида иштирок этмаганининг сабаби энг аввало шуки, у Миллатлар иттифоқининг империалистик сиёсат олиб бораётгани учун ҳам, мустамлака мамлакатларни эксплуатация

қилиш ва эзиш мақсадида Миллатлар иттифоқи томонидан берилаётган «мандатлар» учун ҳам ўз устига жавобгарлик олишни истамайди. Совет Иттифоқи империализмга қарши бўлганидан, мустамлака ва қарам мамлакатларнинг эзилишига қарши бўлганидан Миллатлар иттифоқида иштирок этмайди.

Совет Иттифоқининг Миллатлар иттифоқида иштирок этмаганининг сабаби, иккинчидан, шуки, у Миллатлар иттифоқи ҳомилик қилиб кўкларга кўтараётган ва муқаррар янги империалистик урушларга олиб келадиган ҳарбий тайёргарликлар учун ҳам, қуролланишнинг авжига минаётгани учун ҳам, янги ҳарбий иттифоқлар ва ҳоказолар учун ҳам ўз устига жавобгарлик олишни истамайди. Совет Иттифоқи бутун вужуди блан империалистик урушларга қарши бўлганидан Миллатлар иттифоқида иштирок этмайди.

Совет Иттифоқининг Миллатлар иттифоқида иштирок этмаганининг сабаби, ниҳоят, шуки, империалистик ҳийла-найрангларни ниқоблайдиган пардадан иборат бўлган ва бу ҳийла-найрангларни ўз а'золарининг доғули сўзлари блан яширадиган Миллатлар иттифоқининг таркибий қисми бўлишни истамайди.

Миллатлар иттифоқи, ҳозирги шароитда, девор орқасида иш битируви империалистик корчалонлар учун «учрашув жойи» бўлиб қолди. Миллатлар иттифоқидаги расмий **гапларнинг** ҳаммаси халқни алдаш учун гапирилган қуруқ ва пуч валдирашдир. Аксинча, империалистик корчалонларнинг Миллатлар иттифоқидан четда ғайри расмий суратда **қилаётган ишлари** эса империалистларнинг асл ишлари бўлиб, буларни Миллатлар иттифоқининг баландпарвоз гапларга уста нотиқлари қаллобларча яширадилар.

Бас, шундай экан, халққа қарши бўлган бу майнахонада Совет Иттифоқининг а'зо бўлишни ва унда иштирок этишни истамаганлигининг нимасига ажабланиб бўлади?

2-нчи САВОЛ. Нима учун Совет Иттифоқида социал-демократик партияга йўл берилмайди?

ЖАВОБ. Совет Иттифоқида контрреволюционерларга нима учун йўл берилмаса, социал-демократик партияга (я'ни меньшевикларга) ҳам худди шу важдан йўл берилмайди. Балки, бу сизни таажжубландирар, аммо бунда таажжубланадиган ҳеч нарса йўқ.

Мамлакатимизнинг ривожланиш шароитлари, унинг ривожланиш тарихи шундай бўлдики, социал-демократия чоризм режими даврида озми-кўпми революцион партия бўлган бўлса, чоризм йиқитилгандан кейин, Керенский даврида ҳукумат партияси, буржуазия партияси, империалистик уруш партияси бўлиб қолди, Октябрь революциясидан кейин эса очиқдан-очиқ контрреволюцион партияга, капитализмни тиклаш партиясига айланди.

Бизда социал-демократиянинг гражданлар уруши вақтида Колчак ва Деникин томонида туриб Совет ҳокимиятига қарши урушга қатнашгани сизларга ма'лум. Ҳозирги вақтда бу партия капитализмни тиклаш партияси, совет тузумини тугатиш партиясидир.

Социал-демократиянинг бу тариқа эволюцияси фақат СССР учунгина типик бир ҳол бўлиб қолмай, балки бошқа мамлакатлар учун ҳам типик бир ҳолдир, деб ўйлайман. Бизда социал-демократия, чоризм режими мавжуд бўлган бир чоқда озми-кўпми рево-

люцион эди. Худди шу сабабдан ҳам биз, большевиклар ўша вақтда меньшевиклар, я'ни социал-демократлар блан бирликда бир партияни ташкил қилган эдик. Демократик буржуазия деб аталмиш буржуазия ҳокимият тепасига келиши бланоқ социал-демократия оппозицион партия ёки ҳукумат партияси, буржуазия партияси бўлиб қолади. Ҳокимият тепасига революцион пролетариат келгани ҳамоно социал-демократия очиқдан-очиқ контрреволюцион партияга айланади.

Делегатлардан бири. Бунинг ма'носи социал-демократия фақат шу ерда, СССРдагина контрреволюцион кучми ёки уни бошқа мамлакатларда ҳам контрреволюцион куч деса бўлаберадими?

Сталин. Бунда бирмунча фарқ борлигини юқорида айтиб ўтдим.

Социал-демократия пролетариат диктатураси бўлган мамлакатда капитализмни тикламоққа ва буржуа «демократияси» манфаати йўлида пролетариат диктатурасини тугатмоққа ҳаракат қилучи контрреволюцион кучдир.

Ҳали пролетариат ҳокимияти бўлмаган капиталистик мамлакатларда социал-демократия ё капитал ҳокимиятига нисбатан оппозицион партия, ё либерал буржуазия блан иттифоқ бўлиб капитализмнинг энг реакцион кучларига қарши ва революцион ишчилар ҳаракатига қарши туручи яримҳукумат партияси, ёки пролетариатнинг революцион ҳаракатига қарши капитализм ва буржуа «демократия»сини тўғридан-тўғри ва очиқдан-очиқ ҳимоя қилучи энг ашаддий ҳукумат партиясидир.

Пролетариат ҳокимияти ҳақиқат бўлиб қолганидан кейингина социал-демократия провардигача

котрреволюцион партия бўлиб олади ва унинг контрреволюционлиги пролетариат ҳокимиятига қарши қаратилади.

3-нчи САВОЛ. Нега СССРда матбуот эркинлиги йўқ?

ЖАВОБ. Қандай матбуот эркинлигини айтаётибсиз? Қайси синф учун матбуот эркинлиги — буржуазия учунми ёки пролетариат учунми? Агар сўз буржуазия учун матбуот эркинлиги устида бораётган бўлса, пролетариат диктатураси мавжуд экан, бундай эркинлик бизда йўқ ва бўлмайди. Агар сўз пролетариат учун матбуот эркинлиги устида бораётган бўлса, шуни айтишим керакки, сиз пролетариат учун СССРда мавжуд бўлганидек шундай ҳартомонлама ва шундай кенг матбуот эркинлиги бўлган бошқа бир давлатни дун'ёда топаолмайсиз.

Пролетариат учун матбуот эркинлиги қуруқ гап эмас. Энг яхши босмахоналар бўлмай туриб, энг яхши матбуот уйлари бўлмай туриб, ишчилар синфининг энг кичкина ташкилотларидан тортиб миллионлаб ишчилар синфини ўз ичига олган жуда кенг ошкора ташкилотлари бўлмай туриб, мажлислар ўтказишга жуда кенг эркинлик берилмай туриб — матбуот эркинлигининг бўлиши мумкин эмас.

СССРдаги турмуш шароитларига бир разм солингиз, ишчилар турадиган районларни бир айланиб чиқингиз, сиз бунда энг яхши босмахоналарнинг, энг яхши матбуот уйларининг, бирқанча қоғоз фабрикаларининг, матбуот учун зарур бўлган бирқанча рангбўёқ заводларининг, мажлис ўтказиш учун катта-катта саройларнинг ва шу каби ишчилар синфининг матбуот

эркинлиги учун зарур бўлган жуда кўп нарсаларнинг ҳаммаси тамомила ва бутунисича ишчилар синфи ва меҳнаткашлар оммаси ихтиёрида эканини билиб оласиз. Мана буни бизда ишчилар синфи учун матбуот эркинлиги деб айтилади. Бизда буржуазия учун матбуот эркинлиги йўқ.

Бизда тор-мор қилиниб ва ағдариб ташланган буржуазия манфаатларини ифода қиладиган меньшевиклар ва эсерлар учун матбуот эркинлиги йўқ. Хўш, бунинг ажабланарли нимаси бор? Биз ҳечқачон барча синфларга матбуот эркинлиги берамиз, барча синфларни бахтиёр қиламиз, деб ўз устимизга мажбурият олган эмасмиз. Большевиклар 1917 йил октябрида ҳокимиятни қўлга олган чоқларида, бу ҳокимият бир синф ҳокимияти, пролетариат ҳокимияти, бу ҳокимият СССР аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил қилган шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари оммасининг манфаатлари йўлида буржуазияни маҳв этади, деб очиқдан-очиқ гапирган эдилар.

Бас, шундай экан, пролетариат диктатурасидан буржуазия учун матбуот эркинлиги талаб қилиб бўладими?

4-нчи САВОЛ. Нега қамалган меньшевикларни турмадан бўшатмайдилар?

ЖАВОБ. Сўз, афтидан актив меньшевиклар ҳақида бораётган бўлса керак. Ҳа, бу тўғри, бизда актив меньшевикларни муддати тўлмагунча турмадан чиқармайдилар. Аммо бунинг ажабланадиган нимаси бор?

Нима учун, масалан, ҳокимият тепасида меньшевиклар блан эсерлар турган чоқда, 1917 йил июль,

август, сентябрь, октябрь ойларида большевикларни турмадан чиқармаган эдилар?

Нима учун Ленин, ҳокимият тепасида меньшевиклар блан эсерлар турган бир чоқда 1917 йил июлидан октябригача яшириниб подпольеда юришга мажбур бўлди? Ҳукумат тепасида II Интернационалнинг актив арбоблари бўлмиш ма'лум меньшевиклар турганига қарамай, номи барча мамлакатларнинг пролетарлари учун байроқ бўлган улуғ Лениннинг 1917 йил июль — октябрида, Керенский ва Церетели, Чернов ва Данларнинг «Демократик республикасидан» узоқда, Финляндияда яшириниб юришга мажбур бўлганининг, Ленин партиясининг босма органи «Правда»нинг буржуа ма'мурлари томонидан тор-мор қилинганининг сабаби нима?

Бу ҳодисаларнинг сабаби, афтидан, шуки, буржуа контрреволюцияси блан пролетар революцияси ўртасидаги кураш ма'лум даражада жазо чораларига олиб келмай қўймайди. Мен, социал-демократиянинг бизда контрреволюцион партия эканини айтган эдим. Бундан, пролетар революцияси бу контрреволюцион партиянинг арбобларини қамоққа олмай қололмайди, деган ма'но келиб чиқади.

Лекин гап бу блангина тугамайди. Бундан яна, меньшевикларнинг қамоққа олиниши Октябрь революцияси сиёсатининг давом этдирилишидир, деган ма'но ҳам келиб чиқади. Дарҳақиқат, Октябрь революцияси нима деган сўз? Октябрь революцияси, даставвал, буржуазия ҳокимиятини ағдариш демакдир. Эндиликда, барча мамлакатларнинг озми-кўпми онгли ишчилари, большевиклар 1917 йил октябрида буржуазия ҳокимиятини ағдариб тўғри иш қилган эканлар, деб

э'тироф этаётирлар. Мен сизларнинг ҳам шу фикрда эканлигингиздан шубҳаланмайман. Лекин шундай бир савол туғилади: 1917 йилнинг октябрида пролетариат ахир, кимни ағдарган эди? Тарих ҳам, фактлар ҳам 1917 йилнинг октябрида пролетариат меньшевиклар блан эсерларни ағдарганлигини тасдиқлайди, чунки худди шу меньшевиклар блан эсерлар, Керенский ва Чернов, Гоц ва Либер, Дан ва Церетели, Абрамович ва Авксентьевлар ҳокимият тепасида турар эдилар. Меньшевиклар блан эсерлар партиялари нимадан иборат? Улар II Интернационал партияларидан иборат.

Демак, бундан чиқадики, СССР пролетариати Октябрь революциясини амалга ошириш блан II Интернационал партияларини ағдариб ташлади. Балки, бу нарса социал-демократлардан ба'зи бировларга ёқмас, аммо бу шубҳасиз факт, ўртоқлар, бу фактга қарши баҳслашиб ўтириш кулгили бўлар.

Бас, бундан чиқадики, пролетариат революцияси бўлаётган пайтда пролетариат ҳокимияти тантана қилмоғи учун меньшевиклар блан эсерлар ҳокимиятини ағдариш мумкин ва зарурдир.

Бас,— агар уларни ағдариш мумкин экан, улар очиқдан-очиқ ва қат'иян буржуа контрреволюцияси лагерига ўтиб кетганлари бир чоқда, нега уларни қамоққа олиш мумкин эмас? Меньшевиклар блан эсерларни ағдариш уларни қамоққа олишдан кўра кучсизроқ бир чора деб ўйлайсизми?

Октябрь революциясининг сиёсатидан муқаррар келиб чиқадиган натижаларни ҳам тўғри деб ҳисобламай туриб, унинг сиёсатини тўғри деб ҳисоблаш мумкин эмас. Иккидан бири:

ё Октябрь революцияси хато бўлган,— бу тақдирда меньшевиклар блан эсерларнинг қамоққа олиниши ҳам хатодир;

ё Октябрь революцияси хато бўлмаган,— бу тақдирда контрреволюция йўлига кириб кетган меньшевиклар блан эсерларнинг қамоққа олинишини ҳам хато деб ҳисоблаб бўлмайди.

Мантиқ тақозоси шу.

5-нчи САВОЛ. Нега социал-демократик матбуот бюросининг мухбири СССРга келиш учун рухсат ола-олмади?

ЖАВОБ. Шунинг учунки, четэллардаги социал-демократик матбуот, айниқса «Форвертс», СССРга ва унинг вакилларига энг қабиҳлик блан туҳмат қилишда бирқанча буржуа газеталаридан ҳам ўтиб тушди.

Шунинг учунки, «Фоссише Цейтунг»[58] каби бир қатор буржуа газеталари СССРга қарши курашда «Форвертс»га қараганда анчагина «холисроқ» ва «боадаброқ»дирлар. Бу ҳол «ғалати» бўлиб кўриниши мумкин, аммо бу фактдирки, у блан ҳисоблашмай бўлмайди. Агар «Форвертс»нинг ҳатти-ҳаракати ба'зибир буржуа газеталаридан ҳам ёмонроқ бўлмаганда эди, унинг вакиллари ҳам, албатта, бошқа буржуа газеталарининг вакиллари блан бир қаторда СССРда ўз ўрнини олган бўлар эди.

Яқинда «Форвертс»нинг вакилларидан биттаси Берлиндаги дипломатик ваколатхонамизнинг ходимларидан бирига мурожаат қилиб, «Форвертс» мухбирининг СССРга бориш ҳуқуқига эга бўлмоғи учун зарур бўлган шартлар нимадан иборат деб сўраган. Бу саволга жавобан унга: «Агар «Форвертс» СССРга ва

ушинг вакилларига нисбатан, ўзини «Фоссише Цейтунг» каби «боадаб» либерал газеталардан кўра ёмонроқ тутмасликка тайёр эканини амалда кўрсатса, Совет ҳукумати «Форвертс» мухбирининг СССРга келишига қаршилик қилмайди» дейилган.

Жавоб жуда ҳам тушунарли деб ўйлайман.

6-нчи САВОЛ. II ва III Интернационалларнинг бирлашиши мумкинми?

ЖАВОБ. Ўйлайманки, мумкин эмас.

Мумкин эмаслигининг сабаби шуки, II ва III Интернационаллар тамоман бошқа-бошқа икки хил установкага эга бўлиб, бошқа-бошқа мақсадларни кўзлайдилар. Агар III Интернационал капитализмни ағдариш ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш мақсадини кўзласа, II Интернационал, аксинча, капитализмни сақлаш ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммасини вайрон қилиш мақсадини кўзлайди.

Иккала Интернационал ўртасидаги кураш капитализм тарафдорлари блан социализм тарафдорлари ўртасидаги курашнинг ғоявий ин'икосидир. Бу курашда ё II, ё III Интернационал ғалаба қилиши керак. Ишчилар ҳаракатида III Интернационалнинг ғалаба қилажагига шубҳаланиш учун ҳечбир асос йўқ.

Мен ўйлайманки, ҳозирги вақтда уларнинг бирлашиши мумкин бўлмаган ишдир.

7-нчи САВОЛ. Ғарбий Европадаги аҳволга қандай баҳо берса бўлади? Яқин йиллар ичида революцион ҳодисалар бўлишига кўз тутса бўладими?

ЖАВОБ. Мен ўйлайманки, Европада капитализм кучли кризисининг элементлари кучаймоқда ва тобора кучайиб боради. Капитализм қисман стабиллашиши мумкин. Ўз ишлаб чиқаришини рационализация қилиши мумкин, ишчилар синфини вақтинча қаттиқ сиқувга олиши мумкин,— буларнинг ҳаммаси ҳозирча капитализмнинг қўлидан келади, аммо у бундан буён ҳечқачон жаҳон уруши ва Октябрь революциясигача бўлган «барқарорлик»ка ҳамда «мувозанатга» яна муяссар бўлолмайди. У ҳечқачон ана шу «барқарорлик»ка ҳамда «мувозанатга» сра қайтаолмайди.

Бунинг тўғрилиги Европа мамлакатларида ва шунингдек Европа капитализмининг ҳаёт манбаи бўлган мустамлакаларда ўқтин-ўқтин революция ўтларининг алангаланиб турганлигидан ҳам ма'лум. Бугун Австрияда революцион ўт аланга олар экан, эртага Англияда, индинга Франциядами ёки Германиядами — бирон бир ерда, сўнгра Хитойда, Индонезияда, Ҳиндистонда ва бошқа ерларда ҳам бу ўт аланга олади.

Европа блан мустамлака нима демак? Бу, капитализмнинг маркази блан четки ўлкалари демакдир. Европа капитализмининг маркази «нотинч». Унинг четки ўлкалари эса яна ҳам «нотинч». Янги революцион воқиалар учун шароит етилмоқда. Мен ўйлайманки, Сакко ва Ванцеттиларнинг ўлдирилиши[59] муносабати блан бўлган воқиалар капитализм кризисининг кучаяётганини ёрқин кўрсатадиган, ишчилар синфи норозилиги ва ғазабининг тўлиб-тошаётганига энг ёрқин мисол бўлаоладиган воқиалардир.

Капиталистик кушхона учун иккита ишчининг ўлдирилиши ҳам иш бўптими? Ахир, ишчиларни ҳозиргача ҳафтасайин, кунсайин ўнлаб ва юзлаб ўлдира-

ётганлари йўқмиди? Ҳолбуки, бутун дун'ё ишчилар синфини ҳаракатга келтириш учун икки ишчи, Сакко ва Ванцеттининг ўлдирилиши кифоя қилди. Бу нимани кўрсатади? Бу, капитализмнинг замини тобора вулқондек қизиб бораётганини кўрсатади. Бу, янги революцион воқиалар учун шароитлар етилаётганини кўрсатади.

Капиталистлар революцион аланганинг дастлабки тўлқинини қайтаришга муваффақ бўлишлари мумкин. Лекин худди шу фактнинг ўзи капитализмнинг хотиржам бўлишига ҳечбир гаров бўлаолмайди. Капитализмга қарши революция бир текис тўлқин бўлиб авж ололмайди. У ҳамавақт бир кўтарилиб, бир пасайиб авж олади. Россияда шундай бўлган эди. Европада ҳам шундай бўлади. Биз янги революцион воқиалар олдида турибмиз.

8-нчи САВОЛ. Рус партиясида оппозиция кучлими? У қандай доираларга таянади?

ЖАВОБ. Мен ўйлайманки, оппозиция жуда кучсиз. Бугина эмас, унинг кучлари партиямизда йўқ деярлик даражададир. Мана бугунги газетани кўринг. Бунда бирнеча кунлик мунозарага якун ясалган. Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, партиямиз Марказий Комитети ва унинг тезислари учун 135 минг партия а'зоси овоз берган бўлса, оппозиция учун 1 200 партия а'зоси овоз берибди, холос. Бу, ҳатто 1 процентни ҳам ташкил қилмайди.

Мен ўйлайманки, бундан буён бериладиган овозлар оппозицияни баттар шарманда қиладиган натижалар беради. Бизлаги мунозара с'ездга қадар

давом этади. Биз бу давр мобайнида мумкин қадар бутун партиянинг фикрини билиб оламиз.

Сизларнинг социал-демократик партияларингизда мунозара ўтказадиларми-йўқми, буни мен билмайман. Умуман социал-демократик партияларда мунозара ўтказиладими-йўқми, буни мен билмайман. Биз мунозарага жуда жиддий қараймиз. Биз бутун партиянинг фикрини биламиз, кейин сиз бизнинг партиямизда оппозициянинг салмоғи ҳозиргина келтирилган рақамларда кўрсатилганидан ҳам жуда оз эканини кўрасиз. Партиямиз XV с'ездида оппозициянинг битта ҳам вакили, битта ҳам делегати бўлмаслиги жуда мумкин.

Масалан, Ленинграддаги «Треугольник» ёки «Путилов» каби катта корхоналарни олайлик. «Треугольник»да ишчиларнинг сони 15 000 га етади. Бу ерда партия а'золари — 2 122. Оппозиция учун овоз берганлар — 39. «Путилов»да ишчилар сони 11 000 га яқин. Партия а'золари — 1 718. Оппозиция учун овоз берганлар — 29.

Оппозиция қандай доираларга таянади? Мен ўйлайманки, оппозиция асосан пролетар бўлмаган доираларга таянади. Агар аҳолининг пролетариат диктатураси тартибидан норози бўлган пролетар бўлмаган табақасидан — кимнинг тарафини оласиз, деб сўралса, улар, ҳечбир иккиланмай, оппозиция тарафини оламиз, деб жавоб берадилар. Нима учун? Шунинг учунки, оппозициянинг кураши, аслда, партияга қарши кураш, пролетариат диктатураси тартибига қарши курашдир, пролетар бўлмаган ма'лум табақалар пролетариат диктатураси тартибидан норози бўлмай қололмайдилар. Оппозиция, аҳолининг пролетар бўлмаган таба-

қаларининг норозилигини акс этдиради, бу табақаларнинг пролетариат диктатурасига қилган тазийқини акс этдиради.

9-нчи САВОЛ. Германияда Рут Фишер ва Маслов томонидан Коминтерн ва рус партиясининг ҳозирги раҳбарлиги ишчиларни контрреволюция қўлига топшиширмоқда деб тарқатилаётган гаплар тўғрими?

ЖАВОБ. Тўғри деб айтса бўлаберади. Коминтерн ва ВКП(б) СССР ишчилар синфини барча мамлакатларнинг контрреволюционерлари қўлига тутиб бераётир деб айтса бўлаберади.

Яна тағин мен ахборингиз учун ма'лум қилай: Коминтерн блан ВКП(б) мамлакатимиздан қувиб юборилган барча помешчик ва капиталистларни СССРга яна қайтаришга, уларга фабрика ва заводларни қайтариб беришга яқинда қарор қилдилар.

Бу ҳам оз. Коминтерн блан ВКП(б), большевиклар одам гўшти исте'мол қиладиган вақт ҳам келди, деган қарорга келиб жуда уччига чиқдилар.

Ниҳоят, бизда барча аёлларни умумлаштириш ва ўз опа-сингилларимизни зўрлайбошлаш тартибини жорий қилиш тўғрисида ҳам қарор бор. (Ҳ а м м а к у л а д и. Б а'з и л а р н и н г: «Ким экан шундай савол берган?» д е г а н о в о з и э ш и т и л а д и.)

Кўриб турибман, кулаяпсизлар. Балки, ба'зибировларингиз мени бу саволга жиддий қарамаётибди, деб ўйларсиз. Ҳа, ўртоқлар, бундай саволларга жиддий жавоб бериб бўлмайди. Менимча, бундай саволларга фақат мазах блангина жавоб бериш мумкин. (Г у л д у р о с қ а р с а к л а р.)

10-нчи САВОЛ. Германиядаги оппозиция блан Рут Фишер — Маслов оқимига Сизнинг муносабатингиз қандай?

ЖАВОБ. Машҳур француз романчиси Альфонс Додэ Тараскондан чиққан Тартаренга қандай муносабатда бўлган бўлса, оппозиция ва унинг Германиядаги агентурасига менинг муносабатим ҳам худди шундай. (Делегатлар орасида хушчақчақ кулги.)

Сизлар Альфонс Додэнинг Тараскондан чиққан Тартарен тўғрисидаги ана шу машҳур романини ўқиган бўлсаларингиз керак. Романнинг қаҳрамони, Тартарен, том ма'носи блан, оддий бир «хушфе'л» майда буржуа эди. Лекин хаёл оламида шу қадар тез сайр қилар, «оқ кўнгиллик блан алдаш» қобилияти шу қадар ўсиқ эдики, охирида у ана шу мислсиз қобилиятининг қурбони бўлиб кетади.

Тартарен, Атлас тоғларида сон-саноқсиз арслон ва йўлбарсларни ўлдирдим, деб мақтанар, ҳаммани шунга ишонтирмоқчи бўлар эди. Тартареннинг лақма дўстлари эса бу гапига қараб унга дун'ёда биринчи арслонлар овчиси деган ном бердилар. Ҳолбуки Тартареннинг умрида на арслонни ва на йўлбарсни кўрмаганини Альфонс Додэ ҳам албатта билар эди. Тартареннинг ўзи ҳам албатта билар эди.

Тартарен, мен Монбланга чиққанман, деб мақтанар, ҳаммани шунга ишонтирмоқчи бўлар эди. Унинг лақма дўстлари эса бу гапига қараб унга дун'ёда биринчи альпинист деган ном бердилар. Ҳолбуки Тартареннинг ҳечқачон ҳечқандай Монбланни кўрмаганини, у фақат Монбланнинг этагидагина бўлганини Альфонс Додэ албатта билар эди.

Тартарен, Франциядан узоқ бир ердаги мамлакатда катта бир колония қурдим, деб мақтанар, ҳаммани шунга ишонтирмоқчи бўлар эди. Унинг лақма дўстлари эса бу гапига қараб унга дун'ёда биринчи колонизатор деган ном бердилар. Ҳолбуки Тартареннинг хаёлий гапларидан ўсал бўлиб қолишдан бошқа ҳеч нарса чиқмаслигини Альфонс Додэ албатта билар, шунингдек Тартареннинг ўзи ҳам бунга иқрор эди.

Тартареннинг хаёл осмонида сайр этиб қилган мақтанчоқлиги оқибатда тартаренчиларни нақадар шарманда ва расво қилиб қўйганини ўзингиз биласиз.

Мен ўйлайманки, оппозиция лидерларининг Москва ва Берлинда шовқин-сурон кўтариб қилаётган мақтанчоқликлари ҳам оқибатда уларни ана шундай шарманда ва расво қилиши турган гап. (Ҳамма кулади.)

Шундай қилиб, биз биринчи саволлар рўйхатини тугатдик.

Энди француз делегациясининг саволларига келайлик.

1-нчи САВОЛ. СССР ҳукумати четэл нефть фирмаларига қарши қандай кураш олиб бормоқчи?

ЖАВОБ. Менимча, шундай деб савол берилишининг ўзи нотўғри. Бу саволдан, совет нефть саноати бошқа мамлакатларнинг нефть фирмаларини атака қилабошлапти ва уларни синдириш ва тугатиш пайига тушипти деб ўйлаш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам аҳвол шундайми? Йўқ, бундай эмас. Ҳақиқатда аҳвол шундайки, капиталистик мамлакатларнинг ма'лум нефть фирмалари совет нефть

саноатини йиқмоқчи бўладилар, совет нефть саноати эса яшамоқ ва тараққий топмоқ учун албатта ўзини мудофаа қилмоғи керак.

Масала шундаки, совет нефть саноати, ҳосил қилинадиган нефть миқдори жиҳатидан ҳам,— биз капиталист мамлакатлардан кўра кам нефть чиқарамиз,— бозор блан алоқа жиҳатидан ҳам,— уларнинг дун'ё бозори блан алоқалари бизга қараганда анча кучли,— капиталист мамлакатларнинг нефть саноатига қараганда кучсиздир.

Совет нефть саноати қандай қилиб ўзини мудофаа қилади? Маҳсулот сифатини яхшилаш йўли блан, энг аввало, нефть нархини камайтириш йўли блан, бозорда арзон нефть, капиталистик фирмаларнинг нефтьларига қараганда анчагина арзон нефть сотиш йўли блан ўзини мудофаа қилади.

Ноҳотки Советлар нефтьни энг бой капиталистик фирмалардан кўра ҳам арзонроқ сотаолиш даражасида бой бўлса? деб сўрашлари мумкин. Совет саноати капиталистик фирмалардан кўра бой эмас, албатта. Аксинча, капиталистик фирмалар совет саноатидан анчагина бойроқдир. Аммо гап бой бўлишда эмас. Гап шундаки, совет нефть саноати капиталистик саноат эмас, шу сабабдан ҳам у жуда катта ортиқча фойда олишга муҳтож эмас, ҳолбуки капиталистик нефть фирмалари бениҳоя кўп ортиқча фойда олмасдан тураолмайдилар. Совет нефть саноати учун худди мана шу ортиқча фойда олиш зарурати йўқ бўлганида, у ўз маҳсулотларини капиталистик фирмалардан арзонроқ сотиш имкониятига эгадир.

Совет ғалласи, совет ўрмонлари ва ҳоказолар тўғрисида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин.

Умуман шуни айтиш керакки, совет товарлари, айниқса совет нефти дун'ё бозорида нархни туширучи ва шундай қилиб исте'молчилар оммасининг аҳволини яхшиловчи фактордир. Совет нефть саноати ўзини капиталистик нефть фирмаларининг ҳужумларидан мудофаа қиладиган куч ва восита ана шулардан иборат. Барча мамлакатларнинг нефтьчилари, айниқса Детердинг, Советларга қарши ва совет нефть саноатига қарши, овозларининг борича дод-фар'ёд кўтараётган эканлар, «коммунистик пропаганда» ҳақида расм бўлиб қолган сийқа гаплар блан ўзларининг нефть нархини оширишга ва исте'молчилар оммасини талашга қаратилган сиёсатларини бекитишга уринаётган эканлар, бунинг сабаби ва сири ҳам ана шунда.

2-нчи САВОЛ. Сизлар деҳқонлар масаласида коллективизмни қандай амалга оширмоқчисиз?

ЖАВОБ. Биз қишлоқ хўжалигидаги коллективизмни аста-секин, иқтисодий, молиявий ва маданий-сиёсий тадбирлар қўлланиш йўли блан амалга оширмоқчимиз.

Менимча, иқтисодий жиҳатдан қўлланиладиган тадбирлар масаласи энг диққатга сазовор масаладир. Бу соҳада бизнинг амалга оширадиган чораларимиз уч йўл блан боради:

якка деҳқон хўжаликларини кооперацияга уюштириш йўли блан;

деҳқон хўжаликларини, асосан камбағал типдаги хўжаликларни ишлабчиқариш ширкатларига уюштириш йўли блан ва, ниҳоят,

деҳқон хўжаликларини, уларнинг маҳсулотларини сотиш масаласида бўлсин, шунингдек деҳқонларни

индустриямизнинг улар учун керакли маҳсулотлари блан та'минлаб туриш масаласида бўлсин, давлат органлари томонидан планли равишда тартибга олиш йўли блан.

Бундан бирнеча йил бурун аҳвол шундай эдики, индустрия блан деҳқон хўжаликлари ўртасида хусусий соҳибкорлардан иборат жуда кўп воситачи савдогарлар бўлиб, улар деҳқонларни шаҳар моллари блан та'минлар ва ишчиларга деҳқонларнинг донларини сотар эдилар. Равшанки, воситачи савдогарлар бу «ишни» текинга қилмас, деҳқонлардан ҳам, шаҳар аҳолисидан ҳам ўн миллионлаб сўмни қоқиштириб олар эдилар. У шундай бир давр эдики, ҳали шаҳар блан қишлоқ ўртасида, социалистик индустрия блан якка деҳқон хўжаликлари ўртасида жипслашиш йўлга қўйилмаган эди. У вақтда кооперация ва давлат тақсимот органларининг роли ҳам жуда кам эди.

У вақтдагига қараганда, энди, аҳвол тамом ўзгариб кетди. Энди, шаҳар блан қишлоқ ўртасидаги, индустрия блан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги товар оборотида кооперация ва давлат савдо органлари асосий роль ўйнайдигина эмас, балки, агар монопол демаганда ҳам ҳукмрон роль ўйнамоқда. Қишлоқни газлама блан та'минлашда кооперация ва давлат органларининг ҳиссаси 70% дан ортади. Қишлоқ хўжалик машиналари блан та'минлашда эса кооперация ва давлат органларининг ҳиссаси қарийб 100% ташкил қилади. Деҳқонлардан дон сотиб олишда кооперация ва давлат органларининг ҳиссаси 80% дан ортади. Саноат учун пахта, лавлаги каби хоммолларни сотиб олишда кооперация ва давлат органларининг ҳиссаси қарийб 100% га етади.

Бу нимани кўрсатади?

Бу, биринчидан, капиталист товар оборотидан сиқиб чиқарилаётганини, саноат деҳқон хўжалиги блан тўғридан-тўғри боғланаётганини, савдогар-воситачиларнинг фойдалари саноат ва қишлоқ хўжалигининг ўзида қолаётганини, деҳқонлар шаҳар молларини арзон баҳо блан сотиб олиш имконига эга бўлаётганликларини, ишчилар ҳам, ўз навбатида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини арзон баҳога сотиб олиш имконига эга бўлаётганликларини кўрсатади.

Бу, иккинчидан, индустрия товар оборотдан воситачи-капиталистни қувиб юбориб деҳқон хўжалигини ўз орқасидан олиб бориш, унга та'сир қилиб, унинг маданиятини кўтариш, деҳқон хўжалигини рационализациялаштириб уни индустриялаш имконига эга бўлаётганини кўрсатади.

Бу, учинчидан, давлат қишлоқ хўжалигини индустрия блан жипслаштириш орқали қишлоқ хўжалиги тараққиётини планли бир изга солиш, уни яхши уруғлар ва ўғитлар блан та'минлаш, унинг маҳсулот миқдорини белгилаш, нарх-наво сиёсати масаласида унга та'сир қилиб туриш имконига ва бошқа имкониятларга эга бўлаётганини кўрсатади.

Бу, ниҳоят, қишлоқда капиталистик элементларни тугатиш учун, қулоқларни чеклаш ва сиқиб чиқаришни давом этдириш учун, меҳнаткаш деҳқонларнинг хўжаликларини ишлабчиқариш ширкатларига уюштириш учун, бу ширкатларни молиявий жиҳатдан давлат маблағи блан та'минлаш учун қулай шароитлар туғилаётганини кўрсатади.

Қанд саноати учун лавлаги етиштириш ва тўқимачилик саноати учун пахта етиштиришни мисолга

олайлик. Ҳозир бизда бу хилдаги хомаш'ёларнинг қанча миқдорда етиштирилиши, шунингдек уларнинг нархи ҳам, уларнинг сифати ҳам стихияли тартибда эмас, воситачи-савдогарларнинг, биржалар ва турли-туман капиталистик конторалар ва ҳоказоларнинг бетартиб бозорда қайси бирининг кучининг баланд келишига қараб эмас, балки планли бир тартибда, бир томондан, қанд ва тўқимачилик синдикатлари ва, иккинчи томондан эса, лавлагикор ва пахтакор кооперациялардан иборат ўн минглаб деҳқон хўжаликлари ўртасида олдиндан ма'лум шартномалар тузиш тартибида белгиланади.

Бунда энди, биржа, контора, нарх блан ўйнашиш ва ҳоказолар йўқ. Бизда бу соҳада капиталистик хўжаликнинг ана шу воситалари энди йўқ бўлиб кетган. Бунда ҳечқандай биржа ва воситаларсиз, фақат икки томон — бир томондан давлат синдикатлари, иккинчи томондан эса кооперативлаштирилган деҳқонлар майдонга чиқадилар. Давлат синдикатлари тегишли кооператив ташкилотлари блан ма'лум миқдорда лавлаги ва пахта етиштириш, деҳқонларни уруғлар, қарз ва ҳоказолар блан та'минлаш ҳақида ўзаро шартнома тузадилар. Хўжалик йили охирида бутун маҳсулот синдикатлар ихтиёрига тушади, деҳқонлар эса бунинг эвазига илгаридан тузилиб қўйилган ўзаро шартномага мувофиқ тегишли миқдорда пул оладилар. Буни бизда контрактация системаси деб аталади.

Бу система шу жиҳатдан яхшики, у икки томонга ҳам қулайлик беради ва деҳқон хўжалиги блан индустрияни бир-бири блан тўғридан-тўғри, бевосита боғлайди. Бу система деҳқон хўжалигини коллективлаштиришнинг энг тўғри йўлидир.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари ҳам ана шу даражада тараққий этган, деб бўлмайди. Аммо ишонч блан айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳалари, шу жумладан ғалла етиштириш ҳам, секинаста ана шу тараққиёт йўлига кирадилар. Бу йўл эса қишлоқ хўжалигини тўппа-тўғри коллективлаштиришга олиб боради.

Деҳқон хўжаликлари машиналаштириш ва электрлаштириш йўли блан янги техника базаси асосида қайта тузилган тақдирда, кўпчилик меҳнаткаш деҳқонлар оммаси кооператив ташкилотларга жалб қилинган тақдирда, кўпгина қишлоқлар коллективлаш типидаги қишлоқ хўжалик ширкатлари блан тўлган тақдирдагина ёппасига коллективлаштириш ҳам бошланиб кетади.

Шундай бўлмоқда, лекин ҳали бу амалга ошгани йўқ ва тез орада амалга ошмайди ҳам. Нима учун? Шунинг учунки, тўғрисини айтганда, бу ишга жуда катта маблағ керак, бу маблағ ҳали бизнинг давлатимизда йўқ, аммо биз бунга эга бўламиз, албатта, вақти блан бу маблағ жамғарилаборади. Маркс, тарихда ҳечбир янги ижтимоий тузум, уни зўр бериб маблағ блан та'минламасдан туриб, бу ишга юз ва юз миллионлаб пул сарф қилинмай туриб мустаҳкамланаолган эмас, деган эди. Менимча, биз қишлоқ хўжалигининг шундай бир тараққиёт даврига кираётирмизки, эндиликда давлат янги ижтимоий, коллектив тузумни зўр бериб маблағ блан та'мин қилиш имкониятига эга бўлабошлади. Социалистик индустрия ҳозирнинг ўзидаёқ халқ хўжалигида раҳбар элементлик ролини эгаллаб олганлиги ва қишлоқ хўжалигини ўз орқасидан олиб бораётганлиги факти,— ана

шу фактнинг ўзи деҳқон хўжалигининг коллективлаштириш йўлидан яна илгари боришининг энг тўғри гаровидир.

3-нчи САВОЛ. Пулни йўқ қилишга ҳаракат қилинган ҳарбий коммунизм даврида асосий қийинчиликлар нимадан иборат эди?

ЖАВОБ. Ички тараққиёт жиҳатидан ҳам, шунингдек ташқи муносабатлар жиҳатидан ҳам жуда кўп қийинчиликлар бор эди.

Агар хўжалик тартибидаги ички муносабатларни олсак, бунда уч асосий қийинчиликни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчидан. Қийинчилик шундан иборат эдики, бизнинг саноатимиз, агар интервенция вақтида гражданлар уруши фронтларимизга ўқ-дори тайёрлаб бериб турган ҳарбий саноатни ҳисобга олмаганда, вайрон қилинган ва ишдан чиқарилган эди. Завод ва фабрикаларимизнинг учдан икки қисми тўхтаб ётган, транспорт эса оқсаган, товар деган гап йўқ ёки йўқ даражада эди.

Иккинчидан. Қишлоқ хўжалиги икки оёқлаб оқсаб қолган, деҳқон хўжалигининг меҳнаткашлари фронтга юборилган эди. Хомаш'ё етишмас, шаҳар аҳолиси учун ва, энг аввало, ишчилар учун нон етишмас эди. У вақтларда биз ишчиларга кунига ярим қадақдан, ба'зан эса нимчорак қадақдан нон берар эдик.

Учинчидан. Шаҳар блан қишлоқ ўртасида, қишлоқни шаҳар моллари, шаҳарни эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари блан та'минлай олишга қодир бўлган тузуккина боғловчи совет савдо аппарати йўқ эди.

Кооперация ва давлат савдо органлари эндигина пайдо бўлабошлаган эдилар.

Броқ гражданлар уруши тамом бўлиб, «янги иқтисодий сиёсат» жорий қилингандан кейин мамлакатнинг хўжалик аҳволи батамом ўзгариб кетди.

Саноат тараққий этиб ва кучайиб, бутун халқ хўжалигида ҳал қилучи ўринни эгаллади. Бу масалада шу факт жуда ҳам характерлики, сўнгги икки йил ичида биз индустрияга ташқаридан ёрдам олмай, ташқаридан ҳечқандай қарз олмай туриб ўзимизнинг хусусий жамғармамиздан икки миллиард сўмдан ортиқ сарфлашга муваффақ бўлабилдик. Эндиликда деҳқонлар учун умуман товар йўқ деб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалиги юксалиб, ўз маҳсулотини урушгача бўлган даврдаги миқдорга етказди. Эндиликда ишчилар учун умуман нон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йўқ, деб айтиб бўлмайди.

Кооперация ва давлат савдо ташкилотлари ўсиб шу даражага етдики, мамлакат товар оборотида ҳал қилучи ўринни эгаллади. Эндиликда бизда шаҳар блан қишлоқ, индустрия блан деҳқон хўжалиги ўртасида боғловчи тақсимот аппарати йўқ, деб айтиб бўлмайди.

Буларнинг ҳаммаси социалистик хўжаликни ҳозирнинг ўзидаёқ қуриш учун кифоя қилмайди, албатта. Аммо буларнинг ҳаммаси социалистик қурилиш йўлидан муваффақият блан илгари бориш учун кифоядир.

Эндиликда биз индустриямизни қайтадан қуроллантиришимиз, янги техника базасида янги заводлар қурмоғимиз зарур.

Биз қишлоқ хўжалиги маданиятини кўтаришимиз, деҳқонларни қишлоқ хўжалик машиналари блан кўп

миқдорда та'минлашимиз, кўпчилик меҳнаткаш деҳқонларни кооперативлаштиришимиз ва якка деҳқон хўжаликларини қишлоқ хўжалик ширкатларининг кенг тармоғига жалб қилиш йўли блан қайта қуришимиз лозим.

Биз шаҳар блан қишлоқ ўртасида шундай боғловчи тақсимот аппаратини йўлга қўйишимиз лозимки, ҳар бир киши ўз шахсий бюджетидаги даромад ва буромадни қандай ҳисобга олиб иш қилса, бу аппарат ҳам бутун мамлакат шаҳар ва қишлоқларининг эҳтиёжларини ана шундай ҳисобга олиб ва уларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириб туришга қобил бўлсин.

Биз вақти блан ана шуларнинг барчасини рўёбга чиқарсак, ўйлаймизки, пулга эҳтиёж қолмайдиган пайт келади.

Бундай пайт келишига ҳали узоқ вақт бор.

4-нчи САВОЛ. «Қайчи» масаласи қандай аҳволда?

ЖАВОБ. Агар «қайчи» деганда таннархи нуқтаи назаридан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи блан саноат товарларининг нархи ўртасидаги тафовут тушунилса, «қайчи» масаласи мана бундай.

Саноат товарларимизнинг бошқа шароитларда сотилиши мумкин бўлган нархдан бирмунча қимматроқ сотилаётгани шубҳасиз. Бу нарса, саноатимиз ёш бўлгани, уни ташқаридан бўлган конкуренциядан сақлаш зарур бўлгани, унинг тараққиётини тезлатаоладиган шароит яратиш зарур бўлгани учун қилинади. Саноатнинг тез тараққий этиши эса шаҳар учун ҳам, қишлоқ учун ҳам зарурдир. Бундай бўлмаган тақдирда, деҳқон хўжалигини етарли миқдорда газлама ва

қишлоқ хўжалик машиналари блан ўз вақтида та'минлаб туришга имкон бўлмас эди. Бу аҳвол саноат товарларининг нархи блан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи ўртасида, деҳқон хўжалигига бирмунча зарар бўлгани ҳолда, тафовут ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Деҳқон хўжалигининг зарарига сабаб бўладиган бу аҳволга барҳам бериш учун, партия ва ҳукумат саноат товарларининг нархини аста-секин, лекин доимо камайтираборишсиёсатини амалга оширишни мақсад қилиб қўйди. Бу сиёсатни реал сиёсат, деб бўладими? Ўйлайманки, бу шубҳасиз реал сиёсатдир. Ма'лумки, масалан, сўнгги йилда биз саноат товарларининг чакана нархларини 8—10 процент камайтиришга муваффақ бўлдик. Яна шу нарса ҳам ма'лумки, саноат ташкилотларимиз саноат товарларининг таннархини ва чиқариш нархини систематик равишда камайтирмоқдалар. Бу сиёсат бундан буён ҳам давом этдирилишига шубҳаланиш учун ҳечбир асос йўқ. Бугина эмас. Шуни айтиб ўтишим лозимки, саноат товарларининг нархини доимо камайтириб бориш сиёсати иқтисодий сиёсатимизнинг энг асосий масаласи бўлиб, буни амалга оширмай туриб саноат хўжалигимизни яхшилаш ва рационализация қилиш ҳам, ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш ҳам мумкин эмас.

Буржуазия давлатларида бу масалада бошқача сиёсат юргизилади. Уларда одатда корхоналарни трест ва синдикатларга уюштиришдан мақсад мамлакат ичида саноат товарларининг нархини кўтариш, бу нархларни монопол нархларга айлантириш ва шу асосда кўпроқ фойда чиқариб олиб, товарларни четга экспорт қилиш учун фонд яратишдир, капиталистлар

четга чиқарилган товарларни янги бозорларни қўлга киритиб олиш ниятида арзон нархда сотадилар.

Бизнинг Россияда ҳам, буржуа усул тартиби даврида ана шу сиёсат юргизилар эди, у даврда, масалан, қанд мамлакатнинг ўзида уч карра қиймат сотилгани ҳолда, четэлда, масалан Англияда, худди шу қанднинг ўзи шу қадар арзон сотилардики, чўчқаларни шу қандлар блан боқардилар.

Совет ҳукумати тамомила бунинг акси бўлган сиёсат юритади. У саноат аҳолига хизмат қилиши керак, бунинг тескариси бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайди. Совет ҳукумати саноат товарларининг нархини доимо камайтираборишшундай бир асосий воситадирки, бусиз индустриянинг нормал ўсиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Мен, саноат товарлари нархини камайтириш сиёсатининг аҳоли талаб эҳтиёжининг ўсишига сабаб бўлишини, шаҳарда бўлсин, қишлоқда бўлсин, ички бозор ҳажмини кенгайтириб юборишини ва, шундай қилиб, индустриянинг тобора тараққий этиши учун зарур бўлган доимо кўпайиб туручи манба' вужудга келтиришини гапириб ўтирмайман.

5-нчи САВОЛ. Қарзлар масаласида қўлларида майда заёмлари бор французларга Совет ҳукуматининг қандай таклифлари бор? Француз рантьеларини бу таклифлар блан қандай таништирса бўлади?

ЖАВОБ. Урушдан бурунги қарзлар масаласида бизнинг таклифларимиз Раковскийнинг ма'лум ахборотида баён этилган эди. Ўйлайманки, бу таклифлар сизларга ма'лумдир, албатта. Бу таклифлар СССРнинг айни вақтда кредит олиши блан боғлаб қўйилган. Биз берсанг — оласан дейдиган ма'лум принципга риоя

қиламиз. Кредит берсанг, биздан ҳам урушдан бурунги қарзлардан унча-мунча ундириб оласан, бермасанг — ололмайсан, деймиз.

Бундай қилишимиз принцип жиҳатидан бизнинг урушгача бўлган қарзларни э'тироф этганимизни кўрсатадими? Йўқ, асло. Бундай қилишимиз шуни ифода этадики, биз чор ҳукумати қарзларининг бекор қилингани тўғрисидаги ма'лум декретни[60] ўз кучида қолдирганимиз ҳолда, агар бизга зарур бўлган ва француз саноатига фойдали бўлган кредитлар берсалар, биз ҳам амалий келишув тартибида урушдан бурунги қарзлардан унча-мунча тўлашга рози бўламиз. Қарзлар юзасидан тўловни биз индустриямизни тараққий қилдириш учун олинган кредитларга бериладиган қўшимча процентлар деб ҳисоблаймиз.

Чор Россиясининг уруш вақтидаги қарзлари тўғрисида гапирадилар. СССРга Октябрь революциясининг натижалари блан боғлиқ бўлган ҳархил да'волар тўғрисида гапирадилар. Аммо, бизнинг революциямиз империалистик урушларни ва бу урушлар блан боғланган подшо қарзларини принципиал равишда инкор этадиган революция эканини эсдан чиқарадилар. Уруш вақтидаги қарзларни СССРнинг тўлай олмаслиги ва тўламаслигини эсдан чиқарадилар.

Бундан ташқари, шуни ҳам эсдан чиқарадиларки, СССР ажнабий давлатларнинг бирнеча йил мобайнида қилган ҳарбий интервенцияси вақтида мамлакатимизни талаганларини, жабр-зулм қилганларини ёдидан чиқармайди, ва СССР қўйган да'волар ана шулар блан боғлангандир.

Ана шу талон-торожлар ва жабр-зулм учун ким жавобгар? Бунга ким жавоб беради? Талон-торож ва

зўровонликлар учун ким хун тўлаши керак? Империалист корчалонлар бу ёқимсиз нарсаларни кўрмаган-билмагандай, унутилиб юборилишини истайдилар. Аммо улар шуни билиб қўйсинларки, бундай нарсалар эсдан чиқарилмайди.

6-нчи САВОЛ. Арақ монополияси блан алкоголизмга қарши курашни қандай қилиб бирга сиғиштириб бўлади?

ЖАВОБ. Ўйлайманки, бу икки нарсани бир-бирига умуман сиғиштириш қийин. Бунда шубҳасиз зиддият бор. Партия бу зиддиятни билади ва ҳозирги пайтда бунга йўл қўйишдан келадиган зарарнинг катта эмаслигини билгани учун бу нарсага онгли равишда йўл қўяётир.

Биз арақ монополиясини жорий қилганимизда бизнинг олдимизда иккидан бири:

ё капиталистлар асоратига тушиб қолишга рози бўлиб, уларга бирқанча муҳим завод ва фабрикаларни топшириш ва бунинг эвазига бир илож қилиб ишни юритиб туриш учун зарур бўлган ма'лум маблағ олиш;

ёки арақ монополиясини жорий қилиб, бундан индустриямизни ўз кучимиз блан тараққий қилдиришимиз учун зарур бўлган оборот маблағлар чиқариб олиш ва шу йўсинда ажнабийларнинг асоратига тушишдан қутилиш.

Марказий Комитет а'золари ва шу жумладан мен ҳам, ўша вақтда Ленин блан суҳбатлашган эдик. Ленин, четдан зарур бўлган қарзларни ололмаганимиз тақдирда, ғайри табиий бўлса ҳам вақтинча чора сифатида, арақ монополияси жорий қилишга очиқдан-

очиқ ва тўғридан-тўғри ўтиш зарур бўлади, деб айтган эди.

Арақ монополияси жорий қилган вақтимизда масала ана шу тахлитда турган эди.

Умуман, арақ бўлмаса соз бўлардику-я, албатта, чунки арақ ёмон нарса. Лекин арақсиз иш кўраман дейдиган бўлсак, капиталистлар асоратига вақтинча тушишга рози бўлишимиз лозим бўлар эди, бу эса ундан ҳам ёмон. Шунинг учун биз ёмоннинг ҳам беришига рози бўла қолдик. Ҳозирги пайтда арақдан 500 миллион сўмдан ортиқроқ даромад олинмоқда. Ҳозир арақдан кечиш деган сўз, ана шу даромаддан кечиш деган сўздир. Шу блан бирга арақ йўқ қилинса алкоголизм камроқ бўлади, дейишга ҳечбир асос ҳам йўқ, чунки деҳқон ўзи арақ тайёрлайбошлаб, ўзини самогон блан оғулайберади.

Бу масалада қишлоқда маданиятнинг ўсиши соҳасидаги жиддий камчиликларнинг ма'лум роль ўйнаши турган гап. Мен борди-ю, арақ монополиясидан дарҳол воз кечгундай бўлсак, саноатимиз $^1/_2$ миллиарддан ортиқроқ сўм маблағдан маҳрум бўлиши, бунинг ўрнини қоплайдиган манба'нинг эса йўқлиги хусусида гапириб ўтирмайман.

Бундан бизда арақ монополияси келгусида ҳам шундай қолаберади деган ма'но чиқадими? Йўқ, бундай ма'но чиқмайди. Биз арақ монополиясини вақтли бир чора тарзида жорий қилдик. Шунинг учун халқ хўжалигимизда саноатимизнинг янада тараққий қилиши учун зарур бўлган янги даромад манба'лари топилиши ҳамоно арақ монополияси йўқ қилиниши лозим. Бундай манба'лар, албатта, топилади, бунга ҳечбир шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Биз арақ чиқаришни давлат қўлига топшириб тўғри қилдикми? Ўйлайманки, тўғри қилдик. Агар арақ чиқаришни хусусий кишилар қўлига топшириб қўйилганда, бу нарса:

биринчидан, хусусий капиталнинг кучайишига сабаб бўлар эди,

иккинчидан, ҳукумат арақ чиқариш ва унинг исте'мол қилинишини тегишли даражада тартибга солиб туриш имкониятидан маҳрум бўлган бўлар, ҳамда

учинчидан, ҳукумат арақ чиқариш ва исте'мол қилишни келгусида ўзи бекор этишни қийинлаштириб қўйган бўлар эди.

Ҳозир бизнинг сиёсатимиз арақ чиқаришни астасекин қисқартираборишдан иборатдир. Ўйлайманки, келгусида биз арақ монополиясини батамом бекор қилишга, спирт ишлабчиқаришни минимумга, я'ни техника мақсадлари учун зарур бўлган миқдоргача қисқартиришга ва ниҳоят арақ сотишни батамом йўқ қилишга муваффақ бўлармиз.

Ўйлайманки, агар Ғарбий Европа пролетарлари ҳокимиятни ўз қўлларига олиб, бизга тегишлича ёрдам кўрсатсалар, шубҳасизки, бизнинг на арақ блан ва на кўпгина бошқа кўнгилсиз нарсалар блан ишимиз бўлмас эди. На чора? Ғарбий европали биродарларимиз ҳозирча ҳокимиятни ўз қўлларига олишни истамаганларидан кейин, биз ўз шахсий маблағларимиз блан кун кўриб туришга мажбурмиз, ахир. Аммо бу бизнинг гуноҳимиз эмас. Бу — тақдир.

Кўрасизки, арақ монополияси жорий қилингани учун жавобгарликнинг бир қисми ғарбийевропали дўстларимизнинг ҳам зиммасига тушади. (Кулги, қарсаклар.)

7-нчи САВОЛ. ГПУнинг суд қилиш ҳуқуқи, суд ишини гувоҳсиз, ҳимоячиларсиз кўриши, махфий қамашлар. Бундай чораларни француз жамоатчилиги ақлга сиғдиролмаганидан, бундай ҳатти-ҳаракатларнинг асосини билсак чакки бўлмас эди. Бундай чораларни ўзгартириш ёки тугатиш фикри борми?

ЖАВОБ. ГПУ ёки ЧК Совет ҳокимиятининг жазо органидир. Бу орган, буюк француз революцияси вақтида тузилган Жамоат хавфсизлиги комитетига озмикўпми ўхшаб кетади. Бу орган асосан жосусларни, фитначиларни, террорчиларни, бандитлар, чайқовчилар, қалбаки пул ясовчиларни жазолайди. Бу орган революция манфаатларини контрреволюцион буржуалар ва уларнинг агентлари томонидан қилинадиган суиқасдлардан қўриқлаш учун тузилган ҳарбий-сиёсий трибуналга ўхшаш бир нарса деса бўлади.

Бу орган Октябрь революциясининг эртаси куниёқ, рус ва четэл капиталистлари томонидан маблағ блан та'минланиб турган турли-туман фитначи, террорчи ва жосус ташкилотлари фош қилиниши бланоқ тузилган эди.

Бу орган, Совет ҳокимияти арбобларига қарши қилинган бирқанча террорчилик актларидан кейин, Петроградаги Революцион комитетнинг а'зоси ўртоқ Урицкий ўлдирилгандан кейин (у эсер томонидан ўлдирилди), Петроградаги Революцион комитетнинг а'зоси ўртоқ Володарский ўлдирилгандан кейин (у ҳам эсер томонидан ўлдирилди), Ленинниинг ҳаётига суиқасд қилингандан кейин (у эсерлар партиясининг а'зоси томонидан яралор қилинди) кучайди ва мустаҳкамланди.

Э'тироф қилиш керакки, ГПУ ўша вақтларда революция душманларига ҳеч янглишмай бехато қақшатғич зарба берди. Шуни ҳам айтайки, ГПУ бу хизматини ҳозиргача сақлаб келмоқда. Ўша пайтдан буён ГПУ буржуазияга даҳшат солучи, революциянинг зийрак посбони, пролетариатнинг ўткир қиличи бўлиб келмоқда.

Шу сабабдан ҳам, барча мамлакатларнинг буржуалари ГПУни ўлгудек ёмон кўрар эканлар, бунга ажабланиб бўлмайди. ГПУ ҳақида тўқилмаган афсона қолмади. ГПУ ҳақида тарқатилмаган туҳмат қолмади. Бу нимани кўрсатади? Бу, ГПУнинг революция манфаатларини ҳалоллик блан қўриқлаётганини кўрсатади. Революциянинг ашаддий душманлари ГПУни ҳақорат қилаётган эканлар, бу ГПУнинг ҳатти-ҳаракати тўғри эканини кўрсатади.

Ишчилар ГПУга бундай қарамайдилар. Ишчи районларини айланиб чиқиб ишчилардан ГПУ ҳақида сўрангиз. Сиз, уларнинг ГПУни ҳурмат қилганликларини кўрасиз. Нима учун? Шунинг учунки, улар ГПУни революциянинг содиқ ҳимоячиси, деб биладилар.

Мен буржуаларнинг ГПУга нафрат ва шубҳа блан қарашларига ажабланмайман. Мен, турли хил буржуа саёҳатчиларининг СССРга келишлари блаңоқ, ҳаммадан аввал, ГПУ ҳали ҳам борми, ГПУни тугатиш вақти келмадими, деб сўрашларига ажабланмайман. Шундай бўлиши турган гап ва бунга ажабланмаса ҳам бўлади.

Лекин, ба'зибир ишчи делегацияларининг СССРга келишлари блаңоқ: ГПУ томонидан жазоланган контрреволюционерлар кўпми, у пролетар ҳокимиятига қарши бўлган ҳархил террорчилар ва фитначиларни

яна жазолайберадими, энди ГПУни йўқ қилиб қўяқолиш пайти келмадими? — деб ташвишланиб сўрайбошлаганларига жуда таажжубда қоламан.

Пролетар революциясининг душманларига ба'зибир ишчи делегатлари нега бунчалик жонкуярлик қиладилар? Буни қандай тушунса бўлади? Бунинг сабаби нимада экан?

Ҳаддан ташқари кўнгилчан бўлишни тарғиб қиладилар. ГПУ йўқ қилинсин, деб маслаҳат берадилар... Хўш, ГПУ йўқ қилингандан кейин, барча мамлакатларнинг капиталистлари контрреволюцион тўдалардан иборат бўлган фитначилар, террорчилар, қўпоручилар, ўт қўючилар, портлатучилар тўдаларини ташкил қилмайдилар ва уларни маблағ блан та'минлаб турмайдилар, деб ишониб бўладими? Революция душманларининг қуролсизланишига ҳечбир амин бўлмаганингиз ҳолда революцияни қуролсизлантириш — бу аҳмоқлик эмасми, ахир, бу — ишчилар синфига қарши жиноят эмасми, ахир!

Йўқ, ўртоқлар, биз Париж коммунарларининг хатоларини такрорлашни истамаймиз. Париж коммунарлари версальчиларга жуда кўнгилчанлик қилган эдилар, ана шунинг учун Маркс бир вақтлар уларни ҳақли равишда сўккан эди. Коммунарлар бу кўнгилчанликлари орқасида қаттиқ панд едилар, натижада Тьер Парижга кириб олди ва ўн минглаб ишчилар версальчилар томонидан отиб ташланди.

Ўртоқларимиз рус буржуазияси блан помешчиклари, Франциядаги версальчилардай қонхўр эмаслар деб, ўйлармикинлар? Ҳарҳолда биз, уларнинг француз ва инглиз, япон ва америка интервенциячилари блан бир иттифоқ бўлиб Сибирь, Украина, Шимолий Кавказни

босиб олган вақтларида ишчилардан қандай ўч олганларини биламиз.

Мен бу блан мамлакатнинг ички аҳволи революциянинг жазо органларини сақлашга бизни мажбур этади, деб айтмоқчи эмасман. Ички ҳолат нуқтаи назаридан қараганда революциянинг аҳволи шундай маҳкам ва мустаҳкамки, ГПУ бўлмаса ҳам бўлаберар эди. Аммо гап шундаки, биздаги ички душманларни атрофдан ажратиб қўйилган якка-ёлғиз кишилар, деб бўлмайди. Гап шундаки, бу ички душманлар барча мамлакатларнинг капиталистлари блан минг хил иплар блан боғланган бўлиб, капиталистлар буларни барча куч ва воситалар блан қувватлаб турадилар. Биз — капиталистик давлатлар блан қуршаб олинган мамлакатмиз. Революциямизнинг ички душманлари барча мамлакат капиталистларининг агентларидир. Капиталистик давлатлар ички душманларимиз учун база ва орқа таянчдир. Демак, биз ички душманларга қарши кураш олиб бориш блан барча мамлакатларнинг контрреволюцион элементларига қарши кураш олиб борган бўламиз. Энди, ўзингиз ҳукм қилинг, бундай бир шароитда ГПУ каби жазо органи бўлмаса бўладими.

Йўқ, ўртоқлар, биз Париж коммунарларининг хатоларини такрорлашни истамаймиз. ГПУ революцияга керак, бинобарин, бизда ГПУ пролетариат душманларига даҳшат солиб яшайберади. (Гулдуросқарсаклар.)

Делегатлардан бири. Ўртоқ Сталин, СССР ҳақида четэлларда тарқатилаётган ёлғонларни тушунтириб ва фош қилиб берганингиз учун бу ерда ҳозир бўлган делегатлар номидан Сизга ташаккур айтишга рухсат

этинг. Амин бўлингки, биз юртимизга қайтиб, ишчиларга СССР ҳақида ҳақиқат гапларни тушунтириб бераоламиз.

Сталин. Ташаккур айтишнинг ҳожати йўқ, ўртоқлар. Мен саволларга жавоб беришни ва сизларга ҳисоб беришни ўз бурчим деб биламан. Биз, совет ходимлари, ўз синфдош биродарларимизга, улар истаган ҳамма масалалар юзасидан ҳисоб бериб туришни бир зарурият деб ҳисоблаймиз. Бизнинг давлатимиз жаҳон пролетариатининг фарзандидир. Давлатимизнинг арбоблари, жаҳон пролетариатининг вакиллари олдида ҳисоб берар эканлар, бу блан улар жаҳон пролетариати олдидаги ўз бурчларини ўтаган бўладилар, холос. (Қ а р с а к л а р.)

„Правда" №№ 260 ва 261,
1927 йил 13 ва 15 ноябрь

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ХАЛҚАРО ХАРАКТЕРИ

Октябрьнинг ўн йиллигига атаб

Октябрь революциясини фақат «миллий рамкалардаги» революция деб бўлмайди. У, аввало, интернационал миқ'ёсда, жаҳон миқ'ёсида аҳамиятга эга бўлган революциядир, чунки у, инсониятнинг бутун дун'ё тарихида эски, капиталистик дун'ёдан янги, социалистик дун'ёга тубдан бурилиш демакдир.

Ўтмишда революциялар одатда ҳокимият тепасидаги бир группа эксплуататорлар ўрнига бошқа бир группа эксплуататорларнинг келиши блан тамомланар эди. Эксплуататорлар алмашинар эди, эксплуатация қолаберар эди. Қулларнинг озодлик ҳаракатлари вақтида шундай бўлган эди. Крепостнойларнинг қўзғолонлари даврида шундай бўлган эди. Англия, Франция, Германиядаги ма'лум «буюк» революциялар даврида шундай бўлган эди. Париж Коммунаси тўғрисида гапирмайман, у пролетариатнинг тарихни капитализмга қарши буриш йўлидаги биринчи, шонли, қаҳрамонона ҳаракати, лекин ҳарҳолда, муваффақиятсиз чиққан ҳаракати эди.

Октябрь революцияси бу революциялардан **принципиал равишда** фарқ қилади. Октябрь революцияси экс-

плуатациянинг бир формасини эксплуатациянинг бошқа бир формаси блан, бир группа эксплуататорларни бошқа бир группа эксплуататорлар блан алмаштиришни эмас, балки одам одамни эксплуатация қилишининг ҳарқандайини йўқ қилишни, ҳамма ва ҳарқандай эксплуататор группаларни йўқ қилишни, пролетариат диктатурасини ўрнатишни, ҳозиргача яшаб келган барча эзилган синфларнинг ичида энг революцион синфнинг ҳокимиятини ўрнатишни, янги синфсиз социалистик жамият тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Худди шунинг учун Октябрь революциясининг **галабаси** кишилик тарихида тубдан бурилиш, жаҳон капитализмининг тарихий тақдирида тубдан бурилиш, жаҳон пролетариатининг озодлик ҳаракатида тубдан бурилиш, бутун дун'ёдаги эксплуатация қилинучи омманинг кураш усуллари ва ташкилот формаларида, турмуш-маишати ва традицияларида, маданиятида ва идеологиясида тубдан бурилиш демакдир.

Октябрь революциясининг интернационал миқ'ёсда, жаҳон миқ'ёсида аҳамиятга эга бўлган революция эканлигининг асоси шудир.

Ҳамма мамлакатларнинг эзилган синфлари, Октябрь революциясини ўзларининг озодликка чиқишлари учун гаров деб билиб, унга зўр муҳаббат қўйишларининг илдизи ҳам шунда.

Бирқанча асосий масалаларни кўрсатиб ўтмоқ мумкинки, Октябрь революцияси шу масалалар орқали бутун дун'ёдаги революцион ҳаракатнинг ривожланишига та'сир этмоқда.

1. Октябрь революциясининг машҳур революциялиги, аввало, шундаки, бу революция жаҳон империализмининг фронтини ёриб ўтди, энг катта капиталистик

мамлакатлардан бирида империалистик буржуазияни ағдарди ва социалистик пролетариатни ҳокимият тепасига қўйди.

Ёлланганлар синфи, қувғин остига олинганлар синфи, эзилганлар ва эксплуатация қилинганлар синфи кишилик тарихида **биринчи мартаба ҳукмрон** синф даражасигача кўтарилиб, барча мамлакатларнинг пролетарларига намуна бўлмоқда.

Бунинг ма'носи Октябрь революцияси янги даврни, **империализм** мамлакатларида **пролетар** революциялари даврини **бошлаб берди** демакдир.

Октябрь революцияси ишлабчиқариш қуроллари ва воситаларини помешчиклардан ва капиталистлардан тортиб олди ва уларни ижтимоий мулкка айлантириб, шу тариқа, социалистик мулкни буржуа мулкига қарама-қарши қилиб қўйди. Шу блан у, капиталистларнинг, буржуа мулки дахлсиздир, муқаддасдир, абадийдир, деган ёлғон гапларини фош қилиб ташлади.

Октябрь революцияси буржуазиядан ҳокимиятни тортиб олди, буржуазияни сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилди, буржуа давлат аппаратини тор-мор қилди ва ҳокимиятни Советларга топшириб, шу тариқа, Советларнинг **пролетар** демократияси бўлган социалистик ҳокимиятини **капиталистик** демократия бўлган буржуа парламентаризмига қарши қўйди. Лафарг 1887 йилдаёқ, революциянинг эртасига «ҳамма собиқ капиталистлар сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилинадилар»[61] деб ҳақ гапни гапирган эди.

Шу блан Октябрь революцияси социал-демократларнинг, энди буржуа парламентаризми орқали тинчлик блан социализмга ўтиш мумкин, деган ёлғон гапларини фош қилди.

Броқ, Октябрь революцияси бу блан кифояланмади ва кифояланмас эди ҳам. Октябрь революцияси эски, буржуа тузумини бузиб ташлаб, янги, социалистик тузумни қуришга киришди. Октябрь революциясининг ўн йили партия, касаба союзлари, Советлар, кооперациялар, маданий ташкилотлар, транспорт, саноат, Қизил Армия қурилишининг ўн йилидир. Социализмнинг СССРдаги қурилиш фронтида эришган шубҳасиз ютуқлари пролетариатнинг мамлакатни буржуазия**сиз** ва буржуазияга **қарши** муваффақият блан идора **қилаолишини,** у саноатни буржуазия**сиз** ва буржуазияга **қарши** муваффақият блан **қураолишини,** у бутун халқ хўжалигига буржуазия**сиз** ва буржуазияга **қарши** муваффақият блан раҳбарлик **қилаолишини,** у капиталистик қуршов ичида туришига қарамай, муваффақият блан социализм **қураолишини** аниқ ва равшан қилиб кўрсатди.

Бош ва гавданинг бошқа бўлаклари қоринсиз яшай олмаслигидай, эксплуатация қилинучилар эксплуатация қилучиларсиз яшай олмайдилар, деган эски «назария» фақат қадимги тарихдаги машҳур Рим сенатори Менений Агриппанинг «назарияси» эмас. Бу «назария» ҳозир умуман социал-демократиянинг сиёсий «фалсафасининг», хусусан социал-демократиянинг империалистик буржуазия блан **коалиция** тузиш сиёсатининг негиз тошидир. Хурофот тусига кирган бу «назария» ҳозир капиталистик мамлакатларнинг пролетариатини революционлаштириш йўлидаги энг жиддий тўсиқларнинг биридир. Октябрь революциясининг энг муҳим натижаларидан бири шуки, бу революция шу ёлғон «назария»га ўлим зарбаси берди.

Октябрь революциясининг бу ва шунга ўхшаган натижалари капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфининг революцион ҳаракатига жиддий та'сир қилмай қолаолмаганлигини ва қолаолмаслигини яна исбот қилиб ўтиришнинг кераги борми?

Капиталистик мамлакатларда коммунизмнинг илгари қараб ўсиб бориши, барча мамлакат пролетарларининг СССР ишчилар синфига муҳаббати ўсиб бориши, ниҳоят, Советлар Мамлакатига бирин-кетин ишчи делегацияларининг келиб туриши каби ҳаммага ма'лум фактлар Октябрь революциясининг сочган уруғлари ҳозирдаёқ мева берабошлаганлигини шакшубҳасиз кўрсатадилар.

2. Октябрь революцияси империализмни фақат унинг ҳукмронлигининг марказларидагина, фақат «метрополияларда»гина қақшатиш блан кифояланмади. Октябрь революцияси, мустамлака ва қарам мамлакатларда империализмнинг ҳукмронлиги тагига болта уриб, империализмнинг орқа томонларига, унинг четки ўлкаларига ҳам зарба берди.

Октябрь революцияси помешчик ва капиталистларни ағдариб, миллий-мустамлака зулмининг занжирларини тилка-пора қилди ва жуда кенг бир давлатдаги эзилган халқларнинг беистисно ҳаммасини бу зулмдан озод этди. Пролетариат эзилган халқларни озод қилмай туриб, ўзини озод қилолмайди. Октябрь революциясининг характерли хусусияти шундан иборатки, у СССРда бу миллий-мустамлака революцияларини миллий душманлик ва миллий низо'лар байроғи остида эмас, балки СССРдаги халқлар ишчи ва деҳқонларининг бир-бирига ишониши ва биродарларча яқинлашуви байроғи остида ўтказди, **миллатчилик**

йўлида эмас, балки **интернационализм** йўлида ўтказди.

Бизда миллий-мустамлака революциялари худди шу пролетариатнинг раҳбарлиги ва интернационализм байроғи остида бўлганлиги учун, худди шунинг учун ҳуқуқсиз халқлар, қул халқлар кишилик тарихида **биринчи мартаба ҳақиқатан** озод ва **ҳақиқатан** тенг халқлар даражасига кўтарилиб, бутун дун'ёдаги эзилган халқларга намуна бўлдилар.

Бунинг ма'носи шуки, Октябрь революцияси янги даврни, **дун'ёдаги эзилган мамлакатларда** пролетариат блан **иттифоқ бўлиб,** пролетариат **раҳбарлиги остида** ўтказиладиган **мустамлака** революциялари даврини **бошлаб берди.**

Илгарилари, дун'ё қадимдан паст ва олий ирқларга, қораларга ва оқларга бўлинган, булардан биринчилари маданиятга қобил эмаслар ва эксплуатация об'екти бўлишга маҳкумдирлар, иккинчилари эса маданиятнинг бирдан-бир эгалари бўлиб, биринчиларни эксплуатация қилиш учун яратилганлар, деб ўйлаш «расм эди».

Энди бу афсонани тилка-пора бўлган ва улоқтириб ташланган деб ҳисобламоқ керак. Октябрь революциясининг энг муҳим натижаларидан бири шу фактдан иборатки, Октябрь революцияси, озод қилинган, совет тараққиёти йўлига тортилган ва европали бўлмаган халқларнинг **чинакам** илғор маданиятни, **чинакам** илғор цивилизацияни Европа халқларидан ҳечбир қолишмасдан илгари суришга қобилиятли эканликларини амалда кўрсатиб, ҳалиги афсонага ўлим зарбаси берди.

Илгарилари, эзилган халқларни озод қилишнинг бирдан-бир методи **—буржуа миллатчилиги** методидан,

миллатларнинг бир-биридан узилиб чиқиш методи, уларни ажратиш методи, турли миллатларнинг меҳнаткашлар оммаси орасида миллий душманликни кучайтириш методидан иборат деб ўйлаш «расм эди».

Энди бу афсонани рад қилинган деб ҳисоблаш керак. Октябрь революциясининг энг муҳим натижаларидан бири шу фактдан иборатки, Октябрь революцияси эзилган халқларни озод қилишнинг **пролетар, интернационал** методининг мумкинлигини ва мақсадга мувофиқлигини, унинг бирдан-бир тўғри метод эканлигини амалда кўрсатиб, жуда турли-турли халқларнинг ишчи ва деҳқонларининг **ихтиёрийлик ва интернационализм** асосларида **биродарларча иттифоқ тузишлари** мумкинлигини ва мақсадга мувофиқлигини амалда кўрсатиб, мазкур афсонага ўлим зарбаси берди. Барча мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг келажакда бир бутун дун'ё хўжалигида бирлашуви учун намуна бўлган Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг яшаши бунинг бевосита далили бўлиб хизмат қилмаслиги мумкин эмас.

Октябрь революциясининг бу ва шунга ўхшаш натижалари мустамлака ва қарам мамлакатлардаги революцион ҳаракатга жиддий та'сир қилмай қолмаганлиги ва қололмаслиги тўғрисида гапирилмаса ҳам бўлади. Хитойда, Индонезияда, Ҳиндистонда ва бошқа жойларда эзилган халқларнинг революцион ҳаракатининг ўсиши ва бу халқларнинг СССРга муҳаббати ўсиб бораётганлиги каби фактлар шак-шубҳасиз ана шуни кўрсатадилар.

Мустамлака ва қарам мамлакатларни бемалол **эксплуатация қилиш ва эзиш даври ўтиб кетди.**

Мустамлака ва қарам мамлакатларда озодлик революциялари даври, бу мамлакатлардаги **пролетариатнинг** уйғониш даври, унинг революцияда **гегемон** бўлиш даври **келди.**

3. Октябрь революцияси империализмнинг марказларига ҳам, шунингдек унинг орқа томонларига ҳам революция уруғини сочиб, империализмнинг «метрополиялар»даги қувватини кесиб қўйиб ва унинг мустамлакалардаги ҳукмронлигини бўшаштириб, шу блан **умуман** бутун дун'ё капитализмининг яшашининг ўзини шубҳа остига қўйди.

Агар капитализмнинг империализм шароитидаги стихияли тараққийси кучайиб,— бу тараққиётнинг нотекислиги туфайли, жанжаллар ва ҳарбий тўқинишларнинг муқаррарлиги туфайли, ниҳоят, мисли кўрилмаган империалистик уруш туфайли,— капитализмнинг чириш, ўлиш процессига айланган бўлса, Октябрь революцияси, бу революция натижасида жуда катта мамлакатнинг жаҳон капитализми системасидан ажралиб чиқиши жаҳон империализмининг заминининг ўзини қадамма-қадам ювиб емириб бориб, шу процессни тезлатмай қолаолмади.

Бугина эмас. Октябрь революцияси империализмни қақшатиб, шу блан жаҳон революцион ҳаракатининг биринчи пролетар диктатурасидан иборат бўлган қудратли ва очиқ **базасини** вужудга келтирди жаҳон революцион ҳаракатининг илгари **ҳечвақт** бундай базаси **бўлган эмас** эди, эндиликда эса бу ҳаракат шу базага суянаолади. Октябрь революцияси жаҳон революцион ҳаракатининг қудратли ва очиқ **марказини** вужудга келтирди, жаҳон революцион ҳаракатининг илгари **ҳечвақт** бундай маркази **бўлган эмас** эди,

эндиликда эса бу ҳаракат, **барча мамлакатлардаги пролетарларнинг ва эзилган халқларнинг империализмга қарши бирлашган революцион фронтини** уюштириб, шу марказ атрофига жиплашаолади.

Бу, аввало, Октябрь революцияси жаҳон капитализмини ўласи қилиб ярадор қилди, жаҳон капитализми энди ҳечвақт бу ярасини тузатаолмайди, демакдир. Худди шунинг учун капитализм Октябрьдан илгариги «мувозанати» ва «барқарорлиги»ни бундан кейин ҳечвақт қайта ўрнига қўяолмайди.

Капитализм қисман стабиллашаолади, у ўз ишлабчиқаришини рационализация қилаолади, мамлакатни идора қилиш ишини фашизмга топшира, ишчилар синфини вақтинча сиқаолади, лекин у илгариги вақтда кўзкўз қилиб юрган «тинчлик» ва «ишончни», «мувозанат» ва «барқарорлик»ни энди ҳечқачон жойига қўяолмайди, чунки жаҳон капитализмининг кризиси кучайиб шу даражага етдики, бунда революция оловлари гоҳ империализмнинг марказларида, гоҳ четки ўлкаларда албатта аланга олиб, капиталистик ямоқларни тилкапора қилиб ташлайди ва капитализмнинг қулашини кундан-кун яқинлаштиради. Худди машҳур эртакдагидай: «думини бекитса тумшуғи кўриниб қолади, тумшуғини бекитса думи кўриниб қолади».

Иккинчидан, бунинг ма'носи шуки, Октябрь революцияси бутун дун'ёдаги эзилган синфларнинг куч ва салмоғини, мардлиги ва жанговар тайёрлигини ма'лум даражага кўтарди, эзилган синфларни **янги,** жиддий фактор деб билиб, улар блан ҳисоблашувга ҳукмрон синфларни мажбур қилди. Ҳозир энди бутун дун'ё меҳнаткашлари оммасига, қоронғиликда сандираглаб юручи ва истиқболи йўқ «кўр аламон» деб қараш

мумкин эмас, чунки Октябрь революцияси уларга йўлларини ёритадиган ва истиқболларини кўрсатиб берадиган маёқ вужудга келтирди. Агар илгари, эзилган синфларнинг умид ва интилишларини кўрсатиш ва уларни бир шаклга киритишга имкон берадиган **бутун дун'ёга машҳур** очиқ форум бўлмаган экан, энди бундай форум бор, у биринчи пролетар диктатурасидан иборатдир.

Бу форум йўқ қилинса, «илғор мамлакатлар»нинг ижтимоий-сиёсий турмуши узоқ вақтгача ашадди қора реакция зулмати остида қолишига шубҳаланмаса ҳам бўлади. Ҳатто «большевиклар давлати»нинг яшашининг ўзи ҳам реакциянинг қора кучларини тийиб, эзилган синфларнинг ўз озодликлари учун курашларини осонлаштиради, буни инкор қилиш мумкин эмас. Барча мамлакат эксплуататорларининг большевикларга ёвуз душманлик билан қарашларининг сабаби ҳам шудир.

Тарих, гарчи янги асосда бўлса-да, такрорланади. Илгариги вақтда, **феодализмнинг** қулаши даврида «якобинчи» сўзи барча мамлакатлардаги аристократларни даҳшатга солган ва қутини учирган бўлса, ҳозир ҳам, **капитализмнинг** қулаши даврида, «большевик» сўзи ҳамма мамлакатларнинг буржуазиясини даҳшатга солмоқда ва қутини учирмоқда. Ва, аксинча, илгари Париж бош кўтариб келаётган **буржуазиянинг** революцион вакиллари учун паногоҳ ва мактаб бўлган бўлса, ҳозир Москва бош кўтариб келаётган **пролетариатнинг** революцион вакиллари учун паногоҳ ва мактаб бўлмоқда. Якобинчиларга душманлик қилиш феодализмни ҳалокатдан қутқармади. Большевикларга душманлик қилиш капитализмни албатта тор-мор бўлишдан қутқараолмаслигига шубҳаланиш мумкинми?

Капитализмнинг «барқарорлик» даври **ўтиб кетди,** буржуа тартибларининг мустаҳкамлиги тўғрисидаги афсонани ўзи блан бирга олиб кетди.

Капитализмнинг ҳалок бўлиш даври **келди.**

4. Октябрь революциясини фақат иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий муносабатлар соҳасидаги революция деб бўлмайди. У шу блан бирга, ишчилар синфининг онг-фикридаги революция, идеологиясидаги революциядир. Октябрь революцияси марксизм байроғи остида, пролетариат диктатураси идеяси байроғи остида, империализм ва пролетар революциялари даврининг марксизми бўлган ленинизм байроғи остида туғилди ва мустаҳкамланди. Шунинг учун Октябрь революцияси марксизмнинг реформизм устидан ғалабаси, ленинизмнинг социал-демократизм устидан ғалабаси, III Интернационалнинг II Интернационал устидан ғалабасидир.

Октябрь революцияси марксизм блан социал-демократизм орасига, ленинизм сиёсати блан социал-демократизм сиёсати орасига ўтиб бўлмас чегара тортди.

Илгарилари, **пролетариат диктатураси ғалаба қилишига қадар,** социал-демократия пролетариат диктатураси идеясини очиқ инкор қилмай, шу блан бирга бу идеяни амалга оширишни яқинлаштириш учун ҳам ҳечнима, мутлақо ҳечнима қилмай, марксизм байроғини рўкач қилиб мақтаниб юраолар эди, ма'лумки социал-демократиянинг бундай ҳаракати капитализм учун ҳечқандай хавф туғдирмас эди. Бу равшан бир нарса. У вақтда, ўша даврда, социал-демократия расмий жиҳатдан марксизм блан қўшилган эди ёки қўшилган деярлик эди.

Энди, **пролетариат диктатураси ғалаба қилгандан кейин,** марксизмнинг **қаёққа** олиб бораётганлигини ва унинг ғалабаси **нимадан** иборат эканлигини ҳамма аниқ ва равшан кўриб турган бир вақтда, социал-демократия капитализм учун ма'лум хавф туғдирмасдан марксизм байроғини рўкач қилиб мақтаниб юраолмайди, пролетариат диктатураси идеяси блан тилёғламалик қилиб юраолмайди. Марксизм руҳи блан алоқасини аллақачон узган социал-демократия марксизм байроғи блан ҳам алоқасини узишга мажбур бўлди, марксизмнинг фарзанди бўлган Октябрь революциясига, дун'ёда биринчи пролетариат диктатурасига очиқдан-очиқ ва барала қарши турди.

Энди социал-демократия марксизмдан ажраб кетиши лозим эди ва ҳақиқатан ажраб кетди ҳам, чунки ҳозирги шароитда дун'ёда биринчи пролетар диктатурасини очиқдан-очиқ ва фидойилик блан қўлламасдан, ўз буржуазиянгга қарши революцион кураш олиб бормасдан, ўз мамлакатингда пролетариат диктатурасининг ғалабаси учун шароит яратмасдан туриб, ўзингни марксист деб аташ мумкин эмас.

Социал-демократия блан марксизм орасида жарлик пайдо бўлди. Бундан буён марксизмнинг **бирдан-бир** намояндаси ва таянчи ленинизмдир, коммунизмдир.

Броқ, иш бу блан чекланмади. Октябрь революцияси, социал-демократияни марксизмдан ажратиб ташлаб, ундан ҳам нари бориб, уни дун'ёдаги биринчи пролетар диктатурасига **қарши** капитализмни очиқдан-очиқ ҳимоя қилучилар лагерига улоқтириб ташлади. Жаноби Адлерлар ва Бауэрлар, Вельслар ва Левилар, Лонгэлар ва Блюмлар парламент «демократиясини» мақтаб, «совет режимини» ерга урганларида, шу блан

улар СССРда капиталистик тартибларни тиклаш **учун**, «цивилизацияли» давлатларда капиталистик қулликни сақлаб қолиш **учун** курашмоқдамиз ва бундан кейин ҳам курашамиз, демоқчи бўладилар.

Ҳозирги социал-демократизм капитализмнинг **ғоявий таянчидир.** Ленин ҳозирги социал-демократ сиёсатчилар «**ишчилар** ҳаракатида **буржуазиянинг** ҳақиқий **агентларидир,** капиталистлар синфининг ишчи приказчикларидир», «пролетариатнинг буржуазияга қарши граждан урушида» улар муқаррар равишда ««коммунарлар»га қарши «версальчилар» томонига ўтадилар»[62], деганида минг мартаба ҳақли эди.

Ишчилар ҳаракатидаги социал-демократизмни тугатмасдан туриб, капитализмни тугатиш мумкин эмас. Шунинг учун капитализмнинг ўлиш даври шу блан бирга ишчилар ҳаракатидаги социал-демократизмнинг ҳам ўлиш давридир.

Октябрь революциясининг буюк аҳамияти, жумладан, шундан иборатки, бу революция жаҳон ишчилар ҳаракатида ленинизмнинг социал-демократизм устидан муқаррар ғалаба қилганлигини билдиради.

Ишчилар ҳаракатида II Интернационал ва социал-демократизмнинг ҳукмронлик даври **тамом бўлди.**

Ленинизмнинг ва III Интернационалнинг ҳукмронлик даври **келди.**

„Правда" № 255,
1927 йил 6—7 ноябрь
Имзо: И. Сталин

МОСКВА ҲАРБИЙ ОКРУГИ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА [63]

Сизларга қардошлик саломи йўллайман, ўртоқлар! Ишингизга ҳаржиҳатдан муваффақият тилайман. Яшасин шонли Қизил Армиямиз!

И. Сталин

„Красная Звезда"
газетаси № 263,
1927 йил 18 ноябрь

ПАРТИЯ ВА ОППОЗИЦИЯ

Москва губерна XVI партия конференциясида сўзланган нутқ[64]

1927 йил 23 ноябрь

Ўртоқлар! Партия блан оппозиция ўртасида бўлган курашни, кейинги уч-тўрт ҳафта давомида партия ичида ҳам, шунингдек — буни тўппа-тўғри айтиш керак — партиядан ташқарида ҳам қизиб кетган мунозарани қисқача якунлаб беришга рухсат этинг.

I

МУНОЗАРАНИНГ ҚИСҚАЧА ЯКУНЛАРИ

Рақамларда ифодаланган мана бундай якунларга эгамиз: бугунги кунгача партияни, унинг Марказий Комитетини 572 мингдан ортиқроқ ўртоқлар ёқлади; оппозицияни эса — 3 мингдан ортиқроқ киши ёқлади.

Оппозиция одатда рақамлар, процентлар келтириб мақтанишни, 99 процент киши бизнинг томонимизда деган ва шунга ўхшаган йўқ гаплар блан мақтанишни яхши кўради. Энди ҳамма кўриб турибдики, 99 процентдан ортиқроқ киши оппозицияга қарши чиқиб, партия Марказий Комитетини ёқлади.

Хўш, бунга ким «айбдор»? Оппозициянинг нақ ўзи айбли! Оппозиция, қачон қараманг, бизни қўярда-

қўймай мунозара очишга мажбур қилмоқчи бўлиб келди. Мана энди икки йил бўлдики, мунозара очиш тўғрисида, қачон қараманг, ҳар куни бир янги талаб қўйиб келди. Биз партиямизнинг, Ленин жуда тўғри айтганидек, мунозара клуби эмас эканлигини билганлигимиздан, бизнинг партиямиз пролетариатнинг жанговар партияси эканлигини, тевараги ни душманлар қуршаб олган, социализм қураётган, ижодий ишлар соҳасида ўз олдида ниҳоят даража кўп амалий вазифалар турган ва шу сабабли ҳар сафар ўзининг бутун диққатини партия ичидаги ихтилофларга қаратиш блан шуғулланиб ўтираолмайдиган партия эканини билганлигимиздан, биз оппозициянинг бу тиқилинчига йўл бермай келдик, биз, Марказий Комитет а'золари оппозициянинг бу тиқилинчига йўл бермай келдик.

Аммо лекин мунозара вақти-соати етди ва, бинобарин, партия уставига мувофиқ, XV с'езддан бир ой олдин, бир ойдан ҳам кўпроқ вақт олдин, партия: хўп яхши, сиз мунозара истар экансиз, сиз курашни талаб қилар экансиз,— хўп, кураш бўлақолсин!— деди. Оқибат якун мана бундай бўлиб чиқди: 99 процентдан ортиқроқ киши партияни, унинг Марказий Комитетини ёқлади, 1 процентдан ҳам камроқ киши оппозицияни ёқлади.

Оппозициянинг қуруқ мақтанчоқлиги, гапнинг сирасини айтганда, 100 процент фош бўлди.

Бу якунни ҳал қилучи якун деб ҳисоблаб бўлмайди, дейишлари мумкин. Партиядан бўлак ҳали яна ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар оммаси бор, дейишлари мумкин. Бу борада, бу соҳада ҳали якун чиқарилган эмас, дейишлари мумкин. Бу нотўғри, ўртоқлар! Бу соҳада ҳам якун чиқарилган.

Хўш, бепоён мамлакатимизнинг барча шаҳарлари ва барча ерларида 7 ноябрьда бўлган намойиш нимани кўрсатади? Ажабо, бу — ишчилар синфининг, деҳқонлар меҳнаткаш табақаларининг, Қизил Армиянинг, Қизил Флотнинг партиямизни, ҳукуматимизни ёқлаб, оппозицияга қарши, троцкизмга қарши зўр намойиши эмасми, ахир?

Ажабо, Октябрьнинг ўн йиллиги куни оппозициянинг ўз бошига ўзи тилаб олган ўша ма'лум шармандагарчилиги, ажабо, миллионлаб меҳнаткашларнинг шу куни партия блан ҳукуматни якдиллик блан кутиб олқишлаганлари, ажабо, буларнинг ҳаммаси фақат партиянинггина эмас, балки ишчилар синфининг ҳам, фақат ишчилар синфининг бир ўзигина эмас, балки деҳқонлар меҳнаткаш табақаларининг ҳам, фақат деҳқонлар меҳнаткаш табақаларининг бир ўзигина эмас, балки бутун армия, бутун флотнинг ҳам маҳкам туриб партияни, ҳукуматни ёқлаётганини, оппозицияга, бузғунчиларга қарши эканини тасдиқламайдими, ахир. (Узоқ давом этган қарсаклар.)

Хўш, энди сизга яна қандай якун керак?

Партия блан оппозиция ўртасида, большевиклар блан оппозиция ўртасида қизиб кетган курашнинг, партия ичида қизиб кетган ва кейин ўша оппозициянинг ўз айби блан партиядан ташқарига кўчган шу курашнинг қисқача якунлари мана, ўртоқлар, ана шундай.

Оппозициянинг бундай шарманда-шармисор бўлиб енгилганлигининг сабаби нимада? Большевиклар ҳокимиятни олган вақтдан бери бизнинг партиямиз тарихида ҳечқачон бironта ҳам оппозиция ҳали сра ҳам бу қадар шармандалик блан муваффақиятсизликка учрамаган эди-ку, ахир.

Брест сулҳи давридаги троцкийчилар оппозицияси бизга ма'лум. Ўша кезда партиянинг тўртдан бир қисмига яқини оппозиция томонида эди.

1921 йилда, касаба союзлари устида мунозара бўлган вақтдаги троцкийчилар оппозицияси бизга ма'лум. Ўша кезда партиянинг саккиздан бир қисмига яқини оппозиция томонида эди.

XIV с'езддаги оппозиция, «янги оппозиция» деб аталган оппозиция, Зиновьев, Каменев оппозицияси бизга ма'лум. Ўша кезда Ленинград делегациясининг ҳаммаси оппозиция томонида эди.

Хўш, ҳозир-чи? Энди ҳозир оппозиция ҳечқачон кўрилмаган бир суратда яккаланиб қолди. Энди партиянинг XV с'ездида оппозициядан лоақал биронта ҳам делегат бўлиши маҳол гап. (*Узоқ давом этган қарсаклар.*)

Оппозициянинг муваффақиятсизликка учраганлигининг сабаби унинг партиядан, ишчилар синфидан, революциядан батамом узилиб қолганлигидадир. Оппозиция ҳаётдан узилиб қолган, революциядан узилиб қолган бир ҳовуч интеллигентлар бўлиб қолди,— оппозициянинг шарманда-шармисорлик блан муваффақиятсизликка учраганлигининг илдизи мана шунда.

Текшириб чиқиш учун оппозицияни партиядан айириб ташлаган масалалар ичидан икки ёки уч масалани олиб қарайлик.

II

ИШЧИЛАР СИНФИ ВА ДЕҲҚОНЛАР

Ишчилар синфи блан деҳқонлар ўртасидаги муносабат масаласи.

Ленин, бизнинг мамлакатимизда ишчилар синфи блан деҳқонлар ўртасидаги муносабатлар масаласи пролетариат диктатурасининг асосий масаласи, революциямизнинг асосий масаласидир, деган эди. Ленин бундай деган эди:

«Деҳқонлар блан 10—20 йил тўғри муносабатда бўлсак, бутун дун'ё миқ'ёсида (ҳатто ўсиб бораётган пролетар революциялари кечиккан тақдирда ҳам) ғалаба та'мин этилган бўлади»[65].

Хўш, деҳқонлар блан тўғри муносабатда бўлиш деган гапнинг ма'носи нима? Ленин деҳқонлар блан тўғри муносабатда бўлиш деган гапни камбағал деҳқонларга таяниб туриб, ўрта деҳқонлар блан «мустаҳкам иттифоқ» ўрнатиш деган ма'нода тушунар эди.

Хўш, оппозиция бу масалага қандай қарайди? Оппозиция ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқининг қадри-қимматига етмайдигина эмас, у бундай иттифоқнинг бизнинг революциямиз тараққийси учун бўлган бутун аҳамиятини тушунмайдигина эмас, балки у бундан ҳам «нари» кетиб шундай сиёсат таклиф қиладики, унинг бу таклиф қилаётган сиёсати ишчилар синфининг деҳқонлар блан бўлган иттифоқининг узилишига, ишчилар синфи блан деҳқонлар ўртасидаги иноқликнинг емирилишига олиб бормаслиги мумкин эмас.

Узоққа бориб ўтирмаслик учун мен оппозициянинг бош иқтисодчиси Преображенскийни далил қилиб келтиришим мумкин, у деҳқонларни бизнинг саноатимиз учун «мустамлака»дек бир нарса деб қарайди, ҳартарафлама эксплуатация қилинаберишга маҳкум бўлган бир об'ект деб қарайди.

Мен, сўнгра, оппозициянинг саноат моллари баҳосини оширишни ёқлаганлигига доир бирқанча ҳуж-

жатларни далил қилиб келтиришим мумкин, саноат моллари баҳосини бу тариқа ошириш бизнинг саноатимизнинг оқсаб кучдан кетишига, қулоқнинг куч олиб кетишига, ўрта деҳқонларнинг хонавайрон бўлиши ва камбағалларнинг қулоқлар асоратига тушиб қолишига олиб бормай қолмайди.

Оппозициянинг ҳамма бу ва бошқа шу каби ҳужжатлари оппозиция тутган сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб, у деҳқонлар блан орани узишга, ўрта деҳқонлар оммаси блан орани узишга қаратилгандир.

Оппозициянинг «платформа»сида ёки қарши тезисларида бу тўғрида тўппа-тўғри ва ошкора бирон нарса айтилганми? Йўқ, айтилмаган. Оппозициянинг «платформа»сида ва қарши тезисларида бу нарсанинг ҳаммаси жуда диққат блан яширилган ва пардаланган. Аксинча, оппозициянинг «платформа»сида ва қарши тезисларида сиз деҳқонлар адресига ва камбағаллар адресига қарата тилёғламалик блан айтилган ўнлаб мақтов гапларни топаоласиз. У ерда, бундан ташқари, партияга ҳужум қилинган жойлари, партия қулоқлар томонига оғди, деган гаплар ҳам бор. Лекин у ерда оппозициянинг тутган ҳалокатли йўли тўғрисида, ишчилар синфининг деҳқонлар блан ора узилишига олиб борадиган ва олиб бормаслиги мумкин бўлмаган ҳалокатли йўл тўғрисида тўппа-тўғри ва ошкора ҳечнарса, мутлақо ҳечнарса айтилмаган.

Валекин оппозиция лидерлари ишчилар блан деҳқонлардан зўр бериб ясираётган нарсаларни мен ҳозир пардасини очиб ташлаш ва аниқ-очиқ кўрсатиб беришга ҳаракат қиламан, токи оппозицияга партияни бундан буён алдамаслик учун сабоқ бўлсин. Мен Смирновнинг, Иван Никитич Смирновнинг, яқинда

Рогожский-Симоновский партия конференциясида сўзлаган нутқини назарда тутаман. Смирнов, оппозициянинг бошлиқларидан бири бўлган бу киши, оппозициячилар ичида жуда кам топиладиган, ҳақига кўчиб оппозициянинг тутган йўли тўғрисида ростини айтиб беришга юрак бетлайолган оппозициячилар жумласидан экан. Сиз пролетариат блан деҳқонларнинг бир-бири блан муносабати масаласида оппозициянинг чинакам «платформаси» қандай эканлигини билишни истайсизми? Смирновнинг нутқини ўқиб, у нутқни текшириб чиқинг, чунки Смирновнинг нутқи биздаги оппозициянинг ҳақиқат ҳолдаги тутган позицияси ҳақида бутун ростини айтиб берилган, оппозиция ҳужжатлари ичида жуда сийрак учрайдиган ҳужжатлардан биридир.

Смирнов ўз нутқида мана бундай дейди:

«Биз, давлат бюджетимизни шу тариқа қайтадан қараб чиқмоқ керакки, натижада бизнинг беш миллиардлик бюджетимизнинг кўп қисми саноат соҳасига ҳаржланадиган бўлсин деймиз, чунки **муқаррар суратда ҳалокатга юз тутишдан кўра ўрта деҳқонлар блан орамиз бузилақолгани яхшироқ**».

Оппозиция лидерлари ўз «платформа» ва қарши тезисларида яширган ҳамма нарсалар ичидаги асосий гап ана шуки, буни Смирнов, оппозиция лидерларидан бири бўлган ўша Смирнов, ҳақига кўчиб аниқ-очиқ айтиб берди.

Демак, ўрта деҳқонлар блан мустаҳкам **иттифоқ** бўлиш эмас, балки ўрта деҳқонлар блан **орани бузиш** керак экан,— қарангки, революцияни «қутқариб қолиш» чораси ана шу эмиш.

Ленин «диктатуранинг олий принципи — пролетариат раҳбарлик ролини ва давлат ҳокимиятини сақ-

лаб қолаолмоғи учун, пролетариат блан деҳқонлар иттифоқини қувватлашдир»[66] деган эди.

Оппозиция эса бунга қўшилмайди, пролетариат диктатураси учун муҳим нарса деҳқонлар блан иттифоқ эмас, балки деҳқонлар блан орани бузиш муҳимроқдир, деб да'во қилади.

Ленин, «Деҳқонлар блан мустаҳкам иттифоқ»[67] бўлмай туриб мамлакатимизда социализмни муваффақиятли суратда қуриш мумкин эмас, деган эди,— фақат дегангина эмас, балки, партиянинг VIII с'ездидан бошлаб, ҳамиша такрор-такрор та'кидлаб келган эди.

Оппозиция эса бунга қўшилмайди, ўрта деҳқонлар блан мустаҳкам иттифоқ сиёсати ўрнига ўрта деҳқонлар блан орани бузиш сиёсатини юргизиш мумкин, деб да'во қилади.

Ленин, социализм қураётиб, биз деҳқонлар асосий оммаси блан бирликда илгарига қараб боришимиз лозим, деган эди.

Оппозиция эса бунга қўшилмайди, биз деҳқонлар блан бирликда эмас, балки улар блан ора узилган ҳолда илгарига қараб боришимиз керак, деб да'во қилади.

Ишчилар синфи блан деҳқонларнинг бир-бири блан муносабати масаласидек ғоят муҳим масалада партия блан оппозиция ўртасидаги асосий ихтилоф мана шунда.

Оппозиция ўзининг «платформа»сида ўзининг чинакам қиёфасини яширишга урунди, деҳқонлар адресига тилёғламалик блан мақтов гаплар айтди ва мунофиқлик қилиб, партияни қулоқ томон оғди деб, партияга қарши ҳужум қилди. Смирнов оппозициянинг «платформа»сига тубдан тузатиш киритди, шу

блан оппозиция лидерлари юзидан ниқобини олиб ташлади ва партияга оппозиция тўғрисида ростини, оппозициянинг **ҳақиқат ҳолдаги** платформаси тўғрисида ростини айтиб берди.

Хўш, бундан қандай хулоса келиб чиқади? Бундан шу хулоса келиб чиқадики, оппозициянинг «платформа»си ва қарши тезислари партияни ва ишчилар синфини алдаш учун ёзилган пуч қоғоздир.

Хўш, ўрта деҳқонлар блан орани бузиш сиёсати нима демак? Ўрта деҳқон блан орани бузиш сиёсати деҳқонлар кўпчилиги блан орани бузиш сиёсати демакдир,— чунки ўрта деҳқонлар ҳамма деҳқонларнинг камида 60 процентини ташкил қилади. Худди шу сабабли, ўрта деҳқонлар блан орани бузиш сиёсати деҳқонлар кўпчилигини бездириб, уларнинг қулоқлар блан иноқлашувига олиб боради. Деҳқонлар кўпчилигини бездириб уларни қулоқлар блан иноқ қилиб қўйиш сиёсати эса қулоқларнинг кучайиши, камбағалларнинг яккаланиб қолиши, қишлоқда Совет ҳокимиятининг кучсизланиши ва қулоқларнинг камбағалларни бўғиш ишини осонлатиш демак бўлади.

Аммо гап фақат шунинг ўзи блангина қолмайди. Деҳқонлар кўпчилиги блан орани бузиш сиёсатини юргизиш қишлоқда гражданлар уруши очиш, саноатимизнинг деҳқон хоммоллари (пахта, лавлаги, лён, тери, юнг ва ҳоказолар) блан та'минлашни қийинлаштириш, ишчилар синфини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари блан та'минлашни изидан чиқариш, енгил саноатимизнинг туб негизини қўпориш, бизнинг барча қурилиш ишларимизни барбод қилиш, мамлакатимизни индустриялаш соҳасидаги барча планларимизни барбод қилиш демакдир.

Агар оппозициянинг ўз «платформа»си ва қарши тезисларидаги пуч баёнотларини эмас, балки оппозициянинг бизга Смирнов рўй-рост тушунтириб берган ҳақиқат ҳолдаги сиёсатини назарда тутсак, иш мана шу тариқа тус олиб кетади, ўртоқлар.

Мен оппозицияни мана шу тариқадаги ёмон ишларга кўра-билатуриб атайин ҳаракат қилади деб айбситиш ўйидан узоқман. Аммо бунда гап оппозициянинг истак ва интилишларида эмас. Бунда гап оппозициянинг ўрта деҳқонлар блан орани бузиш сиёсати амалга оширилса ундан муқаррар суратда келиб чиқадиган натижалардадир.

Бу ўринда оппозиция ҳам худди Криловнинг «Дарвиш блан айиқ» масалида айиқнинг қилган ишига ўхшаш бир иш қилаётибди. (Кулги.) Ўз-ўзидан ма'лумки, айиқ ўз дўсти дарвишни хира пашшалардан қутқараман деб харсанг тош блан дарвишнинг бошини мажақлаб қўйган эди. Унинг тилаги энг яхши дўстона бир тилак эди. Лекин шундай бўлишига қарамай, айиқнинг дўстона тилаклари амалда жуда ҳам подўстона бир ҳаракат бўлиб чиқдики, бунинг натижасида дарвиш оламдан ўтди. Оппозиция, албатта революцияга кўп яхшиликлар тилайди. Аммо у бунинг учун шундай тадбирларни таклиф қиладики, у тадбирлар оқибат натижада революциянинг тор-мор бўлиб кетувига, ишчилар синфи блан деҳқонларнинг тор-мор бўлиб кетувига, бизнинг барча қурилиш ишларимизнинг барбод бўлиб кетувига олиб боради.

Оппозициянинг «платформа»си ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқини барбод қилиш платформасидир, бизнинг барча қурилиш ишларимизни барбод

қилиш платформасидир, индустриялаш ишини барбод қилиш платформасидир.

III
ПАРТИЯ ВА ПРОЛЕТАРИАТ ДИКТАТУРАСИ

Партия масаласи.

Ленин, партияда бирлик ва темирдек мустаҳкам интизом бўлиши пролетариат диктатурасининг асосидир, дейди. Оппозиция амалда бунга тамом қарамақарши бир қарашга таянади. Оппозициянинг фикрича, пролетариат диктатураси учун партияда бирлик ва темирдек мустаҳкам интизом бўлиши эмас, балки партия бирлиги ва интизомини вайрон қилиш, партияни бўлиб ташлаш, иккинчи партия тузиш керак экан. Дуруст, оппозиция, партияда бирлик бўлиши керак, деб гапиради ва ёзади ҳам, ёзади ва гапиради ҳам, фақат гапирадигина эмас, балки бақириб-чақиради ҳам. Лекин оппозициянинг, партияда бирлик бўлиши керак, деган гаплари партияни алдаш мақсадида айтилган мунофиқона вайсашлардир. (Қарсаклар.)

Негаки, оппозиция партияда бирлик бўлиши керак деб гапириб ва бақириб-чақириб юриб, шу блан бир вақтда янги, антиленинчи партия тузади. Фақат тузадигина эмас. Оппозиция ундай партияни аллақачон тузиб ҳам олган, буни авваллар оппозициячилар бўлган Кузовников, Зоф ва Реноларнинг нутқидан иборат чинакам ҳужжатлар яққол тасдиқлаб турибди.

Энди бизнинг қўлимизда оппозициянинг икки йилдан бери ўз Марказий Комитети, область бюролари, губерна бюролари ва ҳоказолари бўлган ўз анти-

ленинчи партияси бор эканини тасдиқлайдиган тўла ҳужжатлар мавжуд. Оппозиция бу фактларга бирлик тўғрисида ёлғондан иборат қуруқ вайсашлардан бўлак нимани қарши қўяоларди?

Оппозиция, партия Марказий Комитети оппозицияни иккинчи партия тузиш йўлига итаришга муваффақ бўлаолмайди, деб жар солиб юрипти. Ажаб бир гап! Қани хўш, оппозицияни Марказий Комитет қачон бўлса ҳам шундай йўлга итаргани бормиди, ахир? Марказий Комитет оппозицияни иккинчи партия тузиш йўлига тушиб кетишдан ҳамавақт сақлаб келганлиги факт эмасми, ахир?

Кейинги икки йил ичидаги ихтилофларимизнинг бутун тарихи партиямиз Марказий Комитетининг оппозицияни ажратучилик йўлига тушишдан сақлаш ва оппозиция жумласидан бўлган кишиларни партия учун сақлаб қолишга ҳаракат қилиш тарихидан иборатдир.

Оппозициянинг 1926 йил 16 октябрьдаги ма'лум «ариза»си блан бўлган тарихни олиб қаранг. Ажабо, бу нарса Марказий Комитетнинг оппозицияни партия доирасида сақлаб қолишга ҳаракат қилганлиги эмасми, ахир?

Оппозициянинг 1927 йил 8 августдаги иккинчи «ариза»сини олиб қаранг. Бу нарса партия Марказий Комитетининг оппозицияни ягона партия доирасида сақлаб қолиш тўғрисида тинмай ҳаракат қилиб келганлигини тасдиқламайдими, ахир?

Хўш, оқибат натижада нима бўлди? Оппозиция бирлик сақлаш тўғрисида ариза берди, бирлик сақлаш тўғрисида ва'да берди, фракциячиликни битирамиз деб ишонтирди, амалда эса иккинчи партия тузишни давом этдирди.

Хўш, буларнинг ҳаммаси нимани кўрсатади? Оппозициянинг сўзига ишониб бўлмасликни кўрсатади. Оппозицияни унинг «платформа»си ва қарши тезисларига қараб эмас, балки унинг амалдаги ишларига қараб текшириш керак эканлигини кўрсатади.

Ленин: группалар, оқимлар, партияларни берган ва'далари ва «платформа»ларига қараб эмас, балки уларнинг амалдаги ишларига қараб текширишни ўрганинг, деган эди. Биз Ленин йўлидан боришни ва оппозицияни ёзиб чиқарган пуч қоғозлари ва «платформа»ларига қараб эмас, балки амалдаги ишларига қараб текширишни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Оппозициянинг дод-вой солиб, партияда бирлик бўлиши керак деб «платформа»лар ва қарши тезислар ёзиши, унинг бу иши партияни алдашдир, мунофиқликдир, қуруқ **гаплардир.** Оппозициянинг партиямизнинг бирлиги ва пролетарча интизомига путур етказиб янги партия қуриши, ўз марказий комитетини тузиши, область бюролари ва ҳоказолар ташкил қилиши,— бу нарса оппозициянинг амалдаги **ишидир**, унинг ифлос **ишидир.**

Аммо лекин бу, оппозиция энди аллақачоноқ чинакам партияга салгина бўлса-да ўхшаш бирон нарса тузишга муваффақ бўлди, деган сўз эмас, албатта. Йўқ, оппозиция бунга муваффақ бўлаолмади ва ҳеч қачон муваффақ бўлолмайди. Муваффақ бўлаолмайди, чунки ишчилар синфи оппозицияга қаршидир. Янги партия, иккинчи партия тузишга уруниб, оппозиция, аслини айтганда, партия деган гапни, Марказий Комитет деган гапни, область бюролари деган гапни ва ҳоказоларни ўйин билиб, болалар сингари ўйинчоқ қилиб ўйнаш билан машғул бўлиб ўтирибди.

болалар сингари ўйинбозлик қилади. Абжағи чиққан ва шарманда-шармисор бўлган оппозиция партия деган гапни, Марказий Комитет деган гапни, область бюролари деган гапни ва ҳоказоларни ўйин деб билиб, ўйинчоқ қилиб ўйнаб, ўзини шу блан юпатади. (Кулги. Қарсаклар.)

Аммо, ўртоқлар, ўйинбозликда ўйинбозлик бор. Оппозициянинг партия деган гапни ўйин билиб, ўйинбозлик қилиши фақат кулгини қистатиши мумкин, холос, чунки бу ўйинбозлик партия назарида бекорчиликдан эрмак тариқасидаги бир ишдан бошқа ҳеч нарса эмас.

Аммо, бу фақат партиянинг бир ўзигагина алоқадор иш эмас. Бизда яна синфлар ҳам бор, бизда яна антисовет элементлар ҳам бор. Бинобарин, бу антисовет элементлар оппозиция ўйнаётган ўйинни кузатиб бормоқда, бу элементлар оппозициядан партияга қарши кураш, Совет ҳокимиятига қарши кураш, революциямизга қарши кураш та'лимини олмоқдалар. Оппозициянинг партия деган гапни ўйин билиб, ўйинбозлик қилиши, оппозициянинг партияга қарши ҳужумлари, оппозициянинг антисовет ҳаракатлари бу элементларга Совет ҳокимиятига қарши курашмоқ учун, контрреволюция кучларининг қўлини ечиб қўйиш учун ўзича бир мактаб, ўзича бир тайёрлик мактабидек бир нарса бўлмоқда.

Оппозицияни ҳар тарафдан турли-туман антисовет элементлар чулғаб олганлиги бежиз эмас. Оппозициянинг партия деган гапни ўйин билиб, ўйинбозлик қилишининг хавфли томони мана шунда. Бинобарин, бу ўйиннинг жуда хавфли томони борлиги сабабли,— айни шу сабабли, партия оппозициянинг антисовет

машқларига бепарво қараб тураолмайди, айни шу сабабдан партия оппозициянинг бу ҳаракатларини илдизидан юлиб ташлаши керак.

Ишчилар синфи эса оппозиция ўйнаётган антипартиявий ўйиннинг жуда хавфли бир иш эканлигини кўрмаслиги мумкин эмас. Оппозиция назарида партия шахмат тахтасидек бир нарсадир. Оппозиция партияга қарши курашиб, бирон бир шахмат юришини қилади. Бугун у фракциячиликни йўқ қилиш тўғрисида ариза беради. Эртасига келиб, у ўзи ўз қўли блан ёзган аризасига тупуради. Индинига у янги ариза беради, лекин берганда ҳам орадан бирнеча кун ўтгандан кейин ўша ўзи ўз қўли блан берган аризасига яна тупуриш учун беради. Бу — оппозиция учун шахмат юришларидек бир ишдир. Улар — қиморбоз кишилардир, холос.

Ишчилар синфи ўз партиясига бошқача қарайди. Ишчилар синфи учун партия шахмат тахтаси эмас, балки унинг озод бўлиш қуролидир. Ишчилар синфи учун партия шахмат тахтаси эмас, балки душманларни енгмоқ учун, янги ғалабаларни ташкил қилмоқ учун, социализмнинг узил-кесил ғалаба қилмоғи учун жондан ҳам зарур воситадир. Шу сабабдан, ишчилар синфи ўзининг партиясини, ўзининг ҳамма муқаддас нарсадан ҳам энг муқаддас кўрадиган партиясини оппозициячи қиморбозларнинг қаллоблик машқлари учун шахмат тахтасига айлантирадиган одамларга нафрат блан қарамаслиги мумкин эмас. Чунки ишчилар синфи партиямиздаги темирдек мустаҳкам интизомни оппозициянинг барбод қилиш йўлидаги ишлари, оппозициянинг партиямизни бўлиб юбориш йўлидаги ишлари, аслини айтганда, бизнинг мамлака-

тимизда пролетариат диктатурасини барбод қилиш йўлидаги ишлар эканлигини билмаслиги мумкин эмас.

Оппозициянинг «платформа»си бизнинг партиямизни вайрон қилиш платформаси, ишчилар синфини қуролсизлантириш платформаси, антисовет кучларнинг қўлини ечиб қўйиш платформаси, пролетариат диктатурасини барбод қилиш платформасидир.

IV
РЕВОЛЮЦИЯМИЗНИНГ ИСТИҚБОЛИ

Энди учинчи масала, революциямизнинг истиқболи масаласига ўтамиз.

Оппозиция тутган буткул йўлнинг характерли хусусияти бизнинг революциямиз кучига ишонмаслик, пролетариатнинг деҳқонларни ўз кетидан эргаштириб олиб борабилиш кучи ва қобилиятига ишонмаслик, ишчилар синфининг социализм қураолиш кучи ва қобилиятига ишонмасликдир.

Мен юқорида Смирновнинг нутқидан, агар биз ўрта деҳқонлар блан орани бузмасақ бизнинг революциямиз муқаррор суратда «ҳалок» бўлади, дейилган ма'лум ерларни келтириб ўтган эдим. Оппозиячиларнинг, революция «ҳалок» бўлади, деган ашулаларини биз биринчи мартаба эшитаётганимиз йўқ. Қийинчиликлар олдида қачон қараманг ўзини йўқотиб қўйиш ва зорланиш ҳодисаларини, бизнинг революциямизни, инқирозга юз тутди ва ҳалок бўлади, деган фолбинликларни оппозициячиларнинг аризаларида биз биринчи мартаба учратаётганимиз йўқ. Оппозициянинг фракциячилик сиёсати бирин-кетин муваффақиятсизликка учраб келаётганидан бери, оппозиция

бизнинг революциямизни «ҳалок» бўлади, деб дод-вой солишдан сра тўхтагани йўқ, у ўз группасининг ҳалокатини революция «ҳалокати» деб кўрсатади. Оппозиция озчилик бўлиб қолдими, у партиядан мушт едими, дарров кўчага чиқади ва революция «ҳалок» бўлмоқда, деб дод-вой кўтарабошлайди, ҳамма ва ҳарқандай қийинчиликлардан партияга қарши фойдаланабошлайди.

Брест сулҳи давридаёқ, 1918 йилда, революция ма'лум қийинчиликлар кечирган вақтда, VII с'ездда партия томонидан абжағи чиқарилган Троцкий революциямизни «ҳалок» бўлади, деб дод-вой солабошлаган эди. Аммо лекин революциямиз ҳалок бўлгани йўқ, Троцкийнинг фолбинлиги эса қуруқ фолбинлигича қолаберди.

1921 йилда, касаба союзлари тўғрисида бўлган мунозара даврида, озиқ-овқат развёрсткаси йўқ қилиниши муносабати блан бизнинг олдимизда янги қийинчиликлар туғилган вақтда, Троцкий эса партиянинг X с'ездида яна бир марта енгилган чоқда Троцкий яна революциямизни «ҳалок» бўлади, деб дод-вой солабошлаган эди. Ўша кезда, Сиёсий бюро мажлисида, ўртоқ Ленин олдида, Троцкий Совет ҳокимиятининг умри тугаш куни ва соатини билдириб, «какку қуш аллақачон сайраб қўйди» (кулги) деб айтгани жуда яхши эсимда. Аммо лекин революция ҳалок бўлгани йўқ, қийинчиликлар бартараф қилинди, революция «ҳалок» бўлади деб, ёқа йиртиб қилинган дод-фар'ёдлар қуруқ дод-фар'ёдлигича қолаберди.

Ўша кезда какку қуш каккулаганми ёки йўқми, мен буни билмайман. (Кулги.) Аммо агар каккулаган бўлса, у ҳолда шуни айтиш керакки, у бекорга каккулабди. (Қарсаклар, кулги.)

1923 йилда, энди бу гал нэп асосида янги қийинчиликлар туғилган даврда, мол сотиш қийинлашган даврда, Троцкий яна революциямизни «ҳалок» бўлади, деб каккулайбошлади, ўз группасининг партиямиз XIII конференциясида мағлуб бўлганлигини у революциянинг мағлубияти деб кўрсатабошлади. Аммо лекин революция бу каккулашларни назар-писанд қилмади, ўз олдида турган қийинчиликларни бартараф қилди.

1925—1926 йилларда, саноатимизнинг юксалиши муносабати блан янги қийинчиликлар туғилган даврда, Троцкий, энди бу сафар Каменев ва Зиновьев блан биргаликда, яна революциямизни «ҳалок» бўлади, деб каккулайбошлади, ўз группасининг XIV с'ездда ва XIV с'ездан кейин мағлуб бўлганлигини у революциямизнинг мағлубияти деб кўрсатабошлади. Аммо лекин революция ҳалок бўлишни ўйига ҳам келтирмади, янги чиққан фолбинлар орқага суриб ташланди, қийинчиликлар эса ҳамавақтдагидек, аввалги сафарлардагидек, бартараф қилинди, чунки большевиклар мавжуд қийинчиликлар олдида зорланиш ва кўз ёш тўкишни билмайдилар, балки уларни енгиш учун курашадилар. (Қаттиқ қарсаклар.)

Энди, 1927 йилнинг охирида, бизнинг барча хўжалигимизни янги техника базасида қайтадан қуриш даврида туғилган янги қийинчиликлар муносабати блан, оппозициячилар яна революциямизни «ҳалок» бўлади, деб каккулайбошладилар, бу блан улар ўз группаларининг ҳақиқат ҳолдаги ҳалокатини пардалайбошладилар. Аммо лекин ҳаммангиз ҳам кўриб турибсизки, ўртоқлар, революция барҳаёт, яшамоқда, ҳалок бўлаётганлар эса бошқа бировлардир.

Улар шунчалар каккулаб, ниҳоят, шу даражага бориб етдиларки, каккулайбериб охири ҳолати разм бўлиб қолдилар. (Кулги.)

Оппозициянинг «платформаси» бизнинг революциямизни «ҳалок» этиш платформасидир.

V

ХЎШ, ЭНДИ НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Орамизда ихтилоф чиққан уч асосий масала юзасидан: ишчилар синфи блан деҳқонлар тўғрисидаги масала юзасидан, партия ва пролетариат диктатураси тўғрисидаги масала юзасидан ва, ниҳоят, революциямизнинг истиқболи тўғрисидаги масала юзасидан оппозициянинг ҳақиқат ҳолдаги платформаси ана шундай.

Кўриб турибсизки, бу ажойиб платформа оппозициянинг партиядан, ишчилар синфидан, революциямиздан батамом ажралиб қолганлигидан гувоҳлик беради. Бу ленинизм блан алоқани узган ва турмушдан бегона бўлиб қолган интеллигентлар платформасидир.

Барча мана шу ҳоллардан кейин, партия блан ишчилар синфининг охири келиб оппозициядан юз ўгирганлигига ажабланиб бўладими.

Оппозициянинг кейинги мунозара вақтида партияга қарши курашда шарманда-шармисорлик блан мағлуб бўлганлигининг сабаби мана шунда.

Хўш, энди нима қилиш керак? — деб сўрайдилар биздан.

Оппозиция яқинда, 31 троцкийчи имзоси блан, бирлик тўғрисида ариза берганлигини, аммо ҳалигача бирон дурустроқ жавоб ололмаганлигини айтиб ноли-

ди. Лекин, аслини айтганда, оппозициянинг ёлғон аризалари уларнинг нифоқчилик ишлари блан қайта ва қайта чиппакка чиқаётган бир чоқда, 31 троцкийчининг мунофиқона аризасига қандай жавоб бўлаолиши мумкин? Партиямиз тарихида, агар унутмасам 1907 йилда, 31 та меньшевикнинг шу тахлитда ариза бергани ма'лум. (Жойлардан овозлар: «Тўғри!».) Ленин ўша вақтда бу аризани «31 меньшевикнинг мунофиқлиги»[68] деган эди. (Кулги.) Мен ўйлайманки, 31 троцкийчининг мунофиқлиги 31 меньшевикнинг мунофиқлиги блан жуда ўхшашдир. (Жойлардан овозлар: «Мутлақо тўғри!».) Оппозиция партияни икки бор алдади. Энди у партияни учинчи бор алдамоқчи бўлади. Йўқ, қўйинг энди, ўртоқлар, алдашлардан энди биз тўйдик, ўйинбозлик энди бизга керак эмас. (Қарсаклар.)

Хўш, энди нима қилиш керак?

Энди бас, жуда ҳам ошиб кетди, ўртоқлар, чунки партияда йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳамма чегаралардан жуда ўтиб кетилди. Эндиликда бир вақтда икки партияда, эскидан бери келган, бир бутун ва ягона партия бўлган Ленин партиясида ҳам ва яна янги, троцкийчилар партиясида ҳам саланглаб юраберии мумкин эмас. Шу икки партиядан бирини танлаш керак.

Ё оппозиция бу иккинчи партияни, троцкийчилар партиясини ўзи йўқ қилади, ўзининг антиленинча қарашларидан воз кечади ва бутун партия олдида ўз хатоларига ошкора ла'нат ўқийди;

ёки оппозиция буни қилмайди,— у ҳолда троцкийчилар партиясини биз ўзимиз беному-нишон йўқ қилиб ташлаймиз. (Қарсаклар.)

Ё ундай, ёки бундай.

Ё оппозициячилар бу зарур қадамни қўядилар, ёки улар буни қилмайдилар, у ҳолда — улар партиядан улоқтириб ташланади. (Узоқ давом этган гулдурос қарсаклар. Бутун залда овация кўтарилади. «Интернационал» айтилади.)

„Правда" № 269,
1927 йил 24 ноябрь

ВКП(б) XV С'ЕЗДИ[69]

1927 йил 2—19 декабрь

„Правда" №№ 279; ва 282
1927 йил 6 ва 9 декабрь

МАРКАЗИЙ КОМИТЕТНИНГ СИЁСИЙ ҲИСОБИ

3 декабрь

I

ЖАҲОН КАПИТАЛИЗМИ КРИЗИСИНИНГ КУЧАЙИБ БОРИШИ ВА СССРНИНГ ТАШҚИ АҲВОЛИ

Бизнинг мамлакатимиз, ўртоқлар, капиталистик давлатлар блан қуршалган бир вазиятда яшамоқда ва тараққий қилмоқда. Мамлакатимизнинг ташқи аҳволи фақат унинг ички кучларигагина боғлиқ эмас, балки капиталистик қуршовнинг ҳолатига, мамлакатимизни ўраб олган капиталистик мамлакатларнинг аҳволига, уларнинг кучли ё кучсиз бўлишларига, бутун дун'ёдаги мазлум синфларнинг кучли ё кучсизлигига, бу синфлар революцион ҳаракатининг кучли ё кучсиз бўлишига ҳам боғлиқдир. Мен бизнинг революциямиз мазлум синфларнинг халқаро революцион ҳаракатининг бир бўлаги экани ҳақида сўзлаб ўтирмайман ҳам.

Мана шунинг учун мен, Марказий Комитетнинг ҳисобини мамлакатимизнинг халқаро аҳволини та'риф қилишдан, капиталистик мамлакатлардаги аҳволни та'риф қилишдан ва барча мамлакатлардаги революцион ҳаракатнинг ҳолатини та'риф қилишдан бошлаш керак, деб ўйлайман.

1. Жаҳон капитализмининг экономикаси ва ташқи бозорлар учун курашнинг кескинлашуви

а) Биринчи масала, бу — энг йирик капиталистик мамлакатлардаги ишлабчиқариш ва савдонинг аҳволи масаласидир.

Бу масалада асосий факт, ўртоқлар, шундан иборатки, шу икки йил ичида, ҳисоб берилаётган даврда, капиталистик мамлакатларда **ишлабчиқариш** урушгача бўлган даражадан ошди, урушдан илгариги даражадан яна илгари кетди.

Бу хусусда баъзибир маълумотлар мана шулардир.

Бутун дунёдаги **чўян** маҳсулотининг индекси: 1925 йилда урушдан илгариги миқдорнинг 97,6 процентини ташкил қилган бўлса, 1926 йилда урушдан илгариги миқдорнинг 100,5 процентини ташкил қилди. 1927 йилнинг тўла маълумотлари йўқ, лекин бу йилнинг биринчи ярми учун маълумотлар бор, бу маълумотлар чўян ишлабчиқаришнинг янада ўсганлигини кўрсатади.

Бутун дунёдаги **пўлат** маҳсулотининг индекси: 1925 йилда урушдан илгариги миқдорнинг 118,5 процентини, 1926 йилда 122,6 процентини ташкил этди.

Бутун дунёдаги **кўмир** маҳсулотининг индекси: 1925 йилда урушдан аввалгига нисбатан 97,9 процентни, 1926 йилда эса — бирмунча пасайиб — 96,8 процентни ташкил қилди. Бунга Англиядаги иштошлаш таъсир қилган бўлса керак.

Бутун дунёдаги **пахта** истеъмоли: 1925/26 йилда урушдан аввалги миқдорнинг 108,3 процентини, 1926/27 йилда эса урушдан аввалги миқдорнинг 112,5 процентини ташкил этди.

Бутун дун'ёда беш хил **ғалладан** олинган ҳосил[70]: 1925 йилда урушдан илгариги миқдорнинг 107,2 процентини, 1926 йилда — 110,5 процентини, 1927 йилда — 112,3 процентини ташкил қилди.

Мана шундай қилиб, бутун дун'ёдаги ишлабчиқаришнинг умумий индекси секин-аста, майда-майда қадамлар блан илгари силжимоқда ва урушдан илгариги даражадан ошиб кетмоқда.

Броқ, қадам ташлаб эмас, балки сакраб-югуриб илгари кетаётган ва урушдан бурунги даражани орқада қолдирган ба'зи капиталистик мамлакатлар ҳам бор, масалан Шимолий Америка Қўшма Штатлари ва қисман Япония. Шимолий Америка Қўшма Штатлари тўғрисидаги ма'лумотлар мана бу: ишлаб беручи саноатнинг ўсиши 1925 йилда урушдан аввалги миқдорнинг 148 процентини, 1926 йилда урушдан аввалги миқдорнинг 152 процентини, ундируччи саноатнинг ўсиши 1925 йилда урушдан илгариги миқдорнинг 143 процентини, 1926 йилда — 154 процентини ташкил этди.

Жаҳон **савдосининг** ўсиши. Жаҳон савдоси ишлабчиқариш сингари тез илгари бормасдан, одатда бўладигандек у ишлабчиқаришдан орқада қолиб бораётир, лекин, шундай бўлса ҳам, у урушдан илгариги даражага яқин келди. Бутун дун'ёда ва энг йирик мамлакатларда ташқи товар оборотининг индекси 1925 йилда урушдан илгариги даражанинг 98,1 процентини, 1926 йилда 97,1 процентини ташкил қилди. Айрим мамлакатларда аҳвол қуйидагича: Шимолий Америка Штатларида ташқи товар оборати 1925 йилда урушдан илгариги миқдорнинг 134,3 процентини ва 1926 йилда 143 процентини; Францияда 1925 йилда — 98,2

процентини ва 1926 йилда — 99,2 процентини; Германияда 1925 йилда —74,8 процентини ва 1926 йилда — 73,6 процентини; Японияда 1925 йилда 176,9 процентини ва 1926 йилда — 170,1 процентини ташкил этди. .

Умуман олганда, жаҳон савдоси урушдан илгариги даражага етди, ба'зи мамлакатларда эса, чунончи Шимолий Америкада ва Японияда энди у урушдан илгариги даражадан ўтиб кетди.

Ниҳоят, халқаро миқ'ёсда техника тараққийсини, капиталистик саноатнинг рационализация қилинишини, янги саноат тармоқларининг вужудга келишини, саноатни трестларга ва картельларга уюштириш ишининг ўсишини кўрсатадиган яна бирқанча фактлар бор. Менинг фикримча, бу фактлар ҳаммага ма'лум бўлса керак. Шунинг учун бунга кўп тўхталиб ўтирмайман. Фақат шуни кўрсатиб ўтмоқчиманки, капитал маҳсулотни ошириш, шунинг каби савдони ўстириш ишидагина муваффақият қозониб қолмасдан, балки ишлабчиқариш техникасини яхшилаш, техникани тараққий қилдириш, ишлабчиқаришни рационализация қилиш соҳаларида ҳам ютуқларга эришди, шунинг блан баравар бу нарса йирик трестларнинг борган сари кучайишига ва янгидан-янги кучли монополистик картельларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Ўртоқлар, қайд қилиш лозим бўлган фактлар ана шулар бўлиб, шуларга қараб хулоса чиқариш керак.

Бунинг ҳаммаси капитализм стабилизациясининг мустаҳкамланганини, барқарор бўлганини кўрсатадими? Албатта, йўқ! XIV с'езддаги докладдаёқ[71] капитализм урушдан илгариги даражага етаолади, балки урушгача бўлган даражадан ўтиб ҳам кетаолади.

ўзининг ишлабчиқаришини рационализация қилаолади, аммо бу блан барибир капитализм стабилизацияси мустаҳкам бўлолмайди, асло бўлолмайди, капитализм ўзининг урушдан илгариги барқарор ҳолига ҳеч қайтаолмайди дейилган эди. Аксинча, стабилизациянинг ўзидан, ишлабчиқаришнинг ўсаётганидан, савдонинг ўсаётганидан, техниканинг тараққий қилишидан ва ишлабчиқариш имкониятларининг ўсаётганлигидан, шунинг блан бир вақтда эса жаҳон бозори ва унинг доираси ҳамда алоҳида империалистик группаларнинг та'сир доиралари озми-кўпми стабил ҳолида қолаберганидан,— худди мана шундан жаҳон капитализмининг энг чуқур ва энг кескин кризиси вужудга келадики, бу кризис янги урушларга сабаб бўлади ва ҳарқандай стабилизациянинг давом қилишига хавф туғдиради.

Қисман стабилизациядан капитализм кризисининг кучайиши келиб чиқади, кучаяётган кризис эса стабилизацияни бузиб юборади — ҳозирги тарихий пайтда капитализм ривожининг диалектикаси ана шундай.

б) Жаҳон капитализми ишлабчиқаришининг ва савдосининг бу ўсишида кўпроқ характерли нарса — ривожланишнинг **нотекис** боришидир. Капиталистик мамлакатларнинг ривожланиши бири кетидан бири илгари бориш тартибида, равон ва бир текис тартибда, бир-бирига халақит бермайдиган ва бир-бирини ағдартўнтар қилмайдиган тартибда содир бўлмайди, аксинча,— бир тўда мамлакатларнинг сиқиб чиқарилиши ва тушкунликка юз тутиши, бошқа мамлакатларнинг эса рўёбга чиқиши ва юксалиши тартибида, қит'а ва мамлакатларнинг бозорда биринчиликни олиш учун ғоят қаттиқ кураши тартибида содир бўлади.

Хўжалик маркази Европадан Америкага, Атлантик океандан Улуғ океанга кўчмоқда. Шунинг блан Америка ва Осиёнинг жаҳон товар оборотида тутган ўрни Европа ҳисобига кучаймоқда.

Ба'зибир рақамлар келтирамиз: агар 1913 йилда жаҳон ташқи савдосида Европанинг ҳиссаси 58,5 процент, Американинг ҳиссаси — 21,2 процент, Осиёнинг ҳиссаси эса — 12,3 процент бўлган бўлса, 1925 йилда Европа ҳиссаси 50 процентгача тушиб, Американинг ҳиссаси 26,6 процентга кўтарилди, Осиёнинг ҳиссаси эса 16 процентга кўтарилди. Капитализм ниҳоят даражада тез илгари бормоқда бўлган мамлакатлар (ШАҚШ ва қисман Япония) блан бирга хўжалик жиҳатидан орқага кетмоқда бўлган мамлакатларни (Англия) ҳам кўриб турибмиз. Ўсаётган капиталистик Германия ва кейинги йилларда олдинга сурилиб чиқмоқда бўлган мамлакатлар (Канада, Австралия, Аргентина, Хитой, Ҳиндистон) блан бирга капитализм стабиллашмоқда бўлган мамлакатларни (Франция, Италия) кўриб турибмиз. Мол сотиш бозорларига да'во қилганларнинг сони ошмоқда, ишлабчиқариш имкониятлари кенгаймоқда, тақдим кучаймоқда, бозорларнинг доираси ва та'сир доирасининг чегаралари эса озми-кўпми стабил ҳолида қолмоқда.

Ҳозирги капитализм ичидаги тобора кучаяётган муросасиз зиддиятларнинг асоси шунда.

в) Ишлабчиқариш имкониятларининг ўсиши блан бозорларнинг нисбатан стабиллиги ўртасидаги бу зиддият бозорлар проблемаси ҳозир капитализмнинг асосий проблемаси бўлиб қолганлигининг негизидир. Умуман мол сотиш бозорлари проблемаси кескинлашди, айниқса ташқи бозорлар проблемаси, хусусан

капитал чиқариш учун керак бўлган бозорлар проблемаси кескинлашди — ҳозирги пайтда капитализмнинг аҳволи шундай.

Тўғриси, завод ва фабрикаларнинг етарли даражада иш блан та'мин қилинмаслиги оддий ҳодиса бўлиб қолаётганлигининг сабаби ҳам, аслда, шу. Таможна тўсиқларини кўпайтириш ёниб турган оловга ёғ қуйишдир, холос. Ҳозирги бозорларнинг ва та'сир доирасининг рамкалари капитализм учун торлик қилиб қолаётир. Бозорлар проблемасини тинчлик йўли блан ҳал қилиш ҳаракатлари натижа бермади ва бераолмас эди ҳам. 1926 йилда банкирларнинг эркин савдо тўғрисидаги ма'лум декларациялари[72] пучга чиққанлиги ма'лум. Миллатлар иттифоқининг 1927 йилда капиталистик давлатларнинг «иқтисодий манфаатларни бирлаштириш» мақсади блан чақирилган иқтисодий конференцияси ҳам муваффақиятсизликка учради. Бозорлар проблемасини тинчлик блан бирёқлиқ қилиш йўли капитализм учун беркдир. Капитализм учун **бирдан-бир** «йўл» бор: у ҳам бўлса зўрлик йўли блан, ҳарбий тўқинишлар йўли блан, янги империалистик урушлар йўли блан мустамлакаларни ва та'сир доираларини **янгидан** тақсим қилиш йўлидир.

Стабилизациядан капитализм кризисининг кучайиши келиб чиқади.

2. Капитализмнинг халқаро сиёсати ва янги империалистик урушларга тайёрланиш

а) Шу муносабат блан дун'ёни ва ташқи бозорларнинг асоси бўлган та'сир доираларини қайтадан бўлиш масаласи ҳозирги пайтда жаҳон капитализми

сиёсатида асосий масаладир. Мен юқорида, мустамлака ва та'сир доираларининг кейинги империалистик уруш натижасидаги ҳозирги тақсими энди эскириб қолди, деб айтиб ўтган эдим. Мустамлака ва та'сир доираларининг бундай тақсим қилинганлиги Жанубий Америка блан қаноатланмай Осиёга (аввало Хитойга) суқилиб кириб ўрнашиб олишга урунаётган Шимолий Американи ҳам, доминионлари ва Шарқнинг бирқанча муҳим бозорлари қўлидан чиқиб кетаётган Англияни ҳам, Англия блан Американинг «аралашиб-суқилиши» натижасида Хитойда ўз билдигича хўжайинлик қила олмаётган Японияни ҳам, Дунай дар'ёси бўйидаги мамлакатларда, шунингдек Ўрта денгизда ўз та'сири учун бир-бири блан доим «жанжаллашиб» келаётган Италия ва Францияни ҳам, айниқса, шу чоққача мустамлакасиз қолиб келаётган Германияни ҳам ҳозир энди қаноатлантирмай қолди.

Бозорлар ва хомаш'ё манба'ларини яна қайтадан бўлиб олишга «ҳамма бирданига» интилаётганлиги шундандир. Осиё бозорлари ва уларга олиб борадиган йўллар учун кураш асосий кураш майдони эканлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Янги тўқинишлар чиқишига катта-катта манба' бўладиган бирқанча проблемаларнинг туғилиб туриши ҳам шундандир. Осиёда ва унга олиб борадиган йўлларда биринчилик учун бўлаётган курашнинг манбаи сифатида Тинч океан проблемаси деб аталган проблеманинг (Америка — Япония — Англия ўртасидаги антагонизм) пайдо бўлганлиги ҳам шундандир. Ўрта денгиз бўйларида хўжайин бўлиб олиш учун кураш манбаи сифатида, Шарққа олиб борадиган энг яқин йўлга эга бўлиб олиш учун кураш манбаи сифатида Ўрта денгиз проб-

лемасининг (Англия — Франция — Италия ўртасидаги антагонизм) пайдо бўлганлиги ҳам шундандир. Нефть проблемасининг кескинлашиб кетганлиги (Англия — Америка ўртасидаги антагонизм) ҳам шундандир, чунки нефтьсиз урушиб бўлмайди, бинобарин кимнинг қўлида нефть кўп бўлса, у келгуси урушда ғалаба қилишга умид боғлай олади.

Яқинда инглиз матбуотида Чемберленнинг Ўрта денгиз проблемасини «бирёқлиқ қилиш» тўғрисидаги «энг сўнгги» плани э'лон қилинди. Бу планнинг борлиги ҳақиқатми, мен буни билмайман. Аммо Чемберлен планининг матбуотда чиқиши бежиз эмаслигига шак-шубҳа йўқ. Бу планга мувофиқ Сурия учун берилган «мандат» Франциядан олиниб Италия қўлига топширилади, Танжер Францияга топширилади, аммо Франция бунинг эвазига Испанияга пул бериши керак, Камерун Германияга қайтариб берилади, Италия Балканда «жанжал чиқармай туришга» мажбур қилинади ва ҳоказо.

Буларнинг ҳаммаси Советларга қарши кураш байроғи остида қилинмоқда. Ма'лумки, ҳозирги пайтда нимайики ифлос иш қилинса, шу ифлос ишда Советларга албатта осилишади.

Броқ, бу планда кўзда тутилган чин муддао нима? Планда кўзда тутилган муддао француз буржуазиясини Суриядан сиқиб чиқаришдир. Сурия қадимдан Шарққа, Месопотамияга, Мисрга ва бошқа ерларга кириладиган дарвоза бўлиб келган. Суриядан туриб Сувайш канали районида ҳам, Месопотамия районида ҳам Англияга зарар етказиш мумкин. Демак, Чемберлен бу кўнгилсиз ҳолларга барҳам бермоқчи шекилли. Бу планнинг матбуотда чиқиши каби фактни

тасодифий деб бўлмайди, албатта. Бу фактнинг шоён диққат жойи шундаки, у «улуғ давлатлар» деб аталган давлатлар ўртасидаги ҳозирги муносабатлардан туғиладиган олишувлар, жанжаллар ва ҳарбий тўқинишларни жуда равшан тасвирлаб беради.

Нефть проблемасининг ҳозирги аҳволига ва унинг теварагида бораётган курашларга келганда, бу тўғрида Америкада чиқадиган машҳур «Уорлд'с Уорк» журналининг[73] октябрь сонида жуда очиқ-ойдин фикр баён қилинган:

«Англо-саксон халқлари ўртасидаги тинчликка ва бир-бирларини тушуниб ҳурмат қилишларига таҳдид солаётган жуда реал хавф бор... Министрликнинг Америкадаги ишчан кишиларни қўллаб-қувватлаши, бунга эҳтиёж ошган сари, муқаррар кучайиб боради. Агар Британия ҳукумати ўзини Британия **нефть** саноати блан бирдай деб биладиган бўлса, Америка ҳукумати ҳам **кунларнинг** бирида ўзини Америка **нефть** саноати блан бирдай деб биладиган бўлади. Кураш ҳукуматлар ўртасига кўчиши **бланоқ уруш хавфи** жуда кучайиб кетади».

Шубҳа бўлиши мумкин эмас: ташқи бозорлар, хомаш'ё манба'лари, уларга олиб борадиган йўлларга эга бўлмоқ учун янги урушлар чиқариш мақсадида давлатларнинг янги коалицияларини тузишга киришилмоқда.

б) Чиқиб келаётган ҳарбий жанжалларни ҳисобот даври ичида «тинч йўл блан бирёқлиқ қилиш» учун ҳаракат қилиб кўрилдими? Ҳа, ҳаракат қилинди. Кутилганидан ҳам кўпроқ ҳаракат қилинди. Аммо бу ҳаракатлар ҳечқандай натижа бермади. Бугина эмас, бу ҳаракатлар «давлатларнинг» янги урушларга тайёрланаётганини яширадиган ниқобгина, халқни алдаш, «жамоатчиликни» алдашни мақсад қилиб қўйган бир ниқобгина бўлиб чиқди.

Миллатлар иттифоқини олиб кўрайлик, ёлғончи буржуа матбуотининг, ёлғончиликда ундан ҳам ошиб тушадиган социал-демократик матбуотнинг фикрича тинчлик қуроли бўлган Миллатлар иттифоқини олиб кўрайлик. Миллатлар иттифоқининг тинчлик, қуролсизланиш, қуролларни камайтириш ҳақидаги сафсаталари қандай натижа берди? Оммани алдашдан бошқа, қуролланишнинг янгидан зўр бериб кучайишидан бошқа, чиқиб келаётган жанжалларнинг яна ҳам жиддий тус олишидан бошқа ҳечбир натижа бергани йўқ. Миллатлар иттифоқининг уч йилдан бери тинчлик ва қуролсизланиш ҳақида сафсата сотаётганини, II Интернационал деган ташкилотнинг уч йилдан бери бу ёлғон сафсаталарни қувватлаб келаётганини, «миллатлар» эса «давлатлар» ўртасидаги эски жанжалларни кучайтириб, жанжал устига жанжал чиқариб ва шундай қилиб, тинчлик ишини бузиб, зўр бериб қуроллаётганликларини тасодифий деб бўладими?

Денгизда қуролланишни камайтириш масаласини муҳокама қилиш учун тўпланган уч давлат (Англия, Америка ва Япония) конференциясининг[74] муваффақиятсиз тугалиши — Улуғ океан проблемаси янги империалистик урушларнинг манбаи эканини, «давлатлар» на қуролсизланишни ва на қуролларни камайтиришни истамасликларини кўрсатмай нимани кўрсатади, ахир? Бу хавфнинг олдини олиш учун Миллатлар иттифоқи нима қилди?

Ёхуд, масалан, Совет делегациясининг яқинда Женевада чинакам (хўжа кўрсин учун эмас) қуролсизланишни талаб қилиб чиққанлигини олайлик[75]. Ўртоқ Литвиновнинг тўла қуролсизланиш ҳақида ошкора ва софдиллик блан қилган баёноти Миллатлар

иттифоқини гангитиб қўйганлиги ва унинг учун «мутлақо кутилмаган» бир воқиа бўлганлигининг сабаби нима? Бу факт Миллатлар иттифоқининг қуролсизланиш ва тинчлик қуроли бўлмай, балки янгидан қуролланиш ва янги урушларга тайёрликни ниқоблайдиган қурол эканини кўрсатмайдими?

Японiядан тортиб Англиягача, Франциядан тортиб Америкагача ҳамма мамлакатларнинг сотқин буржуа матбуоти, қуролсизланиш ҳақидаги совет таклифлари «чин кўнгилдан» қилинган таклифлар эмас, деб жонжаҳдлари блан бақирмоқдалар. Агар шундай экан, нима учун совет таклифларининг самимий таклифлар эканлигини синаб кўрмайдилар, нима учун ҳозирдаёқ амалий равишда қуролсизланиш ёки, ҳеч бўлмаганда, қуролларни жиддий равишда камайтириш ишига киришмайдилар? Бу ишга бирор нарса тўсқинлик қилаётибдими?

Ёхуд, масалан, шу чоқда капиталистик давлатлар ўртасида тузилаётган «дўстлик шартномалари» системаси, Франция блан Югославия ўртасида тузилган шартнома, Италия блан Албания ўртасида тузилган шартнома, Пилсудский томонидан ҳозирланмоқда бўлган Польша блан Литва ўртасидаги «дўстлик шартномаси», «Локарно системаси»[76], «Локарно руҳи» ва бошқалар — буларнинг ҳаммаси янги урушларга тайёргарлик ҳамда келгусида бўладиган ҳарбий тўқинишлар учун кучларни жой-жойига қўйиш системаси бўлмай нима, ахир?

Ёхуд, масалан, бошқа фактларни олайлик: 1913 йилдан 1927 йилгача Франция, Англия, Италия, Шимолий Америка Қўшма Штатлари, Япония **армияларининг сони** кўпайиб 1 888 мингдан 2 262 мингга етди; шу давр мобайнида ўша мамлакатларнинг **ҳарбий**

бюджетлари ошиб олтин пул блан 2 345 миллион сўмдан 3 948 миллион сўмгача етди; бу беш мамлакатдаги **сафда бўлган аэропланларнинг** сони кўпайиб 1923 йилдан 1927 йилгача 2 655 дан 4 340 га етди; бу беш давлатдаги **крейсерларнинг** тоннажи ошиб, 1922 йилдаги 724 минг тоннадан 1926 йилда 864 минг тоннага етди. **Ҳарбий-химия** соҳасидаги аҳволни тасвир қилиш учун Шимолий Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий-химия хизмати бошлиги генерал Фрейснинг сўзларини келтирса етади: «Аэропландан ташланган 450 килограмм оғирликдаги люизит жойланган бир дона аэрохимия бомбаси Нью-Йорк шаҳрининг 10 та кварталини одамзод оёқ босолмайдиган қилиб қўяди, 50 та аэропландан ташланган бундай бомбанинг 100 тоннаси бутун Нью-Йорк шаҳрини бир ҳафтагача одам йўлай олмайдиган қилиб қўяди».

Бу фактлар — янги урушга тайёрлик ишларининг ҳартомонлама кучайтириб юборилганини кўрсатмай нимани кўрсатади?

Умуман буржуазия давлатлари, айниқса Миллатлар иттифоқи, хусусан капиталнинг малайи бўлган социал-демократлар томонидан олиб борилаётган «тинчлик сиёсати» ва «қуролсизланиш» сиёсатининг натижалари мана шудир.

Илгари Германиянинг бошидан-оёғигача қуролланганлигини қуролланишнинг кучаяётганига важ қилиб кўрсатар эдилар. Энди Германия қуролсизлантирилганидан бу «важ»га ўрин йўқ.

Қуролланишнинг борган сари кучаяётганига сабаб «давлатлар» ўртасида янги империалистик урушларнинг муқаррар эканлиги, «уруш руҳи» «Локарно руҳи»нинг асосий мазмуни эканлиги равшан эмасми, ахир.

Ҳозирги «тинчлик муносабатларини» ҳаммаёғини ингичка иплар блан аранг чатиб-ямаб қўйилган қирқ ямоқ эски кўйлакка ўхшатиш мумкин, деб ўйлайман. Ип битта-яримта жойидан қаттиқроқ тортиб қўйилдими, биронта жойидан узиб қўйилдими — бас, кўйлак дабдаласи чиқиб, ямоқ латталардан бўлак ундан ному нишон ҳам қолмайди, ҳозирги «тинчлик муносабатлари» ҳам битта-яримта жойда, чунончи Албанияда ёхуд Литвада, Хитойда ёхуд Шимолий Африкада сал-пал бузилдими — бас. Шу блан бутун бу «тинчлик муносабатлари биноси» ағнаб тушади.

Кейинги империалистик уруш бошланиши олдида ҳам шундай бўлган эди. Сараеводаги ўлдириш воқиаси[77] урушнинг бошланиб кетишига баҳона бўлган эди.

Ҳозирда ҳам аҳвол худди шундай.

Стабилизациядан муқаррар равишда янги империалистик урушлар келиб чиқади.

3. Жаҳон революцион ҳаракатининг аҳволи ва янги революцион кўтарилиш аломатлари

а) Уруш олиб бориш учун қуролланишнинг ўсиши ва янги коалицияларнинг тузилишларигина кифоя қилмайди. Бунинг учун яна капитализм мамлакатлари ўзларининг орқа томонларини мустаҳкамлашлари лозим. Ҳечбир капиталистик мамлакат дастлаб ўзининг орқа томонини мустаҳкамламасдан туриб, «ўз» ишчиларининг жиловини ўз қўлига олмасдан туриб, «ўз» мустамлакаларининг жиловини ўз қўлига олмасдан туриб жиддий уруш олиб бораолмайди. Буржуазия ҳукуматлари сиёсатининг аста-секин фашистлик йўлига ўтиб бораётганлиги шунинг натижасидир.

Ҳозирда Францияда ўнглар блокининг ҳукм суриши, Англияда — Хикс — Детердинг — Уркварттинг блоки, Германияда — буржуазия блоки, Японияда — ҳарбий партия, Италия ва Польшада — фашист ҳукуматларининг вужудга келганлигини тасодифий бир нарса деб бўлмайди.

Ишчилар синфини сиқувга олиш, Англияда касаба союзлари ҳақида қонун чиқарилиши[78], Францияда «миллатни қуроллантириш»[79] ҳақида қонун чиқарилиши, бирмунча мамлакатларда 8 соатлик иш кунининг битирилиши, ҳамма жойда буржуазиянинг пролетариатга ҳужум қилаётганлиги сингари ҳодисалар шунинг натижасидир.

Мустамлака ва қарам мамлакатларни зўр бериб сиқувга олиш, бу мамлакатлардаги империалистик қўшинлар составининг кучайтирилиб бир миллионга етказилганлиги шунинг натижасидир. Шунинг блан баравар шу аскарларнинг 700 мингдан ортиқроғи Британия «та'сир доиралари»да ва унга «тоби' ерлар»да жойлашгандир.

б) Бу фашистлик йўлига кириб кетган ҳукуматларнинг ваҳшиёна зулм-тааддиси мустамлакалардаги мазлум халқларни ва метрополиялардаги ишчилар синфини бу зулм-тааддига қарши ҳаракатга келтирмай қолмаганлигини англаш қийин эмас. Хитой, Индонезия, Ҳиндистон ва бошқа шунинг сингари мамлакатларда революцион ҳаракатнинг ўсиши каби фактлар жаҳон империализмининг тақдирини ҳал қилишда жиддий аҳамиятга эга бўлмай қолмайди.

Ўзингиз ўйлаб қаранг. **Бутун ер юзидаги** 1 905 миллион аҳолининг 1 134 миллиони мустамлака ва қарам мамлакатларда, 143 миллиони СССРда, 264

миллиони оралиқ мамлакатларда бўлиб, фақат 363 миллионигина мустамлака ва қарам мамлакатларни эзучи йирик империалистик мамлакатларда яшайди.

Равшанки, мустамлака ва қарам мамлакатларнинг революцион ҳаракатга қўзғолиши жаҳон империализмининг сўнгги соатлари келганидан дарак беради. Хитой революцияси ҳозирча империализм устидан тўғридан-тўғри ғалабага олиб келмаган экан, бу факт революция истиқболи нуқтаи назаридан ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлаолмайди. Буюк халқ революциялари умуман ўзларининг биринчи қўзғолишларидаёқ ҳечқачон батамом ғалаба қозонаолмайдилар. Улар бир кўтарилиб, бир пасайиб кучаядилар ва мустаҳкамланадилар. Бу ҳамма жойда, шу жумладан Россияда ҳам шундай бўлган эди. Хитойда ҳам шундай бўлади.

Хитой революциясининг энг муҳим натижаси шу фактдан иборатки, у кўп асрлардан бери уйқуда ётган юз миллионларча эксплуатация қилинучи ва мазлум оммани ғафлат уйқусидан уйғотиб, ҳаракатга келтирди, бир ҳовуч генералларнинг контрреволюционлигини тамомила фош қилди, контрреволюциянинг малайлари бўлган гоминданчиларнинг ниқобларини йиртиб ташлади, халқнинг қуйи табақалари ўртасида коммунистлар партиясининг э'тиборини оширди, умуман ҳаракатни юксак босқичга кўтарди ва Ҳиндистон, Индонезия ва бошқа мамлакатлардаги эзилган синфлардан бўлган миллионларча кишилар ўртасида янги умидлар туғдирди. Фақат кўрлар ва қўрқоқларгина Хитой ишчилари ва деҳқонларининг янги революцион кўтарилиш сари бораётганликларига шубҳа қилаоладилар.

Европадаги ишчилар синфининг революцион ҳаракатига келганда, бунда ҳам, бу соҳада ҳам, ишчиларнинг қуйи табақаларининг сўллашганини ва революцион қўзғолишни билдирадиган аниқ белгиларини кўрамиз. Англиядаги умумий ишташлаш, кўмир кони ишчиларининг ишташлаши, Венада ишчиларнинг революцион чиқишлари, Сакко ҳам Ванцеттининг ўлдирилиши муносабати блан Франция ва Германиядаги революцион намойишлар, Германия ва Польша коммунист партияларининг сайловларда эришган муваффақиятлари, Англия ишчилар ҳаракатининг очиқдан-очиқ табақаланиши, бу табақаланиш орқасида ишчиларнинг сўллашуви, йўлбошчиларнинг ўнгга, бориб турган социал-империализм қучоғига отилиши, II Интернационалнинг бутунлай айниб империалистик Миллатлар иттифоқининг бир бўлагига айланиши, социал-демократик партияларнинг ишчилар кенг оммаси орасида обрўсининг тушиши, Коммунистлар Интернационалининг ва унинг секцияларининг бутун дун'ё пролетарлари орасида обрў ва та'сирининг кучайиши, бутун дун'ёдаги эзилган синфлар ўртасида СССР обрўсининг ўсиши, «СССР дўстларининг конгресси»[80] ва бошқа шунинг сингари барча фактлар Европанинг революцион кўтарилишнинг янги даврига шубҳасиз қадам қўйганини кўрсатади.

Агар Сакко ҳам Ванцеттининг ўлдирилиши ишчилар синфининг намойишига сабаб бўлган бўлса, бу ҳол, шубҳасиз, ишчилар синфининг революцион ғайратга тўлганлигини билдиради. Бу революцион ғайрат ташқарига отилиб чиқиб капиталистик режим устига бирданига ҳужум қилиш учун баҳона қидираяпти, ба'зан юзаки қараганда жуда аҳамиятсиз бўлиб кўри-

надиган воқеа бўлишини кутиб турибди, бундан кейин ҳам қидиради.

Биз мустамлакаларда ҳам, метрополияларда ҳам янги революцион кўтарилиш арафасида турамиз.

Стабилизациядан янги революцион кўтарилиш келиб чиқади.

4. Капитализм дунёси ва СССР

а) Шундай қилиб, биз жаҳон капитализмининг зўр кризисга дучор бўлганлигининг ва унинг беқарорлиги тобора кучаяётанлигининг ҳамма аломатларини кўриб турибмиз.

Агар капиталистик мамлакатларнинг ичида зўр тартибсизликлар туғдирган ва уларнинг ташқи муносабатларини издан чиқарган, урушдан кейинги 1920—1921 йиллардаги **муваққат** иқтисодий кризис битган деб ҳисобланса, бунинг натижасида қисман стабилизация вужудга келган бўлса, Октябрь революциясининг ғалабаси ва СССРнинг жаҳон капиталистик системасидан ажралиб чиқиши натижасида юзага келган капитализмнинг **умумий ва асосий** кризиси йўқ бўлиш ўёқда турсин, балки аксинча, жаҳон капитализми ҳаётининг асосларини қақшатиб, борган сари кучаймоқда.

Стабилизация бу умумий ва асосий кризиснинг кучайишига мони'лик қилмадигина эмас, аксинча, уни яна кучайтириш учун манба' ва замин тайёрлади. Бозорлар учун борган сари кучаяётган кураш, дунёни ва та'сир доираларини янгидан тақсим қилиб олиш зарурати, буржуа пацифизмининг ва Миллатлар иттифоқининг муваффақиятсизликка учраганлиги, янги уруш бўлиши мумкинлигини кўзда тутиб янги коалициялар тузиш ва кучларни жой-жойига қўйиш юзасидан

шошилинч иш олиб бориш, қуролланишнинг ниҳоят даражада кучайиши, ишчилар синфига ва мустамлака мамлакатларга жуда қаттиқ жабру зулм қилиш, мустамлакаларда ва Европада революцион ҳаракатнинг ўсиши, бутун дун'ёда Коминтерн обрўсининг ошиши, ниҳоят, Совет Иттифоқи қудратининг ошиши ва унинг Европа ишчилари ва мустамлакалардаги меҳнаткашлар оммаси ўртасида э'тиборининг кўтарилиши — буларнинг ҳаммаси жаҳон капитализмининг асосларини қақшатмай қолмайдиган фактлардир.

Капитализм стабилизацияси борган сари чириб ва беқарор бўлиб бормоқда.

Агар бундан икки йил бурун Европада революцион тўлқинларнинг пасайиши ҳақида гапириш мумкин ва керак бўлган бўлса, ҳозирда **Европа очиқдан-очиқ янги революцион кўтарилиш даврига қадам қўймоқда** деб айтишга бизда ҳамма асослар бор. Мен мустамлака ва қарам мамлакатлар ҳақида гапириб ўтирмайман ҳам. Бунда империалистларнинг аҳволи борган сари танг бўлиб, ҳалокатли тус олмоқда.

б) Капиталистлар СССРни ўз изларига солишни, унинг айниб капитализм йўлига тушиб кетишини, унинг Европа ишчилари ва мустамлакалардаги меҳнаткаш омма ўртасида обрўсининг тушишини кутган ва шунга умид боғлаган эдилар, уларнинг бу умидлари пучга чиқди. СССР социализм қураётган мамлакат сифатида ўсмоқда ва юксалмоқда. Унинг бутун дун'ё ишчилари ва деҳқонлари ўртасида та'сири ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Социализм қураётган СССРнинг мавжуд бўлишининг ўзи жаҳон империализмини емирадиган ва унинг Европадаги ҳамда мустамлакалардаги барқарорлигини барбод қиладиган

жуда зўр факторлардан биридир. СССР очиқдан-очиқ Европа ишчилар синфи ва мустамлакалардаги мазлум халқларнинг байроғи бўлмоқда.

Шу сабабли, бўладиган империалистик урушларга йўл очиш учун, капиталистик мамлакатларнинг орқа томонини мустаҳкамлаш мақсадида «ўз» ишчилар синфини қаттиқ сиқувга олиш ва «ўз» мустамлакаларининг жиловини ўз қўлларига олиш учун,— шу ишларни амалга ошириш учун, буржуа корчалонлари, даставвал, революциянинг ўчоғи ва манбаи бўлган СССРни, капиталистик мамлакатлар ўз товарларини сотаоладиган жуда катта бозорлардан бири бўлган бу мамлакатнинг жиловини қўлга олиш зарур, деб ўйлайдилар. Империалистлар орасида интервенциячилик тенденциясининг кучайганлиги, СССРни яккалаб қўйиш сиёсати, СССРни қуршаб олиш сиёсати, СССР блан урушиш учун зарур шароитларни тайёрлаш сиёсати ана шунинг натижасидир.

Империалистлар лагерида интервенциячилик тенденциясининг кучаяётганлиги ва уруш таҳдиди (СССРга нисбатан) ҳозирги аҳволнинг асосий факторларидан биридир.

Капитализмнинг кучаяётган кризиси вазиятида энг кўп «хавф-хатар» остида қолган ва энг кўп «шикаст еган» буржуазия инглиз буржуазиясидир. Шунинг учун инглиз буржуазияси интервенциячилик ҳаракатларини кучайтириш ташаббусини ўз қўлига олди. Равшанки, совет ишчиларининг инглиз кўмир кони ишчиларига ёрдами ва СССР ишчилар синфининг Хитойдаги революцион ҳаракатга хайрихоҳлиги бу интервенциячилик ҳаракатини кучайтирмасдан қолмади. Мана бу ҳоллар Англия блан СССР ўртасида

муносабатларнинг узилишига ва бошқа бирмунча мамлакатлар блан орамизнинг ёмонланишига сабаб бўлди.

в) Шу муносабат блан капиталистик дун'ё блан СССР ўртасидаги муносабат масаласида икки тенденциянинг кураши, ҳарбий агрессия тенденцияси (буни дастлаб Англия қўзғамоқда) блан тинчлик муносабатларини узоқ давом қилдириш тенденцияси (бошқа бирмунча капиталистик мамлакатлар буни ёқлайди) ўртасидаги кураш ҳозирги пайтдаги ташқи муносабатларимиз системасида асосий фактдир.

Ҳисобот даврида тинчлик муносабатлари тенденциясини кўрсатадиган фактлар қуйидагилардир: Туркия блан ўзаро ҳужум қилмаслик ҳақида шартнома тузилди; Германия блан гарантия шартномаси тузилди; Греция блан таможна ҳақида битим қилинди; Германия блан кредит масаласида битим тузилди; Афғонистон блан гарантия шартномаси тузилди; Литва блан гарантия шартномаси тузилди; Латвия блан тузилган гарантия шартномаси имзоланди; Туркия блан савдо шартномаси тузилди; Швейцария блан бўлган жанжал бирёқлиқ қилинди; Эрон блан бетарафлик ҳақида шартнома тузилди; Япония блан муносабат яхшиланди; Америка ва Италия блан иқтисодий муносабатлар кучайди.

Ҳисобот даврида ҳарбий агрессия тенденциясини кўрсатадиган фактлар қуйидагилардир: Англиянинг иш ташлаган кўмир кон ишчиларига пул блан ёрдам берилганидан норозилик билдириб берган нотаси; Пекин, Тяньцзин ва Шанхайда совет дипломатик ваколатхоналарига ҳужум; Аркосга ҳужум; Англиянинг СССР блан дипломатик муносабатларини узиши; Войковнинг ўлдирилиши; СССРда инглиз жосусларининг террорчилик

ҳатти-ҳаракатлари; Раковскийни чақириб олиш устида Франция блан муносабатларнинг кескинлашиши.

Агар бундан бир-икки йил бурун СССР блан капиталистик давлатлар ўртасида бирмунча равон ва «тинч муомала» ҳукм сурган давр тўғрисида сўзлаш мумкин ва керак бўлган бўлса, энди биз **«тинч муомала» даври ўтиб кетиб,** бунинг ўрнини империалистларнинг СССРга қарши ҳужум қилиш ва интервенция ҳозирлаш даври олганини қайд қилиб кўрсатиш учун бутун асосларга эгамиз.

Албатта, Англиянинг СССРга қарши бирлик фронт тузиш ҳаракати ҳозирча муваффақият қозонаолганича йўқ. Бу муваффақиятсизликнинг сабаби: империалистлар лагерида турли манфаатларнинг бир-бирига зид бўлиши, ба'зибир мамлакатларнинг СССР блан иқтисодий алоқани сақлаб қолишдан манфаатдор бўлишлари, СССРнинг тинчлик сиёсати, Европа ишчилар синфининг қаршилик кўрсатиши, империалистларнинг СССР блан уруш қилганда ўз мамлакатларида революция чиқиб қолишидан қўрқишларидир. Лекин бундан Англия ўзининг СССРга қарши бирлик фронт тузиш ишини йиғиштириб қўяр, бундай фронтни тузаолмас деган ма'но чиқариб бўлмайди. Англиянинг вақтинча муваффақиятсизлигига қарамасдан, уруш таҳдиди эскича қолмоқдадир.

Бундан қуйидаги вазифа келиб чиқади: империалистлар лагеридаги зиддиятлардан фойдаланиб қолиш, капиталистларни бирон нарса блан «рози қилиб туриб» урушни кечиктириш ва тинчлик муносабатларини сақлаш учун бутун чораларни кўриш керак.

Биз Ленининнинг, қурилиш ишларимизда жуда кўп нарса капиталистик дун'ё блан бўладиган урушни

кечиктираолишимизга боғлиқдир, деган сўзларини ҳеч бир унутмаслигимиз керак. Ленин, бу уруш муқаррардир, аммо бу урушни ёки Европада пролетариат революцияси етилган пайтгача, ёхуд мустамлакаларда революциялар батамом етилган фурсатгача, ёхуд, ниҳоят, капиталистларнинг мустамлакаларни ўзаро бўлиб олиш устида талашиб уруш чиқарган вақтларигача кечиктириш мумкин, деган эди.

Шу сабабли капиталистик мамлакатлар блан тинчлик муносабатларини сақлаб қолиш энг зарур вазифаларимиздандир.

Капиталистик мамлакатлар блан бизнинг муносабатларимизнинг асоси бир-бирига қарама-қарши икки системанинг бир вақтда яшаши мумкин деб ҳисоблашдан иборатдир. Турмуш унинг тўғрилигини тўла исбот қилди. Ба'зида қарзлар ва кредитлар масаласи бу муносабатларнинг яхшиланишига тўғоноқ бўлиб туради. Бу масалада бизнинг сиёсатимиз равшан. Бу сиёсат «берсанг — оласан» деган формулага суянади. Саноатимизни юксалтириш учун қарзга пул берар экансан — урушдан бурунги қарзларнинг бир миқдорини қайтариб оласан, биз буни бизга берилган қарзлар учун тўланадиган қўшимча процент деб ҳисоблаймиз. Бермасанг — олмайсан. Фактлар шуни кўрсатадики, саноат учун қарз олишда бирмунча ютуқлар қўлга киритилди. Мен бунда ёлғиз Германиянигина кўзда тутмасдан, балки Американи ва Англияни ҳам кўзда тутаман. Бунинг сири нимада? Шундаки, бизнинг мамлакатимиз ҳархил асбоб-машиналар учун катта бозордир, капиталистик мамлакатлар эса худди мана шу молларни сотишга муҳтождирлар.

5. Хулосалар

Натижада биз:

Биринчидан, бизни қуршаб олган капиталистик мамлакатлар ичида зиддиятларнинг кучайганлигини; капитализм учун уруш йўли блан дун'ёни қайтадан бўлиб олиш зарур бўлиб қолганлигини; Англиянинг бошчилиги остида капитализм дун'ёсининг бир қисмида бизга қарши интервенциячилик тенденциясининг борлигини; капитализм дун'ёсининг бошқа бир қисмида СССР блан уруш қилиш ишига қоришишни хоҳламаслик, бундан кўра СССР блан хўжалик муносабатларини йўлга солишни афзал деб билишни; бу ҳар икки тенденция ўртасида кураш бораётганлиги ва СССРнинг тинчликни сақлаш мақсадида бу зиддиятлардан фойдаланиб қолиш учун ма'лум имкониятга эга эканлигини кўрамиз.

Иккинчидан, биз стабилизациянинг барбод бўлаётганини; мустамлакаларда революцион ҳаракатнинг кучаяётганини; Европада янги революцион кўтарилиш белгиларини; Коминтерн ва унинг секцияларининг бутун дун'ёда обрўсининг кўтарилганини; Европа ишчилар синфининг СССРга хайрихоҳлик ва муҳаббати ғоят ошганини; СССРнинг қудрати борган сари кучаяётганини ва бутун дун'ёдаги эзилган синфлар орасида мамлакатимиз ишчилар синфининг э'тибори ошганини кўрамиз.

Бундан партиянинг вазифалари келиб чиқади:

1) Халқаро революцион ҳаракат бобида:

а) **бутун дун'ёда коммунист партияларини кучайтириш учун курашиш;**

б) революцион касаба союзларини ва ишчиларнинг капитал ҳужумига қарши бирлик фронтини мустаҳкамлаш учун курашиш;

в) СССР ишчилар синфи блан капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфи ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун курашиш;

г) СССР ишчилар синфи блан мустамлака ва қарам мамлакатлардаги озодлик ҳаракати ўртасида алоқани мустаҳкамлаш учун курашиш.

2) СССРнинг ташқи сиёсати бобида:

а) янги империалистик урушларга тайёргарлик кўришга қарши курашиш;

б) Англиянинг интервенциячилик тенденциясига қарши курашиш ва СССРнинг мудофаа қобилиятини кучайтириш;

в) тинчлик сиёсати олиб бориш ва капиталистик мамлакатлар блан тинч муносабатларни сақлаб қолиш;

г) ташқи савдо монополиясини мустаҳкамлаш асосида ажнабий мамлакатлар блан товар оборотимизни кучайтириш;

д) ҳукмрон империалистик давлатларнинг зулми ва эксплуатацияси остида жафо чекаётган «кучсиз» ва «тўла ҳуқуқсиз» давлатлар деб аталган давлатлар блан яқин муносабатда бўлиш.

II

СОЦИАЛИСТИК ҚУРИЛИШ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ ВА СССРНИНГ ИЧКИ АҲВОЛИ

Ўртоқлар, энди мамлакатимизнинг ички аҳволига, социалистик қурилиш соҳасидаги муваффақиятларимизга, пролетариат диктатурасининг тақдири, унинг

тараққиёти, уни мустаҳкамлаш тўғрисидаги масалага ўтишга ижозат беринг из.

Партиямизнинг XIV с'езди Марказий Комитетга халқ хўжалигимизни юксалтириш ишини қуйидаги асосий вазифаларни назарда тутиб олиб боришни топширган эди:

биринчидан, бизнинг сиёсатимиз умуман бутун халқ хўжалигида ишлабчиқаришнинг тўхтовсиз ўсишига ёрдам берадиган бўлсин;

иккинчидан, партиямизнинг сиёсати индустриямизнинг ривожланиши сур'атини тезлаштиришга ва индустриянинг бутун халқ хўжалигида раҳбарлик ролини та'мин этишга ёрдам берадиган бўлсин;

учинчидан, халқ хўжалигининг юксалиши жараёнида халқ хўжалигимизнинг социалистик секторининг ва хўжаликнинг социалистик формаларининг салмоғи хусусий товар ва капиталистик секторлари ҳисобига борган сари ошиб борсин;

тўртинчидан, умуман бутун хўжалигимизнинг ўсиши, янги индустрия тармоқларининг ташкил қилиниши, ма'лум хомаш'ё тармоқлари ва шунинг сингариларнинг юксалиши шундай йўл блан борсинки, бу умумий ривожланиш мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини та'мин этсин, мамлакатимиз капиталистик жаҳон хўжалиги системасининг қўшимчаси бўлиб қолмаслигини та'мин этсин;

бешинчидан, пролетариат диктатураси, ишчилар синфи блан деҳқонлар оммасининг блоки, бу блокда ишчилар синфининг раҳбарлиги мустаҳкамлансин ва,

олтинчидан, ишчилар синфи ва қишлоқ камбағалларининг моддий ва маданий аҳволлари боргансари яхшиласин, деган эди.

Бу вазифаларни бажариш йўлида партиямиз ва партиямизнинг Марказий Комитети томонидан ҳисобот даврида нималар қилинди?

1. Бутун халқ хўжалиги

Биринчи масала умуман халқ хўжалигини ривожлантириш масаласи. Мен бу ерда ҳисобот даврида умуман халқ хўжалигининг, жумладан саноат ва қишлоқ хўжалигининг ўсиши ҳақидаги масала юзасидан ба'зибир асосий рақамларни кўрсатиб ўтаман. Мен бу рақамларни Госпланнинг ма'лум ҳисоботидан олганман. Мен Госпланнинг 1927/28 йилги контроль рақамларини ва бешйиллик планнинг дастлабки мўлжалларини кўзда тутаман.

а) Икки йил ичида СССРнинг бутун халқ хўжалиги ишлабчиқаришининг ўсиши. Агар 1924/25 йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти, Госпланнинг янги ҳисоби бўйича, урушдан илгариги миқдорнинг 87,3 процентини, бутун саноат маҳсулоти урушдан олдинги миқдорнинг 63,7 процентини ташкил этган бўлса, ҳозир 1926/27 йилда, я'ни икки йилдан кейин қишлоқ хўжалиги маҳсулоти энди 108,3 процентни, саноат маҳсулоти эса — 100,9 процентни ташкил этади. Госпланнинг контроль рақамлари бўйича, 1927/28 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти кўпайиб, урушдан олдинги миқдорнинг 111,8 процентини, саноат маҳсулоти 114,4 процентини ташкил қилиши кўзда тутилади.

Мамлакатда икки йил ичида савдо-муомала оборотининг ўсиши. Агар 1924/25 йилдаги оборотни 100 га баравар (14 613 миллион червон сўм) деб олсак, 1926/27 йилда бу яна 97 процент ошди (28 775 миллион сўмга етди), 1927/28 йилда яна 116 процентдан ҳам

кўпроқ ошириш (33 440 миллион сўмга етказиш) кўзда тутилади.

Икки йил ичида кредит системамизнинг ўсиши. Агар бизнинг кредит муассасаларимизнинг 1925 йил биринчи октябрьдаги жам'ланган балансларини 100 га баравар (5 343 миллион червон сўм) деб олсак, 1927 йилнинг биринчи июлида 53 процент ўсганини (8 175 миллион сўм бўлганини) кўрамиз. 1927/28 йилда бу национализация қилинган кредит системамизнинг яна ўсишига шубҳаланиш учун асос йўқ.

Темирйўл транспортининг икки йил ичида ўсиши. Агар 1924/25 йилларда бутун темир йўллардаги юк обороти урушдан илгариги миқдорнинг 63,1 процентини ташкил этган бўлса, ҳозир, 1926/27 йилда — 99,1 процентга етди, 1927/28 йилда эса 111,6 процентга етади. Мен икки йил ичида темир йўлларимизнинг 74,4 минг километрдан 76,2 минг километргача етганини, бу урушдан илгаригига қараганда 30,3 процент ортиқ эканини, 1917 йилга нисбатан эса — 8,9 процент ортиқ эканини гапириб ўтирмайман ҳам.

Икки йил ичида давлат бюджетининг ўсиши. Агар 1925/26 йилда умум бюджет (бирлашган давлат бюджети блан маҳаллий бюджетлар қўшилиб) урушдан илгариги миқдорнинг 72,4 процентини (5 024 миллион сўм) ташкил қилган бўлса, ҳозирги пайтга келиб, я'ни 1927/28 йилга келиб, умум бюджет урушдан илгариги миқдорнинг 110—112 процентини (7 миллиард сўмдан ошиқроқ) ташкил этиши керак. Икки йил ичида 41,5 процент ошади.

Икки йил ичида ташқи савдонинг ўсиши. Агар 1924/25 йилда ташқи савдонинг умумий обороти бизда 1 282 миллион сўм, я'ни урушдан илгариги миқдор-

нинг 27 процентига яқин бўлса, ҳозир 1926/27 йилда 1 483 миллион сўмлик оборот, я'ни урушдан илгариги миқдорнинг 35,6 процентини ташкил этади, 1927/28 йилда эса ташқи савдо 1 626 миллион сўмга, я'ни урушдан аввалги миқдорнинг 37,9 процентига етиши кўзда тутилади.

Ташқи савдонинг секинроқ ўсишининг сабаблари:

биринчидан, кўпинча буржуазия давлатларининг ташқи савдомизга тўсқинлик кўрсатиши, ба'зида яширин равишда блокада ўрнатишга давур тўсқинлик қилишидир;

иккинчидан, бизнинг буржуа қонуни асосида, я'ни «ўзимиз емасак ҳам четга мол чиқарамиз» деган қонун асосида савдо қилаолмаслигимиздир.

Ташқи савдо ишларимиздаги ютуқ шундан иборатки, биз 1926/27 йилда четга чиқарган молларимиз мамлакатга кирган молларга қараганда 57 миллион сўм ортиқроқ бўлди. Бу — 1923/24 йилдан кейин ташқи савдомизнинг балансида ютуққа эга бўлган биринчи йилдир.

Натижада биз СССРнинг ҳамма миллий даромади икки йил мобайнида қуйидагича ўсганини кўрамиз: агар 1924/25 йилда СССРнинг миллий даромади 15 589 миллион червон сўмга баравар деб ҳисоб қилинса, 1925/26 йилда 20 252 миллион сўмга етди, я'ни ўсиш бир йил ичида 29,9 процент бўлди, 1926/27 йилда эса 22 560 миллион сўм, я'ни ўсиш бир йил ичида 11,4 процент бўлди. Госпланнинг контроль рақамларига мувофиқ 1927/28 йилда 24 208 миллион сўм бўлади, я'ни ўсиш 7,3 процент бўлади.

Агар Қўшма Штатларда ҳар йил миллий даромаднинг ўсиши ўртача ҳисоб блан 3—4 процентдан

ошмаслигини э'тиборга олсак (фақат ўтган асрнинг 80-нчи йилларидагина биргина марта Қўшма Штатларда миллий даромад 7 процентга яқин ўсган), бошқа мамлакатларда, чунончи Англия ва Германияда миллий даромаднинг ўсиши 1—3 процентдан ошмаслигини назарга олсак, **СССР кейинги йиллар ичида миллий даромаднинг ўсиш сур'ати жиҳатидан** Европа ва Америкадаги йирик капиталистик мамлакатларга қараганда **рекорд қўйганлигини** э'тироф қилиш керак.

Хулоса: мамлакатимизнинг халқ хўжалиги жуда тез сур'ат блан ўсмоқда.

Партиянинг вазифаси: мамлакатимиз халқ хўжалигини ишлабчиқаришнинг барча соҳаларида янада ривожлантиришдир.

б) Бизда халқ хўжалигининг ўсиши кўр-кўрона тарзда, маҳсулот миқдорининг оддий кўпайиши йўсинида бораётгани йўқ, балки ма'лум, қат'ий ва аниқ бир йўл блан бормоқда. Қуйидаги икки асосий ҳолат кейинги икки йил мобайнида халқ хўжалигининг ривожланишида ҳал қилучи фактор бўлди.

Биринчидан, халқ хўжалигимизнинг ривожланиши **мамлакатни индустриялаш йўли блан,** қишлоқ хўжалигига нисбатан саноатнинг ролини кўтариш йўли блан бормоқда.

Иккинчидан, халқ хўжалигининг ривожланиши, мамлакатни индустриялаш **хўжаликнинг социалистик формаларининг салмоғи ва ҳал қилучи роли** ишлабчиқариш соҳасида бўлсин, товар обороти соҳасида бўлсин хусусий товар ва капиталистик секторларни сиқиб чиқариш ҳисобига **ошиб бориш йўли блан бормоқда.**

Халқ хўжалиги системасида саноат салмоғининг **ўсишини кўрсатадиган рақамлар (бунга транспорт ва**

электрлаштириш кирмайди). Агар 1924/25 йилда бутун халқ хўжалиги маҳсулотига нисбатан саноат маҳсулотининг ялпи ҳиссаси урушдан илгариги баҳолар билан 32,4 процент, қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси 67,6 процент бўлган бўлса, 1926/27 йилда саноатнинг ҳиссаси 38 процентга етиб, қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси 62 процентга тушди. 1927/28 йилда саноатнинг ҳиссаси — 40,2 процентга етиши, қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси 59,8 процентга тушиши керак.

Индустриянинг асосий ўзаги бўлган **ишлабчиқариш қуроллари ва воситаларини ишлабчиқаришнинг** икки йил ичида **бутун** саноатга нисбатан салмоғининг ўсишини кўрсатадиган рақамлар: 1924/25 йилда ишлабчиқариш қуролларининг ҳиссаси — 34,1 процент бўлиб, 1926/27 йилда 37,6 процентга етди. 1927/28 йилда эса — 38,6 процентга етказиш кўзда тутилади.

Йирик **давлат** саноатида икки йил ичида ишлабчиқариш қуролларини ишлабчиқаришнинг салмоғининг ўсганини кўрсатадиган рақамлар: 1924/25 йилда — 42,0 процент, 1926/27 йилда — 44,0 процент бўлиб, 1927/28 йилда эса—44,9 процентгача етказиш кўзда тутилади.

Саноатнинг **товар** маҳсулоти ва унинг ҳамма товарлар ичидаги салмоғига келганда, саноатнинг ҳиссаси икки йил ичида 1924/25 йилдаги 53,1 процентдан 1926/27 йилда 59,5 процентгача ўсди, 1927/28 йилда эса у 60,7 процентга етиши керак, ҳолбуки қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотининг ҳиссаси 1924/1925 йилда — 46,9 процент бўлиб, 1926/27 йилда — 40,5 процентга тушди, 1927/28 йилда эса — 39,3 процентга тушиши лозим.

Хулоса: бизнинг мамлакатимиз индустриал мамлакат бўлаётир.

Партиянинг вазифаси: мамлакатимизни индустриялаш ишини бутун чоралар блан яна илгарига силжитишдир.

Икки йил ичида хўжалигимизнинг социалистик формалари салмоғининг ва ҳал қилучи ролининг хусусий товар ва капиталистик секторлар ҳисобига ўсишини кўрсатадиган рақамлар. Халқ хўжалигининг умумлашган секторига (давлат ва кооперация саноати, транспорт, электрлаштириш ва бошқаларга) **солинган капитал** 1924/25 йилдаги 1 231 миллион сўмдан 1926/27 йилда 2 683 миллион сўмга етган. 1927/28 йилда 3 456 миллионга етиши лозим бўлган, демак, солинган маблағ 1924/25 йилги 43,8 процентдан 1927/28 йилда 65,3 процентга ўсаётган бир вақтда, халқ хўжалигининг умумлашмаган секторига солинган маблағ нисбатан ҳамавақт камайиб борди ва фақат абсолют рақамларда олганда бироз ўсиб, 1924/25 йилги 1 577 миллион сўмдан 1926/27 йилда 1 717 миллион сўмга етди, 1927/28 йилда — 1 836 миллион сўмга етиши керак, бунинг блан умумлашмаган секторнинг салмоғи **пасайиб,** 1924/25 йилги 56,2 процентдан 1927/28 йилда — 34,7 процентга тушиб қолади.

Саноатнинг умумлашган секторининг **ялпи маҳсулоти** 1924/25 йилда умум саноат маҳсулотининг 81 процентини ташкил қилган бўлса, 1926/27 йилда 86 процентга етди, 1927/28 йилда эса кўпайиб 86,9 процентга етиши лозим. Ҳолбуки, саноатнинг умумлашмаган секторининг роли йилдан-йилга пасаймоқда: ҳамма саноат маҳсулотининг 1924/25 йилда 19 процентини ташкил қилган бўлса, 1926/27 йилда — 14 процентга тушди, 1927/28 йилда эса — 13,1 процентга тушиши лозим.

Йирик (ценз) саноатда хусусий капиталнинг ролига келганда шуни айтиш керакки, унинг роли нисбатангина пасайиб қолмасдан (1924/25 йилда 3,9 процент ва 1926/27 йилда 2,4 процент), балки абсолют жиҳатдан ҳам (1924/25 йилда урушгача бўлган сўм ҳисоби блан 169 миллион сўм ва 1926/27 йилда урушгача бўлган сўм ҳисоби блан 165 миллион сўм) пасаймоқда.

Мамлакатимиздаги **товар обороти** соҳасида ҳам хусусий капиталистик элементларнинг шу равишда сиқиб чиқарилаётганини кўрамиз. Барча савдо-сотиқ оборотида умумлашган секторнинг ҳиссаси 1924/25 йилда — 72,6 процент, улгуржи савдодаги ҳиссаси — 90,6 процент, чакана савдода — 57,3 процент бўлган, умумлашган секторнинг салмоғи 1926/27 йилда бутун оборотда 81,9 процентга, улгуржи савдода — 94,9 процентга, чакана савдода — 67,4 процентга етиб ўсган бир вақтда, хусусий секторнинг ҳиссаси шу вақт ичида бутун савдо-сотиқ оборотида 27,4 процентдан 18,1 процентга тушди, улгуржи савдода — 9,4 процентдан 5,1 процентга, чакана савдода — 42,7 процентдан 32,6 процентга тушди, шу блан бирга 1927/28 йилда савдо ишларининг ҳаммасида хусусий секторнинг салмоғи яна пасайиши кўзда тутилади.

Хулоса: мамлакатимиз, капиталистик элементларни халқ хўжалигимизда кейинги ўринга суриб қўйиб ва ундан қадамма-қадам сиқиб чиқариб, социализм сари ишонч блан тез қадам ташлаб бормоқда.

Бу факт бизнинг олдимизда «ким-кимни» деган масаланинг ма'носини очиб беради. Бу масалани Ленин 1921 йилда, янги иқтисодий сиёсат жорий қилингандан кейин қўйган эди. Биз хусусий савдогарни,

хусусий капиталистни сиқиб чиқариб ва савдо қилишни ўрганиб, социалистиклашган индустриямизни деҳқон хўжалиги блан боғлай оламизми, ёхуд хусусий капитал, пролетариат блан деҳқонлар ўртасини бузиб, бизни енгадими,— ўша вақтда масала мана шундай эди. Ҳозирда биз бу масалада асосан қат'ий ютуқларга эга бўлдик, деб айтаоламиз. Буни фақат кўрлар ёки ақлдан озганларгина инкор қилаоладилар.

Броқ энди «ким-кимни» деган масала бошқача тус олмоқда. Ҳозирда бу масала савдо соҳасидан ишлабчиқариш, ҳунарманд ишлабчиқариши, қишлоқ хўжалиги ишлабчиқариши соҳасига кўчмоқда. Бунда хусусий капиталнинг ма'лум ўрни бор ва бундан уни доимо сиқиб чиқариш зарур.

Партиянинг вазифаси: ҳам шаҳарда, ҳам қишлоқда, халқ хўжалигидаги капиталистик элементларни битириш йўлини тутиб, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ҳал қилучи муҳим социалистик соҳаларимизни кенгайтириш ва мустаҳкамлашдир.

2. Йирик социалистик саноатимизнинг ривожланиш сур'ати

а) Мамлакатдаги **бутун** саноатнинг 77 процентидан ортиқроғини ташкил этадиган национализация қилинган йирик саноат маҳсулотининг ўсиши. Агар национализация қилинган йирик саноат маҳсулотининг ўсиши ўтган йилга нисбатан 1925/26 йилда (урушдан илгариги сўм ҳисоби блан) 42,2 процент, 1926/27 йилда — 18,2 процент ўсган бўлса, 1927/28 йилда 15,8 процент ўсадиган бўлса, Госпланнинг тахминий ва анча камайтирилиб кўрсатилган бешйиллик

мўлжали бўйича маҳсулотнинг ўсиши беш йил ичида 76,7 процентни ташкил қилади. Ўртача ҳисоб блан маҳсулот ҳар йили 15 процент ўсиб, 1931/32 йилда саноат маҳсулоти урушдан илгариги миқдордан **икки мартаба** ортиқ бўлиши кўзда тутилади.

Агар мамлакатдаги барча йирик (давлат ва хусусий) ва майда саноатнинг ялпи маҳсулотини олсак, Госпланнинг бешйиллик мўлжалига биноан маҳсулотнинг ўртача ўсиши ҳар йили 12 процентга яқин бўлади. Натижада 1931/32 йилда бутун саноат маҳсулоти урушгача бўлган миқдордан 70 процентга яқин ортади.

Америкада бутун саноат маҳсулотининг йиллик ўсиши беш йиллар мобайнида — 1890—1895 йиллар ичида — 8,2 процент, 1895—1900 йиллар ичида — 5,2 процент, 1900—1905 йиллар ичида — 2,6 процент, 1905—1910 йиллар ичида 3,6 процентдан иборат бўлиб келди. Россияда ўн йил ичида 1895—1905 йиллар мобайнида ўртача йиллик ўсиш — 10,7 процент, саккиз йил ичида — 1905—1913 йиллар мобайнида — 8,1 процент бўлган эди.

Бизнинг социалистик саноатимиз маҳсулотининг, шунингдек бутун саноатимиз маҳсулотининг йиллик ўсиш проценти рекорд процентдирки, дунёдаги ҳеч бир йирик капиталистик мамлакатда бундай рекорд процент бўлган эмас.

Америка саноати ҳам, айниқса урушдан илгариги Россия саноати ҳам четэлдан жуда кўп миқдорда келган капитал блан мўл та'минланиб турганни ҳолда, бизнинг национализация қилинган саноатимиз ўз жамғармаларигагина суяниб иш кўришга мажбур бўлаётганига қарамай шундай рекорд процентга эга бўлмоқдамиз.

Бизнинг национализация қилинган саноатимиз реконструкция даврига — эски заводларни қайтадан ускуналаш ва янги заводлар қуриш саноат маҳсулотининг ўсишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўладиган даврга кирганига қарамай шундай рекорд процентга эга бўлмоқдамиз.

Умуман бизнинг саноатимиз, айниқса социалистик саноатимиз ўзининг ривожланиш сур'ати блан капиталистик мамлакатлардаги ривож топган саноатга етиб ва ундан ўзиб кетаётир.

б) Йирик саноатимизнинг бу мисли кўрилмаган сур'ат блан ривожланишининг сабаби нимада?

Биринчидан шундаки, у национализация қилинган саноатдир, шунинг учун хусусий капиталистик группаларга хос бўлган, жамиятга қарши қаратилган очкўзлик манфаатлари унга бегонадир, ва умуман жамият манфаатини кўзлаб ривожланиш имкониятига эгадир.

Иккинчидан шундаки, у дун'ёдаги ҳамма саноатлар ўртасида энг йирик, энг марказлашган саноатдирки, бунинг натижасида у хусусий капиталистик саноатни синдириш имкониятига эгадир.

Учинчидан шундаки, давлат национализация қилинган транспортни, национализация қилинган кредитни, национализация қилинган ташқи савдони, умумдавлат бюджетини ўз ихтиёрига олиб, национализация қилинган саноатга ягона саноат хўжалиги сифатида планли равишда раҳбарлик қилиш учун барча имкониятларга эгадир. Бу бизнинг саноатимизни бошқа ҳамма саноатлардан устин қилиб қўяди, ва унинг ривожланиш сур'атини кўп мартаба тезлатади.

Тўртинчидан шундаки, национализация қилинган саноат, энг йирик ва энг қудратли саноат бўлгани

сабабли, тан нархини доимо пасайтириш, саноатдан чиқариш нархини пасайтириш ва ўз маҳсулотини арзонлаштириш сиёсатини амалга ошириш учун бутун имкониятларга эгадир ва шу билан ўз маҳсулотини сотиш учун бозорларни кенгайтираолади, ички бозор кўламини кенгайтираолади ва ишлабчиқаришни боргансари кучайтириш учун зарур бўлган манба'ларни вужудга келтириб, уларни ҳамиша кўпайтираолади.

Бешинчидан шундаки, национализация қилинган саноат кўп сабабларга биноан, чунончи нархларни пасайтириш сиёсатини юргизганлиги сабабидан шаҳар билан қишлоқнинг, пролетариат билан деҳқонларнинг бир-бирига аста-секин яқинлашиши шароитида ривожланаолади. Капиталистик саноат, аксинча, деҳқонларни шилиб оладиган буржуазия шаҳри билан харобаликка тушучи қишлоқ ўртасида душманлик кучайиши шароитида ривожланади.

Ниҳоят, шундаки, национализация қилинган саноат бизнинг барча ривожланишимизнинг гегемони бўлган ишчилар синфига суяниб иш кўради, шу сабабли у умуман техникани осонлик билан тараққий этдириш, жумладан меҳнат унумини осонлик билан кўтариш, ишлабчиқариш ва идора қилиш ишида рационализация чораларини амалга ошириш имкониятига эгадир. Бу ишда унга ишчилар синфининг кенг оммаси ёрдам кўрсатадики, бундай ёрдам капиталистик саноат системасида йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Кейинги икки йил ичида техникамизнинг тез ўсиши ва янги саноат тармоқларининг (машинасозлик, станоксозлик, трубасозлик, авто ва авиасозлик, химия ва бошқаларнинг) тез ривожланиши бунинг шубҳасиз далилидир.

Бизда иш кунини қисқартирганимиз **ҳолда** (7 соатлик иш куни) ва ишчилар синфининг моддий ва маданий аҳволини тўхтовсиз яхшилаганимиз **ҳолда** ишлабчиқаришни рационализация қилишни амалга ошираётганлигимиз ҳам бунинг далилидир, капиталистик хўжалик системасида бундай бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Социалистик саноатимизнинг ниҳоят даражада тез сур'ат блан ривожланиши совет ишлабчиқариши системасининг капиталистик системадан афзаллигини кўрсатадиган очиқдан-очиқ ва шубҳасиз далилдир.

Ленин, большевиклар ҳокимиятни олмасдан бурун, я'ни 1917 йилнинг сентябрида: биз пролетариат диктатурасини ўрнатганимиздан кейин «олдинги мамлакатларни **иқтисодий жиҳатдан ҳам** қувиб етишимиз ва улардан ўзиб кетишимиз керак», буни қилаоламиз ва қилишимиз зарур, деб айтганида ҳақли эди (XXI том, 191 бет).

Партиянинг вазифаси: социалистик саноатда қўлга киритилган ривожланиш сур'атини мустаҳкамлаш ва олдинги капиталистик мамлакатларни қувиб етиш, улардан ўзиб кетиш мақсадида зарур бўлган қулай шароитларни туғдириш учун сур'атни яқин фурсатда кучайтиришдир.

3. Қишлоқ хўжалигимизнинг ривожланиш сур'ати

а) Қишлоқда, аксинча, биз маҳсулотнинг нисбатан секинроқ ўсиб бораётганини кўрамиз. Агар 1925/26 йилда ялпи маҳсулот ўтган йилгига нисбатан (урушгача бўлган сўм ҳисобида) 19,2 процент, 1926/27 йилда 4,1 процент ўсган бўлса ва 1927/28 йилда 3,2 про-

цент ўсиш белгиланган бўлса, Госпланнинг дастлабки ва камроқ қилиб кўрсатган бешйиллик тахминий плани бўйича беш йил ичида ялпи маҳсулотнинг 24 процент ўсиши мўлжалланади, бунда ўрта ҳисоб блан ҳар йил маҳсулотнинг ўсиши 4,8 процент ва 1931/32 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти урушгача бўлган маҳсулотга қараганда 28—30 процент кўпайиши кутилади.

Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотининг йил сайин ўсиши, бирмунча дуруст бўлган ўсишдир. Броқ, шу ўсишни капиталистик мамлакатларга қараганда рекорд ўсиш деб ҳам, национализация қилинган саноатимиз блан қишлоқ хўжалиги ўртасида зарур мувозанатни келажакда сақлаш учун етарли ўсиш деб ҳам ҳеч айтиб бўлмайди.

Шимолий Америка Қўшма Штатларида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг йиллик ўртача ўсиши ўн йил ичида, 1890—1900 йиллар орасида 9,3 процент, ўн йил 1900—1910 йиллар орасида 3,1 процент, ўн йил 1910—1920 йиллар орасида 1,4 процент бўлган. Урушдан илгариги Россияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг йиллик ўсиши ўн йил ичида, 1900—1911 йиллар орасида —3,2—3,5 процентдан ошмаган.

Тўғри, қишлоқ хўжалигимиз маҳсулотининг йиллик ўсиши бешйиллик ичида, я'ни 1926/27—1931/32 йиллар орасида 4,8 процентдан иборат бўлади, бундан кўриниб турибдики, совет шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулоти ўсиш проценти капиталистик Россия давридаги ўсишдан ортиқдир. Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, национализация қилинган саноатнинг ялпи маҳсулоти 1931/32 йилда урушдан аввалги саноат маҳсулотига қараганда **икки мартаба,** бутун

саноат маҳсулоти 1931/32 йилда урушгача бўлган даражадан **70** процентга яқин ошгани ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти шу давр ичида урушгача бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг фақат 28—30 процента даражасидагина, я'ни **учдан биридан ҳам камроқ** ўсади.

Шу сабабли қишлоқ хўжалигимизнинг ривожланиш сур'атини етарли даражада қониқарли деб бўлмайди.

б) Қишлоқ хўжалиги ривожланиш сур'атининг национализация қилинган саноатимизнинг ривожланиш сур'атига нисбатан анча секин боришининг сабаби нима?

Бунинг сабаби шуки, қишлоқ хўжалигимизнинг техникаси жуда орқададир, қишлоқнинг маданий даражаси жуда ҳам пастдир, бунинг сабаби айниқса шуки, бизнинг тарқоқ қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришимиз бизнинг йирик бирлашган национализация қилинган саноатимизда бор бўлган қулайликларга эга эмасдир. Дастлаб, қишлоқ хўжалиги ишлабчиқариши национализация қилинмаган ва бирлашмаган бўлиб, тарқоқ ва майда-майда бўлаклардан иборат. Унда иш планли равишда олиб борилмайди ва унинг жуда кўп қисми ҳозирча майда ишлабчиқариш стихиясига бўйсунмоқда. У коллективлаш йўли блан бирлашмаган ва йириклашмагандир, шу сабабли қулоқ элементларининг фойдаланиб қолиши учун қулай майдондир. Мана бу ҳоллар национализация қилинган саноатимиз эга бўлган қулайликлардан, йирик, бирлашган ва планли равишда олиб борилган ишлабчиқаришдаги қулайликлардан тарқоқ қишлоқ хўжалигини маҳрум қилади.

Қишлоқ хўжалиги бундан қандай қутилаолади? Балки, умуман саноатимизнинг, жумладан национализация қилинган саноатимизнинг ривожланиш сур'атини секинлаштириш керакдир? Йўқ, асло! Бу пролетариатга қарши қаратилган ўтакетган реакцион хомхаёл бўлар эди. (Овозлар: «Тўғри!».) Национализация қилинган саноат тез сур'ат блан ривожланиши лозим ва ривожланади. Бу — бизнинг социализм сари илгари боришимизнинг гаровидир. Бу, ниҳоят, қишлоқ хўжалигининг ўзини ҳам индустриялашнинг гаровидир.

Бу аҳволдан қайси йўл блан қутилиш мумкин? Бу аҳволдан қутилиш йўли майда ва тарқоқ деҳқон хўжаликларидан ерни жамоат бўлиб ишлашга асосланган йирик ва бирлашган хўжаликларга кўчишда, ерни янги, юқори техника асосида коллектив бўлиб ишлашга кўчишдадир.

Бу аҳволдан қутилиш йўли шундаки, майда ва жуда майда деҳқон хўжаликларини ерни жамоат, ширкат, коллектив бўлиб ишлайдиган, қишлоқ хўжалик машиналари ва тракторлар ишлатадиган, деҳқончиликни кучайтириш учун илмий усулларни қўлланадиган йирик хўжаликларга бирлаштириш керак, бирлаштирганда ҳам уларни сиқув йўли блан эмас, балки намуна кўрсатиш ва ишонтириш йўли блан, секин-аста, лекин оғишмасдан бирлаштириш керак.

Бошқа йўл йўқ.

Шундай бўлмаганда, бизнинг қишлоқ хўжалигимиз қишлоқ хўжалиги кўпроқ ривож топган капиталистик мамлакатларни (Канада ва бошқалар) қувиб етаолмайди ҳам, улардан ўзиб кетаолмайди ҳам.

Қишлоқ хўжалигидаги капиталистик элементларни чеклаш, қишлоқда социалистик элементларни кучайтириш, деҳқон хўжаликларини кооперативлаштириш

тараққиёти йўлига тортиш, деҳқон хўжалигини моллар блан та'мин қилиш ва деҳқончилик маҳсулотини сотиш соҳасида бўлсин, деҳқончиликнинг ишлабчиқариш иши соҳасида бўлсин, давлатнинг қишлоқда планли иш олиб бориши юзасидан кўрган барча чораларимиз — бу чораларимизнинг ҳаммаси ҳал қилучи чоралар бўлса ҳам, ҳарҳолда қишлоқ хўжалигини коллективлаш йўлига солиб юбориш учун тайёргарликдан иборат чораларидир.

в) Икки йил ичида партия томонидан бу йўлда нималар қилинди? Озмунча иш қилингани йўқ. Лекин қилиниши мумкин бўлган ишларнинг ҳаммаси ҳали қилинган эмас.

Қишлоқ хўжалигининг, айтайлик, **ташқи соҳасига**, я'ни уни зарур моллар блан та'мин қилиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ишлари соҳасига келганда, биз қуйидаги ютуқларга эгамиз: қишлоқ хўжалиги кооперацияси ҳозир бутун деҳқон рўзғорларининг учдан бирига яқинини бирлаштиргандир; матлубот кооперациясининг қишлоқни мол блан та'минлаши кучайиб, 1924/25 йилги 25,6 процентдан 1926/27 йилда 50,8 процентга етди; кооператив ва давлат органлари қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотишни кучайтириб, 1924/25 йилги 55,7 процентдан 1926/27 йилда — 63 процентга етказди.

Қишлоқ хўжалигининг, айтайлик, **ички соҳасига**, я'ни қишлоқ хўжалигининг ишлабчиқариш иши соҳасига келганда, бу соҳада биз жуда оз иш қилганмиз. Шуни айтиш кифоядирки, колхозлар ва совхозлар ҳозирги вақтда бутун қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг фақат 2 процентидан сал ошиғини ва товар маҳсулотининг 7 процентидан сал ошиғини берадилар.

Бунинг ҳам об'ектив, ҳам суб'ектив сабаблари, албатта, кўп. Ишнинг кўзини билмаслик, бизнинг ходимларимизнинг бу ишга етарли аҳамият бермаслиги, деҳқонларнинг консерватизми ва қолоқлиги, деҳқонларни ерни жамоат бўлиб ишлашга кўчириш учун зарур маблағларнинг етишмаслиги ва бошқалар. Бунинг учун кўп маблағ талаб қилинади.

Ленин X с'ездда, қишлоқ хўжалигини, давлат ёки коллектив асосга кўчириш учун зарур бўлган фонд ҳали бизда йўқ, деган эди. Бу фондлар энди бизда бўлади, ва улар вақти блан кўпайиши лозим, деб ўйлайман. Лекин аҳвол шундайки, тарқоқ деҳқон хўжаликларини бирлаштирмасдан туриб, уларни ерни жамоат бўлиб ишлаш асосига кўчирмасдан туриб, қишлоқ хўжалигини интенсификациялашни ҳам, уни машиналаштиришни ҳам олдинга қараб жиддий силжитиш мумкин эмас, ишни қишлоқ хўжалигимиз ўзининг ривожланиш сур'ати жиҳатидан, масалан, Канада сингари капиталистик мамлакатларни қувиб етаоладиган қилиб уюштириш мумкин эмас.

Шу сабабдан вазифа қишлоқдаги ходимларимизнинг диққатини мана шу муҳим масалага тортишдан иборат.

Мен ўйлайманки, ер ишлари халқ комиссарликлари ва қишлоқ хўжалик кооперацияси органлари қошидаги прокат пунктлари бу ишда жуда катта роль ўйнашлари лозим.

Мен совхозларнинг деҳқонларнинг ерни коллектив бўлиб ишлашга кўчишига, деҳқонлар учун жуда фойдали бўлган бу ишга кўчишига ба'зан ёрдам беришини кўрсатадиган бир мисол келтираман. Мен бу ерда Украина совхозлари Бирлашмасининг Одесса

районидаги деҳқонларга трактор блан ёрдам берганини кўзда тутаман. Бу деҳқонлар, яқинда «Известия» газетасига хат ёзиб, шу ёрдам учун ташаккур билдирдилар. Шу хатни ўқиб беришга ижозат этингиз. (О в о з л а р: «Сўраймиз!».)

«Биз Шевченко, Красин, Калинин номли, «Червона зирка» ва «Восходящее солнце» деган хуторларга келиб жойлашган деҳқонлар бизнинг хўжалигимизни тиклашда кўрсатган катта ёрдами учун Совет ҳокимиятига чуқур ташаккур билдирамиз. Бизнинг кўпимиз от-уловсиз, қурол-асбобсиз камбағаллар бўлганимиз учун ўзимизга берилган ерларни ишлай олмасдан, **ўша ерли қулоқларга унумнинг бир бўлаги баравариға ижарага қўйишга мажбур эдик.** Ҳосил ҳам кам бўлар эди, чунки ижарачи бошқанинг ерини яхшилаб ишламайди, албатта. Давлатнинг бизга берган оз-моз қарзини еб қўйиб, биз йилдан-йилга камбағаллашиб кетган эдик.

Бу йил бизга Украина совхозлари Бирлашмасининг вакили келиб, пул кредити ўрнига ерларимизни тракторлар блан ҳайдаб беришни таклиф қилди, кўчиб келган деҳқонларнинг барчаси (ба'зибир қулоқлардан бошқа), гарчи ишнинг яхши бўлишига кўп ҳам ишонмаган бўлсалар-да, бунга рози бўлдилар. Бизни жуда хурсанд қилиб, қулоқларни хафа қилиб, тракторлар ҳамма қўриқ ва шудгор ерларни ҳайдадилар, 5—6 мартаба қайта-қайта ҳайдаб бердилар ва ёввойи ўтлардан тозалаш учун молаладилар ва, ниҳоят, ҳамма ерларимизга яхши нав'ли буғдой сепилди. Ҳозир энди қулоқлар трактор отрядининг ишидан кулмайдиган бўлиб қолдилар. Бу йил бизнинг районимизда ёмғирлар бўлмагани учун деҳқонлар кузги экинларни қарийб экмадилар, кузги экинлар экилган ерларда ҳам ҳали ҳечнима чиққани йўқ. **Бизнинг кўчиб борган далаларимиздаги шудгор қилинган ерларда юзларча десатина жойдаги буғдойлар кўмкўк бўлиб ўсиб турибди, энг бой немис колонияларида ҳам бундай ўсиб турган буғдой йўқ.**

Тракторлар кузги буғдойни экиб бергандан кейин, яна баҳори экинлар учун ерларни ҳайдаб қўйдилар. **Ҳозирда бизда ҳайдалмаган ёхуд ижарага берилган бир десатина ҳам ер йўқ. Бизда энди бирнеча десатина кузги буғдойи бўлмаган камбағал ҳам қолмади.**

Тракторларнинг бундай ишини кўрганимиздан кейин биз майда камбағал хўжалик бўлиб туришни ташлаб, **тракторлар ишлатадиган умумлашган хўжалик тузишга қарор қилдик, бунда бир парча ерга экин экадиган айрим деҳқон хўжаликлари бўлмайди.** Биз учун трактор хўжалиги тузиб беришни Тарас Шевченко номидаги совхоз ўз устига олди. Унинг блан биз шартнома ҳам туздик» («Известия», 267-нчи сон, 1927 йил, 22 ноябрь).

Деҳқонлар ана шундай деб ёзадилар.

Мана шундай намуналар кўпроқ бўлса, ўртоқлар, қишлоқни коллективлаш ишини анча илгари суриб юборар эдик.

Партиянинг вазифаси: мол сотиш ва мол блан та'мин қилиш юзасидан деҳқон хўжаликларини кооперация ва давлат органларига жалб қилиш ишларини кенгайтириш ва бизнинг қишлоқдаги қурилиш ишларимизда галдаги амалий вазифа қилиб тарқоқ деҳқон хўжаликларини секин-аста бирлашган, йирик хўжаликлар изига кўчириш, деҳқончилик ишларини интенсификациялаш ва машиналаштириш асосида ерни жамоат бўлиб, коллектив бўлиб ишлашга кўчишни амалга оширишдан иборатдир, ривожланишнинг бундай йўли эса қишлоқ хўжалигининг ривожланиш сур'атини тезлатиш ва қишлоқда капиталистик элементларни енгиш учун муҳим воситадир.

Хўжалик қурилишимиз соҳасидаги якунлар ва ютуқлар умуман шулардан иборат.

Бундан, бизда бу соҳада ҳамма иш кўнгилдагидек деган натижа чиқариб бўлмайди. Йўқ, ўртоқлар, бизда ҳали кўп нуқсонлар бор.

Бизда, масалан, товар қаҳатчилиги ҳоллари бор. Бу — хўжалигимиздаги нуқсондир. Броқ, афсуски, ҳозирча бу нуқсоннинг бўлиши муқаррар бир нарсадир. Чунки бизнинг енгил саноатдан кўра ишлабчиқариш қуроллари ва воситалари ишлабчиқарадиган саноатни тезроқ сур'ат блан ривожлантиришимиз,— бу фактнинг ўзи бирнеча йилларгача ҳали товар қаҳатчилиги элементларининг давом этишига сабаб бўлади. Агар биз мамлакатимизни индустриялаш ишини бутун чоралар блан илгари суришни истар эканмиз, бундан бошқа иложимиз йўқ.

Шундай одамлар борки, масалан, биздаги оппозиция, улар ўз идеологиялари учун спекулянтликдан келиб чиққан очередларни материал қилиб оладилар, товар қаҳатчилиги тўғрисида бақирадилар-у, лекин шу блан бирга «ўта индустриялашни» ҳам талаб қиладилар. Ўртоқлар, бу, албатта, аҳмоқона гап. Фақат нодон кишиларгина шундай деб гапираолади. Биз енгил саноатни бутун чоралар блан ривожлантирамиз деб оғир индустрия ривожини сусайтираолмаймиз ва сусайтирмаслигимиз лозим. Оғир индустрияни жуда тезлик блан ривожлантирмасдан туриб, енгил саноатнинг ўзини ҳам етарли даражада ривожлантириш мумкин эмас.

Бир вақтда оппозиция қаттиқ талаб қилганидек, тайёр товарларни четдан кўплаб келтириш ва шундай қилиб товар қаҳатчилигини енгиллаштириш мумкин эди. Аммо бу шундай аҳмоқликдирки, оппозиция бундан воз кечишга мажбур бўлди. Бизда товар қаҳатчилиги ҳолларини енгиллаштириш иши қай даражада усталик блан олиб борилаётганлиги бошқа масала, бизнинг шароитимизда товар қаҳатчилигини енгил-

лаштириш жуда мумкин ва буни партия ҳамавақт талаб қилиб келди. Худди мана шу соҳада бизнинг кўп ишларимиз кўнгилдагидек эмас, деб ўйлайман.

Яна, биз шундай фактга эгамизки, саноат соҳасида ҳам, савдо ишлари соҳасида ҳам капиталистларнинг сони унча оз эмас. Ба'зи ўртоқларнинг ба'зан ўйлаганларидек, бизда бу элементларнинг салмоғи унча кичик эмас. Хўжалигимизнинг балансида бу ҳам нуқсондир.

Мен яқинда Лариннинг ҳар жиҳатдан жуда қизиқтирадиган «СССРда хусусий капитал» деган китобини ўқидим. Мен ўртоқларга бу китобни ўқиб чиқишни тавсия этаман. Бу китобдан сиз капиталистларнинг ҳунармандчилик кооперацияси, қишлоқ хўжалик кооперацияси ва бошқа давлат савдо органлари байроғи остида жуда усталик блан яшириниб иш кўраётганликларини биласиз. Халқ хўжалиги доирасида капиталистик элементларни чеклаш, қисқартиш ва, ниҳоят, ундан сиқиб чиқариш учун тегишли чораларнинг ҳаммаси кўрилаётирми? Менимча, ҳамма чоралар кўрилаётгани йўқ. Чунончи, менга ма'лумдирки, умуман кустарь саноатида, жумладан тери ва тўқимачилик саноатида майда ҳунармандларни ва умуман майда ишлабчиқаручиларни асоратга солаётган анчагина янги миллионерлар бор. Ҳунармандларни кооперация ёки давлат органлари блан боғлаб туриб, мана шу эксплуататор элементларни иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўйиш ва сиқиб чиқариш учун зарур чораларнинг ҳаммаси кўрилаётирми? Бу соҳада зарур ҳамма чоралар кўрилмаётганлигига шубҳа қилишнинг ҳожати бўлмаса керак. Ҳолбуки, бу масала биз учун жиддий аҳамиятга эгадир.

Яна, биз қишлоқда қулоқларнинг ма'лум даражада кучайганини кўрамиз. Бизнинг хўжалигимиз балансида бу ҳам бир камчиликдир. Қулоқларни иқтисодий жиҳатдан чеклаш ва яккалаб қўйиш учун зарур чораларнинг ҳаммаси кўрилаётирми? Мен, бу чораларнинг ҳаммаси кўрилаётгани йўқ, деб ўйлайман. Қулоқларни ма'мурий йўл блан ГПУ орқали битириш мумкин ва зарур деб ўйлаган ўртоқлар, печать босилди, бас, деб айтучилар ҳақли эмаслар. Бу — енгил йўл, лекин бу йўл унча ҳақиқий йўл эмас. Қулоқларни иқтисодий чоралар йўли блан ва совет қонунлари асосида енгиш керак. Совет қонунчилиги эса қуруқ гап эмас. Бундан, албатта, қулоқларга қарши бутунлай ма'мурий чора кўриш керак эмас экан-да, деган натижани чиқариб бўлмайди. Броқ, ма'мурий чоралар иқтисодий чораларнинг ўрнини олмасликлари лозим. Партиямизнинг қулоқларга қарши кураш соҳасида тутган йўлини бизнинг кооператив органларимизнинг ишларида, айниқса, қишлоқ хўжалик кредити ишларида бузишга йўл қўймасликка жиддий аҳамият бериш керак.

Яна биз саноатда таннархини камайтиришнинг, саноат товарлари чиқариш нархларининг ва, айниқса, шаҳар товарлари чакана нархларининг жуда секин сур'ат блан пасайганини кўриб турибмиз. Бу ҳам хўжалик қурилишимиз балансида нуқсондир. Бунда шуни кўрсатмасдан ўтиб бўлмайдики, бу ишда ҳам давлат, ҳам кооператив, ҳам партия аппаратлари зўр қаршилик кўрсатадилар. Ўртоқларимиз саноат товарларининг нархларини пасайтириш сиёсатининг саноатимизни яхшилаш, бозорни кенгайтириш ва индустриямизнинг кенг тараққий этиб кетиши учун база

бўладиган асосий манба'ни кучайтиришда асосий воситалардан бири эканлигини тушунмайдилар шекилли. Аппаратнинг бу ташаббуссизлигига қарши қаттиқ кураш олиб бориш йўли блангина, нархларни пасайтириш сиёсатини ўтказишда аппаратнинг қаршилик кўрсатишига қарши қат'ий кураш олиб бориш йўли блангина биз бу камчиликни йўқотаолишимизга шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Ниҳоят, бюджетда арақнинг ўрин тутиши, ташқи савдонинг жуда секин сур'ат блан ўсиши ва резервларнинг етарли бўлмаслиги сингари камчиликлар бор. Мен ўйлайманки, арақ ишлабчиқаришни секин-аста камайтириш ва унинг ўрнига даромад манбаи равишида радио ва кинодан фойдаланабошлаш керак. Чиндан ҳам, нима учун бу муҳим воситаларни қўлга олиб, серғайрат чин большевикларни бу ишга бош қилиб қўймаймиз, шундай қиладиган бўлсак, улар бу ишни муваффақиятли суратда илгари суриб, ниҳоят, арақ ишлабчиқаришни камайтиришга имкон берар эдилар.

Ташқи савдо ишларига келганда, менинг фикримча, хўжалигимиз соҳасида бўлган бирмунча қийинчиликлар экспортнинг етарли даражада бўлмаслиги натижасидир. Экспорт ишини ривож олдириб юбораоламизми? Ривож олдириб юбораоламиз, деб ўйлайман. Экспорт ишини жуда кучайтириб юбориш учун ҳамма чоралар кўрилаётирми? Ҳамма чоралар кўрилаётгани йўқ, деб ўйлайман.

Резервлар тўғрисида ҳам шуни айтиш керак. Бизда, ба'зан енгилтаклик қилиб, ба'зан эса иш блан ошна бўлмаганликлари сабабли резервлар йўқ, деган ўртоқлар янглишадилар. Йўқ, ўртоқлар, бизда

унча-мунча резервлар бор. Давлатимизнинг барча органлари, уезд, губерна органларидан тортиб то область ва марказий органларгача, ба'зи нарсаларни оғир кунларда яраб қолар, деб эҳтиёт қилиб сақлаб қўйишга ҳаракат қиладилар. Броқ, бу резервлар оз. Буни э'тироф қилиш керак. Шу сабабли бизнинг олдимизда резервларни мумкин қадар, ҳатто ба'зибир кундалик эҳтиёжларни қисқартиш ҳисобига бўлса ҳам, кўпайтириш вазифаси туради.

Ўртоқлар, хўжалик қурилишимиздаги нуқсонли томонлар шулардан иборат. Янада тез сур'ат блан олдинга қараб ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлиш учун хўжалик қурилишимизнинг бу нуқсонли томонларига э'тибор бериб, уларни ҳарқандай қилиб бўлса ҳам тугатиш керак.

4. Синфлар, давлат аппарати, мамлакатнинг маданий жиҳатдан ўсиши

Мамлакатимизнинг хўжалик аҳволи тўғрисидаги масалалардан сиёсий аҳволга оид масалаларга кўчамиз.

а) **Ишчилар синфи.** Ишчилар синфининг ва умуман ёлланиб ишловчи кишиларнинг миқдор жиҳатдан ўсишини кўрсатадиган рақамлар. Ёлланиб ишловчилар (ишсизлардан бошқа) 1924/25 йилда 8 215 минг эди, 1926/27 йилда — 10 346 минг бўлди. Ўсиш 25 процент. Булардан жисмоний меҳнат блан шуғулланучи ишчилар, қишлоқ хўжалигидаги ишчиларни ва мавсумий ишчиларни қўшиб ҳисоблаганда, 1924/25 йилда 5 448 минг эди, 1926/27 йилда 7 060 минг бўлди. Ўсиш 29,6 процент. Булардан йирик саноатда ишловчи ишчилар

1924/25 йилда 1 794 минг эди, 1926/27 йилда 2 388 минг бўлди. Ўсиш 33 процент.

Ишчилар синфининг моддий аҳволи. Ёлланиб ишловчиларнинг миллий даромаддаги ҳиссаси 1924/25 йилда 24,1 процент эди, 1926/27 йилда у 29,4 процентгача кўпайди, бу — ёлланиб ишловчиларнинг урушдан бурунги миллий даромаддаги ҳиссаларидан 30 процент кўпроқдир, ҳолбуки миллий даромадда бошқа социал группаларнинг, шу жумладан буржуазиянинг ҳиссаси шу давр ичида камайди (чунончи, буржуазиянинг ҳиссаси 5,5 процентдан 4,8 процентга тушди). Бутун давлат саноатидаги ишчиларнинг бир ойлик реал иш ҳақи, қўшимчаларини мустасно қилганда, Москва шартли сўмлари ҳисоби блан 1924/25 йилда ойига 25,18 сўм эди, 1926/27 йилда — 32,14 сўм бўлди. Демак, икки йил ичида 27,6 процент ошди ва урушдан бурунги даражадан 5,4 процент кўтарилди. Қўшимчалар блан бирга (социал страхование, маданий эҳтиёжлар, коммунал ишлар ва бошқалар учун бериладиган маблағлар блан бирга) ҳисоблаганда иш ҳақи урушдан бурунгига нисбатан 1924/25 йилда 101,5 процент, 1926/27 йилда — 128,4 процент бўлди. Социал страхование фондлари 1924/25 йилдаги 461 миллион сўмдан 1926/27 йилда 852 миллион сўмгача ўсди, я'ни 85 процент ўсди. Бу нарса дам олиш уйлари ва санаторияларда 513 минг кишини дам олдиришга, 460 минг ишсизни ва 700 минг нафақа олучиларни (меҳнат инвалидларини ва граждан уруши инвалидларини) пул блан та'минлашга ва ишчиларга касал бўлиб ётган вақти учун тўла иш ҳақи тўлашга имкон берди.

Ишчилар учун уй-жой қуришга бундан икки йил бурун, 1924/25 йилда 132 миллион сўмдан сал ортиқроқ

чиқим қилинган эди, 1925/26 йилда — 230 миллион сўмдан ортиқроқ, 1926/27 йилда — 282 миллион сўм сарф қилинди, 1927/28 йилда бу чиқимлар 391 миллион сўмдан ортиқроқ суммани ташкил қилади, Марказий Ижроия Комитетининг Манифести блан бунга ажратилган 50 миллион сўм ҳам бу ҳисобга киради. Ўтган уч йил ичида жам'и бўлиб хусусий уй-жойлар учун қилинган чиқимларни мустасно қилганда, ишчиларга уй-жой қуриш учун саноат, транспорт, ижрокомлар ва кооперация бўйича 644,7 миллион сўм сарф қилинди, агар бунга 1927/28 йил учун белгиланган маблағларни ҳам қўшсак — 1 036 миллион сўм бўлади. Бу маблағлар уч йил мобайнида 4 594 минг квадрат метр сатҳида уйлар солишга, 257 минг ишчини, оилалари блан бирга ҳисоблаганда, 900 мингга яқин кишини уй-жой блан та'мин қилишга имкон берди.

Ишсизлик масаласи. Шуни айтишим керакки, бунда ВЦСПС блан Меҳнат халқ комиссарлигининг бир-биридан ўзгача икки хил ма'лумоти бор. Мен бунда Меҳнат халқ комиссарлигининг рақамларини оламан, чунки бу рақамлар меҳнат биржалари блан боғланган ҳақиқий ишсиз элементларни ўз ичига олади. Меҳнат халқ комиссарлигининг ма'лумоти бўйича, ишсизларнинг сони икки йил ичида 950 мингдан 1 048 мингга етган. Буларнинг 16,5 процентини саноат ишчилари, 74 процентини интеллигент меҳнати ходимлари ва малакасиз ишчилар ташкил қилади. Шундай қилиб, бизда ишсизликнинг асосий манбаи қишлоқда аҳоли ортиқчалигидадир; саноатимизнинг ма'лум минимал миқдор индустриал ишчилар блан бирқадар та'минланмаганлиги эса ишсизликнинг фақат ёрдамчи манбаидир.

Хулоса: умуман ишчилар синфининг моддий аҳволи шубҳасиз яхшиланди.

Партиянинг вазифаси: ишчилар синфининг моддий ва маданий аҳволини янада яхшилаш, ишчилар синфининг иш ҳақини борган сари кўтариш соҳасида тутган йўлини давом этдиришдир.

б) **Деҳқонлар.** Деҳқонларнинг табақаланиши масаласига доир рақамларни келтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман, чунки менинг докладим бусиз ҳам чўзилиб кетди, бу рақамлар эса ҳаммага ма'лум. Шубҳасизки, пролетар диктатураси шароитидаги табақаланишни капиталистик тартиб ҳукм сурган жойлардаги табақаланиш блан бирхил дейиш мумкин эмас. Капитализм даврида икки қутб: камбағаллар блан қулоқлар ўсади, ўрта деҳқонлар эса йўқолаборади. Бизда, аксинча, камбағалларнинг бир қисми ўртаҳоллар қаторига ўтиб, ўрта деҳқонлар кўпаяди, қулоқ ўсади, камбағаллар бўлса камаяди. Бу факт бизда ўрта деҳқоннинг деҳқончиликда марказий ўринни олганлигини ва ҳозирда ҳам шундай эканлигини кўрсатади. Камбағал деҳқонларга суянган ҳолда ўрта деҳқон блан блок тузиш — бутун қурилишимизнинг тақдири учун, пролетариат диктатураси учун ҳал қилучи аҳамиятга эгадир.

Қишлоқда моддий аҳволнинг ҳартомонлама яхшиланиши. Қўлимизда деҳқон аҳолиси даромадларининг ўсганини кўрсатадиган рақамлар бор. Деҳқон аҳолисининг даромадлари бундан икки йил бурун, 1924/25 йилда — 3 548 миллион сўм эди, 1926/27 йилда бу даромадлар 4 792 миллион сўмгача, я'ни 35,1 процент ўсди, ҳолбуки худди шу давр ичида деҳқон аҳолисининг ўзи фақат 2,38 процент ўсди. Бу нарса, қишлоқда

моддий аҳволнинг шубҳасиз яхшиланаётганлигини кўрсатади.

Бундан, мамлакатнинг барча районларида ҳам деҳқонларнинг моддий аҳволи яхшиланди, деган натижа чиқмайди. Ма'лумки, шу икки йил ичида ба'зи жойларда ҳосил «ола-була» бўлди, 1924 йилдаги қурғоқчиликнинг оқибатлари кўп жойларда ҳали ҳам тугатилган эмас. Шу сабабли давлат умуман меҳнаткаш деҳқонларга ва айниқса камбағал деҳқонларга ёрдам берди. Давлат томонидан меҳнаткаш деҳқонларга 1925/26 йилда — 373 миллион сўм, 1926/27 йилда — 427 миллион сўм ёрдам берилди. 1925/26 йилда қишлоқ камбағалларига қуйидаги миқдорда махсус ёрдам берилди: энг камбағал деҳқонларга берилган ёрдам — 38 миллион сўм, камбағал хўжаликларга солиқ юзасидан берилган енгилликлар — 44 миллион сўм, камбағал деҳқонларга берилган страхование енгилликлари — 9 миллион сўм, ҳаммаси бўлиб 91 миллион сўм ёрдам берилди. Қишлоқ камбағалларига 1926/27 йилда берилган махсус ёрдам қуйидагича бўлди: энг камбағал деҳқонларга берилган ёрдам — 39 миллион сўм, камбағал хўжаликларга солиқ юзасидан берилган енгилликлар — 52 миллион сўм, камбағал деҳқонларга берилган страхование енгилликлари — 9 миллион сўм, ҳаммаси бўлиб 100 миллион сўмга яқин ёрдам берилди.

Хулоса: асосий деҳқон оммасининг моддий аҳволи яхшиланди.

Партиянинг вазифаси: асосий деҳқон оммасининг ва энг биринчи навбатда камбағал деҳқонларнинг моддий ва маданий аҳволини борган сари яхшилаш соҳасида тутган йўлини давом этдириш, ишчилар син-

фи блан деҳқонлар ўртасидаги иттифоқни мустаҳкамлаш, қишлоқда ишчилар синфининг ва унинг партиясининг обрўсини кўтаришдир.

в) **Янги буржуазия. Интеллигенция.** Янги буржуазиянинг характерли хусусияти шундан иборатки, ишчилар синфи ва деҳқонлар Совет ҳокимиятидан рози бўлганлари ҳолда янги буржуазиянинг Совет ҳокимиятидан рози бўлишга асоси йўқ. Унинг норозилиги тасодифий бир нарса эмас. Бу норозиликнинг турмушда илдизи бор.

Мен юқорида халқ хўжалигимизнинг ўсганлиги тўғрисида гапирган эдим, саноатимизнинг ўсганлиги, халқ хўжалигидаги социалистик элементларнинг ўсганлиги, хусусий савдогар салмоғининг пасайганлиги, майда савдогарларнинг сиқиб чиқарилгани тўғрисида гапирган эдим. Хўш, бунинг ма'носи нима? Бунинг ма'носи шуки, саноатимиз ва савдо органларимиз ўсаётгани сари ўн мингларча майда ва ўрта даражадаги капиталистлар хонавайрон бўлмоқда. Ўтган йиллар ичида қанча майда ва ўртача дўконлар ёпилди? Мингларча. Майда саноатчиларнинг қанчаси пролетарлашди? Мингларчаси. Давлат аппаратимизда штатлар қисқартирилганда, қанча хизматчи элементлар ишдан бўшатилди? Юзларча ва мингларча.

Саноатимизнинг юксалиши, савдо ва кооперация органларимизнинг юксалиши, давлат аппаратимизнинг яхшиланиши — ишчилар синфининг, деҳқонлар асосий оммасининг фойдасига бўлган юксалиш ва яхшиланишдир, лекин янги буржуазиянинг, умуман ўрта табақаларнинг ва айниқса шаҳардаги ўрта табақаларнинг зарарига бўлган юксалиш ва яхшиланишдир. Шундай бўлгандан кейин бу табақалар ўртасида

Совет ҳокимиятидан норозиликнинг ўсишига ажабланиб бўладими? Бу табақа орасидаги контрреволюцион кайфият ҳам шундандир. Янги буржуазиянинг сиёсат бозоридаги бозори чаққон товари бўлмиш сменовеховчилик идеологияси ҳам шундандир.

Лекин, барча хизматчи элементлар, барча интеллигенция норозилик кайфиятига мубтало, улар Совет ҳокимиятидан нолиб, унга қаршилар, деб ўйласак янглишган бўламиз. Янги буржуазия ичида ўсаётган норозилик блан бир қаторда биз интеллигентларнинг табақаланиши фактини, сменовеховчиликдан йироқлашиш фактини, юзларча ва мингларча меҳнаткаш интеллигентларнинг Совет ҳокимияти томонига ўтаётганини кўрамиз. Ўртоқлар, бу шубҳасиз, ижобий бир фактдир, бу фактни албатта кўрсатиб ўтишимиз керак.

Бу ижобий ишни бошлаб берганлар техник интеллигенциядир, чунки улар ишлабчиқариш процессига яқин бўлганликларидан, большевикларнинг мамлакатимизни олға тараққий қилдираётганликларини, яхши ҳаётга олиб бораётганликларини сезмай қолаолмайдилар. Волховстрой, Днепрострой, Свирьстрой, Туркистон темир йўли, Волга-Дон ва бирқанча янги гигант заводларнинг қурилиш тарихи техник интеллигенция орасидаги бирқанча табақаларнинг тақдири блан боғланган ва шубҳасиз бу янги гигант заводлар бу табақаларга ма'лум даражада яхши та'сир ўтказмай қолмайди. Бу, улар учун бир бурда нон масаласигина эмас. Бу, шу блан бирга, шараф ишидир, ижодий ишдир ва бу иш уларни ишчилар синфига, Совет ҳокимиятига яқинлаштириши табиий.

Мен қишлоқдаги меҳнаткаш интеллигентлар, айниқса қишлоқ ўқитучиси тўғрисида сўзлаб ҳам ўтир-

майман, қишлоқ ўқитувчиси аллақачон Совет ҳокимияти томонига ўтган ва қишлоқда мактаб ишларининг ривожланишини албатта қутламай қололмайди.

Шу сабабдан, интеллигенциянинг ба'зи табақалари орасида норозилик ўсаётганлиги кўринса-да, шу блан бир қаторда биз меҳнаткаш интеллигентлар блан ишчилар синфининг ҳамжиҳат бўлаётганлиги фактини кўриб турибмиз.

Партиянинг вазифаси — янги буржуазияни яккалаб қўйиш соҳасида тутган йўлини давом этдириш ва ишчилар синфи блан шаҳар ва қишлоқдаги меҳнаткаш совет интеллигенциясининг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашдир.

г) **Давлат аппарати ва бюрократизмга қарши кураш.** Бюрократизм ҳақида шунча кўп гапирилган, шунинг учун бу тўғрида кўп сўзлаб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Бюрократизм элементлари бизда, давлат аппаратида ҳам, кооперация аппаратида ҳам, партия аппаратида ҳам бор, бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас. Бюрократизм элементлари блан курашиш зарур, ва бу вазифа, бизда давлат ҳокимияти мавжуд экан, давлат сақланиб қолар экан, бизнинг олдимизда кўндаланг бўлиб туради, бу ҳам факт.

Лекин ҳарбир ишнинг мароми бор. Давлат аппаратидаги бюрократизмга қарши курашаман деб, бу ишни давлат аппаратининг ўзини тугатиш даражасигача, давлат аппаратининг э'тиборини туширишгача, уни синдиришга интилишгача олиб бориш — ленинизмга қарши боришдир, давлат аппаратимизнинг дун'ёдаги давлат аппаратларига нисбатан энг олий типдаги давлат аппарати бўлганлигини, давлат аппаратимизнинг совет аппарати эканини эслан чиқаришдир.

Биздаги давлат аппаратининг кучи нимада? Шундаки, у ҳокимиятни Советлар орқали миллионларча ишчи ва деҳқонлар блан боғлайди. Шундаки, Советлар ўн ва юз мингларча ишчи ва деҳқонлар учун идора мактабидир. Шундаки, давлат аппарати ўзини миллионларча халқ оммасидан четга олмайди, балки у, Советлар атрофида уюшган ва шундай қилиб ҳокимият органларини қўллаб-қувватлайдиган сон-саноқсиз оммавий ташкилотлар, ҳархил комиссиялар, секциялар, кенгашлар, делегат йиғинлари ва бошқалар орқали миллионларча халқ оммаси блан биргаликда ишлайди.

Давлат аппаратимизнинг бўш томони нимада? Давлат аппаратимизда унинг ишини чалкаштирадиган, бузадиган, бюрократик элементларнинг борлигидадир. Давлат аппаратидан бюрократизмни ҳайдаб чиқариш учун,— уни бир-икки йил ичида ҳайдаб чиқариш мумкин эмас,— давлат аппаратини доимо яхшилаб бориш, уни оммага яқинлаштириш, уни янги, ишчилар синфининг ишига содиқ кишилар блан янгилаш, уни коммунизм руҳида қайта қуриш керак, лекин уни бузиш, обрўсини тушириш ярамайди. Ленин: **««Аппарат» бўлмаса, биз аллақачон ҳалок бўлар эдик. Аппаратни яхшилаш йўлида доимо ва қаттиқ туриб курашмасак, социализмнинг базасини яратмасданоқ ҳалок бўламиз»**[81] деганида минг марта ҳақли эди.

Бизнинг давлат аппаратимизда бундай ҳам ўзўзидан яққол кўриниб турадиган бирқанча камчиликлар борки, мен буларга узоқ тўхталиб ўтирмайман. Бунда, мен, энг олдин, «машҳур сансалорлик»ни назарда тутаман. Менинг қўлимда бирқанча суд, ма'мурий, страхование, кооперация ва бошқа ташкилотларда сансалорлик орқасида ишга жиноятқорона совуққон-

лик блан қаралганлигини кўрсатадиган бирталай материаллар бор.

Бир деҳқон ҳақиқатга етишаман деб, страхование идорасига 21 мартаба қатнаган, лекин ҳечнарса чиқараолмаган.

Иккинчи бир деҳқон, 66 яшар чол, уезд социал та'минот идорасидан бир ишни очиқ-ойдин қилиб олиш учун 600 чақирим жойни пиёда босган, лекин ҳечбир нарса чиқараолмаган.

Яна бир 56 яшар кампир, халқ судининг чақириши блан 500 чақиримча жойни пиёда ва 600 чақиримча йўлни отда босган, аммо шундай бўлса ҳам ҳақиқатга етишаолмаган.

Бундай фактлар жуда кўп. Уларнинг ҳаммасини келтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Лекин, бу биз учун номус-ку, ўртоқлар! Бундай ярамас ҳолларга қандай чидаб бўлади?

Ниҳоят, «пастга туширилганлар» тўғрисидаги фактлар. Қарангки, ишчилар орасидан пастдан юқорига кўтарилганлар блан бирга яна тағин «пастга тушириб қўйилганлар», ишини уддалай олмаганликлари ва қобилиятсиз бўлганликлари учун эмас, балки виждон блан ҳалол ишлаганликлари учун ўз ўртоқлари томонидан четга сурилиб қўйилганлар ҳам бор экан.

Мана, масалан, инструментчи-слесарь бир ишчи, исте'додли ва садоқатли бир киши бўлгани учун уни заводда пастдан юқори қилиб, ма'лум бир ўринга кўтаргаплар. У бир йил, икки йил ишлайди, ишлаганда ҳам жуда берилиб, виждонан ишлайди, тартиб ўрнатади, хўжасизликни ва исрофгарчиликни йўқотади. Лекин, у, шундай ишлаб, «коммунистлар»дан иноқ бир тўданинг манфаатига тегади, уларнинг тинчлигини

бузади. Натижада нима бўлади? «Коммунистлар»дан иборат ўша иноқ тўда унинг ишига тўсқинлик қилади ва, шундай қилиб, уни «пастга тушишга» мажбур қиладилар. «Биздан ақллироқ бўлмоқчи бўлдинг, бизга кун бермайсан, тинчгина бойиб олишга қўймайсан — четга чиқ, биродар» дейдилар.

Яна бир ишчини мисолга олайлик: у ҳам инструментчи-слесарь, темир кесадиган станок устаси, заводда пастдан юқори қилиб ма'лум ўрингa кўтарилган. Жон-дил блан виждонан ишлайди. Лекин у бундай ишлаш блан ба'зибировларнинг тинчлигини бузади. Натижада нима бўлди? Бир баҳона топиб, бу «нотинч» ўртоқдан ҳам қутилдилар. Бу пастдан юқорига кўтарилган ўртоқ қандай туйғу блан ишдан кетди? Унинг ишини ташлаб кетгандаги туйғуси мана бундай бўлган: «мени қаерга тайинламасинлар, менга кўрсатилган ишончни оқлашга тиришдим. Лекин мени бу хилда расво ва шарманда қилган бу пастдан юқорига кўтаришни мен ҳечвақтда эсимдан чиқармасман. Мени қопқора қилиб қўйдилар. Мен ўзимни покиза ва соф эканлигимни исбот қилишни истадим, лекин менинг истагимни эшитучилар бўлмади. Завод комитети ҳам, завод идораси ҳам, ячейка ҳам менинг сўзларимга қулоқ солгулари келмади. Менинг энди пастдан юқорига кўтарилиш истагим қолмади, ҳафсалам пир бўлди, бундан кейин устимдан олтин сочсалар ҳам, мен ҳечқаёққа бормайман» («Труд»[82] газетасининг 1927 йил 9 июньда чиққан 128-нчи сони).

Бу биз учун номус-ку, ахир, ўртоқлар! Қандай қилиб, бу ярамас ҳолларга чидаб бўлади?

Партиянинг вазифаси — бюрократизмга қарши ва давлат аппаратини яхшилаш учун курашиб, бизнинг

ишимизда учраб турадиган ва мен ҳозир сизга айтиб ўтган ярамас ҳолларни таги-туги блан йўқ қилиб юборишдир.

д) **Маданий революция ҳақидаги Ленин шиори тўғрисида.** Бюрократизмга қарши курашнинг энг яхши нораси ишчи ва деҳқонларнинг маданий савиясини кўтаришдир. Давлат аппаратидаги бюрократизмни қанча сўккан ва ёмонлаган блан, ишимизда учрайдиган бюрократизмни қанча бадном ва шармандаю шармисор қилган блан, агар кенг ишчилар оммасида, давлат аппаратини пастдан туриб, ишчилар оммасининг ўз кучи блан контроль қилишга имкон, хоҳиш ва маҳорат вужудга келтирадиган ма'лум маданий ўсиш бўлмаса, бюрократизм барибир давом этаберади. Шунинг учун ишчилар синфининг ва меҳнаткаш деҳқонлар оммасининг маданий жиҳатдан ўсиши давлат аппаратини ва бошқа ҳарқандай аппаратни яхшилашнинг асосий дастагидир, бунда, гарчи саводли бўлиш ҳарқандай маданийликнинг асоси бўлса ҳам, фақат саводли бўлишнинг бир ўзининггина кучайиши назарда тутилмайди, балки даставвал, ишчилар синфининг мамлакатни идора қилиш ишларида малака ҳосил қилиш ва бу ишга киришишни ўрганиши назарда тутилади. Маданий революция тўғрисидаги Ленин шиорининг ма'носи ва аҳамияти мана шунда.

Ленин 1922 йилнинг март ойида партиямизнинг XI с'езди очилиш олдидан Марказий Комитетга, ўртоқ Молотов номига ёзган хатида, бу ҳақда мана бундай деган эди:

«Бизнинг энг муҳим нуқсонимиз — маданиятлиликнинг, идора қилабилишнинг етишмаслигидир... **НЭП** социалистик экономика пойдеворини қуриш учун бизга иқтисодий ва сиёсий

жиҳатдан тўла имкон беради*. Гап «фақат» пролетариат ва унинг авангардининг маданий кучларида қолган»[83].

Лениннинг бу сўзларини эсдан чиқариш ярамайди, ўртоқлар. (Овозлар: «Тўғри!».)

Бундан партия олдида турган вазифа: ишчилар синфининг ва меҳнаткаш деҳқон табақаларининг маданий савиясини кўтариш йўлидаги курашни кучайтиришдир.

Мамлакатимизнинг ички сиёсий аҳволи нуқтаи назаридан якун қандай?

Якун шундайки, **Совет ҳокимияти дунёдаги барча ҳокимиятлар ўртасида энг мустаҳкам ҳокимиятдир.** (Гулдурос қарсаклар.)

Совет ҳокимияти бутун ер юзидаги барча ҳокимиятлар ичида энг мустаҳкам ҳокимият экан, унга бу жиҳатдан ҳарбир буржуазия ҳукуматининг ҳаваси келса бўлар экан, лекин бундан, бу соҳада барча ишларимиз жойида, деган хулоса келиб чиқмайди. Йўқ, ўртоқлар, бу соҳада ҳам бизнинг камчиликларимиз бор, биз, большевиклар бўлганлигимиз учун бу камчиликларни бекитолмаймиз ва бекитмаслигимиз керак.

Биринчидан, бизда ишсизлик бор. Бу бизнинг жиддий камчилигимиздир, биз буни қандай бўлмасин тугатишимиз керак ёки, сра бўлмаганда, энг кам даражага олиб боришимиз зарурдир.

Иккинчидан, бизда ишчилар учун уй-жой қурилиши масаласида камчиликлар, уй-жой танглиги бор, биз

---

* Курсив меники. И. Ст.

буни ҳам тугатишимиз керак ёки, сра бўлмаганда, яқин йиллар ичида энг кам даражага олиб боришимиз зарурдир.

Бизда ўрта табақаларнинг ма'лум гуруҳлари ўртасидагина эмас, балки ишчиларнинг ма'лум қисми орасида ҳам ва ҳаттоки партиямизнинг ба'зи шохобчаларида ҳам антисемитизм бошланишининг ба'зи аломатлари бор. Ўртоқлар, бу офатга қарши марҳаматсиз кураш очиш зарур.

Бизда, яна динга қарши курашнинг заифланганлиги сингари камчилик бор.

Ниҳоят, маданийлик сўзини кенг ма'нодагина эмас, балки тор ма'нода, бошланғич савод ма'носида олганда ҳам бизда маданий жиҳатдан ғоят даражада орқада қолишлик бор, чунки СССРда саводсизлик проценти ҳали ҳам катта.

Ўртоқлар, агар биз олға қараб бирмунча тезроқ сур'ат блан тараққий этишни истасак, шу камчиликларни ва уларга ўхшаган барча бошқа камчиликларни тугатмоғимиз зарурдир.

Ўртоқлар, ҳисобот докладимнинг бу қисмини тамомлаш учун, ҳисоб берилаётган давр ичида янги вазифаларга тайинлашлардан энг характерлилари ҳақида бир-икки оғиз сўз айтишга рухсат этингиз. Мен СССР Халқ Комиссарлари Совети раисига янги тайинланган ўринбосарлар ҳақида сўзламайман. СССРнинг Халқ Хўжалиги Олий Совети (ВСНХ)га, Савдо халқ комиссарлигига ва ОГПУсига тайинланган халқ комиссарлари ҳақида ҳам сўзламайман. Мен, тайинлашларнинг намуна бўладиган учтаси ҳақида сўзламоқчиман. Ўзингизга ма'лумки, РСФСР Халқ Хўжалиги Олий Советининг раислигига Лобов тасдиқланди. У — металлист

ишчидир. Ўзингизга ма'лумки. Москва Советининг раислигига, Каменев ўрнига, металлист ишчи Уханов сайланди. Яна ўзингизга ма'лумки, Ленинград Совети раислигига ҳам, Зиновьев ўрнига, Комаров сайланди. У ҳам металлист ишчидир. Демак, бизда ҳар икки пойтахтда ҳам «лорд-мэрлар» бўлиб, металлист ишчилар ўтирипти. (Қ а р с а к л а р.) Дуруст, улар дворянлардан эмас, лекин пойтахт хўжалигини ҳарқандай дворянлардан яхшироқ идора қиладилар. (Қ а р с а к л а р.) Сиз, бу металлистлаштиришга интилишдир, дерсиз. Менимча, бунинг ҳечбир ёмон жойи йўқ. (О в о з л а р: «Аксинча, жуда яхши».)

Капиталистик мамлакатларга, Лондонга, Парижга ҳам шуни тилаймизки, улар ҳам бизни қувлаб етиб, ниҳоят, «лорд-мэр»ликка ўз металлистларини белгиласинлар. (Қ а р с а к л а р.)

III

ПАРТИЯ ВА ОППОЗИЦИЯ

1. Партиянинг аҳволи

Ўртоқлар, мен партиямизнинг сон жиҳатдан ва ғоявий жиҳатдан ўсганлиги ҳақида кўп сўзлаб ўтирмайман, рақамлар ҳам келтирмайман, чунки бу ҳақда сизга Косиор тафсилий равишда айтиб беради.

Шунингдек, партиямизнинг социал состави ва бу масалага доир рақамлар ҳақида ҳам сўзламайман, чунки бу тўғрида ҳам Косиор ўзининг ҳисобот докладида тўла ма'лумот беради.

Мен, партиямиз раҳбарлик фаолиятининг сиёсат соҳасида бўлсин, хўжалик соҳасида бўлсин, баланд даражага кўтарилаётгани, сифати яхшиланаётгани

ҳақида бир-икки сўз айтиб ўтмоқчиман. Ўртоқлар, бир вақтлар, бундан икки — уч йил бурун ўртоқларимиздан бир қисми, партия ташкилотлари мамлакатимизнинг хўжалик ишларини олиб боришнинг уддасидан чиқа олмайдилар ва шунинг учун бу ташкилотлар хўжалик ишларига бекорга аралашадилар, деб губерна комитетларимизга, область комитетларимизга, Марказий Комитетимизга та'на қилган эдилар, буларнинг тепасида Троцкий турган эди шекилли. (Кулги, овозлар: «Турган эди шекиллими?».) Ҳа, шундай вақт бўлган эди. Ҳозир партия ташкилотларига бундай та'на қилишга ҳечкимнинг тили бормаса керак. Губерна ва область комитетлари хўжалик ишларига раҳбарлик қилишни ўрганиб олдилар, партия ташкилотлари хўжалик қурилишининг думида судралиб бораётганлари йўқ, балки бошида турадилар,— бу шундай яққол кўриниб турган бир фактки, буни ёлғиз кўрлар ёхуд ақлдан озган кишиларгина инкор қилаоладилар. Бу с'ездда халқ хўжалиги қурилишининг бешйиллик плани ҳақида масала қўйилишининг ўзиёқ, шу фактнинг бир ўзиёқ, партиямизнинг маҳалларда ҳам, марказда ҳам халқ хўжалиги қурилишимизга план асосида раҳбарлик қилишда анча олдинга кетганлигини очиқ кўрсатади.

Ба'зибировлар, бу айтадиган жуда ҳам муҳим нарса эмас-ку, деб ўйлайдилар. Йўқ, ўртоқлар. Бу, алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва муҳим бир нарсадирки, уни албатта кўрсатиб ўтиш лозим. Ба'зан Америка, Германиядаги хўжалик органларини пеш қиладилар, гўёки улар ҳам халқ хўжалигига планли равишда раҳбарлик қилар эмишлар. Йўқ, ўртоқлар, у ерда ҳали бунга эришганлари йўқ ва у ерда

капиталистик тартиб давом қилар экан, бунга эришаолмайдилар. Планли тартибда раҳбарлик қилиш учун, саноатнинг капиталистик системасига эмас, балки бошқа системасига, социалистик системасига эга бўлиш керак, ҳарҳолда национализация қилинган саноатга, национализация қилинган кредит системасига, национализация қилинган ерга, қишлоқ блан ҳамжиҳат бўлган социалистик тартибга, мамлакатда ишчилар синфининг ҳокимиятига ва шунинг сингариларга эга бўлиш зарурдир.

Дуруст, уларда ҳам планга ўхшаш бир нарса бор. Лекин уларнинг бу планлари ҳечким учун мажбурий бўлмаган ҳавойи пландан, прогноз-пландан иборат, бу планларга суяниб мамлакат хўжалигига раҳбарлик қилиш мумкин эмас. Бизда бундай эмас. Биздаги планлар прогноз-планлар эмас, ҳавойи-планлар эмас, балки, раҳбар органлар учун **мажбурий бўлган директив** планлардан иборатдир ва улар **бутун** мамлакат миқ'ёсида бизнинг хўжалигимиз **келгусида** қай томонга қараб тараққий қилишини **белгилайдилар.**

Кўрасизки, бунда **принципиал** фарқ бор.

Халқ хўжалиги тараққиётининг бешйиллик плани ҳақидаги масаланинг с'ездда қўйилишининг ўзиёқ, ҳатто шу фактнинг бир ўзиёқ бизда план асосида раҳбарлик қилишнинг сифати юксак даражага кўтарилаётганини кўрсатади, деганимнинг боиси ҳам мана шу.

Партиямизда ички партиявий демократиянинг кучайгани ҳақида ҳам кўп сўзлаб ўтирмайман. Бизда ички-партиявий демократиянинг, ҳақиқий ички-партиявий демократиянинг, партия оммасида ҳақиқий активликнинг ўсаётгани ва кучаяётганини фақат кўрларгина кўрмайдилар. Демократия ҳақида гап сотади-

лар. Лекин партияда демократия нима? Ким учун демократия? Агар демократия деган сўздан — революциядан ажралиб қолган бир-икки жуфт интеллигентларнинг бетўхтов алжирашлари, алоҳида матбуот органига ва бошқаларга эга бўлишлари учун уларга эрк бериш тушуниладиган бўлса, бундай «демократия» бизга керак эмас, чунки бундай демократия катта кўпчиликнинг иродасини бузадиган, арзимаган озчилик учун демократиядир. Агар демократия деган сўздан партия оммасининг қурилишимизга оид масалаларни ҳал қилиш эркинлиги, партия оммасининг активлигини ошириш, партия оммасини партия томонидан қилинадиган раҳбарлик ишларига тортиш, уларнинг партияда ўзларини хўжайин деб ҳис қилишларини кучайтириш ма'носида тушуниладиган бўлса, бизда бундай демократия бор, у биз учун зарур ва биз уни ҳар нима қилиб бўлса ҳам доимо ривожлантираберамиз. (Қарсаклар.)

Ўртоқлар, бизда партиянинг ички демократияси блан бир қаторда раҳбарликни коллегия асосида олиб бориш ҳам қадамма-қадам кучаймоқдаки, мен бу ҳақда ҳам узоқ сўзлаб ўтирмайман. Марказий Комитетимизни ва Марказий Контроль Комиссиямизни олиб кўринг. Улар иккаласи 200—250 кишидан иборат раҳбар бир марказни ташкил қиладилар, мунтазам равишда тўпланишиб, қурилишимизга оид муҳим масалаларни ҳал қиладилар. Бу — бизнинг партиямиз тарихида ҳечбир кўрилмаган, энг демократик ва коллегия бўлиб иш кўрадиган марказдир. Бунинг самараси қандай? Ишимиздаги энг муҳим масалаларни ҳал қилиш йўлбошчиларнинг тор доираси қўлидан борган сари қурилишнинг барча соҳалари ва бепоён

мамлакатимизнинг барча районлари блан мустаҳкам алоқада бўлган кенг марказ қўлига ўтаётгани факт эмасми, ажабо?

Партия кадрларимизнинг ўсганлиги тўғрисида ҳам кўп сўзламайман. Шубҳасизки, сўнгги йиллар ичида партиямизнинг эски кадрлари орасига пастдан юқорига кўтарилаётган ва кўпи ишчилардан иборат бўлган янги кадрлар қўшилдилар. Илгариги вақтларда биз кадрларимизни юз ва минглаб ҳисоблаган бўлсак, ҳозир уларнинг миқдори ўн мингларчадир. Менингча, агар бутун иттифоқ бўйича энг қуйи ташкилотлардан, цех ва звено ташкилотларидан тортиб, энг юқориги ташкилотлартача жуда кўпчилиги ишчилардан иборат бўлган партия кадрларимизни санаб чиқсак, энди бу кадрлар 100 000 дан кам эмас. Бу — партиямизнинг ниҳоят даражада ўсганини кўрсатади. Бу — кадрларимиз составининг ниҳоят даражада ўсганини, унинг ғоявий-ташкилий тажрибасининг ортганини, бу кадрларнинг коммунистик маданиятининг ўсганини кўрсатади.

Ниҳоят, кўп тўхтаб ўтириш зарурати бўлмаган, лекин шундай бўлса ҳам айтилиб ўтилиши лозим бўлган яна бир масала. Бу — мамлакатимиздаги партиясиз ишчилар ўртасида ва умуман меҳнаткашлар оммаси ўртасида, бутун ер юзидаги ишчилар ва умуман мазлум синфлар орасида партиянинг обрўси кўтарилганлиги тўғрисидаги масаладир. Партиямизнинг бутун ер юзи меҳнаткашлари оммасининг озодлик байроғи бўлаётганига, большевик номи эса ишчилар синфи ичидан чиққан энг яхши кишиларнинг фахрли номи бўлаётганига энди шубҳаланиб ўтириш мумкин бўлмаса керак.

Мана, ўртоқлар, партия қурилиши соҳасидаги ютуқларимизнинг умумий манзараси ана шундай.

Лекин, ўртоқлар, бу — партиямизда камчиликлар йўқ деган сўз эмас. Йўқ, камчиликлар бор, бор бўлганда ҳам жиддий камчиликлар бор. Мана шу камчиликлар ҳақида бир-икки сўз айтиб ўтишга ижозат беринг из.

Мисол учун, партия ташкилотларининг хўжалик ташкилотларига ва бошқа ташкилотларга раҳбарлигини олайлик. Бунда ҳамма иш жойида дейиш мумкинми? Йўқ, ҳамма иш жойида эмас. Бизда, кўпинча, маҳаллардагина эмас, балки марказда ҳам масалалар оилавий йўсинда, оға-иничилик асосида ҳал қилинади, дейиш мумкин. Бирор ташкилотнинг раҳбар доирасига мансуб бўлган Иван Иванович қандай бўлса ҳам бирор қўпол хато қилиб, ишни бузиб қўйди, деяйлик. Лекин Иван Фёдорович уни танқид қилиш, унинг хатосини очиб ташлаш ва унинг хатоларини тузатишни хоҳламайди, чунки у «ўзига душман ортдиришни» истамайди. Хато қилган экан, ишни бузган экан — хўш, нима бўлипти? Қайси биримиз хато қилмаймиз, ахир? Бугун мен уни, Иван Фёдоровични аяб, ҳимоя қилай. Эртага у мени, Иван Ивановични аяб ҳимоя қилар. Ахир, мен ҳам ҳечбир хато қилмайман, деяоламанми? Жуда соз ва олийжаноб бир иш. Ора ҳам тинч, илтифот ҳам жойида. Олди олинмаган хато буюк ишимизни бузиб қўяди-ку? — дейдилар. Зарари йўқ! Амал-тақал қилиб, бир эпини топармиз.

Ўртоқлар, ба'зи мас'ул ходимларимизнинг одатда юритадиган муҳокамалари ана шундай.

Лекин бунинг ма'носи нима? Агар, биз большевиклар, бутун ер юзини танқид қилучилар, Маркс

сўзи блан айтганда осмонга штурм қилучилар, биттаяримта ўртоқларимизнинг осойишталигини кўзлаб, ўз-ўзини танқид қилишдан воз кечадиган бўлсак,— бундан буюк ишимизнинг ҳалок бўлишидан бошқа натижа келиб чиқмаслиги равшан эмасми, ахир? (Овозлар: «Тўғри!». Қарсаклар.)

Маркс: пролетар революцияси бошқа ҳарқандай революциялардан, жумладан, шу блан фарқ қиладики, у ўзини ўзи танқид қилади ва ўзини танқид қилиши блан мустаҳкамланади[84], деган эди. Бу — Марксниng жуда муҳим та'лимидир. Агар биз, пролетар революциясининг вакиллари, ўз камчиликларимиздан кўз юмсак, бир-биримизнинг хатоларимиз ҳақида индамасдан ва касалимизни партиямиз организмининг ичига ёйиб, масалаларни оилавий йўсинда ҳал қиладиган бўлсак — бу хатоларни, бу камчиликларни ким тузатади?

Агар биз қурилишимизга оид энг муҳим масалаларни ҳал қилишда ўз орамиздаги бундай обивательлик, бундай оилачиликни йўқ қилиб юбормасак, пролетар революционерлари бўлмай қолишимиз ва албатта ҳалок бўлишимиз равшан эмасми, ахир?

Агар биз ростгўйлик блан ошкора ўз-ўзини танқид қилишдан воз кечсак, агар ўз хатоларимизни ростгўйлик блан ошкора тузатишдан воз кечсак, бу блан биз олға қараб боришимизга, ишларимизни яхшилашга, ишимизда янгидан-янги муваффақиятларга эришишга олиб борадиган йўлни беркитиб қўйишимиз равшан эмасми, ахир?

Ахир, бизнинг тараққиётимиз силлиққина, бир варакайига юқорига қараб кўтарилиб борадиган тараққиёт эмас-ку. Йўқ, ўртоқлар, бизда синфлар бор, мам-

лакатимиз ичида зиддиятлар бор, бизнинг ўтмишимиз бор, ҳозирги давримиз ва келажагимиз бор, бизда булар ўртасида зиддиятлар бор, бинобарин, бизнинг олға қараб боришимиз ҳаёт тўлқинида аста-секин силлиққина тебраниб бориш йўсинида бўлмайди. Бизнинг олға қараб боришимиз кураш йўли блан, зиддиятларнинг кучайиши йўли блан, бу зиддиятларни бартараф қилиш йўли блан, бу зиддиятларни очиб ташлаш ва тугатиш йўли блан боради.

Ҳозирча синфлар мавжуд экан, биз ҳечқачон худога шукур, энди ҳамма иш жойида, деб жуда бемалол айтиш мумкин бўлган пайтга эга бўлаолмаймиз. Ҳозирча синфлар мавжуд экан, биз ҳечқачон бундай ҳолга эга бўлаолмаймиз, ўртоқлар.

Бизда ҳаётда доимо бирон-бир нарса ўлиб туради. Аммо, бу ўлаётган нарса осонгина ўлгуси келмайди, балки яшаш учун курашади, ўзининг эскириб-ўлиб бораётган ишини сақлаб қолишга урунади.

Бизда ҳаётда доимо бирон-бир янги нарса туғилиб туради. Лекин бу янгидан туғилаётган нарса осонгина туғилмайди, балки ўзининг яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиб қичқиради, чинқиради. (О в о з л а р: «Тўғри!». Қ а р с а к л а р.)

Эскилик блан янгилик ўртасида, ўлаётган нарса блан туғилаётган нарса ўртасида кураш,— ривожланишимизнинг асоси ана шу. Ишимиздаги камчиликларни ва хатоларни большевикларга хос ростгўйлик блан ошкора равишда кўрсатиб ўтмасак ва очиб ташламасак, олға қараб борадиган йўлимизни беркитиб қўямиз. Биз бўлсак, олға қараб боришни хоҳлаймиз. Бинобарин, худди мана шу олға боришни истаганимиз учун биз ростгўйлик блан қилинадиган революцион

ўз-ўзини танқидни ўзимизнинг энг муҳим вазифаларимиздан қилиб қўйишимиз зарур. Бусиз олға бориш мумкин эмас. Бусиз тараққиёт ҳам мумкин эмас.

Лекин худди мана шу йўлда бизнинг ишимиз ҳали ҳам оқсамоқда. Бугина эмас, озгина ютуқларга эришдикми, камчиликларни эсдан чиқариб қўямиз, хотиржам бўлиб қоламиз ва кибрланиб кетамиз. Икки-уч катта ютуққа эришдикми — денгиз ҳам тиззамиздан келмайди, деб хаёл қиламиз. Яна икки-уч катта ютуққа эга бўлдикми — дарров кибрланиб кетамиз: «бизга ҳечнарса писанд эмас» деб ҳаддан ташқари ҳовлиқиб кетамиз! Лекин хатоларимиз қолаберади, камчиликларимиз давом этаберади, яралар партиямизнинг организми ичига ёйилаборади, натижада партия касалланабошлайди.

Иккинчи камчилик. Бу камчилик ма'муриятчилик методини партияда ҳам жорий қилишдан, партияда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган иконтириш методи ўрнига ма'муриятчилик методини қўллашдан иборатдир. Бу камчиликнинг хавфи биринчи камчиликнинг хавфидан кам эмас. Нима учун? Шунинг учунки, у ташаббускор ташкилот бўлган партия ташкилотларимизнинг қуруқ канцелария муассасаларига айланиб кетиш хавфини туғдиради. Бизда турли хўжалик, кооперация ва давлат муассасаларида ишлаётган ва унда бюрократизм блан курашаётган 60 мингдан кам бўлмаган энг актив ходимлар бор деб ҳисоб қилинса, э'тироф қилиш керакки, буларнинг бир қисми, бу муассасаларда бюрократизмга қарши кураш олиб бориб, ба'зан ўзи ҳам шу бюрократизм касалига мубтало бўлади ва бу касални партия ташкилотига олиб киради. Бу гуноҳ эмас, ўртоқлар, балки бошимизга келган ба-

лодир, чунки давлат деган нарса давом этар экан, бу процесс озми-кўпми давом этаберади. Худди мана шу важдан, я'ни бу процесснинг турмушда ба'зи илдизларга эга бўлганлигидан, худди мана шу сабабдан, партия оммасининг активлигини кўтариш, уларни партиямиз раҳбарлиги масалаларини ҳал қилишга жалб этиш, партия ички демократиясини систематик равишда ўрнатабориш ва партиявий ишимиз тажрибасида иконтириш методи ўрнига ма'муриятчилик методини жорий қилишга йўл қўймаслик йўли блан бу камчиликка қарши кураш учун қуролланишимиз зарур.

Учинчи камчилик. Бу камчилик шуки, бирқанча ўртоқларимиз тинч ва осойиштагина, истиқболни ўйламай, келажакка назар солмасдан оқимга қараб сузиб боришни истайдилар, қани энди уларга ҳаммаёқда байрам ва тантана кайфияти ҳукм суриб турган бўлса, бизда ҳар куни тантанали мажлислар бўлиб турса, ҳамма жойда қарсак ва олқишлар бўлиб турса ва ҳарқайсимиз гали блан ҳархил президиумларга фахрий а'золикка сайланиб турсак. (К у л г и, қ а р с а к л а р.)

Ҳамма ерда байрам кайфи-сафоси ҳукм сурсайди, дейдиган мана шу бетийиқ истак, усти ялтироқ нарсаларга, керакли ва нокерак юбилейларга мана бу ортиқча берилиш, уёқ-буёғини суриштирмай, бизни қаерга олиб боради деб қайғирмай сузабериш ҳаваси (к у л г и, қ а р с а к л а р),— мана буларнинг ҳаммаси партиямиз практикасидаги учинчи камчиликнинг моҳияти, партия ҳаётимиздаги камчиликларимизнинг асосидир.

Сиз сувда ихлос блан, терлаб-пишиб сузиб боручи, лекин оқим уларни қаёққа олиб бораётганлигини пайқамайдиган эшкакчиларни кўрганингиз борми? Мен

бундай эшкакчиларни Енисей дар'ёсида кўрганман. Улар ихлос блан ҳормай-толмай сузадиган эшкакчилардир. Бу эшкакчиларнинг бахтсизлиги шуки, тўлқин уларни тошга уриб ҳалок қилиши мумкин, лекин улар буни кўрмайдилар ва кўришни ҳам хоҳламайдилар.

Ба'зи ўртоқларимиз ҳам худди шундай қиладилар. Ихлос блан астойдил сузадилар, оқим блан биртекис сузаберадилар, аммо оқимнинг уларни қаёққа олиб боришини ўзлари билмайдиларгина эмас, ҳатто билишни ҳам хоҳламайдилар. Албатта оқимга қараб биртекис сузиб бориш тилаги — истиқболни кўрмай, аниқ бир мақсад ва йўлсиз иш олиб боришга элтади.

Натижа нима бўлади? Натижа равшан: олдин уларни пўпанак босади, сўнгра улар рангсиз-та'сирсиз бўлиб қоладилар, кейин уларни обивательлик ботқоғи тортабошлайди, энг охирида улар чинакам обивательларга айланиб кетадилар. Шунинг ўзи чинакам айниб кетиш йўлидир.

Ўртоқлар, партимиз практикасида ва партиямиз ҳаётида содир бўлаётган ва мен сизга бу тўғрида бирнеча аччиқ сўз айтмоқчи бўлган ба'зи камчиликлар ана шулар.

Энди мунозара масаласига ва биздаги оппозиция деб аталган нарсага оид масалага кўчишга рухсат этинг.

2. Мунозара якунлари

Партияда мунозара қилишнинг ма'лум бир аҳамияти, ма'лум бир фойдаси борми?

Одамлар ба'зан: нега шунча мунозара қилиб ўтирибсиз, унинг кимга кераги бор эди, жанжалли масалаларни сирни ошкора қилмай ўзаро ечиб қўяқолиш

яхшироқ бўлмасмиди?— дейдилар. Бундай дейиш нотўғри, ўртоқлар. Мунозара ба'зан мутлақо зарур ва шубҳасиз фойдалидир. Лекин бутун гап мунозаранинг қай хил мунозаралигидадир. Агар мунозара ўртоқлик доирасидан чиқиб кетмайдиган бўлса, партия доирасидан чиқиб кетмайдиган бўлса, бундай мунозарадан мақсад ўз-ўзини ҳалол туриб танқид қилиш, партия ишидаги нуқсонларни танқид қилиш бўлса, шундай қилиб, агар бу бизнинг ишимизни яхшиласа ва ишчилар синфини қуроллантирса, у ҳолда бундай мунозара зарур ва фойдалидир.

Лекин бошқа хил мунозара, бизнинг умумий ишимизни яхшилатишни эмас, балки уни ёмонлаштиришни, партияни мустаҳкамлашни эмас, балки уни бузиш ва изидан чиқаришни мақсад қилиб олган мунозара ҳам бўлади. Бундай мунозара, одатда, пролетариатни қуроллантиришга эмас, балки уни қуролсизлантиришга олиб боради. Бизга бундай мунозаранинг кераги йўқ. (Овозлар: «Тўғри!». Қарсаклар.)

Оппозиция с'езд чақирилишидан уч ой олдин, Марказий Комитетнинг тезислари тайёрланмасдан олдин, бу тезислар э'лон қилинмасдан олдин, бутуниттифоқ миқ'ёсида мунозара очишни талаб қилганда, оппозиция бизни ҳалиги хил мунозарага тортишга ҳаракат қилган эди, агар ўша кезда бундай мунозара очилса, бу ҳол бизнинг душманларимиз ишини, ишчилар синфи душманларининг ишини, партиямиз душманларининг ишини осонлаштириши турган гап эди. Марказий Комитет худди шу ҳолни назарга олиб, оппозициянинг планларига қарши турди. Марказий Комитетнинг оппозиция планларига шу тариқа қарши турганлиги соясида, — айни шунинг соясида биз мунозарани тўғри йўлга

солиб юборишга муваффақ бўлдик, Марказий Комитетнинг с'ездга тайёрлаган тезисларини мунозара учун асос тариқасида ўртага қўйдик. Биз ҳозир ҳечбир иккиланмасдан, мунозара умуман олганда фойда берди, деяоламиз.

Сирни ошкора қилмаслик яхшироқ бўлар эди, деган гапга келсак, бу бекорчи гап, ўртоқлар. Биз ўзўзимизни ва ўз хатоларимизни бутун партия олдида ошкора танқид қилишдан ҳечқачон қўрққан эмасмиз ва бундан кейин ҳам қўрқмаймиз. Большевизмнинг кучи ҳам, аслини айтганда, шундаки, у танқиддан қўрқмайди ва ўз камчиликларини танқид қилишдан янада илгари қараб бориш учун ўзига куч-қувват олади. Ҳозирги мунозара, шундай қилиб, партиямизнинг кучли эканлиги аломати, унинг қудратли партия эканлиги аломатидир.

Шу нарсани унутмаслик керакки, ҳарқандай катта партияда, айниқса бизнинг партиямиздек бир партияда,— ҳокимият тепасида турган ва а'золарининг ма'лум бир қисмини деҳқонлар блан хизматчи элементлар ташкил этадиган партияда, ма'лум бир вақт ўтганидан кейин, партиянинг амалий ишлари блан ҳечбир қизиқмайдиган, ҳамма нарсага бепарво қарайдиган, кўзини юмиб олиб таваккалига овоз бераверадиган ва оқимга қараб кетаберадиган ба'зибир элементлар йиғилиб қолади. Бундай элементларнинг кўп миқдорда бўлиши бир фалокатдир, бу фалокатга қарши курашмоқ керак. Бу элементлар бизнинг партиямизда ботқоқ қисмни ташкил қилади.

Мунозара мана шу ботқоқ қисмга мурожаат қилишдир. Оппозициячилар бу ботқоқ қисмнинг бир бўлагини ўз томонларига оғдириб олиш учун унга муро-

жаат қиладилар. Оппозициячилар бу ботқоқ қисмнинг ёмон бўлагини ҳақиқатан ҳам ўз томонларига оғдириб оладилар. Бу ботқоқ қисмнинг энг яхши бўлагини ундан ажратиб олиш ва уни партия ҳаётига актив қатнаштириш учун партия ҳам бу ботқоқ қисмга мурожаат қилади. Натижада бу ботқоқ қисм, ўзининг бутун фаолиятсизлигига қарамасдан, ўз мавқиини белгилаб олишга мажбур бўлади. Бинобарин, бу мурожаатлар натижасида, бу ботқоқ қисм ҳақиқатан ҳам ўз мавқиини белгилаб олади — унинг бир қисми оппозиция томонига ўтади, бошқа бир қисми эса партия томонига ўтади ва, шундай қилиб, ботқоқ қисм тугайди. Умуман олганда, партиямиз тараққиётининг балансида бу — ютуқдир. Ҳозирги мунозара натижасида биздаги ботқоқ қисм камайди, ёки у тамоман тугади ёки тугаб бормоқда. Мунозаранинг келтирган фойдаси мана шунда.

Мунозара якунлари қандай? Мунозара якунлари ҳаммага ма'лум. Партияни ёқлаб овоз берган ўртоқлар кечаги кунга 724 минг киши бўлганлиги, оппозицияни 4 мингдан сал ортиқ киши ёқлаганлиги ма'лум бўлди. Қўриб турибсизки, якун мана шундай. Биздаги оппозициячилар, Марказий Комитет партиядан ажралиб қолди, партия синфдан ажралиб қолди, деб шовқин кўтарган эдилар, улар, ҳолва деган блан оғиз чучийди деб ўйлаб, биз, оппозициячилар қўйиб берсалар 99% овозга эга бўлардикку-я, деб шовқин кўтардилар. Аммо лекин ҳолва деган блан оғиз чучийбермаганидек, оппозициячилар ҳатто 1% овозга ҳам эга бўлаолмадилар, бу ҳаммага ма'лум. Якун ана шундай.

Хўш, бутун партия тамоман, партия кетидан бутун ишчилар синфи ҳам оппозицияни бунчалик кескин

суратда яккалаб қўйганлигининг боиси нимада? Ахир уларнинг тепасида, оппозициячиларнинг тепасида турган кишилар номи ҳаммага машҳур, ўзларини мақташга уста (о в о з л а р: «Тўғри!»), камтарлик кўчасидан ўтмаган кишилар (қ а р с а к л а р), ўзларини кўкка кўтариб мақтаб, бозорга соладиган кишилар-ку.

Бунинг боиси шуки, оппозиция тепасида турган раҳбар группа ҳаётдан узилиб қолган, революциядан узилиб қолган, партиядан узилиб қолган, ишчилар синфидан узилиб қолган майда буржуа интеллигентлар группаси бўлиб чиқди. (О в о з л а р: «Тўғри!». Қ а р с а к л а р.)

Мен бундан олдинроқ ишимиздаги муваффақиятлар тўғрисида, саноат соҳасидаги, савдо соҳасидаги, умуман хўжалигимиз соҳасидаги, ташқи сиёсат соҳасидаги ютуқларимиз тўғрисида гапириб ўтган эдим. Аммо оппозициянинг бу ютуқлар блан сра иши йўқ. Оппозиция бу ютуқларни кўрмайди ёки кўришни хоҳламайди. Бир тарафдан у бу ютуқларни ўзининг жоҳиллиги натижасида, иккинчи томондан ҳаётдан ажралиб қолган интеллигентларга хос ўжарлик натижасида кўришни истамайди.

3. Партия блан оппозиция ўртасидаги асосий ихтилофлар

Сиз, партия блан оппозиция ўртасидаги ихтилофлар нимада, бу ихтилофлар қандай масалалар устида, ахир? — деб сўрарсиз.

Ихтилоф ҳамма масала устида, ўртоқлар. (О в о з л а р: «Тўғри!».)

Мен яқинда Москвада партияга кираётган, балки энди кирган бир партиясиз ишчининг аризасини ўқи-

дим. Бу ишчи партия блан оппозиция ўртасидаги ихтилоф масаласини мана бундай та'рифлайди:

«Илгари биз, партия блан оппозиция ўртасида **ихтилофлар** шимада экан, деб бош қотирар эдик. Энди эса оппозициянинг партия блан нима масалада бир фикрда эканлигини билолмайсан киши. (Кулги, қарсаклар.) Оппозиция партияга ҳамма масалада қарши, шу сабабдан, агар мен оппозиция тарафдори бўлган бўлсам, мен партияга кирмас эдим». (Кулги, қарсаклар.) («Известия»нинг 264 сонига қаралсин.)

Ишчилар ба'зан ана шу қадар лўнда қилиб ва шу блан бирга қисқа қилиб айтиб беришга усталар. Мен ўйлайманки, ишчининг бу гапи оппозициянинг партияга, партиянинг идеологиясига, партиянинг программасига, партиянинг тутган тактикасига бўлган муносабатини жуда лўнда қилиб ва жуда тўғри ифодалаб беради.

Оппозиция партия блан ҳамма масалаларда бошқа фикрда бўлганлигидан, худди мана шу сабабдан оппозиция ўзига ўз идеологияси бор, ўзига ўз программаси бор, ўзига ўз тактикаси бор, ўзига ўз ташкилий принциплари бор бир группадир.

Янги партия тузиш учун нимайики керак бўлса, буларнинг ҳаммаси оппозицияда бор. Фақат «кичкинагина» нарса камлик қилиб турибди, бунинг учун уларда куч камлик қилиб турибди. (Кулги. Қарсаклар.)

Мен партия блан оппозиция ўртасида ихтилоф туғилган еттита асосий масалани кўрсатиб ўтишим мумкин.

Биринчиси. Мамлакатимизда ғолибона социалистик қурилиш мумкинлиги масаласи. Мен оппозициянинг бу масалага доир ҳужжатлари ва баёнотларини келтириб ўтирмайман. Улар ҳаммага ма'лум, уларни

такрорлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Оппозициянинг бизнинг мамлакатимизда социализмни ғолибона қуриш мумкинлигини инкор этиши ҳаммага равшан. Оппозиция социализм қуриш мумкинлигини инкор қилиши блан, ошкора ва тўппа-тўғри меньшевиклар позициясига тушиб кетади.

Оппозициянинг бу масаладаги ана шу хил тутган йўли оппозициянинг ҳозирги раҳбарлари учун янги бир нарса эмас. Каменев блан Зиновьев Октябрь қўзғолонига киришишдан бош тортганларида ана шу йўлни тутган эдилар. Улар ўша кезда, биз қўзғолон кўтариб ҳалокатга юз тутамиз, Та'сис мажлисини кутиб турмоқ керак, социализм учун шароит ҳали етилган эмас, ва ҳали яқин орада етилмайди ҳам, деб ошкора айтган эдилар.

Троцкий ўша кезда қўзғолонга киришганида, у ҳам ҳалиги йўлни тутган эди. Чунки у тўппа-тўғри, агар Ғарбда озми-кўпми яқин бир муддат ичида пролетар революцияси ғалаба қилиб ёрдамга етиб келмаса, революцион Россия консерватив Европага бардош бераолади деб ўйлаш тентаклик бўлар эди, деган эди.

Дарҳақиқат, ўша кезда Каменев блан Зиновьев бир томондан, Троцкий иккинчи томондан, партия блан Ленин учинчи томондан, қўзғолонга қай тариқа киришган эдилар? Бу жуда ҳам диққатга сазовор масала бўлиб, бу тўғрида бирнеча оғиз сўз айтиб кетсак жуда ўринли бўлар эди, ўртоқлар.

Ўзингизга ма'лумки, Каменев блан Зиновьев қўзғолонга калтак остида киришган эдилар. Ленин уларни партиядан ўчириш блан қўрқитиб, калтак олиб қувлагандек мажбур қилган эди (кулги, қарсак-

л а р), бинобарин, улар қўзғолонга чор-ночор, судрала-судрала боришга мажбур бўлган эдилар. (К у л г и, қ а р с а к л а р.)

Троцкий қўзғолонга ўз ихтиёри блан киришди. Аммо лекин у бу ишга тўғридан-тўғри киришмади, балки, писандалар блан киришди, унинг бу писандалари ўша вақтдаёқ Троцкийни Каменев ва Зиновьев блан яқинлаштириб қўйган эди. Шуниси қизиқки, Троцкий айни Октябрь арафасида, 1917 йил июнида, ўзининг «Сулҳ программаси» деган эски брошюрасини Петроградда қайтадан нашр қилишни лозим топди, бу қилган иши блан Троцкий, мен қўзғолонга ўз байроғим остида киришаман, дегандек бўлди. Троцкий бу брошюрасида нима тўғрисида гапиради? Троцкий бу брошюрасида бир мамлакатда социализм ғалаба қилиши мумкинлиги масаласида Ленин блан мунозара қилади, Ленининг бир мамлакатда социализм ғалаба қилиши мумкин деган фикрини нотўғри деб ҳисоблайди ва, ҳокимиятни-ку олишга тўғри келади, аммо Ғарбий Европа ишчилари ғалаба қилиб ёрдамга етишиб келмасалар, революцион Россия консерватив Европага бардош бераолади деб ўйлаш пуч умид бўлиб қолади, деб да'во қилади, кимки Троцкийнинг танқидига ишонмаса, у миллий доирада чекланиб қолиш касалига мубталодир, дейди.

Мана Троцкийнинг ўша вақтдаги брошюрасидан бир парча:

«Биз бошқаларни кутиб ўтирмасдан, миллий заминда кураш бошлаймиз ва давом қилдирамиз, бизнинг бу ташаббусимиз бошқа мамлакатлардаги курашга далда бўлар деб тамоман ишонамиз; агар бу нарса юз бермаса, у ҳолда, масалан, революцион Россия консерватив Европага бардош бераолади деб ўйлаш пуч

умид бўлиб қолади — тарих тажрибаси ҳам, назарий мулоҳазалар ҳам шуни кўрсатади»... «Социал революция истиқболини фақат миллий доирада тушуниш социал-ватанпарварликнинг моҳиятини ташкил этган ўша миллий доирада чекланиб қолиш домига гирифтор бўлиш демак бўлар эди» (Троцкий, «1917», III том, 1 қисм, 90 бет).

Троцкийнинг қўйган писандалари ана шундай, ўртоқлар, бу писандалар Троцкийнинг Каменев ва Зиновьев блан бўлган ҳозирги блокининг томирларини ва асосларини кўп жиҳатдан бизга англатиб беради.

Хўш, қўзғолонга Ленин қандай киришди, партия қандай киришди? Улар ҳам писандалар қилдиларми? Йўқ, Ленин ва унинг партияси қўзғолонга ҳечқандай писандасиз киришдилар. Мана, Лениннинг «Пролетар революциясининг ҳарбий программаси» деган, 1917 йилнинг сентабрида четэлда босиб чиқарилган ажойиб мақоласидан бир парча:

«Бир мамлакатда ғалаба қилган социализм ёппасига ҳамма урушларни асло рад қилмайди. Аксинча, социализм урушлар бўлишини назарда тутади. Капитализм турли мамлакатларда жуда ҳам нотекис тараққий қилади. Товар ишлабчиқариши мавжуд экан, бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бундан келиб чиқадиган шак-шубҳасиз хулоса мана бундай: социализм **ҳамма** мамлакатларда бир вақтда ғалаба қозонаолмайди. У дастлаб бир ёки бирнеча мамлакатларда ғалаба қозонади, қолган мамлакатлар эса ма'лум вақтгача буржуа мамлакатлари ёки ундан бурунги давр мамлакатлари бўлиб қоладилар. Бу аҳвол можаралар чиқишига сабабгина бўлиб қолмай, балки социалистик давлатнинг ғалаба қилган пролетариатини бошқа мамлакатлар буржуазиясининг тўғридан-тўғри тор-мор қилишга урунишига ҳам сабаб бўлади. Бундай тақдирда биз томондан олиб бориладиган уруш қонуний ва адолатли уруш бўлар эди. Бу уруш социализм учун, бошқа халқларни буржуазия қўлидан озод қи-

лиш учун олиб бориладиган уруш бўлар эди». (**Ленин**, «Пролетар революциясининг ҳарбий программаси». «Ленин Институти ёзмалари», II қисм, 7 бет[85].)

Кўриб турибсизки, бу тутилган йўл мутлақо бошқача бир йўлдир. Агар Троцкий қўзғолонга писандалар блан, уни Каменев ва Зиновьев блан яқинлаштирган писандалар блан киришган бўлса, четдан ўз вақтида ёрдам етишиб келмаса пролетариат ҳокимияти ўзи-ўзича бирон-бир аҳамиятга эга бўлаолмайди, деб да'во қилиб писандалар блан киришган бўлса, Ленин, аксинча, мамлакатимиздаги пролетариат ҳокимияти бошқа мамлакатлар пролетарларининг буржуа зулмидан озод бўлишлари учун ёрдам берадиган **база** бўлиб хизмат кўрсатиши лозим, деб қўзғолонга писандасиз киришган эди.

Большевиклар Октябрь қўзғолонига мана шу хилда киришган эдилар, мана энди Октябрь революциясининг ўн йиллик даврига келиб, Троцкий блан Каменев ва Зиновьевнинг тиллари бир бўлиб чиққанлигининг сабаби ҳам мана шунда.

Оппозициячилар блоки тузилиш вақтида, бир томондан Троцкий, иккинчи томондан Каменев блан Зиновьев ўртасида бўлган суҳбатни қуйидагича диалог шаклида тасвир қилиш мумкин бўлар эди.

Каменев блан Зиновьев Троцкийга: «Мана кўрдингизми, қадрдон ўртоқ, биз сизга айтмабмидик, Октябрь қўзғолонига киришмаслик керак, Та'сис мажлисини кутиш керак ва ҳоказо демабмидик, ахири, мана, биз айтганимиз тўғри чиқди-ку. Энди ҳамма ҳам кўриб турибдики, мамлакат айниб ўзгариб кетмоқда, ҳокимият айниб ўзгариб кетмоқда, биз ҳалокатга юз тутмоқдамиз, бизда ҳечқанақа социализм бўлмайди.

Қўзғолонга киришмаслик керак эди. Сиз бўлсангиз, қўзғолонга ўз ихтиёрингиз блан киришдингиз. Сиз бу блан катта хато қилган эдингиз» дейдилар.

Троцкий уларга жавобан: «Йўқ, ҳурматли улфатларим, сизлар мени ноҳақ койияпсизлар. Мен, дуруст, қўзғолонга киришишга киришдим, лекин мен қандай киришган эдим, сиз буёғини айтишни унутаяпсиз. Мен, ахир, қўзғолонга тўппа-тўғри киришганим йўқ, писандалар қўйганман-ку. (Ҳ а м м а к у л а д и.) Мана энди келиб, ташқаридан ҳечқаердан ёрдам кутишга умид йўқлиги аён бўлганидан кейин, масала равшанки, энди иш ҳалокатга қараб бормоқда, мен ўз вақтида «Сулҳ программаси»да олдиндан айтиб қўйганимдек ҳалокатга қараб бормоқда» дейди.

Зиновьев блан Каменев: «Ҳа, рост айтасиз, шундай. Биз сизнинг бу писандангизни эсимиздан чиқариб қўйибмиз. Энди равшанки, бизнинг блокимизнинг ғоявий асоси йўқ эмас экан». (Ҳ а м м а к у л а д и. Қ а р с а к л а р.)

Оппозициянинг мамлакатимизда ғолибона социалистик қурилиш мумкинлигини инкор қилишдан иборат тутган йўли мана шу тариқа таркиб топди.

Хўш, бу тутилган йўлнинг ма'носи нима? Бунинг ма'носи таслимчиликдир. Кимнинг олдида таслим бўлиш? Равшанки, мамлакатимизнинг капиталистик элементлари олдида таслим бўлишдир. Яна кимнинг олдида таслим бўлиш? Бутун дун'ё буржуазияси олдида таслим бўлиш. Хўш, сўл иборалар, революцион иборалар блан қилинган дағдағалар қаёққа кетди? Улар ҳавога учиб кетди. Биздаги оппозицияни яхшилаб силкиб кўрсангиз, улардаги революцион қуруқ гапларни улоқтириб ташласангиз,— у ҳолда сиз улар-

нинг асли туби таслимчилик эканлигини кўрасиз. (Қ а р с а к л а р.)

И к к и н ч и. Пролетариат диктатураси тўғрисидаги масала. Бизда пролетариат диктатураси борми ёки йўқми? Бу бирмунча қизиқ савол. (К у л г и.) Шундай бўлишига қарамасдан, оппозиция ўзининг ҳар галги баёнотида шу саволни қўяди. Оппозиция, бизда айниб термидорчилик йўлига кириб кетилаётипти, дейди. Хўш, бундан қандай ма'но келиб чиқади? Бундан, бизда пролетариат диктатураси йўқ, бизда иқтисод ҳам, сиёсат ҳам барбод бўлмоқда ва орқага қараб кетмоқда, биз социализмга қараб эмас, балки капитализмга қараб кетмоқдамиз, деган ма'но келиб чиқади. Бу, албатта, жуда ғалати ва аҳмоқона бир гапдир. Аммо оппозиция ҳадеб шундай да'во қилаберади.

Ихтилофларимизнинг яна бири, мана шу, ўртоқлар. Троцкийнинг Клемансо тўғрисидаги ма'лум тезиси мана шу да'вога асосланади. Агар ҳокимият айниб ўзгариб кетган бўлса ёки айниб ўзгариб кетаётган бўлса бу ҳокимиятни аяб ўтириш, мудофаа қилиб ўтириш, ёқлаб ўтириш арзирмикин? Равшанки, арзимайди. Бундай ҳокимиятни «орадан кўтариб ташлаш» учун қулай вақт келиб қолса, масалан айтайлик, душман Москвадан 80 километр масофалик жойга яқин келиб қолгудек бўлса, ажабо, бундай қулай шароитдан ҳалиги ҳокимиятни супириб ташлаш ва янги, клемансоча, я'ни троцкийча ҳокимият ўрнатиш кераклиги равшан эмасми.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу хил «тутилган йўл»да ленинчиликдан ҳечқандай асар йўқ. Бу, бориб турган меньшевизмдир. Оппозиция меньшевизм йўлига тушиб кетди.

Учинчи. Ишчилар синфи блан ўрта деҳқонлар блоки масаласи. Оппозиция бундай блок ғоясига ўзининг терс қараганлигини ҳамиша яшириб келди. Оппозициянинг платформаси, унинг қарши тезисларининг ажиб хислати фақат бу платформа ва қарши тезисларда айтилган гаплардагина эмас, унинг платформа ва қарши тезисларининг ажиб хислати кўпроқ оппозиция ишчилар синфидан яширишга ҳаракат қилган нарсаларидадир. Аммо И. Н. Смирновдек бир киши, оппозиция лидерларидан бўлган бу одам чиқиб бу ерда оппозиция тўғрисида ростини айтиб беришга, оппозициянинг юзидан пардани олиб равшан кўрсатиб беришга жасорат қилди. Хўш, бундан нима ма'лум бўлди? Шу нарса ма'лум бўлдики, биз «ҳалокатга юз тутаётган» эмишмиз, ва агар биз «қутилиб қолишни» хоҳласак, ўрта деҳқонлар блан орани бузишга рози бўлишимиз керак эмиш. Унча оқилона гаплардан эмас. Аммо жуда равшан айтилган гап.

Бу ерда ҳам оппозициянинг меньшевиклик афтиангори ҳаммага барала кўриниб турибди.

Тўртинчи. Революциямизнинг характери масаласи. Хўш, модомики мамлакатимизда ғолибона социализм қурилиши мумкинлиги инкор қилинар экан, модомики пролетариат диктатураси мавжудлиги инкор қилинар экан, модомики ишчилар синфи блан деҳқонлар блокининг зарурлиги инкор қилинар экан,— хўш, у ҳолда бизнинг революциямиздан, унинг социалистик характеридан нима қолади, ахир? Равшанки, ҳечнарса, мутлақо ҳечнарса қолмайди. Пролетариат ҳокимият тепасига келди, буржуа революциясини тамомига етказди, бас шундай экан, деҳқонларга революциянинг энди кераги йўқ, чунки деҳқонлар энди ерга

эга бўлиб олдилар,— демак, энди пролетариат бошқа синфларга ўрин бўшатиб бериб саҳнадан кетса ҳам бўлади.

Агар биз оппозицион қарашларнинг так томирини текширадиган бўлсак, оппозициянинг тутган йўли мана шундай.

Биздаги оппозициянинг таслимчилик йўлининг бутун илдизи мана шунда. Таслимчилар жумласидан бўлган бундчи Абрамовичнинг оппозицияни мақтаётганлиги бежиз эмас.

Б е ш и н ч и. Мустамлакалардаги революцияларга раҳбарлик қилишда ленинча йўл-йўриқ масаласи. Ленин империалистик мамлакатлар блан эзилган мамлакатлар ўртасидаги, империализм мамлакатларидаги коммунизм сиёсати блан мустамлака мамлакатларидаги коммунизм сиёсати ўртасидаги тафовутга асосланиб иш кўрар эди. Ленин бу тафовутни ҳисобга олиб уруш вақтидаёқ, империализм мамлакатларида ватанни ҳимоя қилиш идеяси коммунизм учун тўғри келмайди ва контрреволюцион бир идеядир, империализмга қарши озодлик уруши олиб бораётган мазлум мамлакатларда ватанни ҳимоя қилиш идеяси коммунизм учун жуда мувофиқ бўлган ва ҳаққоний бир идеядир, деган эди.

Худди мана шу сабабдан Ленин, агар мустамлака мамлакатларидаги миллий буржуазия империализмга қарши уруш олиб бораётган бўлса ва агар у коммунистларнинг ишчилар блан камбағал деҳқонларни коммунизм руҳида тарбиялашига халақит бермайдиган бўлса, у ҳолда ма'лум бир босқич ва ма'лум бир муддат ичида шу миллий буржуазия блан блок ва ҳатто иттифоқ тузиш мумкин, деган эди.

Оппозициянинг бу масаладаги энг катта гуноҳи шундан иборатки, оппозиция Ленинниng бу йўл-йўриғи блан алоқани мутлақо узади, II Интернационал йўлига, мустамлака мамлакатларнинг империализмга қарши революцион урушини қўллаб-қўлтиқлашнинг мақсадга мувофиқлигини инкор қилучи II Интернационал йўлига тушиб кетади. Биздаги оппозициянинг Хитой революцияси масаласида гирифтор бўлган ҳамма муваффақиятсизликларининг сабаби ҳам аслда мана шунда.

Мана, ихтилофларимиздан яна бири шундай.

Олтинчи. Жаҳон ишчилар ҳаракатида бирлик фронти тактикаси масаласи. Оппозициянинг бу масаладаги энг катта гуноҳи шундаки, оппозиция ишчилар синфининг миллионлаб оммасини коммунизм томонига аста-секин тортиб бориш масаласида Ленин тактикаси блан алоқани узади. Ишчилар синфининг миллионлаб оммасини коммунизм томонига тортишнинг шарти партия томонидан тўғри сиёсат юритилишининг бир ўзиданғина иборат эмас. Дуруст, партия томонидан тўғри сиёсат юритилиши катта гап, албатта, аммо бир бунинг ўзи кифоя қилмайди. Ишчилар синфи миллионлаб оммасининг коммунизм томонига ўтмоғи учун, бунинг учун, коммунизм сиёсатининг тўғрилигига бу омманинг ўзи ўз тажрибасида кўриб билиб, қаноат ҳосил қилмоғи лозимдир. Омма қаноат ҳосил қилмоғи учун эса, бунинг учун эса ма'лум бир вақт керак, бунинг учун партия оммани партия позицияларига олиб келиш учун маҳорат ва усталик блан иш олиб бормоғи, партия ўз сиёсатининг тўғрилигига миллионлаб оммани ишонтирмоқ учун маҳорат ва усталик блан иш олиб бормоғи лозим.

1917 йил апрелида биз мутлақо тўғри йўл тутган эдик, чунки биз иш буржуазияни ағдариш ва Совет ҳокимияти ўрнатишга қараб бораётганлигини билар эдик. Аммо лекин бунга қарамай, биз у вақтда ишчилар синфи кенг оммасини буржуазия ҳокимиятига қарши қўзғолон кўтаришга чақирмаган эдик. Бунинг сабаби нима эди? Бунинг сабаби шу эдики, ҳали у вақтда омма бизнинг мутлақо тўғри сиёсатимизнинг тўғрилигига қаноат ҳосил қилиш имкониятига эга эмас эди. Эсерлар блан меньшевиклар партияси бўлган майда буржуа партиялари революциянинг асосий масалаларида ахири бориб шармандаю шармисор бўлганларидан кейингина, омма бизнинг сиёсатимизнинг тўғрилигига қаноат ҳосил қилабошлагандан кейингина, фақат шундан кейингина биз оммани қўзғолонга олиб бордик. Биз оммани айни ўз вақтида қўзғолонга кўтарганлигимиз натижасида, худди шунинг натижасида биз ўша вақтда ғалаба қозондик.

Бирлик фронти идеясининг туб илдизи мана шунда. Ленин бирлик фронти тактикасини, аслини айтганда, шунинг учун ҳам майдонга ташлаган эдики, бундан мақсад капиталистик мамлакатлардаги миллионлаб ишчилар синфи оммасининг социал-демократларнинг муросачилик таассублари блан заҳарланган миллионлаб ишчилар синфи оммасининг коммунистлар юритаётган сиёсатнинг тўғрилигини ўз тажрибаларида кўриб-билиб, тушуниб олишларини ва коммунизм томонига ўтишларини осонлаштириш эди.

Оппозициянинг энг катта гуноҳи шуки, оппозиция бу тактикани батамом инкор қилади. Оппозиция бир вақтлар бирлик фронти тактикасига жуда ҳам берилиб кетиб, аҳмоқона ва ноўрин берилиб кетиб,

Англиядаги Генсовет блан битишувни зўр бериб қутлаган эди, бу битишув «сулҳ бўлувини та'минлашнинг энг муҳим гаровларидан бири», «интервенциядан амин бўлишнинг энг муҳим гаровларидан бири», «Европадаги реформизмни зарарсизлантиришнинг» энг муҳим воситаларидан бири, деб ўйлаган эди (Зиновьевнинг ВКП(б) XIV с'ездидаги докладига қаралсин). Аммо реформизмни Перселлар ва Хикслар ёрдами блан «зарарсизлантиришга» боғлаган умидининг пучга чиққанлигидан қаттиқ панд еб, оппозиция энди тамом тескари бир йўлга кириб кетди, бирлик фронти тактикаси идеясини мутлақо инкор қилди.

Оппозициянинг, ленинча бирлик фронти тактикасидан батамом алоқа узганлигини намойиш қилиб кўрсатадиган яна бир ихтилоф ана шундай, ўртоқлар.

Еттинчи. Ленинча партиявийлик, ВКП(б)да ва Коминтернда ленинча бирлик масаласи. Оппозиция бу масалада иккинчи партия тузиш йўлига ўтиб, янги Интернационал ташкил қилиш йўлига ўтиб, ленинча ташкилий йўл блан алоқани мутлақо узади.

Оппозициянинг бутун масалада меньшевизм йўлига тушиб кетганлигини кўрсатиб турган етти асосий масала ана шу.

Хўш, оппозициянинг бу меньшевиклик қарашлари партиямиз идеологияси блан, партиямиз программаси блан, унинг тактикаси блан, Коминтерннинг тактикаси блан, ленинизмнинг ташкилий йўли блан бирга сиғишаолади, деб бўладими?

Ҳечбир ҳолда, бир дақиқа ҳам бундай деб бўлмайди!

Сиз: бизда бундай оппозиция қаёқдан пайдо бўлди, унинг социал илдизлари қаерда? — дерсиз. Мен ўйлай-

манки, оппозициянинг социал илдизлари биз тараққий қилаётган бир шароитда шаҳардаги майда буржуа табақаларнинг хонавайрон бўлаётганлигида, бу табақаларнинг пролетариат диктатураси режимидан норозилигида, бу табақаларнинг ушбу режимни ўзгартиришга, уни буржуа демократияси барпо қилиш руҳида «яхшилашга» ҳаракат қилишидадир.

Илгарига қараб бораётганлигимиз натижасида, саноатимизнинг ўсиши натижасида, социалистик хўжалик формасининг салмоғи ўсиши натижасида майда буржуазиянинг, айниқса шаҳар буржуазиясининг бир қисмининг хонавайрон бўлиб, маҳв бўлиб кетаётганлигини мен юқорида гапириб ўтган эдим. Оппозиция бу табақаларнинг пролетар революцияси режимидан нолишлари ва норозиликларини акс этдиради.

Оппозициянинг социал илдизлари мана шундай.

4. Хўш, энди нима қилиш керак?

Хўш, энди оппозицияни нима қилиш керак?

Бу масалага ўтишдан аввал, мен сизга Каменевнинг 1910 йилда Троцкий блан биргалашиб ишлаб кўриш соҳасида қилган бир тажрибасининг тарихини ҳикоя қилиб беришни хоҳлар эдим. Бу жуда ҳам қизиқ масала. Айниқса яна буёғи ҳам борки, бу нарса ҳалиги қўйилган масалани тўғри ҳал қилиш учун бизга бир калидлик хизматини қилади. 1910 йилда, четэлларда Марказий Комитетимизнинг пленуми бўлган эди. Бу пленум большевикларнинг меньшевиклар блан муносабати, жумладан Троцкий блан муносабати масаласини муҳокама қилган эди (биз у вақтларда меньшевиклар блан умумий партиянинг бир қисми эдик ва ўзимизни фракция деб атар эдик). Пленум Ленин айтганига

қулоқ солмай ва Ленинга қарши суратда меньшевиклар блан ярашишни, ва демак — Троцкий блан ҳам ярашишни ёқлаган эди. Ленин озчилик бўлиб қолган эди. Хўш, Каменев қандай йўл тутган эди? Каменев Троцкий блан ҳамкорлик қилишни ўз устига олган эди. Бу ҳамкорликни ўз устига олганда ҳам Лениннинг ижозати ва розилиги блан олган эди, чунки Ленин Троцкий блан большевизмга қарши ҳамкорлик қилишнинг зарарли ва йўл қўйиб бўлмайдиган бир нарса эканлигини Каменевга тажрибада исбот қилмоқчи бўлган эди.

Каменевнинг бу тўғридаги гапларини тинглангиз:

«1910 йилда бизнинг фракциямиз кўпчилиги ўртоқ Троцкий блан ярашиш ва битишишга ҳаракат қилиб кўрган эди. Владимир Ильич бу ҳаракатга жуда қаттиқ қарши чиққан эди ва менинг Троцкий блан битишувга ҳаракат қилишни зўр бериб ёқлаганлигим учун бир «жазо тариқасида» бошқа бир кишини эмас, худди мени Марказий Комитетдан ўртоқ Троцкий газетаси редакциясига вакил қилиб юборилишимни қаттиқ талаб қилди. 1910 йилнинг кузига бориб — бу редакцияда бирмунча ишлаганимдан кейин — мен Владимир Ильичнинг менинг «ярашиш» йўлимга жуда қаттиқ қарши бўлганлигида ҳақли бўлганлигига қаноат ҳосил қилдим ва унинг розилиги блан мен ўртоқ Троцкийнинг органи редакциясидан чиқдим. Бизнинг ўртоқ Троцкий блан ўша вақтдаги бўлган бу ора узилишимиз партиянинг Марказий Органида бирнеча жуда қаттиқ мақолалар блан қайд қилиб ўтилган эди. Биз блан ликвидатор-меньшевиклар ва ўртоқ Троцкий ўртасидаги ихтилофларни якунлайдиган бир брошюра ёзишни Владимир Ильич менга худди шу вақтда таклиф қилган эди. Владимир Ильич менга «сиз антибольшевистик группаларнинг энг сўл (троцкийчи) қаноти блан битишувни тажриба қилиб кўрдингиз, сиз битишув мумкин эмаслигига қаноат ҳосил қилдингиз, буни якунлайдиган брошюрани ҳам худди сиз ёзишингиз керак» деди. Табиийки, Владимир Ильич большевизм блан биз ўша вақтда троцкизм деб атаган нарса ўртасидаги муносабат

соҳасида ҳамма нарса... то охиригача очиқ-равшан айтиб берилишини айниқса қаттиқ талаб қилган эди». (Л. Каменевнинг ўзининг «Икки партия» деган брошюрасига ёзган сўзбоши.)

Хўш, бундан қандай натижалар келиб чиқди? Буёғини эшитинг:

«Троцкий блан бирга ишлаш тажрибаси,— дадил айтаоламанки, мен жуда астойдил қилиб кўрган бу тажриба, ҳозир Троцкий менинг хатларим ва хусусий суҳбатларимни энди зўр бериб дастмоя қилаётганлиги ҳам шоҳидлик бериб турган бу тажриба — муросасозлик ҳеч шубҳасиз ликвидаторликни ҳимоя қилишга олиб бормай қолмаслигини, ликвидаторлик томонига узил-кесил ўтиб кетишга олиб бормай қололмаслигини кўрсатди». (Л. Каменев, «Икки партия».)

Ва сўнгра:

«Агар борди-ю «троцкизм» партияда бир кайфият тариқасида енгиб чиқса эди, у ҳолда ликвидаторлик учун, отзовизм учун, партияга қарши курашучи ҳамма оқимлар учун майдон нақадар жуда кенг очилган бўлар эди» (ўша ерда).

Троцкий блан бирга ишлаш тажрибаси мана шундай, ўртоқлар. (О в о з л а р: «Жуда сабоқ бўладиган тажриба».) Каменев бу тажрибанинг натижаларини 1911 йилда «Икки партия» номи остида чиққан махсус брошюрада тасвир қилди. Троцкий блан бирга ишлаш мумкин деб хомхаёлга берилиб юрган ўртоқларга бу брошюранинг катта фойда берганига мен шубҳаланмайман.

Энди менда мана бундай бир савол туғилади: Каменев ўзининг Троцкий блан ҳозирги вақтдаги ҳамкорлиги тажрибаси тўғрисида яна битта брошюра, буниси ҳам «Икки партия» деган ном блан бир брошюра ёзишга ҳаракат қилиб кўрса қалай бўлар экан? (Ҳ а м м а қ а ҳ-қ а ҳ у р и б к у л а д и. Қ а р с а к л а р.)

Эҳтимол бундай қилганида фойдадан холи бўлмаса керак. Албатта, мен Каменевга Троцкий ҳозир ҳам ўша вақтдагидек Каменевнинг хатларини ва сир гапларини унга қарши ишга солмайди, деб кафолат бераолмайман. (Ҳаммаа кулади.) Шундай қилади, деб қўрқиб ўтиришнинг кераги бормикин. Ҳарҳолда бунда иккидан бирини танлаб олмоқ керак: Троцкий Каменевнинг хатларини дастак қилишидан ва Каменевнинг Троцкий блан бўлган сир гапларини Троцкийнинг ошкор қилишидан қўрқиш, у ҳолда партиядан чиқарилиш хавфи олдида қолиш, ёки ҳарқандай қўрқишни бир четга йиғиштириб қўйиш ва партияда қолиш.

Масала ҳозир шундай туради ўртоқлар: ё ундай ё бундай.

Оппозиция с'ездга қандайдир бир ариза бермоқчи, аризасида у, оппозиция, партиянинг ҳамма қарорларига бўйсунишга рози ва бундан кейин ҳам бўйсунишини (овозлар: «1926 йил октябридаги сингарими?»), ўз фракциясини тарқатиб юборишини (овозлар: «Биз бу гапни икки бор эшитганмиз!») ва лекин ўз қарашларидан воз кечмаслигини (овозлар: «Ҳа-ҳа». «Йўқ, биз уларни ўзимиз тарқатиб юборганимиз яхшироқ!»), бу қарашларини партия устави рамкаларида ҳимоя қилишини изҳор қилмоқчи, дейдилар. (Овозлар: «Яна писандалар бланми». «Бизнинг партиямиз рамкаси резина эмас».)

Мен бу урунишдан ҳечнарса чиқмайди деб ўйлайман, ўртоқлар. (Овозлар: «Тўғри!». Узоқ давом этган қарсаклар.) Бизда ҳам аризалардан озми-кўпми тажриба бор (қарсаклар), икки аризадан озми-кўпми тажриба бор (овозлар: «Тўғри!»), 1926 йилнинг 16 октябри блан 1927 йилнинг 8 августида

берилган аризалар тажрибаси бор. Бу тажриба нимага олиб келди? Гарчи мен «Икки партия» деган брошюра ёзиш ниятида бўлмасам-да, аммо шуни дадил айтаоламанки, бу тажриба жуда ёмон натижаларга олиб келди (овозлар: «Тўғри!»), партияни икки бор алдашга, партия интизомини бўшаштиришга олиб келди. Энди ана шундай тажрибадан кейин оппозициянинг биздан, улуғ партия с'ездидан, Ленин партияси с'ездидан оппозициянинг қуруқ сўзига ишонишимизни талаб қилишга қандай асоси бор? (Овозлар: «Уларга ишониш аҳмоқлик бўлар эди». «Кимки уларга ишонса балога қолади».)

Оппозициячилар партиядан чиқарилган кишиларнинг партияга қайтадан олиниши масаласини ҳам қўймоқдалар, дейдилар. (Овозлар: «Йўқ, бўлмағур иш». «Меньшевистик ботқоққа бораберсинлар».) Мен уларнинг бу гапларидан ҳам ҳечнарса чиқмайди деб ўйлайман, ўртоқлар. (Узоқ давом этган қарсаклар.)

Партия Троцкий блан Зиновьевни нима сабабдан партиядан чиқарди? Шунинг учунки, улар оппозициянинг ҳамма антипартиявий ишларининг ташкилотчиларидирлар (овозлар: «Тўғри!»), шунинг учунки, улар партия қонунларини бузишни ўзларига мақсад қилиб олдилар, шунинг учунки, улар ҳечким бизга қўл текизаолмайди деб кеккайиб келдилар, шунинг учунки, улар партияда дворянлар сингари кишилар бўлиб олишни хоҳладилар.

Аммо биз партиямизда имтиёзга эга дворянлар ва бу имтиёзлардан маҳрум деҳқонлар бўлишини истаймизми, ажабо? Ноҳотки, дворянлар сословиесини илдизи блан қўпориб ташлаган биз большевиклар энди партияда дворянларни қайта тикласак? (Қарсаклар.)

Сиз: Троцкий блан Зиновьевни партиядан ўчирганлигимизнинг сабаби нима?— деб сўрайсиз. Шунинг учунки, биз партияда дворянлар бўлишини истамаймиз. Шунинг учунки, бизда партиядаги қонун битта, ҳамма партия а'золари ҳуқуқда тенг баравардирлар. (Овозлар: «Тўғри!». Узоқ давом этган қарсаклар.)

Агар оппозиция партияда қолишни истаса, партия иродасига, унинг қонунларига, унинг йўл-йўриқларига ҳеч сўзсиз, ҳечқандай найрангсиз бўйсунсин. Агар оппозиция буни хоҳламаса,— у ҳолда оппозиция, майли, қаёқни хоҳласа шу ёққа қараб кетаберсин. (Овозлар: «Тўғри!». Қарсаклар.) Оппозиция учун имтиёз бериладиган янги қонунлар бўлишини биз хоҳламаймиз ва бундай қонунлар бериб қўймаймиз. (Қарсаклар.)

Шартлар қандай, деб сўрайдилар. Бизнинг шартимиз битта: оппозиция ғоявий жиҳатдан ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам тўла ва батамом қуролсизланмоғи лозим. (Овозлар: «Тўғри!». Узоқ давом этган қарсаклар.)

Оппозиция ўзининг антибольшевистик қарашларидан бутун дун'ё олдида ошкора ва ҳалол туриб воз кечиши керак. (Овозлар: «Тўғри!». Узоқ давом этган қарсаклар.)

Оппозиция ўзи қилган хатоларини, партияга қарши жиноятга айланган бу хатоларини бутун дун'ё олдида ошкора ва ҳалол туриб ла'натламоғи керак.

Партия оппозициянинг ячейкаларини битта ҳам қолдирмай тарқатиб юбориш имконига эга бўлмоғи учун оппозиция ўзининг ячейкаларини бизнинг қўлимизга топшириши керак. (Овозлар: «Тўғри!». Узоқ

давом этган қарсаклар.) Ё шундай қилишлари керак ёки партиядан чиқиб кетсинлар. Чиқиб кетмас эканлар, ўзимиз суриб чиқазиб ташлаймиз. (Овозлар: «Тўғри!». Узоқ давом этган қарсаклар.)

Оппозиция масаласи мана шундай, ўртоқлар.

IV

УМУМИЙ ЯКУН

Мен докладимни тамомлайман, ўртоқлар.

Ҳисоб берилаётган давр ичида қилинган ишларнинг умумий якуни қандай? Якун қуйидагича:

1) биз жуда катта қийинчиликларга қарамасдан, «буюк давлатлар» буржуазиясининг иғвогарлик блан қилган хуружларига қарамасдан атрофимиздаги давлатлар блан орамизда тинчликни сақлаб қолаолдик;

2) биз бениҳоят кўп тўсқинликларга қарамай, ҳамма ерда жар солиб юручи сотқин буржуа матбуотининг ҳад-ҳисобсиз туҳматларига қарамай, СССР ишчилар синфининг империалистик мамлакатлар ва мустамлакалардаги ишчилар блан бирдамлигини мустаҳкамладик;

3) биз дун'ёнинг барча қит'аларидаги миллион-миллион меҳнаткашлар оммаси ўртасида пролетариат диктатурасининг обрўсини кўтардик;

4) биз, партия бўлишимиз сифати блан, Коминтернга ва унинг секцияларига бутун дун'ёдаги барча мамлакатларда ўз та'сирларини мустаҳкамлашга ёрдам бердик;

5) биз бутун ер юзидаги революцион ҳаракатни тараққий қилдириш ва тезлатиш учун бир партиянинг

қўлидан нимайики келадиган бўлса, шунинг ҳаммасини қилдик;

6) биз социалистик индустриямизни йўлга қўйдик, унинг тараққиёти учун рекорд сур'ат белгиладик ва бутун халқ хўжалигида социалистик индустриянинг гегемонлигини мустаҳкамладик;

7) биз социалистик индустрия блан деҳқон хўжалиги ўртасида ҳамжиҳатлик барпо қилдик;

8) биз камбағалларга суяниб туриб, ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамладик;

9) биз, мамлакатимизнинг халқаро миқ'ёсда ҳамма томондан душманлар ичида қолганлигига қарамасдан, мамлакатимизда пролетариат диктатурасини мустаҳкамладик, барча мамлакатлар ишчиларига пролетариатнинг фақат капитализмни вайрон қилишгагина эмас, балки социализм қуришга ҳам қодир эканлигини кўрсатдик;

10) биз партияни мустаҳкамладик, ленинизмни сақлаб қолдик ва оппозицияни батамом пачақлаб ташладик.

Умумий якунлар ана шундай.

Хулоса қандай? Хулоса битта: бизнинг тутган йўлимиз тўғри, партиямизнинг сиёсати тўғри. (Овозлар: «Тўғри!». Қарсаклар.)

Бундан шу хулоса келиб чиқади, биз бу йўлдан илгарилаб бориб мамлакатимизда социализмнинг ғалаба қилишига, барча мамлакатларда социализм ғалаба қилишига албатта эришамиз. (Узоқ давом этган қарсаклар.)

Аммо лекин бундан, бизнинг йўлимизда энди ҳеч қандай қийинчиликлар бўлмайди, деган ма'но чиқмайди, албатта. Қийинчиликлар бўлади. Аммо биз бу

қийинчиликлардан қўрқмаймиз, чунки биз — большевиклар революция оловида чиниққан кишилармиз.

Қийинчиликлар бўлади. Аммо биз қийинчиликларни ҳамавақт енгиб келганимиз сингари бу қийинчиликларни ҳам енгамиз, чунки биз — большевиклар, Ленининг темирдек мустаҳкам партияси тарбиялаб чиниқтирган кишилармиз, биз қийинчиликлар олдида нолийдиган ва кўз ёш тўкадиган кишилар эмас, балки қийинчиликлар блан курашиб ва уларни енгиб келган кишилармиз.

Биз — большевиклармиз, айни большевиклар бўлганлигимиз учун биз албатта енгамиз.

Ўртоқлар! Мамлакатимизда коммунизм ғалабаси сари, бутун дун'ёда коммунизм ғалабаси сари — олға! (Гулдурос ва узоқ давом этган қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туриб, ўртоқ Сталин шарафига овация қилади. «Интернационал» айтилади.)

МАРКАЗИЙ КОМИТЕТНИНГ СИЁСИЙ ҲИСОБИ ЮЗАСИДАН ОХИРГИ СЎЗ

7 декабрь

Ўртоқлар! Бирмунча делегатларнинг нутқларидан кейин менга айтадиган гап кам қолди. Евдокимов блан Мураловларнинг нутқлари тўғрисида айтадиган гапим йўқ, чунки уларнинг нутқлари бирон бир нарса дейишга материал бермайди. Бу кишилар ҳақида фақат бир нарса айтиш мумкин бўлар эди: уларнинг гуноҳларини худо ўзи ярлақасин, чунки улар нима деб вайсаётганликларини ўзлари ҳам билмайдилар. (К у л г и. Қ а р с а к л а р.) Мен Раковскийнинг нутқига ва, айниқса, Каменевнинг нутқига тўхташни истар эдим. Каменевнинг нутқи оппозициячиларнинг барча нутқлари орасида энг мунофиқонаси ва энг ёлғонидир. (О в о з л а р: «Тўғри!».)

I

РАКОВСКИЙНИНГ НУТҚИ ҲАҚИДА

а) **Ташқи сиёсат масаласида.** Фикримча, Раковский бу ерда уруш ва ташқи сиёсат масаласига тўхтаб, бекор қилди. Раковскийнинг Москва конференциясида уруш масаласида хўб аҳмоқона гапларни айтганлиги ҳаммага ма'лум. Афтидан, унинг бу ерга келиб, сўз олишдан мақсади аҳмоқчилигини тузатиш бўлса керак. Аммо бундай қилиши блан у ундан ҳам баттар

аҳмоқчилик қилиб қўйди. (К у л г и.) Раковский ташқи сиёсат тўғрисида индамай қўяқолса, ўзи учун фойдалироқ бўлар эди, деб ўйлайман.

б) **Сўл ва ўнг деган гап устида.** Раковский, оппозиция партиямизнинг сўл сектори, деб да'во қилади. Бундан ҳам бе'мани ва кулгили гап бўлмас, ўртоқлар. Афтидан, сиёсий банкрот бўлганлар бундай гапларни ўзларини юпатиш учун айтсалар керак. Оппозициянинг партиямизда меньшевистик қанот эканлиги, оппозициянинг меньшевизмга томон юзтубан кетганлиги, оппозициянинг об'ектив равишда буржуа элементларининг қуролига айланиб кетганлиги исбот қилинган. Буларнинг ҳаммаси қайта-қайта исбот қилинган. Шундай бўлгач, оппозициянинг сўллиги тўғрисида қанақа гап бўлиши мумкин? Ахир, об'ектив равишда «учинчи куч», я'ни буржуа элементларининг қуролига айланган меньшевиклар группасини, ана шундай бир группани большевиклардан ҳам сўлроқ деб ким айтибди? Оппозициянинг ВКП(б)да ўнг, меньшевистик қанот эканлиги равшан эмасми, ахир?

Афтидан, Раковский батамом тентираб қолиб, ўнг блан сўлни адаштириб қўйган бўлса керак. Гогольнинг Селифани эсингиздами: «Эй, сен, кир оёқ... ўнг блан сўлни ажратаолмайсан!».

в) **Оппозициянинг ёрдами масаласида.** Раковский, агар империалистлар бизга ҳужум қилсалар, оппозиция партияга ёрдам беришга тайёр, дейди. Меҳрибончиликни қаранг-а! Партиямизда аранг ярим процент ташкил қиладиган бу кичкина группа, мамлакатимизга империалистлар ҳужум қилган тақдирда, лутфкорлик блан бизга ёрдам беришни ва'да қилади. Сизнинг ёрдам беришингизга ишонмаймиз ҳам, сизнинг

ёрдамингизга муҳтож ҳам эмасмиз! Биз сиздан фақат бир нарса сўраймиз: бизга халақит берманг, ишимизга халақит беришни бас қилинг! Хотиржам бўлинг, уёғини ҳаммасини ўзимиз эплаймиз. (Овозлар: «Тўғри!». Қарсаклар.)

г) **«Огоҳлантиручилар» масаласида.** Раковский яна, оппозиция бизни хавф-хатарлар, қийинчиликлар, мамлакатимизнинг «ҳалок бўлиб бораётгани» тўғрисида огоҳлантириб турибди, дейди. Ўзлари ҳалок бўлаётган ва ҳақиқатан ҳам ёрдамга муҳтож бўлган бир вақтда, партияни «ҳалокатдан» қутқазмоқчи бўлган бу «огоҳлантиручилар»ни қаранг-а! Ўзлари зўрға илиниб турибдилар-у, бошқаларни қутқазмоқчи бўлиб орага суқиладилар! Бу кулгили эмасми, ўртоқлар? (Кулги.)

Денгиз устида зўр-базўр қалқиб, чўкай деб турган кичкинагина бир қайиқни кўз олдингизга келтирингиз, яна тўлқинларни зўр куч блан ёриб, дадиллик блан олдинга бораётган ҳашаматли бир пароходни ҳам кўз олдингизга келтирингиз. Агар ана шу кичкина қайиқча каттакон пароходни қутқазаман деб суқилабошласа, нима дер эдингиз? (Кулги.) Бунга кулиш ҳам озлик қилиши тўғри эмасми? Оппозициядаги «огоҳлантиручиларимиз» ҳозир худди ана шундай аҳволдалар. Улар бизни хавф-хатарлар, қийинчиликлар, «ҳалокат» ва нимайики ёмонлик кўнгилларига келса шулар тўғрисида огоҳлантираётирлар-у, ўзлари жар тубига қулаб кетаётирлар, ҳозирданоқ жарга қулаб кетганликларини сезмаётирлар.

Оппозициячилар, ўзларини «огоҳлантиручилар» деб кўрсатиб, шу блан партияга, ишчилар синфига, мамлакатга раҳбарлик қилишни да'во қилмоқдалар. Хўш, бундай дейишга уларнинг қандай асослари бор? Ахир,

улар, я'ни оппозициячилар, партияга, синфга, мамлакатга раҳбарлик қилиш уёқда турсин, умуман бирон нарсага раҳбарлик қилаолишларини амалда исбот қилдиларми? Тепасида Троцкий, Зиновьев, Каменев сингари одамлар турган оппозициянинг икки йилдан бери ўз группасига раҳбарлик қилаётганлиги, оппозиция лидерларининг бу группага раҳбарлик қилиб, уни тамом ҳалокатга олиб келганликлари факт эмасми? Оппозициянинг шу икки йил мобайнида ўз группасини мағлубият устига мағлубиятга йўлиқтирганлиги факт эмасми? Бу ҳол оппозиция лидерларининг қўлидан ҳечнарса келмаганини, уларнинг раҳбарлиги ғалабага олиб борадиган раҳбарлик бўлмасдан, балки мағлубиятга олиб борадиган раҳбарлик эканлигини кўрсатмай, нимани кўрсатади? Модомики оппозиция лидерларининг қўлидан кичик бир иш ҳам келмаган экан, улар катта бир ишни удда қилаоладилар деб ўйлаш учун қандай асос бор? Кичик бир группага раҳбарлик қилишда банкрот бўлган одамларга партияга, ишчилар синфига, мамлакатга раҳбарлик қилиш каби катта бир ишни топшириб қўйишга ҳечкимнинг жасорат қилаолмаслиги равшан эмасми?

«Оғоҳлантиручилар» мана шуни тушунишни истамайдилар.

II

КАМЕНЕВНИНГ НУТҚИ ҲАҚИДА

Каменевнинг нутқига ўтаман. Бу нутқ оппозициячиларнинг шу ерда, шу минбардан туриб сўзлаган барча нутқлари орасида ёлғончилик, мунофиқлик, доғулилик ва қаллобликда энг уччига чиққан нутқдир. (Овозлар: «Тўғри!». Қарсаклар.)

а) **Бир вужудда икки юз.** Каменевнинг ўз нутқида қилган энг биринчи иши — изларни бекитиб кетишдан иборат бўлди. Партия вакиллари бу ерда партиямизнинг ютуқлари, қурилишимизнинг муваффақиятлари, ишимизнинг яхшиланиши ва бошқалар тўғрисида гапирдилар. Улар яна оппозициячиларнинг меньшевиклик ботқоғига ботиб кетганликлари тўғрисида, оппозициячиларнинг мамлакатимизда муваффақият блан социализм қуриш мумкинлигини инкор қилиб, СССРда пролетар диктатураси мавжудлигини инкор қилиб, ишчилар синфининг ўрта деҳқонлар блан иттифоқи сиёсатининг мақсадга мувофиқ эканлигини инкор қилиб, термидор тўғрисида туҳмат гаплар тарқатиб ва шунга ўхшаш бошқа ишларни қилиб, меньшевизмга томон юзтубан кетганлиги тўғрисида гапирдилар. Ниҳоят, улар оппозициянинг бундай қарашлари партиямизнинг а'зоси бўлган кишига тамомила ёт эканлиги ҳақида, агар оппозиция партияда қолмоқчи бўлса, бундай меньшевистик қарашлардан воз кечиши лозимлиги тўғрисида гапирдилар.

Хўш, натижа нима бўлди? Каменев бу масалалар тўғрисида индамай ўтиш, изларни хаспўшлаб кетиш ва четлаб ўтишни ҳаммадан ҳам кўра мақбул деб билди. Ундан программамиз, сиёсатимиз, қурилишимизнинг энг муҳим масалалари хусусида сўрайдилар. У бўлса, гўё бу масалаларнинг унга ҳечбир дахли йўқдай, улар тўғрисида индамай ўтади. Каменевнинг бу қилиғини масалага жиддий қараш деб бўладими? Оппозициянинг бундай қилишига сабаб нима? Бунинг фақат бир сабаби бўлиши мумкин: оппозиция партияни алдамоқчи, уни ғафлатда қолдирмоқчи, партияга яна бир марта шиқаст етказмоқчи бўлади.

Оппозициянинг икки юзи бор: бири — мунофиқона-мулойим юз, иккинчиси — меньшевистик-антиреволюцион юз. Партия оппозицияни сиқиб, фракциячиликдан, нифоқ солиш сиёсатидан воз кечишни талаб қилганида, оппозиция партияга ўзининг мунофиқона-мулойим башарасини кўрсатади. Пролетар бўлмаган кучларга мурожаат қилиш керак бўлганида, партияга қарши, Совет ҳокимиятига қарши «кўчага» мурожаат қилиш керак бўлганида эса оппозиция ўзининг меньшевистик-антиреволюцион башарасини кўрсатади. Кўриб турибсизки, ҳозир у, партияни яна бир мартаба алдамоқчи бўлиб, бизга ўзининг мунофиқона-мулойим юзини ўгирмоқда. Шунинг учун ҳам Каменев орамиздаги ихтилофларнинг энг муҳим масалаларини четлаб ўтиб, изларни бекитиб кетишга ҳаракат қилди. Бу иккиюзламачиликка, бу мунофиқликка бундан кейин ҳам чидаб туриш мумкинми?

Иккининг бири: ё оппозиция партия блан жиддий гапиришсин,— у ҳолда оппозиция ниқобини олиб ташлаши лозим; ёки у бундан кейин ҳам иккиюзламачилигини давом этдириш ниятида бўлса,— у вақтда оппозиция партиядан чиқиб қолади. (Овозлар: «Тўғри!».)

б) **Большевизм традициялари тўғрисида.** Каменев, партиямизнинг традицияларида, большевизм традицияларида партия а'зосидан партиямизнинг идеологиясига, программамизга зид бўлган ба'зи қарашларидан воз кечишни талаб қилиш мумкин деган нарса йўқ, деб ишонтиришга уринади. Бу тўғрими? Албатта, тўғри эмас. Бугина оз,— бу ёлғон гап, ўртоқлар.

Биз ҳаммамиз, Каменев блан бирга, Мясниковни ва мясниковчиларни партиядан чиқарганимиз факт

эмасми? Биз уларни нима учун чиқардик? Уларнинг меньшевистик қарашлари партия қарашларига зид бўлганлиги учун чиқардик.

Биз ҳаммамиз, Каменев блан бирга, «ишчилар оппозициясининг» бир қисмини партиядан чиқарганимиз факт эмасми? Биз уларни нима учун партиядан чиқардик? Уларнинг меньшевистик қарашлари партиямизнинг қарашларига зид бўлганлиги учун чиқардик.

Оссовскийни, Дашковскийни партиядан нима учун чиқардик? Маслов, Рут Фишер, Кац ва бошқаларни Коминтерндан нима учун чиқардик? Уларнинг қарашлари Коминтерн идеологиясига, ВКП(б) идеологиясига зид бўлганлиги учун чиқардик.

Агарда партиямиз, ташкилотларимизнинг составида антиленинчи элементларнинг яшовига йўл қўйиш мумкин, деб ҳисобласа эди, партиямиз ленинчи партия бўлмас эди. Агар Каменев айтганидай бўлса, партиямизга меньшевикларни ҳам киритақолсак бўлар экан-да? Партиямиз сафида бўлганлари ҳолда, меньшевизмга томон юзтубан кетган, ўзларининг антиленинча қарашларини тарғиб қилаётган одамларни нима қилиш керак? Бундай одамларнинг Ленин партиясига қандай алоқаси бўлиши мумкин? Каменев, меньшевиклар нуқтаи назарида турадиган ва бу нуқтаи назарни тарғиб қиладиган одамларнинг партиямиз составида бўлишларига тоқат қилиш мумкин, деб партиямизга туҳмат қилади, партиямиз традициялари блан алоқани узади, большевизм традициялари блан алоқани узади. Каменев ва у блан бирга бутун оппозиция партиямизнинг революцион традицияларини поймол қилганлари учун,— худди мана шунинг учун партия-

миз, оппозиция ўзининг антиленинча қарашларидан воз кечсин, деган масалани қўяди.

в) **Оппозициянинг сохта принципиаллиги.** Каменевнинг айтишича, унинг ва бошқа оппозициячиларнинг ўз қарашларидан воз кечишлари қийин эмиш, чунки оппозициячилар ўз қарашларини большевикчасига ёқлашга ўрганиб қолган эмишлар. Унинг гапича, агар оппозиция ўз қарашларидан воз кечса, бу — оппозициянинг принципсизлиги бўлар эмиш. Бундан чиқадики, оппозиция лидерлари жуда ҳам принципиал кишилар эканлар-да. Бу тўғрими, ўртоқлар? Улар, я'ни оппозиция лидерлари, ҳақиқатан ҳам ўз принциплари, ўз қарашлари, ўз э'тиқодларининг қадрига шу қадар етадиган кишиларми? Бу ҳақиқатдан жуда узоқ, ўртоқлар. Оппозицион блокнинг тузилиши тарихини кўздан кечирсак, бунинг ҳақиқатдан узоқлигини очиқ кўрамиз. (Кулги.) Иш тамоман бунинг тескарисича. Тарих кўрсатади, фактлар кўрсатадики, ҳали ҳечким бир хил принциплардан иккинчи хил принципларга оппозициямизнинг лидерларидек тез ва осонгина ўтиб кетаберган эмас, ҳали ҳечким ўз қарашларини улардек бемалол ва осонгина ўзгартираберган эмас. Шундай бўлгач, улар ҳозир ҳам, партия манфаатлари талаб қилган экан, ўз қарашларидан воз кечсалар нима бўлипти?

Троцкизм тарихидан бирнеча мисол келтираман.

Ма'лумки, Ленин, партияни уюштираётган вақтда, 1912 йилда Прагада большевиклар конференциясини чақирди. Ма'лумки, бу конференция партиямиз тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлди, чунки у большевиклар блан меньшевикларни бир-биридан ажратди ва бутун мамлакатдаги большевистик ташкилотларни бир бутун большевистик партия қилиб бирлаштирди.

Ма'лумки, ўша 1912 йилда Троцкий бошлиқ Август блокининг меньшевистик кенгаши бўлди. Шу ҳам ма'лумки, бу кенгаш большевиклар конференциясига уруш э'лон қилиб, ишчи ташкилотларини Ленин партиясини тугатишга чақирди. Ўша вақтда Троцкийнинг Август блоки кенгаши Прагадаги большевиклар конференциясини нимада айблаган эди? Большевиклар конференцияси устига дун'ёдаги ҳамма гуноҳларни юклаган эди. Кенгаш конференцияни зўровонликда, сектантликда, «давлат ўзгариши» уюштиришда, яна алланима балоларда айблаган эди.

Август блокининг кенгаши II Интернационалга юборган арзномасида Прагадаги большевиклар конференцияси тўғрисида қуйидагиларни ёзган эди:

«Кенгаш билдирадики, бу конференция (1912 йилда Прагада бўлиб ўтган большевиклар конференцияси. **И. Ст.**) англаб-билиб туриб атайин партияни ажралишга олиб борган **биртўда кишиларнинг партия байроғига зўровонлик блан эга бўлиб олиш учун очиқдан-очиқ қилган ҳаракатларидир,** кенгаш бирнеча партия ташкилотининг ва бирнеча ўртоқнинг бу **ёлғонга** алданганлиги ва шу блан **Ленин сектасининг** ажратиш ва зўровонлик қилиш сиёсатига ёрдам берганлиги муносабати блан чуқур таассуф билдиради. Кенгаш, Россиядаги ва четэллардаги барча партия ташкилотлари **ўтказилган давлат ўзгаришига** қарши норозилик билдирурлар, конференция сайлаган марказий ташкилотларни **тан-олмаслар** ва ҳақиқатан ҳам умумий партия конференцияси чақириш воситаси блан партиянинг бирлигини тиклашга бутун чоралар блан ёрдам берурлар, деб ишонч билдиради». (Август блокининг II Интернационалга юборган арзномасидан, 1912 йил 26 мартда «Форвертс»да босилган.)

Кўриб турибсизки, бунда ҳамма гап: Ленин сектаси деган гап ҳам, зўровонлик деган гап ҳам, партияда **«давлат ўзгариши»** деган гап ҳам бор.

Хўш, охири нима бўлди? Орадан бирнеча йил ўтгач, Троцкий большевиклар партиясига бўлган бу қарашларидан воз кечди, ҳатто воз кечиш блангина ҳам қолмади, балки большевиклар партиясига ялиниб-ёлвориб бош уриб келди, большевиклар партиясига кириб, унинг актив а'золаридан бири бўлиб олган бўлди. (Кулги.)

Мана шуларнинг ҳаммасидан кейин, Троцкий ва троцкийчилар партиямизда термидорлик ҳатти-ҳаракатлари, зўровонлик қилиш ва бошқалар борлиги тўғрисидаги қарашларидан яна бир мартаба воз кечмаслар, деб ўйлаш учун қандай асос бор?

Ўша соҳадан иккинчи бир мисол.

Ма'лумки, 1924 йилнинг охирида Троцкий «Октябрь сабоқлари» деган брошюра нашр қилди. Ма'лумки, бу брошюрада Троцкий Каменев блан Зиновьевни партиямизнинг ўнг, ярим меньшевистик қаноти деб та'рифлаган эди. Ма'лумки, Троцкийнинг бу брошюраси партиямизда бутун бир мунозарага сабаб бўлди. Хўш, натижа нима бўлди? Бир йил ўтмаган ҳам эдики, Троцкий ўз қарашларидан воз кечиб, Зиновьев блан Каменевни партиямизнинг ўнг қаноти эмас, балки сўл, революцион қаноти деб э'лон қилди.

Яна бир мисол, буниси энди Зиновьев группаси тарихидан олинган. Ма'лумки, Зиновьев блан Каменев троцкизмга қарши бирқанча брошюралар ёздилар. Ма'лумки, 1925 йилда Зиновьев блан Каменев, бутун партия блан бирликда, троцкизм блан ленинизмнинг бир-бирига тамоман зид эканини э'лон қилдилар. Ма'лумки, Зиновьев блан Каменев, бутун партия блан бирликда, партиямизнинг с'ездларида ҳам, Коминтернинг V конгрессида ҳам троцкизмнинг майда буржуа

оғмачилиги эканлиги тўғрисида резолюциялар қабул қилдилар. Хўш, натижа нима бўлди? Шундан бир йил ўтар-ўтмас, улар ўз қарашларидан қайтиб, ўз қарашларидан воз кечиб, Троцкий группасини партиямиз составида чинакам ленинчи ва революцион группа деб э'лон қилдилар. (О в о з: «Бир-бирларининг гуноҳларини кечибдилар-да!».)

Ўртоқлар, фактлар ана шундай, агар истак бўлса, бу фактлардан яна бир қанчасини келтириш мумкин.

Бу ерда Каменев мақтаниб гапирган оппозиция лидерларининг юксак принципиаллиги ҳақидаги сўзлар ҳақиқатга асло тўғри келмайдиган афсона эканлиги шундан равшан эмасми?

Бизнинг партиямизда ҳали ҳечкимнинг ўз принципларидан Троцкий, Зиновьев ва Каменевлар дарров ва осонгина воз кечгани каби воз кечмагани равшан эмасми? (К у л г и.)

Шундай савол туғилади: ўз принципларидан, ўз қарашларидан бирнеча марта воз кечган оппозиция лидерлари ўз принциплари ва қарашларидан яна бир марта воз кечаолмаслар деб ўйлаш учун қандай асос бор?

Оппозиция ўзининг меньшевистик қарашларидан воз кечсин деган талабларимиз оппозиция лидерлари учун Каменев тасвирлаб кўрсатишга тиришган даражада оғир эмаслиги равшан эмасми? (К у л г и.) Улар ўз қарашларидан биринчи марта воз кечаётганлари йўқ-ку,— улар ўз қарашларидан яна бир марта воз кечсалар нима бўлибди? (К у л г и.)

г) **Ё партия, ёки оппозиция.** Каменев, оппозиционерлардан партиянинг идеологияси ва программасига зид бўлиб қолган ўзларининг ба'зи қарашларидан воз кечишни талаб қилиб бўлмайди, деб ишонтиришга

тиришади. Оппозицион блокнинг ўтмишини ва ҳозирги аҳволини назарга олганимизда, Каменев айтган бу гапнинг жуда сийқа бир гап эканлиги ма'лум бўлади, мен бу ҳақда юқорида айтган эдим. Майли, бир минутгагина бўлса ҳам, Каменевнинг гапи тўғри деб фараз қилайлик. Бундай ҳолда натижа нима бўлади? Партия, бизнинг партиямиз, ўз қарашлари, э'тиқодлари, принципларидан воз кечаоладими? Партиямиздан ўз қарашларидан, ўз принципларидан воз кечишни талаб қилиш мумкинми? Партияда, оппозиция ўзининг антиленинча бўлган қарашларидан воз кечиши лозим, воз кечмас экан, партиядан чиқиб кетишга мажбур бўлади, деган муайян қат'ий бир фикр ҳосил бўлган эди. Модомики оппозициянинг ўз қарашларидан воз кечишини талаб қилиш мумкин эмас экан, нима учун партиянинг оппозиция тўғрисидаги фикр ва қарашларидан воз кечишини талаб қилиш мумкин бўлсин? Ҳолбуки, Каменевнинг фикрича, оппозиция ўзининг антиленинча қарашларидан воз кечаолмас эмиш, партия эса, оппозиция ўзининг антиленинча қарашларидан воз кечмагани тақдирда уни партияда қолдириш мумкин эмас, деган фикридан воз кечиши лозим эмиш. Бу ерда мантиқ деган нарса қани, ахир? (К у л г и. Қ а р с а к л а р.)

Каменев, оппозициячилар ўз қарашларини провардигача ёқлайдиган мард кишилар, деб ишонтиришга уринади. Мен оппозиция лидерларининг мардлигига ва ўз принципларида маҳкам турадиган кишилар эканликларига жуда кам ишонаман. Айниқса мен, масалан, Зиновьев ёки Каменевнинг мардлигига ишонмайман, десам бўлади (к у л г и), улар кечагина Троцкийни сўкиб келган бўлсалар, бугун у блан оғиз-бурун

ўпишаётирлар. (Овоз: «Майнабозчиликка ўрганиб қолибдилар-да!».) Майли, бир минутгина бўлса ҳам, биздаги оппозициянинг лидерларида ҳали мардликдан ва принципда маҳкам туришдан жиндаккина қолган, деб фараз қилайлик. Партиямизнинг мардлиги ва ўз принципида маҳкам туриши Зиновьевдагига, Каменевдагига ёки Троцкийдагига қараганда камроқ деб ўйлаш учун қандай асос бор? Партиянинг оппозиция тўғрисидаги, оппозициянинг меньшевистик қарашлари партия идеологияси ва программасига зид эканлиги тўғрисидаги фикрларидан воз кечиши ўз фикрларини ҳадеб ўзгартираберадиган оппозиция лидерларининг ўз қарашларидан воз кечишига қараганда осонроқ деб ўйлаш учун қандай асос бор? (Кулги.)

Каменевнинг партиямиздан оппозиция ва унинг меньшевистик хатолари тўғрисидаги фикрларидан воз кечишини талаб қилганлиги шундан равшан эмасми? Каменев бу талаби блан жуда ҳаддан ошиб кетаётмаганмикан? У бу қадар ҳаддан ошиб кетишнинг хавфли эканлигини э'тироф этмасмикан?

Масала бундай турибди: ё партия, ёки оппозиция. Ё оппозиция ўзининг антиленинча қарашларидан воз кечади, ёки воз кечмайди,— воз кечмас экан, партияда ундан ҳатто асар ҳам қолмайди. (Овозлар: «Тўғри!». Қарсаклар.)

д) **Оппозиция большевизм традициялари блан алоқани узди.** Каменев, большевизм традицияларида партия а'золарининг ўз қарашларидан воз кечишини талаб қилиш деган нарса йўқ, деб да'во қилади. Нотиқлар бунинг нотўғри эканлигини тўла исбот қилдилар. Фактлар Каменевнинг очиқдан-очиқ нотўғри гапирганини кўрсатади.

Лекин бундай бир масала бор: большевизм традицияларида оппозиция йўл қўйиб келган ва йўл қўйиб келаётган бемазагарчиликлар бўлганми? Оппозиция фракция тузди ва уни большевистик партиямиз ичида партияга айлантирди. Броқ большевизм традицияларининг кимга бўлмасин бундай нома'қулчилик қилишга йўл қўйганлиги ҳечбир эшитилган гапми? Партияда ажралишга ҳамда партия ичида янги, антибольшевистик партия ташкил қилишга йўл қўятуриб, большевизм традициялари тўғрисида оғиз очишга қандай тил борди экан?

Сўнгра. Оппозиция буржуа интеллигентлар блан иттифоқ бўлиб олиб яширин босмахона ташкил қилди, буржуа интеллигентлар эса, ўз навбатида, ашаддий оқгвардиячилар блан иттифоқ бўлиб чиқдилар. Ўз-ўзидан савол туғилади: партияга ва Совет ҳокимиятига тўғридан-тўғри хиёнат қилиш даражасига бориб етган бу нома'қулчиликка йўл қўйган ҳолда, большевизм традициялари тўғрисида оғиз очишга қандай тил борди экан?

Ниҳоят, оппозиция «кўчага» мурожаат қилиб, пролетар бўлмаган элементларга мурожаат қилиб, партияга қарши, советларга қарши намойиш ташкил қилди. Ўз партиянгга қарши, ўз Совет ҳокимиятингга қарши «кўчага» мурожаат қилган ҳолда, большевизм традициялари тўғрисида гапиришга қандай тил борди экан? Тўғридан-тўғри контрреволюционлик даражасига бориб етган бундай нома'қулчиликка большевизм традицияларининг йўл қўйганлиги ҳечбир эшитилганми?

Каменев большевизм традициялари тўғрисида гапирар экан, ўз антибольшевистик группасининг

манфаатларини кўзда тутиб, шу традициялар блан алоқани узганлигини яшириш учун бундай қилаётганлиги равшан эмасми?

Оппозициянинг «кўчага» мурожаат қилишидан ҳеч нарса чиқмади, чунки у жуда кичик бир группадангина иборат бўлиб чиқди. Лекин бу унинг айби эмас, балки шўри. Башарти оппозициянинг кучи бирмунча кўпроқ бўлса, нима бўлар эди? «Кўчага» мурожаат қилишнинг тўғридан-тўғри Совет ҳокимиятига қарши фитнага айланиб кетиши равшан эмасмиди? Тўғрисини айтганда, оппозициянинг бу ҳаракати сўл эсерларнинг 1918 йилги ма'лум ҳаракатидан сра фарқ қилмаганлигини тушуниш қийинми? (Овозлар: «Тўғри!».) Қоидага мувофиқ, бундай ҳаракатлар учун биз оппозициянинг актив ходимларини 7 ноябрьда қамоққа олишимиз керак эди. (Овозлар: «Тўғри!». Узоқ давом этган қарсаклар.) Биз фақат оппозицияга раҳм қилганимиз, олийжаноблик кўрсатганимиз ва уларнинг хўб ўйлаб кўришларига имкон бермоқчи бўлганимиз учунгина бу ишни қилмадик. Улар бўлса бизнинг олийжаноблигимизни кучсизликка йўйибдилар.

Каменевнинг большевизм традициялари тўғрисидаги гаплари оппозициянинг большевизм традициялари блан алоқани узганлигини яшириши лозим бўлган бекорчи ва ёлғон сафсата гаплар эканлиги равшан эмасми?

е) **Сохта бирлик ва чинакам бирлик тўғрисида.** Каменев бу ерда бирлик ҳақида роса сайради. У, партиянинг ёрдамга келишини ва «ҳарқандай қилиб бўлса ҳам» бирлик ўрнатувини ёлвориб сўраб, кўп нола қилди. Гўё улар, я'ни оппозиция лидерлари, икки партия бўлиш сиёсатига қарши эмишлар. Гўё улар «ҳар-

қандай қилиб бўлса ҳам» партия бирлигига тарафдор эмишлар. Ҳолбуки, бизга аниқ ма'лум бўлишича, Каменев бу ерда партиянинг бирлиги ҳақида сайраб турган вақтда унинг ҳамфикрлари ўзларининг яширин мажлисларида оппозициянинг бирлик тўғрисидаги гаплари ўз кучларини сақлаб қолишга ва ажратучилик сиёсатини давом этдиришга мўлжалланган бир манёвр эканлиги ҳақида резолюция чиқараётган эдилар. Бир томондан, оппозициячилар Ленин партиясининг с'ездида бирлик ҳақида [illegible]нг урадилар. Иккинчи томондан — оппозициячилар партияни ажратиш, иккинчи партия тузиш, партия бирлигини қақшатиш йўлида яширин ишламоқдалар. Бу нарса уларда «ҳарқандай қилиб бўлса ҳам» бирликни сақлаш деб аталади. Бу жиноятқорона қаллобликка хотима бериш вақти келган эмасми?

Каменев бирлик тўғрисида гапирди. Ким блан бир бўлиш керак? Партия блан бирликми ёки Шербаков бланми? Ленинчилар блан жаноб Шербаковларни бир партияга бирлаштириб бўлмаслигини тушуниш вақти келмадими?

Каменев бирлик тўғрисида гапирди. Ким блан бир бўлиш керак? Маслов ва Суварин бланми ёки Коминтерн ва ВКП(б) бланми? Маслов ва Суварин блан бир бўлиб туриб, ВКП(б) ва Коминтерн блан бир бўлиш тўғрисида гапириб бўлмаслигини тушуниш вақти келмадими? Ленинча қарашларни оппозициянинг меньшевистик қарашлари блан бирлаштириш мумкин эмаслигини тушуниш вақти келмадими?

Ленин блан Абрамовични бирлаштирмоқчиларми? Бас энди, ўртоқлар! Бу қаллобликни ташлаш вақти келди!

Шунинг учун ҳам мен, Каменевнинг «ҳарқандай қилиб бўлса ҳам» бирликни сақлаш кераклиги тўғрисидаги гаплари партияни алдаш мақсадини кўзда тутган мунофиқона найранг, деб ўйлайман.

Бизга бирликбозлик эмас, балки чинакам бирлик керак. Партиямизда чинакам, ленинча бирлик борми? Ҳа, бор. Модомики партиямизнинг 99% партияга тарафдор бўлиб ва оппозицияга қарши овоз берган экан, бу — партиямизда ҳалигача мисли кўрилмаган чинакам ва ҳақиқий пролетарча бирликдир. Мана бу с'ездимиз, составида битта ҳам оппозициячи делегат бўлмаган партия с'ездидир. (Қ а р с а к л а р.) Бу — ленинчи партиямизнинг бирлиги бўлмай, нима ахир? Буни бизда большевистик партиянинг ленинча бирлиги дейилади.

ж) **«Оппозицияга—энди бас!»** Партия оппозицияни Ленин йўлига солиб юбориш учун мумкин бўлган ҳамма чорани кўрди. Партия оппозицияга хўб ўйлаб, хатоларини тузатишга имкон бериш учун жуда кўп мурувват ва олийжаноблик кўрсатди. Партия оппозицияга ўзининг антиленинча қарашларидан бутун партия олдида ошкора ва астойдил воз кечишни таклиф этди. Партия оппозицияга ўз хатоларини бўйнига олишни ва бу хатоларидан биратўласи қутилиш учун бу хатоларни қоралашни таклиф этди. Партия оппозицияга ғоявий жиҳатдан ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам батамом қуролсизланишни таклиф этди.

Партия бу блан нимага эришмоқчи? Партия оппозицияга хотима бериб, ижобий ишга киришмоқчи. Партия оппозицияни ахир тугатиб, буюк қурилиш ишимизга қунт блан киришиш имкониятига эга бўлмоқчи.

Ленин X с'ездда бундай деган эди: «Эндиликда оппозициянинг кераги йўқ... энди оппозициянинг йўқ бўлиш вақти келди, энди бас, эндиликда биз оппозициядан тўйдик!»[86].

Партия Ленин томонидан майдонга ташланган бу шиорнинг партиямиз қаторларида ниҳоят амалга оширилишини истайди. (Узоқ давом этган қарсаклар.)

Оппозиция қуролсизланса,— яхши. Қуролсизланишни истамас экан — ўзимиз қуролсизлантирамиз. (Овозлар: «Тўғри!». Қарсаклар.)

III
ЯКУН

Каменевнинг нутқидан кўриниб турибдики, оппозиция батамом қуролсизланиш ниятида эмасга ўхшайди. Оппозициянинг 3 декабрьдаги аризаси ҳам шуни кўрсатади. Афтидан, оппозиция партиядан чиқиб қолишни афзал кўраётган бўлса керак. Хайр, майли,— партиядан чиқиб қолса қолаберсин. Агар улар партиядан чиқиб қолишни афзал кўрар эканлар, ўзларини партиядан бегона қилишни истар эканлар, бунинг ҳечқандай қўрқинчли жойи ҳам, ҳечқандай ғайритабиий жойи ҳам, ҳечқандай ажабланадиган ери ҳам йўқ. Партиямизнинг тарихини кўздан кечирсак, доим партиямиз ҳаётидаги ма'лум жиддий бурилиш пайтларида, эски лидерлардан ма'лум бир қисмининг большевистик партия аравасидан тушиб қолиб, жойни янги кишиларга бўшатиб берганлиги очиқ ма'лум бўлади. Бурилиш — жиддий иш, ўртоқлар. Бурилиш партия аравасида маҳкам ўтирмаган кишилар учун хавфлидир. Бурилиш вақтида ҳарким ҳам ўзини маҳкам тутиб қолабермайди.

Аравани буриб юбориб, орқангга қараб боқсанг, ба'зи бировларнинг аравадан тушиб қолганлигини кўрасан. (Қарсаклар.)

1903 йилни, партиямизнинг иккинчи с'езди даврини олайлик. Бу давр — партиянинг либераллар блан муроса қилишдан либерал буржуазияга қарши кескин кураш олиб боришга томон, чоризм блан курашиш учун тайёргарлик олиб боришдан чоризмни ва феодализмни батамом тор-мор келтириш учун чоризмга қарши очиқдан-очиқ курашишга томон бурилиш даври эди. У вақтда партия тепасида олти киши: Плеханов, Засулич, Мартов, Ленин, Аксельрод, Потресов турар эди. Бурилиш бу олти кишининг бешови учун ҳалокатли бўлиб чиқди. Улар аравадан тушиб қолдилар. Лениннинг бир ўзи қолди. (Қарсаклар.) Шундай бўлдики, партиянинг эски лидерлари, партияга асос солганлар (Плеханов, Засулич, Аксельрод) ва шулар блан бирга ёшлардан икки киши (Мартов, Потресов) ёшлардан Лениннинг бир ўзига қарши бўлиб чиқдилар. Ўша вақтда партиянинг ҳалок бўлиши, партиянинг бардош бераолмаслиги, эски лидерларсиз ҳечнарса чиқмаслиги тўғрисида қанча дод-вой, фар'ёд-фиғон кўтарилганини билсангиз эди. Броқ нола ва фиғонлар йўқ бўлиб кетди. Фактлар эса қолди. Фактлар шундан иборат эдики, партия ҳалиги беш кишининг кетиб қолиши орқасидагина очиқ йўлга чиқиб олаолди. Ҳозир ҳарбир большевикка равшанки, Ленин беш кишига қарши қат'ий кураш олиб бормаганида, беш киши сиқиб чиқарилмаганида, партиямиз пролетарларни буржуазияга қарши революцияга бошлаб бораоладиган большевиклар партияси бўлиб жипслашаолмас эди. (Овозлар: «Тўғри!».)

Кейинги даврни, я'ни 1907—1908 йилларни олайлик. Бу давр партиямизнинг чоризмга қарши очиқдан-очиқ революцион кураш олиб боришдан курашнинг айланма йўлларига, страхование кассаларидан тортиб, Дума трибунасигача ҳамма ва ҳарқандай легал имкониятлардан фойдаланиш йўлига томон бурилиш даври эди. Бу давр 1905 йилги революцияда енгилганимиздан кейин чекиниш даври эди. Бу бурилиш биздан, кучларимизни йиғиб олиб, чоризмга қарши яна очиқдан-очиқ революцион кураш олиб бориш учун, курашнинг янги методларини билиб олишимизни талаб қилган эди. Броқ бу бурилиш бирқанча эски большевиклар учун ҳалокатли бўлиб чиқди. Аравадан Алексинский тушиб қолди. Бир вақтлар у тузуккина большевик эди. Богданов тушиб қолди. У партиямизнинг энг жиддий лидерларидан бири эди. Партиямиз Марказий Комитетининг собиқ а'зоси Рожков тушиб қолди. Ва ҳоказо. Ўша вақтда партиямизнинг ҳалок бўлиши тўғрисида кўтарилган дод-фар'ёдлар, нола-фиғонлар 1903 йилдагидан кам бўлмаган эди. Броқ дод-фар'ёдлар йўқ бўлиб кетди. Фактлар қолди. Фактлар эса шуни кўрсатдики, партиямиз ўзини иккилануччи ва революция ишига тўсқинлик қилучи кишилардан тозаламаганда, янги кураш шароитида очиқ йўлга чиқиб ололмаган бўлар эди. Ўша вақтда Ленин нимага эришмоқчи эди? Фақат бир нарсага: беқарор ва нолийдиган элементларнинг оёқ остида ўралишиб юрмасликлари учун, партияни бу элементлардан тезроқ тозалашга эришмоқчи эди. (Қ а р с а к л а р.)

Бизнинг партиямиз ана шундай ўсди, ўртоқлар.

Бизнинг партиямиз тирик организмдир. Ҳарқандай организмда бўлгани сингари, унда ҳам модда

алмашиниш ҳодисаси бўлиб туради: эски, умри тугаб бораётганлар,— чиқиндига чиқади (қ а р с а к л а р), янги, ўсиб бораётганлар,— яшайди ва ривожланади. (Қ а р с а к л а р.) Юқорида ҳам, пастда ҳам бировлар сафдан чиқиб кетади. Юқорида ҳам, пастда ҳам янгилар ўсиб-етишиб, ишни олдинга қараб элтади. Партиямиз ана шундай ўсди. Бундан кейин ҳам шундай ўсади.

Революциямизнинг ҳозирги даври тўғрисида ҳам шуни айтмоқ керак. Ҳозир биз саноатни ва қишлоқ хўжалигини тиклашдан бутун халқ хўжалигини реконструкциялаш, уни янги техника базасида қайта қуриш томонига бурилиш даврини, социализм қурилиши фақат истиқболгина бўлиб қолмасдан, балки ички ва ташқи аҳволимиздаги жуда жиддий қийинчиликларни енгишни талаб қиладиган жонли амалий ишимиз бўлиб қолган бир пайтдаги шундай бурилиш даврини кечирмоқдамиз.

Сизларга ма'лумки, бу бурилиш янги қийинчиликлардан чўчиб қолган ва партияни таслимчилик томонига бурмоқчи бўлган оппозиция лидерлари учун ҳалокатли бўлиб чиқди. Эндиликда аравада маҳкам ўтиришни истамаган ба'зи лидерлар аравадан тушиб қолар эканлар, бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Бу нарса партияни, оёқ остида ўралишиб юрган ва унинг илгари боришига тўсқинлик қилаётган одамлардан қутқазади, холос. Афтидан, улар партиямиз аравасидан чинданига қутилмоқчи бўлсалар керак. Хайр, майли, агар увадага айланаётган эски лидерлардан ба'зилари аравадан тушиб қолгулари келган бўлса,— ана катта кўча! (У з о қ д а в о м э т г а н г у л д у р о с қ а р с а к л а р. Б у т у н с ' е з д ў р н и д а н т у р и б, ў р т о қ С т а л и н г а о в а ц и я қ и л а д и.)

„СТАЛИН МАҚОЛАЛАРИ“ ДЕГАН СОХТАГАРЧИЛИК ТЎҒРИСИДА ЧЕТЭЛ МАТБУОТИ ВАКИЛЛАРИГА БАЁНОТ

Четэл матбуоти (Ассошиейтед Пресс, Вольф агентлиги, «Нейе Фрейе Прессе»[87] ва ҳоказолар) Москвадаги вакилларининг «Сталин мақолалари» деган сохтагарчилик муносабати блан берган саволларига жавобан қуйидагиларни айтишни лозим гопаман.

«Нью-Йорк Америкен»[88], Уайд Уорлд Ньюс агентлиги ёки Англо-Америкен Ньюс Пейпер Сервис кабилардаги сохтагарчилик блан шуғулланучилар томонидан тарқатилган ёлғон-яшиқ гапларни: СССРнинг «ҳаво кучлари» тўғрисида, Совет ҳокимиятининг «православия черкови» блан «ярашганлиги» тўғрисида, СССРдаги «нефть корхоналарининг» капиталистларга «қайтариб берилиши» тўғрисида «Сталин мақолалари» деган ва шунга ўхшаган ўрни-тагида йўқ ёлғон-яшиқ гапларни энди ҳозир рад қилиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Рад қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чунки бу жанобларнинг ўзлари матбуотда ўз-ўзларини фош қилдилар, улар ҳархил ёлғон-яшиқ гапларни бозорга чиқариб сотиб кун кўрадиган, сохтагарчиликни ўзларига касб қилиб олган қаллоблар эканликларини

ўзлари фош қилдилар. Бизнинг кўз ўнгимиздаги бу зотлар матбуот намояндалари эмас, балки сотқин қаламкашлар эканлигини англаш учун, бу жанобларнинг яқинда матбуотда э'лон қилган ва ўзларининг қаллоблик ишларини «оқлаш»га уринган «баёнот»ларига кўз ташлашнинг бир ўзиёқ кифоя қилади.

Шунга қарамай, мен матбуот вакилларининг берган саволларига жавобан қат'ий суратда қуйидагиларни баён қиламан:

а) гўё мен блан суҳбат қилган «Герман Готфрей» деган одамни, ёки четэл матбуоти вакилларидан бошқа бирон-бир кишини мен ҳечбир қачон ўрни-тагида кўрган эмасман;

б) мен сўнгги йил ичида на бу жаноблар блан, на четэл матбуоти вакилларидан бошқа бирон бир киши блан ҳечқандай суҳбатда бўлган эмасман;

в) мен на «Москва Советининг президиуми»да бўлсин ва на партиянинг «Москва Комитети»да бўлсин ҳечқачон, на СССРда «нефть корхоналарининг» капиталистларга «қайтариб берилиши» тўғрисида, на «православия черкови» тўғрисида, на СССРнинг «ҳаво кучлари» тўғрисида ҳечқандай нутқ сўзлаган эмасман;

г) мен матбуотга ҳечқачон мана шу руҳда ҳечқандай «мақола» ёки «заметка» берган эмасман.

«Нью-Йорк Америкен», Уайд Уорлд Ньюс ва Англо-Америкен Ньюс Пейпер Сервисдаги жаноблар «Сталин мақолалари» деган сохтагарчиликни, Москва ўша кезда рад қилмаган эди, деб да'во қилиб, газетхонларни алдамоқдалар. СССРнинг «ҳаво кучлари» тўғрисида ва «православия черкови» блан «ярашиш» тўғрисида деган сохта «мақолалар» Москвада 1927 йилнинг ноябри охирларида ма'лум бўлди. Ташқи

ишлар халқ комиссарлиги бу «мақолалар»нинг сохта мақола эканлигини ўша кездаёқ фош қилган, буни Ассошиейтед Прессниng Москвадаги вакилига, жаноб Резвикка ма'лум қилган эди. Жаноб Резвик бунга асосланиб, ўша вақтда, 1 декабрьда, Ассошиейтед Пресс агентлигига қуйидагича телеграмма юборган эди:

«Бугун менга Ташқи ишлар халқ комиссарлигида шуни ма'лум қилдиларки, бу ердагилар Сталин номини қўйиб мақолалар тарқатилишига хотима бериш учун «Нью-Йорк Америкен» газетасини ва умуман Херст газеталарини Нью-Йоркда суд жавобгарлигига тортиш масаласини жиддий суратда ўйлаб турибдилар экан. Ҳукумат идоралари айниқса «Нью-Йорк Америкен»нинг 6 ноябрьдаги сонида: «Черковдан Советларни қувватлаш учун фойдаланиш» деган ном блан босилган, гўё Москва президиуми мажлисида Сталиннинг қилган яширин доклади, дейилган мақолага қарши жуда қаттиқ э'тироз билдирадилар. Ташқи ишлар халқ комиссарлигининг баёнотига кўра, бу мақолалар бошдан-оёқ тўқиб чиқарилган мақолалардир. Резвик, 1927 йил 1 декабрь».

Бу телеграмма Америка Қўшма Штатларида босиб чиқарилдими? Агар босиб чиқарилмаган бўлса, бунинг сабаби нима? Бунинг сабаби Резвик жанобларининг телеграммаси э'лон қилинса америкали венгер ёки венгрияли американ жаноб Корданинг даромад манбаига зарар етиши мумкин бўлганлигидан эмасмикин?

«Нью-Йорк Америкен» газетаси, Сталин блан бўлган «суҳбат», Сталин «мақоласи» деган, ўрни-тагида бўлмаган ёлғон-яшиқ гаплар, сохтагарчиликлар воситаси блан бойиб олишга биринчи мартаба ҳаракат қилаётгани йўқ. Масалан, «Нью-Йорк Америкен»нинг 1927 йил июньда, «Англия блан ора узилиши» тўғрисида, «жаҳон революциясидан» воз кечиш

тўғрисида, Аркоснинг тинтув қилиниши тўғрисида ва шу кабилар тўғрисида қандайдир Сесиль Винчестер, деган бир зотнинг «Сталин блан қилган суҳбати» деган сохта, ўрни-тагида бўлмаган «суҳбат»ини э'лон қилгани менга ма'лум. Газеталардан мақолалар кесиб олиб юбориб турадиган Аргус бюроси ўша кезда шу муносабат блан менга мурожаат қилиб, «суҳбат»нинг рост-ёлғонлигини тасдиқлашимни ва бюро блан алоқада бўлиб туришимни илтимос қилган эди. Мен ҳалиги «суҳбат»нинг қаллоблик мақсади блан қилинган сохтагарчилик эканлигига амин бўлганлигимдан, Нью-Йоркда чиқадиган «Дейли Уоркер»[89] газетасига ўша кездаёқ қуйидаги раддияни юборган эдим:

«Ҳурматли ўртоқлар! Газеталардан мақолалар кесиб олиб юбориб турадиган Аргус бюроси менга «Нью-Йорк Америкен» газетасидан кесиб олинган (1927 йил 12 июнь), гўё менинг қандайдир Сесиль Винчестер деган зот блан қилган суҳбатим дейилган мақола юборди. Шу хатим блан қат'ий ма'лум қиламанки, ҳечқандай Сесиль Винчестер деган одамни ҳеч қачон, ўрни-тагида кўрган эмасман, на унинг блан ва на бошқа бирон-бир киши блан ҳечқандай суҳбат **қилган эмасман ва** «Нью-Йорк Америкен» блан мутлақо ҳечқандай алоқам йўқ. Агар газеталардан мақолалар кесиб олиб юбориб турадиган Аргус бюроси муттаҳамлар ва қаллоблар бюроси бўлмаса, у ҳолда, бу бюрони «Нью-Йорк Америкен» блан алоқада бўлган муттаҳам қаллоблар ва иғвогарлар чалкаштирибди. И. Сталин, 1927 йил 11 июль».

Лекин шунга қарамай, жаноб Корда уюшмасидаги қаллоблар ўзларининг сохтагарчилик ишларини давом этдирмоқдалар...

Бу сохтагарчиликнинг ма'носи нимада? Корда ва шериклари ўзларининг бу сохтагарликлари блан нимага эришмоқчи бўладилар? Балки, олди-қочди гаплар блан ном чиқармоқчидирлар? Йўқ, фақат олди-қочди гаплар блан ном чиқаришгагина эмас. Уларнинг мақсади — Женевада СССР делегациясининг батамом қуролсизланиш тўғрисидаги декларацияси блан қозонган жуда катта та'сирига зарба беришдир.

Улар бу мақсадларига эришаоладиларми? Эришаолмайдилар, албатта! Қаллоблик фош қилинади (у ҳозироқ фош қилинган), фактлар эса фактлигича қолаберади. Факт эса шундан иборатки, СССР бутун дун'ёда чинакам тинчлик сиёсати олиб бораётган ягона бир мамлакатдир, СССР бутун дун'ёда чинакам қуролсизланиш масаласини ҳалол туриб қўяётган ягона бир мамлакатдир.

Капитал агентларининг СССРнинг тинчлик сиёсатига қарши курашларида турли-туман саёқ шахслар ва сотқин қаламкашлар ёрдамига мурожаат қилишга мажбур бўлганликлари факти,— бу факт СССР делегациясининг қуролсизланиш масаласида Женевада тутган позициясининг ма'навий қудрати ва принципиал кучини ҳамма нарсадан кўра яхшироқ кўрсатиб туради.

И. Сталин

1927 йил 16 декабрь

„Правда" № 293,
1927 йил 18 декабрь

ИЗОҲЛАР

1 ВҚП(б) Марказий Қомитети блан Марказий Контроль Комиссиясининг қўшма пленуми 1927 йил 29 июль — 9 августда бўлди. Пленум халқаро аҳвол масаласини, 1927/28 йил учун хўжалик директивалари масаласини, Марказий Контроль Комиссияси — Ишчи-Деҳқон Инспекциясининг иши масаласини, партиянинг XV с'езди масаласини, Зиновьев блан Троцкийнинг партия интизомини бузгани ҳақидаги масалаларни муҳокама қилди. Пленумнинг 1 августдаги мажлисида И. В. Сталин «Халқаро аҳвол ва СССР мудофааси» деган мавзу'да нутқ сўзлади. 2 августда пленум И. В. Сталинни халқаро аҳвол ҳақидаги резолюцияни тайёрловчи комиссиянинг а'зоси қилиб сайлади. Совет Иттифоқига янги уруш таҳдиди кучайганини та'кидлаб, пленум троцкийчи-зиновьевчи блокнинг мағлубиятчилик позициясини қоралади ва Совет Иттифоқининг мудофаасини кучайтириш учун барча чораларни кўриш вазифасини қўйди. Пленум 1927/28 йил учун хўжалик директивалари берди ва оппозициянинг иқтисодий сиёсат соҳасидаги таслимчилик йўлининг тамоман банкрот бўлганини та'кидлади. Марказий Контроль Комиссияси — Ишчи-Деҳқон Инспекциясининг иши ҳақидаги қарорида пленум давлат аппаратининг ишини янада яхшилаш программасини белгилади. Зиновьев ва Троцкийнинг партия интизомини бузганликлари ҳақида Г. К. Оржоникидзенинг қилган доклади юзасидан бўлган музокаралар вақтида, пленумнинг 5 августдаги мажлисида И. В. Сталин нутқ сўзлади. 6 августда пленум И. В. Сталинни Г. К. Оржо-

никидзе доклади юзасидан резолюция тайёрлаш комиссиясига сайлади. Пленум троцкийчи-зиновьевчи блок лидерларининг жинояткорона фаолиятини фош қилди ва Троцкий блан Зиновьевни ВКП(б) Марказий Комитети составидан чиқариш масаласини қўйди. Фақат шундан сўнггина оппозициянинг лидерлари 8 августда пленумга «ариза» бердилар, бу аризада улар иккиюзламалик блан ўзларининг ҳатти-ҳаракатларини қораладилар ва фракцион йўл тутишдан воз кечганликларини билдирдилар. Пленумнинг 9 августдаги мажлисида И. В. Сталин оппозициянинг «ариза»си тўғрисида нутқ сўзлади. Пленум Троцкий ва Зиновьевга огоҳлантириб қаттиқ виговор э'лон қилди, троцкийчи-зиновьевчи блок лидерларига фракцияни дарҳол тарқатиб юбориш мажбуриятини юклади ва барча ташкилотларни, партиянинг барча а'золарини партияда бирлик ва темир интизомни қаттиқ сақлашга чақирди. (ВКП(б) Марказий Комитети блан Марказий Контроль Комиссияси пленумининг резолюцияларини «ВКП(б) с'ездлар, конференциялар, Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорларида», II қисм, 1941, 170—194 бетлардан қаралсин).— *3*.

2 Пилсудскийнинг Польшада 1926 йил май ойида қилган қуролли ўзгариши кўзда тутилади. Ўзгариш натижасида Пилсудский ва унинг шайкасининг диктатураси режими ўрнатилган эди. Пилсудский ва унинг шайкаси мамлакатни аста-секин фашистлаштирабошлаган эди. (Пилсудский ўзгариши ҳақида И. В. Сталин. Асарлар, 8 том, 189—194 бетларга қаралсин).— *6*.

3 Сўз Вена пролетариатининг 1927 йил 15—18 июльдаги революцион чиқиши устида боради. Бирнеча ишчини ўлдирган фашистлар группасининг Вена суди томонидан оқлаб юборилиши бу чиқишга сабаб бўлди. Стихияли суратда келиб чиққан бу чиқиш полиция ва қўшинга қарши кўча жанглари олиб борилган қўзғолонга айланиб кетди. Қўзғолон Австрия социал-демократияси йўлбошчиларининг хиёнати натижасида бостирилди.— *7*

4 Австрия социал-демократик партиясининг 1916 йилда пайдо бўлган, Ф. Адлер блан О. Бауэр бошчилигидаги «сўл» қаноти

кўзда тутилади. Социал-демократик «сўллар» революцион гаплар блан ниқобланиб, амалда ишчиларнинг манфаатларига қарши чиқар эдилар ва шунинг учун социал-демократиянинг энг хавфли қисми ҳисобланар эдилар.—*8.*

5 Англияда бўлган ялпи ишташлаш ва кон ишчиларининг ишташлаши корхона хўжайинларининг ишчиларни моддий томондан яна ҳам сиқиб қўйиш йўлида қилган уринишлари сабабли бошланиб кетди. Кон ишчилари иш ҳақининг қисқартирилиши ва иш кунининг узайтирилишига кўнмаганликлари учун шахта хўжайинлари локаут э'лон қилдилар, бунга жавобан кон ишчилари 1926 йил 1 майда иш ташладилар. Кон ишчилари блан бирдамликни билдириш мақсадида 3 майда ялпи ишташлаш бошланди, бунда саноат ва транспортнинг муҳим тармоқларида ишловчи бирнеча миллион уюшган ишчилар қатнашдилар. 12 майда, ишчилар курашининг энг қизиган вақтида, инглиз тред-юнионлари Генсоветнинг лидерлари ялпи ишташлашни тугаган деб э'лон қилиб, иш ташлаган ишчиларга хиёнат қилдилар. Броқ кон ишчиларининг кураши давом қилди. Фақат ҳукумат ва корхона хўжайинлари томонидан кўрилган жазо чоралари ва моддий аҳволнинг оғирлигигина кон ишчиларини 1926 йил ноябрида ишташлашни тўхтатишга ва шахта хўжайинларининг шартларига кўнишга мажбур қилди. (Англияда ялпи ишташлаш ҳақида И. В. Сталин. Асарлар, 8 том, 175—189 бетларга қаралсин).—*9.*

6 Генсовет (Генерал Совет) — инглиз тред-юнионлари конгрессининг ижроия органи; биринчи марта 1921 йилда сайланган эди.— *9.*

7 **«Коммунистический Интернационал»** — журнал, Коммунистлар Интернационали Ижроия Комитетининг органи. Журнал рус, француз, немис, инглиз ва бошқа тилларда 1919 йил майдан 1943 йил июньга қадар чиқиб турди. Журнал Коминтерн Ижкоми Президиумининг 1943 йил 15 майда Коммунистлар Интернационалини тарқатиб юбориш ҳақида чиқарган қароридан сўнг чиқмай қолди.— *11.*

8 Брандлерчилик — Германия коммунистлар партияси ичидаги ўнг оппортунистик оқим. Бу оқимнинг номи 1922—1923 йиллар-

да Германия компартиясида раҳбарлик лавозимида турган ва ўнглар группасига бошчилик қилган Брандлернинг фамилиясидан олинган. Брандлерчиларнинг таслимчилик сиёсати ва уларнинг социал-демократиянинг раҳбар доиралари блан ҳамкорлик қилишлари — Германия ишчилар синфини 1923 йилги революцияда мағлубиятга олиб келди. 1929 йилда Брандлер партияга қарши фракцион фаолияти учун коммунистик партия сафидан чиқарилди.— *11.*

9 В. И. Ленин «Пролетариатнинг мазкур революциядаги вазифалари ҳақида» (Асарлар, 3 нашри, XX том, 87—90 бетларга қаралсин).— *18.*

10 1925 йил 19 июньда бошланган хитой ишчиларининг Гонконг ишташлаши 16 ой давом этди. Ишташлаш сиёсий тусда бўлиб, четэл империализмининг зулмига қарши қаратилган эди.— *19.*

11 Гоминдан — Хитойдаги сиёсий партия бўлиб, Сун Ят-сен томонидан республика учун ва мамлакатнинг миллий мустақиллиги учун кураш мақсадида 1912 йилда тузилган эди. Хитой коммунистлар партиясининг Гоминданга кириши (1924 йил) Гоминданнинг оммавий халқ-революцион партияга айланишига йўл очди. 1925—1927 йилларда Хитой революцияси тараққийсининг биринчи босқичида, ҳали бу революция бирлашган умуммиллий фронтнинг империализмга қарши революцияси бўлган даврда, Гоминдан пролетариат, шаҳар ва қишлоқ майда буржуазияси ҳамда қисман йирик миллий буржуазия блокининг партияси эди. Революциянинг иккинчи босқичида, аграр революция, буржуа-демократик революция даврида, миллий буржуазиянинг контрреволюция лагерига ўтиб кетганидан сўнг, Гоминдан пролетариат, деҳқонлар ва шаҳар майда буржуазиясининг блокидан иборат бўлиб, антиимпериалистик революцион сиёсат олиб борди. Бир томондан, аграр революциянинг авж олиб кетиши ва феодалларнинг Гоминданни сиқиштиришлари, иккинчи томондан, Гоминдандан коммунистлар блан алоқани узишни талаб қилган империалистларнинг сиқуви майда буржуа интеллигентларини (Гоминдан сўллари) чўчитиб қўйди, улар контрреволюция томонига ўтиб кетдилар.

Сўл гоминданчилар революциядан юз ўгирабошлаган вақтларида (1927 йилнинг ёзи), коммунистлар Гоминдандан чиқдилар, Гоминдан эса революцияга қарши кураш марказига айланди (Гоминдан ҳақида И. В. Сталин. Асарлар, 9 том, 271—281, 378—387 бетларга қаралсин).— *20*.

12 И. В. Сталин. Асарлар, 8 том, 415, 419 бетларга қаралсин.— *24*.

13 1927 йил 12 апрельда Чан Кай-ши бошлиқ ўнг гоминданчилар томонидан қилинган Хитойдаги контрреволюцион ўзгариш кўзда тутилади. Ўзгариш натижасида Нанкинда контрреволюцион ҳукумат тузилган эди (Чан Кай-ши ўзгариши ҳақида И. В. Сталин. Асарлар, 9 том, 253—255 бетларга қаралсин).— *25*.

14 В. И. Ленин. «Миллий ва мустамлака масаласи ҳақидаги тезисларнинг дастлабки хомаки лойиҳаси» (Асарлар, 3 нашри, XXV том, 285—290 бетларга қаралсин).— *26*.

15 Хитой масаласи юзасидан Коминтерн Ижрокоми кенгайтирилган VI пленумининг шарқ комиссияси томонидан тайёрланган резолюция 1926 йил 13 мартдаги ялпи мажлисда қабул қилинган эди («Коминтерн Ижрокомининг кенгайтирилган VI пленуми. Тезис ва резолюциялар». М.—Л., 1926, 131—136 бетларга қаралсин).— *26*.

16 1925—1927 йиллардаги Хитой революциясининг тараққийси масаласи юзасидан ёзилган мақолаларидан бирида А. Мартинов (собиқ меньшевик, партиянинг XII с'езди томонидан РКП(б) қаторига қабул қилинган) Хитой революциясининг буржуа-демократик революциядан пролетар революциясига тинч йўл блан ўтиши мумкин деган фикрни илгари сурган эди. Троцкийчи-зиновьевчиларнинг антисовет блоки Мартиновнинг бу хато фикри учун жавобгарликни Коминтерн ва ВКП(б) нинг раҳбарлари устига юклашга ҳаракат қилди.— *27*.

17 И. В. Сталин. Асарлар, 9 том, 397 бетга қаралсин.— *36*.

18 В. И. Ленин. Асарлар, 3 нашр, XX том, 91—93 бетларга қаралсин.— *36.*

19 В. И. Ленин. Асарлар, 3 нашр, XXI том, 33—38 бетларга қаралсин.— *41.*

20 Инглиз-Совет ёки Инглиз-Рус бирлик комитети (Буюк Британия ва СССР касаба ҳаракатининг бирлашган маслаҳат комитети) ВЦСПС ташаббуси блан 1925 йил 6—8 апрельда Лондонда бўлган инглиз-рус касаба союзлари конференциясида барпо қилинган эди. Комитет составига ВЦСПС вакиллари ва инглиз тред-юнионлари конгресси Генсоветининг вакиллари кирдилар. 1927 йилнинг кузида инглиз тред-юнионлари реакцион лидерларининг хиёнаткорлик сиёсатлари натижасида комитет ўз ишини тўхтатди. (Инглиз-Рус комитети ҳақида И. В. Сталин. Асарлар, 8 том, 207—217, 220—229 бетларга қаралсин).—*44.*

21 В. И. Ленин. Асарлар, 3 нашр, XXV том, 165—250 бетларга қаралсин.—*46.*

22 И. В. Сталин. Асарлар, 4 том, 266—267 бетларга қаралсин.—*52.*

23 СССР ОГПУ коллегиясининг ҳукми блан 1927 йил 9 июньда террорчилик, диверсиячилик ва жосуслик қилганликлари учун 20 монархист-оқгвардиячининг отиб ўлдирилгани назарда тутилади, булар СССРга четэл давлатларининг разведкаси томонидан юборилган эдилар. Отиб ўлдирилганлар орасида собиқ рус князьлари ва дворянлари, йирик помешчиклар, саноатчилар, савдогарлар ва чор армиясининг гвардиячи офицерлари бор эди.—*54.*

24 Керзон ультиматуми — Англия ташқи ишлар министри Керзоннинг 1923 йил 8 майдаги нотаси, бу нотада СССРга қарши яна интервенция очилишини билдириб, дўқ урилган эди.—*57.*

25 **«Социалистический Вестник»** — меньшевик-оқ эмигрантлар журнали; 1921 йил февральдан 1933 йил мартгача Германияда, кейинчалик — Францияда ва Америка Қўшма Штатларида

чиқиб турди. «Социалистический Вестник» реакцион оқ эмигрантларнинг фикр тарқатучиси эди.—*68.*

26 **«Руль»** — кадет-оқ эмигрантлар газетаси; газета 1920 йил ноябрьдан 1931 йил октябрьгача Берлинда чиқиб турди.—*68.*

27 И. В. Сталин. «Шарқ халқлари университетининг сиёсий вазифалари тўғрисида» (Асарлар, 7 том, 150—174 бетларга қаралсин).—*84.*

28 В. И. Ленин. «Европа Қўшма Штатлари шиори ҳақида» (Асарлар, 3 нашр, XVIII том, 232—233 бетларга ва 4 нашр, 21 том, 311 бетга қаралсин).—*85.*

29 1925 йил 27—29 апрельда бўлиб ўтган РКП(б)нинг XIV конференцияси томонидан қабул қилинган «Коминтерн Ижрокомининг кенгайтирилган пленуми чақирилиши муносабати блан Коминтерн ва РКП(б)нинг вазифалари ҳақида» деган резолюция кўзда тутилади («ВКП(б) с'ездлар, конференциялар, Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорларида», II қисм, 1941, 25—31 бетларга қаралсин).—*86.*

30 Гап ВКП(б)нинг 1925 йил 18—31 декабрьда бўлиб ўтган XIV с'езди томонидан Марказий Комитет ҳисоботи юзасидан қабул қилинган резолюция ҳақида боради («ВКП(б) с'ездлар, конференциялар, Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорларида», II қисм, 1941, 47—53 бетларга қаралсин).—*86.*

31 ВКП(б)нинг 1926 йил 26 октябрьдан 3 ноябрьгача бўлиб ўтган XV конференциясида қабул қилинган «ВКП(б)даги оппозицион блок ҳақида» деган резолюция кўзда тутилади («ВКП(б) с'ездлар, конференциялар, Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорларида», II қисм, 1941, 148—155 бетларга қаралсин).—*86.*

32 Коминтерн Ижрокомининг 1926 йил 22 ноябрьдан 16 декабрьгача бўлиб ўтган кенгайтирилган VII пленуми томонидан рус масаласи юзасидан қабул қилинган резолюция кўзда тутила-

ди («Коминтерн Ижрокомининг кенгайтирилган еттинчи пленумининг тезис ва резолюциялари. М.—Л., 1927, 60—70 бетларга қаралсин).— *86.*

33 Гап Коминтерннинг 1924 йил 17 июньдан 8 июльгача бўлиб ўтган V конгресси томонидан рус масаласи юзасидан қабул қилинган резолюция ҳақида боради («Коммунистлар Интернационалининг V жаҳон конгресси. Тезис, резолюция ва қарорлар». М., 1924, 175—186 бетларга қаралсин).— *90.*

34 В. И. Ленин. Асарлар, 3 нашр, XXVII том, 391—397 бетларга қаралсин.— *94.*

35 «Оссовскийчилик» — СССРда троцкийчилар партияси ташкил қилишни асослашга урунучи контрреволюцион «назария». Бу «наразия»нинг автори троцкийчи Оссовский 1926 йил августида ВКП(б) дан ўчирилган.— *99.*

36 «Партия бирлиги ҳақида» деган резолюция кўзда тутилади, бу резолюция 1921 йил 8—16 мартда бўлиб ўтган РКП(б)нинг X с'езди томонидан қабул қилинган («ВКП(б) с'ездлар, конференциялар, Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорларида», 1 қисм, 1941, 364—366 бетларга қаралсин).— *101.*

37 «Рабочая правда» группаси — контрреволюцион яширин группа; 1921 йилда пайдо бўлди. Бу группанинг а'золари РКП(б) сафидан чиқарилган эдилар.— *108.*

38 Генуя конференцияси — халқаро иқтисодий конференция; 1922 йил 10 апрельдан 19 майгача Генуя (Италия)да бўлиб ўтди. Конференцияда, бир томондан, Англия, Франция, Италия, Япония ва бошқа капиталистик давлатлар, иккинчи томондан, Совет Россияси иштирок қилдилар. Конференциянинг очилиши вақтида совет делегацияси Европани тиклашнинг кенг программасини ўртага қўйди ва умумий қуролсизланиш лойиҳасини илгари сурди. Совет делегациясининг таклифи рад қилинди. Капиталистик мамлакатларнинг вакиллари совет делегацияси олдига шундай талаблар қўйдиларки, бу талаблар бажарилгулек бўлса, Совет мамлакати ғарбий европа капиталининг

мустамлакасига айланиб кетган бўларди (бу талаблар: уруш давридаги ва урушгача бўлган барча қарзларни тўлаш, национализация қилинган мулкларни четэлдаги эгаларига қайтариб бериш ва ҳоказолар). Совет делегацияси четэл капиталистларининг да'воларини рад қилди.— *146.*

39 Сўз реформист касаба союзларининг халқаро уюшмаси ҳақида боради, бу ташкилот 1919 йил июлида Амстердам (Голландия) конгрессида ташкил қилинган эди. Амстердам интернационали реформистлик сиёсатини олиб борди, буржуазия блан очиқдан-очиқ ҳамкорлик қилди, ишчиларнинг революцион ҳаракатига қарши курашди ва Совет Иттифоқига душманлик кўзи блан қаради. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Амстердам интернационали амалда ўз фаолиятини тўхтатди; касаба союзларининг жаҳон федерацияси ташкил қилиниши муносабати блан 1945 йил 14 декабрьда расмий жиҳатдан тугатилди.— *152.*

40 Америка меҳнат федерацияси — Америка Қўшма Штатларидаги касаба союзларидан бир қисмининг уюшмаси, 1881 йилда тузилган. Федерация раҳбарлари Америка Қўшма Штатлари касаба союзлари ҳаракатидаги америка империализмининг агентлари бўлиб, жаҳон ишчилар ҳаракатида ажратучилик ишлари олиб борадилар.— *152.*

41 1925 йил 10—21 июльда Теннесси штатида (Америка Қўшма Штатлари) суд процесси бўлиб ўтди, бу процесс ҳақида хабарлар кенг тарқалди. Колледжда Дарвиннинг эволюция та'лимотини ўқитгани учун суд жавобгарлигига тортилган ўқитучи Джон Скопс америка реакционер-жоҳиллари томонидан штат қонунларини бузганликда айбланди ва штраф тўлашга ҳукм қилинди.— *156.*

42 И. В. Сталин. «Шарқ халқлари университетининг сиёсий вазифалари тўғрисида» (Асарлар, 7 том, 157—158 бетларга қаралсин).— *173.*

43 И. В. Сталин. «Шарқ халқлари университетининг сиёсий вазифалари тўғрисида» (Асарлар, 7 том, 156 бетга қаралсин).— *173.*

44 В. И. Ленин. «Социалистик революция ва миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқи» (Асарлар, 3 нашр, XIX том, 40 бетга ва 4 нашр, 22 том, 135 бетга қаралсин).— *174.*

45 ВКП(б) Марказий Комитети блан Марказий Контроль Комиссиясининг қўшма пленуми 1927 йил 21—23 октябрьда бўлди. Пленум ВКП(б)нинг XV с'езди кун тартибига қўйиладиган масалалар юзасидан ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг таклиф қилган тезислари лойиҳасини муҳокама қилди ва тасдиқлади, бу масалалар: халқ хўжалиги бешйиллик планини тузиб чиқиш ва қишлоқда ишлаш юзасидан директивалар бериш; пленум докладчиларни тасдиқлади, мунозара ҳақида ва XV с'ездга тақдим этилган тезисларни партия мажлисларида ва матбуотда муҳокама қилиш учун э'лон қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ўн йиллигини нишонлаб ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети қабул қилган Манифестга қарши, айниқса унинг етти соатлик иш кунига ўтиш ҳақидаги бандига қарши троцкийчи-зиновьевчи оппозиция лидерларининг хуруж қилиши муносабати блан, пленум бу масалани муҳокама қилди ва махсус қарор қабул қилиб, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг Манифест чиқаришдаги ташаббусини ва шу блан бирга ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети Манифестининг ўзини ҳам тўғри деб топди. Пленум Троцкий ва Зиновьевни ВКП(б) Марказий Комитети блан Марказий Контроль Комиссиясининг август (1927 йил) пленумидан сўнгги фракцион фаолияти ҳақида Марказий Контроль Комиссияси Президиумининг докладини эшитди. Бу масалани муҳокама қилиш вақтида, пленумнинг 23 октябрьдаги мажлисида И. В. Сталин «Троцкийчи оппозиция аввал ва ҳозир» деган нутқини сўзлади. Алдамчилик қилганлари ва партияга қарши фракциячилик кураши олиб борганлари учун пленум Троцкий блан Зиновьевни Марказий Комитет составидан чиқарди ва троцкийчи-зиновьевчи оппозиция лидерларининг партияни ажратиб юборучилик фаолияти ҳақидаги барча материалларни кўриб чиқишни XV с'ездга ҳавола қилиш ҳақида қарор қабул қилди. (**Пленумнинг резолюция ва қарорларини «ВКП(б)**

с'ездлар, конференциялар ва Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорларида», II қисм, 1941, 195—220 бетлардан қаралсин).—*200.*

46 В. И. Ленин. «Большевиклар партиясининг а'золарига мактуб» ва «РСДРП Марказий Комитетига мактуб» (Асарлар, 3 нашр, XXI том, 350—352, 353—356 бетларга қаралсин).—*205.*

47 В. И. Ленин. РКП(б) Марказий Комитетининг сиёсий фаолияти ҳақида 1921 йил 8 мартда қилинган ҳисобот (Асарлар, 3 нашр, XXVI том, 207—208 бетларга қаралсин).—*213.*

48 В. И. Ленин. РКП(б) Марказий Комитетининг ҳисоботи юзасидан 1921 йил 9 мартда сўзланган охирги сўз (Асарлар, 3 нашр, XXVI том, 222, 228 бетларга қаралсин).—*213.*

49 **«Новая жизнь»** — меньшевиклар газетаси, 1917 йил апрелидан бошлаб Петроградда чиқиб турди; 1918 йил июлида ёпилди.—*222.*

50 Мясников группаси — ўзини «ишчи группаси» деб атаган контрреволюцион яширин группа. Группани 1923 йилда Москвада РКП(б)дан ўчирилган Г. Мясников ва бошқалар тузган ва группага уюшган кишилар жуда оз бўлган. Группа шу йилнинг ўзидаёқ тугатилган.—*223.*

51 **«Форвертс»** («Vorwärts») — газета, герман социал-демократиясининг марказий органи; 1876 йилдан 1933 йилгача чиққан. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг «Форвертс» газетаси антисовет пропагандасининг марказларидан бири бўлиб қолди.—*229.*

52 1924 йил 28 августда Грузияда бўлган контрреволюцион ис'ён кўзда тутилади, бу ис'ён империалистик давлатлар ҳамда II Интернационал лидерларининг директивларига мувофиқ иш кўрган ва уларнинг пуллари блан та'минланиб турган, тор-мор қилинган буржуа-миллатчи партияларнинг қолдиқлари томонидан ва Н. Жорданиянинг пули блан меньшевистик муҳожир «ҳукумати» томонидан ташкил қилинган эди. Ис'ён грузин ишчилари

ва меҳнаткаш деҳқонларининг актив қатнашуви блан эртаси куниёқ, 29 августда тугатилди.—*230.*

53 Хитой солдатлари ва полицияси отрядининг, Пекин (Бейпин)-даги совет ваколатхонасига 1927 йил 6 апрельда қилган қуролли хуружи кўзда тутилади, бу хуруж четэл империалистларининг топшириғига биноан Хитой блан СССР ўртасида ҳарбий низо' чиқариш мақсадида атайлаб уюштирилган эди.— *234.*

54 Лондондаги савдо ваколатхонасига ва Аркосга (Англия блан савдо ишлари олиб боручи Совет жамиятига) инглиз полициясининг қилган ҳужуми кўзда тутилади, бу ҳужум 1927 йил 12 майда инглиз консерваторлари ҳукумати томонидан уюштирилган.— *234.*

55 1927 йил кузида Францияда олиб борилган антисовет кампания кўзда тутилади. Бу кампанияни олиб боришга да'ват қилган француз ҳукумати ҳарқандай антисовет ҳаракатни қувватлар эди. Париждаги расмий совет вакиллари ва муассасаларини тўқиб остига олар ва Англиянинг СССР блан дипломатик алоқани узганига хайрихоҳлик блан қарар эди.— *234.*

56 Сменовеховчилар — 1921 йилда чет эллардаги рус оқгвардиячи интеллигентлар орасида пайдо бўлган буржуа сиёсий оқимининг вакиллари. Сменовеховчиларга «Смена Вех» журналини чиқаручи Н. Устрялов, Ю. Ключников ва бошқалар раҳбарлигидаги группа бошчилик қилар эди. Сменовеховчилар Совет Россиясидаги янги буржуазиянинг ва буржуа интеллигентларининг қарашларини ифода қилар эди, улар янги иқтисодий сиёсат жорий қилиниши муносабати блан совет тузумининг секин-аста буржуа демократияси руҳида ўзгариб кетишига умид боғлар эдилар. (Сменовеховчилар ҳақида В. И. Ленин. Асарлар, 3 нашр, XXVII том, 242—243 бетларга ва И. В. Сталин. Асарлар, 7 том, 381—382 бетларга ҳамда 9 том, 78—83 бетларга қаралсин).— *236.*

57 В. И. Ленин. Асарлар, 3 нашр, VI том, 155—336 бетларга ва 4 нашр, 7 том, 185—392 бетларга қаралсин.—*239.*

58 **«Фоссише Цейтунг»** («Vossische Zeitung») — немис буржуа газетаси; 1704 йилдан 1934 йил апрельга қадар чиқиб турди.— *250.*

59 Сакко ва Ванцетти — Америка Қўшма Штатларига кўчиб кетган итальян ишчилари. Сакко блан Ванцетти одам ўлдиришда ва таловчиликда сохта айб блан айбланиб 1920 йил 5 майда Броктонда (Массачусетс штати) қамоққа олинган ва 1921 йилда америка реакцион суди томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинган эдилар. Ҳукмга норозилик билдириш белгиси остида оммавий намойишлар, митинглар, стачкалар бўлиб ўтди, буларда бутун дун'ёнинг миллионлаб меҳнаткашлари иштирок қилдилар. 1927 йил 23 августда Сакко блан Ванцетти қатл қилиндилар.— *252.*

60 Ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Совети Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг чор ҳукуматининг давлат қарзларини бекор қилиш ҳақидаги декрети 1918 йил 21 январьда қабул қилинди.— *269.*

61 Поль Лафарг. «Революциянинг эртаси кунида» (Асарлар, 1 том, 1925, 329—330 бетларга қаралсин).— *280.*

62 В. И. Ленин. «Империализм капитализмнинг юқори босқичи» (Асарлар, 3 нашр, XIX том, 77 бетга ва 4 нашр, 22 том, 182 бетга қаралсин).— *290.*

63 Москва ҳарбий округининг округ VII партия конференцияси 1927 йил 15—17 ноябрьда бўлди. И. В. Сталиннинг табриги конференциянинг 17 ноябрь эрталабки мажлисида ўқиб эшитдирилди.— *291.*

64 ВКП(б)нинг Москва губерна XVI конференцияси 1927 йил 20—28 ноябрьда бўлди. Конференция ВКП(б) Марказий Комитети блан Марказий Контроль Комиссиясининг докладини эшитди, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг умумий плани муносабати блан Москва губерна хўжалик қурилишининг истиқболини, ВКП(б) Москва Комитети ва Москва Контроль Комиссиясининг ҳисоботларини, қишлоқда ишлаш ҳақидаги докладни ва бошқа масалаларни муҳокама қилди.

Конференциянинг 23 ноябрь эрталабки мажлисида И. В. Сталин нутқ сўзлади. ВҚП(б) Марказий Комитети доклади юзасидан чиқарган резолюциясида конференция Марказий Комитетнинг сиёсий ва ташкилий фаолиятини ва унинг троцкийчилар оппозицияси ҳақидаги қарорини ма'қуллади. Конференция И. В. Сталинни ВҚП(б)нинг XV с'ездига вакил қилиб сайлади.— *292*.

65 В. И. Ленин. ««Озиқ-овқат солиғи ҳақида» брошюрасининг план ва конспектлари» (Асарлар, 3 нашр, XXVI том, 313 бетга қаралсин).—*296*.

66 В. И. Ленин. 1921 йил 5 июльда Коммунистлар Интернационалининг III конгрессида РКП(б) тактикаси ҳақида қилинган доклад (Асарлар, 3 нашр, XXVI том, 460 бетга қаралсин). —*299*.

67 В. И. Ленин. 1919 йил 18 мартда РКП(б)нинг VIII с'езди очилиши вақтида сўзланган нутқ (Асарлар, 3 нашр, XXIV том, 114 бетга қаралсин).— *299*.

68 В. И. Ленин. «Петербургда сайловлар ва 31 меньшевикнинг иккиюзламачилиги» (Асарлар, 3 нашр, X том, 303—315 бетларга ва 4 нашр, 12 том, 17—27 бетларга қаралсин).— *311*.

69 ВҚП(б)нинг XV с'езди 1927 йил 2—19 декабрьда Москвада бўлди. С'езд Марказий Комитетнинг сиёсий ва ташкилий ҳисоботларини, Марказий тафтиш комиссиясининг ҳисоботини, Марказий Контроль Комиссияси — Ишчи-Деҳқон Инспекциясининг ҳисоботини, Коминтерн Ижрокомидаги ВҚП(б) делегациясининг ҳисоботини, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бешйиллик планини тузиш юзасидан берилган директивани, қишлоқда ишлаш ҳақидаги докладни муҳокама қилди, с'езд комиссиясининг оппозиция ҳақидаги масала юзасидан қилган докладини эшитди ва партиянинг марказий муассасаларини сайлади. И. В. Сталин 3 декабрьда ВҚП(б) Марказий Комитетининг сиёсий ҳисоботини берди ва 7 декабрьда охирги сўзини сўзлади. 12 декабрьда с'езд И. В. Сталинни ВҚП(б)нинг Коминтерн Ижрокомидаги делегациясининг ишлари ҳақида резолюция тайёрловчи комиссияга сайлади. С'езд партия Марказий Комитетининг тутган сиёсий ва ташкилий йўлини

ма'қуллади ва унга бундан сўнг ҳам тинчлик ва СССРнинг мудофаа қобилиятини ошириб бориш сиёсатини давом этдиришни, мамлакатни тез сур'ат блан социалистик индустриялаш ишини давом этдиришни, шаҳар ва қишлоқда социалистик секторни кенгайтириш ҳамда кучайтириш ва халқ хўжалигида капиталистик элементларни тугатиш йўлини тутишни топширди. С'езд қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ишини кенг авж олдириб юбориш ҳақида қарор қабул қилди, колхоз ва совхозларни кўпайтириш планини белгилади ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йўлидаги курашнинг усуллари ҳақида кўрсатмалар берди. ВҚП(б)нинг XV с'езди партия тарихига коллективлаштириш с'езди бўлиб кирди. С'езд СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи бешйиллик планини тузиш ҳақида директива берди. С'езд ўзининг оппозиция ҳақидаги, троцкийчи-зиновьевчилар блокини тугатишга қаратилган қарорларида партия блан оппозиция орасидаги ихтилофлар программага оид ихтилофларга айланди, троцкийчилар оппозицияси советларга қарши кураш йўлига ўтиб олди деб та'кидлади ва троцкийчилар оппозициясига мансуб бўлган ва унинг қарашларини пропаганда қиладиган кишилар большевиклар партиясининг сафларида қолаолмайдилар деб билдирди. С'езд ВҚП(б) Марказий Комитети блан Марказий Контроль Комиссияси бирлашган мажлисининг Троцкий блан Зиновьевни партиядан ўчириш ҳақида чиқарган қарорини (1927 йил ноябрь) ма'қуллади ва троцкийчи-зиновьевчи блокнинг барча актив иштирокчиларини партиядан ўчириш ҳақида қарор қабул қилди. (ВҚП(б)нинг XV с'езди ҳақида «ВҚП(б) тарихи. Қисқа курс», 364—365 бетларга қаралсин. С'езднинг резолюция ва қарорларини «ВҚП(б) с'ездлар, конференциялар ва Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорларида», II қисм, 1941, 222—262 бетлардан қаралсин.)— *313.*

70 Дон экинлари: буғдой, жовдари, арпа, сули ва макка жухори кўзда тутилади.— *317.*

71 И. В. Сталин. 1925 йил 18 декабрьда ВҚП(б) XIV с'ездига Марказий Комитетнинг сиёсий ҳисоботи (Асарлар, 7 том, 289—438 бетларга қаралсин).—*318.*

72 Америка Қўшма Штатлари, Англия ва бошқа мамлакатлар банкирлари, саноатчилари ва коммерсантларининг 1926 йил октябрида э'лон қилинган декларацияси кўзда тутилади. Декларация Европа давлатлари томонидан жорий қилинган таможна тўсиқларини бекор қилинишини талаб этар эди, у аслда инглиз-америка молия капиталининг Европада ўз гегемониясини ўрнатиш йўлидаги бир уриниши эди.— *321.*

73 **«Уорлд'с Уорк»** («World's Work») — журнал, Америка Қўшма Штатлари йирик буржуазияси ҳукмрон доираларининг қарашларини ифода қилар эди; Гарден-сити шаҳрида (Нью-Йорк штати) 1899 йилдан 1932 йилгача чиқиб турди.— *324.*

74 Денгиз қуролларини камайтириш юзасидан бўлган уч мамлакат конференцияси Женевада (Швейцария) 1927 йил 20 июньдан 4 августгача бўлди. —*325.*

75 Қуролсизланиш масаласида бўладиган конференция олдидан 1927 йил 30 ноябрьда Женевада Миллатлар иттифоқи тайёргарлик комиссиясининг IV сессияси очилди. Комиссияда совет делегацияси декларация блан чиқди, бу декларацияда умумий ва тўлиқ қуролсизланиш программасини амалга ошириш таклиф қилинган эди. Қуролсизланиш ҳақидаги совет лойиҳаси рад қилинди.—*325.*

76 «Локарно системаси» — шартнома ва битимлар системаси, империалистик давлатлар томонидан 1925 йил 5—16 октябрьда Локарно (Швейцария) шаҳридаги конференцияда тузилган, бу шартнома ва битимлар Европада Версаль сулҳ аҳдномаси белгилаган урушдан кейинги тартибни мустаҳкамлашни ҳамда Германиядан Совет Иттифоқига қарши фойдаланишни кўзда тутиб тузилгандир. (Локарно конференцияси ҳақида И. В. Сталин. Асарлар, 7 том, 302, 304—305 бетларга қаралсин).—*326.*

77 1914 йил 28 июньда Сараевода (Босния) Австрия тахтининг вориси Франц-Фердинанднинг серб миллатчиси томонидан ўлдирилиши кўзда тутилади, бу воқиа 1914—1918 йиллардаги жаҳон империалистик урушининг бошланиб кетишига баҳона бўлди.— *328.*

78 1927 йилда Англия консерватив ҳукумати томонидан касаба союзлари ҳақида чиқарилган қонун штрейкбрехерчиликни рағбатлантирар, касаба союзларнинг сиёсий мақсадлар учун пул йиғиш ҳуқуқини чеклаб қўяр, давлат хизматчиларини тред-юнионлар конгресси ва лейбористлар партиясига бирлашадиган касаба союзларига а'зо бўлишларини тақиқлар эди. Бу қонун ҳукуматга ҳарқандай ишташлашни ҳам ғайри қонуний деб э'лон қилишга ҳуқуқ берар эди.— *329.*

79 «Миллатни қуроллантириш» ҳақидаги қонун, 1927 йил март ойида Францияда депутатлар палатаси томонидан қабул қилиниб, француз империализми ҳарбий машинасини қайтадан тузиш ва янги уруш тайёрлаш ҳақидаги умумий планнинг бир қисмидан иборат эди. Қонун: мамлакатни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ҳарбийлаштиришни, уруш бўлақолса метрополиянинг барча аҳолисини, шунингдек мустамлакаларнинг ҳам барча аҳолисини сафарбар қилишни, касаба союзлари ва бошқа ишчи ташкилотларини ҳарбийлаштирилишини, ишташлашлар ҳуқуқининг бекор қилинишини, доимий асосий армияни ортдиришни ва ундан Франция пролетариатининг ва мустамлакалардаги мазлум халқларнинг революцион ҳаракатларини бостириш учун фойдаланишини кўзда тутар эди.— *329.*

80 СССР дўстларининг бутун дун'ё конгресси 1927 йил 10—12 ноябрьда Москвада бўлди. Конгресс Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ўн йиллигини байрам қилиш муносабати блан Совет Иттифоқига келган четэл ишчи делегацияларининг ташаббуси блан чақирилган эди. Конгрессда 43 мамлакатдан 947 вакил қатнашди. Конгресс қатнашчилари СССРда социалистик қурилишнинг ўн йиллик якунлари ҳақида ва дун'ёдаги биринчи пролетар давлатини уруш хавфидан мудофаа қилиш ҳақида докладлар эшитдилар. Конгресс томонидан қабул қилинган хитобнома: «СССРни, меҳнаткашларнинг ватанини, тинчлик таянчини, озодлик ўчоғини, социализм қўрғонини барча воситалар блан, барча усуллар блан сақлангиз, мудофаа қилингиз, шу йўлда курашингиз!» — деган чақириқ блан тамомланган.—*331.*

[81] В. И. Ленин. ««Озиқ-овқат солиғи ҳақида» брошюрасининг план ва конспектлари» (Асарлар, 3 нашр, XXVI том, 312 бетга қаралсин).— ***372.***

[82] **«Труд»** — кундалик газета, ВЦСПС органи, 1921 йил 19 февральдан бери Москвада нашр қилинади.— ***374.***

[83] В. И. Ленин. Партиянинг XI с'ездида қилинадиган сиёсий доклад плани ҳақида В. М. Молотовга хат (Асарлар, 3 нашр, XXVII том, 207 бетга қаралсин).— ***376.***

[84] К. Маркс. «Луи Бонапартнинг ўн саккизинчи брюмери» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Икки томли сайланган асарлар, 1 том, 1948, 215 бетга қаралсин).— ***384.***

[85] В. И. Ленин. Асарлар, 3 нашр, XIX том, 324—325 бетларга ва 4 нашр, 23 том, 67 бетга қаралсин.— ***397.***

[86] В. И. Ленин. 1921 йил 9 мартда РҚП(б) X с'ездига Марказий Комитетнинг ҳисоботи юзасидан охирги сўз (Асарлар, 3 нашр. XXVI том, 228 бетга қаралсин).— ***431.***

[87] **«Нейе Фрейе Прессе»** («Neue Freie Presse») — буржуа-либераль газетаси; 1864 йилдан 1939 йил январигача Венада чиқиб турди. — ***435.***

[88] **«Нью-Йорк Америкен»** («New York American») — Америка реакционери Херст газетаси; 1882 йилдан 1937 йилгача Нью-Йоркда чиқиб турган. Охирги йилларда газета фашизмга тарафдорлик позициясини тутган.— ***435.***

[89] **«Дейли Уоркер»** («The Daily Worker») — газета, Америка Қўшма Штатлари Ишчи (коммунистлар) партиясининг марказий органи. Газета 1922 йилдан бошлаб Чикагода ҳафтада бир марта «Уоркер» номида чиқар эди, 1924 йилдан бошлаб «Дейли Уоркер» номида ҳаркун чиқади. 1927 йилдан буён Нью-Йоркда нашр этилади.— ***438.***

ТАРЖИМАИ ҲОЛГА ДОИР ҚИСҚАЧА МА'ЛУМОТ

(1927 йил август — декабрь)

29 июль — 9 август. — И. В. Сталин ВҚП(б) Марказий Комитети блан Марказий Контроль Комиссиясининг қўшма пленуми ишларига раҳбарлик қилади.

1 август. — И. В. Сталин ВҚП(б) Марказий Комитети блан Марказий Контроль Комиссияси қўшма пленуми мажлисида «Халқаро аҳвол ва СССР мудофааси» деган мавзу'да нутқ сўзлайди.

2 август. — И. В. Сталин ВҚП(б) Марказий Комитети блан Марказий Контроль Комиссиясининг қўшма пленуми мажлисида халқаро аҳвол ҳақидаги резолюция лойиҳасини таҳрир қилучи комиссияга сайланади.

5 август. — И. В. Сталин ВҚП(б) Марказий Комитети блан Марказий Контроль Комиссиясининг қўшма пленуми мажлисида Г. К. Оржоникидзенинг Зиновьев блан Троцкийнинг партия интизомини бузганликлари ҳақида қилган доклади юзасидан нутқ сўзлайди.

6—9 август. — И. В. Сталин ВҚП(б) Марказий Комитети блан Марказий Контроль Комиссияси қўшма пленумининг Зиновьев блан Троцкийнинг партия

интизомини бузганликлари ҳақидаги резолюция лойиҳасини тайёрловчи комиссияси ишида қатнашади.

9 август. И. В. Сталин ВҚП(б) Марказий Комитети блан Марказий Контроль Комиссиясининг қўшма пленуми мажлисида «Оппозициянинг 1927 йил 8 августдаги «ариза»си тўғрисида»ги нутқини сўзлайди.

11 август. И. В. Сталин ВҚП(б) Москва ташкилоти активининг ВҚП(б) Марказий Комитети блан Марказий Контроль Комиссияси қўшма август пленумининг қарорлари ҳақидаги докладни муҳокама қилган мажлисида иштирок қилади.

4 сентябрь. И. В. Сталин Халқаро ёшлар кунининг XIII йиллигида Москва Қизил майдонида бўлган ёшлар намойишида ҳозир бўлади.

9 сентябрь. И. В. Сталин биринчи Америка ишчи делегацияси блан суҳбат қилади.

16 сентябрь. И. В. Сталин М. И. Ульяновага хат ёзади. И. В. Сталин француз ёзучиси Анри Барбюс блан суҳбат қилади.

27 сентябрь. И. В. Сталин Коммунистлар Интернационали Ижроия Комитети Президиуми ва Интернационал Контроль Комиссиясининг қўшма мажлисида «Рус оппозициясининг сиёсий қиёфаси» деган нутқ сўзлайди.

30 сентябрь. И. В. Сталин Коминтерн Ижрокоми а'золарининг бир гуруҳи ва Германия коммунистлар партияси Марказий Комитетининг раиси Э. Тельман блан суҳбат қилади.

21—23 октябрь. И. В. Сталин ВҚП(б) Марказий Комитети блан Марказий Контроль Комиссиясининг қўшма пленуми ишларига раҳбарлик қилади.

23 октябрь. И. В. Сталин ВҚП(б) Марказий Комитети блан Марказий Контроль Комиссиясининг қўшма пленуми мажлисида «Троцкийчи оппозиция аввал ва ҳозир» деган нутқ сўзлайди.

ВҚП(б) Марказий Комитети блан Марказий Контроль Комиссиясининг қўшма пленуми И. В. Сталинни ВҚП(б) XV с'ездида Марказий Комитетнинг сиёсий ҳисоботи юзасидан докладчи қилиб тасдиқлайди.

26 октябрь. И. В. Сталин авиация саноатининг Москва давлат заводи ишчилари делегацияси блан суҳбат қилади.

Октябрь. И. В. Сталин «Октябрь революциясининг халқаро характери» мақоласининг конспектини ёзади.

3 ноябрь. ВҚП(б)нинг Красная Пресня район VIII конференцияси И. В. Сталинни ВҚП(б)нинг Москва губерна XVI конференциясига вакил қилиб сайлайди.

5 ноябрь. И. В. Сталин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ўн йиллигини байрам қилиш учун СССРга келган четэл ишчи делегациялари блан суҳбат қилади.

6 ноябрь. И. В. Сталин Москва Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ўн йиллигини байрам қилишга бағишланган тантанали мажлисида табрик нутқи сўзлайди.

6—7 ноябрь. И. В. Сталиннинг «Октябрь революциясининг халқаро характери. Октябрьнинг ўн йиллигига атаб» мақоласи «Правда»нинг 255 сонида босилди.

7 ноябрь. И. В. Сталин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ўн йиллиги шарафига Москва Қизил майдонида бўлган Москва шаҳар гарнизони қўшинлари паради ва меҳнаткашлар намойишида ҳозир бўлади.

9 ноябрь. И. В. Сталин Москвадаги Большой театр биносида бўлган СССР Осоавиахими Марказий Советининг тантанали мажлисида табрик нутқи сўзлайди, бу мажлис Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ўн йиллигига ва Совет Иттифоқида авиация қурилишининг якунларига бағишланган эди.

10 ноябрь. И. В. Сталин Союзлар Уйининг Колонна залида бўлган СССР дўстлари Бутун дун'ё конгрессининг биринчи мажлисида ҳозир бўлади.

16 ноябрь. И. В. Сталин бир гуруҳ ҳарбий ходимлар — Москва ҳарбий округи VII партия конференцияси вакиллари блан суҳбат қилади.

18 ноябрь. И. В. Сталиннинг Москва ҳарбий округи VII партия конференциясига юборган табриги «Красная Звезда» газетасининг 263 сонида босилиб чиқади.

19 ноябрь. ВКП(б) Ленинград область I конференцияси И. В. Сталинни ВКП(б) Ленинград область комитетига а'зо қилиб сайлайди.

23 ноябрь. И. В. Сталин ВКП(б) Москва губерна XVI конференциясида «Партия ва оппозиция» деган нутқ сўзлайди.

28 ноябрь. ВКП(б) Москва губерна XVI конференцияси И. В. Сталинни ВКП(б)нинг XV с'ездига вакил қилиб сайлайди.

2—19 декабрь. И. В. Сталин ВҚП(б)нинг XV с'езди ишларига раҳбарлик қилади.

3 декабрь. И. В. Сталин ВҚП(б) XV с'ездига Марказий Комитетнинг сиёсий ҳисоботини беради.

7 декабрь. И. В. Сталин ВҚП(б) XV с'ездига Марказий Комитетнинг сиёсий ҳисоботи юзасидан охирги сўз сўзлайди.

12 декабрь. Партиянинг XV с'езди И. В. Сталинни Коминтерн Ижрокомидаги ВҚП(б) делегациясининг ҳисоботи юзасидан резолюция тайёрловчи комиссияга сайлайди.

16 декабрь. И. В. Сталин «Сталин мақолалари» деган сохтагарчилик тўғрисида четэл матбуоти Москвадаги вакилларининг саволларига жавоб ёзади.

17 декабрь. И. В. Сталин ВҚП(б) XV с'ездининг Коминтерн Ижрокомидаги ВҚП(б) делегациясининг ҳисоботи юзасидан резолюция лойиҳасини тайёрловчи комиссияси мажлисида қатнашади.

19 декабрь. ВҚП(б)нинг XV с'езди И. В. Сталинни партия Марказий Комитетига а'зо қилиб сайлайди.

И. В. Сталин XV с'езд сайлаган ВҚП(б) Марказий Комитетининг пленуми ишларида қатнашади.

ВҚП(б) Марказий Комитетининг Марказий Контроль Комиссияси Президиуми а'золари иштирок қилган пленуми И. В. Сталинни Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросига, Ташкилот бюросига, Секретариатига а'зо қилиб сайлайди ва ВҚП(б) Марказий Комитетининг бош секретари қилиб тасдиқлайди.

МУНДАРИЖА

Бет

Сўзбоши VII

ВКП(б) МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА МАРКАЗИЙ КОНТРОЛЬ КОМИССИЯСИ ҚЎШМА ПЛЕНУМИ. *1927 йил 29 июль—9 август* . . . . . 3—110

Халқаро аҳвол ва СССР мудофааси. *1 августда сўзланган нутқ* . . . . . 5—72

I. Коминтерн секцияларига оппозициянинг қилган ҳужумлари 5

II. Хитой тўғрисида 13

III. Инглиз-Совет бирлик комитети тўғрисида. . 44

IV. Уруш таҳдиди ва СССР мудофааси тўғрисида 50

5 августдаги нутқ 73

Оппозициянинг 1927 йил 8 августдаги „аризаси“ тўғрисида. *9 августда сўзланган нутқ* 103

БИРИНЧИ АМЕРИКА ИШЧИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БЛАН СУҲБАТ. *1927 йил 9 сентябрь* . . . . . 111—172

I. Делегациянинг саволлари ва ўртоқ Сталиннинг жавоблари 111

II. Ўртоқ Сталиннинг саволлари ва делегатларнинг жавоблари 159

ЎРТОҚ М. И. УЛЬЯНОВАГА. ЎРТОҚ Л. МИХЕЛЬСОНГА ЖАВОБ 173

РУС ОППОЗИЦИЯСИНИНГ СИЁСИЙ ҚИЁФАСИ. *Коминтерн Ижроия Комитети Президиуми блан Интернационал Контроль Комиссияси қўшма мажлисида сўзланган нутқдан. 1927 йил 27 сентябрь* 177

„ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ХАЛҚАРО ХАРАКТЕРИ“ МАҚОЛАСИНИНГ КОНСПЕКТИ 195

ТРОЦКИЙЧИ ОППОЗИЦИЯ АВВАЛ ВА ҲОЗИР. *ВКП(б) Марказий Комитети блан Марказий Контроль Комиссиясининг қўшма пленуми мажлисида сўзланган нутқ. 1927 йил 23 октябрь* . . . . . 200—241

I. Ба'зибир майда масалалар. 200
II. Оппозициянинг „платформаси“ тўғрисида. . 207
III. Ленин мунозара ва умуман оппозиция тўғрисида 212
IV. Оппозиция ва „учинчи куч“ 214
V. Оппозиция с'ездга қандай „тайёрлик кўрмоқда“. 220
VI. Ленинизмдан троцкизмга 225
VII. Партиянинг кейинги йиллар ичида олиб борган сиёсатининг ба'зибир энг муҳим якунлари тўғрисида 229
VIII. Аксельрод томон орқага қайтиш 235

ЧЕТ ЭЛ ИШЧИЛАРИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ БЛАН СУҲБАТ. *1927 йил 5 ноябрь* 242

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ХАЛҚАРО ХАРАКТЕРИ. *Октябрьнинг ўн йиллигига атаб.* 278

МОСКВА ҲАРБИЙ ОКРУГИ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА . 291

ПАРТИЯ ВА ОППОЗИЦИЯ. *Москва губерна XVI партия конференциясида сўзланган нутқ. 1927 йил 23 ноябрь* 292—312

I. Мунозаранинг қисқача якунлари 292
II. Ишчилар синфи ва деҳқонлар 295
III. Партия ва пролетариат диктатураси . . . 302
IV. Революциямизнинг истиқболи 307
V. Хўш, энди нима қилиш керак? 310

ВКП(б) XV С'ЕЗДИ. *1927 йил 2—19 декабрь.* . . . . . 313—434

Марказий Комитетнинг сиёсий ҳисоби. *3 декабрь* . 315—413

I. Жаҳон капитализми кризисининг кучайиб бориши ва СССРнинг ташқи аҳволи . . . . . 315—339

1. Жаҳон капитализмининг экономикаси ва ташқи бозорлар учун курашнинг кескинлашуви 316
2. Капитализмнинг халқаро сиёсати ва янги империалистик урушларга тайёрланиш 321
3. Жаҳон революцион ҳаракатининг аҳволи ва янги революцион кўтарилиш аломатлари 328
4. Капитализм дунёси ва СССР. 332
5. Хулосалар 338

II. Социалистик қурилиш муваффақиятлари ва СССРнинг ички аҳволи . . . . . 339—37

1. Бутун халқ хўжалиги 341
2. Йирик социалистик саноатимизнинг ривожланиш сур'ати 348
3. Қишлоқ хўжалигимизнинг ривожланиш сур'ати . . 352
4. Синфлар, давлат аппарати, мамлакатнинг маданий жиҳатдан ўсиши 364

III. Партия ва оппозиция . . . . . 378—411

1. Партиянинг аҳволи 378
2. Мунозара якунлари 388
3. Партия блан оппозиция ўртасидаги асосий ихтилофлар 392
4. Хўш, энди нима қилиш керак? 405

IV. Умумий якун 411

Марказий Комитетнинг снёсий ҳисоби юзасидан охирги сўз. *7 декабрь* . . . . . 414—434

I. Раковскийнинг нутқи ҳақида 414
II. Каменевнинг нутқи ҳақида 417
III. Якун 431

„СТАЛИН МАҚОЛАЛАРИ" ДЕГАН СОХТАГАРЧИЛИК ТЎҒРИСИДА ЧЕТЭЛ МАТБУОТИ ВАКИЛЛАРИГА БАЁНОТ . . 435

Изоҳлар 440

Таржимаи ҳолга доир қисқача ма'лумот (1927 йил август—декабрь) 459

Тиражи 20 000
Теришга берилди 23/II 1950 й.
Босишга рухсат этилди
19/VI 1950 й.
Ҳажми 24,0 печ. л.
Зак. № 80.
Баҳоси 6 сўм.

*

ЎзССР Министрлар Совети
қарамоғидаги Ўзбекполиграфнашрнинг
№ 3 босмахонаси
Тошкент. Ленинград кўчаси, № 15.

И. СТАЛИН

10

МАРКС
ЭНГЕЛЬС
ЛЕНИН
ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН
ФИЛИАЛИ